

узв 2
49

Д-87-А

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



АЙЮБ ҒУЛОМОВ ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

ТОШКЕНТ- 2012

узб. 2
49

F-87-A

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АЙЮБ ҒУЛОМОВ ВА ЎЗБЕК
ТИЛШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

(Илмий маколалар тўплами)

764



Ўзбек тилшунослигининг турли соҳаларига оид мақолаларни ўз ичига камраб олган ушбу тўплам тилшунослик илми билан қизиқувчилар, бакалавр, магистр, стажёр-тадқиқотчи-изланувчи, катта илмий ходим ва тилшунос олимларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: филология фаилари доктори,
профессор Р.Сайфуллаева

Тақризчилар: филология фаилари доктори,
профессор Ё.Тоғиев

филология фаилари номзоди,
доцент М.Сапарийёева

Нашрга масъуллар: доцент Н.Алавутдинова
доцент Г.Келдиёрова
Х.Йўлдашова



ЯНА СЎЗ ТАРКИБИ, МОРФЕМА ТАСНИФИ, ЎЗАК МОРФЕМА, НЕГИЗ, ТУБ СЎЗ, АФФИКС (ҚЎШИМЧА) ҲАҚИДА

проф. Ё. Тоғжиев (ЎЗМУ)

Тилшуносликда *сўз таркиби* (ёки *сўз тузилиши*), *сўзнинг морфемик таркиби* (ёки *тузилиши*), *сўзнинг морфем таркиби* (ёки *тузилиши*), *сўзнинг сўз ясалиш таркиби* каби терминлар, айниқса, ХХ асрнинг ўрталаридан бошлаб жуда кенг қўллана бошлади ва бу ҳаммага маълум. Булардан *сўз таркиби* (ёки *сўз тузилиши*) терминлари кенг камровллик хусусиятига эгадир. Яъни сўзнинг фонетик таркиби, сўзнинг семантик таркиби, сўзнинг морфологик таркиби, сўзнинг морфем таркиби, сўзнинг сўз ясалиш таркиби каби тушунчаларни ҳам камраб олиши мумкин. Бу ҳолатни *сўз тузилиши* терминига семантик жиҳатига ҳам таъбиқ этилиши мумкин. Чунки сўз семантик жиҳатдан ҳам, фонетик жиҳатдан ҳам, морфологик жиҳат, морфем жиҳат, сўз ясалиши жиҳатларидан ҳам таҳлил қилинади, шундай структураларга эга. Биз бу ўринда *сўз*, унинг таърифи, тил бирлиги ёки нутқ бирлиги эканлиги, яна бошқа жиҳатларга тўхталиб ўтирмаймиз.

Сўзнинг семантик таркиби бўйича айtilган фикрларга, деярли тўла қўшилиамиз. Фақат бу борада шунини таъкидлаيمизки, алоҳида оlingан сўз билан, нутқда (гапда) иштирок этган сўзнинг маъноси бир-бирига тенг эмаслиги ҳақидаги фикр жуда тўғри фикрдир. Шу билан бирга, мустақил ҳолда турган сўз билан (бу ўринда қўшимчалар қабул қилмаган ҳолат назарда тутиляпти) маълум қўшимчаларни қабул қилган (қандай қўшимчалар бўлишидан қатъи назар) сўз ҳам (энди уни сўз деб аташ мумкин эмас) тенг эмас. Бу ҳақда қуйироқда тўхталамиз. Сўзнинг фонетик структураси ҳақида гапирганда шунини айтиш керакки, у, албатта, товушлардан ташкил топади, бугунларга эга бўлади, уругга эга ва ўзбек тилида қадимдан бошлаб, туб сўзлар тилшунос Аминжон Маматовнинг “Этимологик кузатишлар” (Т., 2010 й.) қўлланмасида имкон даражасида изоҳлаб исботланганидек, бир унлидан (бир товушдан), кейин бир унли ва бир ундошдан ёки бир ундош ва бир унлидан, кейинроқ эса, ундош+унли+ундош ёки унли+ундош+унли кўринишларида (ҳозирги кунда энг кўп учрайдиган ва таъкидлангани ундош+унли+ундош тузилишидагидир) ҳамда шу тартибда мураккаблашиб борадиган тузилишларга эгадир: олдин бир бугунли кўринишда, кейин эса, кўп бугунли кўринишда мавжуддир. Бу гаплар ҳаммага маълум бўлиб, фақат эслатиб ўтишнинг ҳожати йўқ, деб ўйлаймиз.

Биз оламни тасаввур қилайлик, у яхлит ҳолда, маълум бир система сифатида мавжуд. Ундаги ҳар бир нарса ҳам бор ва мавжуд. Олам ана шу нарсаларнинг бир-бири билан муносабатдорлиги асосида мавжуд. Агар ана шу муносабатдорлик бўлмаса, бу алоҳида нарсаларнинг мавжудлиги ҳақида ҳам, умуман оламнинг мавжудлиги ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин эмас: *ҳаво, сув, ер (тупроқ, қум, тош...), ҳайвонлар, усимликлар* ҳамма-ҳаммаси бир-бирини тақазо этганлиги учун мавжуд. Оламнинг таркибий қисмлари (у таркибий қисмларга эга) бир-бири билан муносабатдорликда системани шакллантиради. Буни тўғри аниглаб, идрок этган одамлар учун тушунтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Ижтимоий ҳодиса сифатида тил ҳам худди ана шу каби яхлит система (ҳар бир тил ҳам ўзича система). *Ўн саккиз минг олам* деган ибора бор. Ана шу оламларнинг ҳар бири ҳам яхлит олам кўринишидаги, шу билан бирга, таркибий қисми сифатидаги олам-системадир. Умуман, инсоннинг тили яхлит бир алоҳида система. Ҳар бир алоҳида тил ана шу система таркибини ташкил этувчи яна алоҳида системадир. Унинг таркибини ташкил этувчи яна алоҳида системачалар мавжудлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Катта, яхлит системани ундан кичик алоҳида системалар, бу системаларни яна улардан кичик бошқа алоҳида системалар

ташқил этиши ва бу деярли охириги нуктагача чексиз давом этиб бориши ҳозирги кунда ҳаммага маълум. Сўзлар қандай сўз эканлигидан, қайси тилга мансублигидан қатъи назар, тилнинг лугат таркиби системаси ташқил этувчи бирликлар. Ҳар бир тил ўзига хос система, унинг лугат таркиби ана шу система таркибидаги кичик, алоҳида системадир. Бу сўзлар бир-бири билан муносабатдорликда бўлгани учун мавжуд ва яшайди. Ана шу муносабатдорлик йўқолса, сўз ҳам йўқолади. Системадан чиқади.

Фонемалар, маълумки, сўзнинг таркибий қисмлари ҳисобланади. сўз ана шу таркибий қисмлардан ташқил топади ва бу таркибий қисм ҳам ўзига хос системани ташқил этади (тилнинг фонетик системаси). Фонемалар муस्ताқил birlik сифатида тил системасида мавжуд. Бироқ у тил системасига кирар экан, бошқа фонемалар, бошқа birlikлар билан муносабатда бўлганлиги учунгина системани (тил системаси, фонетик системани) ташқил этувчи сифатида мавжуд бўлади. Шундай бўлмаса, у ҳеч қандай қийматга эга бўлмайди. Онда акс этиши нуктаи назаридан йўқ ҳисобланади. Оламда ҳамма нарсалар ҳам шундай. Биз яхши биламизки, онгли мавжудот (инсон) кўплаб асрлар йўқ бўлган вақтда ҳам (тасаввур қилинги, бир "маҳлуқ" ҳамма инсонларни кириб ташлади) birlikдаги бошқа ҳамма нарса минглаб йиллар бор бўлаверди. Бироқ уларнинг нима эканлиги, моҳияти, вазифаси, бошқа ҳамма жиҳатлари, қайси системани ташқил этиши, қайси системага кириши, мавқеи ва ҳоқазолари инсон онги орқали, унда намоён бўлади. Ана шу мавжуд парсани (олам ва ундаги нарсаларни) намоён этиш, инсон учун бор қилиш асосида онг энг муҳим аҳамиятга эга бўлади. Инсон учун бутун оламнинг мавжудлиги онг орқалигина маълум бўлади. Олам ўзича мавжуд, бироқ инсон учун онг орқалигина мавжуддир. Бу фалсафанинг бош масаласи сифатида аллақачон ҳал этиб бўлинган. Ана шундан келиб чиққан ҳолда энди тил системасига ёндашамиз. Тил система сифатидагина мавжуд, алоҳида тиллар ҳам шундай (майли. Аллоҳ томонидан берилган энг олий неъмат бўлсин, майли, эҳтиёж асосида шаклланган бўлсин ва ҳоказо). Система эмас ҳолда тил мавжуд эмас, унинг birlikлари ҳам мавжуд эмас. Шунга кўра, тил ҳеч қачон система эмас ҳодиса сифатида тадқиқ этилиши ҳам мумкин эмас. Оламдаги олдий бир ўсимлик алоҳида олиб ўрганилар экан, у ўсимликлар системасидаги элемент сифатида ўрганилади. Умуман, ўсимликлар системаси ўрганилар экан, улар нафас олувчи, озисланувчи, кўкарувчи, ўсувчи каби кўп жиҳатларга эга бўлган мавжудотлар системаси сифатида ўрганилади ва ҳоказо). Олам системасини ҳайвонотлар, ўсимликлар, сайёралар каби минг хил системачалар, birlikлар ташқил этгани каби тил системасини ҳам унга хос фонемалар, морфемалар, сўзлар ва тан олинishi аниқ бўлиб қолса, грамматика (грамматик ҳодисалар) ташқил этади. Тил билан нутқ, маълумки, анча қадимдан фарқланган, аслида бу фарқ қадимдан маълум ва моҳиятан ҳам фарқ қилади: бири фойдаланиладиган материал (маҳсулот, қурол ва бошқалар), иккинчиси – жараён (шу қуролдан фойдаланиш жараёни ёки натижа–матн). Бизнинг фикримизча, ҳар ҳолда, тил ва нутқни ҳеч бўлмаганда, Алишер Навоий, кейинроқ эса В.фон Гумбольдт дунёни тупуниш, "маҳсулнинг йингидиси сифатида тил айрим нутқ актидан фарқланади" дейини орқали кўрсатган бўлса, Г.Штейнталь ўзининг "Грамматика, логика ва психология" (1955 й.) асарида тил ва нутқни алоҳида таърифлашнинг маълум XX аср бошларида Д.В.Шерва, Ф.де Соссюр, улардан кейинроқ О.С.Ахматова каби олимулар ҳам бу ҳодисаларни фарқлаган ҳолда муносабатда бўлишлар. Тил системасини намайиван тилини тоғналигини илҳомини ҳаракат қилишар¹.

Тил ва нутқ бир-бирини тақозо этувчи, бир-бири билан боғлиқлиги, шу билан бирга бир-биридан фарқланувчи шартли равишда О.С.Ахматова туғри таърифлаганидек, тил ва нутқ алоҳида жараённинг "физик ва психик аспекти" (кўрсатилган

¹ Г.У.Уалық. Ушбу таърифнинг маънавий асослари. // 2016 (2014), 2/3 йилларга бориш

китоб, 13-бет). Тил алоқа процесси учун материал берса, нутк шу материалдан фикр шакллантиришдир. (С.Усмонов, 13-бет). Ушбу китобда тил бирликлари ва нутк бирликлари алоҳида-алоҳида белгилаб қўйилган. Уларни инкор этиш қийин ва биз шу олим фикрларига қўшилаемиз. Бирок шунга айтмоқчимизки, кўрсатилган бирликларни умумлаштириб бериш ҳам мумкин, яъни ҳамма фаолликдаги сўзлар (сўзларнинг турғун бирикмалари, мураккаб терминлар, фразеологизмлар ҳам шу қаторга киритилши мумкин), *морфема* деб тан олинган бирликлар (кейинроқ тўхталамиз), *фонемалар* ва шартли равишда фойдаланиш учун тайёр ҳолга келиб, барқарорлашиб қолган грамматик қоидаларни тил бирликлари сифатида бериш мумкин. Аслида, бизнингча, грамматик қоидалар, синонимлар, омонимлар, антоним... кабилар тил ҳодисаларидир. Уларни тил бирликлари сифатида бериш мунозаралидир. Чунки синонимлар ҳам сўзлар ёки аффикслардан ташкил топувчи ҳодисалардир. сўз, фонема, морфема қаторида турувчи алоҳида синонимлар бирликлари йўқ. Улар ана шу бирликлар муносабатлари асосида юзага келувчи ҳодисалар ҳисобланади. Тилнинг асосий бирлиги ҳисобланган сўз маъно аффиксларнинг имкониятига эга бўлган товуш ва товушлар комплексидан иборат бўлади (бу ҳам тилшуносликда тан олиб бўлинган). Ҳали грамматик муносабатга киришмаган сўзлар тилда мавжуд ва улар барча имкониятларини яширин ҳолда ўзида сақлаган ҳолда яшайди (турли хил маъноларни ифодаланиши мумкин, турли бирликлар билан муносабатга кириш имкониятлари ҳам бор ва ҳоказо). Улар тилда асосан, кенг маънода, предмет ва белги ифодалаш учун мавжуддир. Тил тараққиёти давомида сўзлар модал муносабат ифодалаш (модаллик) учун ҳам мавжуд бўладиган ҳолга келади. Яна тил тараққиёти давомида сўзлар предмет ва белги маъносини ифодаламайдиган ҳолда ҳам келиб қолиши мумкин (ёрдамчи вазифаларни бажарадиган бирликларга айланиб қолади: кўмакчилар, боғловчилар, юкламалар, эргаш морфемалар вазифаларини бажарувчига айланади). Хуллас, тил тизимида сўзлар мавжуд. Умуман тил тизимида қанча сўз мавжуд бўлганлиги ҳам, ҳар бир тилда қанча (аниқ миқдордаги) сўз бўлганлиги ҳам, нисбатан олганда аниқ маълум эмас. Фақат шу нарса аниқ маълумки, умуман тилда ҳам, аниқ олинган ҳар бир тилда ҳам сўзлар миқдори турли омиллар асосида кўпайиб боради. Тилда аввал битта, кейин 5 та, ўн та ва ҳоказо минглаб сўзлар мавжуд бўлиб қолганлиги масаласини аниқ ҳал этиш жуда мушкул. Бирок яна шу нарса маълумки, тиллардаги сўзлар ички имкониятлар асосида, яъни янги сўзлар яшаш асосида кўпайиб борган, тилнинг лугат таркиби ўзгариб турган. Биз билган жуда кўп тилларда ясама сўзлар деган бирликлар жуда кўп бўлиб, улар мавжуд бирликларга бошқа бирликларни, дейлик, ясовчи асос вазифасини бажарадиган бирликка, сўз ясовчи бирликни (сўз ясовчи аффикс, сўз ясовчи морфема, сўз ясовчи элемент... фарқсиз) қўшиши орқали вужудга келган. Улар тилнинг лугат таркибини шакллантириш, бойитиш учун яратилган-шу системани (тил лугат тизимини) тўлдирган.

Демак, сўзларнинг шаклланишида дастлаб фонемалар ўзаро муносабатга киришган бўлса, бу муносабатлар натижаси сифатида сўзлар кўпайган бўлса-мавжуд бўлган бўлса (ахир, *а, у, и, о, ў, э* сўзлари ҳам мавжуд, кейинроқ *аҳ, оҳ, уҳ, эҳ, иҳ, ўҳ* сўзлари ҳам вужудга келган, ундан кейин *темир, тур, бу* кабилар ҳам дунёга келган), кейинги босқичда улардан йирикрок бирикмалар, дейлик, ҳамма тилшунослар тан олиб бўлган бирликлар-морфемалар, ўзаро муносабатга киришган: *терим* ёки *теримчи, тинч* ёки *ишла* каби. Бунда алоҳида бирлик сифатида бир-бири билан муносабатга киришганда маълум бир имкониятлари билангина қатнашадиган, бирлашганда алоҳида, ўзига хос маъно ифодалайдиган юкори босқич бирликлари ўзаро боғланади. Улар бошқа-бошқа мавқега эга бўлган бирликлардир. Сўз ясалишда улар бир хил мавқеда бўлмаса-да, бир хил қийматга эга бўлади. Яъни улардан бири бўлмаса, сўз ясалиши ҳақида гапириб бўлмайди, сўз ясалмайди (айниқса, шу усулда). Ана шундай ҳар хил

мавқега, лекин бир хил қиймагга эга бўлган бирликлар муносабати асосида сўзнинг морфологик таркиби шаклланади: ясамалик вужудга келади-сўз алоҳида-алоҳида маъноли қисмлардан иборат тузилишга эга бўлади. Ҳар бир нарсанинг алоҳида моҳият билан боғланувчи тузилиши эса, маълумки, ана шундай муҳим аҳамиятга эга бўлган бирликлардан иборат бўлади: *ўсимликлар морфологияси, ҳайвонлар морфологияси* каби. Кўринадики, сўз ҳам (ясама сўз – кенг маънода) ана шундай аҳамиятли морфологик тузилишга эга бўлди. Ё янги сўз ясалди, ёки янги сўзшакл вужудга келди. Бироқ ясама сўз борлиқдаги бирор нарса ёки белгини номловчи бирлик сифатида нутқда ясалиб, тилда барқарорлашиб, тил лугат таркибидан ўрин олиб, қайд этилиб, тўғридан-тўғри олиб фойдаланиладиган бирлик мақомини олади, бошқа ясалмалар (сўзшакллар) нутқнинг бир моментиди-кўринишда шаклланиб, дарҳол парчаланиб кетади, барқарорлашмайди, тилнинг лугат таркибидан ўрин олмайди. Яъни унинг кейинги қисмлари олдинги, асосий бирлиқнинг бошқа шу каби бирликлар билан грамматик муносабатларини ифодалайди. Ҳар хил бирликлар билан муносабатга киришувида алоҳида шаклантирилади, ана шу мавжуд нутқий ҳолатдан келиб чиқиб шаклантирилади. Шаклантирилган ҳолатда шакланган бирлик ҳам морфологик тузилишга эга бўлади. Демак, ҳар икки ҳолатда ҳам сўз морфологик тузилиш касб этади. Бири лугавий бирлик (ясалма) тарзида, иккинчиси эса сўзшакл тарзида.

Тилшунослигимизда, жумладан, айниқса, ўзбек тилшунослигида *сўзнинг морфологик таркиби* ёки “*сўзнинг морфологик тузилиши*” терминлари остида, яъни кенг маънода танланиб, уч ҳолатга нисбатан олинган ҳодисалар тушунилади: а) сўзнинг морфем таркиби; б) сўзнинг сўз ясалиш таркиби; в) сўзнинг шакл ясалиш таркиби;

Маълумки, кенг маънодаги ясама сўзлар (луғавий бирликлар ва сўзшакллар ана шу уч жиҳатга кўра таҳлил қилинади: а) сўз таркибида (қисмлардан иборат сўз таркибида) нечта ва қандай морфемалар мавжудлигига кўра: *теримчиликларимизга* сўзи таркибида олгита морфема бор (маъно англатадиган қисм бор); икки хил морфема бор: 1) *етақчи морфема* бор (*бош морфема, ўзак морфема, асосий морфема* терминлари билан юритилияпти, улардан биттасини танлаш жуда зарур, менимча, *етақчи морфема* терминини танлаш мақсадга мувофиқдир, бироқ моҳият жиҳатдан уларнинг ҳар бири ўзаро тенг бўлиб, тилдаги маълум бир ҳодисани қайд этади, аффикс кўринишидаги морфемадан фарқ қилувчи, унга нисбатан мавқеи бошқачароқ бўлган, хусусиятлари ўзига хос бўлган тил ҳодисасини қайд этади. Унинг туб моҳияти шу ва буни ҳамма етакчи тилшунослар тан олади). *Етакчи морфема* морфологик таркибга эга бўлган сўзлар таркибида бошқа маъноли қисмларга бўлинмайди, маъно англатадиган бирлик тушунчасини қайд этиш учун ишлатилади. Келтирилган терминларнинг қайси бири танлаб олинса ҳам ана шу моҳиятни қайд этади; 2) *эргаш морфемалар* бор 5 та (бу термин ўрнида *аффиксал морфема, аффикс морфема, ерданчи морфема*, ҳам ҳолларда, *қўшимча кўринишидаги морфема* терминлари ҳам ишлатилияпти). Бу терминлар каторига *сўз ясовчи морфема, шакл ясовчи морфема* терминлари ҳам қўшилади. Терминлардан қайси бири танланмасин (албатта, биттасини танлаш зарур), улар бир моҳият, бир ҳодисани қайд этади: етакчи морфемаларга қўшилиб келган ҳолда сўз ясаш ёки шакл ясаш вазифасини бажарадиган, аниқ бир маъно ифодалайдиган, тилда аффикс ёки қўшимча тарзида мавжуд бўлган ҳодисани қайд этади. Буни ҳам ҳамма тилшунослар билади ва шу кунга қадар тилшуносликда улар ана шу моҳиятни қайд этиб келади. Демак, *аффикс* ёки, майли, *қўшимча* бўлсин, у тилдаги етакчи морфемага қўшилиб келган ҳолда маъно англатадиган, вазифа бажарадиган ҳодисани қайд эгар экан, “улар ҳеч нарсани қайд этмайди”,- дейиш хато дир.

Ўзак морфема терминининг ўзи мақсадга мувофиқ эди ва бу умуман Европа тилшунослигида ҳам, туркологияда ҳам тан олинган. Бироқ бу термин ўзбек тилшунослигида кимгадир ёқмаётган экан, унинг сўз ясовчи на шакл ҳосил қилувчи

морфемаларни ўзига эргаштириб келишини, уларга нисбатан етакчилик қилишни назарда тутиб, бу ҳодисага *етақчи морфема* терминини бириктириб қўйиш умуман моҳиятини ўзгартирмайди. Бу морфема ҳеч қачон моҳият эътибори билан туб сўзга ҳам, умуман сўзга ҳам, лексемага ҳам тенг эмас. Бошида айтганимиздек, морфологик тузилишига эга бўлган сўзларда қатнашаётган етакчи бирлик-у ёки бу аниқ аффиксни қабул қилган бирлик туб сўздан, лексемадан фарқ қилади. Алоҳида олинган *китоб* сўзи *китобим*, *китобда* сўзларидаги *китоб* қисмидан фарқ қилади. *Ёшлик* сўзидаги *-лик* қўшимчаси ҳам, *ёш* – қисми ҳам умуман *-лик* ва умуман *ёш* сўздан кўп жиҳатларида (айниқса, маъно ҳажми грамматик имконияти) кўра фарқ қилади. Демак, *ёшлик* сўзи таркибида қатнашган *ёш* – қисми туб сўз ҳам алоҳида сўз ҳам эмас. У шу сўзнинг етакчи, аниқ бир маъно англатадиган, шу қўшимчани қабул қилиш имкониятини намоян қилаётган бирликдир. Унинг номи эса шу хусусиятига кўра *морфема*, *етақчи морфема*дир. *Ёш* – ҳам, *-лик* ҳам шу сўзнинг маъноли қисмларидир (*ёшлик* эса сўз – ясама сўздир – майли, лексема дейлик, фарқи йўқ). Иккаласи бир-бирига нисбатан ўз моҳиятини намоён қилиш этилги-қисмлар сифатида, бири алоҳида олинган, бошқа имкониятларга ҳам эга бўлган *ёш* сўздан, иккинчиси, худди шу каби *-лик* аффиксидан фарқ қиладиган бирликлар-морфемалардир.

Тилдаги умумий ҳолатда лугатларда қайд этилган *ёш* сўзига *ёшлик* сўзи таркибидаги *ёш* қисми материал қисми-фонетик тузилишига кўрагина тенг дейилиш мумкин, бироқ қиймати жиҳатидан улар бир-бирига тенг эмас. Худди шу каби *қўқонлик* сўзидаги *-лик* аффикси билан *ёшлик* сўзидаги *-лик* аффикси фақат товуш таркиби-материали жиҳатидан тенг дейиш мумкин, бироқ қиймат жиҳатидан тенг эмас. Буларни янада тушунтириб ўтиришга эҳтиёж йўқ деб ўйлаймиз. Чунки умуман *-лик* қўшимчаси сўз ясовчи (асосий вазифаси) сифатида мавжуд. Унинг шакл ҳосил қилиш хусусияти ҳам бор (*айтишлик керак-айтиш керак* ўрнида). Бироқ *қўқонлик*, *ёшлик*, *айтишлик*.. сўзларидаги ҳар бир *-лик* қўшимчаси, ахир, *-лик* (умумий бирлик сифатида белгиланган) аффиксга тенг эмас.

Ҳеч қим *ўзак морфема* (етақчи морфема) билан *аффикс морфема* (эргаш морфема) бир нарса деяргани йўқ. Улар бир-бирдан тубдан фарқ қилувчи ҳодисалар. Бу *ёш* болага ҳам маълум. Шу билан бирга, улар (морфемалар) сўзнинг маъно англатувчи ва бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган бирликлари сифатида (морфема сифатида) бир хил мавқега эга: у ҳам, бу ҳам морфема. Лекин улар бир хил морфемалар эмас, бири *етақчи морфема*, бири *аффикс морфема*дир. *Етакчи морфема* билан *аффикс морфеманинг* қиймати бир-бирига тенг эмаслигини тушунтириб ўтиришга эҳтиёж қолмаган бўлса керак: Чунки ҳар иккиси: а) сўзнинг таркибий қисми; б) бошқа маъноли қисмларга бўлинмайди; в) маъно англатади; г) тилда тайёр ҳолда мустақил бирлик сифатида қайд этилади; д) *ўзак морфема* лугавий маъно англатиши билан, эргаш морфема бундай хусусиятга эга эмаслиги билан фарқ қилиб туради; е) ана шу етакчи морфема сўз ясовчи асос ва шакл ясовчи асос ва шакл ясовчи вазифасида ҳам кела олади, лекин, айнан унга тамомила тенг эмас. Чунки *теримчи* сўзида сўз ясовчи асос *терим* қисмидир ва у *ўзак морфемага* тенг эмас, аммо *терим* сўзида *ўзак морфема* (*тер-*) *тер* ясовчи асосга тенг келиб қолиши мумкин, яъни етакчи морфема сифатида шу вазифани бажариши турган гап. У шу ҳолатида шакл ясовчи асос вазифасида ҳам қўлланиши мумкин: *Китобхон* сўзида *китоб* қисми етакчи морфема, у сўз ясаш асоси вазифасида; *китоблар* ёки *китобни* сўзшаклларида шакл ясаш асоси вазифасидадир. Ҳар уч мисолда ҳам у алоҳида лексема эмас, балки *ўзак морфема*дир. Ана шу ҳолат сўзни сўз ясалиш жиҳатидан таҳлил қилганда ҳам, морфологик жиҳатдан, яъни шакл ясалиш жиҳатидан таҳлил қилинганда ҳам ҳисобга олинаверади. *Теримчиларимизга* сўзи морфем жиҳатдан таҳлил қилинганда: а) нечта маъно англатадиган қисм борлиги жиҳатидан; б) маъно англатадиган қисмлар қандай

қийматга эга эканлиги жиҳатидан таҳлил қилинади. Бу сўз шаклда икки хил қийматга эга морфема мавжуд: *Ўзак морфема* (у лугавий маъно англатади, лекин умумий лугавий маъно эмас, шу ўриндаги лугавий маъно кўзда тутилади); *эргаш морфема* (у лугавий маъно англатмайди, ўзига хос аниқ маъно англатади: ё сўз ясаиди, ё грамматик маъно ифодалайди). Шунга кўра, ҳар бири алоҳида номланади (иерархияли – сўз ясовчи → от ясовчи, жараён оти ясаиди... каби) Шу сўз (берилган) сўз ясалми жиҳатидан таҳлил қилинганда ҳам икки қисмга ажратилади: сўз ясовчи асос белгиланади; сўз ясовчи восита белгиланади, бошқа жиҳат соқит қилинади: *терим+чи* (шу сўз *терим* асосига – *чи* воситасини қўшиш билан ясалаган, тамом). Бундаги *терим* қисми ўзак морфемага ҳам, алоҳида олинган терим лексемасига ҳам тенг эмас, у сўз ясаш асоси – эскичасига атасақ, *ясама. сўз ясовчи негиздир*.

Берилган сўз морфологик (грамматик) таҳлил қилинганда ҳам икки қисмга ажратилади: а) шакл ясалми учун асос бўлган қисм-шакл ясалми асоси; б) шакл ҳосил қилувчи восита ёки воситалар. Худди шу таҳлилда сўзнинг морфологик таркибини белгилаш бўйича тилшуносликда икки хил қараш мавжуд: биринчиси, проф. А.Ғуломов қараш. Бу қарашга кўра сўзнинг материал қисми-луғавий маъно англатиб туривчи қисми, шакл ҳосил қилиш (ясаш) асоси сифатида белгиланади. Берилган сўзда (теримчиларимизга) шакл ясаш асоси (шу сўзнинг шакл ясаш учун хизмат қилувчи негизи) *теримчи* қисмидир. Қолган бирликлар (*-лар, -имиз, -га*) шакл ясовчи воситалар – морфологик бирликлардир. Морфологик таҳлилда, бу қараш бўйича, бошқача таҳлил давом эттирилмайди, фақат кейинги бирликларнинг, яъни шакл ҳосил қилувчиларнинг баҳоси белгиланади, холос (кўплик ифодаловчи, эгалик ифодалайди, келишик кўрсаткичи каби);

Иккинчиси, таъкидлаб айтадиган бўлсак, ўзбек тилшунослигида асосан икки олим (аслида, Саидзода Усмоновнинг ўзи бўлиши керак) *теримчиларимизга* сўзнинг морфологик таркибини белгилашда *теримчи* қисмини биринчи морфологик негиз сифатида белгилаб туриб (*-лар* қўшимчасига нисбатан), *теримчилар* қисмини *-имиз* аффиксига нисбатан 1-синтактик негиз сифатида, *теримчиларимиз* қисмини *-га* аффиксига нисбатан 2-синтактик негиз тарзида белгилайди. Олимлар, албатта, бошқа сўзларни, масалан, *қизчалар, топширмабди, сизларнигина, олсангизлар...* каби сўзларни таҳлил қилишган.¹ Бу қарашга кўра шакл ясаш асоси ҳаммавақт ўзидан кейинги битта аффиксга нисбатан белгиланган. Масалан: *ишчиларимиздай* сўзи таҳлил қилинганда *иш* – 1-лексик негиз; *ишчи* – морфологик негиз; *ишчилар* – синтактик негиз; *ишчиларимиз* – 2-лексик негиз кўриниши кузатилади (кўрсатилган китоб, 53-бет). Кўринадики, сўз таркибини шу тарзда таҳлил қилиш керакми ёки йўқми эканлиги масаласи муаммолигича турибди. Бизнингча, ўзбек тили материалларидан келиб чиқиб, ҳар қандай, маъноли қисмлардан иборат бўлган сўзлар таҳлил қилиш учун танланар экан, берилган бирлик тузилиши ва мақсаддан келиб чиққан ҳолда, аниқ шароитда, аниқ ёндашув асосида унинг қисмлари ўзига хос тарзда баҳоланиши керак. Демак, бундай бирликлар (берилган бирлик); а) алоҳида тарзда морфем таҳлил қилиниши керак – сўз маъноли қисмларга ажратилиши, маъноли қисмларнинг мавқеи, бошқача айтганда, морфеманинг гури белгиланиши керак; б) алоҳида ҳолда, агар берилган сўз ясама сўз сифатида танланган бўлса, сўз ясалми жиҳатидан таҳлил қилиниши керак (ясовчи асос, ясовчи восита белгиланиш лозим); в) алоҳида олинган (берилган) сўз морфологик жиҳатдан таҳлил қилиниши керак-бунда шакл ясовчи асос ва шакл ҳосил қилувчи воситалар белгиланиши кўзда тутилади. Ҳар учала таҳлилни маъноли қисмлардан ташкил топган барча сўзларга нисбатан татбиқ этиш мумкин. Ҳатто, шакл

¹ С.Усмонов. Ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши, Т., 2010 (1964), 54-63-бетлар.
О.Қосимхўжаева. Сўзнинг морфологик таркиби, Т., 1963 й. 10-50-бетлар.

ясовчилардан кейин сўз ясовчи воситалар қўлланган ҳолатларга нисбатан ҳам, масалан, *билмаганликдан* сўзига нисбатан ҳам қўлласса бўлади: 1) бу сўз: а) бешта морфемадан иборат; б) битта етакчи морфема, тўртта эргаш морфема; 2) битта сўз ясовчи асос-*билмаган* ва битта сўз ясовчи восита (-*лик*); 3) битта шакл ясовчи асос (билмаганлик) ва битта шакл ҳосил қилувчи (синтактик шакл) восита (-*дан*) мавжуд. Яъни шу тарзда ажратилади. Агар *билмаган* сўзшакли берилган бўлса, бу бирлик фақат икки жиҳатдан таҳлил қилинади (аниқ, берилган бирлик, аниқ шароит шунга талаб қилади). 1. Яъни: а) морфем жиҳатдан бу сўз уч морфемадан иборат; б) морфема характериға кўра, битта етакчи морфема, иккита эргаш морфема мавжуд. 2. Морфологик жиҳатдан (шакл ясаллиши жиҳатидан). Яъни бу сўз таркибидан битта шакл яшаш асоси бор (*бил* - қисми), иккита шакл ясовчи восита мавжуд. Иерархияда –*ма* ҳамда –*ган* яна ўз баҳосини олиши мумкин. Бунда, эгтимол, ҳақиқатан ҳам, С.Усмонов тақлиф қилганидек, *билма* қисмининг ўзини ҳам –*ган* воситасига нисбатан, алоҳида шакл яшаш асоси сифатида белгилаш мумкин. Аммо бу алоҳида босқич бўлади. Бундай босқичлилик сўз ясаллиши таҳлилида ҳам кузатилади: *терим* –ясама сўз, ясовчи асоси *тер* қисми; *теримчи* – ясама сўз, ясовчи асоси *терим* қисми бўлиб, бу ясама асос ҳисобланади. Албатта, *тер* ҳам, *терим* ҳам ясовчи асослар. Бироқ *тер* туб ясама асос, *терим* эса ясалган ясама асосдир. Тизимчилик ана шунда ўз исботини топади.

Юқоридагилар шунга кўрсатадики, алоҳида олинган бирлик билан (бошқа сўзлар, бошқа бирликлар, масалан, аффикслар билан муносабатга киришмаган бирликлар), бошқа бирликлар билан муносабатга киришган бирликлар бир-бирига тенг эмас экан. Шунга кўра ҳар бир ҳолат ўзига хос номланиши, бир-бирдан фарқланиши лозим, баҳоланиши ҳам керак: *тер* – сўз – алоҳида, у лугатда *термоқ* кўринишида қайд этилади; *терим* сўзи таркибидан *тер* морфема – бош морфема, шакл яшаш асоси. Худди шу каби –*им* аффикси – морфема, у эргаш морфема, сўз ясовчи морфема – ясовчи восита; –*им* аффикси – морфема, у эргаш морфема, шакл ҳосил қилувчи морфема, шакл ҳосил қилувчи восита. *Теримчи* сўзидан учта морфема бор: 1 та бош морфема, 2 та эргаш морфема. Бу алоҳида таҳлил; шу сўзда 1 та ясовчи асос бор (терим), бу “ясама негиз” ҳам дейилган, 1 та ясовчи восита бор (-*чи*), битта ясалма бор (*теримчи* нинг ўзи). Ана шу ясалма, ясама сўз сифатида лугатда қайд этилади. Унинг номи ясалма сўз сифатида лугатда қайд этилади. Унинг номи ясалма ёки, айтганимиздек, ясама сўздир. Бу ясама сўз *теримчини* сўз шакли таркибидан ясовчи (шакл ҳосил қилувчи) асос вазифасида келади ва уни *ясама негиз* деб аташ ҳодисанинг моҳиятини ўзгартирмайди. Чунки ясама негиз сўз ясовчи асос вазифасида ҳам, шакл ҳосил қилиш асоси вазифасида ҳам қўллана олиши мумкин. Унинг ясамалик хусусияти тублик хусусиятидан фарқ қилади. Яъни ясамалик унинг бошқа бирликлар билан муносабатга киришиши имкониятини ўзгартиради, шунга мос ҳолда, уни *ясама ясовчи асос* ёки *ясама ясовчи негиз* тарзда (улардан биттасини танлаб) ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Кўринадики, аввал ҳақиқий ҳолағ – моҳият аниқ белгиланиши лозим. Уни номлаш унчалик жиддий муаммо бўлмайди. Дунё тилшунослигида ўзакнинг моҳияти англаб бўлинган, у бор, бир тур морфемага тенг. Уни нима деб номласак ҳам, хуллас, моҳият ўзганмайди. *Аффикс* деган нарсаси бор. У қайси ҳолатда қандай номланса ҳам, моҳият эътибор билан мавжуд. Бу термин ана шу моҳиятини қайд этади. Уни ўзбек тилида *қўшимча* деб аташ (сўз ясовчи қўшимча, шакл ҳосил қилувчи қўшимча) ҳам, *эргаш морфема* деб аташ ҳам унинг моҳиятини ўзгартирмайди. Худди шу каби морфема бор ва у икки турга ажратилади. Бирини *ўзак морфема* ёки *бош морфема*, *етакчи морфема*, *асос морфема* терминларидан бири билан ифодаласак, ёки яна бир ном берсак ҳам, моҳият ўзгармайди.

Муҳими, тилда шундай бирлик мавжуд ва аффикс ёки эргаш морфемага нисбатан бу ҳодиса баҳоланиши, номланиши шарт. Ана шу морфемага нисбатан

аффикс ҳолатидаги морфема ҳам мавжуд ва уни ҳам, ўз моҳиятидан келиб чиқиб баҳолаш ва номлаш шарт. У умумий ҳолда *аффикс* термини билан (Ўзбек тилида кўшимча), хусусий қўлланишларда *эргаш морфема* номи билан, яна бошқа ҳолатларда *ясовчи восита*, *ясовчи элемент*, *сўз ясовчи ёки шакл ҳосил қилувчи восита* тарзида баҳоланиши, номланиши мумкин. Моҳият шуки, шундай бирлик бор: *у аффикс, эргаш морфема, сўз ясовчи восита, шакл ҳосил қилувчи восита* (ёки элемент), *сўз ясовчи кўшимча* каби терминлар билан номланаверади. Гап ана шуни тартибга солиш борасида борапти. Бизнингча, бу терминларнинг ҳар бири ўз моҳиятига кўра ана шу номларнинг бири билан аталавериши мумкин.

Ўзбек тилшунослигида ҳам жаҳон тилшунослигидаги каби *негиз (асос)*, *туб сўз*, *туб негиз (туб асос)*, *ясама негиз (ясама асос)* терминлари ишлатилаверади. Улар моҳият эътибори билан ўз ўрнида маълум ҳодисани ифодалайди: Ахир, тилда *туб сўз* моҳиятан бор; *ясама сўз* ҳам шундай. Улар маълум кўшимчаларни қабул қилганда, энди, *туб сўз, ясама сўз* моҳиятидан четлашади ва *туб негиз (ёки асос)*, *ясама негиз (асос)* моҳиятига эга бўлади, яъни *туб сўз* ва *ясама сўз*га тенг бўлмаган моҳиятига эга бўлади. Вазифасига кўра эса *сўз ясовчи асос шакл ясовчи асос, сўз ясовчи ясама асос, шакл ясовчи ясама асос* моҳиятида бўлади ва шундай номланиши мумкин.

Демка, ўзбек тилшунослигида шу кунгача ҳам *сўз таркиби, морфема, ўзак морфема, морфемалар таснифи, аффикс (ёки эргаш) морфема, негиз, туб негиз, ясама негиз, ясама сўз, туб сўз, аффикс, кўшимча, ўзак, асос, сўз ясовчи асос, сўз ясовчи восита, шакл ҳосил қилувчи аффикс, шакл ҳосил қилувчи восита, сўз ўзгартирувчи аффикс, шакл ҳосил қилувчи аффикс* каби терминлар ўзига хос моҳиятга эга бўлган ҳамда бир-биридан фарқланувчи тил ҳодисаларини кайд этиб келган ва бундан буён ҳам ана шуларни кайд этаверади. Уларни тартибга солиш эса бошқа, алоҳида масалалар.

АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАК ТАЛҚИНИ

С. Аширбоев (ТДПУ)

Абдурауф Фитратнинг тилшуносликдаги ижоди мустақиллик йилларида кенг ўрганилмоқда. Бу борада М.Курбонова, Б.Тўйчибоев, А. Нурмонов ва С. Аширбоевларнинг илмий-тадқиқот ишлари ва мақолалари фан аҳлига маълум. Ушбу мақола муаллифи А. Фитратнинг гап бўлаклари тўғрисидаги қарашларини таҳлил қилар экан, унинг бир-икки мақола билан ёритиб бўлмаслигини таъкидлаган эди.¹

Абдурауф Фитрат синтактик ҳодисаларни изоҳлашда индуктив усулни қўллайди ва аввал мисоллар келтиради ҳамда мисоллар таҳлилидан қондани келтириб чиқаради. Бу усулдан “тўлдиргичлар”ни изоҳлашда ҳам фойдаланади, жумладан, “чиқиш тўлдиргичи”ни тушунтиришда *Шариф чиқди, Карим бизга келди, Мен китобни олдим* мисолларини келтиради ва бу гаплар билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўртага ташлайди, яъни бу гапларда чиқиш келишигидаги сўз формасига эҳтиёж мавжудлигини айтади. Бу методик жиҳатдан муаммоли таълимни эсласга, лингвистик жиҳатдан шу гапда тўлдирувчи ва ҳолининг бўш ўрни борлигини яхши пайқай олган.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз бўладики, Абдурауф Фитрат ўзининг “Сарф” ва “Наҳв” асарларини “Ўзбек тили қондалари тўғрисида бир тажриба” деб атаб, уни илмий асар сифатида тақдим этган бўлса-да, унда грамматик ҳодисаларни ёритишда муаммоли таълим методига мурожат қилишининг муайян сабаблари бор. У ҳам

¹ Аширбоев С. Абдурауф Фитратнинг гап бўлаклари тўғрисидаги қарашига доир// Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. - Тошкент: Akademnashr, 2010, 158-б.

булса, Абдурауф. Фитратгача бўлган даврларда тилнинг назарий қондалари турли босқичдаги мактабларга мўлжалланган қўлланмаларда таълим жараёнларига мослаб ёзилар эди, қолаверса, унинг замонасида рисола, монографиялар ёзилиши ҳали йўлга қўйилмаган ва ўзбек тилининг илмий услуби шаклланмаган эди. Шу туфайли ҳам Абдурауф Фитрат тилнинг илмий асосларини баён қилишда ўша давр анъанасига кўра тадрисий усулдан фойдаланган. Демак, А. Фитратнинг бу асарини замонасининг ўзига хос монографияси деб қабул қилишимиз ўринли бўлади.

Абдурауф Фитратнинг “Наҳв” асарида гап бўлақларидан бири сифатида тўлдиригич сўзлар акс этган. Фитрат қўллаган тўлдиригич сўзларни адабиётларда иккинчи даражали бўлақлари (эга ва кесимдан бошқа бўлақлар)га нисбатан айтилганлиги тўғрисида фикр юритилади.¹ Бу бир томонлама айтилган бўлиб, Фитрат қўллаган термин аслида тўлдирувчи ва ҳол бўлагига мувофиқ келади, яъни аниқловчи бўлагини камраб олмайди. Фитрат аниқловчини ҳам тилга олади, лекин уни тўлдиригичлар сирасига киритмаган, балки уни “аниқлов уюшмаси” (қаратқич-қаралмиш) ва “суфат уюшмаси” (сифатловчи-сифатланмиш) таркибида сўз бирикмасининг таркибий қисми сифатида қараган²

Шу ўринда яна бир муаммоли масала туғилади. Абдурауф Фитрат нима учундир эга, кесим, тўлдиригичга нисбатан гап бўлаги эмас, балки “сўз” терминини ишлатади. У “Сарф” асарида ҳам сўз туркумларига нисбатан “сўз” терминини қўллаган, лекин ҳар бир туркумни ёритишда *от сўзи*, *суфат сўзи* тарзида эмас, *отлар*, *суфатлар*, *сонлар* тарзида қўллайди. лекин “Наҳв”да *эга сўзи*, *кесим сўзи*, *тўлдиригич сўз* терминларига мурожаат қилади. Айни замонда бу қарориди каттик турмайди ҳам/ яъни *гап бўлаги* терминини ихтиёр-беихтиёр қўллашга мажбур бўлади. Бу қуйидаги ўринларда қайд қилинади:

1. “Тўлдиригич”ни асослаш чоғида: “Эга билан кесимдангина англашилган ўйнинг камчиликларини тўлдирмоқ учун гапга турли сўзлар қўшилади. Бу қўшилган сўзлар ҳам эга билан кесимга ўхшаб гапнинг бўлақлари бўладир.” (Фитрат. Наҳв.- Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1927, 12-б.; Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. – Тошкент: 2006, 181-б.). Бу қайдни М.Қурбонова ҳам келтирган³

2. Абдурауф Фитрат синтаксис масалаларини изоҳлар экан, “Қандай сўзлар гапнинг қайси бўлаги бўлишга ярайдир?”. “Гап бўлақларининг тушиб қолиши”, “Гапнинг уюшқч бўлақлари” каби муаммоларни ҳал қилиш чоғида мажбуран *гап бўлаги* терминини ишлатади.

Кўринадики, Абдурауф Фитрат бу синтаксик ҳодисага нисбатан *сўз* терминини қўллашга мойиллиги ва ўз давридаги бошқа асарлардан ажралиб туриш тамойилига амал қилишга истаги кучлилигидан қатъи назар. *гап бўлаги* терминидан воз кеча олмаган. *Гап бўлаги* термини Фитрат даврида ҳам, унганча бўлган даврда ҳам мактаб қўлланмаларида ишлатилиб келинаётган эди⁴. Шубҳасиз, Абдурауф Фитрат ҳам бу анънадан йироқлашиб кета олмаган. Эҳтимол, у *сўз* терминини *сўзшакл* маъносиди

¹ Қурбонова М. Фитратнинг тилшунослик мероси. НДА. –Тошкент, 1993, 16-б. Тўйчибоев Б. Фитрат – тилшунос. Ўзбекистон ўқув-методик маркази. –Тошкент, 1995. 35-б. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002, 157-б.

² Буни А. Нурмонов ҳам таъкидлайди. Юқоридаги асар. 159-б.

³ Қурбонова М. Фитрат – тилшунос. –Тошкент: Университет, 1996, 12-б.

⁴ Мунаввар Қори, Қайюм Рамазон, Шорасул Зунун. Ўзбекча тил сабоқлиғи. –Самарқанд-Тошкент: Ўздавнашр, 1926, 3-бўлим, 6-б., 4-бўлим, 4-б.

тушунишни тавсия этгандир. Маълумки, сўзшакл синтактик бирликларнинг қурилиш элементлари ҳисобланади.¹

Абдурауф Фитрат иккинчи даражали бўлақларнинг структура жиҳатидан факультатив мазмунан ўз ўрнини сақлашини яхши тушунган. Шунинг учун ҳам **тўлдирғичларнинг** турларини тушунтиришда ҳар бир бўлақнинг гап структурасидаги қайси семантикани беркитишига диққатни қарагади ва шу орқали унинг ўрнини белгилашга ҳарака қилади. Бу синтактик вазиятти гапнинг семантик тўлиқлиғи ғояси билан боглайди, уни *"Эга билан кесимдангина тузилган гапдан англашилган ўйнинг тўла чиқмай қолгани ҳам бўлади"*(12-б), *"Эга билан кесимдан англашилган ўйнинг камчиликларини тўлдирмоқ"*(13-б.) каби жумлалар билан изоҳлайди. Тўлдирғичларнинг барча(8та) турларини асослашда ушбу тамойил изчил давом эттирилади. Демак, бу қарашлари билан Абдурауф Фитрат замонавий тилшуносликка анча яқин туради.

Абдурауф Фитратнинг **тўлдирғич** тушунчаси тўлдирувчи ва ҳолларнинг барча турларини қамраб олмаган. Бу тушунарли, чунки бу асарни у мукаммал бир синтактик тадқиқот сифатида тақдим этмаётганлиги асар номидан ҳам маълум. Шунга қарамай, тўлдирувчиларнинг ифодаланганини тўлиқ қамраб олган, лекин ҳол позициясида келадиган сўзшакллардан ўзи тўплаган материаллар асосидагина фикр юритган.

Тўлдирувчилар тушим, бориш, чиқиш, биргалик "тўлдирғич"ларини тушунтириш жараҳида, ҳол бўлаги эса бориш, чиқиш, ўрув, чоғ, нечулик, нечуклик тўлдирғичларини изоҳлаш жараҳида ўрганилган

Ҳар бир **тўлдирғич** тўғрисида гап бўлар экан, сўзнинг шаклланишига кўра шу бўлақда ифодаланадиган нозик грамматик маъно ҳам унинг эътибордан четда қолмаган. Тўлдирувчи позициясидаги тушум келишиги шаклининг(тушим тўлдирғичи) белгили ва белгисиз қўлланишидаги аниқлик ва нозиклики англиштишни яхши иллаганлиги А. Нурмонов томонидан таъкидланган эди.² Бориш тўлдирғичи ҳақидаги мулоҳазаларимизни аввал эслатган ақоламизда билдирган эдик. Энди Абдурауф Фитратнинг **тўлдирғичларни** изоҳлашдаги айрим эътиборли ўринларига тўхталамиз. "Чоғ тўлдирғичи"ни тушунтиришда *-гач/кач/гач/кач* аффиксли феъл шаклининг гапда эргаш гап кесими эмас, балки ҳол(тўлдирғич) бўлиб келишини уқтиради. Бу жиҳатдан ҳам у ҳозирги энг янги қарашларга яқинлашади. "Биргалик тўлдирғичи"ни изоҳлашда унинг ўртоқлик, қуроқлик, сабаблик ва замондошлик семантик турларини санаб ўтади. Бунда кейинги икки маъно тури тўлдирғичнинг ушбу гурига алоқаси йўқлиги кўришиб турибди. Сабаб ҳолина эслатувчи нечулик тўлдирғичига келтирилган мисоллар тил тарихига оиддир(*ёзарға, ёзғали*).

Абдурауф Фитрат гап бўлақларини белгилар ва ёритар экан, аввал таъкидлаганимиздек ўз давридаги шу каби асарларга нисбатан оригиналроқ фикрланга ҳаракат қилган. Бу борада муваффақиятлари ҳам бор, лекин Мунаввар Қори, Қ. Рамазон Ш. Зуннулар томонидан яратилган асардаги айрим синтактик терминлар ва тушунчаларнинг муваффақиятли ишлатилганлигини эътиборга олмаган, жумладан, *гап бўлаги* термини ва унинг изоҳи эслатилган асарда нисбатан тўлиқ ўз ифодасини топган, аниқловчи алоҳида гап бўлаги сифатида келтирилган. Гап бўлақлари бонн ва эргаш бўлақларга ажратилганки,³ бундай таснифга ҳозир ҳам бефарқ бўлмаслигимиз лозим. Шунн таъкидлаш жоизки, ҳозирги мактаб, олий мактаб ва илмий адабиётларимизда қўлланиб келаётган рус тилидан таржима қилиб олинган иккинчи даражали бўлақ тушунчаси ўзини мутлақо оқламайди. Балки ўз ошпозициясига эга бўлмаган тушунчадир, яъни иккинчи даража асида биринчи даражага нисбатан белгиланиши

¹ Қаранг: Современный русский язык. Теория, анализ языковых единиц – Москва: Akademia, 2001, с.250.

² Нурмонов А. Кўрсатилган асар, 158-б

лозим эди, қолаверса, гап булакларини даражалаш зарур бўлса, ҳозирги қарашларга кўра, биринчи даражали булак сифатида кесимнигина белгилаш лозим бўлади. Юқоридаги муаллифлар томонидан гапни бош ва эргаш булакларга ажратишда жуда кагта маъно бўлиб, бизнинг тушунчамиздаги иккинчи даражали булаклар бош булакларга боғланиб келиши назарда тутилган

Қуринадики, Абдурауф Фитрат тўлдирғичлар талқинида замонасидаги айрим илғор ғояларни эътиборга олмаган. Шунга қарамасдан у синтаксисни ўрганишнинг дастлабки методикасини яратган тилшунос сифатида тарих саҳифасида қолади.

ҚУШМА ГАП ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Проф. Р.Сайфуллаева, М.Хамидова (ЎЗМУ)

Туркий тилшунослиқда ҳам, хорижий тиллар грамматикаларида ҳам қўшма гап алоҳида бир категория, алоҳида бир система сифатида кенг ва чуқур талқин этилган. Мустақиллик давригача бўлган жаҳон тилшунослиғида, хусусан, ўзбек тилшунослиғида ҳам қўшма гап масаласи [(S1-P1)] , [S1 -P1]] модели асосида ўрганилгани сабабли илмий ва ўқув адабиётларда берилган таърифу таснифлар бир хил бўлиб қолган.¹

Мустақиллик даврида асос солинган ва ривожланган ўзбек тилшунослиғида содда гап [WPm], қўшма гап қолипи эса [WPm R WPm] тарзида олинди. Она тили моҳияти ва бошқа тиллардан ажралиб турган ўз хусусиятларига эга эканлиги ўқув адабиётлар, илмий ишларда ўз аксини топди.

Содда ва қўшма гаплар ҳақида мулоҳаза юритилар экан, улар ўзаро ўхшаш ва фарқли томонлари мавжудлиги яққол кўзга ташланади.² Қуйида айрим ўхшаш томонларига тўхтаб ўтмоқчимиз. Аниқки, гап маркази ([WPm]) нинг миқдорига кўра гап икки гуруҳга- содда ва қўшма гапларга бўлинади. Содда гап бўлса ҳам, қўшма гап бўлса ҳам нутқнинг бир бўлаги бўлиб, тилнинг коммуникатив восита ҳисобланади. Аниқ коммуникатив восита ролини ўташ содда ва қўшма гаплардаги умумийликни вужудга келтиради. Бу умумийлик, асосан, қуйидагилардан иборат: қўшма гап кўп фикрни билдиради, содда гап бир фикрни ўрнига қараб, кўп фикрни ҳам ифодалайди. Масалан. Уюшқ кесимли содда гаплар кўп фикрни англатади: Қариялар эрта тонгда ҳам, кундуз ҳам, дастурхон устида ҳам, шунчаки суҳбатларда ҳам тинчимиз, хотиржамлигимиз учун шукроналар айтишар, шу барқарорликни барпо этишда жонбозлик кўрсатиш йўлбошчимиз ҳақиқа дуолар ўқишарди. (О.Шарафидинов.) Бу гапнинг энг кичик қолипи [S1(W1, W2) Pm] дир. Гапдаги икки кесим – охиригиси таркибидаги ди қўшимчиси орқали уюштирилмақда. Жаҳон аънаваний тилшунослиғи, хусусан, ўзбек тилшунослиғида ҳам бир эга ва бир неча кесимга эга гап содда гап деб олинарди, гарчи бу кесимлар тўла шаклланган бўлса ҳам. Кейинги йилларда аънаваний уюшқ кесимли содда гапларни қўшма гаплар қаторига киритиш В.А. Белошапкина, Н.Ю. Шведовалар асарларида қайд этилди. Ўзбек аънаваний тилшунослиғида эса бир эга ва бир неча кесимдан иборат конструкция (У отнинг жиловини ушлади ва бошини синаб қўйди.), яъни кесимлар бир эгага эргашганлиги туфайли уюшқ кесимли содда гап деб талқин қилинарди. Ўзбек тилшунослиғида бу каби гаплар мустақилликдан кейингина содда эмас, балки қўшма гап деб аталди. Шу каби гапларнинг кесимлари тўлиқ шаклланиши учун бу конструкция қўшма гапдир. Кесимлардан бири тўлиқ шаклланимаган бўлса-ю, конструкция таркибидаги биргина бирлик ҳамма кесимларни уюштириб келса ва бир эга қўлланган бўлса, уюшқ кесимли содда гап ҳисобланади.

¹ Думбиева Ж.Ш. Мустақиллик даври публицистик асарларида қўшма гаплар талқини (Ўзбек ва инглиз тилларидаги матнларнинг қиссий таҳлили асосида). Номз. дисс. Т., 2006.

² Ушбаев Ф.С., Сайфуллаева Р.Р. Предиқатив бирликлар ва улар ўртасидаги муносабат. Т., 1989.

Содда гаплар йиғик ва ёйик бўлганида қўшма гап қисмлари ҳам йиғик ҳамда ёйик бўла олади. Бунда уч ҳолатни кўриш мумкин бўлади:

1. Қўшма гапнинг икки қисми ҳам йиғик бўлади. Бу тип, ўз навбатида, иккига бўлинади:

а) фақат кесимдан иборат бўлади: *Ўқинг, эшитайлик.* (Ойбек) *Айт, кирсин.* (С. Айний)
б) эга ва кесимдан иборат бўлади: *Пахта очилди, терим бошланди.*

2. Қўшма гапнинг икки қисми ҳам ёйик бўлади: *Яна ва яна ишонч ҳосил қиламанки, Ислоҳ Каримов чиндан ҳам истиқлолимизнинг баркамол бўлиши учун чин юракдан қайғурадиган инсон экан.* (О. Шарафиддинов) Бу тобе таркибли икки қисмдан иборат бўлган қўшма гап ва унинг ҳар икки қисми ёйик, яъни икки марказ([WPm]) сўз ва гап кенгайтирувчиларига эга.

3. Қўшма гапнинг бир қисми йиғик, бир қисми ёйик бўлиши мумкин. Қўшма гапнинг бу турини ҳам бир неча гуруҳга ажратса бўлади:

а) биринчи қисм йиғик, иккинчиси – ёйик: *Дейсан: олисларда омон юрсанг бас, ...* (М. Юсуф);

б) иккинчи қисм йиғик, биринчи қисм ёйик: *Мени дунё тушунгайдир, Сен эй нодон, тушунмайсан.* (М. Юсуф); *Бундай боқма менга, уқдингми?* (М. Юсуф)

3. Қўшма гапнинг ҳар икки қисми йиғик бўлади: *Сакрайверинг, етасиз.* (Х. Фулом) *Ичмасангиз, ошдан олинг.* (Х. Фулом)

Айрим ҳолатларда, айниқса, шеъриятда қисмлари йиғик қўшма гаплар кўп қўлланади ва бу қисмлар асар таъсирини кучайтириш учун кетма-кет келади, масалан,

Кел, кўришиб турайлик.

Саломлашмай, уялсанг. (М. Юсуф)

Мураккаб қўшма гаплар қисмлари ҳам йиғик ёки ёйик тарзда ва уларнинг аралаш ҳолда келганлиги ҳам кўп учрайди. Айрим мисолларни кўриб ўтамиз:

1) *Умуман, Пиримқулнинг характерида бир хусусият бору, билибми, билмайми, ҳамини етакчи бўлишга, суҳбатлашадиган одамни орқасидан эргаштиришга интилади.* (О. Шарафиддинов 437- бет) Бу гап тўрт қисмдан иборат мураккаб қўшма гап, унда иккинчи ва учинчи қисмлар йиғик гаплар, биринчи ва тўртинчилари эса – ёйик. Шунинг учун унинг энг кичик қурилиш қолипни қуйидагича бериш мумкин [W1Pm¹ W2Pm² W3Pm³ W4Pm⁴].

2) *Сен эмассан ахир, ўйланма,*

Жонимнинг рижаси қўлида унинг,

Аммо Муҳаммадсиз ўтмайди қуниг,

Кел, майли мен ўлай, сен ҳам қийналма -

Шунга нима дейсан, беафо ёрим?... мисолида “Ўйланма” ва “кел” фақат бир сўздан иборат йиғик гаплар бўлса, “Сен худо эмассан” ва “Майли мен ўлай” йиғик гаплар эга-кесимдан ташкил топган. Келдим, кўриб қўй! (М. Юсуф 41-бет) гапнинг икки қисми кетма – кет қўлланган йиғик шаклда.

3) *Куйма, ёрим, куйдирмагин, куйма, ёр,*

Бир яхшига бир ёмон ҳар жойда бор... (М. Юсуф. 50-бет) мисоли тўрт қисмдан иборат қўшма гапда учта қисм йиғик ва улардан биринчи ва учинчиси такрор қўлланган.

Жаҳон, хусусан, аънавий рус ва ўзбек тилшунослигида бир составли гаплар тадқиқига бағишланган илмий ишлар мавжуд. Бу масала устоз И.Расулов¹ томонидан махсус тадқиқ этилган ва шу икки тилда ўрганилган бу назарияда ҳам ўхшаш томонлар анчагина. Қўшма гап бобида эса бир составлилик масаласи бўйича Ф.Убаева²

¹ Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. Т., 1974 й.

² Убаева Ф. С., Сайфуллаева Р. Р. Предикатив бирликлар ва улар ўртасидаги муносабат. Т., 1989 й.

³ Сайфуллаева Р. Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг субстанционал (эгий)галекси Т. 2007 й. Джумабаева Ж. Ш. Юкорида кайд этилган асар.

томонидан айрим фикр-мулохазалар билдирилган. Муस्ताқиллик даври ўзбек тилшунослигига оид асарларда бу масалага ёндашув бошқача тус олди. Гапнинг лисоний қурилишида анъанавий тилшуносликда бош бўлак деб аталмиш эганинг ифодаланган ёки ифодаланмаганлигига кўра икки гуруҳга бўлинди, яъни 1) эгали гаплар ва 2) эгасиз гаплар. Эгасиз гапларда эганинг мутлақо бўлмаслиги назарда тутилган. Анъанадаги бир составли гаплар мана шу эгасиз гапларга тенгдир. Қўшма гап тақлида унинг таркибида қўлланган бир таркибли гаплар Р. Сайфуллаева ва Ж.Джумабаевалар³ томонидан махсус тадқиқ этилган. Худди содда гаплар каби қўшма гаплар қисмлари ҳам бир таркибли бўлиши мумкин. Бунда қуйдаги ҳолаглр нисбатан кўп учрайди:

1) қўшма гапнинг биринчи қисми бир таркибли, бошқалари икки таркибли бўлади: *Бу хабарни унга айтиши мумкин эмас, шуни билсизми?* ("Шарк юлдузи");

2) қўшма гапнинг иккинчи қисми бир таркибли, бошқалари икки таркибли: *Қосимов пролетариатнинг душмани, ёт унсур, зараркунанда, порахўр, шўро ҳукуматини ичдан кўпоровчи, бундан газандаларни мажсақлаб ташламоқ керак, Қосимов ва унинг думларини таг-туғи билан қуритайлик, бир тўда аксилинқилобчиларга қақшиатқич зарба берайлик ва ҳоказо...* (О.Шарафиддинов. 412-бет) [II W1Pm1, I W2Pm2, IIW3Pm3, IIW4Pm4]. Бу ерда иккинчи қисм бир таркибли гапдир;

3) қўшма гапнинг охириги қисми бир таркибли, олдингилари икки таркибли гаплар, масалан: *Унга қараганда, бу мақоланинг адабиётга дахли йўқ эди, лекин сарливҳаларнинг ҳар бирида шунақа зағаб ва нафрат бор эдики, улардан ларзага тушмасликнинг илоҳи йўқ эди.* (О. Шарафиддинов 411-бет): *Бундай турмуш тарзи, эҳтимол, бизнинг ўзбекларга тўғри келмас ва ҳамма бу йўлни тавсия қилиб бўлмас.* (О. Шарафиддинов. 123-бет) Мисоллардаги биринчи гап уч қисмли (биринчи ва иккинчи қисмлар ўзаро тенг иккинчи ва учинчи қисмлар ўзаро тобе муносабатда) қўшма гап [II W1Pm1, II W2Pm 2→W3Pm3]. Иккинчи гап қисмлари эса ўзаро тенг алоқада;

4) қўшма гапнинг ҳамма қисмлари бир таркибли гаплар бўлиб келиши ҳам мумкин: Мисол: *Эртадан қора кечгача иш: тоғ ўйиши, ариқ қазии, тош ташии, чим босии, яна нима бадалар.* (М. Исмоилий) Бу гапнинг энг кичик қурилиши қуйдагича: [IW1Pm1: (IW2Pm2, IW3Pm3, IW4Pm4, IW5Pm5, IW6Pm6)].

Қўшма гаплар таркибида ҳам худди содда гаплардек атов гаплар қўлланади, масалан, *Ойдин кеча, ёқимли шабада.* ("Шарк юлдузи")

Қўшма гап ифода мақсадига кўра ҳам, худди содда гапдек учга бўлинади:

а) қўшма дарак гаплар. Қўшма гапнинг бу турида ҳамма қисмлар дарак мазмунини ифодалайди: *Шу пайт тўсатдан радиодан берилаётган концерт тўхтаб қолди, қарнайда бир нарсалар қитир-қитир қилди-да, бировнинг томоқ қириб йўталганини тиндилди.* (О.Шарафиддинов. 90-бет);

б) қўшма сўроқ гаплар. Шуни айтиш керакки, қўшма гап қисмлари дарак ва сўроқ мазмунини бир пайтнинг ўзидан ифодалаш мумкин, масалан, *Наҳотки, жаҳоннинг кўнгина халқлари эртага XXI аср бағрида жавлон урсаю, биз яна ҳар доимдагидек ортда қолиб, XIX аср тор кўчаларида пайнаслашиб юрсак?!* (О.Шарафиддинов 109-бет) Бу тенг таркибли қўшма гапнинг биринчи қисми дарак гап бўлса, иккинчи қисми сўроқ гапдир. Тобе таркибли қўшма гапнинг ҳам биринчи қисмидан дарак, иккинчи қисмидан сўроқ мазмуни англаш мумкин:

Ақл-заковати етган бўлса, иродаси камлик қилдими? (О. Шарафиддинов 107- бет) Баъзида қўшма гапнинг ҳар икки қисмидан сўроқ мазмуни аниқлаш мумкин, масалан, *Нима қилса, қишлоқни ҳам тариққётнинг кенг ва муазам бўлига олиб чиқishi мумкин?* (О. Шарафиддинов 104-бет) *Мен тушуналмай қолдим - шотининг партиявий тил дегани ана шу чанараста сўкишиди ёхуд яна бошқачароқ бирон тил бормиди?* (О.Шарафиддинов 93-бет) гапиде сўроқ аломати

бор, яъни биринчи қисмда оҳанг, иккинчи ва учинчи қисм кесимлари таркибида –ми сўроқ юқламаси қўлланган. Мана шу кетма-кет қўлланган сўроқ элементлари ёзувчи тилини ниҳоятда таъсирчан қилган. Мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, баъзида қўшма гапнинг ҳамма қисмлари, баъзида эса биргина қисми сўроқ мазмунини ифодаловчи қисм қўшма гапнинг охирида қўлланади;

в) қўшма буйруқ гаплар. Бундай гапларда ҳам турли ҳолатлар кўзга гашланади, яъни буйруқ мазмунини ифодаловчи қисм қўшма гап охирида ёки бошида келиши мумкин, ёки ҳар икки қисм ҳам буйруқ гап бўлиши мумкин. Мисоллар:

в.1.) гап бошида: *Тур, деяман, аям келяпти!* (Х. Ғулом. 146-бет) Бу уч қисмдан иборат қўшма гапнинг бошида буйруқ гап қўлланган;

в.2.) гап охирида: *Ер селгиди, тушаверинглар!* (Х. Ғулом 138-бет);

в.3.) қўшма гапнинг икки қисми ҳам буйруқ мазмунини ифодаламакда: *Даврингни сур... аммо душманлар билмасин!* (Х. Ғулом. 143-бет)

Келтирилган мисоллардаги қўшма гаплар, асосан, икки қисмдан иборат. в.1.) банддаги қўшма гап уч қисмдан ташкил топган. Қўшма гапнинг юқорида қайд этилган кўринишларини тадқиқ этиш қизиқарли маълумотлар бериши табиийдир.

Ҳис- ҳаяжонни билдирувчи гаплар ҳам қўшма гап қисмлари вазифасида кела олади. Улар ҳам қўшма гапнинг ёки боши ёки охирида, баъзан эса ўртасида қўлланади. Масалан,

1) *Мен-чи, бир гиёҳча бўлолмадим-ку,*

Эй, кўзлари жайрон, кинриги найза! (М.Юсуф. 30-бет)

2) *Тузукроқ ишласанг, ўласанми!* (О.Шарафиддинов. 90-бет)

3) *У менга қон йиғлар ҳар сафар,*

Мен дардимни кимга айтаман! (О.Шарафиддинов. 36-бет)

4) *Бу қарздан бутуллай фориг бўлолмасам-да, ложақал юзим ёруғроқ бўлсин, мангу ёмон отлик бўлиб қолмай дейман-да!* (О.Шарафиддинов. 88-бет)

Шу қўшма гаплар таркибида қўлланган бу гаплар, аниқки, ўқувчига ниҳоятда кучли таъсир қилиш кучига эга.

Қўшма гаплар таркибида ҳам тасдиқ ва инкор элементлари кўп қўлланади. Тасдиқ ва инкор маъноларини ифодаловчи элементлар ўқув қўлланма, дарсликларда¹ гап, гап бўлаклари бобида келтирилган. Мустақиллик давридан кейин йўқлик ва мавжудлик маънолари олима Д.Э. Лутфуллаева томонида содда гап мисолида чуқур ва кенг тадқиқ этилган². Олима Ф.С.Убаеванинг қуйидаги фикрига диққат қиламиз: “Содда гапларда уюшқ кесимнинг барча аъзоси тасдиқ, барча аъзоси инкор ёки уюшқ кесим аъзоларидан бири тасдиқ, бошқа бири эса инкор формада келади

1) + + +

2) - - -

3) а) + - -

б) + + +

в) + - +

г) + - ...

Тасдиқ ва инкорнинг ифодаланishi қўшма гапларда ҳам худди шундай.³ Бу фикрни қўллаб- қуввалаган ҳолда айрим мисолларни кўриб ўтамиз:

а) *Сен бормасанг, баҳор бўлмайди, очилмайди боғларда гуллар.*

Қарагайлар бағр чиқармайди, ўрмонларга келмас булбуллар. (Х.Олимжон);

б) *Қишқи лаззатларни ҳайъга олсанг, Ёзги меҳнатинг келмайди малол.* (Ғ.Ғулом);

¹ Ҳозирги ўзбек адабий тили. II Синтаксис. Т., 1966. Ғуломов А., Аскарлова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Т., 1987;

² Лутфуллаева Д.Э. Гап қурилиш қолипи ва пропозитив структураси ўртасидаги муносабат. Т., 2008й.

³ Убаева Ф.С., Сайфуллаева Р.Р. Ўша асар, 67-бет

в) *Котибга тап бериш керак - у бир нарсани мардона эътироф этарди - чиндан ҳам ҳеч нарсани билмас эди.* (О.Шарафиддинов.93-бет.)

Мана уч мисолдан биринчисининг ҳамма қисмлари (бештаси) инкор, иккинчисининг ҳамма қисмлари тасдиқ, учинчисининг қисмларидан бири инкор шакллардир. Қўшма гапнинг бир қисми тасдиқ, иккинчиси инкор, учинчиси тасдиқ ва шу каби вариантларнинг қўлланиши кўп учрайди. “-ма”, “эмас”, “йўқ”, “на-на” инкор элементлари ва оҳанг ҳам бундай мураккаб қўшма гапларни ҳосил қилишда муҳим маъкега эга. Ўйлаймизки, қўшма гапга оид юқорида қайд этилган хусусиятлар тахлиши янада кўп қизикарли маълумотлар беради.

ТИЛШУНОСЛИҚДА ЭМОЦИОНАЛЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

С.Мухамедова, Т.Уралова (ТДПУ)

Инсониятнинг мавжуд бўлишидаги энг асосий жараёнлардан бири эмоцияларнинг намоиши этилиши ҳисобланади. Эмоциялар инсоннинг фикри, қарашлари ва характерларига жуда катта таъсир утказди. Эмоция - бу шахснинг ҳам физиологик ҳам руҳий ҳолати ҳисобланиб, субъект фаолиятидаги тажриба, субъектга тегишли хусусият, нейро-физиологик реакция сифатида баҳоланади¹.

Эмоционаллик тилнинг турли сатҳларида ўрганилиб келинган. Жумладан, эмоционалликнинг прагматик, парадигматик томонлари тадқиқотларнинг асосини ташкил этмоқда. Одатда эмоциялар биологик ва психологик нуқтан назардан бирор бир стимулга бевосита реакция сифатида қаралади. Ҳиссий муносабатлар лингвистик жиҳатдан эмоционал реакцияларда фарқланади². Эмоция билан боғлиқ ишлар лексикология нуқтаи назаридан В.Г. Гак, А. Вежицкая, В.И.Шаховский ва бошқаларнинг³, синтактик ва семантик-синтактик ёндашув доирасида А.В. Безрукова, А.А.Зализняк, Ю.М.Малиновичлар⁴ ишларида тадқиқ этилган, бундан ташқари матн доирасида⁵, эмотивлик категориясининг турли типдаги матнларда воқеланиши юзасидан тадқиқотлар⁶ олиб борилган. Рус ва хориж тадқиқотчилари томонидан эмоционалликнинг талқини турли лингвистик сатҳларда ва тилшунослик соҳаларида ҳам диахроник, ҳам синхроник жиҳатдан, турли методлардан фойдаланилган ҳолда ўрганилиб келинмоқда. Жумладан, О.Д. Дунина инглиз ва рус тилларидаги “эмоция”ни ифодаловчи сўзларнинг лексик-семантик майдонини аниқлашда мазкур сўзларнинг этимологиясига мурожаат қилади. Мақола муаллифи “эмоция” семантик майдонининг тараққиети инглиз тили тарихининг бутун даврини камраб олиши хусусида фикр юритади. Бу ҳолларнинг сабаби сифатида экстралингвистик, шунингдек, интралингвистик факторларни кўрсатади⁷. Эмоционаллик борасидаги тадқиқотлар

¹ Значковская О.О. Концептуализация положительных эмоциональных состояний «радость» (joy) и «нидежда» (hope) в современном английском языке. Автореф.дисс.кан.фил.и. М.: 2008 26 с.

² Липрсиян В.Ю. Опыт кластерного анализа: русские и английские эмоциональные концепты // Вопросы языкознания. № 1, 2011 Москва «Наука. С 19-52».


³ Вежицкая, А. Семантические универсалии и описание языков. – М.: Языки русской культуры, 1999. – 634 с. Гак, В.Г. К эволюции способов речевой номинации // Вопросы языкознания. – М.: Наука. 1985, № 4. С. 28-42.

⁴ Безрукова А.В. Эмоциональные адъективные и субстантивные двусоставные предложения в современном английском языке (Опыт парадигматического описания): Дис... канд. филол. наук. – Пензенград: ЛГПИ им. А.И. Герцена, 1981. – 180 с.

⁵ Болотов, В.И. Эмоциональность текста в аспектах языковой и неязыковой вариативности (основы стилистической стилистики текста). – Ташкент: Фан, 1981. – 116 с.

⁶ Шаховский В.И. Категоризация эмоций в лексико-семантической системе языка: Изд-2-ое, шпр. и доп. – М.: УРСС, 2008. – 208 с.

⁷ Дунина О.Д. Этимологический анализ лексем семантической группы «эмоция» в английском и русском языках. // Вестник Московского государственного университета «Лингвистика». № 1. – С.255-267.



когнитив нуқтан назардан кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда олиб борилмоқда. Эмоционаллик доирасида биргина “удивление” (хайратланиш) концептининг инглиз ва рус тилларидаги қиссий талқини Н.В.Дорофееванинг диссертациясида келтирилган.¹ Муаллиф хайратланиш маъносини англатувчи сўзлардан ташқари хайратланиш жараёнида қўлланиладиган ибораларни инглиз ва рус тилларида таққослайди.

Эмоционал феълларнинг таҳлили ҳам тадқиқотчилар назаридан четда қолган эмас. Улар эмоционалликни англатувчи сўзлар ёки феълларни ган доирасида турли синтактик алоқалари ва концептуал хусусиятларини кўриб чиқишмоқда. Хусусан, эмоционалликни ифодаловчи сўзларнинг семантик структураси, яъни эмоцияларнинг концептуаллашуви маълум сўзларнинг синтактик хусусиятларига таъсири Г. Радден, И.Кривошеевалар² таҳлилидан ўрин олган бўлса, эмоция билан боғлиқ лексемаларнинг синтактик қўлланилишини А.Камалова, А.Осмонд ишларида кузатиш мумкин³, шунингдек феълларининг эмоционал хусусиятларини ифодалашда валентлик (актант структурасининг таъсири) хусусиятларини М. Калюга, Е. Муравенколар⁴ таҳлил этишган. Ушбу муаллифлар хайратни англатувчи феълларнинг актант структурасига кириши биринчи навбатда рус тилининг келишк системасига боғлиқлигини кўрсатишади ва мазкур ҳол инглиз тили предлогларига юкланишини таъкидлаб, А.Осмонднинг фикрларига ургу беришади. Жумладан, рус тили эмоционал ҳаракат феълларини тадқиқ қилган И.В. Кривошеева мазкур позитив эмоционал феъллар гуруҳига нисбатан *кто радуется/удивляется/поражается кому/ чему* схемаси мавжудлигини таъкидлайди.

Когнитив тилшунослик ва прагмалингвистиканинг тараққиёти эмоция билан боғлиқ бўлган қўлаб тадқиқотларнинг юзга келишига сабаб бўлди. Бу ҳол лингвокультурологик жараёнда типологик нуқтан назардан олиб борилиши эса эмотивлик турларининг турли тилларда ўзига хос ифодаланишини очиб беришга хизмат қилмоқда.

Эмоцияларнинг турли лингвокультурологиялардаги вербаллашувига қиссий тадқиқотларига ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда. Эмоциялар универсал ҳодиса деб ҳисоблайдиганлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Эмоционал лексиканинг типологик структураси кўрилаётган ҳар бир тилда ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги айтилади⁵. Эмоцияларнинг рус тили талқинида асосий (базавый) ва асосий бўлмаган гурларга ажратган К. Изард асосий эмоциялар сифатида *интерес, радость, удивление, печаль, гнев, отвращение, презрение, страх, стыд, чувство вины* каби турларини келтиради⁶. К.Израднинг қарашларидан фарqli ўларок эмоция хусусида Р.Корнелиус куйидагича фикр юритади: “Конкрет аниқланган эмоция мавжуд эмас, фақатгина ҳар хил одамларнинг эмоцияларини ифодалашда умумийлик бор бўлиб.

¹ Дорофеева Н. В. Удивление как эмоциональный концепт: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Волгоград, 2002. 19 с..

² Radde G. The conceptualization of emotional causality by means of prepositional phrases // Speaking of Emotions. Conceptualization and Expression. E. Tabakowskaya (eds). Gruyter, Berlin, New York, 1998 P 273-294; Кривошеева И. В. Структурные схемы русского простого предложения с глаголами эмоциональной действительности. Дис. ... канд. филол. наук. Воронеж 1999. 21с.

³ Osmond A. The prepositions we use in the construal of emotion: Why do we say fed up with but sick and tired of?/The language of emotions R.Driven (eds) Amsterdam, Philidelphia 1997 P 111-133; Камалова А.А. Семантические типы предикатов состояния в системном и функциональном аспектах. - Архангельск, 1998.

⁴ Калюга М, Муравенко Е. Актантная структура глаголов удивления и восторга. Вестник РГГУ. № 6/08. Москва. 2008 –С 109-120.

⁵ Бабенко Л.Г. Лексические средства обозначения эмоций в русском языке. Свердловск: Изд-во Уральского ун-та. 1989. 259 с. С. 15..

⁶ Изард К.Э. Эмоции человека. М.: МГУ 1980. 440 с

унга эволюцион биологик хусусият сифатида қараш мумкин”.¹ Кўринадики, эмоцияларнинг турли тиллардаги хусусияти ҳақидаги фикрлар бир хил эмас ва шунинг учун ҳам эмоцияларнинг турли тил сатҳларидаги типологик таҳлили тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб этиб келмоқда. Таъкидлаганимиздек, эмоцияга тегишли таҳлилларда когнитив томонлар ҳам кўриб чиқилмоқда. Тилдаги эмоцияларни тасвирлашнинг турлича йўналишлари мавжуд бўлиб, бу борадаги классик ёндашув вакиллари сифатида Л.Иорданская ва А.Вежбицкаяларни келтириш мумкин. Ушбу тилшунослар эмоцияларга семантик нуктаи назардан ёндашишган бўлса, Дж.Лакова ва З.Касевичлар эса когнитив жиҳатларини талқин қилишади. Эмоционалликни когнитив нуктаи назардан инглиз ва рус тилларида қиссий типологик таҳлилни таниқли тилшунос Ю.В. Апресян ишларида ҳам кузатиш мумкин. Олим, мазкур соҳага тегишли бўлган эмоционал концептларни 11 та ('страх', 'гнев', 'отвращение', 'грусть', 'радость', 'стыд', 'жалость', 'обида', 'гордость', 'ревность/зависть', 'благодарность') гуруҳга ажратади. Муаллиф эмоционал концептларнинг типологик таҳлил қилиш жараёнида асосий эътиборини уларнинг концептуал реализацияси билан чекланиб қолмасдан, эмоционал бирликларнинг семантик майдонини таҳлилига ҳам тўхталлади ва инглиз ҳамда рус тилларидаги “кўркув” эмоционал бирлигининг физиологик, биологик, нейтрал турларини таққослайди.² У ҳар бир эмоционал гуруҳга тегишли тил бирликларини турли эмоционал жиҳатларини ифодаланишига қараб эмоциянинг турли белги ва турларининг гап бўлақларидаги синонимларини аниқлашга жиҳатдан қиёслади. Унга кўра эмоционал каузация (*пугать, страшный*), эмоционал ҳолат (*грусно, страшно, ужасаться, жалеть*), эмоцияга физиологик реакция (*побелеть, побагроветь, похолодеть*), эмоцияга ҳулқий муносабат билдириш (*убеждать в ужасе, ударить кулаком по столу от досады*). Анаета Павленко эса ўз таҳлили жараёнида инглиз тилида 20та эмоционал леммаларни аниқлайди ва уларнинг асосини сифатлар ташкил этиши тўғрисидаги фикрни билдиради. Муаллиф эмоционалликни англатувчи қуйидаги сифатларни келтиради: *angry, 'mad', 'sad', 'frustrated', 'disturbed', 'depressed', 'disappointed', 'confused', 'distracted', 'embarrassed', 'perplexed', 'pissed', 'shocked'*.³

Рус тилшуноси Ю. Апресян рус ва инглиз тилларидаги эмоционал кластерларни тадқиқ этар экан, у эмоцияларни англатадиган турли тил воситаларини иккита ажратади:

1) эмоциянинг ҳар хил белги ва турларини таркибига оладиган ҳар хил гап бўлақларининг синоним ҳамда аналоглари (мисол учун, рус тилидаги “кўркув” (страх) кластри учун *бояться, пугать, трепать, страшиться, опасаться, страх, боязнь*; инглиз тили учун *to be afraid, to be scared, to fear, fear, dread*);

2) эмоциянинг юзага келишида турли-туман аспектларни намойиш этадиган воситалар, хусусан, каузация (*пугать, страшный*), ички эмоционал ҳолат (*грусно, страшно*), эмоционал асосланган фель-атвор (*ужасаться, жалеть*), эмоцияга физиологик реакция (*побелеть, побагроветь, похолодеть*); эмоцияга ҳулқ-атвор жиҳатдан муносабат билдириш (*убеждать в ужасе, ударить кулаком по столу от досады*).⁴ Кўринадики, тилшуносликда эмоцияларнинг тилда ифодаланишини тадқиқ

¹ Cornelius R. R. The science of emotion: Research and tradition in the psychology of emotions // Prentice-Hall, Upper Saddle River, NJ. 1996.

² Апресян. В.Ю. Русские и английские эмоциональные концепты // Труды международной конференции «Диалог 2008» 4-16

³ Aneta Pavlenko. Temple University *Pragmatics & Cognition* 10:1/2 (2002), 207-241. ISSN 0929-09071 E-ISSN 1569-9943 © John Benjamins Publishing Company. –P.208-237.

⁴ Апресян А.Ю. Опыт кластерного анализа: русские и английские эмоциональные концепты // Вопросы языкознания. –Москва: Наука, № 1. 2011. –С. 19-53.

қилишга бағишланган ишлар кўпчиликини ташкил қилади, аммо ўзбек тили мисолида бундай ишлар жуда кам. Умуман, эмоциялар жуда турли-туман бўлганлиги туфайли уларни чегараланган ҳолда талқин қилган маъқул.

АССОЦИАТИВ МАЙДОН ВА АССОЦИАТИВ МУНОСАБАТЛАР ҲАҚИДА

Ш.М.Искандарова, Н.А.Ҳошимова (ФарДУ)

Маълумки, тилшунослиқда ассоциатив майдон тушунчаси ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Ассоциатив майдон атамаси илк маротаба Ш.Балли томонидан қўлланилган.¹ Ассоциатив майдон атамаси баъзан мазмуний майдон тушунчасининг синоними сифатида қўлланади. Масалан, Ю.С.Степанов мазмуний майдонларнинг шундай турларини ажратади: Покровский майдони, Грир майдони, Порцинг майдони. У ассоциатив майдонни ҳам мазмуний майдон турларидан бири сифатида тўртинчи турга киритади,² яъни, олим ассоциатив майдон ва мазмуний майдон тушунчаларини ўзаро фарқламайди, уларни синонимлар деб ҳисоблайди.

Айрим tadқиқотларда эса ассоциатив майдон ва мазмуний майдон тушунчалари фарқланади. Жумладан, Ю.Н.Қараулов ўз ишларида ассоциатив майдонни реаллиқни англайдиган индивидуал шахснинг таъриф-таъсифи эканлигини асослаб беради. Унинг таъкидлашича, ассоциатив майдон ва мазмуний майдон доирасини ўзаро қиёслаш орқали ассоциатив гуруҳлар тузилишида кинчи онгига келган ассоциациялар бир шахсга хос (индивидуал) бўлиши, ассоциатив майдон эластик тарзда белгиланиши, яъни турли шахслар томонидан тузилган ассоциатив гуруҳларнинг ҳажми ҳар хил бўлиши мумкинлиги, яъни ассоциатив гуруҳлар тузилиши жараёнида индивидуал эркинликка ва ихтиёрийликка йўл қўйилишини кузатиш мумкин.³ Масалан, «*рассом*», «*китоб*», «*сигна*», «*ўткир*» лексемаларининг турли шахслар томонидан ишлатилиш ассоциатлари ҳам турлича бўлиши мумкин. Бундай ҳолда шахснинг ёши, жинси ва ижтимоий келиб чиқиши қабилар эътиборга олинади. Чунки бу лексемалар ифодаси билан эркакларга аёллар онгига нисбатан, болалар онгига катталарга нисбатан бошқа ассоциатлар келиши мумкин.⁴ Мазмуний майдон эса, кўпинча, аниқ маълумотларга асосан, компонент таҳлил ёрдамида, изоҳли лутатлар ёки умумий мезърдан фойдаланиб тузилади.

Ассоциатив гуруҳлар ёки майдон тузилишида индивидуал ва тасодифий ассоциацияларга ҳам асосланиш мумкин. Ушбу индивидуаллик ва тасодифийлик мазмуний майдонда компонент таҳлил билан алмаштирилади. Ассоциатив майдон чегараланмаганлиги сабабли ассоциатив гуруҳларнинг қандай тузилиши индивидуал шахсга боғлиқ бўлади. Шунинг учун баъзан гуруҳ таркибига далилсиз, асосланмаган лексемалар, ифодалар ҳам кириб қолиши кузатилади. Булар бевоқифа вазиятдан келиб чиққан индивидуал ва тасодифий ассоциациялар ҳисобланади. Бундай ассоциациялар далилсиз қўрилиши мумкин, аслида ассоциатив гуруҳларнинг моҳияти ва ўзига хослиги ҳам ана шундадир.

Форобий талқинича, нарса ва ҳодисалар, воқеалар учун асос бўлган идеал образ - ораз (акциденция), уларнинг ҳаётдаги объектив борлиқдаги аниқ ифодаларни эса жавҳар (субстанция) тушунчалари орқали берилди. Жавҳарлар ниссон томонидан

¹ Балли Ш.Общая лингвистика и вопросы французского языка.-М., 1955.

² Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. -Москва: Просвещение.,1975.-С.52

³ Қараулов Ю.Н. Общая и русская идеография.-М.: Наука, 1976. С.176.

⁴ Шур Г.С. Теории поля в лингвистике. .М.: Наука, 1974.Б.96

кўриш, эшитиш, ҳид билиш, маза-таъмини сезиш, тана орқали ҳис қилиш ёрдамида ангилашилади.¹

Замонавий психологияда инсоннинг сезги аъзолари репрезентатив система деб юритилади.² Ассоциатив майдон тузишда сезги аъзолари ҳам муҳим ўрни тутади. Маълумки, инсон маълумотни аудиал, визуал, кинестетик система орқали қабул қилади. Ассоциатив гуруҳ (ёки майдон)нинг юзага келишида индивидуал эркинликка ва ихтиёрликка йўл қўйилади. Демак, инсоннинг репрезентатив системаси ҳам эътиборга олинади.

Ассоциацияларни Юнг усули бўйича тадқиқ этишда алоҳида лексемалар орасида қандай алоқа мавжудлигини аниқлаш мумкин. Ҳар қандай лексема бошқа бир лексема билан муайян ассоциация орқали боғланади. Ассоциатив алоқага киришган бундай лексемалар бир-бири билан мазмунан боғланган бўлади. Демак, мазмуний алоқа бу ассоциациянинг мавжудлигидир. Ю.Н.Карауловнинг фикрича, тилда мазмун жиҳатдан алоҳида, яъни айрилган (автоном ҳолдаги) лексема бўлиши мумкин эмас. Ю.Н.Караулов томонидан лексемаларо мазмуний боғланишлар қадам билан ўлчаниши ва икки лексема орасидаги масофа бир қадамга тенг бўлиши кўрсатилади.

Тилдаги ҳар бир лексема мазмунан бир-бири билан бевосита боғланмасда, лексемалар бир-бирига мосланиб шундай занжир ҳосил қилиши мумкинки, бундай занжир иккита турли маъноли ва мазмун томондан бир-бирдан узоқ бўлган лексемаларни бир-бири билан боғлайди. Бунда дастлабки элемент ўртасида олти қадамдан кўп бўлмаган занжир пайдо бўлади. Бу усул психологияда ассоциатив мазмуний алоқалар хусусиятини очишда муҳим натижаларга олиб келади.

Мазмуний майдоннинг юзага келишида унинг тарихига кирган ҳар бир лексема мазкур майдон номи билан мазмуний алоқада бўлиши шарт. Шунга айтиш жонки, ассоциатив алоқалар майдон ядроси билан ўрнатилади. Шаклланаётган майдон таркибига ушбу ядрога алоқадор ҳар қандай лексема қиради. Бунда майдоннинг ҳар бир аъзоси ассоциатив алоқалар ёрдамида ифодаланади. Майдон таркибидagi бевосита алоқаларнинг воситали алоқалардан устунлиги ҳамда ушбу алоқаларнинг бир қадам масофасига тўғри келиши билан майдон узлуксизлиги дугат узлуксизлигидан фарқланиб туради.³

Ассоциатив тажриба экспериментал психологиянинг қадимий усулларидан бўлиб, у бугунги кунда кенг тарқалган тилга систем-структур ёндашувнинг асосий методларидан биридир. Бир қатор тилшунослар томонидан ассоциацияларнинг нутқда тутган ўрни масаласига алоҳида эътибор қаратилади.⁴

А.А.Леонтьев сўзлараро ассоциациялар - ассоциацияларнинг маъноси эмас, балки мазмуни эканлигини, улар индивидуал бўлиб, кишининг ҳис-ҳаяжонини ҳам худди шу ассоциациялар билдиришини таъкидлайди.⁵ Унинг таъкидлашича, майдон ва гуруҳларни ўрганишда ассоциациялар мазмун орқали акс этса, нутқда эса маъно орқали намоён бўлади.⁶ Маънонинг асосий компонентлари деганда, унинг денотати, мазмунга эгалити ёки парадигматик хусусияти ва валентлиги ҳисобга олинади.⁷

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси ширкети, 1993. - Б.151

² Фриксон М. Человек из февраля. М. независимая фирма «Класс», 2005. Б.15; Robert B. Dills. Managing Creativity and Innovative Meta Publications. СПб. ЗАО Издательский дом «Питер», 2003. Б.270.

³ Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография М.: Наука, 1976.

⁴ Lashley K.S. The problem of serial order in behavior. In: Saporta S.(Ed) Psycholinguistics: A book of readings.

NY, 1961, 180-198; Chomsky N. Syntactic structures. The Hague, Mouton, 1957

⁵ Леонтьев А.А. Слово в речевой деятельности. М., «Наука», 1965. Б.185.

⁶ Леонтьев А.А. Словарь ассоциативных норм русского языка. М., 1975

⁷ Морковкин В.В. Идеографические словари М.1990. Гл.3.

Маълум бир лексеманинг мазмуний белгиларини аниқлаш шу лексеманинг ассоциатив параметрлари бўйича амалга оширилади. Шунинг учун сўзларнинг мазмуний белгилари шу лексема маъносининг мазмуний компонентларидан эмас, балки ассоциациялар каторидан кидирилади.

Ассоциатив тажрибаларда ҳам предикатлар фактори муҳим ўрин эгаллайди. В.Андриевская турли лексемалар орасидаги предикатив алоқа гап тузишга ёрдам беришини кўрсатиб ўтади. Сўзларнинг кучли ассоциатив жуфтлиги гапда бир бутун мазмуний ва грамматик бирикuvни ташкил этади. Кучсиз ассоциатив жуфтлик эса бузилиб, гапнинг турли мазмуний гуруҳларига бирикади.¹

В.В.Андриевская томонидан «бир бутун мазмуний ва грамматик бирикув» деб илгари сурилган фикр Ч.Осгуднинг «ядровий мослашув» деган ғоясига тўғри келади. «Ядровий мослашув» «субъект – боғловчи - объект», бу тўплам гапни шакллантиради.²

Демак, кодлаштириш бирлиги функционал синф бўлиб келади, предикатлик эса бу функционал синфларнинг алоқаларини жамлаштиради. Функционал синф маълум мазмуний ва синтактик белгиларига эга бўлган бирлик ҳисобланади. Синтактик шаклнинг амалга ошиши бу турли тилларда фарқланиб туради. Мазмуний белгилари эса контекстда ассоциатив қидирув орқали намоён бўлади. Сўзларнинг кучли ассоциатив жуфтликлари гапда мазмуний ва грамматик бирикuvни ташкил қилади. А.А.Леонтьевнинг кўрсатишича, бу америкалик дескриптивистларининг «бевоcита ташкил этувчилар» методи билан боғланади.³

Лексик системада ёки мазмуний майдонда сўзларро муносабат мазмуний алоқа сифатида белгиланса, синтагматикада эса мазмуний алоқадан ташқари синтактик алоқа ва мазмуний бирикув ҳам ҳисобга олинади.

МОДАЛ ГАП КЕНГАЙТИРУВЧИЛАРИ

М.М.Қурбонова (ЎЗМУ)

Ўтган асрнинг 80-йилларига келиб фанимизда системавий-структурал тадқиқотлар кучайиши билан боғлиқ равишда гап негизининг «эга-кесим»дан иборат эканлиги ҳақидаги фикр ўзбек тили синтактик қурилиши учун мувофиқ эмаслиги ойдинлаша борди. Бунга, албатта, сўз валентлиги ва грамматик шакл валентлигини фарқлаш муҳим туртки бўлди. Гап кесимини шакллантирувчи восита кесимлик категорияси бўлганлиги сабабли ўзбек нутқидаги гапнинг таркибий қисмларини шу гап таркиби а қирувчи сўзларнинг ва кесимлик категорияси шаклларининг валентлиги белгилайди. Демак, нутқда воқеланган исталган гапда икки хил ҳодиса:

1) гап таркибида ишлатилган маълум бир сўзнинг семантик (маъновий) валентлиги билан алоқадор бўлган тобе бўлакни - сўз кенгайтирувчиларини; 2) гапнинг марказини шакллантирувчи грамматик восита - кесимлик категорияси шаклларининг валентлиги билан алоқадор бўлган тобе бўлакларни - гап кенгайтирувчиларини (кесимлик категорияси маъносини муайянлаштирувчиларни) фарқланади.⁴

Фанимизда сўзнинг семантик валентлигини воқелантирувчи тобе бўлаклар, асосан, гап доирасида таҳлил этилганлиги сабабли, кўпинча, грамматик - синтактик

¹ Андриевская В.В. Особенности словесных ассоциаций как фактор построения предложений. Исследования языка и речи». Уч. зап. МГПИИЯ им. М.Торез. Т.60., м., 1971.Б.114-115

² Osgood Ch. On understanding and Creating Sentences. Б.125

³ Леонтьев А.А. Психолингвистические единицы и порождение речевого высказывания. Б.45-46

⁴ Бу ҳақда қар: Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг тақлифи. Филол.фанлари д-ри ... дисс., Ташкент, 2001.

атамалар - эга, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол ёки мантиқий тушунчаларни атовчи ақтанг, субъект (фоил), объект (мафъул) локалис (Ўрин белгисини ва маъносини ифодаловчи тобе бўлак), темпоралис (пайт белги ва маъносини ифодаловчи бўлак) ва ҳоказо каби атамалар билан номланади. Лекин субстанционал ёндашувда нарсанинг моҳияти шу зотда яширинган имконият сифатида баҳоланади. Ҳар бир сўзнинг ўз маъновий хусусияти, қобилияти асосда кенгай олиши ҳам ва шу қобилиятни воқелантирувчи ҳодисалар ҳам сўзнинг маъносини муайянлаштиришга, яъни сўз бирикмалари ҳосил қилишга бевосита алоқадор бўлган ҳодисадир. Сўз кенгайтирувчиси - бу маълум бир сўзнинг ҳамроҳи, сояси, у шу сўз касрда ва қандай вазифада келишидан қатъи назар, унга эргшиб, ҳамроҳ бўлиб кела олади. Сўз кенгайтирувчиси мустақил, алоҳида бир гап бўлаги - гап қурилишининг зарурий таркибий қисми эмас. У гапнинг маълум бир бўлагига эргшиб, тобеланиб келади, гап маркази - кесимдан алоҳида сўрок олмайди ва унга бевосита боғланмайди. Аниқловчи, тўлдирувчилар нутқий гапда ана шундай унсурлардир. Гапнинг кесими вазифасида келган сўзнинг лексик-семантик валентлиги билан боғлиқ бўлган кенгайтирувчи бўлақлар ҳам сўз кенгайтирувчиларидир. Чунки у гап кесимига эмас, балки гапдаги кесим вазифасида воқеланадиган сўзга тобеланиб келади.

Гап кенгайтирувчилари кесим вазифасида келган сўзнинг лугавий маъносини билан алоқадор эмас; гап кенгайтирувчилари нутқда воқеланган муайян гапга эмас, балки ўзбек лисоний сатҳи учун умумий бўлган гапга алоқадор бўлган кенгайтирувчилардир.

Кесимлик категорияси таркибда тасдиқ/инкор ва модаллик/майл маъноларининг мавжудлиги тилимиздаги кириш сўзларнинг ҳам гапнинг лисоний қурилишиндан ўрин олишига имкон беради.

Маълумки, модаллик гап кесимини шакллантиришда алоҳида мавқега эга. Ҳатто фаннимизда модалликнинг ўзигина гапни, унинг марказини шакллантиради, гапнинг гапчилигини белгилайди, деган қараш ҳам мавжуд¹. Шу сабабли [Pm] да мужассамланган ва хилма-хил воситалар билан ифодаланадиган тасдиқ/инкор, тахмин, гумон, шубҳа, ишонч, қатъийлик, шарт, истак, гилак, буйруқ, имконият, зарурат, мажбурийлик ва ҳ. модал маънолар гап таркибда синтаксисда турлича - кириш бўлак, киритма бўлак, боғланмаган бўлак, учинчи даражали бўлак² деб номланувчи, гапнинг бошқа бўлақлари билан тобе-ҳокимлик муносабатига кирмайдиган ва шу боисдан сўз бирикмалари ҳам ташкил эта олмайдиган модал сўз-гаплар, тасдиқ/инкор сўз-гаплар воситасида кенгайтирилади³.

Бугун,

ЭХТИМОЛ,

албатта,

келади

шубҳасиз,

} }

Бундай сўз-гаплар содда гап таркибда бошқа бўлақлар билан тобе-ҳоким алоқага киришиб, сўз бирикмалари ташкил этмайди, лекин [Pm] таркибидаги модал, тасдиқ/инкор маъноларини муайянлаштиради. Гап кесими билан эса мазмунан боғланади.[Pm] даги мазкур маънога бевосита дахлдор бўлган субъектив модаллик

¹ Грамматика русского языка. Т. 2. Синтаксис. Ч. 1. - М., 1966. - С. 80; Исмаилов Х. Види предложений по цели высказывания в современном узбекском языке: Автореф. дис. канд. филол. наук. Ташкент, 1965.

² Сайфуллаев Р. Гапнинг учинчи даражали бўлақлари//Совет мактаби. - 1967. № 1;

³ Бу ўринда сўз-гаплар атамаси ағъанавий синтаксисдан фаркли равиюлда семантик-функционал шаклланган сўз - гапларни англатади. Қар: Бобоқалонров Р. Ўзбек тилида функционал-семантик шаклланган сўз-гаплар. Филол. фанлари номзодидисс.-Тошкент, 2000.

муносабатини ифодалайдиган атов бирликлари қўллаб учрайди. *Ҳа, эртага бораман. Кошки, бу гапни унга айтса олсам. Балки, эртага ҳаво очилар* ва ҳ. Бундай атов бирликлари ва қурilmалар гап таркибига кирар экан, [Pm] таркибидаги модал ва тасдиқ-инкор маъносини муайянлаштиради, яъни гапнинг кесими билан боғланади. Шу боисдан улар модал ёки кириш кенгайтирувчи деб аталади. Кириш кенгайтирувчилар гапнинг конструктив бўлаклари саналмиш эга ва ҳол каби фақат ва тўғридан-тўғри гап марказига муносабатда бўлади. Бирок кириш кенгайтирувчи [Pm]га грамматик жиҳатдан боғланмаганлиги боис унга нисбатан конструктив сифатини қўллаб бўлмайди. Бирок унга зич мазмуний муносабатда бўлганлигини инобатта олиб уларни бўлак, гап бўлаги, гап кенгайтирувчиси дейиш мумкин. Модал кенгайтирувчиларнинг бу хусусияти гап кенгайтирувчиларининг лисоний табиатини тўлароқ очиб беради.

Кузатишларимиздан маълумки, исм кесимли гаплар таркибидаги эга ва ҳоллар (агар улар сўз бирикмаси ҳосил қилиб, ўзлари билан тобе бўлакларни эргаштириб келмаса) гап таркибидаги бошқа сўзлар билан бирикиб сўз бирикмаси ҳосил қилмайди. Бу уларнинг гап таркибидаги [Pm] гагина алоқадор эканликларини исботловчи муҳим далилдир. Улар гапдаги сўзлар билан боғланмаган, лекин гапнинг «жони» - кесимлик категорияси шакллари ва уларнинг маъноси билан чамбарчас боғлангандир.



Кириш кенгайтирувчи сўз, бирикма ва гап қўринишида бўлишидан қатъи назар номинатив бирликдир. Кириш кенгайтирувчиларнинг айрим қўриниши гап характерида бўлса-да, уларни том маънодаги гап деб бўлмайди. Масалан, *мен сизга айтса, менинг уйлашимча, ҳулоса шунки* қурilmалари шаклан гап қўринишида бўлса-да, унинг зиммасига фикр ифодалаш, ахборат узатиш вазифаси юклатилмайди. Уларда [Pm] шакли мавжуд бўлса-да, тегишли маънолар воқеланиши ўта кучсизланган. Шу боисдан ундаги [Pm] шакллари ва унга мос гап кенгайтирувчиси ўзгартирилса, унинг киришлик мўҳияти бутунлай йўқолади.

Ҳулоса сифатида айтиш мумкинки, кириш кенгайтирувчилар барчаси ўзига хос ягона - «сўзловчининг ўз фикрига муносабатини билдириш» - умумий маъноси остида бирилашиб, ўзига хос луғавий-синтактик гуруҳни ташкил этади. Шунингдек, гапда иштирок этувчи киришлар гапнинг лисоний сатҳдан жой олади.

ТИЛШУНОСЛИК: ЗАРУРИЯТ ВА АНЪАНА

Бахтиёр Менглиев (ЎЗМУ)

Муқаддима

Инсоният тараққиётининг ҳар бир даври ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, фалсафий қонуният ва ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда илмий тафаккур даражаси ва хусусиятларини белгилайди. Бу бевосита тафаккур маҳсули бўлган фанлар ва уларнинг ривожланиш тенденцияларида ўз ифодасини топади. Тадқиқотчининг дунёқарashi, ўрганиш объектига доир муаммоларни белгилаш ва уларнинг ечимига муносабати, танланган тадқиқ методологияси ва методикаси масалалари умумий илмий тафаккур даражаси ва хусусиятлари билан боғлиқ. Фанлар тарихидан маълумки, **анъанавий илмий тафаккур** провинциал чекланганлиги, дин митиклиги, консервативлиги, умрини ўтаб бўлган катъиятларга мутелиги билан хarakterланиб, унинг бу сифатлари ўрганиш объектининг тўла маънодаги долзарб муаммоларини тушуниб етишига тўсиқ бўлади.

Алианавий тафаккур эгаси объектни тараққиётнинг минтакавий ва глобал масалалари билан яхлитликда идрок эта олмайди, жамият ва ўрганиш объектнинг тараққиёт тенденцияларини англаб етмайди, фаннинг долзарб вазифаларини ижтимоий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб белгилашга ожизлик қилади. Натижада фаннинг ўзи ўз тараққиётига гели бўлиб қолади. Умуман олганда, анианавий тафаккур жамият тараққиёти даражасидан орқада қолиб, унга тўсқинлик қила бошлайди. Шунинг учун Президентимиз Ислом Каримов янги – овоз ва обод жамият барпо этиш, унда эркин ва фаровон яшаш муаммолари хусусида фикр юритиб, алоҳида таъкидлаганларидек, “тафаккур овоз бўлмаса, онг ва шуур тазйикдан, кулликдан қутулмаса, инсон тўла овоз бўлолмайди.”

Илмий тафаккурнинг анианавийлик иллатидан холи эканлиги ўтмиш ва ён-итрофга олазarak бўлиш одатидан қутулиб, давр такозо қилаётган янги тарихий заруратни идрок этиши, ундан келиб чиққан ҳолда ўрганиш объектига муносабатда бўлиши, фаннинг долзарб вазифаларига мос замонавий методология, методлар ва тадқиқ методикасини танлаш ёки ишлаб чиқиши кабиларда кўзга ташланади.

Лексикографик зарурят ва унинг анианавийлашуви

Маълумки, ўзбек тили дастлаб бошқа туркий тиллар билан умумий илдизга эга бўлган. Сўнгра қарлуқ қавмлари лаҳжалари турли даврларда ўғуз, уйғур, қиғчоқ каби туркий, шунингдек, эроний, арабий, мўғул каби нотуркий қавм вакиллари лаҳжалари хусусиятларини ўзига сингдириб, IX-X асрдан эътиборан бошқа туркий тиллардан фонетик, лексик-грамматик жиҳатдан фарқланувчи бир тил ажралиб чиқа бошлайди. Бу тил ўзига хос шакл-шамойилдаги туркий (ўзбек) тил бўлиб, у шу даврдан мустақил миллий тил сифатида шаклланиб, юксалишга юз тутган. Бунга асосий негизини бутунни ўзбекистон худудида яшовчи, ҳозирги ўзбек миллигининг бобокалони, туркийларнинг қарлуқ тоифасига мансуб аҳолиси ташкил этган қорахонийлар давлатининг ўрнатилиши ва бу давлатда расмий сарой тили сифатида, Маҳмуд Кошғарий таъбирича, «туркий хохоний»нинг эътироф этилганчилиги асосида амин бўлиш мумкин. Манбаларда *эски туркий тил* атамаси билан номланувчи бу тил *туркий, шарқий туркий, чигатой* тили каби номлар билан ҳам юритилган. Аммо унинг умумтуркий тилдан ажралиб, алоҳида яхлитлик мақомига қўтарилганлигини, бошқа туркий тиллардан фарқли хусусиятларини асослаш, келгусида миллий тил сифатида эътироф этиладиган бу тилнинг ўзига хос хусусиятларини, фонетик, лексик-грамматик қурлишини тавсифлаш ижтимоий, қолаверса, улкан маънавий-мафкуравий аҳамиятга эга эди ва у тарихий зарурат, ўзига хос ижтимоий буюртма сифатида намодён бўлди. Бу буюртмани қабул қилиш ва заруратни адо этиш туркийлардан етишиб чиққан, XI асрда яшаб ўтган комусий билим соҳиби, тўғич туркий тилшунос, адабиётшунос, географ, картограф, этнограф, тарихчи, сайёҳ Маҳмуд Ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Кошғарий зиммасига тушди. Олим қорахонийлар давлати халқини *турк* (турклар) атамаси билан кайд қилди, уларни ва уларнинг тилини, аввало, шу минтақада яшаётган ўғуз, туркман ва уйғур қавмлари ҳамда уларнинг тилидан фарқлади. Давр талаби ва тарихий заруратни англаб, қўйилган ижтимоий буюртмани мукамал даражада адо этди. Бироқ бу зарурят асосида шаклланган луғатчилик анианаси минг йиллар мобайнида сақланиб қолди. Тилшунослик факат луғатчилик сифатида иш кўрди, тил эса луғатлар асосидагина идрок этилди ва ўрганилди. Тилини тадқиқ қилувчи фаннинг бошқа соҳалари шаклланмасдан қолаверди. Адабий манбаларни таҳлил қилиш – сўз маъноларига, уларнинг қўлланишига эътибор берип, изоҳлаш, лисоний, маърифий қийматини очиш, асарларнинг таржимаси каби масалалар билан шуғулланиш кейинги давр лексикографиясининг мақсад ва вазифаси бўлди. Бунда Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг котиби астрободлик Низомиддин Муҳаммад Ҳодӣ ал-Ҳусайни ас-Сафавий (Мирзо Меҳдихон)нинг «Санглоҳ» (1760) луғатини алоҳида

таъкидлаш лозим. Анъанадагидек, бу лугатдан «Мабони ул – лугат, яъни сарфи ва наҳви лугати чигатоӣ» номи билан эски ўзбек тилининг грамматикасига оид айрим тавсифлар ҳам ўрин олганлиги эътиборга молик. Лугатда, асосан, шеърий матнлардаги, шунингдек, Лутфий, Бобур асарларидаги тушунилиши қийин бўлган сўзлар изоҳига, уларни форс тилига таржима қилиш муаммоларига диққат қаратилган. Жамолиддин Мухаммад Абдуллоҳ Туркийнинг таҳминан XIV асрларда ёзилган «Китобу-л-лугат ал-мушток фи лугати-т-турк ва-л-кафчоқ» («Турк ва қипчоқ тилларига муштоқларни қизиктирувчи китоб»), ўрта аср тилшунос-туркийшуносларидан бўлган Асируддин Абу Ҳайён ал-Андалусий (1256–1345) нинг «Китобу-л-идрок ли-л-лисони-л-атроқ», ундан фойдаланилиб XIV–XV асрларда ёзилган ва муаллифи номаълум «Аттухфату-з-закияту фи-л-лугати-т-туркия» асарлари ҳам ана шундай анъана маҳсулидир. Таъкидлаш лозимки, бу давр ўзбек лексикографияси аввал араб, сўнгра форс лугатчилиги анъаналари ва тамойиллари асосида иш кўрди. Умуман олганда, Кошгарий томонидан аниқланган зарурият анъана сифатида XX асргача мутлақлашди.

Адабий тил талқини зарурияти ва унинг анъана тусига кириши

Ўзбек тилшунослиги том маънодаги фан сифатида XX асрнинг 20-30- йилларида шакллана бошлади. Ўз олдига давр талабларидан келиб чиқиб, муайян мақсадларни қўйган ўзбек тилшунослиги 50-60 йил мобайнида ўзбек адабий тили меъёрларини ишлаб чиқиш ва оммалаштиришдан иборат улкан зарурат асосида иш кўрди.

Адабий тил – миллий яхлитликка эришишнинг, миллий яхлитлик эса миллий тараққиётнинг бош омили. Унга эришиш зарурати натижаси ўлароқ вужудга келган ўзбек анъанавий (формал) тилшунослиги вакиллари ўзбек тили қурилишини тавсифлаш умумий вазифаси остида бирлашди. XX аср ўзбек тилшунослигининг шаклланишида Абдурауф Фитрат, Е.Д.Поливанов, Ғози Олим Юнусов, Қаноун Рамазон, Фахри Камолов, Улуғ Турсунов, Айюб Ғуломов ва улар издошларининг хизмат катта. Бу даврда ўзбек тилининг ички қурилиши замонавий тилшунослик ютуқлари асосида ўрганилди ва ўзбек тилшунослиги жаҳон замонавий тилшунослигининг бир бўлаги сифатида шаклланди. Тилшуносликнинг бугунги мавжуд барча бўлимлари бўйича кўплаб илмий-тадқиқот иши вужудга келди. Улар асосида имло ва талаффуз қоидалари яратилиб, ўрта, ўрта махсус ва олий мактаб учун бу тилдан меъёрий дарслик, қўлланма ва илмий грамматикалар яратилди. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” курсининг мутахассислар тайёрлашда фундаментал предмет сифатида ўқитилиши мазкур ижтимоий зарурат асосида кечди. Натижада таълим, маъбуот, радио, телевидение, расмий иш юригида, китобатчилик ишларида ўзбек адабий тилининг устуворлигига эришилди. Адабий тил меъёрларини ишлаб чиқиш ва оммалаштиришдан иборат ижтимоий буюртмани олган ўзбек анъанавий тилшунослиги ўзбек адабий тилининг имло қоидалари, имло лугати, талаффуз меъёрлари, ўзбек адабий тилининг академик грамматикалари, шунингдек, ўзбек тилининг 2 томили изоҳли лугати нашр этилиши билан ўтган асрнинг 80-йилларида ўз фаолиятига яқун ясади. Бу ҳолат етакчи ўзбек тилшунослари томонидан эътироф этилди.

Аммо ўтган аср илтидосидаги зарурат анъана тусига кириб, узоқ муддат сакланиб қолди ва у, ҳатто, ҳозир ҳам маълум даражада ўз кучини йўқотгани йўқ. Тилшунослик бўйича аксарият тадқиқотларнинг умрини ўтаб бўлган талаб ва мезонлар асосида бажарилиши, тадқиқот хулосаларининг бугунги зарурий самарадан хоҳлиги, “тил ўзида”, “тил тил учун” тамойилларининг устуворлиги, янги (анъанавий талқинларга зид) қарашлар ва нуқтан назарларининг аёвсиз танқид қилиниши ва кўр-кўрона инкор этилиши, “анъанавий тилшунослик”ни муқоз тилшунослик сифатида қараш ва улуғлаш, унинг ютуқларини мулҳозангирини, ҳатто айримлар томонидан уни таълимнинг барча босқичларида тиклаш ва оммалаштиришга интилиш, анъанавий илмий билимларни тадқиқотчиларнинг профессионал самъасини синаш мезонига

айлаштириш ҳолатлари, маскур таълимот даргалари қарашларига ҳурмат-эътиборнинг сакрал тус олиши, шу билан бирга, фанда обрўли ва мансабдор шахслар фикрининг мутлақлаштирилиши қабилининг сақланиб қолиши умумий илмий лингвистик тафаккурнинг анъанавийлик хусусияти даражасини кўрсатади.

Лисоний структурани аниқлаш – ижтимоий зарурат

XX асрнинг 70-йилларига келиб Ўзбек тилшунослигининг эмпирик (амалий, фактографик) босқичи тугалланган, ўз зиммасига юклатилган ижтимоий зарурат – адабий тил меъёрларини ишлаб чиқиш ва омма онгига сингдиришдан иборат улкан вазифа адо этилган эди. Тулланган бой далолий ашёни диалектик методология асосида ўрганишга кучли замин тайёрланган бўлиб, тилшуносликнинг ўзи эса турғунлик, анъаналарасглик ҳолатини бошдан кечирмокда эди. Шу боисдан бутун собиқ шўро давлати ҳудудда олиб борилаётган ошқоралик ва қайта қуриш сиёсати Ўзбек тилшунослиги фанини ҳам четлаб ўтмади. Фаннинг янги авлод олимлари қайта қуриш инертида ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари, мутахассислар эътиборини қутаётган тарихий зарурат бўйича республика ва иттифок матбуотида чиқиш қилдилар.

Кўтарилган масалаларни мохиятан иккига бўлиш мумкин:

1) Ўзбек тилшунослиги олдига 30-40-йилларда қўйилган ва 40-50-йилларда амалга оширган вазифаси – Ўзбек тили турли сатҳ бирликларининг замонавий таҳлил усулларида берилган мукаммал тавсифи, белгиланган адабий тил меъёрлари, таълимнинг турли босқичи учун яратилган ўқув қўлланмалари, дарслик ҳамда лугатлар асосида тўлақонли назарий тушуночалар ҳосил қилиш, хусусийликларда умумийликни, ҳодисаларда мохиятни, оқибатларда сабабни, воқеликларда имкониятни очиб даражасига кўтарилиш;

2) узок йиллар давомида Ўзбек тили иттифокдаги туркий, қолаверса, бошқа тиллар каби рус ва Европа тиллари қолиплари асосида ўрганиб келинганлиги сабабли уни ўз ички субстанциал табиатидан келиб чиққан ҳолда алоҳида миллий ахлитлик сифатида тадқиқ қилиш.

Бу вазифалар тилдан амалий фойдаланиш унинг ижтимоий функцияси самарадорлигини ошириш, миллий-маданий қодларини аниқлаш, тилни алгоритмлаш, моделлаштириш, ахборот технологиялари билан уйғунлаштиришни таъминлайдиган умумий лисоний имкониятларини очишдек тарихий зарурат, ижтимоий буюртма талаблари натижаси эди. Уларни адо этиш “имкониятлар тилшунослиги” деган номга сазовор бўлган, Ўзбек анъанавий тилшунослигининг вориси – Ўзбек субстанциал тилшунослиги зиммасига юклатилди. Бу тилшунослик Ўзбек тилининг лисоний ва нутқий структураларини фарқлаш, лисоний структура ва лисоний бирликларни, уларнинг имкониятларини аниқлаш борасида изчил тадқиқотлар олиб бориб, тилнинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик лисоний структураларини ва бирликларини диалектик тадқиқ методологияси асосида текширди. Текшириш натижалари диссертация ва монографиялар сифатида шакллантирилди. Таълимда ҳозирги ўзбек адабий тили (нутқнинг бир тури) ни ўқитишдан ҳозирги ўзбек тилининг лисоний структурасини ўқитишга ўтилди. Олий таълимда амалда бўлган, ном тилни эмас, балки унинг бир кўриниши бўлган адабий нутқни англагадиган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” курси мохиятан тилнинг лисоний структураси тавсифини ўз ичига олган “Ҳозирги ўзбек тили” табиатиға эга бўлди (дарвоқе, бу курс тегишли ўқув ҳужжатларида ҳануз давр талабларига мувофиқ бўлмаган эски номи билан юритилаётгани, афсуски, анъанавийликнинг кўринишидир). Ҳагто ўзбек тилининг лисоний структурасини ўрганиш жараёнида очилган субстанциал қонуниятлар (масалан, лисоний даражаланиш) бутунни кунда ғарб тилшунослигининг устувор

йўналишларидан бўлган корпус таҳлил тадқиқотларида кенг қўлланилаётганлигини (Германия) ифтихор ила қайд этиш лозим.

Кўринадиким, ўзбек субстанциал тилшунослиги вакиллари ҳам давр талаблари асосидаги ижтимоий заруратни теран англаб, ундан келиб чиқадиган вазифаларни адо этишди.

Эътироф этиш лозимки, бугунги кунда бу йўналишда ҳам тафаккур анъанавийлигига хос белгилар кўзга ташланади. Тилшуносликнинг бошқа йўналишларига беписанд муносабатда бўлиш, фаннинг янги парадигмаларини “соф тилшунослик” эмасликда айблаш, ҳақиқий тил илми сифатида лисоний структура тадқиқинигина тан олиш кабилар шулар жумласидандир. Аммо ушбу йўналишда тафаккур анъанавийлигидан халос бўлишни таъминлайдиган ҳолатлар қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, ўзбек субстанциал тилшунослиги истиклол тилшунослиги бўлиб, у мустақиллик даврида шаклланди ва ривожланди. Ўз мақсад ва вазифаларини, тадқиқ методологияси ва методикасини мустақил танлаш, ўрганиш объектига авторитар кўрсатмаларсиз эркин ёндашиш имкониятига эга бўлди.

Иккинчидан, ўзбек субстанциал тилшунослиги анъанавий ва консерватив тафаккурни шакллантирилга хизмат қилувчи методология бўлган коммунистик догмалардан холи ривожланганлиги билан характерланади.

Учинчидан, бу йўналиш намояндалари ўрганиш объекти билан боғлиқ навбатдаги тарихий заруратни англаш ва унга доир вазифаларни белгилаш билангина ўзбек субстанциал тилшунослигини ривожлантириш мумкинлигини, акс ҳолда у ҳам консервативлашиб, мутлақлашиб, анъанавийлик чоҳига тушиб қолишини теран ҳис этиш имкониятига эгадирлар.

Тилдан амалий фойдаланиш самарадорлиги – давр талаби

Давр ўзбек тилшунослигидан аниқланган лисоний умумийликларнинг нутқий воксланишини текширишга, ундан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қўлланиш доирасини кенгайтириш муаммолари билан шугулланишга жиддий қиринишни талаб қилмоқда. Бу янги аср тилшунослиги зиммасига юклатилаётган ижтимоий буюртмадир. Президентимиз Ислам Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарыда алоҳида таъкидлаганларидек, “айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимология ва қиёсий лугатлар чоп этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ваган туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.” Бу эса лисоний имкониятларнинг амалий воксланиши, ундан самарали фойдаланиш масалалари билан шугулланувчи ўзбек амалий тилшунослигининг социолингвистика, этнолингвистика, психоллингвистика, прагматлингвистика, лингвокогнитология, лингвокультурология, нейролингвистика, компьютер лингвистикаси, корпус лингвистикаси каби замонавий фан йўналишларини йўлга қўйиш асосида амалга оширилади. Шунингдек, XXI аср ахборот технологиялари ва глобаллашув асри экан, ўзбек тилининг глобал тил корпусларига қўшилувини таъминлаш ҳам тарихий зарурат сифатида намоян бўлмоқда.

МАТБУОТ РЕКЛАМАЛАРИНИНГ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

А. Абдусайдов, А. Эшмуродов (СамДУ)

Бугунги кунда тилшунослик соҳасида ҳам янги йўналишлар пайдо бўлмоқда. Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида ҳам реклама матнларининг хусусиятларини илмий ўрганиш йўлга қўйилди. Реклама тили ва услубини З.Тоҳиров махсус ўрганган¹. Тадқиқотчи Ф.Миробидов рекламанинг маънавиятга таъсири масаласи бўйича мақолалар эълон қилди². Шунингдек, рекламанинг тилга таъсири масаласида айрим тадқиқотчиларнинг изланишлари мавжуд. Бу ҳақдаги обзор материалларни айрим ишларимизда келтирганмиз³. Масалан, Елена Кара-Мурза рекламанинг бир неча марта такрорланиши талаффуз, имлога таъсир этишини қайд этади. Шунинг учун ҳам адабий тилга мос бўлмаган сўз, бирикма, жаргонлардан фойдаланмасликни тавсия қилади. Муаллиф рекламада адабий нормага риоя этиш, услубий жиҳатдан жумлаларнинг икки маънода ифодаланишига йўл қўймаслик лозимлигини уқтиради⁴. Дмитрий Шимановнинг фикрича, реклама тили қуйидаги мезонларга мос бўлиши лозим: жуда кичик(минимал) ҳажмдаги матнда эсда қоладиган ва ишонарли максимал ахборот акс этиши керак. Бунда, албатта, ахлоқий, грамматик ва бошқа қондалар ҳамда метёрлар, шунингдек реклама ахборотини қабул қилишда муҳим ўрин тугувчи матннинг жарангдорлигини ҳам унутмаслик керак. Бундай реклама матнини тайёрлаш учун тилнинг имкониятларини жуда яхши билиш лозим. Мақола муаллифи реклама матнларининг тили минимал талабларга жавоб бермас экан, тил келгусида маданий анъаналарни сақлаб қолувчи восита сифатида роль ўйнамасдан, турли чет сўзлар ва жаргонларнинг араланишидан иборат бўлиб қолади, деб ҳисоблайди⁵.

Ўзбекистон Республикаси "Реклама тўғрисида"ги қонунининг 4-моддасида реклама терминига шундай таъриф берилди: "Реклама - беvosита ёки билvosита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ва jisмоний шахслар ёки махсулот тўғрисида тарқатиладиган махсус ахборот". Демак, реклама ахборотнинг махсус, алоҳида ўзига хос тури бўлиб, жамият тараққиёти ва бозор иқтисодиёти талаби билан юзага келган соҳадир. Реклама даромад олиш мақсадида қонунчиликка риоя қилган ҳолда ҳар хил шаклда тарқатилади. У турли методлар (усуллар) билан юридик ва jisмоний шахсларни махсулотлар ва уларнинг белгиларини, технологияларни ёритувчи, кучли тавсифловчи воситадир. Унинг аҳамияти, айниқса, рақобатнинг кучайган бир даврида, рақобатлашиш жараёнида ошиб боради⁶.

1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди, шунингдек, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, унга айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Айни пайтда ушбу қонун мамлакатимизда реклама тайёрлаш ва тарқатиш соҳасидаги муносабатларини тартибга солишда муҳим аҳамият касб

¹ Тоҳиров З. ОАВ рекламаларининг тили ва услубияти назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Университет, 2006, 15-бет.

² Миробидов Ф. Реклама ҳам ... маънавият. // «Ўзбекистон матбуоти» журнали, 2010, 3-сон, 77-79-бетлар.

³ Абдусайдов А. Ўзбек тилининг ижтимоий моҳияти. – Самарқанд, 2008, 80-81-бетлар.

⁴ Пальвелева Лилия. Как реклама влияет на язык. Интервью. 26.07.2006 // <http://report.ru/articles/685/>.

⁵ Шиманов Дмитрий. Великий и могучий? На каком языке говорит реклама. // Журнал «Индустрия рекламы». 2007. № 10.

⁶ Оммавий ахборот воситаларида реклама: назария ва амалиёт. Маърузалар матни. – Т., 2000, 4-бет.

этнода. Мазкур қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудда реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига қўра бошқа тилларда тарқатилади. Белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), босма усулда терилган бўғинли белгилар (логотиплар) асли қайси тилда бўлса, шу тилда келтирилиши мумкин”.

Реклама нафақат даромад олиш, балки маънавиятга, тилга таъсири нуқтан назаридан ҳам ўрганилиши лозим. Рекламанинг тилига қўйилмайдиган талаблардан бири уларнинг соф бирор тилда баён этилиши ҳамдир. Масалан, реклама матни ўзбек тилидами, уни тўлиқ шу тилда ифодалаш, яъни ёзиш ва эшиттиришнинг аҳамияти катта. Бошқа тилда берилмайдиган рекламаларнинг чала таржимасидан қўра, айрим тасвирлар (маҳсулотлар ёки хизматларни акс эттириш орқали) ифодалаш фойдалидир.

Баъзан рекламанинг қисқа бўлиши лозимлигини рўқач қилиб, айрим русча реклама матни ўзбек тили қонун-қоидаларига мазмунан мос бўлмаган ҳолатда, чала таржима қилинади.

Рекламанинг тасвирда турли шаклларда берилиши, яъни тўлиқ сатрда, зинапоя шаклида, вертикал ёки горизонтал ҳолатда ёзилиши унда тиниш белгиларининг ишлатилиши ва имлосига таъсир этмаслиги лозим. Айрим ҳолларда реклама матнларида бирорта ҳам тиниш белгиси ишлатилмайди.

Ўзбек тилшунослигида адабий меъёр масалалари яхши ўрганилган. Айниқса, лексик меъёр ва грамматик меъёр ҳамда улар билан боғлиқ услубий меъёр масалалари Ғ.Абдурахмонов, А.Ғуломов, А.Маматов, Э.Бегматов, Р.Қўнғуров каби олимларнинг илмий ишларида апрофйича ўрганилган¹.

Ўзбек тилшунослигидаги мавжуд тадқиқотлар асосида ҳозирги давр рекламалари тилини таҳлил қилиш саводхонлик ва нутқ маданиятини ошириш нуқтан назаридан фойдалидир.

“Даракчи” газетасининг 2010 йил 25 ноябрдаги сонида “*Томоқ оғриганда, бутун битганда ёки йўтал қийнаганда*” сарлавҳали реклама босилган. Мавзунинг долзарблиги унинг сарлавҳасидан маълум бўлади. У газетхон эътиборини тортади ва реклама матнидан анчагина фойдали ахборотларни олиш мумкин. Айниқса, *тумов, йўтал, томоқ оғриги, грип, шамоллаш, ангина* каби барчага тушунарли сўз ва бирикмалар эътиборни тортади. Матн билан танишгач, айрим тушунилиши бироз қийин терминларга ҳам дуч келамиз. Масалан: *тонзиллит, ревматик ишқастланиш, респиратор, иммуно система, частота радикал усул* кабилар.

Матнда сўзларнинг маъносини ҳисобга олиб, ўз ўрнида қўллашга маълум даражада эътибор берилган. Айниқса, синоним сўзларнинг имкониятлари ҳисобга олинган. Масалан, *ишқаст* сўзининг *арз, болиш* каби синонимлари мавжуд. Беморнинг норозилик ифодасини беришда матнда *ишқаст* сўзидан ўринли фойдаланилган: *...томоқ оғриги билан ишқаст қилувчи беморлар*(Даракчи, 25.11.2010).

Матн билан танишгач, унинг баъни Тонзилгон Н дорисини реклама қилишга қаратилганлигини билиш мумкин. Жумлалар асосан тушунарли, лекин айрим

¹ Қаранг: Ғуломов А. Адабий тил нормалари, // Нутқ маданиятига оид масалалар. – Тошкент: Фан, 1974, 55-56-бетлар. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент, 1988. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. – Тошкент, 1997. – 92 б. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси (Адабий норманинг тиллари). – Тошкент, 1998. II қисм. – 134 б. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси Адабий норманинг шаклланиши ва янши қонуниятлари) – Тошкент, 1999. III қисм. – 140 б. Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбанов Т. Нутқ маданияти асослари. – Самарқанд: СамДУ, 1985. – 40 бет ва бошқалар.

иқоғталаб ўринлар ҳам бор. Масалан: *Бизнинг арсеналимизда ўзимиз ва иқтисодимизни ҳимоя қилиш учун нима бор?* Ушбу гапдаги *арсенал* сўзини тушуниш олдидан газетхон учун жуда қийин.

Ёки қуйидаги гап ҳам мазмун ва услубий жиҳатдан унчалик талабга жавоб бермайди: *Ўз вақтида фитопрепаратлар билан доволаш "бувижонларимиз рецептлари" – ёввойи ўсимликлар тўпламидан қўра самаралроқдир.*

Бундан ташқари, заифлашган иммунитет фониди, инфекция ўчоги, иммун системаси заифлашган болалар каби иқоғталаб сўз бирикмалари ҳам мавжуд.

Қуйидаги мисолда фразеологизмнинг имкониятларидан ноўрин фойдаланилган: *Шамоллаганда шифокорга мурожаат қилиш шарт эмас, ўзини-ўзи доволаш мумкин деган ишонч қўлаб беморлар онгида мустақкам илдиз отган энг кўп тарқалган айданишлардан биридир* (Даракчи, 25.11.2010). Мисолдаги *илдиз отмоқ* ибораси матнда мос эмас, яна *кўп* сўзининг синонимини ишлатиш лозим эди. Умуман, жумла анча гализ ифодаланган.

Маълумки, ўзбек адабий тилининг грамматик меъёрларига қўйиладиган талаблар аниқ белгиланган¹. Масалан, қаратқич ва тушум келишиларининг ўз ўрни ва маъноси бор. Уларни ноўрин қўллаш адабий меъёрга зиддир. Қуйидаги гапда қаратқич келишиги қўшимчаси ўрнида тушум келишиги аффикси ноўрин ишлатилган: *Биринчидан, бодом безини олиб ташлаш доимо касалликлар сонини(сонининг – Р.О.) кимайишига олиб келмайди.*

Рекламалардаги асосий камчиликлардан қаратқич ва тушум келишикларини қўллашда кўринади. "Даракчи" газетасининг 2008 йил 21 февраль сониди босилган "Фроноксан йўталга қарши томчи" сарлавхали реклама матнида кўп ўринларда қаратқич келишиги қўшимчаси ўрнида тушум келишиги аффикси ишлатилган. Бу ҳолат яқиниқ норавонлигига сабаб бўлган. Мисоллар: *Буларни (буларнинг) кетидан югуриб. Нутал – бу бизнинг организмимизни (организмимизнинг) ташқи муҳитдан нафас йўллариغا тушган асентлар, яъни чанг, турли аллергиялар, хилма-хил бактерия ва вирусларга жавоби*".

Қўлаб рекламаларда бўлгани каби, тиниш белгиларини қўллашда айрим ҳағоларга йўл қўйилган, масалан, *иложи борича* ҳар иккала томонидан вергул билан ажратилмаган.

Умуман, ушбу рекламада анчагина маълумот – ахборот мавжуд бўлса-да, матн тили айрим ҳағоликларга эга, уни тушунарли, мазмунли ва саводли қилиб бошқатдан ёниш лозимлиги маълум бўлади.

"Даракчи" газетасининг 2011 йил 10 март сониди босилган қуйидаги дори рекламаси матнини кўриб чиқайлик:

ОСТЕОАРТРОЗ - АСР ХАСТАЛИГИ

Остеартроз (суяк артрози) ~ таянч-ҳаракатлангани тизими шикастланишининг энг кенг тарқалган шаклларида бўлиб, у нозиронлиқнинг ва унга мос ҳолда турмуш тарзини ўзгартиришининг бош сабабчиси бўлиб қолимоқда.

Остеартроз нима ва унинг ривожланиши нималарга боғлиқ?

Остеартроз турли сабаблар, ўқиш биологик ва клиник кўринишлар билан шартланилган қатор касалликлар гуруҳи бўлиб, уларнинг асосида барча бугун таркибий қисмларининг шикастланиши, *биринчи навбатда* бугунлардаги тоғайлар, тегнаши суяк тўқимаси, пай ва мушакларнинг лат ёйиши ётади.

Остеартроз ривожланишининг энг кўп тарқалган сабабларларидан бири бугунларга тушаётган куч билан унга қаршилик курсатувчи тоғай ўртасидаги мопутаносибдир,

¹ Қўнгуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Нутк маданияти асослари. – Самарқанд, 1985, 38-39-бетлар.

Тоғай хусусиятлари генетик, *шунингдек* ташқи ва ички омилларга боғлиқ. Механик ва биологик сабаблар таъсири остида бугинни шакллантирувчи суяклар устини қоплайдиган бугин тоғайлари шикастланади. У эластиклигини йўқота бориб, силлиқлашиб, ингичкалашади ва натижада тоғай қисман ёки бутунлай емирилади.

Нима учун бугинларда оғриқ пайдо бўлади?

Бугинларда оғриқ пайдо бўлишининг сабаблари остеофитлар микроинфаркти бўлиб, бу - суяк шикастланиши, синовиал қобик (бугин қобиғи) шамоллаши, бугинни ўраб турувчи мушакларнинг лат ейиши демакдир.

Санаб ўтилган симптомлар бугинлар ва умуртка остеоартрози (остеохондроз, спондилез) учун ҳесдир. *Халқда "туз йиғилиши" деб аталади.* Ушбу ҳолатнинг келиб чиқиш механизми аввалги саволга берилган жавобда тўлиқ ёритилди. *Уни даволаш масаласига келадиган бўлсак,* асосий мақсад бугин тоғайининг емирилиши олдини олиш ва бугинларнинг тўлиқ қайта тикланишини таъминлашдан иборатдир.

Сиз 45 ёшдасиз. Сизни тизза бугинларидаги *ва* белдаги оғриқлар *ва* таранглик ташвишга солмоқда. Жисмоний зўриқишда ёки зинапоядан кўтарилиб, тушадганда оғриқ кучаяди, оғриқни қолдирувчи дори-дармонлар ҳам фақат вақтинчалик енгизлик беради *ҳалос.* Шундай пайтда оғриқни умуман йўқотиш учун янада самаралироқ ва узок муддатга таъсир этувчи препаратлар ҳам борлигини билиш зарур.

Бундай даво бор - у Хондро-Риц препаратидир. У остеоартроз, остеохондроз, дискоз касалликларида *айниқса* самаралидир. Бугин тоғайини емирилишдан сақлаб қолади. Умуртка ва *бугинларидаги* оғриқни камайтиради. Йўл-йўлакай таъсирларнинг камлиги билан характерланади (меъда яллиғланишига олиб келмайди, қон босимига таъсир этмайди).

Хондро-Риц бугинлараро *суюқлик ишлаб чиқилишини рағбатлантиради,* бугин гўкималарининг ўзаро ишқаланишини камайтиради, бугинлардаги ҳаракатчанликни енгиллаштиради ва оғриқсиз эркин ҳаракатни таъминлайди.

Муолажа: 1 кунда 3 маҳал таом олдиан 2 капсуладан - 14 кун мобайнида ичиш тавсия этилади, кейинчалик бир кунда 2 маҳал истеъмол қилишга ўтиш мумкин. Даво ва профилактика мақсадларида бу дорини 3 ой давомида истеъмол этиш тавсия қилинади. 6 ойлик танаффусдан сўнг яна бир даволаш курсини ўташ тавсия этилади.

Ноҳўй таъсирлари: *препарат компонентига нисбатан юқори таъсирчанлик.* Қўлдан аввал йўриқнома билан танилиб чиқилган шифокор билан маслаҳатлашнинг.

Махсулот сертифициланган

Мазкур реклама матни асосан остеоартроз касаллиги ҳақида ва қисман Хондро-Риц дорисининг хусусиятлари ҳамда ундан қандай фойдаланиш тўғрисида бўлиб, газетхонга асосий маълумотларни беради. Бир қарашда ҳаммаси тўғри, талаб даражасида ёзилгандек. Аслида ўзбек адабий тилининг имло қоидалари ва адабий меъёрлари талаблари нуктаи назаридан таҳлил қилганда, бир қатор камчиликларга (улар матнда ажратиб кўрсатилди) йўл қўйилган. Улар, фикримизча, қуйидагилар:

1) услубий камчиликларга йўл қўйилган, натижада жумлаларда қисман норавонлик пайдо бўлган: Остеоартроз турли сабаблар, ўхшаш биологик ва клиник кўринишлар билан *шартланилган* қатор касалликлар гуруҳи бўлиб... Киёслаш учун: Остеоартроз турли сабаблар, ўхшаш биологик ва клиник кўринишларга эга қатор касалликлар гуруҳи бўлиб... *Халқда "туз йиғилиши" деб аталади.* // Бу касаллик халқ орасида *"туз йиғилиши" деб аталади.*

Хондро-Риц бугинлараро *суюқлик ишлаб чиқилишини рағбатлантиради.* Бу жойда *рағбатлантиради* сўзи изоҳни талаб этади.

2) тиниш белгилари тўғри қўлланмаган: *шунингдек* ташқи // шунингдек, ташқи; дискос касалликларида *айниқса* самаралидир. // дискос касалликларида, *айниқса*, самаралидир.

3) айрим терминларни алмаштириш ёки изоҳлаш зарураги бор: Ушбу ҳолатнинг келиб чиқиш *механизми* аввалги саволга берилган жавобда тўлиқ ёритилди.

Ёки Ножўя таъсирлари: *препарат компонентига нисбатан юқори таъсирчанлик*. Ушбу жумла ҳам изоҳ талаб қилади.

«Даракчи» газетасининг 2011 йил 17 март сонида босилган ушбу реклама газетхон диққатини тортади. Махсулот кутисидagi тасвирнинг берилиши, яъни таниш тасвир ҳам эътиборни торттишга хизмат қилади. Матн билан танишганда, ўзбек тилининг асосий имло қоидалари ва адабий меъёрлари нуқтага назаридан синчиклаб таҳлил қилинганда, айрим камчиликлар борлиги кўринади. Масалан:

1) айрим сўзлар имлосида хатоликлар бор, масалан: *ихтисосланган* - *ихтисослашган*, *буёвчи* - *бўёвчи*, *Апровитамини* - *апровитамини* каби.

2) ушбу жумлада кириш сўзларни қўллашда камчиликка йўл қўйилган: *Олхўрида*, *айниқса*, *қон босимини туширишга*, *шунингдек*, *қон-томирлар деворларини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи шунингдек*, *Р витамин ива Р витамин таъсирини берувчи моддалар жуда кўп*.

«Даракчи» газетасининг 2011 йил 17 мартдаги сонида босилган ушбу реклама эътиборни тортади. Ёркин рангларда байрамона руҳда берилган тасвирлар ва мазмунли матн газетхонга хушқайфият бағишлайди. Лекин ўқув маркази филиалларининг манзилларини ёзишдаги турли хилликлар реклама матнига эътиборсизлик кўрсатилганидан далolat беради. Масалан: - кўчаларнинг номларини ёзишда: «*А.Жомий*» кўчаси; «*Амир Темури*» кўчаси; «*Тошкент*» к-си; «*Зерабулоқ*» кўча. - ташкилот номининг хато ёзилиши: *Педагогика университет биноси* - аслида: *Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети*. -- тиниш белгиларининг турлича қўйиллиши: «*Ўзбекистон*» кўчаси, 5-уй. «*К.Девоний*» кўчаси «*Райхон*» дўкони; - қўл (мобил) телефонининг «*сот.*» тарзида ёзилиши кабилар.

Қузатишларимиз шуни кўрсатадики, нисбатан хажми каттарoқ матнлар дори моддаларининг рекламасига бағишланган. Уларнинг барчасида тиббиётга оид терминлардан, лексик воситаларнинг маъноларидан асосан ўринли фойдаланилган. Лекин фразеологизмларни қўллаш, бадий тасвирни беришда баландпарвоз ифодаларни ишлатиш ҳоллари мавжуд. Баъзи ҳолларда гап тузишда камчиликларга йўл қўйилган. Масалан, «Даракчи» газетасининг 2011 йил 24 февралдаги сонида «*Йўтал ўзи нима ва у қандай даволанади*» сарлавҳали реклама матнида гап тузишда ага шундай баландпарвозликни кўриш мумкин: *Йўтал нафас аъзоларининг физиологик мувозанати ўзгартиши туфайли юзага келадиган муҳим механизмларнинг акс-садосидир*. Жумлада муҳим механизмларнинг акс-садосидир бирикмаси изоҳ талаб ва баландпарвоз ифода ҳисобланади.

Баъзан галдаги услубий норавонлик кўмакчиларнинг синонимидан ўринли фойдаланмаслик туфайли содир бўлган. Мисол: *Йўтални унинг физиологик хусусияти йўқлиши билан дори воситалари билан даволаш керак* (Даракчи, 10.03.2011).

Умуман, реклама матнлари мутахассис-филолог билан ҳамкорликда тайёрланиши лозим. Чунки матнларда лексик-семантик ва грамматик воситалардан фойдаланиш, имло қоидаларига риоя қилишда кўплаб камчиликлар узрамоқда.

“ЎЗБЕК НОМШУНОСЛИГИ” КУРСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ

Т.Эназаров (ЎзМУ)

“Ўзбек номшунослиги” ва “Номшунослик” ўқув курслари ҳақидаги маълумотларни тўплаш аяча қадим тарихга эгаллиги учун ҳам бугунги номлар ҳар жиҳатдан мукаммал ҳолда бизгача етиб келди. Бу маълумотлар тарих, тил, география, этнография, география, геология, экология, психология, фалсафа каби бир қанча фанларнинг ишонarli дaвиллари мажмуида аралаш ҳамда қoришиқ шаклда бугунги кунга қадар ҳам мавжуд бўлиб келмоқда, десак, хато қилмаган бўламиз. Булардан кўриниб турибдики, мазкур курснинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш объекти, оdatда, айтиб, ёзиб, изоҳлаб беришга ҳаракат қилинадиган ном(яъни мавжуд барча ном)ларимиз саналади.

Умумий номшунослик масалалари, у умумий планда бўлсин ёки хусусий планда бўлсин (яъни “Ўзбек номшунослиги” масалалари маъносида) ўзига хос маънолари бўлгани каби унинг қуйидаги назарий муаммолари ҳам мавжуддир:

1. Атоқли отлар тилшунос бўлимининг ўрганиш объекти. Атоқли отлар тилшунослик фанининг алоҳида бир бўлими бўлган “Ономастика” (Номшунослик)нинг ўрганиш объекти бўлиш билан бирга тарих, география, геология, фалсафа, психология каби бир қанча фанларнинг ҳам тадқиқ объектлари саналади. Атоқли отлар тушунчаси бу нарса, предмет ва шахсларга атаб қўйилган номлар мажмуидир. Шунингдек, атоқли от деганда фақат киши исми, шарифи)ни тушуниш уни бир томонлама тор тушунишдир. Уни кенг маънода тушувишга киши исми, фамилияси, отасининг исми; этнонимлар(уруғ-қабилa номлари), фитoнимлар (Ўсимликлар номи), топонимлар (жой номлари), (илмий ва бадий мазмундаги) асар номлари, ташкилот, корхона, фирма, компания номлари қабилар оиддир.

2. Атоқли отларни ўрганиш тарихидан. Бу мавзуга асосан Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк”¹ асаридан эътибор бериш бошланган десак, ўринли иш бўлади. Шунингдек, то XX асргача тузилган турли муаллифлар томонидан тузилган лугатларда ҳам атоқли от(киши исми, шарифи, нисбаси, тахаллуси, лақаби каби)ларга, топоним ҳамда киши номларига эътибор берилганигичи кўриш ва кузатиш мумкин. XX асрнинг 60-йилларида профессор Э.Бегматов ўзбек тилида киши исми, шарифи, фамилияси, лақаби, нисбаси, тахаллусларни этнолингвистик ва лингвистик йўналишларда биринчи бор кенг доирада илмий таҳлил қилган². Атоқли отларни ўрганилиш тарихи билан шуғулланиш натижасида ота-боболаримизнинг инсонини, шунингдек, нарса, ҳодисаларни номлаш аъаналари билиб бoрилади. Ва уларни келажакдаги номланиш жараёни учун зарур бир маълумот сифатида эътиборга оламиз. Бу эса атоқли отларнинг ўзига хос тарихи, талқини ва таҳлиллари борлигини аңглатади.

3. Номларга асос бўлган сўзлар билан оdatдаги сўзлар орасидаги чегара Дарҳақиқат, ҳар бир номга асос бўлган сўзлар билан оdatдаги сўзлар орасидаги чегара борлиги табиий ҳoддир. Улар бир-биридан фарқланади. Албатта, номларни таҳлил этишда улар ўртасидаги чегарани фарқлаш йўлидан бoриш лoзим. Чунки ҳамма сўздан номлар яратилимаганигичи лугат ва тарихий асарлар мисолида қайд этиш мумкин. Масалан, *не, у, вoй, шу, ва, каби, эди, эмиш, эрур, фақат, наҳотки, балли, раҳмат, оҳ, воҳ, нима, шундай, қандай, ақл, гоҳ, имкон, эътиқод, ишонч* каби минг-минглаб сўзлар ҳеч қачон номларнинг таркибида учрамаслигичам табиий бир ҳол.

Номларнинг этнолингвистик талқини жараёнида тўртта номлар гуруҳини кузатиш ва уларга оид маълумотлар мажмуини айтиш мумкин бўлади:

¹ Қаранг: Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. Уч томлик. Т., 1960, 1961, 1963. Индекс лугат. Т., Фан. 1967.

² Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка. Автореферат канд. дисс. Т., 1965.

1. Туркий сўзлар билан шакланган номлар гуруҳи.
2. Туркий сўзлар билан юзага келмаган номлар гуруҳи.
3. Туркий ва туркий бўлмаган элементлардан иборат номлар гуруҳи.
4. Қайси тилларга оидлиги номаълум номлар гуруҳи.

Туркий номлар гуруҳи туркий сўзлардан шаклангани каби кўп маънолик хусусиятига ҳам эгадир. Туркий бўлмаган номлар гуруҳи, яъни форс-тожик ёхуд араб номларнинг берилиш асослари, мазмун ва маъноси мамлакати-мизнинг барча вилоят ва туманларида деярли бир хил ҳолатдадир. Аралаш ком-понентли (гибрид) номларда туркий ва туркий бўлмаган элементлар учраши табиий. Шу билан бирга маъноли қисмларининг келиб чиқиши номаълум бўлган номлар ҳам номлар мажмуида қисман бўлса ҳам учраб турибди. Бу икки гуруҳдаги номлар амалда жуда кам учрайди.

Номлар нуктаи назардан қараганда тилдаги сўзлар иккита катта гуруҳга бўлинади: 1. Апельлятив лексика. 2. Ономастик лексика. Апельлятив лексика одатдаги сўзлар бўлиб, номларнинг таркибиде қўлланмайди. Ономастик лексика эса номлар таркибиде қўлланувчи морфема, яъни сўз, қўшмича (аффикс)лардир.

4. Номларни фарқлаш тамойиллари тўғрисида. Номлар турли объектларнинг атамаси бўлгани учун ҳам улар ҳам объект жиҳатидан, ҳам маъносига кўра фарқланиб туради. Бошқа тиллардан ўзлашган номларни хусусиятларига қараб фарқлай олингани каби ўзбекча номларни ҳам бошқа номлардан, бошқа ономастик бирликлар мажмуидан қандай қилиб фарқлаш мумкинлиги тамойилларини ишлаб чиқиб, уларни амалда қўллаш шарт. Бунинг учун уларни таҳлили керак.

Вақт ўтиши билан мазмунини тушуниш қийинлашган ёки мазмунини англаш мумкин бўлмаган номлар мажмуидаги бирлик саналадиган алоҳида номларни тил, тарих, география, геология, этнография каби фанларнинг далиллари воситасида изоҳли ва яна этимологик таҳлил қилинганда киришиш вақти келди. Бундай номлар билан умуман тушунилмайдиган номларни фарқлаш йўлларини излаш керак. Шунинг учун ҳам махсус тадқиқотлар олиб бориш лозим. Бир объектнинг номи иккинчисининг номидан номланиш усули, ном бериш метёри билан ажралиб туриши номларни фарқлаш тамойиллари саналади.

5. Атоқли отларни илмий назарий ва амалий асослардан туриб ўрганиш. Атоқли отларни, антропоген, номларни илмий назарий ва амалий асослардан туриб ўрганиувчи “Номшунослик масалалари (яъни Ономастика масалалари)” соҳасини тилшунослик фанининг алоҳида бўлими деб олишни эътироф этиш билан бирга, у бир қанча фанларнинг ном, номлаш масалаларида туташган нуктасида юзага келганини эътироф этиш шарт. Акс ҳолда, тилшунослик (ёки бошқа бирорта фаннинг) материаллари билан номларни мукамал тарзда таҳлил ва талқин қилиб бўлмайди.

Бунда, албатта, тарих, география, геология, этнография, диалектология, фалсафа, психология, этнография каби фанларнинг далиллари номларни асослаш учун ёрдамчи далилловчи воситалардан бири эканлигини, мана шу фанларнинг туташган нуктасида “Ўзбек номшунослиги” номи янги фан шакланганлигини табиий ҳол сифатида эътироф этишни тан олиш лозим бўлади. Атоқли отларнинг мавжуд икки ёзув тизимида ҳам тўғри ёзиш қонун-қоидаларига амал қилиш лозим. Биз юқорида номларни тўғри ёзиш, айтиш қонун-қоидаларини ном қўллаш одоби тушунчасига боғладик.

6. Атоқли отларнинг назарий, амалий ҳамда маърифий аҳамияти. Атоқли отларни амалий ҳамда назарий ўрганиб, илмий асосларда таҳлил ва талқин этишнинг фан, халқ ва қадим тарих олдида ўзига хос бўлган назарий, амалий ҳамда маърифий аҳамияти борлигини тан олиш лозим бугунги кунда ҳаммага аён. Мамлакатимиздаги атоқли отларни ўрганиш билан бугунгача бўлган назарий қарашларни бойитиш имконияти юзага келади. Уларни ўрганиб, таҳлил ва талқин этиш билан эса уларнинг амалий аҳамиятини кучайтиришимиз мумкин.

Номларни ўрганиш орқали ёшларни она Ватанга муҳаббат билан қарай, тарихимиздан фахрларнинг туйгуларини уйғотиш эса номларнинг маърифий аҳамиятини далиллайди. Чунки бугунги билимли инсон энг аввало, мавжуд номларни яхши билиши, изоҳли ва этимологик таҳлил тамойиллари воситасида галқин қилиши, тўғри ҳамда аниқ ёза олиш табиий ҳоллигини ҳамма билиши шартдир. Ахир ўз исмини, яшаш жойини, атрофдаги нарса ҳодисалар номини яхши билиш, тушунтириб бериш одобни. Яъни маърифатлилик ва маданиятлиликни белгилайдиган омиллар ҳисобланади.

7. Хозирги номларнинг аниқ, равшан ва тушунарли бўлиши учун уларнинг ёзилишини, қайд этилишини жорий алифбодаги ёзувда жиддий назорат қилишимиз керак. Шу билан бирга уларнинг равшан ва тушунарли бўлиши учун маъноларини очиқ, тушунтириб берадиган этимологик таҳлил қилиш йўлларини тилшунослик, тарих, география, геология, фалсафа, психология, этнография каби фанларнинг далиллари воситасида қидириш ва шундай ишонарли далиллар билан шаклланган илмий таҳлиллар мажмуини яратиш учун зарур тамойилларни далиллашни мисоллар мажмуи воситасида амалга ошириш керак бўлади.

8. Ном инсониятнинг маънавияти, маърифати ва мангулигини белгиловчи воситалардан бири. Ўзламлиқ, ном бу дунёдаги барча инсониятнинг, халқнинг маънавияти ва маърифатини белгиловчи воситалардан бири саналишини асослашни инкор этиб бўлмайдиган далилий ашёлар воситасида кўрсатиб бериш йўлидан бориш бизни тўғри йўлдан олиб боради. Шунинг учун ҳам Юсуф Хос Ҳожиб “Қуталғу билиг” номли достонида бундай мисраларни ҳам ёзган: “Қилиш мангу эмас, унинг номи мангудир, одамдан унинг номи мангу ёдгорлик бўлиб қолади”¹, “Қимчнинг номи ёмон деб булганса, унинг юрмагани яшилдир. Тириклик бир моядир, унда эзгу номи истагин, мангу қоладиган номингни ёмон қилма, яхши қилгин”². “Уладиган кишини эзгу номдан бошқа нарса қаноатлангирмайди, эркили худо шу ном билан жовидон тутсин”³. Бунинг учун тарихий, илмий ва оғзаки манбаларга асосланиб тадқиқотлар олиб бориш максадга мувофиқ.

9. Ном(исм)ларда маъно. Ҳар бир номда уларни яратган, амалда қўллаётган оладиган халқ, миллат ва уруг-қабиланинг ўзига хос руҳи, маънавиятию маърифати яширинган бўлади. Диккат-эътибор билан қаралса, “Луғатшунос олимлар исмларга луғат тузишда-ю, аммо исмларнинг сўз маъносини тушунтиришдан нари ўтмайдилар. Ваҳоланки, исмлар – умид-орзу, инсон табиати ифодаси, ҳиссиётлар акс этган ибрат кўзгуси. Исмлар – инсон маънавий мулки. Унга луғат бойлигига қарагандек қараш исмларнинг ижтимоий-маънавий қийматини йўқоғиб қўяди”⁴. Бу ерда номдаги номлилик маъноси тўғрида гапирилмоқда. Шу маънода номларнинг бир тури бўлган антропонимларда антропонимик, яъни исмлилик маъноси, топонимларда топонимик маъно⁵, этнонимларда этнонимик маъно, фитонимларда фитонимик маъно, зоонимларда зоонимик маъно нозикликлари бўлади. Яъни айтиб ўтилган объектлар номида сўзлик маъносидан ташқари номлилик маъноси ҳам ўз ифодасини топган бўлади, аммо уларни луғавий маънодан фарқлаш учун таҳлилга ториш лозим бўлади. Шунда ҳамма нарса ойдинлашади.

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қуталғу билиг // Ўзбек адабиёти бустони. Қадимги ҳикоятлар. Тузувчи Насимхон Раҳ-монов. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. 98-бети.

² Юкорида берилган китобнинг 305-бети.

³ Кўрсатиб ўтилган китобнинг 396-бети.

⁴ Исҳоқов Мирсодик. Муқаддас мулк // Муҳаммадшоҳим Набизода. Исмларимиз ҳосияти (Исми шарифларимиз маъноси). Т., Ф. Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2003. 4-бет.

⁵ Окунов Н.Жой номларида яширинган маъно // Тил ва адабиёт таълими Т., 1999. 1-сон. 26-30-бетлар.

Худди шу маънода мамлакагимиз худудидаги туркийча, аниқроғи, Ўзбекча номларда ҳам ота-боболаримизнинг енгилмас ва ўлмас руҳияти мавжудлигини бугунги ёш авлодга ишонarli, қизиқarli мисоллар орқали матбуот, радио, телевидения ва тилшум-тарбия тизими воситасида суҳбат, радио ва телевизор эшитиришишу афсусувлари, мақола, илмий монографияю ўқув қўлланмалари шаклларида сингдириш афрурилиғини одамларга етказиш йўлларини излаш керак. Мана шунда ёшларимизнинг маънавиятини улғайтирган, кучайтирган бўлаемиз. Шунинг учун ҳам президенимиз Н.Қиримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарни бекорга ёзмаганлиғини айтмиш¹. Ҳа, номларда инсоннинг инсонийлиғини, унинг жамиятдаги ўрни ҳамда ролини эслатиб қўядиган сеҳрли ва сирли куч, яъни нозик ва сермаъно қирраси борлиғи табиий.

Ушбу санаб ўтилган илмий-назарий ва амалий масалаларни ҳал қилишни бирдан амалга ошириб бўлмайди, балки босқичма-босқич қўриғишида амалга оширилиб борилиши ҳам табиий ҳол, ҳам мақсадга мувофиқ жараён саналади.

10. Замоनावий тилшуносликда атоқли отларни ўрганиш муаммолари. Бугунги кунда ўзбек тилшунослиғида атоқли отларни жиддий ўрганишни бошлаб берган ва асосом эгитираётган таниқли усғоз олимлардан бири профессор Э.Бегматов ҳамда унинг шогирдлари саналади². У XX асрнинг 60-йиллари бошларида киши исмлари юзасидан филология фанлари номзодлиғи учун ёзган илмий ишини, сўнгра 90-йилларда эса филология фанлари докторлиғи учун ёзилган диссертациясини муваффақиятли равишда ҳамоя қилиб, ўзбек тилшунослиғида антропонимларни тадқиқ этиш мавзисини илмий назарий планда асослай олган. Бугунги кунда ушбу олимнинг шогирдлари ўзбек номшунослиғининг ўзбек антропонимикаси ва топонимикаси соҳаларида қўллаб илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Ушбу олимнинг қўриғиш кирқ йиллик изланишлари ва бир қатор илмий тадқиқотлари китоблар шифатида нашр этилган. Шулاردан бири 1998 йилда нашр этилган “Ўзбек исмлари. 14600 исмлар изоҳи” номли лугати бу соҳада жуда салмоқли тадқиқотлардан биридир. У “Наширётдан”, “Лугатнинг таркиби ва тузилиши”, “Асосий қисқартмалар ва шартли белгилар”, “Алюҳ исмлари”, “Исмларнинг изоҳли лугати”, “Ўзбек исмларининг этнографияси” номли қисмлардан ташкил топган. Айни вақтда бу асар илмий ходимлар қўлида, турли хизмат ходимларида ва умуман, халқ вақиллари қўлларидан тушмаётганини унинг зарур китоблардан бири эканлиғини асослаб турибди. Ҳозирги вақтда номшуносликда, яна ҳам аниқроғи, киши исмлари таҳлили соҳасида бунчалик мукамал асар яратилмаган.

Ўзбекларнинг ном(исм) қўйиш одатлари, ундаги етакчи анъана ва тенденциялар ҳақида Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида бир хил эмас. Шунингдек, бошқа халқларнинг ном қўйиш одатлари ҳам турлича. Республикаимизнинг турли жойларида ўша вилоят, туман, қишлоқ кенгаши учун характерли бўлган баъзи расм-русумлар, мажмуий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳамда тарихий анъаналарни учратиш мумкин. Бу кун ҳолда маҳаллий аҳолининг этник таркиби, тарихий ўтмиши, муайян миллий анъаналари билан узвий алоқадордир. Бугунги кунда ҳам ўзбекларнинг худудий ва вилоятлар бўйича антропонимияси деярли тадқиқ этилгани йўқ, десак янглишмаган бўлаемиз. Республикаимизнинг ҳар бир регионал худудидаги ўзига хос тақрорланмас исмларни, уларни туғдирувчи бетакрор, одатда, расм-русумларни атрофлича тўплаш, инсоний ҳамда этнолингвистик таҳлил қилиш тилшунослик фани учунгина эмас, сонаверса, тарих, фалсафа, этнография, психология каби фанлар учун ҳам улкан илмий ва амалий қимматга эга далиллар мажмуининг талқини саналади.

¹ Қиримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият, 2008. 174 б.

² Бегматов асарлари бу ишининг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” да кайд этилган.

11. Номшунослик қатламининг ҳажми ва мазмуни. Бугунги кунда умумий номшунослик масалаларида ҳам, хусусий номшунослик масалалари соҳасида ҳам номшунослик қатламларининг ҳажми ҳамда мазмуни ҳақида баҳс бормоқда. Ном деганда киши исми, лақаби, таҳаллуси, нисбаси, жой номлари, ойқонимлар, оронимлар, гидронимлар, этнонимлар, фитонимлар, зоонимлар каби бир қанча номларнинг мажмуилари тушунилиши юқорироқда айтилган эди. Бу ҳақида В.Н.Топоров XX асрнинг 60-йилларида, аниқроғи, 1962 йилда фикр билдирган¹. Бу муаллифдан қарийиб йигирма йил кейин таниқли номшуно олимлардан бири А. В. Суперанская бу мавзуга махсус тўхғалиб, номларнинг мажмуи, йиғиндисини ономастик қўлам деб атайди: "Ономастик қўлам бу – муайян халқ тилида реал, тахминий ва хаёлий объектларнинг номлаш учун қўлланадиган атоқли отлар мажмуидир"². Шу ерда номларнинг мажмуи дейиш ўрнига ономастик, яъни номшунослик қўлами дейишлик қўлам услубий фарққа, яъни услубий разонликка эга бўлган бўлса-да, ономастик маълум дейишликда илмий терминга қараб бориш ҳолати сезилмоқда. Бу ижобий ҳолдир. Бу эса ономастик терминларга эътибор қаратишни талаб қилади.

Ўзбек тилшунослигида ономастика, антропонимика каби масалаларга кўпроқ профессор Э.Бегматов ва унинг шогирдлари амалга оширган махсус тадқиқотлари билан эътибор бериб келишмоқда. Бу билан эса уларнинг мазкур соҳадаги тадқиқотлари фан аҳллари томонидан баҳсли ҳолатларда бўлса ҳамки, эътироф этилмоқда³. Уларнинг тадқиқотларида номлар мажмуи ёки номшунослик мажмуи тушунчаси ономастик қўлам деб атрофлича илмий назарий ҳамда илмий амалий далилларга асосланган ҳолда фикр-мулоҳазалар илм аҳлининг эътиборига қаратилмоқда. Шу ўринда бу олимларнинг қуйидаги хулосасига қўшилиш мақсадга мувофиқ: "Ҳар қандай тилнинг, жумладан, ўзбек тилининг ономастик тизими (номлар тизими – таъкид бизники – Т.Э.) миқдоран гоятда кўпқиррали, ҳажман улкан, номинатив-функционал хусусиятларига кўра ўзаро фарқланувчи, шу билан бирга, бир-бири билан муайян боғлиқлик ва муносабатда бўлган лисоний мавжудликдир. Тилнинг лексик бойлиги конкрет (аниқ – таъкид бизники) лугавий бирликлар (лексемалар)дан иборат бўлганидек, тилнинг ономастик фондини ономастик лексика доирасида мужассамлашувчи аниқ атоқли отлар ташкил қилади. Ушбу конкрет номлар ономастикда "тил бирликлари", "лексик бирликлар", "нуқ бирликлари" деб юритилувчи терминларга ўхшатма (тақлидий) тарзда ономастик бирликлар деб юритилади. Ономастик бирлик дейилганда, аслида конкрет атоқли от кўзда тутилади"⁴. Бу фикр-мулоҳазалар тўғри, аммо конкрет от терминини аниқ от дейилса, яхши бўларди.

Уларнинг ривожланишини эътиборга олсак, уларда тарихий қатлам билан бирга замонавий қатламларга тегишли номларнинг мажмуилари алоҳида-алоҳида шаклларда мавжуд бўлиб, фақат уларни фарқлаб олиш шартдир. Бу эса уларнинг ўзига хос бўлган ҳажми ҳамда маъно мазмуининг борлигини мавжуд мисолларнинг илмий далилларга таянилган ҳолдаги таҳлили ва талқини воситасида кўрсатиб турибди.

Номшунослик қатлами ва унинг бўлиmlари орасидаги тизимий алоқадорлик. Номшунослик қатлами деганда киши исми, лақаби, таҳаллуси, нисбаси, топонимлар,

¹ Топоров В.Н. Из области теоретической топономастики // Вопросы языкознания. 1962. №6. с.3-4.; Его же. О палийской топономастики // Топонимия Востока. Исследования и материалы. М., 1969.

² Суперанская А. В., Сталтмане В. Э., Подольская Н. В., Султанов А. Х. Теория и методика ономастическая исследования. М., 1986. 8-бет.

³ Бегматов Э., Авлоқулов Я. Ономастик қўлам тушунчаси // ЎТА. 2007.3-сон. 17-21-бетлар; Бегматов Э., Авлоқулов Я. Ўзбек тили ономастиксининг макроқўлами таркиби // ЎТА. 2007.5-сон. 33-38-бетлар; Бегматов Э., Авлоқулов Я. Ўзбек ономастиксининг микроқўлами // ЎТА. 2008. 1-сон. 55-60-бетлари.

⁴ Бегматов Э., Авлоқулов Я. Ўзбек тили ономастиксининг макроқўлами таркиби // ЎТА. 2007.5-сон. 33-бет;

агроонимлар, ойконамлар, оронимлар, гидронимлар, этнонимлар, фитонимлар, зоонимлар каби бир канча номларнинг мажмуи ва уларнинг кичик-кичик гуруҳ, бўлимлари тушунилади.

12. “Ўзбек номшунослиги” фанида қўлланадиган терминларнинг талқини. Маъмур ўқув курсидаги терминлар асосан, тилшуносликдаги терминлар тизими посигасида шаклланган ва тараққий этиб келмоқда. Бугунги кунга келиб бу фан мустақил фанлардан бирига айлангани учун ўз имкониятлари доирасида ҳам термин (атама)ларини шакллантириб бормоқда. Улардан баъзиларини маънолари билан ушбу ишнинг охирида қайд этишни ўринли билдик.

Ҳозирги вақтда мавжуд турли туман номлар ҳақида баҳс юритувчи номшуносликни, яъни ономастикани шартли равишда икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) умумий номшунослик масалалари; 2) хусусий номшунослик масалалари. Умумий номшунослик масалаларида бугунги инсониятнинг қизиқтираётган номшунослик муаммоларига тўхталишга эътибор берилган бўлиб, унда турли ирққа, турли тилларга оид бўлган номларни бериш масалалари, номларни изоҳлаш ва этимологик таҳлил қилиш муаммолари тўғрисида фикр юритилади. Хусусий номшунослик масалаларида эса ўқувчи, талабалар оид бўлган халқ тилга хос номларни муаммолари, номларни тўғри ва аниқ ёзиш, изоҳли ҳамда этимологик таҳлил этиш масалаларининг ҳал этилиши тўғрисида илмий кузатишлар баён қилинади. Хуллас, шу ўринда хоҳланса ҳам, хоҳланмаса ҳам ўзбек тилидаги номшунослик масалаларига қисқароқ шаклда тўхталишга мажбур бўлинади. Сабаби, ном ва номларни яхши билиш кишининг маданийлик даражасини белгилайди.

Бугунги кунда умумномшунослик қанчалик юксак даражада ривожланиб кетгани фан-техника ютуқлари асосида қайд этилмоқда. Худди шу ҳолат ҳозирги вақтда “Ўзбек номшунослиги” курси ҳам шунчалик тараққий этиб кетдики, натижада, уларнинг терминларини айна вақтда алоҳида-алоҳида тарзда тадқиқ ва талқин этиш зарурати сезилмоқда. Айна вақтда “Умумномшунослик терминлари лугати” турли мамлакатларда оммалашгани каби мукаммал равишда тайёрланадиган “Ўзбек номшунослиги терминлари лугати”га ҳам бугунги кунда эҳтиёж катта дейиш мумкин. Чунки у номшунослик соҳаси бўйича керакли терминларни изоҳлаб беришга қўмак беради. Шунингдек, “Ўзбек номшунослиги терминларининг изоҳли лугати” шу соҳадаги мавжуд терминлар тўғрисида қисқача изоҳ берадиган манбалардан бири саналади. Бу масалада илмий ишлар амалга оширилмоқда.

ИНТОНАЦИЯНИНГ ТИЛ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Д.А.Набиева (АДУ)

Интонация бутунлик сифатида уни ташкил этувчи элементларнинг барқарор муносабатларидан ташкил топади. Интонациянинг таркибий қисмлари илмий адабиётларда турлича кўрсатилади¹. Уларни умумлаштирган ҳолда, қуйидагича белгилаш мумкин: асосий овоз тонининг пасайиб кўтарилишини назорат қилувчи компонент – мелодика; артикуляция тезлигининг ўзгаришини назорат қилувчи нутқ темни; артикуляция ҳаракатлар кучининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган овоз баландлиги; нутқ жараёнида фонациянинг тўхталиши, яъни пауза; ургу ҳамда овознинг ўзига хос бўёқдорлигини акс эттирувчи овоз тембри. Бу компонентларнинг интонация

¹ Голцарко Л.В., Вербицкая Л.А., Гордина М.В. Основы общей фонетики. – Санкт-Петербург: Изд. С.-Петербургского университета, 1991; Матушевич М.И. Современный русский язык. Фонетика. –М.: Просвещение, 1976; Жинкин Н.И. Взаимотношения компонентов интонации в речи и в музыке. –Сб. Проблемы структурной лингвистики 1982. –М.: Наука, 1984; Брызгунова Е.А. Основные типы интонационных конструкций и их употребление в русском языке. – Русский язык за рубежом, 1973, №1, №2. Панов М.В. Современный русский язык. Фонетика. –М.: Высшая школа, 1979.

таркибидаги мавқеи масаласида ҳам тилшунослар ўртасида бир хиллик мавжуд эмас. Баъзи тилшунослар интонациянинг асосий компоненти сифатида мелодикани ажратсалар¹, бошқалари урғу ва паузани кўрсатадилар². Таъкидлаш керакки, тил системасида интонацияни ташкил этувчи компонентлар тенг қимматлидир. Лекин бу компонентларнинг мавқеи нутқ жараёнида сўзловчининг эмоционал ҳолати, коммуникатив мақсади, нутқ вазияти ва ҳар бир хусусий тилнинг ўзига хос жиҳатлари каби омиллар таъсирида ўзгариши мумкин.

Интонация суперсегмент бирлик саналиб, худди лексик ва грамматик воситалар сингари гапни ташқи томондан шакллантирувчи, синтактик уюштирувчи воситадир. Демак, интонациянинг функцияси нутқ жараёнида кўринади. В.Г.Гак тўғри таъкидлаганидек, интонация гапда икки функцияни бажаради: структур-синтактик (уюштирувчи) ва хусусий семантик³.

Интонациянинг структур-синтактик функцияси интонемаларни бирлаштириш ва ажратиш имкониятлари билан белгиланади. Бу функция ёрдамда жумланинг тугалланганлиги ва тугалланмаганлиги оппозицияси, жумла компонентларининг боғлиқлиги ва ажралганлиги, уюшганлиги ва уюшмаганлиги каби оппозициялар ифодаланади.

Интонациянинг семантик функцияси эса коммуникация жараёнида юзага чиқади. У нутқ акти ва мулоқот вазияти таъсирида жумла мазмунининг ўзгариши билан белгиланади. Бунга кўра, интонация гапларнинг коммуникатив ҳамда информатив турларини, мазмуний тугалланганлиги ёки тугалланмаганлигини, эмоционал бўёгини, коммуникантларнинг бир-бирига ва билдирилаётган фикрга муносабатларини ифодалайди.

Буларнинг барчаси нутқ жараёнида жумла қурилишида интонациянинг роли ва мавқеи алоҳида эътиборга лойиқ эканлигидан, у тилнинг бошқа бирликлари сингари мураккаб бутунлик саналиб, тил системасида ўзига хос мавқега эгаллигидан далолат беради. Бу эса интонациянинг хусусиятларини, унинг функционал жиҳатларини монографик планда тадқиқ этиш ҳозирги ўзбек тилшунослиги олдида турган долзарб муаммолардан бири эканлигини кўрсатади.

СИНТАКТИК ОМОНИМИЯ ХУСУСИДА

А.Мамажонов (ФарДУ)

Омоним атамаси юнонча “*homos*” – “бир хил” ва “*опута*” – “ном” сўзларидан иборат бўлиб, тилшуносликда омоним бирликлар деганда, бир хил шакл доирасида турли семантик қирраларга эга бўлган, айтилиши ва ёзилиши бир хил, маъноси эса ҳар хил тил бирликлари тушунилади.

Омонимия ҳодисаси тилшуносликда жуда кенг тадқиқ этилган бўлиб, у тил сатҳлари доирасида аффиксал, лексик – фразеологик, морфологик ва синтактик омонимия кўринишида мавжуд бўлади. Синтактик бутунликларнинг омонимик муносабатга киришуви тилшуносликда синтактик омонимия термини билан изоҳланади. Синтактик омонимлар ҳам лексик, фразеологик ва морфологик омонимлар каби нутқда услубий маънонинг юзага чиқиш – бир шакл доирасида турли мазмун қирраларини ифодалаш имконини беради. Тилшуно олимлар эътирофига кўра, синтактик омонимия ҳодисаси дастлаб Е.И.Шендельснинг “Грамматик омонимия

¹ Матусевич М.И. Современный русский язык. Фонетика. –М.: Просвещение, 1976; Панов М.В. Современный русский язык. Фонетика. –М.: Высшая школа, 1979; Бондарко Л.В., Вербичкач Л.А., Гордина М.В. Основы общей фонетики. – Санкт-Петербург: Изд. С.-Петербургского университета, 1991.

² Жинкин Н.И. Взаимотношения компонентов интонации в речи и в музыке. –Сб. Проблемы структурной лингвистики 1982. –М.: Наука, 1984.

³ Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. –М.: Высшая школа, 1981. –с. 102.

чиқди” мақоласида шарҳланган. Ўзбек тилшунослигида ҳам бу масалага кизиқиш ва уни ўрганиш борасида қатор ишлар қилинган. А.Сафасв, Ф.Убаева, С.Мамедов, А.Ғолипов ва А.Бердиалиев кабиларнинг илмий изланишлари шулар жумласидандир. Профессор А.Бердиалиевнинг “Эргаш гапли қўшма гап конструкцияларида семантик синнификатив парадигматика” монографиясида синтактик полифункционаллик, синтактик полисемия ва синтактик омонимия масалалари атрофида тадқиқ этилган бўлишига қарамай, унда масаланинг кўпроқ қўшма гаплар доирасидаги тури ҳақида фикр юритилган. Кейинги йилларда олиб борилган илмий изланишларда ҳам синтактик омонимияга оид айрим фикр – мулоҳазалар учрайди. Жумладан, Х.Усмоновнинг “Ўзбек тилидаги гап бўлақларининг позицион тадқиқи” монографиясида синтактик синонимия, синтактик полисемия ва синтактик омонимия ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаблари билан боғлиқ айрим муаммолар ўртага ташланади.

Қўринадик, синтактик бирликларнинг шакл ва мазмун диалектикаси мазмуний бирликларнинг тўлиқ ёки нотўлиқ шаклий ифодасини топиши масаласини ўрганиш аниқ структура ўртасида симметрик ва асимметрик муносабат мавжудлигини илқиллашдан ташқари, синтактик синонимия, синтактик омонимия ва синтактик полисемия, синтактик полифункционаллик (синтактик синкретизм) масалаларини ҳам қамраб олади.

Шунинг учун ҳам синтактик синонимия, синтактик омонимия ва синтактик полисемия масалаларини сиқчиқлаб ўрганиш синтактик бирликларнинг шакл ва мазмуни ўртасидаги муносабатни чуқурроқ ёритишга қулай имконият ярадади.

Демак, нутқий жараёнда мазмуний бирликлар билан шаклий бирликлар ўртасида кўпинча номутаносиблик мавжуд бўлади. Чунки нутқ жараёнида сўзловчи ким моддий воситалардан фойдаланиб, кўпроқ мазмун ифодалашга ҳаракат қилади, сўзловчининг объектив оламдан олган таассуроти тўлиғича ўз шаклий ифодасини топпайди. Фақат энг муҳим томонлари фикран ажратилади ва ана шу энг муҳим деб ажратилган жиҳат ўз шаклий ифодасига эга бўлади. Қолгани сўзлашувчиларнинг олдидан билиш қўниқмасига асосан маълум бўлади.

Немис олими В.Гумбольдт нутқда сўзлашувчилар ўртасида бир вақтнинг ўзида ҳам тушуниш бор ва ҳам тушунмаслик бор, дейди. Шакл билан мазмуннинг нисбий мустақиллигини шунда ҳам кўриш мумкинки, айти бир мазмун турли шаклларга кириши мумкин (синтактик синонимия). Бир шаклнинг ўзи эса бир неча мазмунга ҳам иа бўлиши мумкин (синтактик омонимия).

А.Бердиалиев қўшма гап конструкциялари орасидаги омонимия сифатида гапнинг қурилиш шакли ва мазмунини асос қилиб олади, уларнинг лексик таркиби, яъни гапдаги сўзларнинг бир хиллиги шарт эмас, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бош гап + эргаш гап тарзида ёки аксинча тузилган қўшма гап турлари, таркибидаги сўзларнинг ҳар хил бўлишидан қатъи назар, омонимик муносабатга киришади. Масалан: “*Шуни унутмангки, интизом ютуқлар гаровидир*” ва “*Шу нарса маълумки, ўз иқлимида қилинган муолажа беморнинг тузатишида муҳим аҳамиятга эга*” гаплари турли сўзлардан ташкил топган бўлса ҳам, ўзаро омоним саналади, чунки улар грамматик шакл жиҳатидан бир хил, лекин мазмунан ҳар хил гаплардир. Биринчи гап тўлдирувчи эргаш гапли, иккинчиси эса эга эргаш гапли қўшма гаплардир, деб илоҳлайди.

Рус тилшуноси Н.Д.Ғолев эса синтактик омонимияда синтактик қурилмаларнинг таркиби бир хиллигини ёқлайди. У синтактик омонимиянинг ҳосил бўлишида асосий сабаб сифатида тиниш белгаларининг қўлланиш ўрнига эътибор қарадади. (Омофонический и омографический фонды русского языка. Часть 5. Синтактические омофония и омография как “полигон” для изучения коммуникативного функционирования знаков препинания)

Хуллас, синтактик сатх биринклари доирасида шакл ва мазмун масаласи ўзбек тилшунослигида айрим ишларни эътиборга олмаганда, ҳали тилшунослар диққатини етарли равишда жалб этгани йўқ. Бу эса замонавий ўзбек тилшунослиги учун мазкур муаммонинг нақадар долзарб жанлигидан далolat бериб турибди.

МЕНТАЛИТЕТДА ЭМОЦИЯЛАРНИНГ ҶУРНИ

Ш.Ҳ.Шаҳобиддинова, Г.Носирова (АДУ)

Собик иттифок таркибидаги республикаларнинг мустақилликка эришиши миллий ўзлигини англаш, миллий онг, миллий ғоя ва мафкура тушунчаларини актуаллаштирди. Уларнинг ифодаловчиси ва шакллантирувчиси бўлган тилни ўрганишда ҳам замонавий оттенкалар пайдо бўлди.

Жаҳон тилшунослигида анча қадимий илдизларга эга бўлган психолингвистика шу даврдан бошлаб янги тараққиёт босқичига ўтди дейиш мумкин. Бу босқичнинг ўзига хос характерли белгилари, бизнингча, қуйидагиларда кўринади:

Тилларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилашда биологик, ижтимоий омилларга алоҳида эътибор берилади.

Турли тилдаги ва турли ижтимоий характеристикага эга бўлган тиллар қийсланади.

Тилларни ўрганишда амалий мақсадлар етাজчилик қилади.

Психологик нуқтаи назардан қараганда, «инсон биологик мавжудоддир; шу билан бирга у ижтимоий мавжудоддир ҳам ва буларнинг ҳар иккиси битта шахедир. Психологиянинг мақсади – инсонни бу икки турли жиҳатлар бирлигида очиб беришдир.»¹

Психолингвистиканинг вазифаси эса инсоннинг онгида мавжуд бўлган оламнинг лисоний манзараси шаклланишида бу икки факторнинг ўзини аниқлаш ва шу орқали инсоннинг руҳий ҳолатини лингвистик материал орқали таҳлил қилишдир.

Эмоциялар инсоннинг руҳиятигина эмас, онгининг ҳам асосидир.

«Инсоннинг онгига албатта инсон тортилган мураккаб объектив ва аввало ижтимоий муносабатлар аксини юлган хиссиётлар дунёси ҳам қиради»²

Онг ва руҳият муносабати масаласи жуда мураккаб бўлиб, психологларни қай бири қай бирга нисбатан етакчилигига онд муаммолар ўйлантириб келади.

Инсоннинг онгости туйғуларни қуйи босқич сифатида баҳолаш анъанаси анча кенг тарқалган: «Онгсизликда, онгдан фарқли ўларок, инсон томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларни мақсадли назорат қилиш ва уларнинг натижаларини баҳолаш имкони ҳам мавжуд эмас.»³

Шу билан бирга биз онгдан ташқари деб ҳисоблайдиган хиссиётлар олами аслида ҳали англамаган йирик бир системанинг реаллашувидир. Ҳар бир шахс ажодлари томонидан йиғилган улкан тажрибанинг ташувчисидир.

Эмоциянинг юзага чиқишидаги автоматизм худди машина ҳайдашда узок йилларда қўлга киритиладиган автоматизмга ўхшайди: кўп йиллик ҳайдовчиларда машина бошқариш деярли англамаган ҳолда амалга оширилаверади. Инсоннинг эмоционал хусусиятлари эса энг узок даврлардан буён шаклланиб келаётган мерос сифатида авлоддан авлодга ўтади.

¹ Цит. по: Монтъев А. А. Психолингвистика. Ленинград: «Наука», 1967 – стр.63.

Wallen H. Sur la specificite de la psychologie. "La Raison", №15, 1956, p.5.

² Общая психология. Москва. Просвещение, 1986 – стр.27

³ Общая психология. Москва. Просвещение, 1986 – стр.28

Бу ҳақида А.И. Герценнинг куйидаги фикри диққатга сазовор: «Ҳар бир инсон индицилари деярли Одам Ато боғига бориб тақалувчи хайбатли генеологик дарактга суянади; ортимиздан жаҳон тарихининг бутун бир океан окимидай оқими келмоқда, барча асрлар фикрлари худди шу дақиқада бизнинг онгимиздадир...!»¹

Универсал эмоциялар – газаб, кўркув, нафрат, қайғу, қувонч, хайратнинг барча халқлар учун умумийлиги шубҳасиз. Бироқ ҳар бир халқ вақили ўз менталитетидан келиб чиқиб бу эмоцияларни ҳам физиологик, ҳам лингвистик жиҳатдан турлича акс эттиради.

ГАП ПРОПОЗИТИВ СТРУКТУРАСИ ВА КОНЪЮНКЦИЯ

М. Сафарниязова (ТДПУ)

Гапнинг мазмуний тузилиши шаклий тузилишига нисбатан ранг-баранг ва шаймоқли. Шу сабабли ўзбек тилшунослигида синтактик бирликларни мазмуний тадқиқ қилиш, хусусан, гапларнинг турли мазмуний жиҳатларини ўрганиш масаласи ўз долзарблигини сақлаб қолаяради.

Кўмакчилар билан содда гап мазмунан мураккаблашади (1). Бундай гапларнинг икборот ифодаси бирдан ортик бўлади. Масалан: *Йиғилишда Собирдан бошқа ҳамма қатнашди*. Бу тицдаги гапларнинг пропозитив структураси мураккаб бўлиб, иккита икборот ифодаланган: 1. Йиғилишда ҳамма қатнашди. 2. Йиғилишда Собир қатнашмади. Гапнинг пропозитив структурасидаги мазмуний ифодалар ўзаро “бутун-булак”, “кўплик – кўплик қисми” каби муносабатда бўлади ва пропозициялар конъюнкциясини ҳосил қилади. Юқоридаги гапда айни битга предикат (қатнашди) иккита субъект (ҳамма ва Собир) билан боғланган ва субъектлар “бутун-булак” муносабатидадир. *Бошқа кўмакчиси семантик структурани мураккаблаштирувчи восита – сигналатор бўлиб, пропозициялар ўртасида конъюнктив муносабат ҳосил бўлган.*

Проф. А.Нурмонов *-дан ташқари, дан бошқа, -дан булак* кўмакчили конструкцияли гапларда ҳам конъюнктив муносабат, ҳам дизъюнктив муносабат ифодаланишини таъкидлайди. (2)

Билан кўмакчиси бош келишидаги от ва отлашган сўзлар билан бирга келиб, гапда тўлдирувчи ва ҳол функцияларини бажаради. Ҳол вазифасини бажарган билан кўмакчили конструкциялар гап шаклий қурилишида мураккаблашиш сезилмайди, белги ифодаловчи бирликлар семантик структурани мураккаблаштиради. Масалан: *Карим қийинчилик билан ўз мақсадига эришди* каби. Бундай содда гапларнинг семантик структурасида иккита пропозиция ифодаланади: 1) Карим қийинчилик тортиди; 2) Карим ўз мақсадига эришди. Гапда ифодаланган иккита пропозиция сабаб-натига тирзида кетма-кетлик ҳосил қилган ва улар ўртасида конъюнктив муносабат мавжуд.

Билан кўмакчили қурилмалар тўлдирувчи функциясида келганда гап семантик структурасида мураккабланув юз беради. Масалан: *У ўз тенгқурлари билан жон куйдириб ишлаган эди* гапда иккита пропозиция мавжуд: 1) тенгқурлари ишлаган; 2) у ишлаган эди. Иккинчи пропозиция биринчи пропозицияга қўшилган ва ушбу иккита пропозиция ўртасида конъюнктив муносабат мавжуд. Ушбу гапда конъюнктив муносабатни таъминловчи восита – сигналатор билан кўмакчисиدير.

Билан кўмакчиси ҳаракат номлари билан бирга келиб, бир ҳаракат кетидан иккинчисининг тезлик билан юз бериши маъносини ифодалайди: *Дерза очилгани билан йулчи бошини кўтарди* (Ойбек). *Билан* сигналатори кетма-кет юз берган воқеа-ҳодисани бириктириш функциясини бажарган ва пропозициялар конъюнкцияси ҳосил бўлган.

¹ Герцен А.И. Былое и думы, т. 3. М., Худ. Литература, 1973 – с. 225.

Билан кўмакчиси уюшқик бўлақлар орасида қўлланади. Маълумки, уюшқик бўлақлар ҳам содда ганин шаклий мураккаблаштирувчи воситалардан саналади. Манбаларда бу ўринда *билан* кўмакчиси боғловчига функционаллашуви таъкидланади.

Билан кўмакчиси дизъюнктив муносабат сигнализатори ҳам бўлиши мумкин: *Душманлар қанча ҳаракат қилгани билан бизнинг мақсадимизга тўққинлик қила олмайдилар*. Бунда қисмлар тасдиқ-инкор шаклида бўлади, зид мазмунли воқеликлар ифодаланади. 1) душманларнинг ҳаракат қилиши; 2) мақсадимизга тўққинлик қилолмайдилар. Иккинчи пропозиция биринчи пропозицияга зид маънони ифодалаган. Зиддик муносабатли пропозицияларни ифодаловчи бундай конструкцияларда дизъюнктив муносабат мавжуд бўлади.

Сингари кўмакчиси ўхшатиш, солиштириш, қиёслаш, ўхшашлик, муяъзамлик маъноларини ифодалайди. (4,408) Ушбу кўмакчили қурилмалар гапда белги библирувчи синтактик бирлик позицияларида келади ва гап семантик субстратини мураккаблаштиради. Масалан: *Атроф кум чўли сингари бепоён*. Мазкур гапда ифодаланган пропозициялар: 1) атроф бепоён; 2) кум чўли бепоён. Тенг аъзоли қисмлар ўртасида конъюнкция мавжуд.

Баъзан *сингари* кўмакчиси пресуппозиция сигнализатори сифатида ҳам қўлланиши мумкин. Масалан: *Қалбаки ҳужжатлар ясаши сингари ҳаром ишларнинг пири эди*. (О). Ушбу гапда қуйидаги пропозициялар ифодаланган: 1) қалбаки ҳужжатлар ясаш ҳаром иш; 2) у ҳаром ишларнинг пири эди; 3) унинг яна бошқа ҳаром ишлари бор. Иккинчи пропозиция *сингари* сигнализатори воситасида биринчи пропозицияга қўшилиб, конъюнктив муносабатни ҳосил қилган. Учинчи пропозиция эса пресуппозиция орқали англашилади. Бу ўринда *сингари* сигнализатори *ҳаром ишлар* бирикмасидаги *лар* кўрсаткичи билан биргаликда “унинг яна бошқа ҳаром ишлари бор” пропозициясини ҳосил қилган.

Хуллас, юқоридаги каби кўмакчили қурилмаларда доим икки пропозиция ифодаланади ва улар ўртасида конъюнктив ёки дизъюнктив муносабат мавжуд бўлади.

А д а б и ё т л а р:

1. Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986, №6.

2. Нурмонов А. Кўрсатилган мақола

3. Ш. Шоабдурахмонов, М. Асқарова ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1967.

СОҲА ТЕРМИНОЛОГИЯСИ ШАКЛЛАНИШИДА

«-И АФФИКСЛИ ЛЕКСЕМА+ОТ»

ҚОЛИПЛИ БИРИКМА ТЕРМИНЛАРНИНГ РОЛИ

Абдиев М.Е. (СамДУ)

Маълумки асли форс-тожик тилларининг лексема ясовчиси бўлмиш -и аффикси иштирокида Ўзбек тилида ҳам бирикма шаклидаги терминлар ҳосил бўлади. Айниқса, соҳага оид бирикма терминлар кам миқдорда бўлса-да, уларнинг ясаллишида иштирок этаётганлигини таъкидлаб ўтамиз.

Бирикманинг аниқловчи компонентини ташкил этган -и аффиксли сифат қуйидаги маъноли асосларга қўшилиб келиши мумкин:

1. Этнонимлар, яъни миллат, уруғ, қабила, халқларни англаувчи асосларга: қозоқи гилам, араби/арави гилам, қозоқи қалиш, лақайи гилам, ўриси қашта, нўғойи этик.

2. Топонимлар, яъни жой номларини англаувчи асосларга: ироқи қалпоқ//дўппи, ироқи чок, қандаҳори қашта, қобули гилам, ургути қашта (Ургут қаштачилиги услубида тикилган қашта), панжакенти мукки (панжакентлик этикдўзлар услубида тайёрланган тиззагача қийиладиган пошнасиэ этик), бухори қашта, ироқи қавиш.

1. Парса-предметларни ифодаловчи асосларга: ямоки кўрпача, куроқи ёстук (ёстик), баноти чакман (унг томони силлик жун ёки ярим жун матодан тикилган чакмон), баноти дўппи (духобадан тикилган дўппи).

4. Ботаника, зоологияга оид тушунчаларни англаувчи асосларга: пиёзи (пийази) чакман (чакмоннинг пии нихоятда ингичка йигирилган жун илдан тайёрланган тури), кўчқори сандуқ (сандикнинг кўчқор калласи шаклидаги нақш солинган тури). 5. Ҳуқоридагилардан бошқа хилма-хил тушунчаларни ифодаловчи асосларга: холи сўзона (холсимон нукталар нақши тушириб тикилган сўзана тури), гоҳари олача, шимилдори сўзана, зардўзи кашта, битизи жияк, паттойи кавуш, мирзойи кавуш ва б. Касб-хунарниг зардўзлик тармоғида тегишли манбада қуйидаги форс-тожикча изофали бирикмаларнинг қўлланилиши таъкидланган: мавжи содда, зардўзи этик, ширдўзи маҳси, жилди шона, гули бодом, арвоҳи пир, барги пахта, жомай ликақдўзи, жомай буттадор (Бакаева, 1971,4-20).

Меъморликка оид терминларни тадқиқ этишга бағишланган ишда эса қуйидаги форс-тожикча изофали бирикмалар тилга олинган: нақши намоеън, меҳроби намоеън, хатги кўфий, хатги сулс, гули бурчи, гули ислими, ислими арус, ислими бодомча, ислими баргак, барги аннос, халими шкифта, барги муаннос, меҳроби тахмон, нақши муттасил, нақши гўзара, нақши намоеън, нақши гулхан ва бошқалар (Гурсунова, 1987).

Биргина самарқандлик касб-хунар эгалари нутқида ҳам ишлатилаётган бир талай, шикроғи, эликтадан ортик форс-тожикча изофали бирикма термин қайд этилди.

Бундай терминлар эса қуйидаги маъноларни ифодалаш учун хизмат қилиб келмоқда: 1. Тикилган, тўқилган, ясалган, тайёрланган буюмларнинг номларини: нақши товуси (товус нақши тушириб тикилган зар чопон), чопони амири Бухоро (Бухоро амирларининг зар нақшли чопонларига монанд шаклда тикилган тўн; Самарқанд шаҳри, Урган, Тайлоқ каби туманларда амири Бухоро чопони, Булунгур, Челақ, Каттакўрғон сингари туманларда эса Бухоро амири чопони ҳам деб юритилади), зеби тахмон (тахмонга осиладиган кашта тури), товоқи қаршиғи (Қарши кулоллиги услубида самарқандлик кулоллар томонидан ясаладиган ўртача ҳажмли товоқ), товоқи лангари (катта ҳажмли товоқ), товоқи дулаба (товоқнинг йирикроқ бир тури), кавуши паттойи (кўк тусдаги мукки этикка ўхшаш кўнжсиз кавуш).

2. Буюмларга туширилган безаклар, нақшлар, гуллар номларини: гули бодом (капиталарга тикилган бодом меваси шаклли нақш тури), кўри морғула (кашталарнинг кўчқор калласи шаклли нақши; айрим регионларда, масалан, Булунгур, Челақ, Жомбой каби туманларда мазкур сўз/терминнинг кўчқорак деб аталган синоними ҳам ишлатилади), барги яқ рафтор (каштанинг барг шаклидаги бир қатор чизикли нақши), барги ду рафтор (каштанинг барг шаклидаги икки қатор чизикли нақши), барги қарам (каштанинг қарам барги шаклидаги нақши).

3. Буюмлар, кашта ва безакларни тикиш, тўқиш усуллари, турлари номларини: ташиқан дақдона (дўппиларга тишларнинг жойлашгани шаклига ўхшағиб тикиладиган тиқши тури, усули), чархи паррак (тиқшнинг айлана шаклда тикиладиган бир тури).

Энди қуйидаги бир ҳолатга эътиборни қарагмоқчимиз: тадқиқот объектимызда истеъмолда бўлган форс-тожикча изофали бирикмаларнинг бир қисми ўзбекча (шикроғи, туркийча) изофага ёхуд бошқача тузилишли бирикмага айлантирилган шаклдаги вариантлари билан ҳам ишлатавериляётганлиги қайд этилди: гули бодом-бодом гули, гули товус-товус гули, гули гўза-гўза гули, ислими бодомча-бодомча ислими, хатги кўфий-кўфий хати, меҳроби тахмон-тахмон меҳроби.

Бундай ҳолат форс-тожикча изофали бирикманинг бирор компоненти аслида форс-тожик тилининг мулки бўлишига қарамай, ўзбек тилининг ҳам мулкига айланган (яъни ўрлаштирилган) ёхуд соф ўзбекча лексемалардан ташкил топгандагина рўй беради.

Бирок, форс-тожикча изофали бирикманинг иккала компоненти ёхуд битта

компоненти ўзбек тилида қўлланмаётган лексемадан иборат бўлган тақдирда куйдагича ўзбекча бирикмага айлантирилади: а) форс-тожикча бирикма тўлик калькалаштирилади ва сўз тартиби ўзлаштирилган ҳолда бирикма ҳосил қилинади: мурғи сафед-оқ куш (кашта, сўзана нақши); б) форс-тожикча бирикма ярим калькалаштирилади: чағими булбул-булбул кўзи (ургутча жияк нақши), қайчийи шутургардон-туябўйин қайчи (зардўзликда ишлатиладиган махсус қайчи).

Ўзбек адабий тилида форс-тожикча изофали бирикмаларнинг 300 тага яқини ишлатилаётганлиги маълум (Ўзбек тили грамматикаси, II, 1976, 41). Бу рақамга юқорида келтирилган ҳамда Республикамининг бошқа минтақаларидаги касб-хунарларнинг хилма-хил соҳаларида ишлатилаётган бирикмалар тўпланиб қўшилса, кўрсатилган миқдор яна бир неча бор кўпайиши мумкинлиги аён бўлади. Демокчимизки, умуми адабий тилда қўлланаётган барча форс-тожикча изофали бирикмалар жамулжам қилиниб, изоҳли ёхуд терминологик лўғат яратилса, барчага фойдали иш рўёбга чиққан бўларди. Хулоса қилиб айтганда, ўзбек адабий тилида тушунчаларни ифодалаш мақсадида лексемалар ҳосил қилишнинг у ёки бу усулидан фойдаланилади.

Касб-хунарандликка доир сўз/терминларни ҳосил қилишда композиция усули билан ясалган «-и аффиксли лексема + от» қолиплари бирикмалар ўзининг анча маҳсулдорлиги билан ажралиб туради. Биз ушбу ишимизда биргина касб-хунарга оид терминларнинг мазкур қолип асосида ҳосил бўлиш усуллари ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилдик. Ҳолбуки соҳа терминологиясининг бошқа турлари бўйича ҳам кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш тилшунослигимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

- Абдуллаев Ф. Сўз бирикмалари/Ўзбек тили грамматикаси, II том. Синтаксис. – Тошкент: Фан, 1976.
- Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи 1973.
- Бакаева Н. Дж. Терминология золотошвейного производства Бухары и Гиждувана. АҚД. – Ташкент, 1971.
- Бегматов Э. (озирги Ўзбек адабий тилининг лексик гатламлири. – Тошкент: Фан, 1985.
- Боровков А. К. Таджикско-узбекское двуязычие и вопрос о взаимовлиянии таджикского и узбекского языков//Учен. зап. ин. та востоковедения АН, том IV, 1952. –ст
- Гулямов Х. Узбекско-таджикские языковые связи. – Ташкент, 1983.
- Дадабаев Ғ. А. Общественно-политическая и социально экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI–XIV вв.: АДД. – Ташкент, 1992.
- Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977.
- Насыров Х. Таджикско-персидские заимствования в уйгурском языке: АҚД. – Ташкент, 1972.
- Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. – Тошкент, 1995.
- Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). – Тошкент, 1995.
- Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжасва С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992

Гурсунова Т. Метморлик терминларининг лексик – грамматик тадқиқи. – Тошкент Фан, 1987.

Гуломов А.Ф. Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида // А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти асарлари

Ўзбек тилидаги арабча ва форсча сўзлар луғати. Тузувчи: Сапаев Р. ва б. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

ҲАЙВОНОТ НОМЛАРИ БИЛАН ИФОДАЛАНГАН МЕТАФОРАЛАР ҲАҚИДА

Б. Ўринов (СамДУ)

Маълумки жаҳон тилшунослигида, жумладан, ўзбек тилшунослигида стилистикада, хусусан, бадиий услубда тасвирий ифода воситаларининг услубий буюкдорликни оширишдаги роли ҳақида турли туман баҳс-мунозаралар бўлиб ўтганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим, деб ўйлаймиз. Хусусан, В.В.Виноградов, А.Н.Васельева, Р.А.Будагов, А.И.Ефимов, М.Н.Кожина, В.Д.Левин, Х.Р.Степанов, Н.Кўчқортаев, Р.Кўнгуоров, Б.Ўринбоев, Х.Дониёров, Ғ.Абдурахмонов, А.Шомақсудов, А.Сулаймонов, М.Миртожиев, М.Мукаррамов, А.Мамажонов, Ё.Тожиев, Б.Йўлдошев, С.Каримов, И.Умиров, Р.Сувонова каби тилшунос олимлар тамонидан яратилган тадқиқотларда мазкур масала билан боғлиқ мунозаралар кенг ва батафсил ёритилган.

Маълумки, сўзда маъно кўчишининг муҳим тури бўлган бўлган метафора ҳодисасида қиёфаси, ранги, хусусияти, жойлашув ўрни ва ташқи белгиси ўхшаш бўлган икки предметдан бирининг номи билан иккинчисини аташ юз беради. Бу жараён кўпроқ табиат ҳодисалари нарса-буюм таом нарса-буюм ҳайвонот набобат олами сингариларга ўхшатишда юз беради. Биз ушбу мақоламизда ҳайвонот номлари билан ифодаланган метафоралар ҳақидаги фикримизни болалар шоири Қуддус Мухаммадий ижоди мисолида кўриб чиқамиз.

Ҳайвонот номлари билан ифодаланган метафоралар таснифи таркиби ҳар хил қиёсий конструкциялардан ташкил топади. Шу боис ҳайвонот олами аънавий қиёсий ўрганиш бошқа фанлар қатори тилшунослиқда хусусан стилистикада ўрганиш ўзига хос муҳим аҳамият касб этади.

Ижодкорлар ўз асарларида (оғзаки ва ёзма нутқларида) энг кўп мурожаат этиб ишлатадиган ҳайвонотлардан бири от сўзи туркумига мансуб ит бўлиб у бошқа ҳайвонотлардан кўп маънода ишлатилиши билан ажралиб туради.

Ит сўзи йирткич, захарли, очкўз, қадрсиз, урушқок, аҳмоқ сўзларининг синоними сифатида нутқнинг таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Фикримизнинг исботини шоир Қуддус Мухаммадий ижодидан олинган қуйидаги парча орқали исботлашга ҳаракат қиламиз:

Қайдин ҳам келди бу ит,

Қайдан ҳам елди бу ит (Қ.Мухаммадий)

Ўзбек тилидаги салбий тушунчани англатувчи итвачча метафораси ит метафорасига нисбатан ҳис-ҳаяжонлиги билан бир мунча кучли. Масалан: *Йўқол, нодон итвачча* (сўзлашув услубидан).

Ўзбек тилида ҳам қашқир, бўри, аждар, алвасти каби метафоралар ҳам учрайди. Масалан

Чўлнинг қашқирини эди,

Бўрининг зўри эди,
Қолди аждарнинг оғи,
Алвасти йўл йўқотди.
Сен мисоли аждаҳо,
Очасанг оғзинг дарҳол. (Қ.Мухаммадий)

Ушбу сатрларда аждарҳо сўзи кашқир, бўри, аждар сўзларига нисбатан энг кўркинчли сўз бирикмасига синоним сифатида ифодаланган.

Ўзбек тилида ҳайвон номлари билан ифодаланган метофоралар жуда кам ҳолларда ижобий маъноларни англатади. Бундай метофоралар ҳайвон болаларининг номлари билан ҳосил қилинади. Масалан кўзичоғим кўзим буталоғим қулуним тойчоғим кабилар. Бу сўзлар –чоқ –лоқ эркалаш ва эгалик кўшимчаси –им билан ифодаланади. Масалан

Кел ёнимга эй кўзим,
Кулунимсан сен ўзинг. (Қ.Мухаммадий)

Кўзим қулуним метофоралари биринчи шахсдаги бирлик кўшимчаси –им билан ясаиб сўзловчининг суҳбатдошига нисбатан эркалаш, суйиш маъноларини билдирапти.

Бошқа тиллар сингари ўзбек тилида судралувчилар ҳашоратлар сувда ва қуруқликда яшовчилар номлари билан аталадиган метофоралар ҳам сўзлашув ва бадий услубда тез-тез қўллаиб туради. Бу фикримизнинг исботини Қуддус Мухаммадий асарларидан олинган парчалар орқали исбо глашга ҳаракат қиламиз

Илондан тўғилар илон,
Тўғилар чаёндан чаён. (Қ.Мухаммадий)

Мазкур мисрадаги илон ва чаён метофоралари кўпинча бир вақтнинг ўзига ишлатилиб, фикрнинг услубий буюқдорлигини оширишга хизмат қилади. Бит, бурга сингари ҳашоратлар эса техникўр, пасткаш кишиларнинг кифасини очиб беришда ишлатилиб метафора ҳосил қилишини қуйидаги сатрлар мисолида кўриш мумкин

Уни бурга аташди
У—бит экан адашдим... (Қ.Мухаммадий)

Хуллас, метфора ҳодисаси бадий адабиётда ҳам сўзлашув услубида ҳам фикрнинг таъсирчанлигини оширувчи муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Бу жараённи ҳар томонлама кенг ва батафсил ўрганиш тилшунослигимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар

- Йўлдошев Б. Бадий нутқ стилистикаси. -Тошкент 1985.
Кунгуров Р. Стилетика имени существительного в узбекском языке. -Ташкент 1983.
Миртожиев М. Переносные значения и их манифестация в узбекском языке. А.Д.Д. -Ташкент . 1989.
Расулов Т. Бадий образ ва образли тасвирий воситалар// Ўзбек тили ва адабиёти 1965. 5-сн 5-13 бет.

РАВИШ СЎЗ ТУРКУМИГА МАНСУБ СЕМАНТИК-СИНТАКТИК ГУРУХЛАР

Абузалова М., Сафарова Д. (БухДУ)

Ўзбек тилишуносчилигига семантик-синтактик гуруҳлар тушунчасяни олма А.А. Цинкаламанидзе олиб кирган[3]. Семантик-синтактик гуруҳлар(ССГ) атамаси остида семантик қобилиятлари бир хил ва маълум бир ўта умумий маъно билан бирлашадиган сўзлар гуруҳи тушунилади.

Мазкур мақолада равиш туркумига мансуб сўзлар ичида айрим ССГ (SSG)ларни ажратилиши мақсад қилдик. Равиш туркуми ичида ССГларни ажратиш масаласига келсак, энтиш лозимки, равишнинг чегараси ва таркиби Ўзбек тилишуносчилигида ҳозиргача мунозарали : формал тилишуносликда равиш таркибида бериладиган жуда кўп сўзлар субстантив талкинда сифат ва от тизимидан ўрин олади[1]. Шундай бўлса ҳам равиш туркуми ичида бир неча ССГларни ($_{ad}SSG$) ажратиш мумкин.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, субстанциал тахлил нуқтан назаридан равиш сифатида баҳоланувчи туб ва соддалашган сўзлар (яъни мутлақо ўзгара олмайдиган, сўз ўзгартирувчи қўшимчалардан ҳеч бирини қабул қила олмайдиган) оғида зарурий лексик-семантик валентликка эга бўлган гуруҳлар ажралиб чиқмайди (*тўти, боя, ҳали, жуда, жадал, зинҳор, зое, асло, мутлақо, дарров, ҳамшиша, хийла, шўч, мудом, нуқул, жисм, чўрт, чирт, тек, сал, шдам*). Шунингдек, соддалашган ва бир қатор содда ясама равишлар, жумладан, /от + -она =/ /от.сифат + -лаб =/ /от + -симон/, /от + -часига =/ /кийим-бош номи + чанг-чан =/ /арабча + -ан/-ян =/ каби қатор равиш ясаш деривацион қоллиплари қоллиплари ҳам лексик-семантик зарурий ва ҳатто факультатив валентликка эга эмас. Лекин айрим содда ясама ва қўшма ясама равишлар факультатив валентликка эга. Чунончи, /саноқ сон + талаб = содда еки таркибли равиш/ сўз ясаш қолипи қоллиплари (*битталаб, ўнталаб, йигирма бирталаб, бир юз йигирматалаб*.....) алоҳида бир ССГни ($_{ad}SSS^{talaб}$) ташкил этиши мумкин. Бу равишлар чиқиш келишиги шиклидаги объект (O_{obj}) билан факультатив боғланиш валентлигигаэга, яъни

/ $O_{obj} \leftarrow {}_{ad}SSS^{talaб}$ / таркибли синтактик қурилмалар бера олади: *қизлар гуллардан битталаб дасталаиди* (Ж.Абдуллаханов). /саноқ сон + тадан = содда ёки таркибли равиш/ сўз ясаш қолипи хосилалари (*биттадан, ўнтадан, йигирма биртадан*...) ҳам шу ССГга мансубдир.

/от +ма-от/ (-ма боғловчили такрор отлар) равиш ясаш қолипи хосилалари алоҳида ССГни ташкил қилади - $_{ad}SSS^{ma}$ (улар тилимизда жуда кўп, чунончи, *кўрма-юз, ёлма-ён, елкама-елка, тилма-тил, оғизма-оғиз, кўзма-кўз, орқама-орқа, қорима-қора, ойма-ой, кўлма-кун*.....)билан қўмақчили ёки жўналиш келишиги шикли объект билан (O_{obj}) бириқишни талаб қилиб,

/ $O_{obj} \leftarrow {}_{ad}SSS^{ma}$ / таркибли синтактик қурилмалар бера олади:

Уч дўшман билан яккама-якка олишиди-я! (А.Қодирий);...муаллими билан юзма-юз бўлдим (Ш.Холмирзаев); *Раис билан орқама-орқа келди* (А.Қаҳҳор); *Қаландаров ишчи яккама-якка қолишиди* (А.Қаҳҳор); *Шахло билан юзма-юз ўтирмаслик учун ириги столга ўтди; гурвоҳ аюзма-юз ўтирди ва унга тик қаради* (Ш.Ҳўрат).

Бир ўта тафсиллий ва юзаки ҳолда равиш сўз туркумига мансуб сўзларнинг ССГ гуруҳини ажратган ва ҳар бирининг синтактик имкониятларини намойиш қилган бўлидик. Айтиш мумкинки, исмлар ичида ССГларни ва уларнинг синтактик имкониятларини тавсифлаш фанимизда энди бошланди ва биз амалга ошираётган иш том маънода илк қадамдир. Келажакда бу гуруҳлар сони кўпаяди, таркиби қайта кўрилади, синтактик қобилияти аниқланади. Синтактик қурилмаларнинг субстанциал (онтологик) асосларини очиб бериш учун биз нафақат феъл туркумида ССГлар ажратилиши мумкин ва лозимлигини, балки бундай гуруҳлар равиш туркуми ичида ҳам мавжудлигини, сўзларнинг маъновий гуруҳлари билан бир

қаторда уларнинг ССГларини ҳам ажратиш аҳамиятли эканлигини кўрсатиш учун мисолларга мурожаат этдик. Синтактик қурилмалар таркиби ва структурасини белгилаш, уларнинг субстанциал моҳиятини очишда валентлик назариясининг ўзи, тилда лексиканинг тизимий табиатини очиб беришга хизмат қиладиган сўзларнинг туркумлар ичида лугавий-маъновий гуруҳларга бирлаштириб таҳлил этиш усуллари билан бирга сўзларни семантик гуруҳларга бирлаштириб таҳлил этиш усуларини бу назария билан бирлаштириш асосида ишлаб чиқилган усул ва унинг асосида ажрагиладиган сўзларнинг ССГлари ҳам аҳамиятлидир.

ССГларни ажратиш ва уларнинг хусусиятларини атрафлича тадқиқ қилиш тилшунослиқда янги соҳа бўлиб, бу йўналишдаги изланишлар ўз жиддий тадқиқотчиларини кутмоқда. Лекин феъллар ичида ажратилиши мумкин бўлгандек исм туркумлари ичида ҳам ССГларни ажратиш ва улар нутқда бера оладиган синтактик қурилмаларнинг умумий моделларини беришга тўла имконият бор.

Адабиёт:

Асадов Т. Сўз туркумлари тизимида равиш. Тошкент. Мухаррир 2010.

Несьматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент Ўқитувчи, 1995.

Цалкаламанидзе А.А. Семантико-синтаксические группы глаголов в узбекском языке Тбилиси. Мецниереба. 1987. 129 с.

ОБЪЕКТЛИ БИРИКМАЛАР ПАРАДИГМАЛАРИ

Назарова С.А. (БухДУ)

Миллий Истиклол мафқураси, миллий онг ва ўзликнинг лисоний тажассуми ўлароқ ўзбек тилшунослигида тил қурилиши ва бирликлари, миллий грамматика талқинида ўз йўналиши, таҳлил усуллари ва назарий асосларига эга илмий дунёкараш шаклланди. Мустақиллик даврида фанимиз тараққиётини юксак босқичга кўтарилиши учун тилнинг онтологик моҳияти ва лисоний қонуниятларини кашф этиш билан замин ҳозирлаб, лисоний онг имкониятларини воқелантиришда изланишларни давом эттираётган субстанциал тадқиқ йўналиши профессор Ҳ. Несьматов таъкидлаганидек, “С.Н. Иванов 1960 йилларда асос солган, бош тамойили структурал таҳлилни онгли, диалектик, методологик тамойиллар асосида такомиллаштириб, тилга тафаккурни шакллантирадиган ва ривожлантирадиган, нуқтий мулоқотда минглаб шакл ва кўринишларда воқелана оладиган, ҳар бир шакли ўзига хос мақсад ва вазифаларига эга бўлган имкониятлар хазинаси сифатида ёндашиш бўлган ўзбек субстанциал тилшунослигини ривожлантиришга қаратилган эди” [1,36]. “Ўзбек субстанциал тилшунослига” номи билан оммалашаётган лисоний таълимотда ўзбек тили барча сатҳ бирликларининг умумий лисоний моҳияти лисон-нуқт фарқланишида кашф этилиб, тил тизимидаги ўрни белгиланган ва назарий асослари ишлаб чиқилган. Демак, тилнинг субстанциал тадқиқида белгиланган илмий муаммолар ҳал қилинган ва натижалари амалиётга татбиқ қилинаётган экан, ўзбек тилида субстанциал таҳлилдан четда қолган масала йўқ, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Чунки синтактик сатҳ бирликларининг субстанциал тадқиқида сўз бирикма(СБ)ларининг формал-функционал таҳлиliga алоқадор ўзбек тили СБ лисоний-синтактик қурилаш қолип(ЛСҚ)ларининг инвариантини белгилаш, СБ ЛСҚлари тизимига хос парадигматик, иерархик, гиперонимик, муносабатларни ўрганиш, СБ ЛСҚлари парадигмаларини ажратиш каби масалалар тўлиқ ечимларини толмаган. Бу эса СБ ЛСҚларининг лисоний микроанизим сифатида тадқиқ этилишини, ҳар бир СБ ЛСҚни, жумладан, объектли бирикмаларнинг лисоний-синтактик қурилишини тизим қонуниятлари асосида

Ҳришши такозо этади. Шундай экан, ўзбек тилидаги объектли бирикмаларнинг лисоний-синтактик қурилишини парадигматик муносабат асосида таҳлил қилиш ва макур СБлари қурилиш қолипларининг парадигмасини белгилаш субстанциал тадқиқотлар кун тартибда турган долзарб муаммолардан биридир.

Тилни система сифатида тадқиқ этиш, аслида, тил сатхларини ажратиш билан боғлиқ. Лисоний муносабатлар ҳам тизим бутунлигига хос бўлақлар, яъни лисоний сатхлар ҳамда лисоний бириклар орасида юзага чиқади. Уларни дастлаб иккига ажратиш мумкин: 1) бир сатхга мансуб бириклар муносабати; 2) турли сатхга мансуб бўлган бириклар муносабати, яъни сатхларо муносабат [4,9]. Системавий таҳлилда муносабат тушунчаси жуда катта аҳамиятга эга. Зеро, ҳар қандай тизимда бўлганидек, тил тизимида ҳар бир бирикнинг моҳияти шу бирикнинг ўзидан эмас, балки аynи тизим бириклари орасидаги муносабатлар орқали аниқланади. Лисоний бириклар орасида, асосан, уч хил муносабат фарқланади: 1) ўхшашлик (парадигматик) муносабати; 2) поғонали (иерархик) муносабат; 3) қўшничилик (синтагматик) муносабати [3,14-15]. Бундан фарқли ўлароқ бир сатхга мансуб бириклар ўзаро икки, яъни 1) уядошлик (парадигматик), 2) кетма-кетлик (синтагматик) муносабатига киришини А.Нурмонов, Ш.Шаҳобиддинова, Ш.Искандарова, Д.Набиева кўрсатиб ўтишган [4,9]. Демак, лисоний муносабатлар бир сатхга тегишли бириклар ёки турли сатх бириклари орасида бўлишдан қатъи назар, уч хил – парадигматик, иерархик ва синтагматик муносабатлар кўринишида намоён бўлади.

Систем тилшунослик асосчиси – Ф.де Соссюр тил бирикларининг хотирада машжудлик ҳолатини, уларнинг психик томонини ҳисобга олиб, “ассоциатив муносабат”ни ажратган эди. Унинг талқинича, нутқдан холи бўлган тил бириклари киши хотирасида турли-туман систем муносабатларда яшайди ва бу систем муносабатларни ташкил этувчилар орасидаги боғланиш парадигматик боғланиш дейилади. Кўп сонли тил бириклари тил хотирасида улардан нуқт жароғида тез ва одамасдан фойдаланиш учун дискрет ва систем ҳолатда мавжуд бўлади. Тил бирикларининг киши хотирасида дискрет ҳолда сакланиши, одатда, уларнинг ўзаро оппозитив муносабатда бўлишига асосланади. Лисоний бириклар бир-бирини эслатиб туриш хоссасига эгаллиги туфайли жамият аъзолари онгида бир тизимга бирлашган ҳолда яшайди ва бир-бирини эслатувчи бириклар умумий, ўхшаш белги-хусусиятга эга бўлади. Ана шу ўхшашлик ва умумийлик уларни бирлаштирувчи, бир тизимда ушлаб турувчи белгилардир. Демак, умумий белгиси асосида бирлашган ва бир-бирини такозо этадиган, аммо ҳар бири ўзига хос белгиси билан бошқасига қарама-қарши турувчи лисоний бириклар тизими парадигма дейилади [5,41-42]. Маълум ўхшашлик ва айрим фарқлар билан қарама-қарши турган икки ва ундан ортиқ тил бириклари ўзаро оппозитивдир. Шунга кўра, “икки ва ундан ортиқ оппозитив тил бириклари парадигма қаторини ташкил этади” [2,21]. Табиийки, икки ва ундан ортиқ лисоний бирикнинг бир парадигматик қаторда бирлашиши учун улар орасида субстанциал ва маъно (вазифа) жиҳатида маълум ўхшашлик, фарқ, зиддият бўлиши шарт. Шундай экан, объектли бирикмаларқолиплари орасида ҳам парадигматик боғланиш мавжудми?

Ўзбек тилида [объект] маъносини тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиб келишликлари шаклида ифодаловчи сўзлар (исмлар) $[I^{k^k} \sim \Phi]$ = СБ умумий қолипдаги тобе аъзони умумлаштирувчи $[I^{k^k}]$ шаклида ўз аксини топади. Айни чоқда, $[\Phi]$ умумий шакли макур синтактик қолипнинг ҳоким аъзоси мавқеида реаллашадиган [ҳаракат] маъноли СБларини акс эттиради. Бу тобе аъзонинг $[I^{k^k}]$ умумий шаклига тегишли хусусий шаклар келиши турлари ва кўрсаткичлари асосида турли ўхшашлик қаторларини келтириб чиқаради. Чунончи, $[I^{k^k}]$ умумий шакли белгилайдиган ўхшашлик қаторида тобе аъзо мавқеидаги луғавий асослар тушум келишиги кўрсаткичи билан шаклланган СБ қолиплари жойлашади:

- 1.0. [И^{т^к}~Ф]=СБ : 1.1. [О^{т^к}~Ф]=СБ;
 1.2. [Сф^{т^к}~Ф]=СБ : 1.3. [С^{т^к}~Ф]=СБ;
 1.4. [Т^{т^к}~Ф]=СБ : 1.5. [Олм^{т^к}~Ф]=СБ;
 1.6. [Сд^{т^к}~Ф]=СБ : 1.7. [Хн^{т^к}~Ф]=СБ.

Мазкур ўхшашлик қаторида 1.1-1.7 кетма-кетлигида жойлашган қолиплар бир-бирини тушум келишигида шаклланиши ва объект маъносини ифодалашига кўра эслатади. Шу икки хусусияти уларнинг умумий ўхшашлигини билдиради ва бир қаторнинг аъзолари сифатида бирлаштиради. Бу эса 1.1-1.7 кетма-кетлигидаги қолипларнинг ўзаро парадигматик боғланишини кўрсатади. Демак, 1.1-1.7 кетма-кетлигида жойлашган қолиплар синтактик парадигмани ташкил этади. Бу синтактик парадигманинг аъзолари ўзаро ўхшаш бўлса-да, аслида, бири кейингиси билан тенг қийматли зиддият ҳосил қилади. Негаки, 1.1-қолип – [О^{т^к}~Ф]=СБ ва 1.2-қолип – [Сф^{т^к}~Ф]=СБ орасидаги зиддият тобе аъзолардан бирининг отга, иккинчисининг сифатга тегишлилиги билан боғлиқ лексик-семантик белгиси асосида юзага чиқади. Қолипларни фарқловчи белги уларнинг маҳсулида юзага чиқадиган маънолардаги хусусийликларда ҳам кўзга ташланади. Жумладан, [О^{т^к}~Ф]=СБ қолипин махсули ҳаракатнинг тушум келишигидаги предмет билан ифодаланувчи объектга ўтганигини, [Сф^{т^к}~Ф]=СБ қолипи ҳосилалари эса ҳаракатнинг тушум келишигидаги белги билан ифодаланувчи объектга ўтганигини англатади. Қиёсанг: *китобни ўқимок* – [(предмет+т.к.)-ҳаракат] ва *каттани ҳурмат қилмоқ* – [(белги+т.к.)-ҳаракат]. Маълум бўладики, [О^{т^к}~Ф]=СБ ва [Сф^{т^к}~Ф]=СБ қолиплари ўзаро тобе аъзо лугавий асосларнинг лексик-семантик хусусиятлари асосида зиддиятда туради ва мазкур бирликларнинг парадигма ичида карама-қарши қўйилишидан далолат беради. “Парадигманинг бошқа аъзолари – 1.3-қолип, 1.4-қолип, 1.5-қолип, 1.6-қолип ва 1.7-қолип бир-бири билан шундай карама-қарши қўйиладими?” деган савол туғилади. Табиийки, бу саволга жавоб парадигмада ҳар бир аъзонинг унга карама-қарши турган бирликлар, яъни бошқа аъзолар билан зиддият ҳосил қилишини бирма-бир кўздан кечиришни талаб қилади. Бу эса юқорида [О^{т^к}~Ф]=СБ ва [Сф^{т^к}~Ф]=СБ қолиплари орасида мавжуд зиддиятнинг турли кўринишларда такрорланшини кузатиш демакдир. Бошқача айтганда, тушум келишигидаги объект маъноли сўзларнинг ҳаракат маъноли сўзларга бириктиш тарзи ва маҳсулини ўзига хос лексик-семантик белгилари асосида ифодаловчи хусусий қолиплар орасида тенг қийматли зиддият мавжуд. Фақат бири-бирига қиёсан олинувчи қолипларнинг тобе аъзосига хос лексик-семантик хусусиятлар бу зиддиятнинг турли кўринишларида юзага чиқишини тасдиқлайди. Хусусан, 1.3-қолип ва 1.4-қолип орасидаги зиддият [С^{т^к}~Ф]=СБ қолипидаги тобенинг лексик-семантик жиҳатдан микродини англатиши ва [Т^{т^к}~Ф]=СБ қолипи тобе аъзосининг лексик-семантик жиҳатдан овоз, кўриниш, шарпани тасвирлашига кўра бир-бирига карама-қарши қўйилиши асосида юзага чиқади. Бу зиддиятни мазкур қолипларнинг ҳосилаларида ҳам кузатиш мумкин: *юзни бўлмоқ*, *иккинни айирмоқ* – [С^{т^к}~Ф]=СБ; *гумбур-гумбурни эшитмоқ*, *жиммир-жиммирни кўрмоқ* – [Т^{т^к}~Ф]=СБ. Ҳосилаларнинг биринчи турида ҳаракат микродини билан ифодаланган объектга, иккинчи турида эса таъсирий белгила объектга ўтган. Улар орасидаги фарқ лисоний-синтактик қурилишдаги зиддиятдан келиб чиқади. Демак, бундай зиддиятлар [И^{т^к}~Ф]=СБ қолипи белгилайдиган парадигма аъзолари орасида мавжуд бўлиб, бу қолипларнинг ўзаро парадигматик боғланишидан далолат беради. Шундай экан, объектли бирикмалар микролизмида умумий қурилиш қолипи – [И^{т^к}~Ф]=СБ белгилайдиган ва ўзаро умумийлик-хусусийлик диалектикаси асосида юзага келадиган 1.1-1.7 кетма-кетлигидаги қолиплар қатори синтактик парадигма сифатида алоҳида ажратилади ва [объект-ҳаракат] маъноли СБларининг фақат тушум келишигидаги тобе сўзининг лексик-семантик хусусиятларига кўра турини шакллантирувчи қолип вариантларидан

обрат парадигма саналади. Бу парадигма [И^к ~Ф]=СБ умумий қоллигига [И^к ~Ф]=СБ хусусий шакли орқали боғланидиган ички парадигма бўлиб, ташқи парадигмалар тармоғидан ўрин олади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Нейматов Х. Ўзбек тилшунослигида формал, структурал ва субстанциал йўналишлар ҳусусида//“Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 2009.№4.-Б.35-41.
2. Нейматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ.-Т.: “Ўқитувчи”, 1993.
3. Нейматов Х.,Расулов Р.Ўзбек тили систем лексикологияси асослари.-Т.:“Ўқитувчи”, 1995.
4. Шурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг ишқрий грамматикаси.Морфология.- Т.:“Шарқ”, 2001.
5. Fayullayeva R.,Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z.,Abuzalova M. Hojirgi o'zbek adabiy tili.-Т.: "Fan va texnologiya", 2009.

МАЪНО КУЧАЙТИРУВЧИ ВОСИТАЛАР

В. Каримжонова, Шаймарданова А. (ЎЗМУ)

Ҳар бир лексема лисоний бирлик сифатида мазмун мундарижасига ҳам эга. Лексеманинг мазмун мундарижаси денотат еки референт деб аталадиган борлиқдаги парса, ҳаракат, белги, миқдор каби ифодалайдиган тушунчаларни англатади. Масалан, бирликда [юз] деб аталувчи киши бурни икки томонининг пешонадан ияккача бўлган қисми мавжуд. Шу асосда киши онгида «юз» тушунчаси вужудга келган. Мазкур тушунчалар асосида эса семема (лексема маъноси) шаклланади. Тушунча билан маъно битта парса эмас улар фарқли хусусиятга эга. Масалан, инглиз, рус, немис тилида «Улашувчи кишиларнинг онгида «ака» ва «ука» тушунчалар мавжуд. Бироқ бу тушунчалар [brather] (инглиз), [брат] (рус) ва (bruder) (немис) лексемаларида битта маъно (семема)да бирлашган. Ёки [юз], [бет], [башара], [чехра], [ораз] лексемалари битта тушунчани ифодалайди, лекин маънолари ўзаро фарқланади.

Лексеманинг мазмун силсиласи бўлган семемани ташкил қилувчи аъзо сема. Семема товушларнинг турлича комбинациялари асосида ташкил топганлиги каби, ана шу семаларнинг турлича бириккуви ва баъзиларининг ўрин алмашинуви асосида турли мазмундаги семема вужудга келади. Бу семемаларнинг семик таркиби қуйидагича:

[юз] - «одамга хос», «бошнинг олд қисми», «буруннинг икки томони», «пешонадан ияккача», «бурундан қулоқкача», қўлланилиши чегараланмаган», «услубий бетараф», «туркий қатламга онд», «умумистеъмол»;

Эй юзимни даҳр аро мисли қамар қилган ўзинг,
Банд-бандим сўйлатиб, аҳли назар қилган кўзинг.

[Жамол] - «одамга хос», бошнинг олд қисми», «буруннинг икки томони», «пешонадан ияккача», «бурундан қулоқкача», қўлланилиши чегараланган», «бадий услубга хос», «арабий қатламга хос».

Сенинг хуснинг бизим кўзларга токи тола нур бермас,
Жамолнинг боғида асло тамошо айлаюб бўлмас.

Ҳар иккала лексема ҳам бир тушунчани ифодалайди. Уларнинг мазмун мундарижаси - семемаларининг семик таркиби фарқланади.

Маъно кўчиши

ДЕНОТАТИВ

КОННОТАТИВ

Лексемалар семемаларининг аташ семалари денотатнинг инъикоси – тушунчани ифодалайди. Хар бир лексема семемаси ўхшаш ва фарқловчи семага эга. Ўхшаш сема уларни гуруҳларга бирлаштиришга, фарқли сема эса ажратишга хизмат қилади.

Лексеманинг нуткий қўлланилишидаги варианты сўз бўлиб, улар турлича матний куршов асосида хар хил хусусият касб этади.

Лексема икки томонга эга тил бирлигидир. Аниқроғи, у шакл ва мазмун томонларидан иборат рамздир. Шуни қайд қиламизки, тил рамзларининг (лексемаларнинг) шакл ва мазмун томони хусусий атамалар билан аталади. Систем тилшуносликда лексеманинг шакл томони номема дейилади. Номема фақат лексеманинг шаклига (моддий қобиги, ташки томонига) нисбатан ишлатилади. Лексеманинг мазмун томони (маъно ички томони, сигнификати) эса семема номи билан юритилади. Демак, *лексема=номема+семема*.

Номема тилга хос томондир. У онгимизда муайян фонемалар тизмаси сифатида мавжуд. Номеманинг фонемалар тизмасидан иборатлиги ички нутқ жараёнида (киши фикр юритганда, шеър ёки матни ичда, товуш чиқармай ўқиганда) аниқ маълум бўлади.

Назмий нутқда номема катта аҳамиятга эга бўлади. Қофия, радиф, тажнисиинг ўнлаб турлари, қалб, сажъ, тасриъ, тасмит, тааттуф, харфий ва лафзий санъатлар номеманинг хусусиятларига таянади. Лекин, тил лексемаларининг илмий тадқиқидаги асосий таянч нуқта бўлиб, лексемаларнинг ички томони семема ҳисобланади. Масалан, поэтик актуаллашган сўзни олиб кўрайлик. Ўзбек тилида *ўрамоқ*, *буркамоқ*, *чулғамоқ*, *чирмамоқ* тарзидаги маънодош сўзлар қатори мавжуд бўлиб, *буркамоқ* сўзида *ўрамоқ* сўзига нисбатан ўраш белгиси анчайин ортик яъни унинг маъноси қурилишида “хеч бир очик жойини қолдирмай” деган кўшимча ифода семаси мавжуд.

Само боғида ёлғиз барги ойинг зор титрайди,

Бу титроқ ваҳмасидин жонни *буркар* титроқлар.

Худди шундай *кўнмоқ* сўзидан *кўраинмоқ* сўзида маъно нозиклашади.

Лоланинг жомига тегиб синди жом,

Кўксимдан лолага бориб *инди* жон.

Эски ўзбек тилида кенг қўлланган “ўлмоқ” семемали birlikлар XVII-XVIII асрлар тилида ҳам ишлатилган. Вафот этмоқ, ул дунёга кетмоқ, шахид бўлмоқ, жаҳаннамга йиборилмоқ, дунёдин нақл қилмоқ, дорул фанодин дорул бакога рихлат қилмоқ, дунёдин ўтмоқ каби.¹ Сирожиддин Саййиднинг поэтик тилида мазкур ҳолат ўзига хос тасвир ифодасини тошган.

Менинг султонларим *кетди*,

Асл хоқонларим *кетди*.

(2007)

Менга қадим минорлардан бир сас етар,

Шул сас менинг кўнглим охир, *серфайз* етар.

Менга дунё ксрак эмас, бир хас етар,

Яссавийлар ётган азиз ерларингдан.

-сер префисси тожик тилидан ўзлашган бўлиб, “асосдан англашилган предметга эғалик” семаси билан *-ли*, *-дор* аффиксли сифатларга синоним бўла олади: Шоирнинг

¹ Холмонова З. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи филология фақлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т, 2009. – Б.41.

Шеърда сифатларнинг сифатларга қўшилгандагина, ёқимтойлик, кичиклик, озроқлик маъносларида келади.

Шеър айтишни салпалгина ўргандим мен,
Чинорларда йиғлаб ётган барглариңдан.

Ҳозирги ўзбек тилида –гина (-кина, кина), -ча, -чок, -чак, -лок, -хон, -ой, -вой шаклидаги аффикс ва аффиксoidлар сўзловчининг объектив борлиққа, ўз нутқига бўлган модал муносабатини билдириб келувчи субъектив баҳо шакллариدير. Бу шакллар севиш, эркалаш, кичрайтириш, камситишни кучайтириш каби коннотатив маъноларни ифодалайди.

Эркак елкасида кизчаси билан
бугдойзордан ўтиб боради.
Бошқа юраклар оғирлик қилар,
буни кўкка чўза билади.

Морфологик воситаларнинг бадий матндаги эстетик воситасининг намоён бўлиши қилма-қилдир. “Махсус сўз формалари воситасида, шунингдек, маълум бир грамматик маъно функцияга эга бўлган сўз формасини махсус қўллаш орқали экспрессивлик-эмоционаллик ифодаланиши”, шубҳасиз, ана шу функциянинг воқе бўлишидир.

МУЛОҚОТ ТИЗИМИ ШАХС УНСУРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

М. Эрнazarова (ЎЗМУ)

Мулоқот гетероген системаси таркибининг мураккаблиги ва унсурларининг ҳар бири аниқлиги билан характерланади. Ҳар қандай реал мулоқот системада куйидаги унсурлар мавжуд бўлади: а) макон; б) замон; в) вазият; г) лисон; д) шахс. Улар орасида шахс унсурининг системадаги ўрни ўзига хос.

Маълумки, системалогия назариясида система унсурларининг куйидаги уч белгиси фарқланади:

- а) система ташкил этувчи белгилар;
- б) системада ҳосил қилинувчи белгилар;
- в) системага нисбатан бетараф белгилар.¹

Бу мулоқот системаси ва унинг ташкил этувчи унсурлари учун ҳам бирдай тағиниш.

Шахс унсури мулоқот системасида вазият унсури билан бирга асосий ўринни ташкил қилади. Зеро, бу икки унсур ушбу тизимда доминантлик қилади. Аммо шахс унсуридан фойдаланади, лекин вазият шахснинг мулоқот интенцияси (мақсади)га таъсир қилмаса-да, интенцияга эриши усулини ўзига мослаштириши талаб қилади.

¹Сонинцев В.М. Язык как системно-структурное образование. Изд. второе, дополненное, – М.: Наука, 1977.

Акс ҳолда, у мулоқот сифати ва натижасига, демак, адресантнинг коммуникатив интенцияси тўлақонлигига путур етказлади.

Шахс мулоқотнинг боғловчи воситаси, унсури бўлган лисоний воситаларни танлаш ва ўринли ишлата билиш учун қуйидаги белгиларга эга бўлиши зарур:

- а) лисоний қобилият;
- б) когнитив қобилият;
- в) мулоқот қобилияти.

Бу белгилар шахс унсурининг мулоқот системасида ўрин эгаллаши учун жуда зарур бўлиб, системалогия нуқтаи назаридан система ташкил этувчи белги ҳисобланади.

Мулоқот системаси таркибида шахс унсури ё адресат, ёки адресант сифатида катнашади. Унинг адресант ёки адресат эканлиги субстанциал табиатга эга эмас, балки мулоқот тизимида вужудга келади. Шу боисдан шахс унсурининг адресат/адресантлиги белгисини системادا ҳосил бўлувчи белги сифатида баҳолаш мумкин.

Шахс унсури гендер, характер-хусусият, ахлоқий, эстетик, жисмоний, профессионал, ёш, савия каби катор белгиларга ҳам эгаки, бу белгилар системанинг айримлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлса, бошқаларида аҳамиятсиз саналади. Шунинг учун бу шахсий сифатларни мулоқот системаси учун бетараф, иррелевант белгилар сифатида баҳолаш мумкин бўлади.

Мулоқот системаси учун аҳамиятли ва зарур бўлган система атишкил этувчи белгилар ҳар қандай мулоқотнинг зарур шартидир. Улар шахс унсурининг ички элементлари бўлиб, ўзаро зич боғлиқликка эга. Бу белгилардан бирортаси бўлмаса, улар ўзаро тенг нисбатда ҳаракат қилмаса, мулоқот системасида шахс унсурининг роли пасаяди ва коммуникатив интенциянинг реаллашувига жиддий путур етади. Масалан, лисоний қобилият, яъни муайян тилда сўзлаша олиш қобилиятига эга бўлмаслик шахснинг мулоқотга киришувига монелик қилади. Ёхуд когнитив компетенция дея аталувчи билимлар захирасига эга бўлмаслик ҳам зарур мақсадга эришиш йўлидаги тўсиққа айланади. Дейлик, бирор мавзудаги суҳбатнинг натижаси ҳар икки томоннинг шу мавзуси бўйича зарур билимларнинг қай даража эканлиги билан белгиланади.

Коммуникатив компетенция (мулоқот қобилияти) кенг қамровли белги бўлиб, у мулоқот бирликларини қўллаш тактикасини ҳам, мулоқот вазиятидан фойдаланиш маҳоратини ҳам, шу билан биргаликда, мулоқот унсуруларини коммуникатив интенция йўлида уюштириш малакасини ҳам ўз ичига олади. Бу ички унсуруларнинг ҳар бири мулоқот самараси улкан аҳамиятга эга бўлиб, унинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида тадқиқ қилиш лозим.

Шахснинг дискурсив ёки мулоқот фаолиятини мулоқот интенцияси бошқаради. Шу боисдан, коммуникатив интенцияни дискурсив “ғоя”, мулоқотнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Зеро, мулоқот интенцияси шахснинг нутқий ҳаракатининг қўлами ва кучини белгилайди. Шунинг учун шахснинг дискурсив фаолияти прагмалингвистик таҳлилларнинг марказида туради. Шу маънода Ш.Сафаров айрим тилшуносларнинг бу борадаги фикрларига ўз эътирозини билдиради: “... нутқий ҳаракат таъсирини прагмалингвистик таҳлил доирасидан четга суриб қўйсақ, унда мулоқот тизимини тўмтоқ қилиб қўймаймизми?! Мулоқот адресантга таъсир ўтказиши, уни бирор жавоб ҳаракатига ундаш учун бажарилади-ку! Нутқий мулоқот мақсади *икки сатҳлидир*, яъни нутқий ҳаракатда ахборот алмашиш ва коммуникатив прагматик мақсад воқеланади. Биринчисида адресантнинг мақсади ахборот алмашиш.”¹

¹Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б.79.

Демак, муайян мулоқот системаларида шахснинг коммуникатив ҳаракати, унсурлар фаолияти: а) лисоний қобилият; б) когнитив қобилият; в) мулоқот қобилияти яхлитлигида юзага чиқиб, бу унсурларни яхлит ўрганиш билангина шахс ўзгариши ва унинг дискурсив фаолиятига ҳаққоний ва тўлақонли баҳо бериш мумкин.

XX АСРНИНГ 20-30-ЙИЛЛАРИДАГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲОЛАТИ

Н.Алаутдинова(ЎЗМУ)

XX асрнинг 20-30-йилларидаги ўзбек адабий тили тараққиётининг ҳолатидан кўтиб чиқиб, тилшуносликда ҳолатдаги адабий тил муаммолари, ёзув масаласини ҳал қилишга алоқадор тадқиқотлар қилиш, матбуот тилини ўрганиш каби муаммолар билан кўпроқ шуғулланганлиги кўпгина олимларнинг ишларида кенг кўрсатилган.

Жумладан, бу борадаги фикрлар, таҳлиллар, қарашлар Каримов Фани Нибиевичнинг махсус китобида, Б.Турдиалиев, А.Абдуназаровнинг номзодлик диссертацияларида, С.Иброҳимов, А.К.Боровков, Ф.Абдуллаев ва бошқа олимлар ишларида батафсил кўрсатиб ўтилганлиги тўғрисида, биз бу ўринда уларга тўхталиб ўтиришни лозим топмадик.¹

Бозорбой Ўринбоев ва Тохир Қурбонлар томонидан тузилган «Ўзбек тилшунослиги тарихи» услубий қўланмасида (Самарқанд, 2006 й.) «XIX асрнинг биринчи ярм ива XX аср бошларида ўзбек тилшунослиги» ҳамда XX аср ўзбек тилшунослигининг 20-йиллари алоҳида ажратилган ҳолда қайд этилган бўлиб, биринчи бобида Шайх Сулаймон Бухорийнинг «Луғати чигатоий ва турки усмоний» асарига тўхталиб; Исҳоқхон Ибраг атоқли тилшунос сифатида қайд этилган; Ўзбек тилининг Амалий грамматикасини тузиш учун бўлган уринишларга алоҳида эътибор қаратилган. Иккинчи қисмда эса «XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол», «Илк мактаб китобларининг вужудга келиши», «Маҳмудхўжа Бехбудий ва тилшунослик муаммолари», «Абдулла Авлонийнинг тилшунослик қарашлари», «Ашурали Зокирийнинг лингвистик мероси» масалалари алоҳида таҳлил қилинган (қайд этиб, баҳолишган). Шу қўланманинг давомида «Самарқанд тилшунослик мактаби» (98-117-бетлар) ва «Тошкент тилшунослиги мактаби» (118-138-бетлар) рухларида ҳам XX асрнинг 20-30-йиллари ўзбек тилшунослиги шаклланишининг қисқача ҳолати, ўша даврдаги вазият ўз баҳосини топган. Айниқса, Нормаматов Султонбек Нормаматовичнинг «Абдулла Авлоний шеърини лексикасининг мазъавий-услубий хусусиятлари» мавзусидаги номзодлик диссертациясининг биринчи бобида 20-30-йиллардаги лисоний жараён (вазият) анча батафсил ёритилган (Т., 2011 й.). Бу муқороза 1992-йилнинг 21-23 май кунларида Абдурауф Фитрат миллий феномени, адабий, илмий-назарий мероси, ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган биринчи форумхурят илмий-амалий анжуман материалларида ҳам ўз ифодасини топган. Бу материалларда тил сиёсати, тилга бўлган муносабат, давлат тили масаласи, таълим тили масаласи каби кўп муаммолар вазиятнинг мураккаб эканлигини белгилаб турган. Шунинг учун ҳам ўша давр тилшунослигининг бош масалалари ҳам асосан ёзув, имло, тилни танлаш, ёзувни тартибга солиш ва танлаш, давлат ва таълим тилини белгилаш, тил софлигини сақлаш, умумтуркий тил яратиш – яратмаслик, она тилига ғамхўрлик

¹ Каримов. Совет даври ўзбек адабий тили тараққиёти, Т., Фан, 1985 й.; Ф.Абдуллаев. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили ва унинг ривожланиш йуллари ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1965, 3-сон, 46-бет; С.Иброҳимов. Ўзбек миллий ёзувининг ривожланиши. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1970, 2-сон, 52-бет; А.К.Боровков. Изменения в области узбекской лексики в новой алфавит. «Известия АН УзССР», 1940, №7; С.Мутталибов. Морфология в лексика тарихдан қисқача очерк. Т., 1959, 39-бет; Б.Турдиалиев. 1905-1917 йиллардаги вақтли матбуот тилининг морфологик хусусиятлари, катд дис. Т., 1969 й ...

қилиш, уни тарғиб қилиш, маҳаллий-миллий тиллар четлаб ўтилишига йўл қўймаслиги тилининг мавқеи учун кураш, адабий тил меъёрларини белгилаш, унинг шевалари муносабатини аниқлаш, шеваларни ўрганиш каби кўплаб масалаларни ҳал этишди. Бунабат бўлиб қолганлиги билан характерланади. Вазият шу даражага борган эдики маҳаллий халқдан чиққан тилсозлар тилшуносликнинг бош масаласи – тилни сатҳи бўйича тадқиқ этиш деярли иккинчи планга тушириб қўйилган эди, дейиш мумкин. Яратилган илмий ишлар ё методик характерда, ёки тил амалий фаолиятини таъминлаш масалаларига доир бўлган ҳолос. Хусусан, Абдулла Авлоний, Бехбудий, Элбек, Ашурали Зоҳирий, Исҳоқжон Ибрагим, Шайх Сулаймон Бухорий, Ғози Олим Юнусов, Қаюм Рамазон, Мунавварқори, С.Саидазизов каби кўпгина олимларнинг тилшунослик борасидаги фаолиятлари ана шу тарзда кечди. Шунга қарамай, XX асрнинг 20-40 йилларида ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланиши тўхтаб қолмади. Ўзбек тилининг фонетик, лексик, грамматик, диалектологик, стилистик жиҳатлардан тадқиқ қилиниши замин яратилганлиги сезилиб қолди, бундай тадқиқотларни амалга оширишга қолди бўлган миллий илмий кадрлар вужудга келди. Мураккаб сиёсий вазиятдаги курашнинг натижаси ўлароқ, тилни унинг ўзига хос жиҳатларини мукаммал ўрганиш орқали тараққиёт қонувларини белгилаш билан сақлаб қолиш, жаҳон тиллари орасида тугатилган ўрнини белгилаб беришга қодир бўлган олимлар етишиб чиқди. XX асрнинг 40 йилларидан бошлаб ўзбек тилини чуқур илмий ўрганишга шу тарзда шарт-шароит яратилди. Шунинг учун ҳам, С.Аширбоев «Ўзбек тилшунослигининг мустақил тилшунослик сифатида шаклланиш босқичи XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига тўғри келади» ёки «...Чор Россиясининг Ўрта Осиёдаги чиновниклари маҳаллий халқлар тилини ўрганиш эҳтиёжларини сеза бошладилар. Шунинг учун ҳам улар ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаёқ ўзбек ва бошқа Ўрта Осиё халқлари тилларига оид луғатлар, уларга илова равишда грамматик очерклар ярата бошладилар» деганида тўла ҳақли эди.¹

«...Ўзбек тили грамматикасига бағишланган дастлабки тадқиқотлар профессор Фитратнинг «Сарф» (Морфология) ва «Наҳв» (Синтаксис) асарларидир... Бу китоблар ўзбек тилининг биринчи грамматикаси бўлиб, ўша давр талабига жавоб берадиган даражада эди».² Бу даврда грамматика зиммасига аҳолини ёппасига саводли қилиш яъни ўқиш ва ёзишга ўргатиш вазифаси юклатилган эди. Оммавий саводхонликни амалга ошириш жараёнида асосий омил бўлиши алифбо масаласи ҳам узил-кесил ҳал қилиниши зарур эди. «1926 йилнинг 26 февраль – 3 март кунлари Боқуда Биринчи Бугунитгифок туркология қурилтойи бўлди. Туриёт қурилтойида Ўзбекистонда Раҳим Иньошов, Ашурали Зоҳирий, Шокиржон Раҳимий, Элбек, Ғози Юнус, Б.Раҳмоний, А.Абдуҷабборовлар вакил бўлиб бордилар. Фитрат бу анжуманга йирик шарқшуно олим сифатида «алоҳида қақирув билан» тақлиф этилди. (Ашурали Зоҳирий Туркология қурилтойи атрофида// Фарғона газ. -1926. -374) Қурилтойда туркий халқларнинг лотин алифбосига ўтишлари ҳақида қарор қабул қилинди... 1929 йил май ойида Самарқандда бўлиб ўтган Тил ва имло анжуманида лотин алифбосига ўтиш ҳақида қарор қабул қилинди. Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Чўлпон, Ғози Олим, Қаюм Рамазон, Элбек, Шокиржон Раҳимий сингари машҳур олим ва ёзувчилар, кўни кўринган маданият ходимлари, миллий зиёлилар лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси ва имлосини ишлаб чиқиш, уни ҳаётга жорий этишига катта ҳисса қўшдилар».³

¹ С.Аширбоев. Ўзбек тили грамматика қурилишининг ўрганилиш тарихидан (1875-1917 йиллардаги рус туркологлари асарлари асосида) фил.фан.номз.дисс., Т., 1974, 155-бет.

² Абдуллаев Ф. «Ўзбек тилшунослигининг тараққиёти ва А.К.Боровковнинг илмий фаолияти.//Ўзбек тили ва адабиёти. Т., 1974. 1-сон. 30-бет.

³ Т.Тоғоев. Ашурали Зоҳирий ва унинг тилшунослик мероси. Т.: 2005. Фил.ф.н.дисс. 82-б.

Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси ўзбек халқининг миллий аъёнлари, кўдрятлари, маданий меросида муштаракликка эга бўлган туркий халқлар билан қадимдан мавжуд бўлган дўстона ва биродорона алоқаларни тиклашга, давом эттиришга хизмат қилар эди. Бу эса собиқ шўролар ҳокимиятининг мамлакатни ягона сиёсатга бўйсундириш режасига мутлақо тескари бўлди. Натижада 40-йилларнинг бошида лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси ўрнига Кирилл алифбоси қабул қилинди.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигида илмий-назарий тадқиқот объекти бўлиши мумкин бўлган муаммоларга алоҳида эътибор билан қарала бошланди. Улар жаҳон тилшунослиги тараққиёти доирасидаги муаммолар қаторида ўзбек тилшунослигининг ҳам долзарб муаммолари тарзида намоён бўлди, баҳоланди. Айни шу даврда ўзбек тилшунослигида рус олимлари С.Е.Малов, К.К.Юдакин, Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, А.Н.Кононов каби йирик тилшунослар билан бир қаторда Т.Иброҳимов, С.Иброҳимов, Ф.Қамолов, Т.Салимов, С.Усмонов, У.Турсунов, С.Муталибов, Ф.Абдуллаев, В.В.Решетов, О.Усмонов, Ш.Шоабдурахмонов каби истеъдодли тилшунослар ҳам ўз илмий фаолиятини бошлаган эдилар. Илмий фаолияти давомидида ўзбек тилшунослигида ўз илмий мактабини яратган олим Айюб Ғуломов ҳам истеъдодли тилшунослардан бири сифатида, шунингдек, рус ва жаҳон тилшунослигининг барча ютуқларидан баҳраманд бўлган, ана шу ютуқларни ўзбек тилшунослигига тўла татбиқ этаётган олим сифатида улар қаторида етакчиликни қўлга олди.

RAVISHLARDA DARAJA MASALASI

Kabulova U.S., Qobuljonova G.K. (ADU)

Ravishlardagi daraja tushunchasini darajalanish (graduonimiya) hodisasidan farqlash kerak. Darajalanish mantiqiy-lisoniy hodisa. U tilning barcha sath hodisalarida mavjud, xususan, ravishlarda ham. Ravishlardagi darajalanish sifatlardagi darajalanishga o'xshaydi:

Ahmad Karimdan tezroq keldi-----Ahmad juda tez keldi-----Ahmad tezroq keldi-----Eng tez kelgani Ahmad bo'ldi kabi. Demak, ravishlarda daraja tizim tavsifida yo'q, lekin darajalanish bor. Darajalanish ham o'z lisoniy maqomiga ega. Ravishlarda – *tezroq-tez,dan tez-juda tez* qiyosidan darajalanishning lisoniy yo'llarini bilish qiyin emas.

Ravishlar sifatlari kabi, daraja shakllariga ham ega. Akademik A.N.Kononov o'zining fundamental asarlaridan biri «Гамматика современного узбекского литературного языка» (-M-L., 1960) ning sifati bag'ishlangan bo'limida. sifatlari ravishlar singari, qiyosiy va ortirma daraja shakllariga ega¹ mazmunida ma'lumot beradi (yangi-yangiroq-eng yangi; aqlli-aqlliroq-eng aqlli)¹. Sifatlariga xos qiyosiy darajaning morfologik, sintaktik va sintaktik-morfologik usullar yordamida ortirma darajaning *eng. juda g'oyat, g'oyatda, hamma, barcha, bari* so'zlari ishtirokida hosil bo'lishi haqida atroflicha fikr yuritadi. Ravish mavzusi haqidagi ma'lumotda ravishlardagi daraja shakllari xususida hech narsa aytilmaydi.

1965 yili akadem nashr maqomida bosilgan "Hozirgi o'zbek adabiy tili" (G'.Abdurahmonov umumiy tahriri ostida) kitobida ravishga bag'ishlangan qism T.Rustamov tomonidan yozilgan.

«Ravishlarda daraja» sarlavhasi ostidagi ma'lumotda ravishlarning bosh darajadan tashqari, qiyosiy va ortirma darajalari ham ajratiladi. Qiyosiy daraja shaklining *-roq* affiksi yordamida hosil bo'lishi aytiladi. Bu affiksning qanday tavsifdagi ravishlarga qo'shila olishi

¹ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка -с 145

(ko'p, oz, kam), qanday tavsifdagi ravishlarga qo'shila olmasligi (bir oz, sal, picha, qittak, xiyol) uqdiriladi, ularning sabablari sharhlanadi².

Orttirma daraja shaklidagi ravishlar haqida gap ketganda, ular semantikasida belgining ortiqligi yohud kuchsizligi ma'nosining mavjudligiga ishora qilinadi. Orttirma daraja ravishlarining so'zning birinchi bo'g'inini takrorlash (*tikka-tip-tikka, barovar-bab-barovar*), *eng, juda, g'oyat, nihoyat ko'p*) yo'llari bilan hosil bo'lishi aytiladi.

Ravishdan anglashilgan belgining kuchaytirilishi va kuchsizlantirilishi haqida ham fikr yuritiladi. Ravishlarning bunday ma'nolardagi shakllari *-gina, -kina, -kina* qo'shimchalari yordamida hosil bo'ladi, degan ma'lumot ham beriladi. Bu qo'shimchalarning aslida affiks-yuklamalar ekanligi, belgining kuchaytirilishi yohud kuchsizlantirilishi ma'nolarining yuklamalarga xosligi e'tibordan chetda qoldiriladi.¹

Ravishlarda daraja masalasiga "O'zbek tili grammatikasi (akademnaslr, 1975)da ham alohida e'tibor beriladi. Mavzu S.Fuzailov tomonidan yoritilgan bo'lib, unda ravishlarning 4 daraja turi ko'rsatiladi: bosh daraja, qiyosiy daraja, orttirma daraja, intensiv kuchaytirma daraja". Bosh darajadan boshqa ko'rinishlarning hosil bo'lishida ayrim affiks va maxsus lug'aviy vositalar ishtirok etadi. Masalan, qiyosiy daraja bosh darajadagi ravish (*tez, sekin, keyin, va h.)larga -roq* qo'shimchasini ko'shish orqali hosil qilinadi (*sekinroq keyinroq, barvaqatroq, orqaroq, ilgariroq* va h.). Orttirma daraja ravishlarining hosil bo'lishi lug'aviy vositalarga asoslanadi. Bu darajani hosil qilishda eng (eng oldin), juda (juda tez), yana (yana ilgariroq), tobora (tobora yaqin, yaqinroq) tipidagi so'zlar qatnashadi.

ГАЗЕТА МАҚОЛАСИ ВА ИЛМӢЙ МАҚОЛАНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нормунинов Ш.(СамДУ)

Ўзбек тилшунослигида газета жанрларининг тил хусусиятларини ўрганиш соҳасида маълум тадқиқотлар яратилган бўлса-да, жанрларнинг ўзига хослиги, бошқа функционал услублар билан муносабати каби масалалар ҳамон долзарб муаммолардан саналади.

Маълумки, мақола газетанинг асосий жанрларидан бири ҳисобланади. У тахлилий жанрнинг ўзагини ташкил этади ва газетхон учун муҳим, тахлил қилинган, образли ахборот манбаидир. Унга хос асосий хусусиятлардан бири фактларни чуқур тахлил қилиш асосида кенг умумлашма мулоҳазалар баён этишдир¹. Дарҳақиқат, мақолада ижтимоий ҳаёт ҳодисалари – давлат сиёсати, иқтисодиёт, техника, фан ва маданиятда эришилган ютуқлар, илғор иш тажрибалари оммалаштирилади, халқ ҳўжалигидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақидаги фактик маълумотлар ёритилади.

Газета мақола жанрнинг таснифи ва айрим тил хусусиятлари бўйича муайян илмий тадқиқотлар яратилган. Тадқиқотларда мақола жанрнинг бош мақола, назарий ва тарғибот мақола, муаммоли мақола, танкидий мақола каби турлари кўрсатилган(8). Бош мақола таҳририятнинг энг масъулиятли жанри бўлиб, унда ички ва халқаро ҳаётта доир муҳим масалаларни халқ оmmasига етказиш вазифаси қўйилади. Президент фармонлари, Олий Мажлис қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва уларнинг шарҳи, давлат ва ҳукумат ҳужжатлари, қарорлари, қонунларининг ижросини таъминлашга доир даврнинг долзарб масалалари, вазифалар бош мақолада ёритилади.

Назарий мақола ва тарғибот мақолада мустақиллик, миллий ғоя, истиқлол мафкураcининг асослари ҳамда мезонлари, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий турмушдаги ютуқ ва тажрибаларни оммалаштириш масалалари ёритилса, муаммоли

² Ҳозирги ўзбек адабий тили. I-том. Т ,1966 -3426

¹ Ҳозирги ўзбек адабий тили 343-6

¹ Абдусайидов А. Газета жанрларининг тили ва услуби. – Самарқанд. 2001. 82-б.

мақола ва эса мунозара ва баҳслашув, шунингдек, унда бирор масала юзасидан муаллиф қарашлари баён қилинади. Танқидий мақолада турмушдаги айрим камчиликлар танқид қилинади ва уларни бартараф этишга доир муаллиф фикр-мулоҳазалари билдирилади.

Ўзбекистонда мақола жанри тарихи, асосан, “Туркистон вилоятининг gazetи” томон билдик. Унда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли соҳалари ўз ифодасини топган (Шурият, Ибрат, Ҳақимхон ва бошқалар). Кейинчалик тараққийпарвар ўзбек миллий маданиятида Ҳамза, Абдулла Авлоний, Абдулла Кодирий ва бошқалар ўз мақолалари билан интироқ этишган. Ҳозирги оммавий ахборот воситаларида мақоланинг ҳамма турларида материаллар бериб борилади¹.

Мақола жанри кенг маънода газета, журнал, радио, телевидение, шунингдек, турли шаклдаги илмий асарларга нисбатан ҳам қўлланади.

Газета мақола жанри бошқа мақола типларидан функционал хусусиятлари билан фарқланади. Жумладан, илмий мақола илмий услубга, газета мақоласи эса публицистик услубга хосланган бўлади. Мавзугма, публицистик услуб ижтимоий ҳаётдаги маънавий-маърифий, иқтисодий воқеа-ҳодисаларни ёритишга хизмат қилади. Шунинг учун газета мақола жанрининг асосий вазифаси тарғибот-ташвиқот, иқтисодий-сиёсий ва кундалик ҳаётдаги муҳим янгиликларни турли омма вакилларига қўйиши, содда ҳамда раван тилда етказиб бериш хасобланади.

Куйида келтирилган газета мақола жанрига эътибор қаратайлик:

КИРАКАШНИНГ «МУШУГИ» НИКИМ «ПИШТ» ДЕЙДИР

Ёхуд йўловчига йўл беринг

Йўзуни кунда иккхар кўчаларни кенгайтириши, йўловчилар учун барча фасларда қўлайлик туғдирадиган йўлакларни, жамоат транспорти тўхтайдиган бекатларни қўйиб таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Жамоат транспортининг хизмати эса кўлиндагидек.

Лекин йўловчилар учун ноқулайлик туғдираётган бир муаммони алоҳида таъкидлаб ўтати керакка ўхшайди. Бу муаммо хусусий такси ҳайдовчиларнинг бекатлиги ёки бекатлиги туфайли юзага келмоқда.

Кунни кеча бозорга чиқаётиб бекатда автобус кутиб турган эдим. Узоқдан мен кўриб автобус бекатга яқинлашиб келди. Бироқ жамоат транспортининг бекатда тўхтаб, йўловчиларни олиш имконияти йўқ эди. Негаки, автобус тўхтайдиган жой хусусий такси ҳайдовчилари, яъни халқ ибораси билан айтганда, киракашларнинг машиналари билан тўла эди. Автобус ҳайдовчиси бир амаллаб рулни четга бургандан сўнг, бекатдаги одамлар автобус эшигига қараб отилишиди. Ҳамма чиқиб бўлганидан сўнг автобуснинг йўлга тушиши муаммо бўлди. Чунки олдинда киракашлар йўлни тўсиб турган эди.

Бундай ҳолатга исталган бекатда гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бозорларга бекатсизми, марказларда бўласизми, метролардан чиқасизми, хуллас, сизни машинасида кутиб турган киракашларга рупара келасиз. Уларнинг дастидан на автобуслар, на йўловчилар бемалол ҳаракат қилаолади, оқибатда жамоат транспорти иши режаси, йўловчининг асаби бузилади. Бу ҳолат эси, хухусий такси ҳайдовчиларнинг парвойига қили келмайди. Улар автобус бекатларини “забт” этгани камлик қилгандай шикоятларнинг йўлини тўсиб, “Қаерга?”, “Қанча берасиз?” каби саволлар билан хуноб қилинади. Оқибатда юзага келган тиқин кўчалардаги транспорт ҳаракатини издан чиқаради. Бу эса, худо кўрсатмасин, бахтсиз йўл-транспорт ҳодисаларига олиб келиши мумкин.

Ҳар бир муаммонинг ечими бўлганидай, кўчалардаги пиёдаларнинг эркин ҳаракат қилишига халққит берувчи бу ноқулайликларни ҳам бартараф этса бўлади.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5 жилд, 2003, 543-544-б.

Лекин ҳар бир хусусий такси ҳайдовчиларига тушунтиришининг, уларни инсофга чақиришининг иложи йўқ. Албатта, йўловчилар орасида таксига эҳтиёж сезадиганлар ҳам топилади. Кўчадалардан хусусий таксилар тўхтайдиган махсус жойлар ажратилса, ҳарқалай, бу муаммо ҳам тартибга тушган бўларди.

Бу ўринда яна бир нарсага аниқлик киритишга тўғри келади. Нега йўл-патрул хизмати назоратчилари кўча қоидасини бузган, айтайлик, светофор чировига риоя этмаган ёки бўлмаса тезликни оширган ҳайдовчини жазолаб тартибга чақиради-ю, жамоат транспорти бекатларини эгаллаб олган киракашларга қолганда қатъият кўрсатишмайtir!

Аҳамият берган бўлсангиз, сўнги пайтларда автобус тўхтайдиган жойлар сариқ чизиқ билан ажратилиб чизиб қўйилди. Пойтахтимиздаги бу белги факат жамоат транспортлари тўхташ жойини билдиради. Агар хусусий такси ҳайдовчилари ҳам шу белгиларга риоя қилиб, тартибни бузишмаса, ўйлаётгани, бундай муаммоларга нуқта қўйилган бўларди. Аҳоли ҳам, жамоат транспорти ҳам бемалол ҳаракат қилиб, ҳеч қандай йўл муаммоси юзага келмайди. (Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010 йил, 13 август № 33 (4068), М. Рустамова).

Келтирилган газета мақоласида кундалик турмушимизда учрайдиган ҳодисага муаллифнинг танқидий муносабати ва фикр-мулоҳазалари баён қилинган. Мақола содда ва раво тилда ёзилган бўлиб, тушунилиши кийин бўлган атамалар, жумлалар йўқ. Мақола ўқинчи бўлиши учун муаллиф айрим кесатик ва қочиримли жумлалардан, шунингдек *асаби бузилади, парвойига ҳам келмайди, автобус бекатларини "забт" этгани камлик қилганидек, худо кўрсатмасин каби* фразеологизмлардан ҳам унумли фойдаланган.

Ушбу мақолага хос асосий хусусият унинг тилининг содда ва раволигидир. Чунки мақолада тушунилиши кийин бўлган атамалар, сўз бирикмалари йўқ. Бундай хусусият газета мақола жанрининг асосий хусусиятларидан биридир.

Ўзбек тилшунослигида илмий мақоланинг ўзига хос хусусиятлари М.Мукаррамовнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили»(1984) номи монографиясида атрофлича ёритилган(3).

Илмий мақола фан, маданият, техника тараққиётига хизмат қиладиган тадқиқотлар натижаларининг ўзига хос ифодасидир. Илмий услубга хос айрим хусусиятлар С.Каримовнинг "Ўзбек тили функционал стилистикаси" (2010) номи монографиясида қайд этилган. Тадқиқотчи қайд қилган айрим хусусиятлар, жумладан, аниқлик, мангикий изчилик, объективлик кабилар бевосита илмий мақолага ҳам хосдир(30-51-б.). Лекин илмий мақола матнлари қайси фан соҳасига тегишлилиги жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилади.

Турли фан соҳаларига тааллуқли мақола матнларини умумлаш-тирадиган тил хусусияти уларда илм-фан, техникага оид атамаларнинг кенг қўлланилишидир. Илмий мақолада бадний-тасвирий воситалар ишла-тилмайди. Шунингдек, илмий мақолада муаллифнинг фактик маълумотлари, исбот ва далиллари, назарий қарашлари ва хулосалари қисқа, аниқ махсус илмий атамалар орқали ифодаланади. Шу билан бирга илмий мақолада турли фан-техника соҳаларига оид рамз ва белгилар, рақамлар ҳам ишлатилади.

Илмий мақоланинг лексик хусусиятлари, айниқса, соҳавий терминологиянинг қўлланиши, морфологик хусусиятлари, масалан, келишиклар ва кишиликлар олмошларининг ишлатилиши, синтактик ўзига хосликлари, жумладан, сўрок ва буйруқ гапшарнинг оз бўлса-да қўлланиши, тасвирий воситаларининг ҳам ўрни борлиги кабилар унинг тил хусусиятларини атрофлича тадқиқ этишни тақозо этади. Масалан:

... Тадқиқот ўтказилган жойининг тупроқлари бошқа ҳудуд тупроқларидан кам фарқ қилиб, карбонатлиги, кам ғумусли ва гипсининг йўқлиги билан тавсифланади.

Тупроқлар механик таркиби жиҳатидан енгил ва ўрта қумоқ тупроқлар сирасига кириadi.

Ўсимликлар қоплами ниҳоятда хилма-хил бўлиб, бу ерда турли хил эфемер ва эфемероид ўсимликлар мойчечак, чучмома, лолақизгалдоқ билан бирга ялтирбош, каррак, шuvoқ ва бошиқа ҳар-хил ўсимликлар ўсади.

Шунингдек, текширилаётган объектда қишлоқ хўжалик экинларидан гуза, миккажўхори, буғдой ва бошиқа экинлар етиштирилади. Шунингдек, бог ва узумзор майдонлари учрайди. Бу экинлар етиштирилладиган ҳудудлар Пастдаргом ва Самарқанд тумани ерларига тўғри келади.

Олиб борган тадқиқотларимиз натижаларининг кўрсатишича, Самарқанд кимё комбинати атрофида тарқалган типик бўз тупроқлар гумус билан кам даражада тинчланган. Унинг миқдори тупроқ қатламлар бўйлаб юқоридан пастга томон камийиб боради. Тупроқ кесмалари бўйича гумуснинг энг кўп миқдори 3-кесмада кузатишди (жадвал). Бу кесманинг 0-25 см лик қатламида гумус миқдори 1,20 фоизни ташкил этади. Тупроқнинг устки қатламлари бўйича энг кам кўрсаткич 5-кесмада кузатишди (0,97 фоиз). Барча кесмаларда тупроқнинг 60 см лик қатламидан сўнг гумус миқдори кескин пасаяди. Гумус миқдорининг энг кам (0,38 фоиз) кўрсаткичи 1-кесманинг 160-200 см лик қатламида кузатишди.

Тупроқ таркибида умумий ва ҳаракатчан озик моддаларнинг (Н,П,К) кўп ёки кам бўлиши тупроқ пайдо қилувчи жинслар, минерал ва тоғ жинслари, тупроқнинг микробиологик фаолиги, шунингдек, гумуснинг кўп ёки кам бўлишига боғлиқ... (Н. И. Бобобеков, И. Аҳмедовларнинг "Самарқанд кимё комбинати атрофидаги типик бўз тупроқларнинг агрокимёвий тавсифи" мақоласидан олинди).

Ушбу илмий мақола биология фанига доир. Мақолада биологияга хос (карбонат, гумус, гипс, механик таркиб, енгил ва ўрта қумоқ тупроқ, эфемер, эфемероид, мойчечак, ялтирбош, чучмома, каррак, шuvoқ, типик бўз тупроқ ва б.) атамалар кўплаб учрайди. атамаларнинг мақолада ўрни билан ишлатилиши, атамаларнинг содда ва аниқ мазмунга эгаллиги илмий мақоланинг асосий хусусиятларидан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, мақола жанрлари ва уларнинг лисоний хусусиятлари ҳамда фарқли жиҳатларини илмий-назарий тадқиқ этиш муҳим вазифалар саналади. Журналист томонидан яратилган газета мақоласи ва олимнинг тадқиқоти натижаси инфодаланган илмий мақоланинг лингвостилистик ва лингвостатистик тадқиқи ўзбек тили функционал услубларининг ўзига хослиги ва умумий жиҳатларини ўрганиш бўйича маълум бушлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Абдусанов А. Газета жанрларининг тили ва услуби. - Самарқанд, 2001. - 192 б.
2. Каримов С. Ўзбек тили функционал стилистикаси. - Самарқанд, 2010. - 191 б.
3. Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. - Тошкент, Фан, 1984.
4. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1983.
5. Рустамов М. Кирақашнинг «мушуги»ни ким «пишт» дейди? Ёхуд йўловчига йўл беринг. // O'zbekiston adabiyoti va san'ati, 2010 - yil, 13-avgust № 33 (4068).
6. Бобобеков Н.И., Аҳмедова И. Самарқанд кимё комбинати атрофидаги типик бўз тупроқларнинг агрокимёвий тавсифи. // Самарқанд Давлат университети. Илмий тадқиқотлар ахборотномаси, 2007, №3 (43).
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1 том. - Москва: Рус тили, 1981.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5 жилд. - Тошкент, 2003.

ЛИСОНИЙ ВА НУТҚИЙ СИСТЕМАЛАР ТАДҚИҚИ

М.Эрназарова (ЎЗМУ)

Системаларнинг фандаги тадқиқи систем ёндашув, системанинг турли махсус назариялари, систем тахлил усуллари асосида амалга оширилади. Қандай бўлишидан қатъи назар, умумий (мавхум) система онг билан алоқадорлиги, маълум даражада “онг махсули” эканлиги билан характерланади. Бу борликда умумий нарса ёки ҳодиса йўқлиги, борлик ҳодисалари ҳар доим ҳам яққалик ва қайтарилмаслик, такрорланмаслик белгисига эгаллиги билан ҳам изоҳланади. Шундай бўлса-да, умумий ва хусусий система мавжудлиги эътироф этилиб, бири инсон омили билан боғлиқ равишда, иккинчиси ундан ташқарида яшаш эътирозга сабаб бўлмайди. Умумий система инсоний когниция махсули бўлиб, тафаккур бағрида вужудга келади, тараккий этади – “ривожланади”.

Тилшуносликда тилнинг жонли воқеланиши бўлган нутқий система сифатида олиш, унинг системавий табиати, система сифатида яшаш қонуниятларини очиш урф бўлган эмас. Ҳолбуки, лисоний система, унинг унсурлари нутқий жараёнда ўзининг системавий “моҳияти”ни бир дам бўлса-да, йўқотади. Масалан, *Ўқидим* гапи нутқий система бўлиб, унинг лисоний ташқил этувчилари бўлган фонемалар, морфологик шакл, гап қолини қабилар ўзларининг лисоний системасидан буткул узилган.

Умумий ва хусусий система ўзаро диалектик умумийлик ва хусусийлик муносабатини ақс эттиради. Бинобарин, уларда диалектиканинг нисбатли категорияларининг қарийб барчасининг воқеланишини кузатишимиз мумкин. Масалан, лисон умумий ва нутқ хусусий система сифатида ўзаро “моҳият ва ҳодиса”, “сабаб ва оқибат”, “имконият ва воқелик” диалектик муносабатининг ўзига хос кўринишидир.

Умумий система ва хусусий система турлича табиатли яхлитликлар бўлганликлари туфайли уларнинг тадқиқ усуллари ва методикаси ва методологияси ҳам кескин фарқланади. Масалан, умумий система “хусусийлик → умумийлик” методологиясига таяниш билан умумлаштириш ва зиддиятга қўйиш усулини қўллаш асосида тадқиқ қилинса, хусусий система “умумийлик → хусусийлик” методологиясига суянилган ҳолда хусусийлаштириш, воқелантириш методи воситасида ўрганилади. Дейлик, фонемалар тизими умумий система бўлиб, у нутқ товушларини умумлаштириш ва улар орасидаги муносабат (зиддият)ларни ойдинлаштириш асосида текширилади. Нутқ товушлари системаси сўз ёки қўшимчага тенг бўлиб, бунда фонема (умумийлик)лар воқеланади ва уларнинг воқеланишлари сўз ёки қўшимча кўринишида яхлит нутқий система сифатида намоён бўлади. Энди бу фонемалар орасида зиддиятлар мавжуд бўлмайди. Хусусий система унсурлари орасида зиддиятли муносабат кўзга ташланмайди, балки ўзаро боғлиқлик, яхлитлик, мутаносиблик муносабаглари устуворлик қилади. Шу боисдан нутқий (хусусий) системаларни тадқиқ қилишда зиддиятга қўйиш марказий ўринни эгалламайди.

Шарқ тасаввуф фалсафасидаги *зот* ва *тажалли* атамалари гарб гносеологиясидан *субстанция* ва *акциденция* шаклида ўрин олиб, билиш назариясининг марказий тушунчаларидан бирига айланди. *Зот* ва *тажалли* атамалари умумий (мавхум) ва хусусий (муайян) системаларни тадқиқ қилишнинг тасаввуфий методологияси вазифасини ўтайди. Чунки лисон ва лисоний бирликлар зот, нутқ ва нутқий бирликлар тажаллининг муайян шаклда намоён бўлишидир. Шу боисдан зот хоссалари асосида умумий система, тажалли хусусиятлари асосида хусусий система идрок этилиши уларнинг методологик аҳамиятини кўрсатади.

Тасаввуфда борлик моҳиятини тавсифлашда *зот* ва *тажалли* категориялари унумли қўлланилади. Зеро, “Борлик нима?” деган саволга мутасаввифлар “Зотнинг тажаллиси” деб жавоб берганлари каби “Нутқ нима?” деган саволга тилшуносларнинг “Лисоннинг тажаллиси” деб жавоб беришлари методологик асослидир. Тасаввуфда зот

havo, diniy mavjudlik deya эътироф этилганлиги учун исм ва сифатлар мажмуи сифатида иборат этилади. Аммо зот хоссаларнинг шунчаки арифметик йиғиндисидан иборат эмас, уларнинг йиғиндисидан ҳам катта, хагтоки унга зид ҳам. Шунинг учун бундан педагогик асос сифатида фойдаланилиб, лисоний (умумий) система хусусий системалардан ҳар доим барқарорлиги ва катталиги билан ажралиб туриши эътироф этилади. Аммо ҳар қандай тажаллида бошқа умумийликлар хоссалари ҳам mavjudligi вақтинчи фикрлар тажаллининг унчалик ҳам кичик ёки “қапшоқ” эмаслигини эътироф қилинган. Zero, ҳар қандай хусусий системада бир неча умумий системаларнинг йиғиндисидан кузатамиз.

Ўзаро муносабатлари доимо бир-бирлари билан ўзаро муносабатларда намоён бўлади. Бу муносабат хусусий системаларда алоқа ва боғлиқлик мақомидадир. Зот тартибда эса у зиддиятлар кўринишида mavjud бўлади.

ADABIY TA'LIMDA UZVIYLIK MUAMMOSI

*o'qit. M.Sattorova
O'zbek tili va adabiyoti o'qitish
metodikasi kafedrası*

Har jihatdan yetuk, barkamol avlodni voyaga yetkazishda ta'lim-tarbiyaning ahamiyati oshiyotadi katta. Shu bois ham mamlakatimizda ta'lim berish jarayonini zamon talablari asosida yo'lga qo'yish bugungi kunning muhim vazifalaridan sanaladi.

"Ta'lim to'g'risida"gi Qonun hamda "Kadrlar tayyorlash milliy Dasturi" qabul qilindigandan so'ng, ta'lim berish tizimi tubdan o'zgardi. Yangi o'qitish texnologiyalari, turli usullar, amaliy qo'llanmalar yordamida mashg'ulotlar o'tkazilayotganligi o'zining yaxshi natijasini bermoqda.

"Kadrlar tayyorlash milliy Dasturi"ni amalga oshirish asosini uzluksiz ta'lim tizimini jori etish tashkil etadi. Buning uchun esa o'quv fanlari dasturining o'zaro mutanosibligini ta'minlashi zarur. Bugungi kunda bu yo'nalishda juda ko'p ishlar amalga oshirilmoqda.

Umumiy o'rta va o'rta maxsus ta'lim tizimida adabiy uzviylikni amalga oshirish muhim muammo bo'lib turibdi. Buni amalga oshirish uchun ta'lim muassasalarida faoliyat olib borayotgan o'qituvchilarning pedagogik mahorati, uni adabiy jarayonda qo'llay olish qobiliyatini yuksaltirish lozim deb hisoblaymiz. Bugungi kunda olib borilayotgan ilmiy ishlar va tadqiqotlarda, pedagogik adabiyotlarda "uzviylik"ning mazmuni va mohiyati to'g'risida turlicha fikrlar bildiriladi. Bizning fikrimizcha uzviylik - bu ta'lim turlari, fanlararo va mavzulararo o'zaro bog'liqlik va munosabatlarning to'g'ri o'rnatilishini ta'minlashdan iboratdir.

Ta'lim uzluksizligi va uzviyligi deganda nimani ko'zda tutamiz?

Odatda ta'limning uzluksizligi deganda ta'lim mazmunida ta'lim turlari orasida uzilish bo'lmisligi tushuniladi.

Ta'limda uzviylik ikki xil ma'noda tushuniladi:

1. Ta'lim turlari orasida uzviylik. Bunda ta'limning keyingi turlari mazmuni rivojlanishini nafaqat davom ettiradi, balki qisman takrorlab, mazmun jihatidan bog'langan holda uni keyingi ta'lim turlarida davom ettirishi kerak.

2. O'quv fanlari orasidagi uzviylik. Bu, odatda, fanlararo yoki predmetlararo bog'lanish deyiladi¹.

Biz bugun adabiy ta'limda uzviylik muammosi haqida fikr yuritmoqchimiz. Uzluksiz ta'limda adabiyot fanining uzviyligini ta'minlash o'quvchilarning ilmiy dunyoqarashi, mantiqiy tafakkur qila olish qobiliyati, aqliy rivojlanishi, o'z-o'zini anglash salohiyatini

¹ "Uzluksiz ta'lim" jurnali. 2002 йил 2-сон 76-77-бетлар.

shakllantirish va o'stirish ijtimoiy hayot va ta'lim olishni davom ettirish uchun zarur bo'lgan bilim bilan qurollantirish va ta'lim samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Umumiy o'rta ta'lim mazmunida adabiyot fanini o'qitishga bag'ishlangan ilmiy ishlar bilan tanishish jarayonida hali bu sohada nazariy va amaliy ishlar bajarilishi lozim degan xulosaga keldik. Umumiy o'rta ta'limning 5-9-sinflarida adabiyot fanining uzviylikni ta'minlashda ilmiy metodik qo'llanmalar va vositalarning yaratilishi, shuningdek, o'qitishning yangi texnologiyalarini ishlab chiqishni taqozo etmoqda.

Yuqoridagi fikrlarimizdan ko'rinib turibdiki, maktablarimizda o'tilayotgan fanlarda uzviylik muammosi bor. Xususan, adabiyot faniga nisbatan bu muammoni quyidagi qismlarga bo'lish mumkin:

3. Adabiyot fanining ichidagi uzviylik.
4. Adabiyot bilan bog'liq boshqa fanlar (masalan: ona tili, tarix, odobnoma, ma'naviyat va boshqalar) orasidagi uzviylik.
5. Maktab adabiyot darsi bilan litseylar, kasb-hunar kollejlari adabiyot kurslari orasidagi uzviylik.

Bu muammolarning har birida yechilishi lozim bo'lgan masalalar talaygina. Fanlararo bog'lanishda ham uzviylik ta'minlanishi kerak deb hisoblaymiz.

Adabiyot o'qitish uzviylikni muammosini hal qilish uchun quyidagi muammolarga alohida e'tibor berish lozim:

- o'quv pedagogik muammo;
- didaktik muammo;
- o'quv-tarbiyaviy muammo.

Shu muammolardan kelib chiqib, adabiyot o'qitish uzviylikni ta'minlash umumta'lim maktablarida olingan bilimlarni kasb-hunar kollejlari yanada kengaytirish va chuqurlashtirishga yordam beradi.

Uzviylikni amalga oshirish maktab o'quv dasturida ayrim mavzularni chuqurlashtirib, o'quvchilarning yoshlarini hisobga olib, ular mazmunini sinflararo taqsimlashdan iborat bo'lib, o'quvchilarning moyilligiga qarab kasb tanlashga yo'naltirish, ularga kasb-hunar kollejlari sohalari bo'yicha bilim va amaliy ko'nikma olishga imkoniyat yaratadi. Umumta'lim maktablari va kasb-hunar kollejlari "Davlat ta'lim standartlari" va dasturlari asosida ta'lim jarayonini izchillik va uzviylik prinsipi asosida amalga oshirishga shart-sharoit yaratadi.

ТАФАККУР РИВОЖИДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

Б.Тухтаева (НавДПИ)

Ижтимоий тафаккур таракқиетидаги ўзгаришлар педагогик фикр ривожининг тубдан янгилинишига сабаб бўлса, ўз навбатида педагогик тафаккурдаги соғлом тамойилларга таяниш жараёни мактаб адабиёт таълимини йўлга қўйиш ишда жиддий ўзгаришлар бошланишини тақозо қилди.

Ўқувчи шахсини шакллантиришда мактабда адабиётнинг роли ортиб боришини қайд этиш ва мазкур ўқув предметидаги моҳиятини янгиланган педагогика ва методика илми талабларига мос даражага кўтариш эканлигини таъкидлашнинг ўзи билан масалани на илмий-назарий жиҳатдан ва на амалий жиҳатдан ҳал қилиб бўлади. Тафаккурнинг янгилиниши, ижтимоий фикрнинг соғлом тамойилларга таяна бошлаганлиги илмнинг барча жабҳаларида ҳам кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди.

Ҳар қандай инсон сингари мактаб ўқувчилари ҳам ўқиш йилларида идрок этишга тўғри келган барча бадий ҳодисаларни бирдай қабул этмайди, руҳиятига, маънавиятига бир хилда сингдирилмайди, улардан олган эстетик таъсирни тўлиғича маънавиятининг белгисига айлантира олмайди. Шу ўринда методист олим Қозокбой

Пуллошевнинг қуйидаги фикрига таянамиз: “Қандайдир эстетик ҳодисалар ўқувчига етмайди ва унинг маънавий “ғалвир”идан ўтади. Ана шу “Ғалвир”нинг яхши тўқилиши, эзгу инсоний туйғуни ўтказиб юбормайдиган тарзда ясалishi ҳам кўп жиҳатдан мактабда адабий таълим ўз вазифасини қандай уддалаганлигига боғлиқ. Бадий адабиёт ёнларга фақат мактаб йилларидагина махсус ўқув предмети сифатида ўргатилади, лекин унинг таъсири ўқувчи шахсиятида бир умрга қолади. Чунки бадий адабиёт мактаб даври тугагач ҳам шахс сифатида тўғри шакллантирилган одамга бир умрлик ҳамроҳ бўлиши кераклиги маънавий заруриятдирки, бусиз инсон шахсияти маълум даражада кемтик бўлиб қолади”¹

Мактабда адабиёт ўқитишнинг бош мақсади жаҳон ва миллий адабиётнинг сара намуналари билан танишган, юксак эстетик дидга эга, ахлоқан баркамол, ақлан етуқ, ўқитишнинг туйғуларини англайдиган, ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бера оладиган соғлом эстетикдони комил шахснинг маънавий дунёсини шакллантиришдан иборатдир. Адабий таълим учун ўқувчидан адабий билимлари, пук бойлиги, нафосат билан сўзлай олиши, фикрини раван ифодалати, бадий асарларни ёдлаганлиги, асарларни таҳлил қила билиши ўз ҳолича мақсад эмас, балки ана шу асосий мақсадга эришиш йўлидаги воситадир.

Ривожлантирувчи таълимнинг вазифаси дастлаб ўқувчиларда мустақил билим ишлаш кўникмаларини шакллантириш, ўқув малакаларини ривожлантиришдан иборат.

Асосий вазифа муаммоли таълимни жорий этиш жараёнида, аввало, таълим мазмунини таҳлил этиб чиқиш ва ундан муаммоларни ажратиб тушуниб олиш, кейин уларни бир-бирига буйсундириш даражасида тартиб билан жойлаштиришдан иборат. Бу тартиб тизимлилашга ўргатади, тафаккур ривожланишини таъминлайди.

Таълим муаммоларни амалий жиҳатдан ўқитишнинг инсталган босқичидан амалга оширса бўлади.

Муаммоли таълимни амалга ошириш босқичлари мавжуд. Ўқув муаммоларининг кўринишлари қуйидагилардан иборат: муаммоли ҳолатнинг мавжудлиги, субъектнинг иттилошли ечимга тайёргарлиги, бир неча йўл билан ечиш имкониятлари, булар муаммоли таълимни амалга ошириш шартдир. Масалан, ўқувчиларга номаълум бўлган маълумотлар, фактларни тушунтириш; маълум фактлар билан маълум билимлар орасини уйғунлаштириш жавоб талаб қилинмайдиган, лекин муаммони чуқурроқ ҳис этишга ундайдиган саволлар берилади; берилган муаммони чуқурроқ мустақил фикри билан этишга имкон берилади.

Хуллас, муаммоли таълимнинг самарадорлиги унинг ривожлантирувчи хусусиятидир. Демак, муаммоли таълим ўқувчи билимининг ўсиши учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАРНИНГ МАТНДА ИФОДАЛАНИШИ

А. Шукуров (Тер ДУ)

Бадий матнда бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар алоҳида маъновий–услубий аҳамият касб этади. Айниқса, поэтик мазмунни беришда турли синонимик, антонимик, омонимик қаторларни ҳосил қилишда муҳим восита сифатида ижодкор (ёзувчи, омонир)га қўл келади. Улар маънони аниқлаштиради ифода таъсирчанлигини оширади, шеърини санъатлар ҳосил қилишда аҳамиятлидир.

Сўзларнинг ана шу хусусиятидан келиб чиқиб, тилшунослиқда ҳозирги замон адабий тил меъёри билан ҳозирги замон шеърят тили билан фаркланиши

¹ Қ.Пуллошев. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Т “Ўқитувчи”, 1996, 43-бет.

гаъкидланади¹. Ўзлашган сўзларнинг бадиий адабиётдаги маъновий–услубий вазифаси хилма-хилдир. Энг аввало, улар тарихий ва эскирган сўзлар асосида даврнинг тарихий коллоритетини яратиш учун фақат персонажлар нутқида эмас, балки муаллиф тилида ҳам қўлланади.

Тарихий мавзудаги ўзбек шеърини дostonларида ҳам уларнинг юқоридаги каби маъно аниқлигини ифодалаган хусусияти турли даражада кўзга ташланиб туради. Масалан, “қалъа” ва “қаср” каби сўзларнинг узвлари қуйидагича:

Ошёна - бу ном изоҳли лугат²да форс-тожикчадан ўзлашган китобий ва эскирган сўз эканлиги қайд этилган. У бинонинг юқори қавати; Юқори қаватдаги хона маъноларини беради. “Ҳақим ва ажал” дostonида “Ошёнадан кўринарди равоклар олий дейилган. Бу ерда қасрнинг маҳоватли ва кўркем эканлиги ифода этилган.

Тоқи равок. - Аслида тоқу равок. Масалан, ўзганинг тоқу-равоқдан ўзининг айвонинг яхши деган мақол ҳам бор. Бу ҳар иккала ном ҳам арабчадан ўзлашган сўзлардир. Тоқ - бинонинг эшик, дарвоза тепасидаги ярим доира шаклида ишланган қисмини билдиради. Шеърятда гумбаз маъносида ҳам келади. Равоқ деб бинонинг олд томонидаги пештоқ ва устулар билан безатилган қисмига айтилади. Шунингдек, нутқда ҳашаматли бино; сарой, қаср маъносида ҳам келади. Юқоридаги мақолда худди шу маънодадир; Яна бир ўринда дostonда “Боқар эди ой тамғали тоқи равоққа” дейилган мисра бор. Бу ерда салобатли бинонинг ҳашаматлари, курки назарда тутилган.

Арк. - Бу тарихий сўз ҳам форс-тожикчадан ўзлашган бўлиб, пойтахтдаги қаср; хон ёки амир саройининг мустаҳкамланган қисми ва шунингдек, саройнинг ўзи маъноларини билдиради. Дostonда “Хабар келди Бухоронинг аркидан бир тонг” деган мисра бор. Бу ерда “арк” амир саройи маъносида келган.

Ҳозик. Арабчадан ўзлашган сўз, билимдон, мохир, маҳоратли, уста маъноларини беради. Алшар Навоийда “ҳозик табиб” бирикмаси мавжуд. “Ҳақим ва ажал дostonида “Бухоролик ҳозик ҳақим келганмиш дея” деган мисра бор. Бу ерда “ҳозик ҳақим” бирикмаси ниҳоятда билимдон, тиб илмини яхши эгаллаган, қўли енгил табиб маъноси беради.

Ўзлашма сўзлар ўзбек адабий тилида ора-чорада жойлашадиган нарса бўлмай, балки ўзлаштирувчи тил томонидан фаол ўзлаштирилган объект мақомига эга бўлган. Ўзлашмалардан ҳоли бўлган бирон-бир тилни тоғиш амри маҳол³.

Шундай қилиб, тарихий мавзудаги шеърини дostonлар матнида ўзлашган сўзлар муҳим маъновий–услубий восита сифатида қўлланади. Тарихий дostonлар лексикаси тадқиқни тегишли давр тилидаги ўз ва ўзлашма қатламнинг қўламини аниқлашга, тилларнинг ўзаро таъсир доирасини белгилашга, уни юзага келтирувчи омилларни кўрсатиб беришга ёрдам беради.

БАДИЯТНИ ЯРАТИШДА ИФОДА УСУЛИНИНГ РОЛИ

А.Ҳамидов (Терм.ДУ)

Сўз бизнинг оптимизга ҳеч қачон елғиз ҳолда қирмайди. Ҳатто фақат бир сўз бир маъно билан бизнинг оптимизда иштирок этганда ҳам, бу сўз билан нозик ишлар билан боғланган, аммо сояда қолаётган бошқа жуда қўнлаб тушунча ва эмоциялар ҳар дақиқада оптимизга босгириб киришга тайёр ҳолда туради. Оптимиз орқали ўтадиган сўзлар бизнинг ақлий ва ҳиссий ҳаётимиз билан ўзвий боғлиқ бўлади.⁴

¹ Языковые процессы современной русской художественной литературе. (Поэзия) М., “Наука”. 1977, стр. 8.

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 1-жилд. - М.: Рус тили, 1981. Б. 554

³ Дадабоев Х., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. -Т.: Фан, 2007. Б. 28.

⁴ Вандриес Ж. Язык. -Москва, 1977, С. 176; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати.

Филол. фанлари номзоди... дисс. -тошкент, 2000, 27-бет.

Бадий асар қаҳрамоннинг сўзи орқали, шунингдек, унинг олдин бўлиб ўтган воқеаларни ўйлаши асосида фикр баён этилган матнларда шахснинг ўз сўзи орқали ички дунёсини очиб бериш мақсади қўйилади. Бу усулларнинг биринчиси бадий асарларда кўп қўрилган анъанавий ифода усулидир.

Қаҳрамоннинг ҳаёлларини бадий асарда акс эттириш усули кам ҳолатларда қўрилади ва бундай ифода фавқулотда таъсирчанликка эгалиги билан ажралиб туради. Бу шундай шунини кўрсатадики, эстетик қимматини оширувчи воситалардан бири ифода шакли, яъни матннинг тузилишидир.

- Эй сен беқибат Назар деб ўйладим, бир куни сенинг ҳам бошингга Шарифнинг куни тушар-ку?... Хуллас, шу аснода ўлимни эсладим, лекин ўлимдан эмас, балки манови шерикларимнинг ҳам ўшанда мана шундай бир лаган ош устида ўтириб худди камина Шарифни мазах қилгандай, менинг ўзимни майна этишларидан чўчидим. (М.М. Дўстнинг “Лолазор” романидан).

Берилган матнда сўзловчининг ўз фикридан хулоса чиқариб, ўзини айлагани ифода этилган. Бу ифода ҳам бошдан ўтказган воқеани эслаш, уни ҳаёлдан кечириш орқали баён этилган.

Матннинг бу тури ҳикоя мазмунли матн бўлиб, унда эшитилган ёки бошдан ўтказилган бирор воқеа ҳикоя қилиб берилди. Бу матннинг ўзига хослиги шундаки, унда воқеа, ҳодиса ҳикоя қилинмайди, балки ҳаёлдан ўтказилади.

Маълумки, ёзувчининг матн тузишдан асосий мақсади ўзи баён этаётган воқеага ёзувчининг диққат-эътиборини тортиш, ўқувчининг асарга муносабатини уйғотиш, шу оқибатда эстетик таъсир қилишдир. Албатта, матннинг китобхонга таъсири фикрнинг бадий ифодаси ифодаланиши, асарнинг тил воситаларига бойлиги, ифода усулининг ўзига хослиги билан белгиланади. М.М. Дўстнинг “Лолазор” романида, айниқса, ифода усулининг оригиналчилиги, тинклиги, асар таъсирчанлигини кучайтириш учун асос бўлган.

Бадий асарда ёзувчининг кўзлаган асосий мақсади қаҳрамоннинг бошидан ўтган бирор воқеа-ҳодиса ҳақида ҳикоя қилишдир. Бу жараён турли асарларда турлича акс этади. Баъзан қаҳрамон ҳаёти ёшлик йилларидан ҳикоя қилиб бошланади-ю, унинг кексайгандаги ҳаётигача бўлган воқеалар муаллиф тилидан ёки бошқа бир қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади. Кўпинча бундай ифодаларда нутқ йўналиши ҳам бир хилда кетади, шунинг учун бундай асарлар ўқувчида кўпинча кизиктириш уйғотмайди. “Лолазор” романида эса, аввало, қаҳрамонлар ҳаёти тасвири алмашиб туради. Романнинг биринчи қисмида қаҳрамоннинг бошдан келган ҳаёти тасвирланса, иккинчи қисмида ҳаётининг илк даврлари баёнига ўтилади. Кўпинча воқеалар бўлиб ўтган воқеаларни эслаш орқали ҳикоя қилинади. Шунингдек, нутқ шакллари ҳам ўзгариб туради.

Воқеани баён этишдаги бу услуб китобхонни зерикашидан қутқаради ва китобга кизиктиришни оширади.

“Лолазор” романининг муҳим хусусиятларидан бири қаҳрамоннинг қиёфасини, унинг ички дунёсини очиб берилишида таъкидланган услубнинг ўзига хослигидир. Деярли барча қаҳрамонларнинг ички дунёси ўз нутқи орқали очиб берилди.

Романдаги матн мазмуний нуқтан назардан таҳлил қилинадиган бўлса, қуйидагича шунинг тузилишини кузатиш мумкин.

Романининг асосий матнини ҳикоя мазмунли матн ташкил этади. Чунки, асарнинг кўпинча қисми, айниқса, “Қиссанавис” деб номланувчи қисмларида қаҳрамоннинг ўз бошидан кечирганлари, ёки ўзи гувоҳ бўлган воқеалар ҳикоя қилиб берилган. Ҳикоя мазмунли матннинг бир қисми аввал бўлиб ўтган воқеани эслаш, хотирлаш асосида баён этилади.

“Лолазор” романининг иккинчи, тўртинчи бобида матн ҳозирги замон шаклида ифода этилса, олтинчи бобида эса ўтган замон шаклида ифода этилади.

“Долазор” матнида ҳикоя усули етакчилик қилади. Фикр асосан монологик нутқ тарзида баён этилса-да, тез-тез диологик нутққа ҳам алмашиб туради. Шунингдек, романдаги шу тип матилардан тасвирийлик, ҳиссий ифода мазмунли матилар ҳам қўллаб учрайди. Масалан, Пайқаган бўлсангиз ўртақўрғондаги туриш-турмушимизни баён қила туриб, бир муддат ўзимни Назар ака билан Ошнога тенглаштириб қўйгандай ҳам бўлдим. “Қиссанавис” деб номланувчи олтинчи боб ҳикоя мазмунли ана шу матн билан бошланса-да, унинг таркибида хабар мазмунини ифодаловчи матн, —Агар ростига қўчадиган бўлсак, мен ўшал кезларда Яхшибоев бисёр хайиқардим. Кейинчалик у мени ўзига бир қадар яқин олиб юрганларида ҳам, бари бир кўнглимдаги ҳадик бир лаҳзага бўлсин таркалган эмас. Бугун, қариган чоғимда, барча воқеалар унут бўлиш арафасида турганида, жиддийроқ ўйлаб кўрсам барча синоат менинг сал матматил эканиму, Яхшибоевнинг дехқомат эканидан бўлиб чиқади, каби матн ҳам шунингдек, тасвирий характерга эга бўлган —Яхшибоевни зўр ва зотдор бўри босарга, мен фақирни эса шунчаки бир лайчага менгзамоқ жоиздир. Табиийки, бу ташбеҳ жуда жўн, жуда дағал, аммо мен айтмоқ истаган мазмунни тупша- тузук ифода этади. Каби ўхшатишларга бой, мулоҳазали фикрлар баён этилган матнлар ҳам учрайди.

Бадий асарнинг моҳиятини намоён этишда ҳиссий-ифода матнларнинг аҳамияти катта. Матннинг бу турида инсоннинг ички ҳис-туйғулари ўзига хос ҳолда ифода этилади. Шунингдек, ҳиссий-ифода мазмунли матнлар образли воситаларга, бадий бўёқларга бой бўлади. Шунинг учун мазмунли матнлар китобхонга тез таъсир қилиб, ҳиссий завқ уйғотади.

“Долазор” романида эса бундай мазмунли матнлар қўшлаб учрайди ва ромanning таъсирчанлигини кучайтириш вазифасини бажаради. Роман айнан ҳиссий ифода мазмунли матн билан бошланади.

“Осмон мезонлардан йилтирар эди. Йигирма йил аввал эди, куз эди, еру осмон тиник эди. Ва ҳавода ўргимчак иллари охишта сузардики, Назар Яхшибоев хаёлига айна чиройли ўй келди. Келгани баробар, дилга жойлади, гўё рўмолга учини тугун қилиб тугди”.

Бу матн моҳияти жиҳатдан ҳиссий таъсирчан матн бўлиб, ундаги ифода сўзларининг такрорланиши образли фикр баён этилиши матннинг ҳиссий таъсирчанлигини таъминлаган.

“ОҚ УЙ”ГА ОИД ТУШУНЧАЛАРИНИНГ “МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН”ДА ИФОДАЛАНИШИ

БЕРДИЕВ Ҳ.Х. (СамДУ)

Маълумки, маънавият инсоннинг маънавий бойлиги. Маънавият устувор бўлган жойда ижодкорлик бўлади. Мерос аجدоддан авлодга ўтиб боришига замин ҳозирланади, қадриятлар эъзозланади. Шу ўринда муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйдаги фикрларини келтириб ўтиш ўринлидир: «Қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган. Масалан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Пичокчилик, Чархчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Ўқчи, Заргарлик, Парчабоф сингари маҳалла номлари бу ерда ҳунармандчилик нақадар ривожланганлигидан, халқимизнинг азалдан ўтроқ ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга бўлганлигидан далолат беради» [Каримов, 92]. Ана шундай миллий ҳунармандлик соҳаларидан бири ўтовозлик бўлиб, унинг пайдо бўлиш тарихи чорвадор ота-боболаримизнинг юксак маънавият соҳиби бўлганликлари, жумладан, уй қуриш санъатини, яъни ўтовозлик ҳунарини яхши эгаллаганликлари мисолида ҳам кўринади. Бу борадаги қимматли маълумотларни тарихий илмий ва бадий манбалар орқали аниқлаш мумкин.

Шундай қилиб, ушбу ишда Алишер Навоийнинг “Муҳокамаат ул-луғатайн” асарида қўлланган ўтовозликка хос сўз ва тушунчаларнинг изоҳи ҳақида айрим фикр-мулоҳазалар баён этилади.

Асарда шундай сатрлар келтирилади: “Бир мутаайян нимаким оқ уйдур, анга хиргоҳ от қуйуптурлар. Аммо анинг ажзосининг кўпини турк тили билан айтурлар. Лидокки, тунглюк ва узук ва тўвурлуг ва босруғ ва чиг ва қанот ва кўзанақ ва уг ва боғиш ва бўсаға ва эркина ва ало ҳазал-қиёс” [Навий, 9].

“Алишер Навоий асарларида оқ уй атамаси” номли мақоласида проф.Э.Умаров оқ уй атамаси хусусида тўхталиб, унинг таркиби ва номланиши ҳақида қуйидагиларни тилқиллайди: “Оқ уй икки (оқ уй) қисмдан иборат бўлиб, қадимда чорвадорларнинг ўзда салқин, қишда иссиқ бошпанаси ҳисобланган. Бу бошпананинг оқ уй дейлишига сибаб, ўзбек қомусида ёзилишича, унинг устига оқ кизил ёпилган. Кизил устидан эса оқ мағо қопланган ва у оқ арконлар билан боғланган” [Умаров, 31].

Проф.И.Ҳаққул Алишер Навоий оқ уйни халқ яратувчанлик маданияти ва сийладини ўзига хос намунаси сифатида қабул қилганини, шунинг учун ҳам, у “Муҳокамат ул-луғатайн” китобида бу масалага тўхталиб ўтгани билан асослайдики, дилҳақиқат, бу фикр чуқур ҳаётий илдизга эга.

Олим фикрини давом эттириб шундай дейди: “Бир замонлар ўзга қавм ва уруғлар устидан ҳукмронликка эришган элга туркийлар оқ ва оксуяқлар, дейишган. Ўсро, оқ қалимаси хурлик, мустақиллик ва ҳокимликни тамсил айлаган. “Оқ ўрда” дейилганда хон, подшоҳ саройи, яъни давлат маркази тушунилган. “Оқ уй”нинг маъно маъмуни эса анча кенг ва хилма-хилдир” [Ҳаққул, 4].

Албатта, оқ уй ва қора уй каби номланишларда ўтовнинг кимга, қандай ҳаётини кўра қурилганлиги, ишлатилган материаллари билан боғлиқ жиҳатлар ҳам ўз аксини топган.

Айтиш жоизки, Алишер Навоийнинг мазкур асарида учрайдиган ўтов ва ўтовсоликка алоқадор бўлган терминлар ўтовнинг таркибий қисмларига алоқадор бўлиб, уларнинг изоҳи қуйидагичадир:

Тунглюк – туйнук [Шамсиев ва б., 345]. Ушбу терминнинг тунгқарув шакли Дехқонобод туманида чанғароқ устига ёпиладиган кизил, тунтарилган нарса маъноларида ишлатилади [Нафасов, 306].

Узук – 1) муҳр; 2) оқ уй (ўтов)нинг устига ёпилган кизил [Шамсиев ва б., 351]. Узук деганда Дехқонобод туманида қора уй чанғароғи билан тувурлик орасидаги тасма тушунилади: *Бу узукти момом тўқиган* [Нафасов, 313].

Тўвурлуг - тувурлик Дехқонобод туманида қорауи эрганаги билан увук боғланган қисмдан кераганинг чий ёпиладиган қисмигача ёпиладиган тўрт булак кизил [Нафасов, 296]. Ушбу сўз асар ичида тўрлук, мисол келтирилган сўзлар рўйхатида тўвурлуг шаклларида учрайди. Қўринадики, иккинчиси тўғри вариант сифатида қабул қилиниши лозим.

Босруғ – ўтов теварағига ёпиладиган кизил [Шамсиев ва б., 54]. Иккинчи шакли босилдирик Дехқонобод туманида шамол ва бўронда қорауи ағдарилмаслиги учун чанғароқ ўртасидаги белдов чўпларига боғланган аркон маъносида қўлланади [Нафасов, 50].

Чиг – чий (қамишдан ясалган) [Шамсиев ва б., 388]. **Чийбов** Дехқонободда 1 Чийни тўқишда чий доналарини боғлайдиган боғич (ипча) 2 Чийни керагага боғлаб берюкгиб қўядиган ип [Нафасов, 345]. **Чийламоқ** шакли эса Дехқонобод туманида қорауининг паст қисмига ҳаво кириб чиқиши, катик солинган тўрвани химоялаш учун еки бошқа жойларга тўсик сифатида тўқилган чийни тутмоқ, чий билан айлантдириб ўрамоқ каби маъноларни ифодалайди [Нафасов, 345].

Кўзанақ – сўзанақ, ниначи [Шамсиев ва б., 162]. Дехқонободда кўзанақ қорауи керагаларини тик қилганда чўплари орасида ҳосил бўлган тешикни ифодалайди [Нафасов, 155].

Увуг – увук қораўининг керагалари билан туйнугини бирлаштириб туриш вазифасини бажарадиган бир учи эгик чўп [Нафасов, 312].

Боғиш – 1) ўтов маҳкам бўлсин учун керага устидан тортиладиган арқон; 2) тўн боғичи [Шамсиев ва б., 55]. **Уйбоғиш** шакли қораўининг қалин оқ белбоғи (тасмаси) маъносини англатади: *Уйбоғиши эскиритти* [Нафасов, 314]

Бўсага – 1) остона; 2) паст ер [Шамсиев ва б., 61].

Эркина - эрганақ Дехқонобод ўтовсозлик лексикасида қораўй, молқўра, қўтонларнинг эшиги. “Муҳокамат ул-луғатайн”да эрганақ сўзи асар ичида эркина шаклда, мисол келтирилган сўзлар рўйхатида эркина тарзида берилган. Асли эрганақ бўлиши мантиқан тўғри, деб ҳисоблаймиз.

Хуллас, она тилимиз луғавий бойлигининг бир қисми бўлган ўтовсозликка онд сўз ва тушунчаларни нафақат тарихий ва илмий манбалар асосида тадқиқ этиш лозим, балки бугунги кунда улардаги маъно ўзгаришлари қай тарзда юз берганлигини қардош туркий тиллар ва халқ шевалари материаллари билан қиёсланган ҳолда ўрганиш тилшунослигимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса маънавиятимизнинг муҳим тармоғи бўлган ўтовсозлик санъатига нисбатан эътибор ва қизиқишни орттиришни шубҳасиздир.

АДАБИЁТЛАР:

Каримов И.А. Юксак маънавий – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2010.

Навой А. Муҳокамат ул-луғатайн (нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев), www.zivouz.com kutubxonasi.

Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари луғати. I. – Тошкент: Мухаррир, 2011.

Раҳмонов В. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. – Т., 1983.

Умаров Э. Алишер Навоий асарларида оқ уй атамаси //ЎТА, 2005, 1-сон, 31-32 – б.

6. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат (тузувчилар – П.Шамсиев, С. Иброҳимов). – Т., 1953.

Ҳаққул И. “Ул қуёш оқ уйдаю мен...” /Ўз АС, 2011, 16-сентябр, 4– б.

ПАРЦЕЛЯЦИЯ ҲОДИСАСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

ф. ф. н. Н.С. Сайидирахимова

ф. ф. н. У.С. Қобулова

Ҳозирги замон ўзбек тили меъёрларининг ҳар томонлама умумий шаклланиб бораётганлиги, шундан гувоҳлик берадики, тил ҳодисаларининг барчаси, деярли ўрганилиб бўлинди. Бироқ бу жараён структур-семантик тилшуносликнинг катъий қонунилари ва анъанавий масалаларидан бир оз йироқ ва айни дамда тил қонуниятларига амал қилмаган ҳолда бўлинувчи синтаксис масаларини ўрганиш эътибордан четда қолдирганлигини кўрсатади.

Синтаксисга бўлган янгича ёндашув, яъни синтаксис доирасидаги бўлинувчанлик масаласи анъанавий тилшуносликдаги гапнинг структур-семантик ва интонацион бўлакларга бўлиниш ҳодисасини такрорламайди, балки унда гаплар сўзловчи қўзлаган коммуникатив мазмун мақсадига кўра ифода компонентларига ажратилади. Бу эса сўзлашув жараёнида нутқий вазиятга қараб сўзловчи, яъни адресатнинг синтаксик қурилмани оҳанг ёрдамида ўзгача қурилишга келтириши ва унинг индивидуаллиги (эгоцентризми)ни кўрсатиш учун хизмат қилади. Бадий матнда ёзувчи сўзлашув нутқида хос гапларнинг структур қўринишини ифодалашда адабий тил меъёрларига таянган ҳолда иш қўради. Юқорида биз қайд этган синтаксисга бўлган ўзгача ёндашувда (Шведов Н.Ю.) эса ёзувчининг айнан “сўзлашув” жараёнида оҳанг ёрдамида маълум мақсад, ифода мазмунига асосланиб шакллантирилган, муайян экспрессивлик юклатилган сўзловчи ва тингловчи учун хос ва характерли приёмларга

имал қилган нутқ ҳодисаларини текшириш ва ўрганиш асосий мақсад ва вазифалардан бири саналади. Бунда гаплар кичик бўлақлар (гаплар)га ажратилади, аниқроғи, синтагма гапдан ажратилади. Масалан, *Яна ўша. Гулливер. Турибди. Букчайганча.* (А.Г.Антокольский).

Бу жараёнда ажратилаётган қисмда ахборот компоненти ўта муҳим даражага кўтарилди ва муҳим структур аҳамиятга эга бўлмаган иккинчи даражали компонент биринчи планга ўтади, гапнинг асосий бўлаги эса мутлақо сезиларсиз даражага келади, баъзида эса умуман гап таркибидан туширилади. Матн такрибидаги гапларнинг субъектив ахборотини юқорига кўтарувчи бундай экспрессив мақсадга кўра бўлиниш 19-аср ва ҳозирги замон тилшунослигида “парцелляция” деб ном олди.

Працелляция ҳодисаси анъанавий тилшуносликда бир неча бор муҳокама қилинган. Бироқ бу ҳодисани нуқий синтаксис доирасида ўрганиш муҳимлигига қарамай, терминологик тартибда маълум келишмовчиликлар кузатилмоқда.

Рус тилшунослигида профессор А.Ф.Ефремов 20-асрнинг иккинчи ярмида (1951) парцелляция ҳодисасини ўрганишга асос солди, 1965, 1982 йили Ю.В.Ванников, 1965 йилда Е.А.Иванчиюва, 1978, 1982 йиллар А.В.Сквородников, 1988 йил Е.А.Скоробогатова ва бошқалар парцелляция ҳодисасини ўрганишни давом эттирдилар. Працелляция ҳодисаси, шунингдек, француз тили олимларининг ҳам диққатини тортди. Бу борада таникли француз тилшунослари 1973 йил Ж.А.Винтман, 1969 йил Е.А.Реферовский, 1969, 1973 йиллар Л.И.Стуракова, 1974 йили Л.С.Суровенкова, 1982 йили Л.Н.Калинина ҳамда 1985 йили Е.А.Вильчинская ва бошқаларнинг ишларини қайд этиш мумкин.

Замонавий тилшуносликда парцелляция публицистика жанри, айниқса, бадий адабиёт тилида - “жонли, айни дамда, фаол ва илғор ҳодиса” сифатида тан олинмоқда. Бироқ “парцелляция” тушунчаси юқорида таъкидланганидек, биринчи бўлиб, рус тилшуноси А.Ф.Ефремовнинг “Н.Г.Чернышевский асарларининг тил хусусиятлари” номли ишида замонавий тус олди. Унингча, “парцелляция” тушунчаси остида ёзувчи томонидан қўлланган шундай приёмлар “яъни гапнинг қисмларга ажралиши ва бу қисмларнинг мустақил гаплар эквивалентига айланиши”, “тиниш белгиларининг гап таркибий қисмига алоқадор анъанавий қондаларга зид ўзига хос тарзда қўлланилиш” жараёни назарда тутилади.

Парцелляция ўзида муайян масадга йўналтирилган, нутқда оҳанг билан ажратилган, имлода ишоравий белгилар асосида мустақил бўлақларга “дислокацияга” (III.Балли терминологиясига мувофиқ) ажратилган экспрессив синтактик конструкциядир. “Парцелляция тушунчаси остида биз структур-семантик, синтактик-стилистик ва коммуникатив функцияга эга бўлган синтактик категорияни тушунамиз. Ушбу ҳодисада яхлит структур таркибга эга бўлган гап муайян мақсадга кўзланган оҳанг орқали бир ёки бир неча (гапга) қисмлар: асосий (асос) жумла ва парцеллятга ажратилади. Яъни, структур бўлинаётган гапнинг мазмунан етакчи, бош қисми асосий жумла; ундан ажратиб олинган ва унга мазмунан тобе, тўлдирувчи жумла эса парцеллят деб юритилади. Асосий жумла ва парцеллят(лар) парцеллятли тузилмаларни ташкил этади. Бироқ шуни белгилаш жонзки, парцеллятли тузилмалар ва улар таркибидаги алоҳида қисм (гаплар) структур жиҳатдан турлича (сўздан тортиб, мураккаб тузилмагача кўринишда) бўлиши мумкин.

Масалан, *Тамом! Ҳаммаси тамом бўлди... Ажаб... Юрагим нега бунча осойишта? Қилт этса-чи? Э-ҳа... Ахир... мен энди йўқман-ку. Бу дунёда борлигингдан ким наф кўрди-ю, йўқлигингдан кимга зиён? Ойимга ачингман. Дадамга... Шаҳнозага... Рози бўлинглар... Онажон... Мени кечиринг ойи!.* (Ў. Ҳошимов “Нурли дунё”).

"Комил Садиров 1950 йилда туғилган. Миллати ўзбек. Уйланган. Фарзандсиз. 1982 йил 22 августда сувга чуқиб ўлган. Бахтсиз ҳодиса".

Ўша - сувга тушишга, чуқилишга юраги бетламаган йиғит.. Каналда чуқиб ўлган. Гувоҳларнинг шохидлик беришича, эсонига қасд қилган. Гувоҳлардан бири - Тўхтамиш Омонтурдиев - савхоз директори.. (Т. Малик. "Мурдалар гапирмайди").

Хулоса қилиб айтганда, парцелляция ҳодисаси экспрессив синтаксиснинг алоҳида стилистик приёмлари сифатида эътироф қилинувчи ҳамда ҳар томонлама кенг лингвистик таъжик этилиши зарур бўлган ҳодисаларидан бири саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алексеев И.В. Парцелляция как грамматическая структура речи. - М.: МГОПУ им. М.А. Шолохова, 2006. - 126 с.
2. Ефремов А.Ф. Язык Н.Г.Чернышевского. - М.: Высш. шк., 1951. - 286 с.
3. Калинин А.Н. Синтаксика и синтаксис парцеллированных конструкций в современном английском языке. - Самара: СГПУ, 2005. - 183 с.

АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ "НАСОЙИМУЛ МУҲАББАТ" АСАРИДА МАҚСАД ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Ф.ф.и. М.Раҳматов (ТДПУ)

Мақсад эргаш гап бош гапдаги ҳаракат ёки воқеанинг қандай мақсад билан юзага келишини билдиради. Мақсад эргаш гапда қўнинча гап мазмунини юзага келиши эндигина мўжалланган бўлади. Эски ўзбек тилида, хусусан, Алишер Навоийнинг "Насойимул муҳаббат" асарида мақсад маъноси турли грамматик шакллар ёрдамида ҳосил қилинганлигини кузатиш мумкин.

То боғловчисининг қўланиш тарихи эски ўзбек тилининг XIII-XIV аср манбалари тилига бориб тақалади. Жумладан, боғловчи Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузӣ» асарининг айрим ўринларидагина учрайди. Кейинги давр адабий манбалари тилида, хусусан, Алишер Навоийнинг асарларида фаол қўллана бошлаган ва бир неча мазмуний муносабатларни ифода қилган. Боғловчининг синтактик ва маъно хусусиятларига доир маълумотлар Ғ.Абдураҳмонов, А.Матғозиев, Э.Фозилов, Х.Назарова ишларида учрайди¹. Айрим манбаларда то кўмакчи (юклама, ундов, боғловчи) сифатида қўлланганлиги маълумотлар ҳам мавжуд².

"Насойимул муҳаббат" асари тилида қўлланган то боғловчиси эргаш гап бошида қўлланади ва мақсад эргаш гап бош гапдан сўнг қўлланади. Масалан: *Анда бордилар, то су олғайлар* (390 НМ). Ёки *Рамазон ойи байнал-ишойин бозорға бордим, то аҳлим учун нима сотқун оғаймен* (416 НМ).

То ёрдами билан тузилган мақсад эргаш гапнинг кесими:

- I шахс буйруқ феъли *-ай/эй* шакли билан: *Бу риввани олиб дарёдин су олиб кел, то вузъ қилай* (НМ 415).

- III шахс истак майлида *-сун/сүн* шакли билан. *Тонг эрта бўлғач, Тенгри била аҳд қилдимки, ўзумни бир пирга таслим қилай, то манга Тенгри йўлин кўргузсун!* (380 НМ);

¹ Абдураҳмонов Ғ. Тарихий синтаксис. -Т.: Фан, 1974. -196 б.; Матғозиев А. Исследование по морфологии староузбекского языка: Автореф. дис. ... д-ра. филол. наук. -Т.: 1979. -36 с.; Назарова Х. Особенности синтаксического строя узбекского литературного языка конца XV - начала XVI в. -Т.: Фан, 1979. - 159 б.; Фозилов Э.И. Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили. -Т.: Фац, 1969. - 87 б.

² XIII-XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлар тили. -Т.: Фан, 1984. - 261 б.; XV-XIX асрлар ўзбек тили морфологияси. -Т.: Фан, 1990. - 252 б.

« келаси замон феъли –*гай/гай/қай/кэй* (ирреал мазмундаги) шаклининг бири билан ифодаланиши мумкин: *Сўзни аҳлига айтмак керак, то анинг сирри фош бўлмагай* (108 НМ) ёрдамида ифодаланади ва бу турдаги эргаш гаплар ҳам бош гапдан сунг келади.

Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” насрий асаридagi эргаш гапли қўшма гапларда *-ки//ким* эргаштирувчи боғловчилари ниҳоятда кенг қўлланган билиб, турли мазмуний пландаги гапларни бир-бирига боғлай олган. Аслида келиб чиқинчи жиҳатидан *-ким* формаси туркий, *-ки* формаси ўзбек тилига дарий тилидан кирган. Бироқ, *-ки* формаси ўзбек тилига сингиб кетган бўлиб, *-ким* формасининг вариантыга айланган ва ўзбек тилининг ички қонунларига мувофиқ ривожланган¹. Алишер Навоий асарларида мазкур боғловчи мақсад эргаш гапларни бош гапга боғлаш вазифасини ҳам бажарган. Масалан: *Бир кун хонақоҳ қозонида сут солиб қўйган эрмишларким, ширбиринч пиширгайлар* (НМ 104). Мисол мазмундан кўриниб турганидек, *Бир кун хонақоҳ қозонида сут солиб қўйган эрмишлар* бош гап бўлиб, реал воқеа мазмундан иборат. Эргаш гап – мақсадни ифодалаган *ширбиринч пиширгайлар* эса ирреал, яъни фаразий воқеа-ҳодисадан иборат. Зеро, мантиқан оли каралганда *ширбиринч пиширгайлар* амал ошмаган нарса – мақсад, ниятдир.

Куйидаги мисолда ҳам мақсад маъноси мужассам: *Қуйдуқки, ўз кўнгли била егей* (НМ 312). *Қуйдуқ* – бош гап, *ўз кўнгли била егай* ирреал – мақсад мазмундан иборат эргаш гап.

Тубандаги мисол ҳам икки компонентли мақсад эргаш гапли қўшма гап диналади. *Ҳар кеча-кундуз илтизом қилиб эрдиким, эллик усъбу тавоф қилгай* (411 НМ).

Алишер Навоий асарларидаги *-ки//ким* боғловчилари мақсад эргаш гапли қўшма гапларнинг бош гапи биринчи компонентда жойлашган бўлади. Бош гап айнишган мазмунни юзага чиқинчида асос вазифасини бажаради, эргаш гап эса юзасаловчи фикр беради, яъни мақсад маъносини оидинлаштиради. Мисоллардан кўриниб турганидек, *-ки//ким* боғловчилари ёрдамида боғланган мақсад эргаш гапларнинг кесими ҳам келаси замон феъли –*гай/гай/қай/кэй* шаклининг бири билан ифодаланади.

Куйидаги форсий қолипда шакланган бир неча мақсад эргаш гапли қўшма гапнинг позиция тузилиши юқоридаги шаклларидан фарқ қилади. У –*ким* ва *то* боғловчилари ёрдамида шакланган: *Дерларки, Муқтадир биллоҳ халифанинг вазири Али б. Исо киши юбордиким Шайх Абу Али Хайронни келтургай, то қозони анга арз қилгайлар* (НМ 146).

Даб сўзи эргаш гапларни шакллангиришда роли каттадир. Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида бу кўмакчи мақсад маъносини ифодалаганда III шахс буйруқ-истак майли кўнимчаси –*сун/сун* шаклини талаб қилади. М.Аскарова ҳозирги ўзбек адабий тилида мақсад эргаш гапларнинг кесими *деб* ёрдамчиси воситасида боғланганда, унинг кесими *-син деб*, *-р(ар) деб*, *-са деб*, *-ми экан* деб формаларида келишини айтади.² Бу хусусият Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асари тилига ҳам хос. Бу кўмакчи-боғловчи (*-син деб*) ёрдамида тузилган қўшма гапларнинг биринчи қисми эргаш гап сўнитиси бош гап саналади ва форс тилидан ўзлашган ва форсий тилга хос синтактик конструкцияларни ҳосил қилган *то*, *-ки* боғловчи синтактик конструкцияларнинг шаклланишидан фарқ қилади. Масалан: *Бозордин ўтуб борурда кўрдиким, бир ширбиринч сабзиси қурумасун деб, дам-бадам сабзиларига овуч била сув олиб селар қили* (НМ 372). Мазкур кўп компонентли қўшма гап компонентларидан бири *бир ширбиринч сабзиси қурумасун деб* мақсад эргаш гап бўлиб, ўзидан кейинги гап *дам-*

¹ Русамаов А. Ўзбек тилидаги *-ки* (*-ким*) боғловчисининг синтактик вазифаси // Ўзбек тили масаллари. 2-китоб, -Т.: САГУ нашриети, 1957. -185 б.

² А.Ғулломов, М.Аскарова. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Тошкент, Ўқитувчи. 1987. 206-207 б.

бадам сабзиларига овуч била сув олиб сепар эрди билан бирга яхлит ҳолда Бозордин ўтуб борурда кўрдики бош гапга тўлдирувчи эргаш гап сифатида кирган.

“Насойимул муҳаббат” асарида мақсад эргаш гапли қўшма гаплар бу ният билан кўмакчили қурилмаси ёрдамида шаклланган тури ҳам учрайди. Бу тоифадин биров дебдурки, бир кун аниг мажлисига кирдим, бу ният билаким, таваскулдин бир нима сўрайман (204 ҲМ). Бу типдаги гапларда кўмакчили қурилма мақсад маъносини бўрттириш, кучайтриш вазифасини бажарган.

Мисоллардан кўрииб турибдики, Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асарида мақсад муносабатли эргаш гап бош гапга турли грамматик воситалар ёрдамида боғланган. Компонентлар ўзаро қандай боғловчи восита билан боғланишига кўра эргаш гапнинг кесими турлича шаклланган. Мақсад эргаш гапларнинг кесими асосан буйруқ майлидаги феъллар билан ифодаланган. Бунда бош гап тасвирланган воқеликларга хулоса ясагани ҳолда, эргаш гапда ирреал, фаразий воқелик қўлланади ва у буйруқ шаклида қўлланади.

БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛАНИШИ УСУЛИАРИ

И.Азимов (ТДПУ)

Боғланган қўшма гаплар дейилганда, ўзаро тенг боғловчилар орқали бириккан, бири иккинчисига тобе бўлмаган, тенг ҳуқуқли предикатив қисмлардан ташкил топган мураккаб конструкциялар тушунилиши тилшунослар томонидан эътироф этилган.¹ Ўзбек тилида боғланган қўшма гаплар тадқиқига бағишланган катор ишлар мавжуд.² Мазкур тадқиқотларда бундай гапларнинг шаклий жиҳати чуқур ўрганилгани ҳолда, уларнинг мазмуний хусусиятлари жиддий таҳлил этилмаган. Уларнинг таҳлилида, ички таснифида тенг боғловчиларга асосий эътибор қаратилган. Шу аснода боғланган қўшма гаплар бириктирув боғловчили, зидлов боғловчили, айирув боғловчили, инкор боғловчили каби гуруҳларга ажратилган.³

Ғ.Абдурахмонов қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлашда иштирок этувчи грамматик воситаларни уч гуруҳга – грамматик воситалар (боғловчилар, кўмакчилар юкламалар, келишик шакллари), лексик-грамматик воситалар (феъл шакллари), лексик воситалар (гап таркибидаги айрим сўзлар)га ажратади, лекин лексик воситалар, асосан, боғловчисиз қўшма гаплар учун муҳим, деган фикрни айтади.⁴

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларда бундай гапларнинг мазмуний томонини ўрганишга ҳам эътибор қаратилган. Бу борада С.Солихўжаеванинг тадқиқотларини айтиб ўтиш мумкин.⁵ У бириктирув, зидлов, айирув ва инкор боғловчили боғланган қўшма гапларнинг семантик тузилиши, боғланиш моделлари хусусида сўз юритади. Лекин мазкур тадқиқотда ҳам асосий эътибор шаклий жиҳатга қаратилган ҳолда, мазмуний жиҳатлар тўла очилмай қолган, боғланган қўшма гапларнинг мазмуний боғланиши чуқур таҳлил, тадқиқ қилинмаган, фикримизча.

Юқоридаги тадқиқотлар бўйича умумий шундай хулосага келиш мумкинки, қўшма гапларни боғловчи асосий восита сифатида боғловчилар (тенг ва эргаштирувчи) тушунилиб келинмоқда, уларнинг таснифида ҳам мазкур ёрдамчи сўзларнинг қўшма гапдаги иштироки эътиборга олинмоқда. Лекин қўшма гапларнинг боғланишида гап таркибидаги турли лексик воситалар катга аҳмиятга эга (бу хусусда қуйида кенг

¹ Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек тили. Синтаксис. – Т.: Ўқитувчи, 1987, 163-б.

² Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари. – Т., 1958, Раҳманова С. Боғланган қўшма гаплар. ҚД.Т., 1969.

³ Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек тили. Синтаксис. – Т.: Ўқитувчи, 1987, 163-170-б.

⁴ юқоридаги асар, 291-б.

⁵ Нурмонов А., Махмудов Н. ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. –Т.:Фан, 1992, 120-200 б.

тўхталиб Утамиз). Уларнинг гапдаги функцияси хусусида боғловчисиз қўшма гапларда сўз юритилгани ҳолда, боғланган, эргашган қўшма гапларда етарли аҳамият берилмаган. Демак, ўзбек тилида қўшма гапларнинг ҳам синтактик, ҳам семантик хусусиятларини ўрганиш бўйича ечимини кутаётган муаммолар бор.

Мазкур мақолада боғланган қўшма гапларнинг синтактик, семантик хусусиятлари Алишер Навоий насрий асарлари мисолида таҳлил қилинди.

Ҳозирги ўзбек тилида тенг (бириктирув, зидлов, айирув, инкор) боғловчиларнинг аксирияти адиб асарлари тилида истеъмолда бўлмаган. Адиб асарларида энг кенг қўлланган ёрдамчи сифатида *ва* боғловчисини айтиб ўтиш мумкин. Лекин *ва* шаклий воситаси эски ўзбек тилида уюшиқ бўлакларни боғлаш билан биргаликда, янги гапнинг бошланишини кўрсатувчи ишора сифатида қўлланган. Аммо ёрдамчиси хусусида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Демак, адиб асарларидаги қўшма гапларни худди ҳозирги ўзбек тилидагидай таркибида боғловчиларнинг иштирокига кўра таҳлил қилиш қўлланган натижани бермайди.

Рус тилшунослигида кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларда қўшма гапларни боғловчи воситалар икки гуруҳга ажратилган: асосий воситалар (буларга боғловчилар (тенг ва эргаштирувчи) киритилган) ва ёрдамчи воситалар (буларга гап таркибидаги турли лексик воситалар киритилган)¹. Ўзбек тилида ҳам айнан шундай лексик воситалар қўшма гапларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Бундай лексик воситаларни қўлланишига кўра бир неча гуруҳларга ажратилиш мумкин. Булар нийт, сабаб, натижа каби синтактик маъноларни конкретлаштирувчи махсус синтактик элементлар (юқламалар, модал сўзлар, равиш), анафорик олмошлар ва ўрин равишлари, такрорлар (лексик, синонимик, дериватив), антонимлар ва бир лексик-семантик гуруҳга мансуб сўзларнинг қўлланилиши, умумий компонентларнинг мавжудлиги, кесимларнинг бир хил замонда бўлиши, предикатив қисмлардаги параллелизм, бир предикатив қисмнинг тўлиқсизлиги.

Куйида мазкур воситалардан бири – такрорлар (лексик, синонимик, дериватив), антонимлар ва бир хил лексик-семантик гуруҳга мансуб сўзлар хусусида сўз юритилади.

Лексик такрорлар. Бунда айни бир сўз такрорланиб, гапларнинг боғланишини таъминлаган: *Тенгри таоло анга анча куч бериб эрдиким, муширлар неча анга қасд қилдилар, зафар топа олмадилар (ТАҲ, 189). Баъзи дентурларким, она қорнида қолди ва тувқунча тоғни онаси боши устидин осарлар эрди (ТМА, 229). Шом тоғи тортишурда аларни ҳозир қилиб, шайларига таом қўйдилар ва алар оғзиларин ерча келтуруб, итлардек нима ерлар эрди (ТАҲ, 150).*

Икки ёки ундан ортик сўзлар такрори: *Бир кун алар овга бориб эрдилар, аларнинг овда забт ва рабт била отиш-тутушларин билай деб борди (ТМА, 223). Ва ёнакатий дебдурким, анинг зулмидин эл анга завго қилдилар ва ул завгода ҳалок бўлди (ТМА, 233). Ҳеч қайсини сўтин ичмай, иттифоқо онасини ҳам келтуруб эрдилар, онасининг сўтин ича киришти ва онаси сўти била нарварии татти (ТАҲ, 134-135).*

Бирикмалӣ бўлақлар такрори: *Хунар аҳлин севар эрди ва анинг замонида хунар аҳли азиз бўлдилар (ТМА, 220-221). Зиндон аҳли туш кўруб, бир-бирига айтсалар эрди, таъбир қилур эрди ва ҳеч тахаллуф қилмагандин зиндон аҳли мутаажжиб булур эрдилар (ТАҲ, 124).*

Иккинчи гапнинг таркибида қўлланган анафорик бўлақлар: *Девонлар учун феҳрист битиб эрдилар ва ҳар бирин мавсум бир исмега қилиб эрдилар ва бу ишга фақир боис бўлонини даги изҳар қилиб эрдилар (МҚ 5). Ва устида гавахар*

¹ Бабайцева В.В., Николина Н.А., Чеснокова Л.Д. Современный русский язык. Теория. Анализ языковых единиц. Част 2. М.: Академия, 2000. С.480-481.

шабчаровски, мулк хирожки эрди ва ул тожони олтин занжир била боши муҳозисийга осар эрди (ТМА, 229).

Биринчи гапда қўлланган сўз ўрнида иккинчи гапда унинг дейсикки қўлланган: Яна Қоруи қиссасидур, ул бани Исроилда илму фазлда мунфарид эрди (ТАҲ, 142). Аммо Сухро уз ҳаддидин тажовуз қила бошлади, ани дафъ қилиб Шопур деганни вазир қилди (ТМА, 240). Аммо булардин Од авлоди қалин бўлуб, истило топдилар ва аларнинг ўгли Аршади Умийқ бинни Од эрди (ТМА, 200).

Синонимик такрорлар: Лоҷжарам, амр бўлдим, руҳин муборак жасаидин чиқордилар ва маркабин дағи руҳсиз қилдилар (ТАҲ, 172). Мазкур мисолда синоним сўзлар (жасад - маркаб) билан бирга, лексик такрорлар қўлланган. Яна бир мисол: Ва назмларида ҳар шеър била ишқ ўтин оламга урубтурлар ва шеърларида ҳар байт била дард аҳли жону кўнгли оламин куйдурубтурлар (МҚ 43).

Антоним сўзлар: Юсуф алайҳиссалом айттиким, семиз ўйлар, тоза хўшалар тўқдуқ ва зироатлиқ йилга далилдур ва оғуз ўйлар била қуруқ хўшалар қаҳатлиққа дол (ТАҲ, 125). Бир кеча малик Раён туши кўрдиким, ети семиз ўйиши ети оғуз ўй едилар ва ети тоза қўқарган хўшани ети қуруқ хўша чирмашиб, бетароват қилди (ТАҲ, 125).

Бир лексик-семантик гуруҳга мансуб сўзлар: Кўрдиким, бир-бирига муттасил бўлуб, устига эт ўрланди ва анинг устига тери тортилди, дағи руҳ баданига кириб тирилди (ТАҲ, 172). Гиршасбнинг онаси ибни Ямин бинни Яъқуб а.с.нинг қизи эрди в апоси Зоб бинни Таҳмосбнинг қардоши эрди (ТМА, 204-205). Адолат била мамоликни обод қилди ва риоят била раёни хушуд ва шод этти (ТМА, 238).

Ўзакдош сўзлар: Залим таёб киши эрди, зулмидин улуз эл озурда бўлдилар (ТМА, 214). Одам деганлар қавли била ани гишлоҳ дедилар, бу маъни билаким, болчиғдин яратилди (ТМА, 197).

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, эски ўзбек тилида, хусусан, Алишер Навоий асарлари тилида ҳозирги ўзбек тилида қўлланилиб келинаётган боғловчилар (тенг ва эргаштирувчи)нинг аксарияти қўлланмаган. Энг фаол қўлланган Ва, Аммо ёрдамчилари кўпроқ юкламалик функциясини бажарган. Шунинг учун ҳам адиб асарларидаги қўшма гапларни бириктирув боғловчили, зидлов боғловчили боғланган қўшма гаплар каби таснифлаш кутилган натижани бермайди. Умуман, қўшма гапларни таркибида боғловчиларнинг иштирокига кўра тасниф қилиш тарафдори эмасмиз.

НЕГАТИВЛИК КАТЕГОРИЯСИННИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДА ИФОДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

ф.ф.н. Қаюмова М.С. (НДУ)

Негативлик қадим замонлардан бери мавжуд бўлган тил категориялари қаторига қўшилади. Шунинг учун ҳам лингвистик негативликнинг моҳиятини тўлиқ тушуниш учун унинг тарихий тараққиёт йўлларига ва унинг ифодаланиш тарихига эътибор бериш лозим.

Қадимги инглиз тили гап қурилмаларида бир вақтнинг ўзида бир гап таркибида бир неча негатив элементлар ишлатилган, уни полинегативлик қурилмаси деб аташ мумкин. Полинегативлик қадимги инглиз тилида "ne" инкор юкламасининг бирикшиш, инкор олмошлари, инкорни ифодаловчи равишлар ва инкор боғловчилар ёрдамида намойён бўлган. Негативликнинг ифодаланишида асосий восита инкор юклама "ne" ҳисобланиб, у феълидан, олмошдан ёки равишдан олдин қўлланилган.

"ne" инкор юкламаси *bēon* (*wæsen*)-бўлмоқ феълидан, *habben* -эга бўлмоқ феълидан, *willan*-хоҳламоқ феълидан олдин келиб, қуйидаги тарзда феъларга

формида *ne+is>nix; ne+works>nixs; ne+workon>njcron; ne+hade>radde; ne+hap>naq*
no wall>nile; ne+wolde>nolde; ne+wiste>niste.

XVI асрга келиб предикатив неготив ва иредикатив булмаган неготив ҳодисаларни фарқлаш жараёни пайдо бўлди. Неготивликни бундай ажратиш содда гапларнинг ишқоқланиши билан боғлиқ бўлиб, предикатив комплекслар, яъни эга ва кесим ўрғанидаги муносабатлар ўрганилди ва гапларда катъий сўз тартиби юзга келди ва ўзгача ташкилларда “*do*” ёрдамчи феъли ишлатила бошланди. Гапларда умумлаштирувчи буликлар билан предикатив ва нопредикатив неготивликни бир-бирига қарама-қарши бўлиши натижасида турли содда гапларда аналитик шаклларнинг пайдо бўлиши кузатилади. Бу эса инкор гапларнинг мазмунини ўрганишга тилшуносларнинг кўриб чиқариш тортди. Шу даврдан бошлаб бўлишсиз (инкор) гапларнинг грамматик белгилари сўзловчининг диққат марказида бўла бошлади. Масаланинг мохияти Н.П.Нинцова ва Л.П.Чахоянларнинг таъкидлашича: “...инкор олмоши ёки равишнинг содда мавжудлигида эмас, балки предикатив булаклардан бирида неготивликнинг мавжудлигидадир. Иккинчи даражали булаклар олдидан келган бўлишсизлик таъкидли гапларни тасдиқ (бўлишли) гаплар деб қарашга тўғри келади”(4.267.).

Лотин тилида неготив шакллар икки усул ёрдамида ифодаланади: 1) инкор олмоши “*non*” ёрдамида ифодаланиб, у гап қурилмасида феълдан олдин қўйилади; 2) инкор (бўлишсизлик) олмошлари ёки равишлари ёрдамида (*nemo, nihil, nullus, nunquam, nusquam*) ифодаланади (6.33).

Инглиз тилида неготивлик категориясини тасдиқ қилиш бўйича олиб борилган таъқиқотлар натижасида мазкур тилда неготивлик категориясининг ифодаланиш усуллари аниқланган.

Ҳозирги замон инглиз тилида бўлишсизлик тушунчаси суффикслар, префикслар, инкор олмошлари ва равишлари орқали ифодаланади:

а) аффикслар ёрдамида ифодаланган неготивлик категориясини тилининг лексик вақомида учраб, улар асосан лексик бирликларнинг антонимини намён қилиш билан боғлиқ бўлишсизлик (инкор) шаклларини ҳам ифодалайди. Масалан: *father-fatherless, understand-misunderstand, order-disorder, appear-disappear, conductor-nonconductor, equal-unequal, dress-undress, aircraft-antiaircraft, revolution-counterrevolution, direct-indirect, possible-impossible, rational-irrational, legal-illegal* ва бошқалар.

б) неготивликнинг ифодаланишида энг махсулдор усул инкор юклама “*not*” ёрдамида кесим вазифасида келган феъл, от, сифат, сон кабилардан олдин ёрдамчи ёки бошқа феълларга қўшилиши билан ифодаланади:

I didn't like him.

There was not any need to insult her.

He couldn't be wrong three times.

You haven't had much practice.

в) неготивликни ифодаланишнинг лексик усули ҳам мавжуд бўлиб, улар бўлишсизлик (инкор) олмошлари, равишлари, боғловчилар ёрдамида ифодаланади: *no, neither ... nor, no one, nobody, nothing, none, nowhere.*

Натижада, инкор олмошларини бошқа олмошлар қаторига қўшиш ёки уларни вақоқда олмош қилиб ажратиш ҳам баҳсталаб масалалардан бирига айланди. Масалан: Н.П.Винокурова “... инглиз тилида инкор олмошларини алоҳида олмош тури деб ажратиш шартли равишда бўлиши мумкин, чунки инкор олмошлари ноаниқ ёки гумон олмошларига инкор “*not*” юкламасини қўшиш билан ясалди: *nobody→not va anybody, neither→not va either*” деган фикрни билдирган (2. 67.).

Бу борада В.Н.Жигадло, И.П.Иванова, Л.Л.Иофиларнинг фикри ўзига хос: “... бўлишсизлик ёки инкор олмошлари гап таркибида предмет ёки белгининг йўқлигини ифодалайди ёки уқтиради”(3.69.).

И.П.Иванова, В.В.Бурлакова, Г.Г.Почепцовларнинг таъкидлашича "... *"no"* ни унинг ясама шакллари морфологик қурилишига ва синтактик имкониятларига кўра ноаниқ олошлардан фарқ қилмайди. Фақат уларнинг фарқ қиладиган томони инкор маъносини ифодалашидир. Структура ва функцияси жиҳатидан параллеллиги учун бўлишсизлик маънога эга бўлган олошларни маъносига кўра махсус гуруҳга ажратмаймиз" (5.45).

Аммо шу олимларнинг ўзлари гап қурилмасида неготивлик категорияси ҳақида шуни таъкидлайди "... бўлишсизлик махсус морфологик кўрсаткичга эга бўлиб, улар "бўлишсизлик" ва "бўлишлилик" ўртасида оппозиция ташкил қилади. Бўлишсизлик махсус грамматик кўрсаткич инкорни ифодаловчи *"not"* маркерига эгадир. Бўлишсизлик ёки неготивлик гапнинг предикативлик қисмида неготивлиқни ифодалаб, у гапнинг умумий бўлишсизлигини ифодалайди. Бундай ҳолда неготивлиқни ифодаловчи элемент кесим вазифасида келган феълнинг шахсли шакли билан бирга келади. Қисман неготивлик эса гапнинг кесимидан ташқари гапнинг ҳар қандай бўлагига тааллуқли бўлиши мумкин".

Инкор ёки бўлишсизлик олошларининг маъно касб этишига қараб, Ж.Лич, Я.Свертик *no one, nobody* олошлари шахсни ифодалайди, *nothing* эса шахсни ифодаламайди, *none (of), neither (of)* эса ҳам шахсни, ҳам шахсни ифодаламайдиган элементларни кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблайдилар (10.226-227.).

И.В.Андреевнинг таъкидлашича, неготивлик категорияси гап структурасида қаралиши зарур, шунга кўра олима неготивлиқни грамматик категория деб эътироф этади (1.4).

О.В.Трунованин фикрича, умумий неготивлик грамматик ёки лексик усуллар ёрдамида ифодаланса, қисман неготивлик эса фақат лексик усулда берилади (8.64.). С. Раҳимовнинг таъкидлашича, инглиз тилида неготивлик категорияси синтактик усулда *not, no, neither...nor*; лексик усулда бўлишсизлик олошлари *nobody, no one, nothing, none, no, neither* лар ҳамда бўлишсизлик равишлари *nowhere, never* ва инкор сўз *no* ёрдамида ифодаланади (9. 64.).

Р.А.Клоуз эса бўлишсиз гаплар ҳақида гапириб, у *not, never, hardly, scarcely, hardly ever, scarcely ever, seldom, no* ва унинг праформалари *none, nothing, nobody, no one, nowhere* кабиларни ажратади ва шу элементлар ёрдамида неготивлик категорияси ифодаланади, деб таъкидлайди (11.38.).

Юқориди келтирилган далиллар асосида хулоса қилиб айтиш мумкинки, инглиз тилида неготивлик категориясининг ифодаланишида асосан лексик-грамматик усул фаол бўлиб, бу усулда неготивлик гап қурилмасида кесим вазифасида келган синтактик бирликларга (ёрдамчи феъллар, модал феъллар ёки боғлама феъллар) *not* инкор юкласини қўшилиши билан ясалади.

Неготивлик категориясинининг ифодаланишида эса лексик бирликлар гап қурилмасида ҳар хил синтактик вазифаларда келиши, яъни турлича гап бўлаклари вазифасида берилиши кузатилади ҳамда неготив аффикслар ёрдамида ҳам берилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Андреева И.В. Грамматическая категория отрицания в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1974.
Винокурова Л.П. Грамматика английского языка. – Ленинград: Учпедгиз, 1954.
Жигадло В.Н., Иванова И.П., Иофик Л.Л. Современный английский язык. (Теоретический курс грамматики) – Москва: Литература на иностранных языках, 1956.
Иванова И.П., Чахоян Л.П. История английского языка. – Москва: Высшая школа, 1976.
Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. – Москва: Высшая школа, 1981.

Шуудинев М.М. Логин тилида инкор формуланинг қўлланилиши // Тил ва нутк системасидаги тилкиндида. (Филолог. фан. доктори, проф. Х.А. Арзиқулов хотирасига бағишланган мактаб илмий-назарий конференция материаллари 10-11 октябрь 2005). – Самарқанд, СамДУГИ.

Косинский Г.В. Паралингвистика. – Москва: Наука, 1974. – С. 45.

Групова О.В. Роль отрицания в определении значения составного модального глагольного сказуемого // Сб. науч. трудов. ЛПТИ. – Ленинград, 1980.

Ризимов С. Вопросы структурно-типологической характеристики предложения. – Ташкент: Фан, 1978.

Leech G, Svartvik J. A Communicative Grammar of English. – Москва: Просвещение, 1983.

Словяк Р.А. A Reference Grammar for students of English. – Москва: Просвещение, 1979.

London E.M., Krylova I.P. A Grammar of Present-day English. – Moscow: Higher School Publishing House, 1974.

ЖОЙ НОМЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МЕТОНИМИЯЛАР

Доц. Р. Сувонова

Жой номлари билан боғлиқ метонимиялар икки хил кўринишда юзага келади. Улар жой номини билдирувчи метонимиялар ва жой муносабатига кўра метонимиянинг оидир бўлишидир.

1. Жой номи ва жой билдирувчи сўзларда метонимия содир бўлиши нутқда шўнаб учрайди. Айниқса, жой номини билдирувчи сўзлар ўша жойда ишлаб чиқарилган махсулотни билдириши орқали метонимия содир бўлар экан, бу жараён тил ҳодисаси сифатида кузатилади. *Масалан: Қорақўл сўзи асли Бухородаги бир туманнинг номидир. У ҳозир қўзи терисидан ишланган жингалак юнгли мўйнали билдиради.* Бундай мўйна олинadиган қўзилар дастлаб шу гуманда етиштирилган. Бу ҳосила маъно жой муносабатига кўра юзага келган. Яна *шивиргон, каттақўрғон, гўлжа, учқора* каби жой номлари ҳам бор. Бу номлар келиб чиқиши жиҳатидан ўша жойлар билан алоқадор бўлган *узун навларини* ҳам ифодалайдиган бўлган, яъни метонимия ҳодисаси кечган. Ушбу Самарқанд шаҳри номида *олма нави* ҳам бор. Бу келтирилган мисолларнинг бирчаси тил ҳодисаси бўлган метонимияга хосдир.

Жой номи билан ўша жойда яшовчи аҳолини аташ орқали ҳам метонимия содир бўлади. Лекин улар деярли нутқий ҳодиса сифатида кузатилади: *Агар керак бўлса, Шарқни ва Ғарбни / Ёлғиз бир шеърига эта олур жо* (А. Орипов). Бу гапдаги *Шарқ* ва *Ғарб* сўзлари ўша ерларда яшовчи барча аҳолини ифода этган. *Тошкент* чикди *Шастри йўлига* (Э. Вохидов). Бу гапда ҳам *Тошкент* сўзи Тошкент аҳолисини ифода этган. Қуйидаги мисолда берилган *Осиё* сўзини ҳам шундай изоҳлаш мумкин: *Забтга олиб келг Осиёни, / Бир зот чиқди мағрур, давангир* (А. Орипов). Жой номи, айрим ҳолларда, ўша жойга оид кишини ҳам билдириши мумкин: *Танлади Кавказнинг папоқ, буржини.* (А. Орипов) Бу гапдаги *Кавказ* сўзи "кавказ кишини" маъносига қўлланган.

Умуман жой билдирувчи сўзлар ўша жойда яшовчи аҳолини ифода этиши билан метонимия содир бўлиши мумкин: *Сарой йўлга чикди савлати билан* (А. Орипов), *Кишлоқ гала-говур, солдатни кутар* (Уйғун). Бу гапдаги *сарой, кишлоқ* сўзлари ўша жойдаги аҳолини билдирган, яъни метонимияга учраган. Баъзан жой билдирувчи отлар фақат шу жойга оид аҳолини эмас, ҳар қандай субъектларни ифода этиши ҳам мумкин.

Жой номи билан унда яплайдиган аҳоли ифодаланар ва метонимия содир бўлар экан, бу ном маълум худудни билдиради. Бунга *шаҳар, кишлоқ, туман, водий, маҳалла, Ўзбекистон, вилоят* сўзларидаги метонимияни кўрсатиш мумкин. Юкорида унга

мисоллар келтирилди. Уларнинг ҳаммасида ҳам ҳосила маъно аҳолини билдиради. *Уш корхона, муассаа, сарой, зал* каби жой номлари ҳам метонимияга учраши, одамларни билдирувчи ҳосила маънога эга бўлиши кузатилади. Масалан: *Клуб мудирлари заани икки марта тартибга чақирди* (А.Қаххор), *Гавжум босмаҳона* (О.Ҳожиева) гапларидаги *ш* ва *босмаҳона* сўзи метонимик маъно - "одамлар" ни билдириб келган.

Жавоб берар бунга на ер, на осмон (А.Орипов). Бу мисолдаги *ер* сўзи *ердаги ш* эгалари, *осмон* сўзида эса *ш*нинг субъектлар ифода этилган. Бу сабабларга кўра барин метонимиялар фақат нутқий ҳодиса сифатида содир бўлади.

Нутқий ҳодиса сифатида содир бўлган метонимиялар - жой номини билдирувчи сўзлар ватан маъносини билдириши орқали ҳам кузатилади: *Бу жоннинг бор эрур на Қорабоғи? / На Ўзган, на Ўша Фарғонаси бор* (А.Орипов). Бу гапдаги *Ўзган, Уш, Фарғона, Қорабоғ* сўзлари "ватан" метонимик маъносини ифода этган.

Жой номини билдирувчи атоқли отлар ўша жойга ишора қилувчи белги маъносида қўлланиши - метонимияга учраши ҳам мумкин: *Ана харитада Мирзачўл, Жиззах* (А.Орипов) мисолидаги *Мирзачўл, Жиззах* сўзлари аслида жой номлари бўлгани ҳолда, *харитадаги ўша жойларни* кўрсатувчи шартли белгини ифода этадиган метонимик маънони билдирмоқда.

Айрим ҳолларда жой номи вақт ифодасини билдирувчи метонимик маънони ҳосил қилиши мумкин *Байтингга бир бор қовушган ҳар лаб/ Такрорлаб кетгуси Машҳаргача то* (А.Орипов).

Умуман жой муносабатига кўра метонимия содир бўлишини тил ҳодисаси ҳамда нутқ ҳодисаси сифатида кузатиш мумкин. М.Миртожиев тил ҳодисаси сифатидаги бундай метонимияга бош сўзида ҳосила маъно юзага келишини мисол тариқасида келтирган *Ақл ичда эмас, бошда (мақол)*. Бу гапдаги *бош* сўзи, "мия" метонимик маъносини берганлиги ва бу эса тил ҳодисаси бўлган метонимик ҳосила маънони юзага келтирганлигини кўрсатган. Яна шунга ўхшаш гап сўзининг *улфатлар галма-гал берадиган "зиёфат"* маъносини, *дил* сўзи "жон" маъносини ифода этишини ҳам тил ҳодисаси бўлган метонимияга мисол тариқасида келтирган.¹ Ана шу сабабга кўра нутқий метонимиялар содир бўлиши ҳам айtilган эди. Масалан: *У эшикдан чиқиб, оёғини қидириб қолди*. Бу гапдаги *оёқ* сўзи "оёқ кийими" маъносида қўлланган ва шу нутқнинг ўзигагина хосдир.

Шу тарзда нутқий метонимиянинг содир бўлиши, ўзбек тилида унча кўп тарқалмаган. У оғзаки нутқда учраб турса ҳам, ёзма нутқда деярли кузатилмайди. Шунинг учун ҳам биз тўплаган материаллар ичда унга оид мисоллар кам бўлиб чиқди.

2. Жой муносабатига кўра метонимиянинг содир бўлиши анча кенг тарқалган. Сўзлар лексик маъно жиҳатдан тараққий этиб, жой билдирувчи ҳосила маънони юзага келтиради. Кишининг бир аъзоси номи билан жой ифодаланади. Бунда кишининг бирор аъзоси ўзи ўрнашган жой билан туташ жойни номдош қилиб олади. Ўша туташ жойни билдирган ҳосила маъно юзага келиши жой муносабатига кўра содир бўлган метонимия ҳисобланади. Масалан: *Ҳожиди Кумушнинг бошига келиб ўтирди* (А.Қодирий), *У ҳар қачон ёнбошимда* (У.Носир), *Улғлар қошида гоҳ бўлди жойим* (А.Орипов) гапларида *бош* сўзи билан туташ, *ёнбош* сўзи *ёнбош* билан туташ, *қош* сўзи *қош* билан туташ жойни ифода этган. Ҳосила маъно жой алоқадорлигига кўра юзага келган.

Ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно ўрин ифодаламагани ҳолда маъно ҳосил бўлиши ўрин муносабатига кўра бўлади. Масалан: *Тинмай оғрийди бошим/ Қуз очишга мадор йўқ* (Зулфия), *Оқ қозғосим сенга Эркин очди тинҳон ишқини* (Э.Воҳидов). Бу гаплардан биринчисида *бош* сўзи "мия" маъносида, *қозғос* сўзи "асар" маъносида қўлланган. Чунки *бош* ва *қозғос*да ўрнашган ҳосила маъно шу ўрналиш ўрнига кўра юзага келган.

Айрим нарсалар ва уларнинг ҳажми ўрнашган буюми номи билан аталиши ҳам метонимияни юзага келтиради. Бунда ҳам ўрин муносабати метонимия содир бўлиши учун сабаб ҳисобланади: *Хотинининг ҳай-ҳайлашига қармай икки пиёлани устма-уст илмирди* (А.Қаҳҳор), *Бир стакан ичди* (Н.Шукуров), *Бир сих еди* (Н.Шукуров). Бу гапларнинг биринчисида *пиёла сўзи шу ҳажмдаги ичкилик*, иккинчи гаптаги *стакан сўзи шу ҳажмдаги ичкилик*, учинчи мисолдаги *сих сўзи шу чамадаги кабоб* ҳосила метонимларини юзага келтирган. Буларнинг юзага келишида ҳам ўрин муносабати психиятга эга бўлган.

Буюм номи билан жой аталиши орқали ҳам метонимия содир бўлиши мумкин: *Мамажон ялқов самоварда ётиб туш қўради* (Ғ. Ғулом). Бу гаптаги *самовар* сўзининг лексик маъноси буюмни билдиради. Унинг ҳосила маъноси эса шу буюм ўрнашишга асосланган *маишат жойини* билдиради. Бу ўринда ҳосила маъно ўрин муносабатига кўра юзага келганлиги учун у метонимия ҳодисаси деб қаралади.

Матбуот воситаси номи билан ундаги нашр аталиши ҳам метонимиядир: *Газетани ўқийдир шатир* (У.Носир). Бу гаптаги *газета* сўзи ундаги *нашр қилинган* ширсени ифода этган. Материал газетада жойлашганлиги учун у газета номи билан аталган.

Ўсимлик номи билан у ўрнашган жой аталиши мумкин. Масалан: *Райҳон чопиб утирқан аям бирдан вайвойлаб, қўймичини ушлаганича ўзини райҳоннинг ичига ташлаб кўборди* (А.Қаҳҳор). Бу гаптаги биринчи *райҳон* сўзи *ўсимликни эмас, у кўкариб турган ариқни англатувчи* ҳосила маънога эга. Бу ҳолатнинг аксини кузатиш ҳам мумкин. *Ўсимлик жой* номи билан аталаб, метонимия ҳосил қиливи кузатилади: *Ер эккувчи дўқонларнинг ҳолини ҳам хўп ушланг* (Чўлпон). Бу гапта *ер сўзи экки маъносини билдираган*.

Ўрин муносабатига кўра содир булган метонимиялар, асосан, нутқий ҳолатда кузатилади. Чунки уларни нутқ жараёни юзага келтиради.

Адабиётлар:

Миртожнев М. Метонимиянинг содир бўлиши// Ўзбек тили лексикологияси ва грамматикаси масалалари. – Тошкент: ТУН, 1978 й.

Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992.

Расулов Р., Умаров М. Ўзбек тили тасвирий ифодаларининг изоҳли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997 й.

КОГНИТИВНАЯ ТЕОРИЯ В ЯЗЫКЕ

Б.Жўраев (ЎЗДЖТУ)

Известно, что когнитивная лингвистика изучает язык, предполагая, что язык отражает образцы мышления(1, 118). Изучение языка под этим углом означает исследование моделей концептуализации. Язык предоставляет возможность раскрытия когнитивной функции, обеспечивая проникновение в природу, структуру и организацию мышления.

В повседневной нашей жизни неопределима роль языка. Язык служит средством общения через кодирование и передачу мысли. Они (последние) непосредственно связаны с семиотической и интерактивной функциями языка.

Материальную форму нашей мысли язык выражает посредством кодов. Коды имеют форму и смысл. Формами мы говорим, пишем. Форма и значение образуют неразрывное единство.

Образ объекта реальной действительности, отражённый в нашем сознании, предназначен для представления не самого объекта, а его идеи. Проецированная в семантику действительность отличается от мира реального(2, 16). В метаязыке

когнитивной лингвистики его называют концептом. Концепт складывается из множества перцептов, присущих объекту, отражённый в нашем сознании. Когнитивная способность человека объединяет необработанную перцептивную информацию в отчётливый ментальный образ. Смыслы, закодированные при помощи лингвистических знаков, направляются в проецированную нашим сознанием действительность. Ментальное представление действительности, истолкованное человеческим разумом, осмыслено нашими перцептивной и концептуальной системами.

Подобный подход явился новаторским в языкознании ибо предопределил «переход от лингвистики с ее доминирующим вниманием к языковым формам, рассматриваемым вне связей с разнообразными аспектами бытия языка, к лингвистике, предполагающей исследование языка в непосредственной связи»(3, 8) с объективным миром. Концептуальный мир, существующей в сознании человека в обобщенном виде (в форме концептов(4, 23), фреймов(5, 17), прототипических сценариев(6, 12), когнитивной модели(7, 9), понятийной схемы(8, 25) и т.д.), не полностью отражается в языке, ибо реальный мир является более объемным, чем языковой мир(9, 89).

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. См. здесь и далее в кн.: Irisqulov A., Kuldashev A. A. Theoretical Grammar of Modern English. – Tashkent, 2008.
2. Джакендорф Р. Семантика и познание. – М., 2003.
3. Гуреев В.А. Языковой эгоцентризм в новых парадигмах знания // Вопросы языкознания, 2004. №2.
4. Кубрякова Е.С. Концепт // Краткий словарь когнитивных терминов. – М., 1996, Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. – Минск: Тетра Система, 2004, Воркачев С. Г. Лингвокультурная концептология: становление и перспективы // Известия РАН. Серия литературы и языка. 2007. №17, Степанов Ю.С. Константы: Словарь русского языка. Опыт исследования. – М., 1997, Арутюнова Н.Д. Введение // Логический анализ языка. Ментальные действия. – М., 1993, Langacker R. Concept image and symbol. 2-nd edition. – Berlin – New York, 2002.
5. Fillmore Ch. The case for case reopened // Syntax and semantics. – New York, 1988. Филлмор. Ч. Фреймы и семантика понимания // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск 23. – М., 1988.
6. Wierzbicka A. Emotions across languages and cultures. – Cambridge – Paris, 1999.
7. Lakoff G. Women, fire and dangerous thing: What categories reveal about the mind. – Chicago, 1987.
8. Talmy L. Towards a cognitive semantics. – Massachusetts – London, 2000.
9. Апресян Ю.Д. О языке толкований и семантических примитивах // Избранные труды. – М., 1995.

ТИЛЛАРНИ ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИК ЖИХАТДАН ЎРГАНИШ ТАРИХИГА ҚИСКА НАЗАР

Қаюмова М. ф. ф. н. (НДУ)

Барчамизга маълумки, кейинги йилларда қиёсий-типологик тилшунослик, яъни қардош бўлган ва қардош бўлмаган тиллар тизимини қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш масаласи жаҳон тилшуносларининг диққат эътиборини ўзига тортмоқда. Натيجада, кейинги йиллар давомида тилларни типологик жиҳатдан турли сатҳларда тадқиқ этишга бағишланган кўпгина илмий ишлар юзага келди.

Қайд этиш жоизки, лингвистик типология мустақил илмий фан ҳисобланиб, у тил тизимининг барча сатҳларини қиёсий ўрганишга имконият яратади.

А Мейснинг фикрича: “Қиёсий грамматикани яратиш - имкониятни борича аниқ қиёсий грамматикани қиёслаб ўрганиш, уларнинг ривожланишини босқичма-босқич қиёслаш билан уларни дифференциялаб бориш натижасида вақтнинг ўтиши билан путқда пайдо бўлиб кетган фактларни ўрганишдир. Қиёсий грамматикада тилни изчиллик ва фарқловчи грамматикани кузатишлар аниқ боғланишлар билан алоқадор бўлиши мумкин. Қиёсий грамматикани тадқиқотлар ҳинд-европа тилларида кенг қўлланилмоқда” (6.52).

Ф.Ф.Фортулатовнинг таъкидлашича, Ф.Бопп ҳинд-европа тилларини қиёсий ўрганишга асос солди. У бу тилларнинг ўзаро қардошлигини уларнинг келиб чиқиш тартибларини қиёслаш йўли билан ибобтлади ва бу асосда грамматик фактларни қиёсий грамматикани кузатишлар аниқ боғланишлар билан алоқадор бўлиши мумкин. Қиёсий грамматикани тадқиқотлар ҳинд-европа тилларида кенг қўлланилмоқда” (6.52).

Бу масалада Э.А.Макаев қуйидаги боғлиқликларни ҳисобга олишнинг муҳимлигини таъкидлади: 1) қиёсий-тарихий; 2) тарихий-чоғиштириш; 3) типологик грамматика (8.11-12).

Ж.Буронов лингвистик типологияни тадқиқот объектига кўра қуйидаги бўлимларга тақсимлади: а) генетик типология; б) ареал типология; в) қиёсий типология; г) структур типология (1.33).

Лингвистик типология ифода планидан келиб чиққан ҳолда формал типологияни ўз ичига олса, мазмун планидан келиб чиқилса, у семантик типологияни камраб олади. Ушбу типнинг тадқиқот объекти тил материали ва тил сатҳига боғлиқ ҳолда лингвистик типология қуйидаги тил қатламларини ўз ичига олади: фонологик, фонетик, морфологик, лексик ва синтактик. Ишимизда фақат синтактик типология, унинг мақсади ва вазифалари аниқ таъкидланган.

И.И.Мещанинов, Т.Милевский, Ч.Е.Базелл, А.Мартинс, В.Грендель, С.П.Рождественский, Г.П.Мельников, Н.Хомский ва бошқалар синтактик типологияга оид қиёсий тадқиқот ишларини олиб боришган. Демак, тилшуносликда типологик тадқиқот методлардан узоқ даврлар мобайнида фойдаланилаётганлиги айни ҳақиқат.

Қиёсий йилларда ҳам улар қатта аҳамиятга эгалигини намойён қилмоқда. Турли тилларни типларни типологик тадқиқ қилиш Б.А.Успенскийнинг фикрича “... барча тилларни хос бўлган изоморф кўринишларни аниқлашдир” (9.17).

Турли тизимли тилларни қиёслашда бундай ёндашиш орқали жуда кўп дифференциал фактларни топиш мумкин. Таъкидлаш зарурки, типологик нуқтан назардан қиёслаш натижасида дифференциал белгиларни системалаштиришда тил қатламларини бир-бирдан ажратилиш мақсадага мувофиқ. Маълум тил материалини қиёсий ўрганилишида тил системаларини синтагматик ва парадигмагик жиҳатдан чегаралаш мумкин, яъни умумий тил системасидан бир қанча қуйи системалар парадигмагик ва синтагматик чегаралаш натижасида ажратилади.

Айтиш лозимики, ўтказилган тадқиқотларнинг барчаси синтактик типологиянинг турли жиҳатларини ўз ичига олган. Бунда қиёслаш учун асосий бирликлардан сўзлар, сўз қурилмалари ва гап қурилмалари объект қилиб олинган. Синтактик типологияда сўзни қурилмалар сатҳида ёки гап сатҳида қиёслаш маъқулдир.

И.И.Мещанинов таъбири билан айтганда “... гап булаклари универсал категория жиҳатида иштирок этади” (7.3). С.Е.Базелл эса тил системаларини қиёслашда морфологик сатҳ билан синтактик сатҳни қўшиб олиб боради (14.43).

Т.Милевский тилларни фарқлаш жараёнида уларни концентрик гапларга эга бўлган тиллар ва эконцентрик гапларга эга бўлган тилларга ажра-тади (8.30), Е.Курилович тилларда гапнинг констркцияларни тадқиқ қилса (4.106), Н.З.Гаджиева аглутинациянинг ўзаро муносабатлари муаммосига ва туркий тилларнинг синтактик қурилишига эътиборини қаратади (2.21), В.С.Храковский эса синтактик муносабатларни синтактик қатламда тадқиқ қилишда аниқ тамойилларга диққатини қаратади, чунки ушбу синтактик муносабатлар гап тизими ва унинг қурилмаларини ташкил этади (11.5).

Л.Д.Гергадзе инглиз тилида таркибли от кесимнинг умумий хусусиятларига эътибор бериб, уни грузин тилига таржима қилиш усулларига тўхталиб, шундай хулосага келади: "таркибли от кесим грузин тилига содда феъл кесим бўлиб таржима қилинади, боғлама феъл вазифасида *become* келганида, предикатив вазифасида сифат ёрдамида ифодаланади. Қолган ҳолатларда таркибли кесим грузин тилига таркибли кесим бўлиб таржима қилинади" (3.13).

Тилларни қиёсий типологик жиҳатдан ўрганишнинг ривожланиш тарихига эътиборни қаратадиган бўлсак, жумладан, Ўзбекистон Республикасида инглиз-ўзбек, инглиз-ўзбек-рус, немис-ўзбек, немис-қорақалпоқ тилларини қиёсий ўрганиш фаол ривожланганининг гувоҳи бўламиз. Бунинг асосчиси Махмуд Кошғарий ҳисобланади. Атоқли тилшунослар Е.Д. Полинавов, А.А. Абдуазизов, Ж. Бўронов, Ў. Қ.Юсупов, М.А. Абдураззақов, М.Ж.Жусупов, М.Расуловлар бу соҳа ривожига катта ҳисса қўшишди. Жумладан, тилларни қиёсий ўрганишда муҳим натижаларга эришилди. Ж.Бўронов томонидан қиёсий тилшуносликнинг назарий асослари ишлаб чиқилган бўлса (1), Ў.Қ.Юсупов эса аниқ тиллар мисолида қиёсий-типологик лингвистиканинг назарий асосларини яратиб берди. (12.17-18)

Тилларнинг қиёсий таҳлили жараёнида Ў. Қ.Юсупов ўн саккиз параметрга эътибор бериш лозимлигини таъкидлайди (13.20-21).

Тил тизими турлича сатҳлардан иборат бўлишига қарамасдан, қиёсий типологик изланишларда тадқиқотчиларнинг диққат марказида гап асосий ўринни эгаллайди. Қиёсий таҳлил қилинаётган объектнинг тиллараро ҳар қиллиги гап қурилишида синтактик тизимнинг типологиясини алоҳида ажратишга ёрдам беради. Ушбу йўналишда синтактик маънони ифодаловчи элементларни таҳлил қилиш типологик қиёслашнинг муҳим жиҳатларини очиб беради.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкин: турли тизimli тиллар системасини қиёсий ўрганиш бир томонлама бўлса, иккинчи томони эса соф назарий лингвистик соҳасини қамраб олиш билан бирга амалий-услубий мақсадни ҳам ўз ичига олади ҳамда тадқиқот жараёни назария билан амалиёт ўртасида яқин боғланишни вужудга келтиради, айниқса, турли тизimli тилларни ўрганишда она тили билан чет тили ўртасидаги ўхшашлик ва ноўхшашлик томонларни инвентаризация қилиш чет тилини чуқурроқ ўрганишга ва тушунишга катта имконият яратади. Тилларни қиёсий ўрганишда бундай ёндашув методи тил ривожланишида, қиёсланаётган тиллар бир-бирини бойитишида ҳамда тиллараро алоқаларини, уларнинг қардошлиги ва қардош бўлмаган даражаларини атрофлича ўрганишга имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – Москва: Высшая школа, 1983.
- Гаджиева Н.З. Агглютинация как определяющий фактор развития синтаксической структуры тюркских языков // Проблемы языкознания. – Москва, 1967.
- Гергадзе Л.Д. Составное именное сказуемое в современном английском языке и его эквиваленты в грузинском. Автореф. дисс... канд. филол.наук. –Тбилиси, 1955.
- Курилович Е. Очерки по лингвистике. –Москва: Наука, 1963.
- Макаев Э.А. Сравнительно-сопоставительная и типологическая грамматика // Вопр.языкознания. – Москва: Наука, 1964, №1.
- Мейе А. Введение в сравнительное изучение индоевропейских языков. –Москва-Ленинград: Наука, 1938.
- Мещанинов И.И. Типологические сопоставления и типология систем// НДВШ, филолог.науки. –Москва, 1958.

- Милевский Т. Предпосылки типологического языкознания // Исследования по структурной типологии АН СССР. – Москва, 1963.
- Успенский Б.А. Структурная типология языков. – Москва: Наука, 1965.
- Фортунатов Ф.Ф. Сравнительное языкознание (общий курс). – Избран. труды. Т. I. – Москва: Наука, 1956.
- Храковский В.С. Некоторые проблемы синтаксической типологии // Acte Universites Carolinae-philologica, 1974.
- Юсупов У.К. Развитие сравнительного языкознания в Узбекистане. Қўёсий тилшунослик аъналар ва истиқбол. Проф. М.М. Нушаров хотирасига бағишланган республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Самарқанд, СамДЧТИ. -2006.
- Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Ташкент: Фан, 2007.
- Bazell C.E. Syntactic relations and Linguistic typology.–Longman, 1956.

ONA TILI DARSLARIDA “IJODIYLIK”, “IJODKORLIK”, “IJODIY TAFAKKUR” MASALALARI

p.f.n. X.Qurbonova

Insonda ijodiylikni tarbiyalash siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va metodik ahamiyatga molik masala sanaladi. Uning siyosiy ahamiyati shundaki, mustaqil fikrlaydigan shaxs ko'rib o'tilgan bironing fikriga ergashmaydi; u har bir masala haqida mustaqil fikrlab, hukm va qararlarni o'ziga qo'yib chiqaradi. Ijodiylikning ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati o'quvchining fikrlash jarayoniga kirishishi, har bir o'rganilayotgan til hodisasini “aql chig'irig'i”dan o'tkazishi, bilimning jamiyatga juda katta iqtisodiy manfaat keltirishi kabilarda namoyon bo'ladi.

Ijodiylik qadim zamonlardan beri mutafakkir-olimlarni qiziqtirib, kelgan masalalardan biri bo'lgan. Qomusiy olim Farobiy ijodiylik masalalariga to'xtalib: “...u shunday fazilatki, inson uni egallashi uchun boshqa hamma fazilatlarini ishga solishi kerak”, - deb ta'kidlaydi.

SHuni unutmashlik lozimki, ijodiy kashfiyotlar shaxsning intellektual iqtidori bilan bog'liq. Bu xususiyat badiiy asar muallifi uchun ham, kashfiyotlar qilayotgan olim uchun ham, o'quvchi uchun ham mushtarakdir. Ammo yozuvchi, shoir yoki olimning ijodkorligini o'quvchining ijodkorligi bilan tenglashtirib bo'lmaydi. Birinchisi yangi ixtirolar qilsa, ikkinchisi fanda ma'lum bo'lgan, ammo unga ma'lum bo'lmagan bilimlarni mustaqil fikrlash orqali egallashidan iborat. Bunda o'quvchi oldin egallagan bilimlariga tayanadi, noma'lumini o'zlashtirib topadi hamda tegishli hukm va xulosalar chiqaradi.

Ijodiylikni shartli ravishda ikki guruhga ajratish mumkin:

a) ilmiy ijodiylik; b) badiiy ijodiylik.

Ilmiy ijodiylikning ham, badiiy ijodkorlikning ham o'ziga xos xususiyatlari mavjud. Ilmiy ijodkorlikni akademik I. Pavlov ikkinchi signal sistemasi, abstrakt tafakkuri rivojlangan kishilarga xos xususiyat deb qarasa, badiiy ijodkorlikni birinchi signal sistemasi rivojlangan, moddiy borliqni badiiy did bilan ko'radigan kishilarga xos deb biladi. Ammo bu degani ularni qat'iy chegaralash emas. Ayrinm shaxslarda ham ilmiy ijodiylik, ham badiiy ijodiylik bir xil rivojlangan bo'ladi.

O'quvchining ilmiy ijodiyligi uning til hodisalarini o'rganish natijasida chiqaradigan bilim va xulosalari, ilmiy matnlar yaratishda (mas., “Nega kesim gap markazi?” “Ona tilini puxta o'rganish bizga nima beradi?” namoyon bo'lsa, badiiy ijodiylik moddiy borliqdagi o'ziga xos, voqea-hodisalarni nozik idrok qilish, uni badiiy did bilan tasvirlashda namoyon bo'ladi. Demak, ijodiylik shaxs kamolotining oliy ko'rinishi bo'lib, jamiyat bunday kishilarga hamisha katta ehtiyoj sezgan va shunday bo'lib qoladi.

O'zbek psixolog-olimi E. G'oziyevning fikricha o'quvchining yoshi 11-14 yoshga yetganda, ya'ni o'smirlilik davrida analitik-sintetik faoliyat jadal sur'at bilan rivojlana boshlaydi. SHuning uchun ularda sabab va natijani izohlash uchquni mustahkamlanib boradi. O'quvchi o'rganilayotgan materialning muhim belgilarini ajratishga, unumlashmalar hosil qilishga qodir bo'ladi. Demak, ijodiylikning birinchi belgisi ijodiy fikr olish sanaladi.

Ijodiylikning yana bir belgisi mahsulotning yangiligidir. O'quvchi dars jarayonida o'qituvchi kutmagan yo'ldan borishi, tasodifan yangi ijod mahsulini yaratishi, buni o'zi ham oldindan rejalashtirmagan bo'lishi mumkin. Yangi ijod mahsulini ko'proq "Nima uchun shunday?" degan muammoli savolga javob topa olishda, bir mavzuda turli-tuman matmlar yaratish kabilarda namoyon bo'ladi.

Keyingi yillarda ona tili o'qituvchilari ish faoliyatida topshiriqning qayta xotirlash, qisman izlanuvchanlik va ijodiy turlaridan unimli foydalanishga e'tibor kuchaydi. Ammo bu o'quv topshiriqlari o'rtasida mutanosiblik bo'lishi zarur. Agar ona tili darslari faqat qayta xotirlash xarakteridagi o'quv topshiriqlaridan iborat bo'lsa ijodiy izlanishga ehtiyoj qolmaydi. Agar o'quv topshiriqlari, asosan, ijodiylikka asoslangan, o'quv materialini tushunish ancha murakkablashadi. CHunki egallangan aloqador bilimlarni xotirada qayta tiklamay turib, yaratish, ijod qilish mumkin emas.

Ijodiy tafakkur avvalo, o'quv topshiriqlari orqali shakllanadi. SHu bois, maktab darsliklarida o'quv topshiriqlarining xarakteriga juda katta e'tibor qaratilgan. SHuni alohida ta'kidlash lozimki, ona tili darslarida ishga solinadigan o'quv topshiriqlarining asosiy qismini qisman ijodiy yoki ijodiy topshiriqlar tashkil etmog'i lozim.

Ijodiylikning yana bir muhim belgisi mustaqillikdir. Mustaqil ishlash, birinchidan, puxta, ko'nikma va malakalarni talab etsa, ikkinchidan, tafakkur va xotira bilan chambarchas bog'langan.

Demak, ona tili darslarida ijodiy tafakkur sohibini tarbiyalash har bir o'quvchida mavjud bo'lgan ijodkorlik, "men"lik xususiyatlarini tarkib toptirish, kognitiv – verbal ta'lim imkoniyatlarini ishga solish, uni etalon darajasi (Ta'limning maqsadiga muvofiq keladigan daraja)ga ko'tarish bilan bog'liq.

КОНЦЕПТ КЎЗ В УЗБЕКСКОЙ ЯЗЫКОВОЙ КАРТИНЕ МИРА

Б. Жўраев (ЎзДЖТУ)

Мақолада кўз концептининг ўзбек тилидаги умумий ва миллий-маданий хусусиятлари ҳақида баҳс юритилди.

В статье обсуждаются универсальные и национально-специфические характеристики концепта кўз в узбекском языке.

The article is devoted to universal and national features of the concept кўз (eye) in Uzbek.

В предлагаемой статье сделана попытка рассмотрения семантики концепта кўз (глаз) в узбекской языковой картине мира на основе применения теоретических положений когнитивной лингвистики.

Концепт кўз, прежде всего, ассоциируется с представлением об органе зрения у живых существ (тирик мавжудотнинг кўриш аъзоси). По определению Е. Куриловича, оно является главным значением, по Р. Якобсону, – инвариантом. Прототипическую когнитивную модель, по А. Вежбицкой, кўз1 составляют перцепты *тирик* (живой), *мавжудот* (существо), *кўриш* (зрение), *аъзо* (орган), *коса* (*чуқурча*) (впадина), *тешик* (отверстие), *қисм* (часть). Дискурсивную мотивированность кўз1 составляет множество признаков, описывающих инвариант. Они делаются на признаки формы, оценки, вида, признаки, связанные с функционированием органа, признаки его ориентации. Признаками, описывающими физические свойства кўз1, являются прилагательные

психообозначения, например, *қара* (черный), *күк* (голубой), оценочные прилагательные, например, *чирайли* (красивый), *хумор* (томный), *гилай* (косой), и др. Например, *күзлари қара-қари бола* (мальчик с черными глазами), *күк күз эдам* (человек с голубыми глазами), *қизнинг күзлари чиройли эди* (у девушки были красивые глаза). Релевантным признаком в реализации *күз1* является и признак принадлежности. Например, *күз сакеси* (глазница, глазная впадина), *күз соққаси* (глазное яблоко), *күз гавҳари* (кристаллик), *күз оқи* (белок глаза), *күз қорачиги*, *күз қораси* (зрачок), *күз ёши* (слеза), *ёши күзлари* (его глаза), *аёлнинг күзлари* (глаза женщины).

Күз1 оформляется также функциональными признаками, которые характеризуют способность части тела совершать определенные действия. Они выражаются глаголами движения и движения, направленного на глаза: *күрмоқ* (видеть), *илгамоқ* (увидеть), *қарамоқ* (смотреть), *тикилмоқ* (всматриваться), *яширмоқ* (прятать), *артмоқ* (вытирать), *аттимоқ* (обмахиваться), *силамоқ* (гладить) и т.п. Например, *ўз күзлари билан күрмоқ* (видеть своими глазами), *күзларини яширмоқ* (прятать глаза), *күзлари билан тикилиб қарамоқ* (смотреть пристально), *күзларини артмоқ* (вытирать глаза), *күзларини силамоқ* (поглаживать глаза) и т.п.

Как известно, человек, обладая уникальной когнитивной способностью, вторично воспринимает объекты реальности. При этом внимание акцентируется на перцептах образов объектов. Перцепты по своей сути являются имплицитными фактами, попавшими некогда в необозримую память человека. *Күз2*. *Назар*, *нигоҳ*; *қараш* (взгляд) актуализируется перцептом *күриши* (зрение), присутствующим и у *күз1*. Дифференциация *күз2* от *күз1* осуществляется при помощи перцептов *назар* (взгляд) и *нигоҳ* (взор). Модификация когнитивной структуры *күз1* приводит к появлению *күз2*. К отличительному признаку *күз2* относится объектная направленность действия, например, *күзлари унга тушди* (взгляд упал на него), *күз югуртмоқ* (пробежаться взглядом), *күздан қочирмоқ* (потерять из виду), *күздан кечирмоқ* (*ўтказмоқ*) (просматривать, пробегать глазами), *күзга чалинмоқ* (мелькать перед глазами, попадаться на глаза) и т.п. Компонентами зрительной ситуации выступают субъект зрительного восприятия, объект зрительной сцены и действие. Каждый из данных компонентов может быть описан с учётом таких параметров, как действие, агенсом или пациенсом которого он является, и признака, которым он обладает.

Перцепт *күз1* *күриши* (зрение) является основанием появления *күз3*. *Күриши қобилияти* (способность видеть). Когнитивную модель *күз3* составляют перцепты *қобилияти* (способность) и *күриши* (зрение). Главной отличительной стороной *күз3* от *күз1* является перцепт *қобилияти* (способность). Языковыми условиями актуализации является тип текста, где решающую роль играют признаки, влияющие на степень зрения. Например *күзи ўткир* (острый глаз), *күзи хира* (слабое зрение), *күзи ожиз* (слепой) и т.п. Например, *икки күзи ожиз* (он слеп на оба глаза), *күз ожизлиги* (слепота).

Кроме этого, присущими для *күз3* являются функциональные признаки, связанные со зрением. Например, *күзим ўтмайди* (у меня слабое зрение), *күздан қолмоқ* (ослепнуть зрением, ослепнуть), *күзни олади* (ослепляет глаза), *күз қучоли сиедирмаган* (*кўз йироқлар* (необозримые просторы), *күздан гойиб бўлмоқ* (исчезнуть из поля зрения, скрыться из вида), *күз нуруни тўкмоқ* (портить зрение (работая кропотливо, усердно над чем-л.)) и т.п.

В появлении *күз4*. *Нарсаларнинг бирор белги билан ажралиб турадиган* *маълум қисми* (определенная часть некоторых предметов с присущими им признаками) важную роль сыграла когнитивная метафора как эвристический инструмент при метафоризации базового перцептивного опыта. Перцепты *нарса* (предмет), *коса* (*чиқурча*) (впадина), *белги* (признак), *ажралиб турувчи* (отличающийся), *маълум* (определенный), *қисм*

(часть) служат базой когнитивной модели *кўз4*. К общим перцептам для *кўз1* и *кўз2* относятся *коса (чўжўрча)* (впадина), *кисм (часть)*, к отличительным – *нарса* (предмет), *белги* (признак), *ажралиб турувчи* (отличающийся), *маълум* (определённый). Оформление *кўз4* происходит при помощи признаков принадлежности. Например *дєразанинг кўзи* (отдельное стекло окна), *тахтанинг кўзи* (сучок на доске), *булоқнинг кўзи* (место, откуда бьёт родник), *яранинг кўзи* (отверстие нарыва, раны) и т.п.

Концептуализация перцептивных особенностей человека проявляется также в воплощении *кўз5*. Концепт *кўз* может характеризоваться глаголами состояния. Например, *кўзни қувонтиради* (радует глаз), *кўзи хурсанд бўлиб кетди* (глаз обрадовался), *кўзига ишонмади* (не поверил глазам) и т. п. В этом случае уместно говорить о перцепте *одам*, который обособляет *кўз5*. Например, *Иморат деворларининг гиштилари терилиб, қўтарилган сари, кўзни қувонтиради(А. Қаҳҳор, Қўшчинор)* (Числа бололарини сөг-омонлигини кўриб, кўзи хурсанд бўлиб кетди).

Анализ концепта *еуе* в английской и *кўз* в узбекских языковых картинах мира позволяет сделать следующие выводы:

1. Концепт *кўз* на лексическом уровне представлен большим количеством концептуальных признаков, что свидетельствует о сложной его структуре.

2. Структура концепта *кўз* в узбекской языковой картине мира указывает на наличие универсальных и специфических сторон. По мнению В. фон Гумбольдта, «разные языки – это не различные обозначения одной и той же вещи, а различные видения её»(1, 183), что определяет присутствие в обоих языках национально-специфических сторон.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

6. Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. – М., 1984.

МАКТАБДА ЛУГАТ БИЛАН ИШЛАШ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Б.Баҳридинова (ҚаришДУ)

Илмий лингвистик адабиётлар ичида лугатлар ўзига хос ўринга эга бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши милоддан олдинги асрларга бориб тақалади. Лугатчилик тарихи бўйича изланишлар олиб борган мутахассислар илк лугат намуналарининг мактаб учун яратилганлиги, барча умумий лугатлар ибтидоий мактаб лугат-дарслиklarининг такмиллашган кўриши эканлигини тасдиқлайди¹.

Лугатлар нафақат тиллараро муносабатни таъминлаш, балки муайян тилнинг грамматик қурилишини тадқиқ қилиш, тил меъёрларини белгилаш, жамият аъзоларининг миллий тафаккури, нутқ бойлигини ўстириш, ижтимоий-сиёсий онгли шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Лугатларнинг таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омили эканлиги жаҳоннинг қатор илгор давлатларида XIX аср ўрталаридаёқ тан олинган ва замонавий мактаб ҳамда профессионал фаолиятда асосий ўрин тутар эди.

Кейинги йилларда нафақат она тили ўқитишда, балки, умуман мактаб таълими - адабиёт, тарих, биология ва бошқа фанларни ўқитишда лугатларга тез-тез ишора қилинаётганлиги, қолаверса, она тили ўқитишнинг зарурий воситалари сирасига дарслиklar билан бир қаторда лугатларнинг киритилиши² бизда ҳам лугатларга бўлган эҳтиёжнинг ортаётганлигидан далолат бермоқда. Мактабда лугатчиликка доир мавзулар, асосан, «Лексикология» бўлими таркибида 5-синфда ўқитилади. Лугат ва

¹ П.Н.Денисов. Об универсальной структуре словарной статьи. – В.кн.: Актуальные проблемы учебной лексикографии. Сост. В.А.Редкин. М., «Русский язык», 1977., 320 с. - С-208.

² Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури. Она тили. Адабиёт. «Таълим тараккиёти». 1-максус сон. -Т.: Шарқ, 1999. -Б.55-145. - 304 б.

лугатшунослик терминларига ўқувчининг ёш хусусиятига мувофиқ содда шакл берилади ва «У ким? Бу нима?» болалар энциклопедияси, «Ўзбек тилининг лугатшуносликдан парчалар берилади, шунингдек «Ботаника» дарслигига ягона қилинган ўсимликлар рўйхатини лугат дейиш мумкин ёки мумкин эмаслиги хусусида фикрлари «ўралади». Юқори синфларда ҳам кўп ўринларда лугатга мурожаат қилиб «чиш тил» дегилган топшириқлар учрайди. Таълимнинг кейинги бўғини – академик лицей, касб-хунар коллежларида маълумотлар таълим йўналиши билан боғлиқ ҳолда махсуслаштириб боради. Хусусан, академик лицейларнинг 2-босқич талабалари учун чиқарилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (А.Нурмонов, А.Собиров ва б. 2002 й) дарслигида лугатчиликка доир мавзулар мактабдан фарқланиб, лексикология бўлими таркибида эмас, алоҳида бўлим тарзида анча чуқурлаштириб ўқигилади. Мавзу уч дарсга мўлжалланиб («Ўзбек лексикографияси (лугатшунослиги). Энциклопедик лугатлар ва улардан фойдаланиш», «Филологик лугатлар ва уларнинг типлари. Изоҳли лугат. Таржима лугат. Улардан фойдаланиш», «Имло лугати ва этимологик лугат ҳамда ундан фойдаланиш») батафсил маълумот олишга қаратилади.

Ўқувчи олган билимларини узлуксиз таълимнинг кейинги бўғинларида ўқишни давом эттириш учун синовдан ўтаётган даврида қўллайди. Олий ўқув юртига кирувчилар учун тузилган саволларнинг аксариятида абитуриентнинг лугат бойлиги, сўз захирасини текшириш, имло, бадий асарларда қўлланган тарихий сўзлар, диалектизмлар ва шунга ўхшаш тилимизда мавжуд лексемалардан хабардорлик даражаси, умуман, нафақат ёзма, балки оғзаки саводхонлигини аниқлаш бош мезон қилиб олинган. Ўз ва ўзлашма қатламга мансуб шаклдош сўзларни ажратиш (палата, налла, оқибат, раста, банда, сандал, пилла ва х.), улар орасидаги кўчма маъноларга эга бўлган шаклдош-кўп маъноли сўзларни фарқлаш (кеч, палла, банд, панд, оқламок, битмок), талаффуздош сўзларни ёзувда ва талаффузда фарқлаш (нуфуз-нуфус, ёд-ёт, бод-бот), маънодош сўзлардаги маъно нозикликларини аниқлаш, жуфтликлардаги имлоси бузилган қисми топиш (аксиз-аксис, хат-хат, Дамас-Дамаз) ва бошқа шу каби топшириқларни бажариш самарадорлиги ўқувчининг ўз она тилиси лугат бойлигини қай даражада ўзлаштиргани, ўз устида мустақил ишлаши билан белгиланади.

Дарслик ҳамма нарсани қамраб ола олмайди. Хусусан, амалдаги дарсликлар когнитив технологияга асосланган бўлиб, мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантирувчи таълим воситаси ҳисобланади. «Когнитив таълимда дарсликлар фақат системавий изчилликка эга топшириқлар тизимидан иборат бўлиб, ўқувчини ана шу топшириқларни ўқитувчи назоратида бажарувчи, изланувчан ва фаол субъектга айлантиради»². «Жаҳоннинг илгор давлатлари ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб ретроскопик таълимдан когнитив таълим усулига ўтиб олди ва умумтаълим мактабларининг «Она тили» ўқув предметидан бугун амалда бўлган дастур ҳам шу усулда тузилган. Когнитив таълим усулининг ретроскопик таълим усулидан асосий фарқи ва ўқувчини таълим объектидан ўрганиш субъекти даражасига кўтарувчи омили ўқув материалининг дарслик материалидан бир неча марта ҳажман катталигидир. Бошқача айтганда, дарслик маълум бир мавзудан зарурий назарий маълумот ва таълим субъекти бўлган ўрганувчи томонидан уни ўзлаштириш алгоритмини беради, ҳелос. Бунинг учун ўқувчи зарурий маълумотни ахборот банклари – она тили хазиналари – лугат, қомус ва бошқа манбалардан олади»³. Келажакда она тили дарсликлари тараккий эга бориб, аста-секинлик билан улар негизда алгоритмик дарсликлар

¹ Она тили: 5-синф. Н.Маҳмудов, А.Нурмонов ва б. Т.: «Маънавият», 2007. – 224 б. Б.-196-197.

² Меъгияев Б. ва бошқ. Она тили таълимининг долзарб вазифалари. «Маърифат», 2008 й. 17 май

³ Г.Неъматова, З.Юнусова. Она тили таълимида дарслик ва ўқув материали. Ўзбек тили доимий IX анжумани мат. Т.: 2007 й. 287 б. Б.-109-110.

яратилиши купилмоқда. Бу дарсликларимизнинг жаҳоннинг илгор давлатларидаги таълим воситаларига тенглашиб, такомиллашиб бораётганидан далолат бермоқда.

Ўзбекистонда, айтилганидек, лугатлар ана тили таълимнинг зарурий воситалари сирасига киритилди, дарслиklar ўқитишнинг замонавий технологияларига асосан яратилди. Бирок ҳали дарсликка кўмакчи ахборот банклари - ўқув лугатлари, ўқувчида улар билан ишлаш кўникмаси, маданиятини шакллантиришга хизмат қилувчи ёрдамчи воситалар яратилганича йўқ. Ваҳоланки, таълим тараққий этган давлатларда бу масала ўтган аср бошларидаёқ кун тартибига қўйилган ва ўз ечимини топган эди¹. Бу ўзбек тилшунослиги ва она тили ўқитиш услубиёти фанлари олдида мактаблар учун мўлжалланган ўқув лугатлари ва улар устида ишлаш услубларини яратиш, «ўзбек миллий тили корпуси»²ни тузиш - компьютер лингвистикаси тармоқларини ривожлантириш талабларини қўймоқда. Инглиз, немис, француз, рус, испан тилшунослигида «ўқув лугатчилиги» лексикологиянинг бир тармоғи сифатида яқингача ўқув лугатларини тузиш тамойилларини ишлаб чиқиш, лугатларни яратиш ва илмий тадқиқ қилиш билан шуғулланган бўлса, эндиликда яратилган лугатларни такомиллаштириш, электронлаштириш, компьютер лингвистикаси - корпус лингвистикаси тармоқлари ривожини учун хизмат қилмоқда³.

¹ Карант: А.В.Текучев, Б.Т.Панов. Грамматико-орфографический словарь русского языка; В.А.Редкин. Актуальные проблемы учебной лексикографии. М.: Русский язык. 1977, 320 с.; В.Г.Гак. Общие вопросы учебной лексикографии. М.: Русский язык. 1977, с.11-27.; В.В.Морковкин. Учебная лексикография как особая лингвометодологическая дисциплина. М.: Русский язык. 1977, С.28-45; В.Н.Сергеев. Словари наши друзья и помощники. М.: Просвещение. 1984.-143 с.; Вопросы учебной лексикографии. Под ред. П.Н.Денисова, Л.А.Новиков. МГУ, 1969.; З.А. Потиха, Д.Э.Розенталя. Лингвистические словари и работа с ними в школе. М.: Просвещение. 1987.-128 с.; М.А.Скопина. Проблемы отбора лексического материала в учебной лексикографии. Канд... дисс. М.: 1975.; Н.М.Шанский, Е.А.Быстрова. Лексико-фразеологическая система и учебные словари русского языка для национальной школы. М.: Русский язык. 1977, С.110-121; П.Н.Денисов, В.В.Морковкин. Проблемы учебной лексикографии. М.: МГУ, 1977.; П.Н.Денисов. Очерки по русской лексикологии и учебной лексикографии. МГУ, 1974.; Р.А.Будагов. Толковые словари в национальной культуре народов. М.:МГУ. 1989.-151 с.; С.Г.Бархударов, Л.А.Новиков. Какие должен быть учебный словарь? РЯЗР. 1971, №3; Миртов А.В. Методика преподавания русского языка в узбекской школе; Л.А.Янкова. учебный словообразовательный словарь русского языка и его использование в национальной школе. Канд.дисс. М.,1973.; Единый словарь минимум русского языка для национальной средней школы; А.Жуков. Школьный фразеологический словарь русского языка. М.: Просвещение, 1965.; З.А.Потиха. Школьный словообразовательный словарь. М.: Просвещение, 1964.; М.Р.Львов. Школьный словарь антонимов русского языка. М.: Просвещение, 1967.; М.С.Лапатухин и др. Школьный толковый словарь русского языка. М.: Просвещение, 1965.; Н.А.Тихонов. Школьный словообразовательный словарь русского языка. М.: Просвещение, 1967.; Н.В.Одинцов и др. Школьный словарь иностранных слов. М.: Просвещение, 1969.; A.S.Hornby. Oxford Advanced Learner's Dictionary of Current English. 2nd ed. L., 1974; G.Gougenheim. Dictionnaire fondamentale de la langue française. P., 1964; Diccionario ilustrado básico Sopena, idiomático y sintáctico. Barcelona, 1970.; Johnson S.The plan of a dictionary. L., 1747, p.4-5.; Dubois J. Dictionnaire et discours didactique. - "Langages", P., 1970, p. 41-42

² Б.Менглиев ва бошқ. Миллий тилшунослик мустақил ривожланиш йўлида. «Маърифат», 2008 йил 21 май.

³ Карант: Красимира Петрова. Софийский университет им. Св. Климента Охридского, Болгария. Ассоциативные словари и WordNet. BalkaNet 2003; Азарова И.В., Митрофанова О.А., Синопольникова А.А. Компьютерный тезаурус русского языка типа WordNet. Гельфенбейн И.Г., А.В. Гончарук, В.П. Лехельт, А.А. Липатов, В.В. Шило. Автоматический перевод семантической сети WORDNET на русский язык. Караулов Ю.Н., Ю.А. Сорокин, Е.Ф.Тарасов, Н.В.Уфимцева, Г.А.Черкасова, Кн.1-4. М., 1994-1998: Русский ассоциативный словарь: Fellbaum Cristiane (Ed.), WordNet: An Electronic Lexical Database. The MIT Press, Cambridge, London, England, 1998; Miller G.A., R.Beckwith, C.Fellbaum, D.Gross and K.J.Miller. Introduction to WordNet: an on-line lexical database. In: International Journal of Lexicography 3, 1990, Revised August 1993 - accessible at <http://ftp.cogsci.princeton.edu/pub/wordnet/Spapers.ps>; Nikolov T., K.Petrova. Building and evaluating a core of Bulgarian WordNet for nouns. OntoLex'2000. Workshop on Ontologies and Lexical Knowledge Bases. Supported by Bulgarian Academy of Sciences. Sept. 8-10, 2000: Sozopol, Bulgaria. (under print); Nikolov T., K.Petrova. Towards Building Bulgarian WordNet. Euroconference

Ўзбек луғатчилиги сўнгги йилларда анча ютуқларни қўлга киритди. Луғат алоқамиз салмоқли луғатлар – «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ва шу каби манбалар билан бойиди. Бироқ мактаб ўқувчиси, тилнинг 5-синфда луғат билан боғлиқ мавзу устида ишлаётган ўқувчи, бу луғатларни, биринчидан, ёнида олиб юра олмайди, иккинчидан, ҳажман катта бўлгани учун зарур маълумотни тезда излаб топа олмайди. Мазкур луғатлар умумлексикографик хусусиятга эгаллиги боис, уларни тузишда ўқувчининг ёш хусусиятлари эътиборга олинмаган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўзбек мактаб луғатчилигини ривожлантириш учун луғатларини яратиб, улар билан ишлаш қўникмаларини шакллантириш бугунги кунда тилшунослигимиз олдида турган хал этилиши кечиктириб бўлмайдиган масаланирдан биридир. Чунки глобаллашув даврида ёш авлодни маънавий баркамол, интеллектуал қадриятларга содиқ қилиб тарбиялаш талаби ўқув луғатлигига бўлган эътиборни оширмоқда. Ялпи ахборотлашув, техника асрида болаларни китобга жалб қилиш осон кечмайди. Ўқувчи керакли маълумотни тез ва қулай топиш йўлларини излаб, ўқув луғатлари эса унинг ёши, қизиқишлари, дунёқарашига мос тузилиб, эътиборини торта олади.

ЎЗБЕК, ИНГЛИЗ ВА РУС ТИЛЛАРИДА КЕСИМНИНГ ИФОДАЛАНИШИ ф.ф.н. Н.Юлдошева (ҚаришДУ)

Миллий мустақиллигимиз, бир томондан, миллийлик яққол намоён бўладиган, миллиятнинг ойнаси¹ сифатида эътироф этилган она тилимизни унинг ўз ички қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ қилиш учун кенг имкониятлар эшигини очди. Иккинчи томондан эса, она тили таълими жараёнида грамматик қурилишнинг ўнги қослиги асосида ёш авлодда миллий тафаккурни ўстириш учун кучли замин қозиради.² Профессор Н.Маҳмудов айтганидек, истиқлолга қадар “ўзбек тили масалаларини рус қолипларига солиб тушунтириш”³ мажбурий эди. Бу нафақат ўзбек тили, балки барча туркий тилларга муносабатда ҳам кўзга ташланар эди³.

Ҳар бир миллий тилнинг ўз қонуниятлари, миллий хусусиятлари мавжуд. Шунинг учун тилнинг онтологик табиати масалаларига миллийлик асосида ёндашиш, тили миллий тилнинг ўз ички қонуниятларини, хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёритиш, таҳлил этиш лозим. Зеро, дунёда турли-гуман халқлар бўлгани каби уларнинг оқиди, гапи ҳам турличадир. Масала, туркий тиллар гуруҳига кирувчи ўзбек, қозок, қирғиз тилларидаги гапнинг синтактик қурилиши Хинд-Европа тиллари гуруҳига кирувчи рус, инглиз ва немис тилларидаги гап қурилишидан тубдан фарқ қилади. Туркий тилларда гапнинг маркази сифатида кесим олинади ва у грамматик жиҳатдан

Recent Advances in Natural Language Processing. Proceedings. Ed. G. Angelova, K. Bontcheva, R. Mitkov, M. Nikolov, N. Nikolov, Tzigov Chark, Bulgaria, 5-7 September, 2001, pp.1999-2003; Petrova K. Bulgarian WordNet as a source for (psycho)linguistic studies. Litora psycholinguistica, Sofia 2002, 339-344.; Totkov G., Borovetz P., Riskov Iv. Automated Improving and Forming WordNet Synsets on Conventional (non computer based) Synonym and Bilingual Dictionaries. - accessible at <http://www.dialog-21.ru/Archive/2003/Totkov.htm>; Yusuf Piek. WordNet, EuroWordNet, Global WordNet. In: International conference RANLP: Recent Advances in Natural Language Processing. Tutorials. Borovetz, Bulgaria, 7-9 September, 2003)

¹ Сайфуллаева Р., Джумабаева Ж. Ўзбек тили синтаксис масалалари // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2006. – Б. 204. Бу ҳақда яна қаранг: Умумий ўрта таълим давлат стандартлари ва ўқув дастурлари. Она тили. Адабиёт. Ўзбек тили // Таълим гараккиёти. 1999 й.

² Сайфуллаева Р.

Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. – №4. – Б. 5.

³ Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. – М. Л., 1948. – С. 244.

шаклланганлиги учун якка ўзи гап бўла олади. Инглиз, немис, рус тилларидаги гаплар «икки чўққили» бўлиб, уларда эганинг ифодаланиши кўп ҳолларда шарт. Чунки бу тилларнинг кесими яхлит ҳолда, бир ўзи келганда, гап ҳосил қилмайди. Шунингдек, мазкур тиллардаги гапларнинг кесимида замон, шахс-сон, майли ифодаловчи махсус морфологик кўрсаткичлар ўзбек тилидагидек ривожланмаган.

Солиштиринг: I am a student – Я - студент - Мен талабаман

Ўзбек тилида *Мен талабаман* гапидаги кишилик олмоштини тушириб қолдирилса ҳам, у гаплик моҳиятини йўқотмайди.

Солиштиринг: a student – студент - талабаман

Ўзбек тилида кесимлик шакли бошқа морфологияларнинг бирикувидан ҳосил бўлади. Бошқача айтганда, «кесимлик категорияси кесимлик вазифасини биргаликда қарор топтирувчи шахс-сон, замон, тасдиқ-инкор, майл категориялари синтездан иборатдир»¹. Морфологик шакллардан фақат кесимлик категориясининга гапнинг моҳиятига тегишли бўлганлиги сабабли усиз гап шаклланиши мумкин эмас. Кесимлик категорияси ривожланган ўзбек тилидагидан фарқли ўлароқ, инглиз тилига хос гапларда гап доимо эга билан ифодаланиши шарт.

I read. I write. He went.

Ўзбек тилида эса кесим шахс-сон жиҳатдан мукамал шаклланганлиги учун у эгасиз ҳам гап ҳосил қилаверади. Масалан: *Талабаман* ва *Мен талабаман*. гаплари орасида эга ҳақида денотатив ахборот узатишда ҳеч қандай фарқ йўқ.

Ҳинд-Европа тиллари гуруҳига кирувчи рус, инглиз тилларида ҳам кесим ўзбек тилидагидек қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра иккига бўлинади: 1. От-кесим. 2. Фёъл -кесим.

Худди шунингдек, «ўзбек тилида от, сифат, сон еки бошқа сўз туркуми билан ифодаланган кесим предикативликнинг шахс-сон кўрсаткичини қабул қила олади ёки предикатив сўзлар орқали ифодалайди, шунинг учун улар эгасиз гапда ҳам кесим вазифасини бажара олади. Аммо рус тилида эса отлар предикативлик кўрсаткичига эга бўла олмайди, шунинг учун предикатив отлар эга билан келгандагина кесим вазифасини бажара олади»². Бу ҳолатни куйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

He became an engineer - У инженер бўлди.

Я писатель - Ёзувчиман.

Ўзбек ва рус тилларида кесим ўзига хос грамматик хусусиятларига ҳам эга. Ўзбек тилида кесим содда ва гаркибли бўлиб, турли кесимлик кўрсаткичлари билан шаклланади. Юқорида таъкидланганидек, кесим вазифасида келган сўзларда шахс-сон, модаллик ва замон кўрсаткичлари бўлиши лозим.

Ўзбек тилида от-кесимдан иборат гаплар ҳам мавжуд. Бу от-кесимларда бирлик ва кўплик, шахс қўшимчалари шахс маъноларини ифодалаши билан бирга, ҳозирги замон маъносини ҳам ифодалайди.

Масалан, *Тадбирқорман. Ўттизданман.*

Ўзбек тили синтактик қурилишида от-кесимлар ҳам, фёъл-кесимлардаги каби эгали ёки эгасиз қўлланиши мумкин. Рус тилида эса, айтиб ўтганимиздек, отларга қўшиладиган предикатив шахс-сон қўшимчалари йўқлиги туфайли бу тилда «отнинг

¹ Қурбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. – Тошкент, 2002. – Б. 60.

² Азизов О. Ўзбек ва рус тилларининг киёсий грамматикаси. – Тошкент, 1994. – Б. 200.; Бўронов Ж., Юсупов У., Ирискулов М., Соҳижов А. Инглиз, ўзбек ва рус тиллари грамматик структураси: (Олий ўқув юртлири учун). – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – 312 б.

Уш мустақил ҳолда маълум бир морфологик курсаткич ёрдами билан кесимга айлана олмайдди. У фақат эга билан келиб, кесим вазифасини бажариши мумкин».¹ Масалан,
Тадбиркорман - Я бизнесмен.

Ҳан асосига олинган кесимнинг мавқеи ҳақида сўз кетар экан, А.А. Дмитриевскийнинг куйидаги фикрларига таяниш лозим: «Сказуемое – есть неотрениченный властитель, царь предложения; если есть в предложении кроме него другие члены, они ему строго подчинены, от него получают свой смысл и значение; если их нет, даже подлежащего, сказуемое само собой достаточно выражает мысль и составляет целое предложение. Само предложение есть ни что иное, как сказуемое одно или с приданными ему другими членами»².

Демак, ўзбек тилидаги гапларнинг лисоний сатҳдаги энг кичик қурилиш қолипи [WP_m] шаклида бўлса, Ҳинд-Европа тилларида гапнинг минимал қолипи [S-P] тартидадир. Шунга асосланиб, ўзбек тилида йиғиқ гапнинг энг кичик қурилиш қолипини [WP_m] шаклида бериш мумкин. Бу эса ўзбек тили ва Ҳинд-Европа тиллари орасидаги асосий типологик ҳамда миллий фарқлардан ҳисобланади.

Адабиётлар:

Азизов О. Ўзбек ва рус тилларининг кнсий грамматикаси. – Тошкент, 1994. – Б. 200.

Бўронов Ж., Юсупов У., Ирискулов М., Содиков А. Инглиз, ўзбек ва рус тиллари грамматик структураси: (Олий ўқув юртлари учун). – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – 312 б.

Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини. – Тошкент: Фан, 1994. – Б. 8.

Сайфуллаева Р., Джумабаева Ж. Ўзбек тили синтаксиси масаллари // Тилшуносликнинг долзарб масаллари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2006.

Б. 204. Бу ҳақда яна қаранг: Умумий ўрта таълим давлат стандартлари ва ўқув дастурлари. Она тили. Адабиёт. Ўзбек тили // Таълим тараққиёти. 1999 й. 1-махсус сон.

Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001. – №4. – Б. 5.

Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. – М. Л., 1948. – С. 244.

Курбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. – Тошкент, 2002. – Б. 60.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ФУНКЦИОНАЛЬНОЙ ТОЧНОСТИ ПЕРЕВОДА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ГРАММАТИЧЕСКИХ ТРАНСФОРМАЦИЙ В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ

С.А. Зияева, к.ф.н., доцент (УзГУМЯ)

Происходящие в нашей стране перемены затрагивают непосредственным образом сферу обучения иностранным языкам. Появилась настоятельная необходимость по-новому взглянуть на процесс обучения. Необходимость владения иностранным языком осознается все большими слоями общества, так как зарубежные контакты не только расширяются, но и углубляются.

Научно-техническая революция, охватывающая все новые области жизни, и связанные с ней международное сотрудничество наук и другие важнейшие явления

¹ Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини. – Тошкент: Фан, 1994. – Б. 8.

² Дмитриевский А.А. Практические заметки о русском синтаксисе. Два ли главных члена в предложении? Филол. з. 1987. Вып. IV. - С. 23.

цивилизации приводят к небывалому развитию всякого рода контактов между государствами и другими разноязычными обществами людей. В этих условиях чрезвычайно возрастает роль перевода как средства, обслуживающего экономические, общественно-политические, научные, культурно-эстетические и другие отношения народов.

Переводческая деятельность в современном мире приобретает все большие масштабы и все большую социальную значимость. Профессия переводчика стала массовой, и во многих странах созданы специальные учебные заведения, готовящие профессиональных переводчиков. В той или иной форме переводами занимаются и представители многих других профессий. Вопросами перевода интересуются широкие круги общественности.

Перевод - это комплексный процесс. Для правильной и точной передачи мысли подлинника нужно не только найти в языке перевода самые подходящие слова, но и облечь их в соответствующую грамматическую форму.

Между грамматическими системами немецкого и узбекского языков существует немало расхождений, которые в процессе перевода диктуют определенные преобразования грамматических ценностей исходного языка с целью обеспечить функциональную точность перевода.

К этому еще примешиваются в большинстве случаев и стилистические факторы, которые никак нельзя сбросить со счетов. Перевести - значит выразить правильно и полно средствами одного языка то, что уже выражено ранее средствами другого языка.

Переводчик всегда имеет дело с конкретными предложениями, в которых лексическое и грамматическое тесно переплетаются, образуя сложное единое целое.

При переводе не менее важным является учет грамматического значения языковой единицы. Иногда создается впечатление, что лексические и грамматические значения отличаются друг от друга по своей природе, по своему содержанию. На самом деле, это не так. Как подчеркивал в свое время А.И. Смирницкий, значения лексические и грамматические отличаются друг от друга прежде всего способом выражения. Из этого следует, что значения, являющиеся лексическими в одном языке, то есть выражаемые в нем через словарные единицы, в другом языке могут быть грамматическими, то есть выражаться «не словарными средствами» и наоборот. Не следует и недооценивать те трудности, которые возникают при переводе в результате расхождений в грамматическом строе языков. Например, между немецким языком и узбекским имеются существенные расхождения в области их грамматического строя, так как они относятся к различным группам языков (германской и тюркской). Даже грамматические категории, казалось бы, идентичные в обоих языках, на самом деле по объему своих значений и функциям никогда не совпадают полностью.

При переводе важно уметь выявить смысловой центр предложения - ремю, которая отражает ядро высказывания, то новое, что несет в себе предложение. При одной и той же синтаксической структуре предложения смысловой центр может оказаться различным. В немецком языке существуют различные средства для выделения ремы: неопределенный артикль, порядок слов, категория залога глагола, интонационное выделение. При этом может измениться структура предложения.

Чтобы текст перевода с максимально возможной полнотой передавал всю информацию, заключенную в исходном тексте, необходимо использовать многочисленные и разнообразие межъязыковые трансформации: перестановку, замену, добавления, опущения (Л.С. Бархударов).

Перестановка касается, прежде всего, порядка слов в простом предложении, изменения следования главного и придаточного предложения, следования членов

предложения в зависимости от коммуникативного членения предложения. Необходимо уже с первого курса выработать у студентов навык использования механизма перестановки в случае необходимости темы и ремы, т. е. чего-то данного, известного и нового неизвестного, средством выражения нового и данного, в первую очередь, определенный (неопределенный) артикль и интонационный рисунок предложения: *Die Firma „Volkswagen“ (tema) hat ein neues Automodell (rema) vorgestellt. Ein neues Automodell hat die Firma „Volkswagen“ vorgestellt.*

Замены – наиболее распространенный вид переводческой трансформации. В процессе перевода замены могут подвергаться как грамматические единицы – формы слов, части речи, члены предложения, типы синтаксической связи, так и лексические. Также могут подвергаться не только отдельные единицы, но и целые конструкции, представляющие так называемые комплексные лексико-грамматические замены: *Der Text ist zu ьbersetzen. – Der Text kann ьbersetzt werden.*

Добавления в процессе перевода могут быть вызваны синтаксической перестройкой структуры предложения, в ходе которой иногда требуется ввести в предложение те или иные элементы. Так, для выражения модальности предположения могут выступать модальные глаголы, которые при этом теряют свое семантическое значение: *Er muss sehr beschцftigt sein, denn er lцsst sich nirgendwo sehen.* В данном случае подчеркивается степень уверенности, подкрепленная контекстом. Таким образом, нередко лексические добавления обуславливаются необходимостью передачи в тексте перевода значений, выражаемых грамматическими средствами.

Опускание – явление противоположное добавлению. При переводе опускаются чаще всего слова, являющиеся семантически избыточными. В процессе перевода нужно стремиться опускать более громоздкие фразы, везде, где это возможно в пределах языковых и стилистических норм. Так, вместо придаточного времени можно употребить временные словосочетания: *Wir saBen im Wartesaal, bis der Zug angekommen war. = Wir saBen im Wartesaal bis zur Ankuft des Zuges.*

Таким образом, лексическое преобразование сопровождается грамматическим. Именно такой сложный, комплексный характер переводческих трансформаций делает перевод столь сложным и трудным делом.

Итак, единицей перевода может быть единица любого языкового уровня. При этом надо подчеркнуть, что в пределах одного и того же текста единица перевода постоянно меняется: ею оказывается то слово, то словосочетание, то целое предложение. Одна из основных трудностей перевода заключается именно в умении в каждом конкретном случае отыскать единицу перевода, которая может лежать на любом языковом уровне.

Для того, чтобы языковые явления усваивались студентами с учётом взаимодействия всех уровней языковой системы в речи и их употреблением в конкретных ситуациях общения, прежде всего, необходимо обратить внимание на собственно языковые принципы обучения.

Процесс обучения иностранному языку должен отвечать главному требованию коммуникативности: при отборе материала исходить из реальной роли языковых единиц в естественной коммуникации, их системных связей и соотношений.

Использованная литература

- 1 Бархударов Л.С. «Язык и перевод». Вопросы общей и частной теории перевода. Изд. Международные отношения. М. 1975. С.239.
- 2 Смирницкий А.И. Лексическое и грамматическое в слове // Вопросы грамматического строя. М.: АН СССР, 1955, с. 11—53.

АЖРАТИЛГАН КЕНГАЙТИРУВЧИЛАР

ф.ф.н. Садуллаева Н.А. (ЎЗМУ)

Инглиз анъанавий тилшунослигида дастлаб синтактик алоқанинг икки турни ажратилган. Сунгра эса бу икки турга (тенг ва нотенг - сочинение и подчинение) учинчи тур - "предикатив" (Л.С.Бархударов) ёки "социатив-предикатив" (А.М.Мухин) алоқа киритилди. "Предикатив" алоқа атамаси ўрнига Л.Ельмслев "взаимозависимость" (мувофиклашув) терминини киритди. Шу тарика синтактик алоқа қатори "тенглангиш - тобеланиш - мувофиклашиш"дан иборат бўлди. Бу қатор кейинчалик аккумулятани алоқа билан тўлдирилди. Ишимиздан мақсад инглиз тилида қайд этилган синтактик алоқа турларини таҳлил этиш эмас, балки уларнинг қандай синтактик жараёнларини вужудга келтиришини ўрганишдир. Шулардан бири бизни қизиқтирган ажратилиш жараёнидир. Бунга қуйидагича таъриф берилган (мазмунни тула сақлаш мақсадиди таърифни манба тилида берамиз): "обособление - синтаксический процесс выделения, обычно с целью смыслового подчеркивания, члена предложения или группы члена предложения, достигаемый (в устной речи) просодическими средствами, прежде всего паузацией: ...

Процесс обособления, как правило, распространяется на синтаксические элементы зависимой природы, обычно конструктивно не значимые. Их отсутствие не сказалося бы на грамматической и семантической отмеченности предложения. Тем больший эффект их улотребления после паузы."¹

Ажратилган бўлакнинг хусусий қўриниши сифатида парцелляция кўрсатилган. "Частным видом обособления является парцелляция, при которой обособленный элемент выделяется в отдельное предложение: ..."²

Анъанавий тилшуносликда "ажратилган бўлак" деб номланган ҳосилга ҳамми тилшунослар ҳам бўлак сифатида қарамайдилар. Баъзилар синтактик жараёнлардан бири, айримлар услубий восита (прим), яна бирлари инверсиянинг бир қўриниши деб таҳлил қиладилар. И.Р.Гальпериннинг фикрича ҳам, "... обособление - это прим, который влечет за собой логическое выделение одной части высказывания в связи с местом, которое занимает это высказывание в предложении, местом, которое приводит к разрыву обычных синтаксических связей между частями высказывания. Этот разрыв предполагает соответствующее интонационное оформление и вызывает, соответственно, дополнительные смысловые оттенки вплоть до значительно большей степени предикации в самом содержании высказывания."³ Шунингдек, ажратилган бўлақлар инглиз тилида инверсияга жуда ҳам ўхшашлиги қайд этилади. Инверсия ва ўхшатиш орасидаги умумийлик қуйидагиларда кўринади: а) структур-синтактик жиҳатидан; б) стилистик-маъновий жиҳатдан. Инверсия каби ажратилган бўлақлар гапда ўрнатилган синтактик алоқани бузган ҳолда айрим бўлақларни оҳанг ёрдамида ажратиш кўрсатади. Гапда ажратилган бўлак бошқаларига нисбатан ифодалаётган ҳосиланинг кўпроқ томонларини кўрсатишга муваффақ бўлади. Гап бўлаги, сўз бирикмаси ва гаплар ҳам ажратилиши мумкин. Баъзида ажратилган бўлақлар алоҳида услубий вазифани бажаради, яъни ўзиники бўлмаган муаллиф гапини киритади.⁴

Инглиз тили мутахассисларининг фикрича, эргаштирувчи боғловчилар сўзлар бирикмаларида эргаш гапли қўшма гапга нисбатан анча кам учрайди. Улар гап таркибига уюшиқ, уюшиқ бўлмаган гап бўлақлари ва ажратилган бўлақларни, масалан,

¹ Иванова И.П., Буракова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. -М.: Высшая школа, 1981. - С.228.

² Юкоридаги асар. - Б.228.

³ Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка. -М.: Лит.иностр язык, 1958. - С.192-194.

⁴ Юкоридаги асар. - Б.192-194.

when, while боғловчилари сифатдош оборотларини киритади: *Bagshaw, when invited to dinner, always took the to ascertain...* (Powell)

Уюшқк булақлар, яъни аниқловчилар бобида умумлаштирувчи аниқловчилар деб олинган сўзлар такрор ҳолда қўлланган, масалан: *There was only one road: the main road, the road that struck due east.* (appended subject) – *была только одна дорога: основная дорога, дорога, которая вела к востоку.*¹ Назаримизда, такрор сўз (дорога) таъкид маъносини кучайтириш учун қўлланган, шунинг учун кейинги икки булакни уюшқк бўлак дейиш мумкин эмас, уларнинг ажратилган булакка ўхшашлиги кўпроқ.

Содда ва қўшма гапларнинг систем таҳлили билан қизиққан И.Б.Долинина гап булақларининг узлуксиз чизик тарзида боғлиқлиги ҳақидаги фикрларни кенгайтиради. Олиманинг фикрича, шу тарзда боғланган гап булақлари ўртасида бўлинишни мавжудлиги табиий, фақат кесим таркиби ҳақида қуйидагини айтиш мумкин: “кесим гуруҳи – бутунича гап, шунинг учун узлуксизлиги ҳақида гапириш шарт эмас.”² Узлуксиз чизик тарзида боғланган гап булақларини тобелик дарахти тарзида бериш мумкин. Мана шундай зичликдаги гап булақлари орасида узилиш холлари бўлади. Бу хол кўпинча шеърый асарлар ва оғзаки нутқда қўлланади. Мана шу узилишга сабаб бўлган бўлақлар, одатда, бошқа бир маъно киритади. Бундай бўлакни “слово-репрезентант” деб атайдилар, у гапдаги маълум бир бўлакнинг бир кўриниши (дублет) сифатида вужудга келади.

Тил ҳодисаларининг вазифалари ҳақида фикр юритилар экан, унга бағишланган асарлар, назариялар таҳлили берилади. Инглиз тили систем синтаксиси, синтактик структуралар актуал аспекти бўлган тема ва рема ҳақида кўп ёзилган, аммо ханузгача бу муаммоларнинг ечимини кутаётган томонлари бор. Дж.Синклер гап аҳамиятли қисмларининг ажратилишини тавсифлайди ва уни вужудга келтирадиган бир неча усулларини айтади. Дж.Лич ва Я.Свартвик “Коммуникативная грамматика английского языка” (1975) номи китобида жумланинг яна бир томонига – унда иккита информациянинг борлигини: асосий (main) ва қўшимча (subsidiary) ҳамда уларнинг ўрин алмашиши мумкинлигини таъкидлайди. Қўшимча информацияни ифодаловчи булак гап охирида ҳам келиши мумкин, шунда ҳам алоҳида оҳанг билан ажратилиб туради. Ремани мураккаблаштириш ҳодисаси инглиз тилида кўп учрайди. М.Густавсоннинг фикрича, мураккаблаштирилган конструкциялар гапни кенгайтиришга хизмат қилади ва улар юқоридаги даражада коммуникатив динамизмни ташувчилар ҳисобланади. Олима бундай жуфтликларда иккинчи бирликнинг қўшимча информация бериши ва ўзига хос услубий вазифа ўташини қайд этади. Ҳозирги инглиз тили функционал синтаксиси масалалари таҳлили билан шуғулланган Н.А.Слюсареванинг таъкидлашича, гапга сифатдош оборотларнинг киритилиши ҳам координатив мураккаблаштиришни ҳосил қилади. Шунингдек, реманинг мураккаблашувида субординатив муносабатлар мавжуд бўлиши мумкин.³

Инглиз тили грамматикаларида асосий синтактик жараёнлар сифатида кенгайтириш (расширение), мураккаблаштириш (усложнение), ўриндошчилик (совмещение), ёйиш (развертывание), бирлашиш, қўшилиш (присоединение), киритмоқ (включение) кабилар қаралади. Шу синтактик жараёнлардан айримлари ажратилиш ҳодисаси қаторига киради ёки унга яқин туради. Ажратилиш (обособление) жараёни ва унинг хусусий турлари ҳақида юқорида айтилган эди. Бу жараён элементлари ўзаро аддиция (ўлддириш) ва спецификатив (хусусийлаштириш) семантик муносабатларда

¹ Kobrina W.A., Korneyeva E.A. An English Grammar. Syntax. –M.: Higher School Pub. House, 1986. – P.150-151.

² Долинина И.Б. Системный анализ предложения. –М.: Высшая школа, 1977. – С.130.

³ Каранг: Слюсарева Н.А. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка. – М.: Наука, 1981. –206с.

булади. Аддициядаги элементлар ўзидан ўнг ва сўл томонда турган бўлаклари нисбатан мазмунан ҳамда синтактик боғланиши жиҳатидан мустақил бўлади. Аддиция сўздан қўшимча маъно ташиш англашилади, бу жараён тилга оид бўлмаган факторлар натижасида ҳам пайдо бўлади. Умуман олганда, кенгайтиришнинг шу қўриниши қалин ўрганилмаган.

Спецификацияда эса бир синтактик унсур бошқа бир бирлақнинг маъносини аниқлайди, кенгайтиради. Юқорида қайд этилган икки ҳодиса умумий синтактик позициясига, умумлашган сўзнинг мавжудлигига қўра уюшқиклик ҳосил қилади, аммо худди унинг ўзи эмас: “Спецификатив ва аддициянинг мунтазам бирлашуви умумлаштирувчи сўз мавжудлигидаги санашни акс эттиради (регулярное сочетание спецификации и аддиции представляет собой перечисление при наличии обобщающего слова). Саналмишлар алоқаси аддитив, уларнинг умумлаштирувчи сўзга муносабати спецификативдир (внутри самого перечисления отношения аддитивные, между ним и обобщающим словом специкативные)”¹. Кенгайтириш (расширение) синтактик жараёни содда конструкцияни мураккаблаштириш учун хизмат қилади. Шундай кенгайтирилган ва мураккаб конструкцияларда уларнинг бошқа бирликлар учун умумий бўлган бир қисми кенгайтирилмайди, бу билан конструкциянинг компрессияси амалга оширилади. Бу асосий синтактик жараёнларга кирмайдиган ҳодисага берилган мисоллардан қўрииб турибдики, улар уюшқиклик ҳодисасига жуда ҳам ўхшап.

Синтактик жараёнлардан бўлган мураккаблаштиришда (усложнение) синтактик бирликнинг структурасида ўзгариш бўлади, яъни соддан мураккабга қараб силқини рўй беради. Мураккаблаштирувчи унсур синтактик бирлик асосий қисми шаклини ўзгартиради ёки ўзи муайян шаклга эга бўлади. Буларнинг ҳар иккиси ўзаро боғлиқ унсурлар бирлигини ташкил қилади. Мураккаблаштирувчи бирлик бўлиб кесим келади ва модал муносабатлар, ҳолатнинг турли тавсифини ифодалайди. Шунингдек, бу вазифада сифат, равиш ва *to be* феъли ёки унинг муқобили билан келувчи ҳолат категорияси “адъективи” кела олади. Бундай мураккаблаштиришнинг номи *адъективлик* дейилади.

Синтактик жараёндан бўлган кенгайтириш ва мураккаблаштириш, унинг турлари ҳақида кенг маълумот берилди. Мазкур китобда бошқа айрим синтактик жараёнлар сифатида контаминация ёки сиғиштириш (уриндошлик қилиш - совмещение), кенгайтириш (развертывание), қўшилиш (присоединение), киритиш (включение), ажратиш (обособление), алмаштириш (замещение), тушириб қолдириш (опущение-эллипсис), репрезентациялар келтирилади. Шу синтактик жараёнларнинг ҳар бирига қисқа тарзда тўхталинган, аммо уларнинг ўзаро фарқи томонлари чуқур таҳлил этилмаган.

Ажратилган бўлақлар ажратилиш (обособление) жараёни орқали намоён бўлади. Инглиз олимлари бу ҳолга ажратилган бўлақ сифатида эмас, синтактик жараёнлардан бири сифатида қарашни маъқул деб биладилар. Уларнинг айримлари уни стилстик усул деб тадқиқ этадилар. Илмий ва ўқув адабиётларда шу ҳодисалар ҳақида келтирилган таҳлиллар олимлар фикри тўғрилигига замин тайёрлаган. “Ажратилиш” ҳақида ёзган И.П.Иванова ва бошқалар қуйидагини қайд этади: “... Уларнинг бўлмаслиги гапнинг грамматик ва семантик белгиланмаслигини келтириб чиқармайди. Унсурнинг тўхтамдан кейин берилиши коммуникатив самаралидир. Айнан шунинг учун унсурнинг ажратилиши, одатда, гапнинг бошида рўй бермайди: бундай қўлланмиш у билан синтактик боғланган бошқа унсурнинг қўлланишини тақозо қилади, шунингдек, фавқуллода самаралиликни сусайтиради. У кенгайтиришнинг конструктив

¹ Иванова И.П., Буракова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. — М.: Высшая школа, 1981. — С.215.

Тархрий унсурни эмас, шу боисдан эркин ажратилиш рўй беради...¹ Инглиз тилшуносларининг бу бирликка ёндашувиغا немис олимларининг фикрлари ҳам ўхшаш. Уни алоҳида тадқиқ этган С.А.Зияева немис тилшунослигида ажратилишга мураккаб, кўп планли синтактик ҳодиса сифатида қараш мавжудлигини қайд этади.²

Худди шунга ўхлаш бошқа жараслар ҳам сўзловчининг хохиши, мақсади билан киритилади, уларсиз бу гаплар нутқда бемалол қўллана олади.

ТАРИХИЙ МУҲИТ ВА ТИЛ МУШТАРАКЛИГИ

Х. Йўлдашева (ЎЗМУ)

Социолингвистика фани тилнинг жамиятга, жамиятнинг тилга муносабати масаласини ўрганар экан, ижтимоий муҳитни ҳам назардаида четда қолдирмайди. Коммуникантларнинг қайси муҳитда яшаши масаласини ҳам таҳлил қилади. “Муҳит тушунчаси ўз ичига оилани, жамиятни, давр ва тарихни, табиатни қамраб олади. Инсонни қуршаб турувчи барча нарса: турмуш ва унинг жиҳозлари, табиат, жамият ва иқлимат, шахс, тарих, яъни турли давр ва халқларнинг маданиятлари муҳит тушунчасига кирилади”.³ Демак, инсон яшаб турган табиат ва жамият муҳитни ташкил қилади. Инсон ўша муҳитда яшар экан бу унинг феъл-атвориға, шунингдек, мулоқот маданиятиға ҳам таъсирини кўрсатмай қолмайди. “Инсондаги ўзгаришлар, энг аввало, унинг хулқида, жумладан, мулоқот хулқида намоён бўлади. Демак, экология ижтимоий муҳитга, ижтимоий муҳит эса мулоқот хулқиға таъсир кўрсатади.”⁴ Тил жамият тараққийоти натижасида ривожланар экан, ижтимоий муҳитнинг тил ва унинг намоён бўлиш шакли нутққа таъсири жуда катта. Инсон мансуб бўлган муҳитнинг табиати унинг нутқида ҳам ёркин намоён бўлади. Кишиларнинг яшаш тарзи, иш фаолияти, ўқиш тартиби, ширити, атроф-муҳитнинг ўзгариши унинг нутқида ҳам намоён бўлади. Ижтимоий муҳитнинг тилға таъсири масаласи социолингвистик тадқиқотларнинг диққат марказида туради. Тадқиқотчи С.Муминовнинг мазкур масала билан боғлиқ тадқиқот натижасида ҳам ижтимоий муҳитнинг мулоқот хулқиға таъсири, яъни кишлоқликлар ва шаҳарликлар нутқининг ўзига хос фарқли жиҳатлари асосан муҳит билан боғлиқ эклиги таъкидланган.⁵ Социолог ва психологлар ҳам коммуникантлар нутқининг ўзига хос тарзда шаклланишида ижтимоий муҳитнинг алоҳида ўрин тутишини таъкидлайдилар. Тарихий мавзу таъсирини қаратилган бадий асарлар таркибидаги диалогларда қўлланган мурожаат шаклида, нофербал воситаларда ҳам ана шу ҳолат аниқчилик қилади. Жумладан, сарой амалдорларига нисбатан қўлланилган *ҳазратли сийларни, олампаҳо, амирзода, тақсир, пирим, бегим, устод, давлатпаҳо* каби мурожаат шакллари орқали ҳам ижтимоий муҳитнинг тил ва нутққа таъсирини яққол кўчириш мумкин. Тарихий мавзуга бағишланган асарларда муаллиф тарихий давр билан бир қаторда тарихий муҳитни ҳам инобатда олиб, воқеликни бадий тарзда жонлантиради. Яъни асар қаҳрамонлари яшаган муҳит, ўзига хос урф-одатлар, мулоқот маданияти, персонажларнинг нутқиға алоҳида эътибор қаратади. Кузатувимиздаги бадий асар воқеалари замон ва макон жиҳатдан анча кенг қамровли бўлиб, асосан, таъсирланаётган воқелик хон саройи муҳити билан ҳам бевосита боғлиқ. Шу боис

¹ Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1981. – С.228.

² Зияева С.А. Обособление в синтаксисе немецкого языка. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т.: НУУз, 2006. – 21с.

³ Носиров А. Тарихий ҳақиқат ва унинг бадий талқини (Юлдузли тушлар романи масолида), филол. фан. ... Диск. Т. 1999, 11-6

⁴ Муминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фанлари докт. ... дисс. ... Т., 2000; 136-6

⁵ Муминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. докт. ... дисс. ... Т., 2000.

коммуникантлар нутқида шунга монанд шакл ва мазмун ўз ифодасини тошган. Амир Темур давридан то бобурийлар сулоласининг емирилишигача бўлган даврни гавдалантиришда адиб ўша давр ижтимоий муҳитини ҳам инобатга олган. Бундан ташқари, ўша давр тилида форс-тожик ва араб тили сўзларининг қўлланилиши давр хос ихтисодий ва маданий алоқаларнинг кучлилигидан ҳам далолат беради. Бобурийлар даврига хос ижтимоий муҳитнинг ўзига хослиги ҳинд ва ўзбек маданиятининг ўзаро уйғунлашуви орқали ҳам намоён бўлади. Бу ҳолатни “Авлодлар довоғи” романини кузатиш мумкин, чунки асар воқеалари, асосан, Ҳиндистон ўлкасида бўлиб ўтган. Ҳиндистон ижтимоий муҳитига хос хусусиятлар асардаги сўзлар, мурожаат шакллари, новербал воситалар ифодасида ҳам намоён бўлади. Масалан, *норинж (апельсин), дҳоти (кенг иштон), маҳават(филбон) сўзлари, саҳиб, маҳоража* каби мурожаат шаклларида ҳинд халқига хос маданият ва мулоқот ўз аксини тошган: *Кобул кутвали Манх синга буюрди: - Маҳоража, дарҳол бу тоққа юзта коргар олиб келиб, шгариги ариқларни очдириг.* (П. Қодиров. “Хумоюн ва Акбар”)

Ижтимоий муҳитнинг тилга таъсирини сарой амалдорлари, зиёлилар, оддий халқ нутқи орқали ҳам кузатиш мумкин. Турли соҳа ёки табақа вакиллари орасида зиёлилар нутқи ҳам ўзига хос ифодалари билан алоҳида ажралиб туради. Улар нутқида ибратомуз сўзларнинг қўлланилиши кузатилади. Романлардаги воқеалар асосан, саройда бўлганлиги боис персонажларнинг нутқида, ҳаракатларида сарой муҳитининг таъсири яққол акс этган. Сарой амалдорларига нисбатан тавозенинг кучлилигини персонажлар нутқи орқали ҳам кўриш мумкин.

Қайд қилинаётган романларда коммуникантларнинг ёши, мавқеи, жинси билан боғлиқ ҳолатларда ҳам ижтимоий муҳитнинг ўрни ва таъсири кузатилади. Пиримкул Қодировнинг тарихий романларида коммуникантларнинг нутқи муҳит, социал омилилар асосида шакллантирилган бўлиб, сарой муҳитига хос ҳаёт тарзи, мулоқот шакли коммуникантлар нутқида яққол намоён бўлган. Подшо нутқи бошқаларга нисбатан залворли, буюриш ақтининг кучлилиги билан ажралиб туради. Масалан, *Шу пайт эшикдан шаҳар доруғаси Узун ҳасан таъзим қилиб кирди. - Амирзодам! - деди у энтиқиб. - Қулингизни афв этинг, сизни кутиб ололмадим. Мен Андижонга номуносиб гаплар тарқатган фитначиларни овлаш билан банд эдим. Алҳол бир фитначи арбоби тугиб келтирдим. Бобур беихтиёр олдинга интилиб: - Қайси арбоб? - деди. - Ким у? Келтиринг! - Бажсонидил, амирзодам! - деб Узун Ҳасан шошилиб орқасига қайтди.* (П. Қодиров “Юлдузли тунлар”) Келтирилган диалогик мулоқот подшо ва шаҳар доруғаси ўртасида бўлиб, унда подшога нисбатан тавозенинг ва подшо коммуникантининг нутқида эса буюриш сқангининг кучлилиги сезилиб турибди.

Сарой ижтимоий муҳити билан алоқадор ёш коммуникантлар нутқи ҳам худди катталарникидек сарой муҳитига мослашган, уларда ҳам тавозенинг кучлилиги сезилиб туради: *Умаршайх мирзо гапининг таъсирини янада оширгиси келиб давом этди. - Агар мен бу фоний дунёдан қўз юрсам, ҳаммангиз Бобур мирзонинг амрини ҳозирги менинг амрим каби бажо келтиргайсиз. Жаҳонгир мирзо! Подшоҳ отаси билан муомала қилиш одобини яхши ўзлаштирган ўн яшар бола дарҳол сергақлиниб, қўлини кўксига қўйди: - Лаббай, ҳазратим!... - Менинг бу гапларимни сен ҳам эсда тутдил. Бобур мирзо сендан фақат икки ёш катта бўлса ҳам агар менинг ўрнимда қолса, сен унга фарванддек содиқ бўлгил.* (П. Қодиров «Юлдузли тунлар»)

Шунингдек, романларда ҳар бир социум нутқи ўз мавқеи жиҳатидан ҳам ҳосланган. Амалдорлар нутқида ҳам сарой муҳитининг таъсири акс элиб туради.

Ижтимоий муҳитнинг таъсирини аёллар нутқида ҳам кузатиш мумкин. Улар нутқи тарихий романларда ўзига ҳос тарздалиги билан ажралиб туради. Уларда ўзбекона урф-одат, маданият ҳам намоён бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Аёлларга хос назокат, одобнинг намунаси тарихий асарларда янада ёрқин намоён бўлган. Мурожаат

инклиларининг қўлланилиши аёллар нутқида ўзига хослик касб этади. Ижтимоий шартшароитларига караб аёллар нутқида мурожаатнинг турли кўринишларини учратиш мумкин.

«КЎЗ» ВА «ЮРАК» КОМПОНЕНТЛИ ИБОРАЛАРНИНГ АЙРИМ СЕМАНТИК-ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ (Шоира Зулфия шеърини мисолида)

*У.Рашидова, СамДУ ўзбек тилишунослиги
кафедраси стажёр тадқиқотчиси*

Маълумки, тилимизда бошқа бирикмалар сингари иборалар ҳам ниҳоятда кўп қўлланади. Тилимиздаги ибораларнинг салмоқли қисмини эса киши тана аъзолари номи билан боғлиқ иборалар ташкил этади. Тилшуносликда бундай иборалар соматизмлар деб юритилади. Соматизмлар ичида «кўз» ва «юрак» компонентидан иборат иборалар шеърда ва бадий насрда айниқса кўп учрайди. Шоира Зулфия ижодини кузатар эканмиз, унинг тили ибораларга нақадар бой эканига гувоҳ бўлдик. Таҳлил учун шоиранинг «Мушоира» ҳамда «Камалак» тўпламларидаги шеърларини кузатдик. Шоира ўз шеърларида айтмоқчи булган фикрларини ўзгал ташбеҳлар, халқ тилида қўлланган турли иборалар ва мақоллар орқали баён этади. Бу эса унинг асарлари тилини янада сержило бўлишини таъминлайди.

Масалан, Шоиранинг «Менинг меҳрибон онагинам» деб номланувчи шеърини таҳлил қилар эканмиз, унда индивидуал-муаллиф ибораларидан бир нечтасини кўриш мумкин. Тилимизда «кўзлари тўрт бўлмоқ», «кўзлар тўрт бўлди», «йўлига кўз тутмоқ», «икки кўзи тўрт бўлиб» каби ФБлар кишининг “кимнидир интизорлик билан кутиш” рухий ҳолатини билдиради. Шоира Зулфия эса бу ибораларга яқин маънода «кўзинг мунтазир» иборасини ишлатади. Бу ибора биринчидан улуг зот бўлган онага берилган жудаям таъсирли таъриф бўлса, иккинчидан, шоира Зулфиянинг индивидуал услубидан дарак беради:

*Қайси минтақада нафасинг ҳаёт,
Қайда, ким йўлига кўзинг мунтазир!
Қайси сайёрада эй, сен Одамзод,
Фарзандинг бўлишқни этмоқда асир.
(Менинг меҳрибон онагинам)*

Ёки

*Чодир ичи гавжум, кўзлар мунтазир.
Микрофон олдида давра соҳиби:
Кумушдай сочида жилваланар нур,
Кузида ёшлиқнинг сўнмас ёлқини.
(Икки ўртоқ)*

Тилимизда ибораларнинг бир қанча функционал-семантик хусусиятлари мавжуд. Жумладан, уларнинг узгал услубий хусусиятлари сирасига нутқини ихчамлаштириш функцияси ҳам кирилади. Бундай ҳолатни биз Зулфия ижодида қўлланган айрим «кўз» компонентли иборалар мисолида учратдик. Масалан, адабий тилда «вафот этди, қазо қилди, ўлди, нариги дунёга равона бўлмоқ, оллоҳ раҳматига олди» маъноларини ихчам тарзда «кўз юммоқ» ибораси орқали ифодалаш мумкин (ЎТИФЛ, 140):

*... Саҳисоб чоғимас,
Маслак бир талай.*

Узун умр ато қилган толейм,
Жаҳонда уқ товушин учганин билмай,
Дунёдан тинчгина кўз юмади ким?

(Йиллар)

Ҳаётдан шоира, ҳайхот, юмди кўз,
Қолаверди фарзанд вақалам етим.
Наздимда, қўқсида қолган барча сўз
Ҳаммамиздан аччиқ ёш тўқарди эжим...

(Саида Зуннунова хотирасига)

Тилимизда «кўз илғар-илғамас», «кўз илғамайди» каби иборалар «поёни кўринмайдиган, чексиз» каби маъноларини билдиради. Шоиранинг яна бир шеърини юқоридаги ибораларнинг бўлишли шакли бўлган «кўз илғар» варианты қўлланган. Шеърда дала манзараси гасвири келтирилган бўлиб, тасвирланаётган қир кенглигинини «поёни йўқ», уни кўз аранг илғайди:

Уfq олмиш пушти ранг,
Тоғ узра чиқар қўёш.
Қир кенг – кўз илғар аранг
Пахта очилган қийғос.

(Икки ўртоқ)

Барчамизга маълумки, сеvimли шоирамиз Зулфия Исроилованинг ҳаёт йўли бир текисда кечмаган. Бунда й ҳолатлар унинг бир қанча шеърларида ўз аксини топган. Аммо унинг яшашга бўлган интилиши, ҳаётни сеvimли бир зумга бўлса-да тўхтамаган. У нафақат ўзида яшашга куч топа олган, балки, бошқаларни ҳам ўзи каби ҳаётни сеvim, уни қуйлаб яшашга чорлаган. Навбатдаги «Қуйлайман, ҳаёт» шеърда у “зерикмоқ, безор бўлмоқ” маъносига тенг келувчи «юраги безмоқ» иборасини келтириб, ўқувчисини ўзи каби ҳаётни сеvimинга чакиради:

Янаш азиз ҳисси дилда кезганда,
Умр қўти кечиб, армон дилни эзганда,
Хатто ўзни хаста, заиф сезганда,
Оғир, бенаф уйдан юрак безганда,
Сени қуйлайман, ҳаёт!

(«Қуйлайман, ҳаёт»)

Ёки шоиранинг қуйидаги шеърда қўлланган «юрагига гулгула солмоқ» иборасини олайлик. Бу иборага Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати»да қуйидагича таъриф берилган: Юрак(и)га гулгула солмоқ ким кимнинг. Безовта қилиб қўймоқ. Ўхшашви: юраги(и)га гулгула тушди. Шоиранинг шеърда дўмбирачи ўз дўмбирасини гўмбурлатиб, тингловчиларнинг юракларига гулгула солади:

Юракларга солдинг гулгула
Дўмбирачи
Дўмбиралар гўмбирлар, тингла,
Ҳаёт сари чорлайди сивни

(Қамалак, 388).

Яна бир юрак компонентли «юрагини сикмоқ» иборасининг маъноси тилимиздаги «дилтанг қилмоқ, зиқ қилмоқ» бирикмаларига тенг келади. Шоира Зулфиянинг қуйидаги шеърда бу ибора дард, азоб сўзлари билан кенгайтириб қўлланган бўлиб, бу орқали маҳбусларнинг ички кечинмалари янада ёрқинроқ очиб берилган:

Оҳ, маҳбуслар тўдаси ўтар!..
Юрагини сикиб дард, азоб.

Княгиня пуллар узатар,
«Раҳмат, сўқ йўл!»— бўлади жаноб.

(Рус аёллари)

Юкоридаги «юрагини сикмоқ» иборасининг тилимиздаги ўхшаш варианты «юраги эзилмоқ»дир. Тилимизда рухан азобланган кишига нисбатан унинг «юраги титиди», «юрак-бағри эзилди», «кўнгли эзилди» сингари бир канча иборалар бўлишади. Шоира Зулфиянинг лирик қахрамонининг юраги эса йиғламоқдан тинчшики, бу тасвир куйидагича ифодаланган:

Отам овир сукутда... сукутда барча,
Йиғламоқдан юрагим эзилди оқшом.
Гўдагимни тебратиб уйладим қанча...
Похос отам таширфи чўчитди тамом.

Барчамизга маълумки, «юрак» инсон тана аъзолари ичида энг сезгири азобланади. У дарров ҳаяжонланади, тезда кўркади, гоҳ қаттиқ, гоҳ секин уради, гоҳида эса уришдан бутунлай гўхтаб қолади. Кишининг бир лаҳзада ич-ичидан кўркиш ярашиш каттиқ ҳаяжонланиш ҳолатига нисбатан тилимизда «юраги орқасига тортиб кетди» ибораси ишлатилади. Бу ибора Зулфиянинг «Орзуга айб йўқ» шеърда юқоридаги маъноларни бериш учун қўлланган:

Бир тингловчи қоламан излаб
Ва орқага тортар юрагим.
Уйғотибми, чорлабми, бўзлаб,
Тотиб, фикринг келар сўрагим...

(Орзуга айб йўқ)

Шоира шеърларини таҳлил қилар эканмиз, хали бу таҳлилларни узок давом эттиргимиз келди. Шу нарсага амин бўлдики, шоиранинг ижоди катта-катта илмий асарлар учун объект вазифасини ўтай олади. Биз фақат унинг тўғламларидаги айрим «у» ва «юрак» компонентли ибораларни функционал-семантик жиҳатдан таҳлил қилдик ҳолос.

АДАБИЁТЛАР

- Акибаров А. Зулфия. Т., Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
Асарлар. Уч томлик. Т., Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983-1986.
Пүлдошев Б. Фразеологик услубит асослари, Самарқанд, СамДУ нашри, 1999.
Қасимов Л. Шоира Зулфия. Т., Ўзадабийнашр, 1965.
Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати. —Тошкент: Ўқитувчи, 1998. Бу лугат ЎТИФЛ қичқартмаси билан берилади, қавс ичида асар саҳифаси кўрсатилади.
Султонова М. «Ижод саҳифалари». Т., «Фан», 1975.
Шарафиддинов О. Қалбимизга яқин шоира. «Адабий эподлар» китобида. Ғафур Ғулум номидаги нашриёт, 1968.

РИТОРИК СЎРОҚ ГАПЛАРНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

М.Жамолхонова (ТДПУ)

Ўзбек халқи асрлар давомида халқ оғзаки ижодига бой бўлган халқлардандир. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган афсоналар, эртақлар, ривоятлар, достонлар халқимиз томонидан яратилиб, бахшилар томонидан куйлаб келинмоқда. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналаридан бўлмиш «Ойсулув», «Равшан», «Кунтуғмиш», «Тидор», «Орзуғул», «Ширин билан Шакар», «Рустамхон» ҳамда «Алтомиш»лар миллий

кадриятларимизнинг ёрқин ифодасидир. Бу дostonларда ёвузлик иллоти устидан яхшиликнинг доим голиб чиқиши, буюк инсоний фазилатлар, инсон кадрини улугдончо гоялар куйланган, риёкорлик ва мунофиқлик фош қилинган.

Бундай дostonларнинг тил хусусиятларини кўздан кечирарканмиз, уларда тилнинг ёки инкор мазмунига эга булган, тингловчидан жавоб талаб қилмайдиган риторик сўроқ гапларнинг алоҳида ўрни борлигига гувоҳ буламиз, зеро, бу типдаги гаплар қаҳрамонлар нутқидаги эмоционалликни, хайратланиш қувонч, ички ҳис-туйғу каби рухий ҳолатларни ифодалашда муҳим восита ролини бажаради. Мисолларга мурожият этайлик:

Шоҳим, эшит менинг айтган сўзимни,...

Аёлман, қўлимдан нима келади?!

Жуда менга қаттиқ савдо солади,

Қандай гап деб, мендай мунглиқ йиғлади.

Мунглиқ-да йиғласа, қандай қилади?

Аёлнинг қўлидан нима келади? (“Ширин билан Шакар” дostonи. Айтувчи

Фозил Йўлдош ўғли. 15-б.)

Ушбу мисолдан кўрииб турибдики, инсон эрки ва озодлиги гоят улуг тушуниқ Инсоният эрк учун, озодлик учун курашади. Зуравонлик ҳар доим қораланади. Лекин ўз мақсади йўлида тухмат қилаётган Кенжа ойим Ширин билан Шакарни ўлим ёқасида етаклайди ва Қосимхонни бунга ишонтира олади. Келтирилган шеърин мисраларини риторик сўроқ гапларнинг келиб чиқиши ундан олдинги бўлиб ўтган воқеани кўз қилишга ундайди. *Аёлман, қўлимдан нима келади?!* ёки *Аёлнинг қўлидан нима келади?* каби риторик сўроқ гаплардан аёлнинг қўлидан ҳеч нима келмайди деган жавоб биланиб турибди.

Риторик сўроқ гапларнинг халқ оғзаки ижоди асарларидаги лингвопозитив қиймати “Орзигул” дostonи тилида ҳам сезилиб туради. Куйидаги матн парчасида эътибор беринг:

Шу вақт Оллоёр ўридан тура келиб, подшога бир сўз деди:

Аёлнинг кўп булар макр-хийласи,

Ҳеч сўзларми тўққиз ойлик боласи?!

Ақл билан ўйланг, юртнинг эгаси,

Бу фирибни ўргатган сочли мулласи.

Яхшининг кўнглида бўлмасгубори.

Бовар этманг бу Сувоннинг сўзини,

Гапирди деб шу нораства кўзини,

Боргиси келмаган хоннинг ўзини,

Борса борар эди Сувонхон ўғил,

Кўзи қиймас ўрдадаги Орзини

Ўғайми сизга, ё тувғон болами?

Тувғон бўлса, шунча шумлик қилами?

Фаросат қинг, кулоқ солиб, Султоним,

Тўққиз ойлик бола тилга қирами? (Орзигул. Айтувчи Ислom Назар ўғли 345

б.)

Келтирилган шеърин мисралардан кўрииб турибдики, ёвузлик, макр-хийла дostonдаги воқеа ривожиди ҳам кўп учрайди. Унда кўзланган мақсадга эришиш учун ҳар нарсага тайёр одамлар қораланади. Дostonдаги “*Ҳеч сўзларми тўққиз ойлик боласи?!*” ёки “*Тўққиз ойлик бола тилга қирами?*” каби риторик сўроқ гапларидини тўққиз ойлик бола ҳеч қачон гапирмаган деган жавоб келиб чиқади.

Ўтмишда қизларимиз ҳам эркак қийимини кийиб мардонавор курашганлар Тўмарис, Барчиной образлари ана шу қаҳрамонликларнинг ёрқин намунасида.

Хусусан, “Алпомиш” дostonида Барчиннинг жасур ва мардлиги куйидагича тасвирланган:

Бу сўзни эшитиб, Барчин ҳам Кукаман алпга қараб, бир сўз деб турган экан:

*Хабар борса бек Алпомиш келмасми,
Хоним келса, сендай қалмоқ ўлмасми,
Холинг билиб, тўғри юрсанг бўлмасми?!* (Алпомиш. Айтувчи Фозил Йўлдош

ўгли. 45-46-б.).

Келтирилган парчадаги риторик сороқ гапларнинг мазмуни “хабар борса Алпомиш албатта келади, у келса бундай калмоқ ўлади, шу холни билиб тўғри юр” деган жавоб чиқиб турибди.

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш ҳам Кукалдошга қараб, бир сўз деб турган экан:

*Кетган одам излаб бунда келарми,
Келган одам сендан камроқ бўларми,
Ўзи ўлмай, киши ёрин берарми,
Ҳеч бир энда сендай тентак юрарми,
Лоф уриб ўзини бозор соларми.*

Лоф билан қўлидан бир гап келарми? (Алпомиш. Айтувчи Фозил Йўлдош ўгли. 100-101-б.).

Келтирилган мисоллардан кўринадики, дostonларда риторик сўроқ гаплар ўзига хос шаклий қурилишга эга. Ҳозирги ўзбек адабий тилидан фаркли ўлароқ, дostonлар тилида риторик сўроқ гаплар синтактик параллелизми кенг қўлланади. Риторик сўроқ гаплар, асосан бир нечаси уюшиб келади. Бу эса риторик сўроқ гаплардаги таъкид семасини бўрттириб ифодалашга хизмат қилади. Юқорида келтирилган шеърин мисралардан Алпомишнинг мардлиги, жасурлиги ўз ёрини, элини, юртини ёвуз душман кўлига топшириб қўймаслиги аниқ кўришиб турибди. Кетма-кет қўлланган риторик сўроқ гаплар битта шаклда, -ми юкламаси билан ифодаланган.

Хуллас, халқ оғзаки ижоди намуналаридан бўлмиш дostonларда соф ва риторик сўроқ гапларнинг қўлланиши нутқнинг таъсирчанлигини ҳамда ўқилишлилигини таъминлайди, матн поэтикасини оширади, асар тилини бойятади, тилимизнинг бой имкониятларини намоян этади.

Адабиётлар:

1. З.Машарипова. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Ўқув қўлланма. -Т.-2008.
2. Фозил Йўлдош ўгли. Алпомиш. -Т. Ўқитувчи. 1987.
3. Фозил Йўлдош ўгли. Ширин билан Шакар. //Ўзбек халқ ижоди. Дostonлар - Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашрияти, 1975. -381 б.
4. Ислom Назар ўгли. Орзигул.//Ўзбек халқ ижоди. Дostonлар.- Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашрияти, 1975. -381 б.
5. Эргаш Жуманбулбул ўгли. Кунтуғмиш.// Ўзбек халқ ижоди. Дostonлар.- Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашрияти, 1975. -381 б.

ГЕНДЕР ТИЛШУНОСЛИГИ: АЁЛ МАТНИДА ОИЛА КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

М. Пирматова АДУ аспиранти

Бизга маълумки, сўнгги 10 йилликлар мобайнида тилшуносликнинг энг қизиқарли ва борбора ўсиб бораётган йўналишлардан бири бу - гендер тадқиқотлар, яъни жинс каби экстралингвистик категориянинг мия ва нутқда акс эттирилишидир.

Гендер тилшунослиги бирор жинсга мансуб шахснинг ижтимоий жараёнларда ёки ҳаётнинг бошқа жабҳаларида бажарадиган роли билан боғлиқ муоммоларни ўрганади.

Эркак ва аёлнинг руҳий ва ҳиссий ҳолати ва ички кечинмалари турли ҳолатлар орқали намоён бўлади.¹

Аёл матнида оила концепцияси қай тарзда ифодалангани дегад саволга гендер тилшунослиги аёл ижодкорнинг ижоди орқали жавоб излайди.

Андижонлик шоира М. Муродова ўз ижодида андижон шеваидан фойдаланиб, оила концепцияси ифодалайди.

Дарвоқе, оила ҳақида гапирар эканмиз, аввало оила ҳаётининг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз зарур.² Оила масаласиғи жамиятимизда бу қадар катта аҳамият берилаётганининг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

Биз ўз маънавий ҳаётимиз ва келажакимизни кураётганда бекиёс миллий қадриятимиз бўлмиш оилани асосий таянч деб биламиз. М. Муродова ижодида ҳам оила масаласи алоҳида ўрин тутди.

Биламан, йўлдошим валломат эмас,
Ўзим ҳам фаришта эмасман, кейн...
Орага қозно даллол керакмас,
Ўзимиз келишиб оламиз секин.

Оила саройин қурган ўзимиз,
Аччиқ-чучугин тенг кўрдик баҳам.
Аста шивирлаймиз тотли сўзимиз,
Қулоққа айтамиз аччиғини ҳам.

Оила масаласида марказий ғоя- аёлга қаратилади. Аёллар жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар.

Айб эмас, олима бўлмаса аёл,
Айб эмас, ижоди топмаса камол,
Аммо бекалик ва оналикни,
Удалай олмаса, кечирилмас хол!

Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат нури билан мунаваар қиладиган зотлар-аёллардир.

... Шивирласа, ҳайқирса ҳам ё
Эркалатса, бақирса ҳам ё,
Силлиқлари, дағали билан,
Асалга қорилган шағали билан,
Барини муқаддас билиб ўтяпман,
Ишониб, уларга мҳрим тутяпман.

Чиндан ҳам, мустаҳкам оилада аёлнинг ўрни бекиёс. Окила, гўзал аёллар ўзларининг одилона фикрлари билан оиланинг мустаҳкамлиги сақланади.

Кечирма, гар сендан ошни сузишни-
Сўрасам, оёқда туролганимда.
Кечирма, кечирма, кечирма сира-
Садоқат шевасин охорин тўксам!!
Аммо, не гапирсанг оғзингга қараб,
Қасққа судрасанг, шу ёққа юрсам
Кечирмагайман ўзимни сира!

¹ Б. Аҳмедов «Новербал алоқаларда гендернинг юзага чиқиши» - АДУ. Ўзбек тилининг долзарб муаммолари. Республика илмий ва амалий анжуман материаллари. Андижон, 2011 йил. - Б.

² И. А. Каримов. 2006 йил-оила йилига бағишланган маърузасидан.

Аёлнинг маънавияти оилада мақбул маънавий-ахлокий муҳитни шакллантиришда ва моддий- маиший турмуш тарзини вужудга келтиришда етакчи ўрин тутади.

Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасораг ва магонати, ақл-заковати, нафосат ва шукрати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Ўлбихоним, Гулбаданбегим, Зобуннисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин ва бошқа юзлаб аёлларимизнинг маънавияти ўзбегим оиласидаги аёлда мужассамлиги шубҳасиздир.

Кўчадан бир янги гап топиб келсанг,
Ёнига бирини қўша олмасам,
Ҳеч кимса сезмаган нурни илғасанг,
Мен уни шарҳ этиб бера олмасам,
Қадаминг, фикрингни жўшимда элаб,
Унидан кепагин айрий олмасам.
Фикримиз тўкнашса, ўзимни ёқлаб,
Гапингни асосли қайрий олмасам-
Кечирмагайман ўзимни мен ҳам!
Ранжимагин, ёр, ола қолгин тан.

М. Муродова ижодида оила мавзуси шу қадар аҳамиятга эгадирки, аёл матнида яқин рақиб концепцияси алоҳида ўрин тутади.

Оила дарз кетганда, бу дарз оиланинг таянчи, мадори бўлган турмуш ўртоғи-отанинг вафоти билан ифодаланадиган аёлнинг хиссий- рухий кечинмаларини шоира аниқ кўрсата олган. М. Муродова турмуш ўртоғи-ёзувчи Мирзакарим Пирматовнинг бевақт вафоти туфайли кўнгул дафтарига ёзган маънос, маҳзун оҳангларда ўзбек аёлининг сабр-тоқатлилиги, магонатлиги кўринади. Шоира умр йўлдошининг умри тугаётган даврда ёзган «Мохларойим» романига сўнги сўз ёзади. Бу романининг иккинчи қисми – Мохларойим турмуш ўртоғидан айрилган кезлари қисмини ёзишни ёзувчи аёлга васият этиб қолдиради. Ва шоира «Мохларойим» нинг сўнги сўзида Мохларойим билан диллашади. Шоира умр йўлдошидан айрилган кезларида меҳр-муҳаббатни улашган дўст-ёрларга атаб «Оқибат» номли хужжатли дostonни ёзади. М. Муродова ижодида оила мавзуси асосий ғояга айланар экан, аёл матнидагина эмас, жамиятда оила муқаддас гўша эканлиги қайта-қайта таъкидланади. Гендер шиошунослигида аёл матнида оила концепциясининг ифодаланishi юкоридагиларга мисол бўла олади ва инсон бош мавзу эканлиги тасдиқланади.

-ЛАР ҚЎШИМЧАСИНИНГ ПОЛИСЕМАНТИК ВА БОШҚА УСЛУБИЙ МАЪНОЛАРИНИ АНГЛАТИШ ХУСУСИЯТИ

Шаймарданова А. (ЎЗМУ)

Отларда услубий хусусиятлари, аввало, улардаги қўшиқ, эгалик, келишиқ, сон ва субъектив баҳо формаларида кўринади.

Бунда уларнинг нутқда тутган ўрни, нутқда ўзаро ўрин алмаштириб ишлатилиши, содир бўладиган услубий жиҳатлар ҳисобга олинади.

Масалан *-лар* қўшимчаси полисемантик хусусиятигина эмас, болққа услубий маъноларни англатиш учун хизмат қилади. Бу аффикс турли сўз туркумларига қўшилиб келиб, ҳар хил семантик услубий вазифа бажаради. Жумладан, отларга бирикиб, нараса ва ҳодисаларнинг бирдан ортиқ номаълум миқдорини ифодалаш билан бирга яна қуйидагича маъно ва услубий бўёқ хосил қилади:

Доимий, ўзгармас миқдорий белгига эга бўлган отлар таркибидаги, яъни жуфт ва якка предметларнинг номлари қўшиқда ишлатилмайди. Бундай отларга қўшилган *-лар* шакли маъно кучайтиришга хизмат қилади.

Ҳилалларинг қайтар яна қуббаларни,
Мозилларга сўйлаб-сўйлаб зорларингдан.

(“Илиж” С.Сайид)

Сен йиғладиң,
Тонларим бугзида қолди қуёшлар.
Асир янглиғ кетди азиз тош,
Фалакларда қорайди қуёш.
Тошнинг тим юзида ёшми йилт этди
Асир янглиғ кетди азиз тош,
Уфқлар чайқалди.
Хирқираб чопдим.
Калималар келмай тошдай тилимга.

(“Туш” С.Сайид)

Қўплик аффикс-лар қўплик маъносини ифодалашдан ташқари, қатор услубни вазибаларни ҳам бажаради. Масалан, Бирлик шаклдаги қариндошликни билдирувчи ол негизларига *-лар* қўшимчаси қўшилганда хурмат маъносини билдиради.

Дадамлар келдилар (хурмат маъносиди)

Кепгилар-да (пичинг маъносиди)

Сенлар кимсанлар? (камситиш маъносиди)

Нималар қилдинг? (ноаниқлик маъносиди)

Сен олмоши билан ёш жиҳатдан ўздан катта бўлган кишига мурожаат қилинмайди. Бироқ поэзияда бу ҳолат ўта хурмат англатади:

Она, сенинг ёшлигинг гам билан ўтди,

Қайғу, азоб, укубат ёқангдан тутган (Ғ.Ғ).

Сен олмоши *-лар* аффиксини қабул қилмайди. Бироқ сўзловчи шунингловчиларга хурматсизлиги, беписандлиги ифодаланганда ишлатилади: Сенлар ким бупсан? Сендақаларни яхши биламан каби.

Атоқли отларга қўшилганда умумлаштириш жамлаш; мавҳум маъноли отларни қўшилганда умумлаштириш, бўргитиш маъноларини ифодалайди:

Дунё гурбатига назар ташлаблар

Ўтди Бобурлару, ўтди Машраблар

(«Мангу номлар» С.Сайид)

-лар аффикси олмошларга қўшилиб келганда ҳам маънони кучайтириш учун хизмат қилади:

Бунча кўп ошиқу овораларинг,

Фақат таскин берар фавораларинг.

Улар бари яқин кўни илларимга,

Улар ўхшар опа-сингилларимга.

(“Тошкентга бағишлов” С.Сайид)

Феъл негизига *-лар* аффиксини қўшиш орқали ҳаракатни бажарувчи шахсни нисбаттан хурмат ифодаланади:

Дилимда Яссавийлар,

Термизийлар ёқдилар шамлар.

(“Бағишлов” С.Сайид)

Ўз олмоши қўплик қўшимчаси *-лар* билан қўлланади ва бунда куйидаги стилистик оттенкалар фарқланади: - хурмат оттенкаси: *Ассалому алайкум, келсинлар, келсинлар. Бу ўзларими?* - пичинг, киноя, менсимаслик оттенкалари: *Ўзлари бир нима десинлар, энди! Уни шу тарзда қўллашда сўзлашув услубига хосланганлик сезилади.*

Унинг очик бўйини шарфдай
 Ұраб олган митти оёқлар.
 Дала узра қизчани шардай
 Олиб ўтар, чорлар йироклар.

Ҳозирги ўзбек тилида кўпلىк маъноси аналитик усул билан ҳам ифодаланади: нотга китоб, мингга қўй каби. Бироқ шу формаларга -лар аффиксини кўшиб, нотўғри «Уллаш (юзта китоблар, мингта китоблар каби) ҳоллари ҳам учрайди.

Сўзларда -лар ва эгалик шаклининг ўрни ўзаро алмаштирилса, хурмат объекти ҳам ўзгаради. Кўринадики, -лар аффикси ўзининг турли семантик-услубий ҳусусиятлари билан оғзаки ва ёзма нутқни жонли ва таъсирчан қиладди.

ЎЗБЕК ЭРКАК ВА АЁЛЛАРИНИНГ САЛОМЛАШИШ ВА КЎРИШИШ ТАВСИФИ

Мақсудова М. БухДУ

Эркак ва аёл нафақат биологик ҳамда физиологик жиҳатдан, балки нутқий мулоқоти жиҳатидан ҳам фарқланади. Ўзбек эркак ва аёлларининг нутқий мулоқотида у ёки бу даражадаги фаркли томонлар қўзга ташланади ва нутқий мулоқот жараёнида кузатилади.

Ўзбек эркак ва аёл коммуникантлари учун хос бўлган лисоний воситаларни саломлашиш ва кўришиш тавсифи мисолида, уларнинг нутқида қўллашга оладиган мурожаат бирликлари, сўкинч, қарғиш ва вольгар каби сўзларнинг қўлланилишида кузатиш мумкин. Жумладан, ўзбек эркак ва аёлларнинг саломлашиш ва кўришишларида бир қатор фарқлар мавжуд. Самарқанд шаҳри атрофидаги аёллар эркакларга умумий саломлашишнинг қисқарган шакли "ассалом" ни қўйласа, Бухоро шаҳрида ёши ўрта ёшдаги эркак адресантлар ўзлари билан тенг ёки кичик нотаниш аёл адресантларга "Ассалому алайкум",- дея мурожаат этади. Улар "ва алайкум ассалом" деб ўрнига "алайкум ассалом", "... алайкум ...", ёки "яхшимсиз" деб жавоб қилишади.

Ўзбеклар одатига кўра, оиладаги, қариндош-уруғлар ичидаги аёл-эркаклар қариндошлар билан бир қанча муддат кўришмаган бўлсалар, пешонасини силаб ёхуд пешонасидан ўпиб кўришади. Ўзларидан ёши улуг кишилар билан уларнинг елкасини икки қўли билан силаб кўришади.

Ҳар кун мулоқотда бўладиган кишилар билан оғзаки саломлашиш билан қиёбатлансалар, эркаклар ёш қизчаларнинг пешонасини силаб қўйиш билан қиёбатланадилар. Қариялар ёшларнинг елкасига эркалатгандай «уриб-уриб» қўйсалар, билоғатта етган ва ёши катта ёшли аёллар билан оғзаки сўрашиб қўйадилар. Бу одат ўзбек халқининг қадимий урфларидан бир саналади. Дикқатингизни А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асаридаги қайноста-келинднинг илк бор кўришишлари тасвирига қаратмоқчимиз: «Кумуш уялиб зўрагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб бўйин эгди. Ҳожини қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб сўйди ва Кумушнинг тангайига тегизиб олган ўз қўлини ўпди».

Саломлашиш жараёнида ўзбек аёл коммуникантлари учун хос бўлган лисоний ва нолисоний воситалар сифатида кўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Ассалом!	} лисоний
Салом!	
Иккала қўл қўқса	

1 Қодирий Абдулла. Ўтган кунлар. –Т.: Шарқ, 1995. –Б.313.

Ўнг қўлни юрак устига қўйиш
 Икки юзидан ўтиб қўришиш
 Ўнг елкасига қоқиб қўришиш
 Қучоқлашиб қўришиш
 Оғиздан ўпишиб қўришиш

нолисоний

Саломлашиш жараёнида ўзбек эркак коммуникантлари учун хос бўлган лисоний ва нолисоний воситалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуху!
 Ассалому алайкум!
 Ассалом!
 Салом!

лисоний

Иккала қўлни киндик устида қовуштириш
 Иккала қўл қоринда
 Иккала қўл қўксда
 Қўл олишиб қўришиш
 Қўл қовуштириб тўхтаган ҳолда икки буқилиш ҳолати
 Пешона ўтиб қўришиш
 Қучоқлашиб қўришиш

нолисоний

Қўл қовуштириб саломлашиш (икки қўлни киндик устига қовуштириб, бош сал олдинга эгилган ҳолат) одати эркакларга хос бўлиб, қуйидаги вазиятларда амалга оширилади:

ғоят ҳурматли кексани учратганда;
 тўйхона дарвозаси ёнида турганда (меҳмонларни кутиб ёки кузатаётганда);
 таъзияга борганда;

тўй, байрам, бошқа йнгин дастурхонларига тайёргарлик қўриш жараёнида ёш йнгитлар шундай ҳолатда туради («хизматингизга тайёрман»)¹.

Саломлашиш жараёнида овоз тони: балоң-пастлиги, товушларнинг чўзилиши ҳам маълум маъно касб этади ва улар жинс жиҳатдан ҳам фаркланади. Масалан, мансабдор эркакларга хос саломлашишнинг

Салом!- “Келинг” маъноси
 Салом!- “Хўш, хизмат” маъноси
 Салом?!- “Яна келдингми?” маъноси
 Сало-о-о-м!- “Жуда вақтида келдинг” маъноси
 Салом!!!- “Гап тамом” маъноси
 Салом!- “Ҳа, ишинг тушдими?”
 Салом!- “Бир паст кутиб туринг”
 Салом!- “Вақтим йўқ, кетавер” маъноси
 Са-лом!- “Мана ишим битди, гапир энди” маъноси ² адабиётлардақайд қилинган.

Ҳар бир лисоний бирлик сўзловчи ва тингловчига боғлиқ бўлади. Масалан: «Ҳа, тинчликми?», «Тинч ўтирибсизларми?», «Саломатмисизлар?», «Саломатликми?», «Соғлиқлар яхшими?», «Болалар катта бўляптими?», «Бола-чақалар тинчми?», «Эсон-омон юрибсизларми?», «Камнамосиз?», «Қўришмайсиз?» кабилар сўзловчига боғлиқ

¹ Маҳмудов К. Меҳмоннома.-Т.: Ёш гвардия, 1989. Б.167.

² Қиличев Э., Қиличев Б. Нутқ маданияти ва услубият асослари.-Бухоро, 2002.-Б 15.

бўлса, «Раҳмат!», «Ўзларидан сўрасак?», «Шукур!», каби кўринишли бирликлар тингловчига боғлиқдир.

Мулоқотнинг «саломлашиш» боскичида мулоқот ибтидосини белгилловчи саломлашиш, кўриниш, сўрашиш каби лисоний бирликлар: «Салом!», «Шукур!», «Валайкум!» кабилар сўз, «Ассалому алайкум!», «Валайкум салом!», «Ишлар қалай» сўз бирикмалари, «Хуш кўрдик!», «Болалар катта бўляптими?», «Яхши боринг!», «Саломатмихизлар?», «Гапи йўқ», «Омонмихиз» каби гап типидагилар ўзбек эрака ва иёл коммуникантлари учун хос бўлган кўриниш лисоний воситалардир.

АЛИШЕР НАВОЙ ШЕЪРИЯТИДА ТАЖНИСИ ТОММ

М.Мақсудова, М.Шарипова (БухДУ)

Тилда сўзлар хилма-хил хусусиятларга эга бўлади. Маълум бир тушунчани ёки тасаввурни бир сўз эмас, балки бир неча сўз ҳам ифодалаб келиши ва аксинча биргина сўз орқали бир неча тушунча ёки тасаввур ифодаланиб, турли маъно англашилиши мумкин. Омонимлар баддий ижодда тасвир воситаларидан бири сифатида ишлатилади ва шу йўл билан ўзига хос сўз ўйини (тажнис) ҳосил қилинади. Маъно жиҳатидан ҳар хил аммо шакли бир хил икки сўзни келтириш улар воситасида муайян фикр лавҳа ёки тимсолни таъсирчан ифодалаш тажнисга хос хусусиятдир. Омонимлари тажнис санъатининг асосини ташкил этади. Омонимлар бир сўз туркуми ёки турли сўз туркуми доирасида воқеъ бўлади. Бир сўз туркуми доирасидаги омонимлар тажнис мумосил деб аталса бир неча сўз туркумига тегишли омонимлар илми бадеъда тажнис муставфий деб номланади. Буни Атоуллоҳ Хусайний куйидагича изоҳлайди: “Баъзи араб фусаҳоси бир сўз туркумига оид бўлган икки шаклдошдин, яъни икки исм ёки икки феъл ёки икки кўмакчидан иборат тажнис томмини икки шаклдошнинг мумасалоти ва аларнинг туркумдошлиги жиҳатидин тажнис мумосил деб атабтурлар. Бир туркумга оид бўлмаган, яъни исми феъл, исму кўмакчи, феълу кўмакчидин иборат икки шаклдоштин иборат тажнис томмини икки туркумдаги сўзлардин истифода этилигани учун тажнис муставфил дерлар”¹.

Алишер Навоий ижодидан тажнис томмининг хилма-хил намуналарини учратамиз.

Кулма ҳам қадимгаким, юкланса ишқинг Қоф аро,

Ишқ остида ёзилгон “қоф”дек ҳам топқасен.

Байтдаги “қоф” I – от, тоғ номи; коф II – от, харфнинг номи, (ишқ сўзидаги охириги харфга ишора) кўриниб турибдики, жинсдош сўзлар таркиби, талаффуз жиҳатидан бир хил, аммо маънолари турличадир. Демак томмининг мумосил тури бир сўз туркумидаги сўзларнинг омонимик муносабатига асосланган. Шунингдек Алишер Навоий лирикасида тажнис муставфий турига ҳам дуч келиш мумкин:

Эй Навоий, демаким қилмасен ул ой ашқ,

Ҳозир ул эмди, нетай, ҳозир улуб чун қилди.

Байтдаги “ҳозир” сўзлари ҳамжинсдир, аммо сўзлардаги ургу турли буғунларга гушган. Ҳўзир I – шу вақт; шу замон ҳозир II- тайёр; ҳузурда бор деган маъноларни англатади.

Эй Навоий муътақидсен, қайда кўрсанг пок юз,

Юз кишида йўқ экан, бир сен қибн пок эътиқод.

Мисралардаги “юз” сўзлари шаклдон: юз I – от: чехра; афт, башара; юз II – сон, миқдор маъносини ифодалайди.

Шундай қилиб, Алишер Навоий шеъриятида жинсдош сўзлардан унумли фойдаланиб, чиройли сўз ўйинлари ҳосил қилган. Бу эса китобхонни ўйлашга фикрлашга ундайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Навоий А. Ғаройибус-сиғар. 1-жилд.-Тошкент: 1963.-493 бет.
2. Навоий А.Наводируш-шабоб.2-жилд.-Тошкент: 1963.-425 бет.
- 3.Хусайний А.Бадоеъус-саноеъ.-Тошкент: АСН.1981.—400бет

ESKI O'ZBEK TILI VA YOZUVI FANINING O'QITILISHIDA INSERT USULIDAN FOYDALANISH

Mansurova N.Navro'zi

Ta'lim-tarbiya sohasida yuqori samaradorlikka erishish maqsadida ta'limga alohida e'tibor qaratish lozim. Til ta'limidagi muammolarni hal etishda, uni uzviyligini inobatga olib, asosiy vazifalarimizdan biridir.

Ayni paytda ta'lim sohasidagi tub islohotlardan yana biri har bir fanni jihatidan andozalariga mos holda yangi innovatsion usullar va axborot texnologiyalari yordamida olib borish nazarda tutiladi. Interfaol metodlardan foydalanish o'quv mashg'ulotlarini qiziqarli qiladi. Lekin ta'lim kechimi uchun darsning qiziqarli bo'lishi maqsad bo'la olmaydi. U vosita, xolos. Interfaol usullar barcha ilg'or metodlar kabi kamroq kuch va resurs sarflab, kattaroq didaktik natijaga erishishga qaratiladi.

Dars jarayonida interfaol metodlardan umumli foydalana bilgan o'qituvchining vazifa va maqomi bir qadar o'zgaradi. U o'quvchining mustaqil aqliy faoliyat ko'rsatishiga sharoit yaratadi hamda bolaning tashabbuskorligini har tomonlama qo'llaydi. O'quvchi esa ta'lim kechimi va unda erishiladigan natija uchun javobgar bo'lgan to'laqonli sherikka aylanadi.

Bizga ma'lumki, umumta'lim maktablarida ona tili fanini chuqur o'rgangan o'quvchi akadem litsey, kollej va oily ta'lim muassasalarida til ta'linini bir nechta fan sifatida yanada mukammallashtiradi. Masalan, O'zbek tili praktikumi, Tilshunoslikka kirish, Eski o'zbek tili va yozuvi praktikumi kabi bosqichli fanlar o'tiladi. Ana shunday fanlardan biri – Eski o'zbek tili va yozuvi faniga to'xtalsak.

Ushbu fanda arab yozuvini o'rganish bilan birgalikda eski o'zbek tili davridagi til hodisalari ham chuqur tahlil etiladi. Arab yozuvidagi matnlarni o'qish va tahlil etish jarayonida Eski o'zbek tili davri (XIV asrdan XIX asrgacha) bilan Hozirgi o'zbek adabiy tili qiyoslanib o'rganiladi.

Eski o'zbek tili va yozuvi fanida ko'proq qol'yo'zma ishlarga e'tibor qaratilsada, matnlardagi til xususiyatlar o'rganilganda interfaol metodlarning bir qanchasidan umumli foydalansa bo'ladi. Ana shunday usullardan biri – insert usulidir.

Insert usuli tushunishni kuzatish vositasidir. Insert – bu o'quv jarayonida o'z anglashini faol kuzatish uchun o'quvchilarga imkoniyat beradigan kuchli vosita hisoblanadi. Chunki shunday hollar borki, o'quvchi matnni oxirigacha o'qib, u yerda nima yozilganligini eslab qololmasligi mumkin. Bu esa kishi o'qiyotganini tushunmay, o'qish jarayonida faol bo'lishga qatnashmaydigan va o'z anglashini kuzatmaydigan hollarning misolidir. Insert – bu matn bilan ishlaganda faollikni qo'llab – quvvatlash uchun kuchli vositadir.

“Eski o'zbek tili va yozuvi praktikumi” fanining barcha mashg'ulotlarida matn bilan ishlash jarayoni kuzatiladi. Ushbu faning o'qitilishida interfaol usullardan biri bo'lgan insert metodidan foydalanishning ahamiyatli tomonlarini ko'rib o'tamiz.

Guruhdagi talabalarni 7-8 tadan, ichik guruhlarga bo'lamiz. Har bir guruhga eski o'zbek tili davriga xos matnlardan namuna'ar beriladi. Masalan:

1-guruhga: “Tarixi mulki ajam” asridan parcha;

2-guruhga: “Boburnoma” asaridan parcha;

3-guruhga: “Zarbulmasal” asaridan parcha.

Talabalarga matn namunalari berilgandan so'ng, 20 daqiqa vaqt beriladi. Guruh a'zolari “insert” usuli orqali berilgan matnlarni shartli belgilar asosida ishlab chiqadiladi.

Bunda faqat keltirilgan parchaning mazmuniga emas, balki eski o'zbek tili davri xususiyatlarining hozirgi o'zbek adabiy tilidagi qiyosiy tahlillari ham nazarga olinadi. Masalan, so'zlardagi fonetik o'zgarishlar, kelishik qo'shimchalarining qo'llanilishi, so'z turkumlarining farqli tomonlari ko'rsatiladi. Albatta, bunday topshiriq talabalarga oldindan uytib o'tiladi. Berilgan matnlar ustida ishlash jarayonida quyidagi belgilar qo'yish orqali tahlil etiladi:

- V – bu tushunchalar menga oldindan ma'lum;
- + – yangi ma'lumot oldim;
- – fikrimga zid;
- ? – bu ma'lumotlarni to'ldirmoqchiman.

Topshiriq bajarib bo'lingandan so'ng, guruh a'zolaridan bir kishi qo'yilgan shartli belgilar asosida matnni tushuntirib beradi. Shu tariqa qolgan guruhlar ham o'zlariga berilgan matnni izohlaydi. Guruhlar berilgan topshiriq yuzasidan o'zaro savol-javob ham uyishtiradilar.

Har bir guruhga berilgan matnlar xat taxtada ham yoziladi. Sababi, ushbu fanda yozuv muhim ahamiyat kasb etganligi uchun auditoriyadagi barcha talabalar matnni ko'chirib olishlari lozim.

"Eski o'zbek tili va yozuvi praktikuuni" fanini o'qitilishida insert metodini qo'llash samarali natija beradi, desak xato qilmaymiz. Chunki insert metodi – matn bilan ishlaganda faollikka erishish usulidir.

Biz olib boradigan ushbu mashg'ulotda esa hamma vaqt matn ustida ishlanadi.

Yuqorida ko'rib o'tgan metodimiz orqali talabalarda quyidagi holatlar kuzatiladi:

- talaba faolligi ortadi;
- jamo'a bo'lib ishlash ko'nikmasi hosil qilinadi;
- talabalarining eslash qobiliyati kuchayadi;

МОТИВ ЛЮБВИ И СМЕРТИ В ЛИРИКЕ И.БУНИНА

Хабибуллаева Ф.К. (АГУ)

«Люди совсем не одинаково чувствительны к смерти, - говорит Бунин в «Жизни Арсеньева». – Есть люди, что весь век живут под ее знаком, с младенчества имеют обостренное чувство смерти (чаще всего в силу столь же обостренного чувства жизни)... Вот к подобным людям принадлежу».

«Обостренное чувство смерти» именно («в силу столь же обостренного чувства жизни») было, как известно, и у Толстого, и у Достоевского. Но оно не освобождало их от обязательств перед преходящими» бедами и муками людей, от ответственности – пусть своеобразно понимаемой – за судьбы человечества, не служило укрытием для душевного эгоизма, как это было у значительной части русской интеллигенции, в годы реакции после революции 1905 года. У Бунина есть немало общего с настроениями и философией этой интеллигенции.

Смерть и любовь – почти неизменные мотивы бунинской поэзии в стихах и прозе. Любовь – причем любовь земная, телесная, человеческая – может быть, единственное возмещение всех недостатков, всей неполноты, обманчивости и горечи жизни. Но любовь чаще всего непосредственно смыкается со смертью и даже как бы одухотворена ее близостью в своей краткости и обреченности. Любовные сюжеты у Бунина чаще всего разрешаются смертью. Иногда такие развязки любовных историй кажутся даже искусственными, неожиданными эпилогами, как, например, в «Лике».

Для Бунина в истинной любви есть нечто общее с вечной красотой природы, поэтому прекрасна любовь, в которой нет ничего ложного, выдуманного. Для него любовь и существование без нее – две враждебные жизни, и если погибает любовь, то та, другая жизнь, уже не нужна. В рассказах о любви раскрылось чудесное дарование писателя, его способность проникать в интимные глубины сердца с их неизведанными законами.

Писатель не скрывает, что возвышенная любовь приносит не только радость и счастье, но и разочарование, муки, а иногда – горе и смерть. Вот почему Бунин соединил в своем творчестве самое прекрасное и самое страшное – любовь и смерть. В одном из писем Бунина подтвердил, что этот мотив в его произведениях далеко не случаен: «Неужели вы еще не знаете, что любовь и смерть связаны неразрывно! Каждый раз, когда я переживал любовную катастрофу, а их, этих любовных катастроф, было немало в моей жизни, вернее, почти каждая моя любовь была катастрофой – и был близок к самоубийству».

И, действительно, Бунин описывает любовь как бездну, загадочную и необъятную. Так, герой рассказа Бунина «Грамматика любви», помещик Хвоцинский, после смерти горничной Лушки будто оцепенел. Больше двадцати лет просидел он на ее кровати, никуда не показываясь и до бесконечности перечитывая старинные книги о любви. Автор, а вслед за ним и мы, его читатели не просто охотно верим в эту легенду, но и стремимся понять: безумие это или великая любовь?

Вслед за писателем хочется понять, откуда она (любовь) появляется? И мы читаем Бунина дальше, перелистывая страницы его рассказов, знакомясь с его такими разными героями и героинями.

Истинный художник, Бунин умеет показать своим читателям любовь даже там, где, казалось бы, ее еще нет. Вспоминается томительное ожидание медицинской сестры в поезде из рассказа «Сестрица». А в рассказе «Ида» любовь едва брезжит и никогда не сбудется.

История жизни мальчика, лишенного матери, любви отца, ненавидимого красивой мачехой, стала сюжетом рассказа «Красавица». Здесь самый отталкивающий образ является внешне самым привлекательным. Но для Бунина гораздо важнее внутренняя красота, именно ей отдана любовь автора.

Бунин много писал о любви, ее трагедиях и редких мгновениях настоящего счастья. Произведения художника отмечены необыкновенной поэтизацией человеческого чувства. Бунин утверждает, что всякая любовь – великое счастье, даже, если она завершается разлукой, гибелью, трагедией. К такому выводу приходят многие бунинские герои, потерявшие, проглядевшие или, сами разрушившие свою любовь. Но это прозрение, просветление приходит к героям слишком поздно.

Тема любви, при всем мастерстве и отточенности стиля, приобретает порой у Бунина уж очень прямолинейно чувственный характер и выступает в форме эротических мечтаний старости. Тема же смерти все более обволакивается религиозно-мистической окраской.

Бунин главным образом привлекает подлинная земная любовь, которая как он считает, являет собой слияние, неразрывность «земли» и «неба», некий абсолют любви, гармонию ее двух противоположных начал, – гармонию, которую постоянно ищут, но не всегда находят все истинные поэты мира... Такая любовь не придумана людьми, она встречается, и, может быть, не так уж редко. Она – огромное счастье, но счастье недолгое – мгновенное, именно как зарница: вспыхнула и исчезла. В книгах Бунина любовь недолговечна. И чем она сильнее, необычнее, тем скорее суждено ей оборваться. Но эта зарница счастья может осветить всю память и жизнь человека.

В рассказах о любви И.А.Бунин утверждал истинные, духовные ценности, красоту и величие человека, способного на большое, самоотверженное чувство, рисовал любовь как чувство высокое, идеальное, прекрасное, несмотря на то, что она несет много страдания.

И тебя так нежно я любил,

Как меня когда-то ты любила...

Все как было. Только жизнь прошла...

МАҚОЛА ЖАНРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАДҚИКИ МУАММОЛАРИ

Нормўминов Ш., Абдусайдов А. (СамДУ)

Ўзбек тилшунослигида функционал услубларнинг ўзига хос хусусиятлари, услублараро алоқа, фарқли жиҳатларни ўрганиш, ҳар бир услубга хос жанрларни шимий тадқиқ этиш ҳамон долзарблик касб этмоқда.

Адабий тил услублари белгилаб олинган бўлса-да¹, уларнинг ўзига хос томонларини қиёсий ўрганиш, жанрлар бўйича тадқиқ этиш, услубларда кейинги йилларда юз бераётган ўзгаришлар, уларда қўлланилган тил бирикларининг микдорий нисбати ва бошқа қўплаб масалалар ҳамон тилшунослар диққатини тортмоқда. Демак, Ўзбек тилшунослигида функционал услублар тили бўйича олиб борилган изланишларнинг аҳамиятини асло камситмаган ҳолда қайд этиш мумкинки, қили муаммолар оз эмас. Уларни тилшунослиқнинг бугунги тараққиёти, ютуқлари билан боғлиқ ҳолда ва давр талаби билан ҳамоҳанг равишда янада чуқурроқ таҳлил этиш лозим.

Ўзбек тилининг ҳозирги даврдаги ижтимоий моҳиятини баҳолаш, услублардаги жанрларни ўзаро боғлиқ ва алоҳида-алоҳида тадқиқ этишда газета тилининг ўрни беқийс. Чунки газетда ўзбек тили тараққиётидаги ўзгаришлар давр талаби билан акс этиб боради, давлат тилининг имкониятлаши юзга чиқаришда муҳим восита сифатида таъсир қилади.

Президент Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси қўшма мажлисида сўзлаган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-лантириш концепцияси” мавзусидаги мавзусида таъкидланганидек, оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бугунги кунда ОАВнинг умумий сони 1200 тага етди². Ўзбекистонда ОАВ фаолияти туддан ислоҳ қилиниб, шубҳасиз, катта ютуқларга эришилди. Журналистларнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини баҳолаш ва ОАВнинг самарадорлигини ошириш газета жанрларининг

¹ Уринбоев Б. Вопросы синтаксиса узбекской разговорной речи: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. - Ташкент, 1974; Мукаррамов М. Научный стиль современного узбекского литературного языка в семантико-функциональном аспекте: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. - Ташкент, 1985; Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол. ф. докт. ... дис. автореф. - Тошкент, 1994; Қурбанов Т. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1987; Бабаханова Д. Официально-деловой стиль современного узбекского литературного языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1987; Абдусайдов А. Печета жанрларининг тил хусусиятлари: Филол. ф. докт. дис. автореферати. - Тошкент, 2005. - 48 б. ва бошқалар.

² Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси қўшма мажлисида сўзлаган нутқи. // «Халқ сўзи» газетаси. 2010 йил 14 ноябрь.

ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш, услублараро боғлиқлик ва алоҳидалиқни кўрсата билиш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда жанрлар имкониётларидан унумли фойдаланиш билан бирга, ОАВда фақат 5-6 та жанрда ижод қилиш, жанрлар имкониётларини тўла ҳисобга олмаслик натижасида материалларнинг жанрга тўла мослиги соҳасида айрим камчиликлар юз бериши оддий ҳолга айланиб бормоқда. Газета жанрларидан мақоланинг бир нечта турлари бўлгани ҳолда, бу имкониётдан ўринли ва унумли фойдаланмаслик ёки мақола жанри имкониётларини чуқур билмаслик, илмий мақола талабларига риоя қилмаслик натижасида ҳам газета мақоласи, ҳам айрим мутахассисликлар бўйича илмий мақоланинг савияси тобора тушиб бормоқда. Умуман, газета мақола жанри ва илмий услуб мақола жанрининг тил хусусиятларини атрофлича илмий тадқиқ этиш долзарб муаммолардан бирига айланмоқда.

Ўзбек тилшунослигида функционал услубларнинг тил хусусиятларини ўрганиш соҳасида жиддий ютуқларга эришилган. Хусусан, публицистик услуб, газета тили ва услубини ўрганиш, жанрларнинг тил хусусиятларини баҳолаш соҳасида маълум тадқиқотлар мавжуд. Жаҳон тилшунослиги, хусусан, рус тилшунослигида биргина газета тилини ўрганиш соҳасида 300 дан ортиқ тадқиқот яратилгани каби ўзбек тилшунос олимлари Ф.Абдурахмонов, Э.Бегматов, С.Бобоева, К.Юсупов, С.Муҳамедов, А.Шомаксудов, А.Маматов, Т.Қурбонов, И.Тошалиев, Б.Йўлдошев, С.Каримов, А.Абдусанов кабиларнинг қатор тадқиқотларида публицистик услуб, газета тилининг лингвостилистик хусусиятлари, газета тили ва адабий норма, газета жанрларининг тили ва услуби масалалари тадқиқ этилган.

Илмий услубнинг экстралингвистик белгилари, лексик-семантик, морфологик ва синтактик хусусиятлари умумлаштирилган ҳолда таниқли тилшунос М.Мукаррамов томонидан ўз даврида ўрганилган¹.

Мустақиллик йиллари ўзбек тилшунослигининг ютуқлари асосида газета мақола жанрининг қуйидаги хусусиятлари ўрганилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. «Университет таълими учун журналистика мутахассислиги бўйича ўқув дастури»нинг Ф.Ғафуров томонидан тузилган «Журналистика ижод назарияси ва амалиёти(жанрлар)» фани дастурида мақола жанрининг қатор хусусиятлари, жумладан, мақола жанри талаблари, тузилиши, мақола турлари (назарий-ташвиқий мақола, илмий-маърифий мақола, муаммоли мақола, диний-маърифий мақола), уларнинг тили ва услуби, илмий-назарий ва бадиий воситалар нисбатини ўрганиш лозимлиги қайд этилган².

С.Каримовнинг «Ўзбек тили функционал стилистикаси» номли монографиясида таҳлилий (аналитик) жанрлардан мақоланинг қуйидаги турлари қайд этилган: бош мақола, назарий мақола, муаммоли мақола, танқидий мақола, ташвиқот характердаги мақола, илмий-маърифий мақола кабилар³.

А.Абдусановнинг тадқиқотларида мақоланинг қуйидаги турлари кўрсатилган: бош мақола, назарий мақола, ташвиқот характердаги мақола, муаммоли мақола, танқидий мақола, илмий-маърифий мақола, журналист текшируви⁴.

Мақола жанри ва унинг турлари таснифи бўйича айрим фарқли томонларнинг мавжудлиги, тадқиқотларда мақола жанрининг тил хусусиятлари ҳар бир тури бўйича

¹ Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Тошкент: Фан, 1984. – 160 б.

² Университет таълими учун журналистика мутахассислиги бўйича ўқув дастури». Ф.Ғафуров томонидан тузилган «Журналистика ижод назарияси ва амалиёти(жанрлар)» фани бўйича дасур. – Тошкент: Университет, 1997, 144-145-б.

³ Каримов С. Ўзбек тили функционал стилистикаси. – Самарканд, 2010, 58-б.

⁴ Абдусанов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Филол.ф.докт.дис.авторреферати. – Тошкент, 2005, 11-б.

эмас, балки умумлашган ҳолда ўрганил-ганлиги ушбу жанрни алоҳида махсус тадқиқ қилишни талаб этади.

Таниқли тилшунос Р.Расуловнинг А.Абдусайидовнинг докторлик диссертацияси қимояси муносабати билан 2005 йил 6 май куни Ихтисослашган кенгаш мажлисида билидирган қуйидаги мулоҳазалари ҳам эътиборни тортади: «Бу биринчи илмий монографик тадқиқот, йирик тадқиқот, умумлаштирувчи тадқиқот, бу шундай бўлиши ҳам керак. Энди бу ёғи конкретликка қараб кетади. Ана шу газета жанрларининг ўндан ортиқ турлари санаб берилган. Энди бундан буёғига илмий тадқиқот қиладиган ёшлар мана шунинг ҳар биттасини, ҳар битта соҳани, фельетонми, обзорми, шарҳми, репортажми, мақолами ёки бошқа йўналишни олиб туриб, ҳар биттасининг сифатига қараб, миқдорига қараб, бемалол ё докторлик диссертацияси еки номзодлик диссертацияси қилиши мумкин. Ана шунда шуларнинг ҳаммаси мана шу ишга асосланади. Масалан, фельетоннинг ўзи номзодлик ҳам бўла олади, докторлик ҳам бўла олади»¹.

Илмий мақола жанрининг умумий тил хусусиятларини ёритишда, шубҳасиз, М.Мукаррамов тадқиқотлари катта аҳамиятга эга. Лекин илмий мақоланинг тили ва услуби ҳозиргача махсус илмий тадқиқ этилган эмас. Айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича айрим илмий мақолаларнинг дастлабки тадқиқи шуни кўрсатадики, баъзи ёш тадқиқотчилар мақола жанрининг талабларини яхши билмайдилар, нағижда илмий мақоланинг савияси бирмунча тушиб кетган ҳолатлар юз бермоқда.

Ўзбек тилшунослигида тил ва нутқ бирликларининг замонавий ахборот технологиялари ёрдамида таҳлилини амалга ошириш муҳимлигини исботловчи тадқиқотлар яратилганлиги маълум².

Газета мақола жанри ва илмий мақола жанрининг тили ҳамда услубини лингвостатистик таҳлил ва тадқиқ усулидан ҳам фойдаланиб ўрганиш, ҳозирги тилшунослигимиз учун фойдали илмий хулосалар бериши мумкин.

Истиқлол йилларида Ўзбек тилшунос олимлари ўзига хос тадқиқ усулларидан фойдаланиб, катта ютуқларга эришдилар. Илмий услубнинг мақола жанри хусусиятларини ҳозирги кун талаблари асосида тадқиқ қилиш фанимиз учун янги илмий маълумотлар бериши, шубҳасиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, газета мақола жанри ва илмий мақола жанри тил хусусиятлари бўйича мавжуд тадқиқотларга асосланиб, шуни кайд этиш мумкинки, уларнинг тили ва услубини лингвостатистик аспектда, турли соҳага оид материаллар (иктисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий мавзулар) асосида ўрганиш Ўзбек тилшунослиги учун янги илмий хулосалар бериши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Олинган натижалар эса газета тили ва илмий услубнинг ривожига ҳамда самарадорлигини таъминлаш учун илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Самарқанд Давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедрасининг 2011-2015 йилларга мўлжалланган «Ўзбек тили бирликларининг функционал-прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспект)» мавзун ҳамда «Семантика илмий-тадқиқот лабораторияси»нинг «Оммавий ахборот воситаларида Ўзбек тили бирликларининг функционал-семантик ва прагматик таҳлили» мавзuidaги истиқбол режалари асосида ушбу мавзун тадқиқ этиш мўлжаллаган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти туғилгандаги ДК 015.04.02 рақамли ихтисослашган кенгаш мажлисининг стенограммаси. 2005 йил 6 май. Тошкент, 54-б.

² Ризаев С. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи. Филол.ф.докт...дис.авторреферати. – Тошкент, 2008. – 50 б.

Режага мувофиқ, аввало, 1991-2011 йилларда нашр этилган республика ва маҳаллий газеталарнинг иқтисодий мавзудаги материаллари ҳамда иқтисодий мавзудаги илмий мақолалар асосида газета мақола жанри ва илмий мақола жанрининг тил хусусиятларини комплекс тадқиқ этиш ҳамда унинг илмий натижаси – самарасини аниқлаш лозим. Мақола жанрларининг тили ва услубини ўрганиш асосида назарий хулосалар олиш ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳам тадқиқот вазифаларидан келиб чиқади.

Республика ва маҳаллий газеталарнинг иқтисодий мавзудаги материаллари, илмий тўпламлар ва илмий журналларда нашр этилган иқтисодий мавзудаги илмий мақолалар.

Президент Ислам Каримовнинг асарлари, “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да белгиланган ахборотни ислох қилиш бўйича устувор вазифалар, жаҳон ва Ўзбек тилшунослиги ютуқлари асосида тавсифий, қиёсий, функционал прагматик, семантик-стилистик таҳлил ва статистик тадқиқот усулларига асосланиб, куйидаги масалаларни ўрганиш кутилган илмий натижани беради:

- Лингвостилистик тадқиқ мезонлари (назарий-методологик таҳлил)-нинг мазкур муаммони ўрганишдаги роли.

- Жаҳон тилшунослиги ва Ўзбек тилшунослигида лингвостилистик тадқиқотлар таҳлили ҳамда долзарб муаммолар.

- Газета мақола жанри ва илмий мақола жанрини тадқиқ этишнинг назарий аспекти.

- Газета мақола жанрининг лексик-семантик, морфологик, синтактик ва стилистик хусусиятлари таҳлили.

- Илмий мақола жанрининг лексик-семантик, морфологик, синтактик ва стилистик хусусиятлари тадқиқи.

- Назарий хулосалар ва амалий тавсиялар.

Ўзбек тилшунос олимларининг Мустақиллик йилларида эришган ютуқлари асосида газета мақола жанри таснифига аниқлик киритилиб, унинг тили ва услуби турлари бўйича алоҳида-алоҳида атрофлича монографик аспектда лингвостилистик таҳлил асосида ёритиш, илмий мақоланинг тили ва услубини Мустақиллик даврида яратилган иқтисодий мавзудаги илмий мақолалар мисолида комплекс тадқиқ этиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Газета мақола жанри ва илмий мақола жанри тил хусусиятларининг комплекс таҳлил қилиниши, лингвостилистик жиҳатдан баҳоланиши, функционал услубларнинг ўзаро алоқаси ва фарқларининг мазкур жанрлар асосида кўрсатилиши Ўзбек тилшунослигининг ҳозирги ютуқларига қўшимча янги назарий хулосалар бериши мумкин.

Тадқиқот натижалари газета мақола жанри имкониятларидан журналистлар ўз фаолиятида тўла фойдаланиши учун қулайликлар яратиши мумкин. Илмий мақола талабларининг назарий асосланиши ва амалда қўллаш бўйича тавсиялар ёш илмий тадқиқотчилар йўл қўяётган камчиликларни бартараф этишда ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларидан Олий ўқув юрklarининг филология ва журналистика мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган бакалавр ва магистрантларга ўқитилаётган «Журналистик ижод назарияси ва амалиёти (жанрлар)», «Журналистик маҳорат», «Нутқ маданияти асослари», «Ўзбек тилининг ижтимоий моҳияти» каби фанлардан маъруза, амалий ва семинар машгулотлар ўтишда, дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Диссертация материаллари газета ва телерадиоканаллар таҳририятлари мутахассислари, журналистлар, илмий ва газета мақоласи таҳрири билан

шугулланувчилар, ёш илмий тадқиқотчилар учун ҳам ўз маҳоратларини оширишларида фойдали бўлиши мумкин.

ОБРАЗ АВТОРА И ПОЭТА ГАФИЗА В ДРАМАТИЗИРОВАННОЙ АРАБСКОЙ СКАЗКЕ Н.С.ГУМИЛЕВА «ДИТЯ АЛЛАХА»

Хабибуллаева Ф.К. Абдурахимова М. (АГУ)

Николай Степанович Гумилев широко известен своими стихами. Но творчество поэта не ограничивалось рамками лишь этого жанра. Гумилев создал ряд оригинальных стихотворных пьес «Дон Жуан в Египте», «Игра», «Актеон», «Гондла», «Дитя Аллаха», «Оравленная тунка», «Дерево превращений», «Охота на носорога», а также сделал переводы пьес Роберта Браунинга «Пиппа проходит», Альберта Самена «Полифем». Пьесы Гумилева почти не ставились в театрах, потому что при жизни поэта они остались непонятны, а после смерти его вообще запрещены. Несмотря на это пьесы Гумилева не лишены художественной ценности.

Первым наставником, у которого Гумилев учился, был Иннокентий Федорович Анненский – поэт русского символизма и директор Николаевской мужской гимназии в Царском Селе, где учился Гумилев, а также поэт Валерий Яковлевич Брюсов.

Наставники, литературные критики и современники поэта считали, что в самоуверенном, надменном поведении, в неустойчивости Гумилева, и даже в стихах проглядывается театральность, вычурность, декоративность. Анненский сурово отзывался о «маскарадном экзотизме» поэта, считал, что Гумилев любит все пышканное и странное, но верный вкус делает его строгим в подборе декораций». В черновиках Анненского сохранилась оценка, данная Гумилеву, взятая из журнального текста статьи: «... артист слова более, чем лирик. Не любит театра, пьес не пишет, ничего сознательно не стилизует, хотя сам и стилизованный, – но так чутко и даже публично начинает относиться к словам, что будто бы пережитое, всамделишное все больше походит на бутафорское». Близкий Гумилеву поэт М.А. Кузмин считал, что Гумилев никогда не любил и не понимал театра.

Но какую бы оценку современники Гумилева ни давали поэту, он несмотря на то, что его жизненный путь так рано и трагически прервался, успел оставить ряд драматических произведений, которые необходимо изучать.

Одним из таких произведений является драматизированная арабская сказка «Дитя Аллаха», написанная в 1916 году и предназначенная для постановки в театре марионеток. Действия драмы поэт переносит на Восток. Необходимо отметить, что в выборе темы, места, времени действия, в выборе положительного героя, средств и приемов художественной выразительности нашла отражение индивидуальность самого автора. В период создания пьесы Гумилев, порвав с символизмом, начал утверждаться как акмеист, вследствие чего идеи акмеизма начали воплощаться в драматургии поэта: мечта о первобытной силе, естественность здоровых чувств, порыв к мужественной прямоте поэтического образа, свобода мифотворчества, близость к природе, отказ от туманной, уклончивой фразеологии, от мистики. Интерес к мифам, сказкам, к Востоку, к экзотике исходил из самого характера поэта, которого с детства волновало таинственное, непознанное, необычное. Но в то же время Гумилев считал, что автор драмы имеет право не домысел в подаче мифа, притчи, сказки. Независимого, сильного духом лирического героя драмы можно рассматривать как выразителя мыслей и чувств самого автора.

Американская исследовательница Энид Старке так сформулировала представление о поэте, сложившееся у нее на основании тщательного изучения его творческого наследия и жизненных документов: «... на вершине своей величайшей

творческой активности он поверил, что, подобно Фаусту, посредством магии он достиг сверхъестественной мощи... Он думал, что поэзия является самой существенной составной частью магии, что она была средством проникновения в неведомое и идентифицировалась с Богом. Позднее, когда он пришел к убеждению, что, подобно Люциферу, согрешил гордостью, он увидел, что поэзия является не средством постижения, как для него, а всего лишь тем, чем она была и для всех других (средством самовыражения).

До самого конца жизни Гумилев считал, что во главе общества должны стоять поэты-маги, друиды, живущие в этом мире почти отвержено, но предназначенные для исполнения своей высокой, полубожественной миссии где-то в будущем.

Недаром герой Гумилева – поэт Гафиз умеет силою слов проникать в загробный мир. Один из современных нам критиков С.И.Чуришин отметил, что у Гумилева «огонь поэзии выскается при столкновении «дневного и ночного» ликом бытия, «дневное и ночного» начала в человеке». Отсюда и любимые присмы Гумилева: перенесение себя и читателей в забытые, перемещение в пространстве и времени, перевоплощения. Во многих произведениях Гумилева утверждается мысль о бессмертии человеческого духа на земле, провозглашается, что свободное призвание поэта выше всякого другого. Возможно, это объясняется религиозностью Гумилева (ни в воспоминаниях друзей он был религиозен), ибо лишь верующий человек считает душу бессмертной, а талант – божьим даром, ставящим поэта выше всех. Основная идея драматизированной арабской сказки Дитя Аллаха) тоже такова: прославление поэта и его божественного дара. В перипетиях действия притчи развертывалась цепь доказательств того, что свободное призвание поэта истинней, чем праздность юного красавца, чем грубое ремесло воина-бедуина или наглость деспотического калифа. Из притязания на любовь божественной пери, спустившейся с небес окончилось неудачно: они не выносят испытаний, которые должны пройти и погибают.

Поэту-избраннику Гафизу нет равных среди людей. Сама пери не хочет гибели недостойных и пытается предостеречь каждого от испытания, грозившего смертью. В начале пьесы пери просит дервиша: «Скажи, кто первый в этом мире, // Да вверюсь я его судьбе». В конце пьесы она человека-поэта Гафиза, которому, по всем небесным законам, и должна была принадлежать. Финальная картина пьесы – в торжество вечно длящейся, незакатной, юной, цветущей, щебечущей, поющей, похожей на рай земной жизни. В волшебных садах Гафиза, среди цветов и птиц, пери нашла цель своих поисков и встретила того, кто достиг высот человечности, постиг сущность бытия, умеет проникать в загробный мир.

Образ Гафиза стоит в ряду главных героев Гумилева, в котором автор видел свой идеал, свое лирическое отражение. Гумилев не психологизирует характер, и доверяет герою свои стихи, свои мысли, чувства, мировоззрение. С творчеством Гафиза – великого персидского поэта-лирика Хафиза Шамсиддина Мохаммеда, жившего примерно с 1325-1390-е годы, русские писатели и поэты познакомились лишь в XIX веке. Имя Гафиз буквально означает: хранящий в памяти. Узбекский народ поэтов и певцов тоже называет гафизами.

Гумилев многое заимствовал из искусства и мудрости восточного поэта. Структура песен гумилевского Гафиза создает восточную напевность любовными газелями. Восточным духом веет от сравнений и предметов сравнения.

Твои глаза, как два аята, пери!

Твои уста красней граната, пери!

Прекрасней нет от древнего Китая

До западного калифата, пери.

Я первый в мире, и в садах Эдема

Меня любила ты когда-то, пери.
Но ты бледна, молчишь, не смотришь, разве
Любовью больше не богата, пери?

Гумилев как бы делает вольные, сложенные заочно художественные переводы газелей Гафиза, которые гармонично перекликаются с природой. В пьесе есть эпизод, когда песня Гафиза сама по себе вместе с песнями птиц, вторящих ему, создают единое целое, рифмующееся стихотворное произведение.

Гафиз:

Фазанокрытый знойный шар
Зажег пожар в небесных долах.

Птицы:

Мудрец живет в тени чинар,
Лаская отроков веселых.

Гафиз:

Зажег пожар в небесных долах
Царь пурпурный и золотой.

Птицы:

Лаская отроков веселых,
Мудрей подьмет кубок свой.

Гафизом называла Гумилева в своих письмах Лариса Рейснер (вторая жена Гумилева), подчеркивая этим внутреннюю, лирическую связь между поэтом-драматургом и поэтом-героем. В Автобиографическом романе Лариса Рейснер дается портрет русского поэта: «Он некрасив. Узкий и длинный череп..., безжалостный лоб, исправительные пасмурные брови, глаза – несимметричные, с обворожительным пристальным взглядом.

Сейчас этот взгляд переполнен.... По его губам, непрестанно двигающимся и воспаленным, видно, что после счастья они скандируют стихи...»¹. «Если бы перед смертью его видела – все ему простила бы, сказала бы правду, что никого не любила с такой болью, с таким желанием за него умереть, как его, поэта, Гафиза, уroda и мерзавца...», - писала Лариса Рейснер матери, узнав о казни Гумилева.

Фойдаланилган адабиётлар

Аниенский И. Книги отражений. М., 1979, с.378.

Цит.по: Тименчик Р. Иннокентий Анненский и Николай Гумилев. - Вопросы литературы, 1987, №2, с.277.

Starkit Enid. Arthur Rimband. (N.Y., 1968), p. 16-17.

Чупринин С. Из твердого камня. Судьба и стихи Николая Гумилева. - Октябрь, 1989, №3, с.200.

ЎЗБЕК ВА ИСПАН ГАЗЕТАЛАРИДАГИ РЕКЛАМАЛАРДА ПРЕЦЕДЕНТЛИКНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Артикова М.,

ЎзДЖТУ стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси

Матбуот – ижтимоий оғининг ўткир ва таъсирчан воситаси сифатида кишилик
жамиятига доимий ва фаол таъсир кўрсатади, жамоатчилик фикрини шакллантиради,
омма оғинига муайян қарашларни сингдиришда кудратли ғоявий омил ҳисобланади (ЎЗМЭ,
6-жилд 2003:642). Шундай экан, матбуот нашрларидан ҳисобланган газеталарда реклама
қимда эълонларнинг чоп этгирилишидан мақсад ҳам кишилар оғинига таъсир этиш, жамият

аъзоларини ўз маҳсулоти ёки хизматининг бошқалардан кўра афзалроқ, қулайроқ эканлигига ишонтириш ва шу йўл билан иқтисодий фойда кўришдир. Шу сабабдан ҳам рекламаларни ишлаб чиқиш ва уларни эълон қилиш ортида кўплаб мутахассисларнинг машаққатли меҳнати ётади. Телевидение ёки радиода бериладиган рекламаларда чиройли овоз ҳамда тасвирдан фойдаланиш яхши самара бериши мумкин. Аммо, газетаданчи Фақатгина, чиройли ва таъсирчан, халқнинг миллий менталитетига зид бўлмаган сўзлар иборалардан, бир сўз билан айтганда миллат бойлиги ҳисобланган прецедентликлиги фойдаланиш газетада бериладиган рекламаларнинг яхши самара беришининг асосий шартидир.

Прецедент сўзи латинчадан (<lat. Praecedens (praecedentis) илгари бўлиб ўтган) олинган бўлиб, аввал бўлиб ўтган ҳамда аҳамиятга молик бўлган ҳодиса деган маънони билдиради. Демак, прецедент матн бу маълум бир жамият аъзоларининг хотирасидан жой олган адабий ёки ҳаётий воқеа, ҳодисаларнинг тилда акс эттирилишидир. Яъни, прецедент матнлар жамиятнинг барча аъзоларига таниш, уларнинг маданиятига мос келувчи матнлар бўлиб, ундан фойдаланилганда сўзловчи-тингловчи ёки ёзувчи-ўқувчи ўртасида тушунмовчиликлар юзага келмайди, ҳеч қандай изоҳларсиз ҳам бундай матнлар ўқунинг учун тушунарли бўлади. Олимлар прецедент матнларга фразеологик бириклар, маконлар ва маталлар, киноявий сўзлар ва иборалар, замондошларимиз учун яхши таниш бўлган адабий асарлар, кўшиқлар, машҳур кинофильмлар, аввал ҳам берилган реклама матнларидан парчалар, цитаталар, машҳур кишилар номлари ва ҳ.к.ларни киритадишар. Демак, газеталарда бериладиган рекламаларни ўз ўқувчиларига таъсирчан кишиб етказишда ўша миллатга яхши тушунарли бўлган матнлар (прецедент матнлар)дан фойдаланиш фойдадан холи бўлмайди. Прецедент матнлардан газета рекламаларидан фойдаланишда реклама яратувчиси ўзи яратаётган матнинг ўқувчиларга таниш ва тушунарли бўлишини эътиборга олиши зарур.

Қуйида ўзбек газеталаридан “Даракчи”, “Хордиқ” ҳамда испан газеталаридан “El pais”, “El mundo” газеталаридаги рекламаларда қўлланилган прецедент матнларни солиштириш орқали уларнинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятларини кўриб чиқамиз: “Ихлос. Аъналаримизга мос колбаса ва тишлоқ маҳсулотлари” (“Даракчи” 3.11.2011) мазкур газета рекламаси муаллифи “аъналаримизга мос” деганда поклик ва ҳалоллик каби миллатимизга хос бўлган одатларга ишора қилиш орқали прецедент ҳолатини ифодалаган; “Ҳаёт учун дармон” (“Даракчи” 25.08.2011) прецедентликнинг оммани тушунарли бўлиши учун муаллиф ҳаммага маълум бўлган бирлашмалар, тўғараклар, мусобақалар, иқтисодий ҳаракатлар, акциялар номини қўллай билиши керак (Лисоченко 2007:212). Ўзбек газетаси “Ҳаёт учун” кўкрак беги саратонига миллий уюшмасининг номи эканлигини яхши билади, демак газетада берилган пиар реклама кишилар эътиборини ўзига жалб эта олади; “Ҳаётдаги юксак бахт доимо мақсад сари олчи интилишидир!” (“Хордиқ” 22.12.2011) прецедент турларидан бири бўлган мазкур шпор ҳам шарқона фикр жозибаси билан ўзбек аудиториясининг эътиборини тортиши шубҳасиз; “Қураб кўзларнинг нури шимдандир!” (“Даракчи” 8.12.2011) бу ҳикматли сўз ўзбек миллатига ота-боболардан мерос ҳисобланади; “Билайн интернетни уцади!” (“Даракчи” 25.08.2011) мазкур рекламада унинг телевизион вариантипрецидент матн ролинги бажарган, яъни ўз “интернет самолёти”да “учиб” кетган кишига дўстларининг хавас ва ҳайрат билан қараб қолиш эпизодлари прецедент сифатида газетадаги реклама учун замин яратган; “Uzonline downonline!” (“Даракчи” 25.08.2011) бу реклама ахборот асрида яшаётган ҳар бир киши учун тушунарли бўлиши табиий. Унда халқро тан олинган инглиз тилидаги сўздан фойдаланилган. Бу каби ўзлашма сўзлар глобаллашув даврида тилимизда сезиларли даражада кўпаймоқда.

“Todos los goles del Real Madrid – Real Zaragoza 2011” (“El mundo” 30.04.2011) мазкур реклама матнида нафақат испан жамияти вакиллари учун, балки футбол

Ишдан озгина бўлсада қизиккан ҳар қандай инсон учун тушунарли таниш бўлган прецедент номлар, яъни Испания примъер лйгасининг икки машҳур жамоаси номи келтирилади. Футбол ўйинлари ҳақидаги репортажларнинг жамланмаси ҳақидаги рекламлада мазкур прецедент номларнинг катта ҳарфлар билан ёзилгани ҳам испан журналистикасидаги умумбашарий тушунчаларга кўпроқ эътибор қаратилишининг яққол амалидир: “*Ledy Gaga deslumbra en los Simpsons*” (“*El mundo*” 28.02.2011) “Леди Гага” ном. “Симпсонлар” номи ҳам бугунги кун кишилари учун яхши таниш ҳамда бу икки “кхримон” номлар “оммавий маданият”нинг ёйилишида яхшигина омил бўлиб хизмат қилимоқда. Мазкур рекламада YouTube сайти тарғиб қилинади. Испаниянинг номдор артистларидан бирининг бундай рекламани бериши эса ғарбона турмуш тарзи, умумданиянинг мамлакатда ривожланиб бораётганидан далолатдир. “*Capercucita roja y las empresas solidarias*” (“*El pais*” 12.01.2012) бу реклама матнида прецедент матнлардан ҳисобланган “Қизил қалпоқча” эртагига ишора қилинмоқда. Маълумки, мазкур эртақ тарзи тилларга таржима қилинган ва кўпгина халқлар уни ўз эртақлари деб ҳисоблайдилар. Демак, ушбу прецедент матн ҳам испан рекламаларида кўпроқ бутун дунёдаги тушунарли тилда ёзишга бўлган интилишни кўрсатиб турибди; “*Dile hola a una niña facil*” (“*El pais*” 23.01.2012) бу реклама матнида прецедент ҳисобланган ибора қилинилади. Реклама матнининг туғридан-туғри таржимаси “Осон турмуш тарзини тартиб ол”. Ғарбликлар учун енгил турмуш тарзи энг қулай ва мақбул ҳисобланади. Аммо, шарқона маданиятга мансуб кишилар томонидан бу каби рекламаларнинг яхши қабул қилинимаслиги тайин.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек газеталарида эълон қилинаётган рекламаларда интилиш менталитетимиз, шарқона хатти-ҳаракатларимиз, эзгуликка, покликка, туғриликка қарши прецедент матнлар, ҳолатлар, номлар акс этади. Испан газеталаридаги рекламаларда эса асосий эътибор умумбашарий тамойилларга қаратилади. Бугунги глобаллашув давридаги ҳар қандай ахборот, жумладан реклама ҳам барчага тушунарли ва интиқарли бўлиши, омма эътиборини тезда жалб эта олишига интилиш испан журналистикаси учун ҳосдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. – Т., 2003. 642-бет.

Караулов Ю.Н. Роль прецедентных текстов в структуре и функционировании языковой личности // Научные традиции и новые направления в преподавании русского языка и литературы. – М., 1986. 98-107 бетлар.

Лисоченко О.В. Риторика для журналистов: прецедентность в языке и в речи. – Ростов-на-Дону, 2007. 212-бет.

Esencial de sinyimos y antynimos. Diccionario de lengaespacola. – Barcelona, 2008.

ГРАММАТИКАЛИЗАЦИЯНИ ЮЗАГА КЕЛИШИДА ТЕЖАМЛИЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

А.Б.Пардаев (СамДУ)

Тил бирор ижтимоий гуруҳ томонидан фойдаланилаётган бўлса, бу унинг манжудлигидан, амалдалигидан, яшаётганлигидан далолат беради. Бундай ҳолатда унинг лексик қатламида муайян семантик ўзгаришлар рўй бериб туради. Ана шу ўзгаришлардан асосийсини грамматикализацияжараёни ташкил қилади.

Грамматикализация универсал ҳодиса бўлиб, қадимги лотин тилида ҳам, санскрит тилида ҳам, хитой тилида ҳам, африка миллатлари тилларида ҳам, америка индиулари тилларида ҳам, умуман, ер юзидаги олти мингта яқин тилларнинг барчасида

солир бўлган, содир бўлаётган ва келгусида ҳам бўладиган лисоний ҳодисадир. Чунки бу ҳодиса тилнинг яшовчанлиги, ўзгарувчанлиги билан боғлиқ ҳодиса.

Шунингдек, грамматикализацияни тушунишнинг барча тилларга ҳок универсаллиги бевосита инсон коммуникатив фаолияти билан боғланади. Нутқ жараёнида сўзловчи нутқининг раво чикишига ва бунга камроқ куч сарфлашга, кучни тежашга ҳаракат қилади. Бу икки қарама-қарши ҳолат (нутқ раволиги – куч тежамкорлиги) бир-бирини истисно этади. Зеро, М.В. Черепанов таъкидлаганидек «хўр қандай тараққиётнинг манбаи – диалектик қарама-қаршилиқдадир. Тил тараққиётининг асосий манбаи – система ва унинг нутқда реаллашуви ўртасидаги ички қарама-қаршилиқлар ёки тилнинг фикрни аниқ узатишга бўлган доимо ошиб борувчи эҳтиёжи билан системанинг реал имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршилиқдир».[1]

Сўзловчи ўз нутқини безаш ва тушунарли бўлиши учун имкони даражасидан ибора, тасвирий ифода каби нутқни безовчи воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилса, иккинчи томондан, бу жараёнда сарфланаётган кучни тежаш ҳаракати бошланади, натижада, нутқда қисқарish юз беради.

Фонетик ўзгаришларнинг сабаби талаффузга қулай бўлиш, гапиришни енгиллаштириш, сўзлаш органларининг, мускулларнинг ҳаракатини ва вақтни тежаш қулайлик ва иқтисод принциpidир: *ўйин + а: ў-йи-на → ўйна* (уч бугин → икки бугин), *бора + олади → боролади ёки боралади, бундай этма → буйтма* (шеваларда), *не этсин? → нетсин?* (шеваларда), *қай + чоғ + ин: қайчо – гин → қайчон → қачон?*, *буй + ин + чоғ → мўйинчоқ → мунчоқ → минжисқ* (Хоразм шеваларида), *тиш + иқ → чиқ* (ташқарига чиқмоқ) ва бошқалар.»[2]

Тилдаги тежамкорлик ва қисқарушни махсус тадқиқ этган Ж.Элгазаров бу ҳодисаларни тил амалиётнда муҳим ўрин тутувчи қонуниятлар эканлигини асослан билан бирга, уларни тил сатҳларида юз бериш механизми ва шакллари ҳақида статик тилшуносларнинг муҳим назарий қарашларини келтиради. Жумладан:

М.В. Ломоносов: «Тушунчаларнинг кўплиги ва уларни тез ва қисқа қилиб узатишни рағбатлантириш одамни ўзи сезмаган ўз нутқини қисқартиришга ва бир нарсани ҳадеб тақрорлайвершидан қочишга олиб келди».

Б.А. Серебренников: «иқтисод қилишга интилиш тенденциясининг манбаи инсон организмидир. Тилдаги тежамлилик тамойили – ўз-ўзини сақлаш (эҳтиёт қилиш) инстинктининг хусусий кўринишларидан биридир. Бу – физиологик қувватни ҳаддан ташқари сарфлашга қарши, хотира фаолиятини қийинлаштирувчи ҳар қандай ноқулайликка қарши, нутқни ташкил этувчи ва қабул қилувчи бош миЯнинг баъзи функцияларининг амалда бўлишига тўсиқ бўлувчиларга қарши ўзига хос реакциядир. Тилдаги тежамкорлик тамойилнинг родини инкор қилиш инсон организмнинг барча ҳимоя функцияларини инкор қилиш билан баробардир».

А.К. Кочетков: «Нутқий экономия ҳар хил факторларга қўра вужудга келади: ақлий ва жисмоний куч сарфини энг кам ҳолатга келтириш..., вақтни тежаш (оғзаки нутқда), жойни тежаш (ёзма нутқда)... талаффузни осонлаштиришга интилиш ва бошқалар».

Б.Д. Поливанов: «тил экономиясини... қанчалик ғалати туюлмасин... «инсон дангасалиги» деган ибора билан ифодалаш ёки уни меҳнат энергиясини тежашга интилиш деб аташ мумкин».

Макур фикрларни Ж.Элгазаров умумлаштирган ҳолда тилдаги тежамкорликни вужудга келтирувчи факторларни шартли равишда уч гуруҳга ажратади:

1) психологик омили; 2) ижтимоий омили; 3) вақт омили. [3]

Тил элементларининг тежамлилик (қисқарув)га учрашининг муҳим шартларидан бири лексик-семантик жиҳатдан конкретликдан абстрактликка қараб ривожланишидир. Дарҳақиқат, тил бирликлари ташувчи маънонинг хиралашуви унда структурал

Ўзгаришлар юз беришига кўмаклашади. Айрим сўзларда ана шу жараёндан (маъно абстракциясидан) бошлаб грамматикализациялашув юз беради. Демак, тежамлилик тамойили грамматикализацияни юзага келтирувчи факторлардан бири ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослигида тежамлилик тамойилининг лисоний тараққийдаги муҳим ўрин тутиши ҳамда унинг тилнинг фонетик ва фонологик саҳларида амал қилиниши борасидаги дастлабки муҳим тадқиқотлар ўтган асрнинг 70-йилларида вужудга келган. Жумладан, Н.Маҳмудовнинг замонавий ўзбек тили синтактик саҳларидаги тежамлиликнинг хусусий ҳоли – эллипсис ҳодисаси таҳлилига бағишланган, А.Нурмоновнинг фонетик ўзгаришларидаги тежамлилик тамойилининг намоён бўлиши масаласига бағишланган, Ж.Элтазаровнинг морфонологик ўзгаришларидаги тежамлиликни ўрганишга бағишланган номзодлик диссертациялари фикримиз далилидир. [4]

Тежамлилик тамойили ёрдамчи сўзлар қўлланишида ҳам алоҳида ўрин тутди. Юқориди айтилганидек, инсон ўз нуқтида доимий қисқаликка интилар экан фикрини ифодалашда ҳам ёрдамчи сўзларнинг энг содда, ихчам ва қисқа муқобил вариантларидан танлашга ҳаракат қилади. Қиёсланг. *Бой билан хизматчи – бой ила хизматчи/ сен билан мен – сен-да мен/ кучук бирлан хўтукчи – кучук билан/билк хўтукчи/ сен учун – сен-чун/ сен ва мен – сену мен/*

Умуман, тежамлилик тамойили барча грамматик воситалар қатори ёрдамчи сўзларга ҳам нисбатан қўлланилади.

Нуқтдаги мазкур жараённи тушуниш учун эса грамматикализация жуда муҳим. Чунки грамматикализация ҳодисасининг бош тамойили - тилдаги ўзгарувчанликдир. Масалан, тилимизда қўлланишда бўлган бир сўз ўрнида бошқасининг ишлатилида бошлани ва у ҳам ўз маъносини йўқотиб, бошқа сўзга ўрнини бўшатиб бериши ҳолати муайян назарий асосланиши лозим. Масалан, айрим кўмакчи, боғловчи, юкламаларнинг истемолдан чиқиши ёки ўрнини бошқа янгиларига бўшатиб бериши кузатилади. Масалан, тарихан қўлланишда бўлган *бикин, бики* ўрнига *каби* кўмакчисининг, *унгин, унгин, унгдун, унгинди, унгу* ўрнига *аввал, олдин* кўмакчилари, *отру* ўрнига *қариши* кўмакчисига, *қата ёки таба* ўрнида *томон* кўмакчиларининг қўлланиши ёки *ашину, илқида/ишқида, теги, тегин, тегри/тегру/декру/текру, таба/тана, табару, табан* каби кўмакчиларнинг истемолдан чиқиб кетиши мисол бўла олади. Ёки тилда айрим сўзлар айланма даврийлиги: *ҳоким, туман, вазир* каби сўзларнинг истемолдан чиқиб кетиши ва яна қайта фаол истемолга киритилиши ҳодисага мисолдир.

Демак, грамматикализация ҳодисасини яна эски шаклларнинг емирилиши ва доимий янгиланиши таъминловчи жараён сифатида тушунишимиз анча мантанийдир.

Грамматикализация ҳодисаси барча тиллар учун хос бўлса-да, айрим жиҳатларига кўра ўзгача бўлади. Масалан, бу ҳодиса флектив тилларда бошқача бўлса, агглютинатив тилларда ўзгача юз беради. Флектив тилларга қараганда агглютинатив тилларда бирмунча соддароқ кўринишда бўлади.

Э.Даль грамматикализацияни нуқтдаги «инфляциян жараёнлар»дан бири сифатида тадқиқ этади. «Экспрессив» нуқт воситалари тез-тез қўлланиши оқибатида ўз экспрессивлигини йўқотиб, нейтрал воситаларга айланиб қолади (масалан, худди шу ҳолат, француз тилидаги *ne...pas* инкор воситаси *бирор қадам ҳам* иборасини англата бошлаган).

Тил воситаларини танлаш бир қатор қондалар билан белгиланади (уларни Г.П.Грайснинг «коммуникация ўғитлари»га қиёслаш мумкин). Г.Грайс ўғитларидан мисол келтирамиз: «шундай сўзлагинки, сенга эътибор қаратишсин», «шундай сўзлагинки, ҳамманинг диққатида бўл», «шундай сўзлагинки, сени осон тушунишсин», «шундай сўзлагинки, ортиқча қувват сарфланмасин» ва бошқалар.

Грамматикализация объектига айланган бирликларнинг аслига қайтмаслик (бир томонламалик) тамойилини ўз тадқиқотларида кенг таҳлил қилган М.Хаспельмаг икки қарама-қарши жараёнлар ўзаро таъсирини тан олар экан (аниқлик ва тежамкорлик) «улар орасидаги қаршилик, тил тизими аниқлигига эмас, шакллар «инвентари» янгилинишига олиб келади» деган мулоҳазани илгари суради. Унингча, емирилиш, аниқликка хавф солган тақдирда ҳам тўхтамайди. [5]

Тил бирликлари ўзгариши борасида Р.Янданинг ҳам фикрлари диққатга сазовор. У нутқ жараёнида тил бирликлари статусининг ўзгартирилиши деграмматикализация мавжудлигини тушунтиришда аскотади, деб ҳисоблайди. Р.Янда фикрича, деграмматикализациянинг кенг тарқалиш сабаби биринчи навбатда тил ўзгаришларининг психолингвистик ва социолингвистик асосларига боғлиқ бўлиб, бунда грамматикализация қайтмаслигини тушунинг – тил бирликларининг «авлоддан авлодга ўтиш жараёни» доимийлигига боғлиқ равишдалиги кўрсатилади (the discontinuous nature of language transmission across generations). Тил узатилиши доимий бўлмаганлиги сабабли, янги авлод эски авлод тилида у ёки бу лексемага қандай босқич ажратилганидан беҳабар бўлади; бу дегани, янги авлод эски авлод нутқидаги тил бирлигини юқори лексик ёки пасти грамматик босқичга тушириш ёки кўтариш борасида ҳеч қандай чегара қўя олмайди.

Р.Янда грамматикализациялашган бирликлар аслига қайтмаслигига оригинал ўхшатиш қилади: унингча, морфемалар узун қувур ичига ташлаб юборилгану улар қувур ичиди тобора тубсизликка тушиб кетмоқда ва тушган сайин емирилиб бораётгандек гўё. [6] Тил ўзгаришларининг бундай аналогияси Р.Ласснинг асарларида ҳам учрайди. У ҳам Р.Янда сингари тилдаги кўпгина диахроник ўзгаришларни «оқола қувурлар»да оқишига (sinks) қисслайди. Ўзгарган бирликлар гўё оқимга қўшилган сувдек оқиб, ўз аслидан узоқлашиб кетади. [7] Бу ўхшатишлар грамматикализация ҳодисасининг ҳар учала босқичидан ўтган бирликларнинг ортига қайта олмаслигини исботлаш учун келтирилган образли ўхшатишлар эди. Ўз вақтида Е.Курилович ҳам, тил ўзгаришлари жараёнини ёмғир оқимига қислаган эди – ёмғир ёғиши мумкин, ёғмаслиги ҳам мумкин, аммо ёмғир эккан тақдирда ҳам оқим аниқ траектория бўйлаб оқиб кетади ва ортита қайтмайди» деган эди. [8]

Умуман, грамматикализация ҳодисасининг моҳияти – мустақил луғавий бирликларнинг семантик маъносини йўқотиб, грамматик жараёнга силжишидир. Бу ҳодисанинг юзага келиш манбаи – мустақил лексемалар семантик майдонидаги луғавий маънолар (семалар)нинг хиралашуви ёки аста-секирлик билан бутунлай йўқолиб боришига бевосита боғлиқдир. Сўз семантикасининг мавҳумлашуви уларнинг грамматик маъно аниқлашчи востига айланиш жараёнини тезлаштириб, бошлангич грамматикализацияни юзага келтирилади. Бинобарин, нутқ жараёнида сўзлар «атайин» едиртирилади, силликлантирилади ва қисқартирилади.

Сўзимиз хулосасида айтишимиз мумкинки, тилдаги тежамлилилик тамойили грамматикализация ҳодисасининг юзага келиши учун муҳим факторлардан биридир. Чунки сўзлардан мунтазам фойдаланилиши натижасида уларнинг таркибидаги товушларнинг силликлануви (едирилиши) ва элементлар маъносининг йўқолиб бориши тежамлилилик тамойилига асосланади. Бу эса тилнинг ички грамматик қонуниятлари моҳиятининг ривожланиш босқичларидан бири бўлган грамматикализация ҳодисасининг айнан ўзидир.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Черепанов М.В. Система и норма в эволюции языка (на материале словообразования) // Материалы Всесоюзной конференции по общему языкознанию

«Основные проблемы эволюции языка», часть II, 9-16 сентября 1966 г. – Самарканд: 1966. – с 427-431.

2. Фуломов А., Тихонов А., Кушгуров Р. *Ўзбек тили морфем лугати*. – Т.: Ўқитувчи, 1977. 366-367-б.

3. Элтазаров Ж.Д. Тилдаги тежамлилиқ тамойили ва қисқарув. – Самарқанд: СамДУ, 2004. 4-10-б.

4. Махмудов Н. Эллипсис в современном узбекском языке. – АҚД, Ташкент, 1978. – 17 С. Нурманов А. Принципы экономии в фонетических изменениях узбекского языка. – АҚД, Ташкент, 1973. – 18 С.; Элтазаров Ж. Усечение в узбекском языке. – АҚД, Самарқанд, 1992. – 21 с.

5. Haspelmath M. Why is grammaticalization irreversible? // *Linguistics*. 1999. 37(6). P.1043-1068. people.cohums.ohio-state.edu/schwenter1/haspelmath1999.pdf

6. Janda R.D. Beyond “pathways” and “unidirectionality”: on the discontinuity of language transmission and the counterability of grammaticalization // *Language sciences*. 2001. 23. P. 267. www.eric.ed.gov/ERICWebPortal/recordDetail?accno=EJ1618101

7. Lass R. *Historical Linguistics and Language Change* / R. Lass. -Cambridge : Cambridge University Press, 1997. p.293-297. www.jstor.org/stable/4167399 // www.ling-phil.ox.ac.uk/bib_hist_ling

8. Курилович Е. О методах внутренней реконструкции // *Новое в лингвистике*. Вып. 4. М., 1965. с.69

СЕГМЕНТ ҚУРИЛМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲРГАНИЛИШИ

М.Умурзоқова (ГДПУ)

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб тилшунослиқда «экспрессив синтаксис» атамаси пайдо бўлди. Экспрессив қурилмаларнинг асосий вазифаси фақат ахборот ифодалабгина қолмай, адресатнинг эътиборини маълум воқеа-ҳодисага, предметга тортиш, диққатини ўша нарсада ушлаб туриш, уни бошқалардан ажратиш, таъкидлаб кўрсатиш ҳамдир. Экспрессив қурилмалардан бири сегмент қурилмалар бўлиб, у икки қисмдан - сегмент ва асосий қисмдан иборат бўлиб, улар орасида эса тема-рематик муносабат ифодаланади. Бир гап таркибида бериш мумкин бўлган ахборотни бўлақларга - сегментларга бўлиб бериш орқали экспрессивликнинг ифодаланиши тилшунослиқда «сегментация» термини билан аталаётган тушунчанинг пайдо бўлишига олиб келди. Тилшунослиқда сегментация фикр ифодалашнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлган. Француз тилшуноси Ш.Балли сегментациядан бошқа тилда фикр ифодалашнинг яна икки турини фарқлайди: сочиненне (боғланган), связанный (на - кесим муносабатига тенг келадиган «Бу қуш учади» типидagi гаплар.) «Сегментланган гаплар деб икки боғланган қисмдан ташкил топган, ammo бу боғланиш тулиқ бўлмай икки қисмни ажратиш мумкин бўлган гапларга айтади. Биринчи қисм (А) фикрнинг темаси функциясини бажарувчи, иккинчиси (Z) ремаси (повод) функциясини бажарувчи ҳисобланади.»¹ Сегментланган гапларнинг пайдо бўлишини Ш.Балли биринчи гапни эксплицит ҳолда такрорлаш натижасида пайдо бўлган бўлиши мумкин деган фикрни билдиради. *Ёмғир ёғаяпти. Биз чиқмаймиз.* Бу ҳол суҳбатдошни иккита деб тасаввур қилганда янада ойдинлаштириши таъкидлайди. *А- Ёмғир ёғаяпти? В- Ёмғир ёғаяпти? (Сизнинг айтишингизча, ёмғир ёғаяпти?) Биз чиқмаймиз.* Бу ҳолат бизга ўша ҳолатни, яъни В суҳбатдош биринчи гапни такрорлаш жараёнида айтмоқчи бўлган гапни эслаб олиш имконини берганлигини тасаввур қилишга ёрдам беради.² Тилшунос олим сегментланган гапни шакл жиҳатидан боғланган (связанной) гапга

¹ Балли Ш. *Общая лингвистика и вопросы французского языка*. И.-Л. Издательство Иностранной литературы. -М. 1955. С.70.

² Балли Ш. *Кўрсатишган асар*. 71-б.

қарама-қарши қўяди. 1.Бу хат, мен уни олмадим. 2.Бу хатни мен умуман олмадим. Биринчи гап функция. искинчиси форма жиҳатидан фарқ қилади.

Сегментация тушунчасини Г.Н.Акимова синтактик бўлакларнинг умумлаштирилган кўриниши сифатида тушунмоқ кераклигини таъкидлайди. Унинг сегмент қурилмалар синтаксиснинг предмети сифатида турли томонлама анализ қилиш натижасида намоён бўлади: унга турли синтактик қурилмалар, кўп ҳолларда гапнинг рамкасидан чиқиб кетадиганлари тегишлидир. Сегментнинг бири олдингиси кейинги фикрнинг темаси сифатида намоён бўлади. Ақтуал бўлакларнинг сатҳига кўра алоҳиди чиқарилган сегмент темага тўғри келиб, мустақил позицияни эгаллайди. Сегмент қурилмалар албатта икки аъзоли (бўлакли) бўлади. Сегмент қурилмалар субстантив шаклдаги баённинг корреляцияси асосига қурилади. Кейинги қисмда у субстантив характердаги сўз ёки олмош билан алмашади.¹ Ш.Балли бунга қарама-қарши бўлган ҳолатнинг ҳам мавжудлигини таъкидлаган эди. Бунга кўра олдин олмош, кейин субстантив характердаги сўз келади. Антиципацияга ўзбек тилшунослигида номинатив гаплар ҳақида тадқиқот олиб борган Ҳ.Ғофуров муносабат билдирмаган. Тадқиқотчи бундай гапларни бош бўлаги олмош билан ифодаланган номинатив гаплар сифатида баҳолайди. «Номинатив гапнинг бош бўлаги баъзан кишилик олмоши билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бундай чоғда бош бўлак одатда «ана» ёки «мана» деген кўрсатиш юқламалари билан биргаликда келади ва шахснинг мавжудлигини кўрсатади. Масалан: *Мана улар. Қудан бери бир-бирлари билан дўстлашишни орн қилиб келар эдилар.*»²

Тилшунос олим И.Расулов номинатив гапнинг субстантив характерда бўлиши унинг лексик-морфологик табиатики белгиланиши, унинг бош бўлаги гурдош, атоқли отлар, отлашган сўзлар ва олмош билан ифодаланишини, олмош билан ифодаланганлиги албатта *ана, мана* сўзларини олишани таъкидлайди.³

Сегментация оддий гапнинг исалган бўлагини темага, қолганини эса ремага айлантириш имконини беради. Ш.Баллининг таъкидлашича, сегментланган гапларда интонация асосий ролни ўйнайди. А ва Z кўринишида тузилган сегментланган гаплар қиска пауза билан бир-биридан ажралиб туради, баъзи ҳолларда бу пауза махсус асбоблар ёрдамида сезилади.Товуш модуляцияси (мусикийлиги, тусланиши) сегментланган синтактик шаклнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Чунки улар бир қисмини иккинчи қисмдан ажқол ажратиш билан бирга, икки типни AZ ва ZA ни фарқлаш имконини ҳам беради. AZ да товушнинг баландалашуви теманинг саволи, повод(рема)нинг жавобга тўғри келиши билан изоҳланади. ZA типдаги гапларда А нинг паст интонацияга эга бўлишини унинг биринчи характеридан излаш лозим. Чунки бу ҳолда А эксплицит ифодаланган боғланган гапдан келиб чиққан бўлиб, ўзини олдин келган гапдаги фикрни аниқлаштиришга хизмат қилади. Гарчи мустақилдй кўринган икки гапнинг иккинчиси биринчисига нисбатан мустақил бўлади, чунки иккинчи гап биринчи гапни изоҳлаб, тўлдириб келади.

Сегмент қурилмаларнинг типик турларидан бири сегмент қисмнинг бон келишида ифодаланиши билан характерланади. Бундай қурилмалар кўпдан тадқиқотчилар назарига тушган бўлиб, улар турлича номлар билан аталади.Тилшуносликда «именительные темы», «именительные представления» номлари билан аталиб келинаётган тушунчалар ҳам сегментли қурилмаларнинг бир тури саналади. Тасаввур номлари (именительные представления) деб аталган тушунчи тилшуносликда кенг тарқалган. А.А.Потебня таъкидлаганидек, сегмент конструкциялар шакл жиҳатидан ўхшаш бўлган номинатив гаплар ва тасаввур номлари билан

¹ Акимова Г. Н. Новое в синтаксисе современного русского языка. -М.Высшая школа, 1990. С. 106.

² Ғофуров.Ҳ. Ҳозирги замон ўзбек тилида номинатив гаплар.фил.фан.номз.дисс. -Тошкент, 1962.-Б.8

³ Расулов И.Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар.-Тошкент.Фан.1974.-Б.197.

алоқадорликда ўрганилган. Бизнингча, тилшуносликда матн қисмларини қайта тузиш орқали шаклланган атов гапларни сегментлашнинг натижаси сифатида тушунмоқ керак. Тасаввур номлари оғзаки нутқнинг кучсиз элементи сифатида намоён бўлади. Пешковский, Попов, Скребнев бундай қурилмаларнинг ёзма адабиётда қўлланилишини оғзаки нутққа яқинлаштирувчи услубий восита сифатида сифатида баҳолайдилар.

Рус тилшунослигида сегмент қурилмалар дастлаб А.М.Пешковский томонидан таъкид этилган. Олим на гап бўлиб шаклланган, на унинг бўлаги саналган сўз ва сўз бирикмалари ҳақида гапириб, бош келишидаги сўзлар аниқлашган предметларни, тушунчаларни ажратади. Оғзаки нутққа хос бўлган, кейинги гапта у кўрсатиш оломоши билан алоқаланган бош келишидаги сўзларни ҳам шундай синтактик қурилмалар сирасига киритиш мумкинлигини таъкидлайди. Унингча, сўзловчи бош келишидаги сўзларни айтганда гап тузишни мўлжаллаган, бу сўз унга эга ёки эганинг аломати сифатида керак бўлишини билади, сўз кейинги ўринда оломош билан алмашади. Олим тингловчининг диққатини қаратишга хизмат қиладиган бундай қурилмалар маъруза ўқийдиган ўқитувчилар нутқида фаол қўлланилишини айтиб, уни «лекторским» именительный деб атайди. А.М.Пешковский бундай қурилмалар сўзловчининг айнан шу тасаввур номини ажратиб кўрсатиш истагининг натижаси сифатида пайдо бўлишини таъкидлайди. Фикр икки усулда етказилади: аввал ажратилган предмет номи келтирилади, тингловчига ҳозир шу предмет ҳақида нимадир айтилиши маълум бўлади, ҳозирча унинг диққатини қаратмоқ лозим, кейин эса фикр айтилади. Лектор нутқида тингловчига энгиллик туғдирилади, оғзаки нутқда эса сўзловчи ўзига энгиллик туғдиради.¹

Бундай қурилмалар гапни ёки гап эмасми деган саволга тилшунослар турлича фикр билдирадилар. Гап ҳам эмас, унинг бўлаги ҳам эмас деган қараш Н.С.Валгина, Т.Р.Коновалова, Л.И.Майорова, А.М.Пешковский, А.С.Попов, И.П.Распопов ишларида акс этган. Баъзи тилшунослар сегмент қурилмаларни номинатив гапларнинг бир тури сифатида қарайдилар. В.В.Бабайцеванинг фикрича, тасаввур номлари (имен. представления) номинатив гапларнинг бир тури бўлиб, сегмент нутқнинг (фикрнинг) предметини аташ орқали тингловчида, китобхонда тасаввур уйғотишга хизмат қилади.² Тасаввур номлари билан атов (номинатив) гап орасидаги асосий фарқ атов гапта предметнинг мавжудлиги тасдиқланса, тасаввур номларида эса сўзловчининг предмет, нарсаси ҳақидаги тасаввур тўғрисида хабар берилади.³

В.Г.Адмони ҳам тасаввур номларини номинатив гапнинг бир тури сифатида гап саналишини, у ҳам ўзига хос оҳангга эга бўлган мустақил коммуникатив бирлик сифатида сўзловчи бирон бир предметнинг мавжудлиги ҳақида тингловчида тасаввур уйғотиши, деган қарашни билдиради.⁴

Юқоридагилардан маълум бўлдики, сегмент қурилмалар ҳақида тилшуносликда турлича қарашлар мавжуд. Ўзбек тилидаги бадий асарлардан танланган асарлардан олинган мисоллар таҳлилидан келиб чиқиб, бу ҳодисалар ҳақида қуйидаги хулосаларни бериш мумкин. Сегмент қурилмаларнинг атов (номинатив) гаплардан асосий фарқи унинг кейинги гаптаги оломош билан алоқаланишда деб кўрсатадилар. Тилшунос олим И.Расулов номинатив гапни тасаввур номларидан алоҳида ҳодиса сифатида талқин этса-да, номинатив гапларни ўзидан кейин келган гаптаги оломош билан

¹ Пешковский А.М. Русский язык в научном освещении. -М.1956. с.405.

² Бабайцева В.В. Л.Ю.Максимов Л.Ю. Современный русский язык. Часть 3.Синтаксис.Пунктуация. -М.Просвещение. 1981.с.111

³ Бабайцева В.В. Односоставные предложения в современном русском языке.М.-Просвещение.1968. с.138.

⁴ Адмони В.Г. О двусоставности предложения. Ученые записки I ЛГПИИЯ ЛГУ.с.147-148

алоқаланишини, олмош гапда турли вазифаларда келишини таъкидлайди.¹ Атов (номинатив) гаплар предикативликка эга, сегмент курилмаларда эса предикативлик белгилари йўқ деб кўрсатилади. Кейинги гапдаги олмош билан алоқаланган атов гапларда ҳам, айнан бир олмош билан алоқаланмай мазмуни бир неча гап ёки абзац ердамида англашиладиган курилмаларда ҳам замон, тасдиқ маъносини англашилади. Атов гап ҳам номинатив гап ҳам бир синтактик ҳодисани англатиб, назаримизда уларга алоҳида –алоҳида ҳодисалар деб қараш тўғри эмас. Тилшуносликда турли номлар билан италиб келинаётган, морфологик шаклланишига кўра бир хил бўлган бу ҳодисалар атов гап термини билан берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Атов гап бўлиб келган субстантив характердаги сўзнинг маъноси ўзидан кейин келган гап ёки матн билан бирга олинганда тўлиқроқ ифодаланади. Атов гаплар ҳам сегментлаш натижасида ҳосил бўлади ва нутқнинг экспрессивлигини таъминлашга хизмат қилади.

ТИЛ БИРЛИКЛАРИДА МАКОН МАЪНОСИНИНГ КОНТЕКСТУАЛ КУЧСИЗЛАНИШИ

С. Икрамова

ЎзДЖТУ тадқиқотчиси

Макон категориясининг лингвистик жиҳатдан репрезентация қилиниши масаласи тилшуносларни қадимдан қизиқтириб келган масаладир. Лекин шундай бўлсада аънавий грамматик таълимотлар соҳасида маконий муносабатлар, одатда йқинчи даражали бўлак, яъни хошнинг вазифасига кирган бўлиб, морфологик жиҳатдан эса бу вазифа равишларга юклатилган. ad-префикси лотин тилида “ёнида келадиган”, “бирга юрадиган” деган маънони билдиришини инобатга олсак унда adverb сўзи “фёъл билан бирга ишлатиладиган сўз туркуми” деб тушуниш мумкин. Албатта равишлар борликда ифода қилинадиган барча фазовий, маконий муносабатларни тўлиқ, рисоладагидай ифода қила олмайди, чунки улар сон жиҳатдан от ёки фёъл каби кўп сонли эмас.

Шунинг учун бу вазифа отнинг келиши шакли ва предлоглар зиммасига юклатилади. Синтаксисда эса бу “adverbial modifier” аниқроғи равиш ёрдамида маънони очиб берувчи, ёритиб берувчи сўз деб тушинилади. Аънавий грамматикада маконий муносабатларни билдиришнинг асосий тамойиллари мана шулардан иборат. Аммо ҳозирги пайтда тилшунослик. Шу жумладан, грамматика жуда илгариллаб кетди ва маконий муносабатларнинг ҳам жуда мураккаб шакллари ўрганилмоқда.

Бу нарса макон категорияси ва унинг лисоний репрезентацияси ҳақидаги масаланинг ҳамон долзарб бўлиб қолаётганидан далолат беради. Ушбу мақолада биз бирламчи локатив маънога эга бўлган макон предлоглари маъноларининг айрим контекстуал омиллари таъсирида кучсизланиб қолиш ҳодисаси ҳақида сўз юритамиз. Гап шундаки бизнингча ўша мавхум муносабатларни билдирган ҳолатларда ҳам локатив предлог ўз макон маъносини сақлаб қолади ва маконий маъно референциал маънодан метафорик маънога айланиб кетади, яъни йқинламчи номинация амалга оширилади. Мақола ҳажмида бу катта масалани тўлиқ батафсил ўрганиб етарли даражада кенг баҳо бериш қийин бўлсада, биз бу ўринда маконий предлогларнинг контекстдаги бошқа сўзлар билан турли характердаги синтактик алоқага киришар экан уларнинг семантикасида содир бўладиган кучишлар табиатини тушуниб олишга ҳаракат қиламиз.

Маконий предлогларнинг айрим гапларда тушиб қолиш гоёси тилдаги мавжуд тежамкорлик қонуни билан боғлиқдир. Бу ерда нутқ занжири боғловчи сўз *which* ҳисобига қисқариши мумкин, у ёнидаги *house* от сўз туркумида ифодаланган мазмунини

¹ Ҳасулов. И. Кўрсатилган асар. -Б.191.

қисман такрорлайди ҳамда объектив воқелиқдаги ўша нарсани англатади. *Which* сўзи тушиб қолгандан кейин эргаш гап тузилиши жиҳатдан ҳам тугалланмаган бўлиб қолади: ифодада тушиб қолган нарса ёки бўлакка предлог орқали феълдан борадиган алоқа занжирини тугатиши мумкин бўлган элемент қисм етишмайди. Бироқ ушбу уғалланмаганлик *he lives in* аниқловчи эргаш гапнинг аниқланаётган бош гапнинг *the house* бўлагига яқин ҳамда тушиб қолган боғловчи сўздан ушбу бўлакка томон ўтказилган кўриб чиқилаётган сўз бирикмасининг қолган қисмидан ифодаловчи маъно ва синтактик алоқаси билан бартараф қилинади.

Борлиқдаги нарсани ифодаловчи бўлакнинг бу каби тушиб қолиши ва воқелиқдаги ўша нарсани аниқлавтувчи сўзни инфинитивли қурилмаларда ҳам учратиш мумкин: *I need a pen with which to write. I need a pen which to write with, I need a pen to write with. I have nothing for which to ask you. I have nothing which to ask you for. I have nothing to ask you for. The chair is a thing on which to sit. The chair is a thing which to sit on, The chair is a thing to sit on.*

Инфинитивли қурилмалардаги айрим структураларда предметли бўлакнинг тушиб қолишини бошқача тарзда ҳам тақдим қилиш мумкин: *I need a pen to write with (it). The armchair is comfortable to sit in (it). The chair a thing to sit on (it). He is too slow to wait for (him). He is difficult to talk with (him).* Тушиб қолган сўзнинг ўрнидаги янги сўзга семантик моҳиятнинг ўтиши маъно ва шаклий тузилишнинг ўртасидаги параллеллигини бузади. Агар аниқловчи эргаш гап макондаги макондаги нарсани ифодаловчи бўлакнинг тушишига қадар ушбу бирлик доирасида семантик ва формал тузилиш билан паралел ва битишувли синтактик бирлиқни ўзида акс эттирган бўлса, у ҳолда борлиқдаги маконда мавжуд бўлган нарсани ифодаловчи бўлак тушгандан кейин эргаш гапнинг шаклий тузилиши тўлиқ бўлмайди, семантик жиҳати эса бироз ўзгаради: предлог орқали ўрнатиладиган синтактик алоқа эргаш гап чегарасидан ташқарига чиқади ва эргаш гап боғланадиган бош бўлакка эга бўлади, бу эса ушбу гап билан аниқланади, ва кўриб чиқилаётган сўз бирикмасидаги тушиб қолган предметлибўлак шиглаган воқелиқнинг макондагиўша предметини бу ҳам англатади.

Бир синтактик алоқага эга бўлган сўзда ушбу алоқанинг суствлашуви натижасида синтактик функциялар бирлигининг алоҳида ҳолати рўй беради: сўз орқали ажралган Урам эргаш гап ёки инфинитивли қурилма бажарадиган қўшимча вазифага эга бўлади ва ўз сўз бирикмаси доирасида уни ўзининг бирламчи вазифаси билан бирга олиб боради. Масалан, *This is the house I live in* ушбу мисолдаги *house* сўзи аввало бош гап қосимининг отли қисми саналади ва шу билан бирга эргаш гапга таалуқли бўлган *in which (=in the house)* ҳолга оид предлогли сўз бирикмаси тушиб қолган предметли бўлагининг вазифасини ўзига қабул қилади.

Бундай мураккаб конструкциялар доирасидаги икки бир бирига яқин турган синтактик конструкцияларнинг синтактик вазифаларидаги ўхшашликни *there is* оборотли гапларда ҳам учратишимиз мумкин: *There's a man wants to see you.* Бу ерда элементнинг тушириб қолиши ҳисобига тежамкорлик принципини амалга ошириш мумкин, Худди шундай умумий маънони кейинги матнда ҳам кўришимиз мумкин. *There is a man who wants to see you.* Эргаш гапдаги *who* эганинг тушиб қолиши натижасида бош гапдаги *man* эгасиэргаш гап учун ҳам эга саналади. Алоқанинг қўшимча чизиги ажратилган элементнинг грамматик шакли тушиб қолган предметли бўлакнинг грамматик шакли билан мос келиши ҳам, мос келмаслиги ҳам мумкин. У аввало, биринчи занжирнинг семантик тизимига мос келади, унинг звеноси бўлиб ҳисобланади. Агар тушуриб қолдирилмаган элемент икки алоқа юзасидан синтактик вазифани бажаришдан ташқари от сўз туркуми билан умумий келишик шаклида ифодаланган бўлса, яъни ушбу элементнинг ва тушиб қолган субстантив сўзнинг грамматик шакллари ҳар доим мос келади. *I need a pen to write with. Tom is not the boy to*

play with. Агар ушбу элемент олмош билан ифодаланган бўлса, у холда унинг шакли мос келиши ҳам, мос келмаслиги ҳам мумкин: *I find him easy to deal with (him). He is easy to deal with (him).* *They are too slow to wait for (them).*

Уч қисмли сўз бирикмасининг “фeъл + предлог + предметли булак” янги мураккаб кўриниши куйидаги кўринишидаги пассив конструкция ҳисобланади. *He was sent for. I am not acquainted with the doctor sent for. You must have him sent for. I should like him to be sent for.*

Мажхул нисбатдаги фeълнинг иштрокида қурилган ушбу синтактик конструкциялардан фақат иккинчисида кўриб чиқилаётган уч қисмли бирикмада предметли булакнинг (эганинг тушиб қолиши) кузатилади. Масалан: *I am not acquainted with the doctor (who is) sent for.* Унинг битишув синтактик алоқасига эл бўлган ушбу ҳолатда ва у томонидан аниқланадиган конструкциядаги предметли булакка the doctor сўзининг ишлатилишини тахмин қилиш мумкин. Қолган мисолларда эса тушиб қолдириш учрамайди, учинчи ва тўртинчи мисолларда эса предметли булак тўлдирувчи келишигида турибди ҳамда объектли инфинитив қурилманинг таркибиди фeълнинг мажхул нисбати билан мос келади (Complex object). Бироқ тобе предметли булак эга вазифасини бажарётган тбиринчи ва иккинчи кўриниларнинг бирортасида ҳам ўриндош сўз сифатида *he* ва *who* олмошларинитасаввур қилиш мумкин эмас. Масалан: *He was sent for. ... The doctor (who was) sent for.* Шунингдек уларнинг бош келишигини тўлдирувчи вазифасидаги предметли булакнинг тушиши натижаси эканлигини ҳамда куйидаги ҳолатларда ушбу вазифани сўз эгага ўтишини тушунтириб бўлмайди: *They are too slow to wait for (them).*

Шундай қилиб пассив конструкцияларга биз юқорида қўллаган “берк” предлогли конструкцияларнинг учта биринчи турига предлогли хусусиятларнинг “берк” сўзларда ўзгармай сақланиб қолиш сабабини тўлиқ изохлашнинг иложи йўқ.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, эганинг маконий боғлиқлик нуктан назаридан мустақил эканлиги ҳақидаги тезис ҳам адолатли эмас. У ганинг тузилиши жиҳатидан муҳим бўлган бошқа булаклар билан ҳам боғлиқ (аввало кесим ва тўлдирувчи билан), жумладан кесим ва тўлдирувчи ҳам эгага тобе. Эга ва кесим тизими турдаги кўпгина гапларнинг зарурий таркибий эдементи ҳалос, бироқ унинг барча булаклари ҳар қандай гапта у ёки бу жиҳатдан ўзаро боғланган. Масалан воқеликнинг уч предмети орасидаги ўзаро маконий муносабат борасидаги биргина маънони тузилиши жиҳатидан турли бўлган гапларда ифодалаш мумкин, бу эса ифодаланётган маконий маънонинг боши таянч нуктаси сифатида унинг қайси бўлаги олиниши, шунингдек қайси сўз билан қандай шаклда ифодаланиши билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Арутюнова, Н.Д. Язык и мир человека. –М.: Языки русской культуры, 1999.

Мазурова Ю В Типология средств выражения пространственной локализации: вертикальная ось. Автореф. канд...дис. –М., 2007.

Языки пространств. Логический анализ языка / Отв. ред. Арутюнова Н.Д. –М.: Языки русской культуры, 2000.

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ИСТИҚБОЛИ ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

Н. Алаутдинова (ЎзМУ)

XX асрнинг 40-80-йиллари давомида ўзбек тилшунослиги ўсди, ривожланди, катта илмий ютуқларга эришди. Таъкидлаш жоизки, бу даврда Т.Иброҳимов, А.Н.Кононов, А.Ғуломов, У Турсунов, С.Усмонов, О.Усмонов, Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова, Ш.Шоабдурахмонов, М.Миртожиев, А.Ҳожиев, Ф.Камолов, Р.Қўнғуров, М.Мирзаев, И.Расулов, Ж.Мухторов каби яна бир қанча етакчи олимлар ва улар издошларининг тилга система сифатида ёндашувлари (жуда кенг маънода), ўзбек

тилининг ўзига хос ички хусусиятлари ва тараққиётини ҳисобга олган ҳолда моҳият-ҳодиса, сабаб-оқибат, имконият-воқелик, мазмун-шакл, умумийлик-хусусийлик, статиклик – динамиклик, синхрония-диакрония, дедуктивлик ва индуктивлик, диалектиканинг умумий қонунилари ва яна бошқа категорияларини идрок этиб туриб, бирор ҳолатда, асосан мазмунга ёки асосан шаклга таяниб, ёхуд функцияга таянибгина иш кўрмаганлиги жаҳон тилшунослигининг, хусусан, рус тилшунослигининг барча, энг сўнгги ютуқларидан келиб чиқиб тадқиқотларини амалга оширганлари ҳамда ҳодисаларни мумкин қадар чуқур тадқиқ этишга интиланлари билан шу давр ўзбек тилшунослигини жаҳон тилшунослиги даражасидан орқада қолмаслигини тўла таъминладилар.

Шунинг мамнуният билан айгиш мумкинки, бу даврда, яъни 1957 йилда Ф.Камол таҳрири остида «Ҳозирги замон ўзбек тили» (лексикология, фонетика, графика ва орфография, морфология) илмий грамматикаси яратилди. Бу асар юзага келишидан аввал ўзбек тилшунослигининг лексикология, фонетика, графика, орфография, морфология бўлимлари бўйича кўплаб рисолалар (20дан ортиқ) нашр этилиб, улардаги камчиликлар бартараф қилиниб, мукамаллаштирилган ҳолда шу давр ўзбек тилшунослигининг жуда катта ютуғи ҳисобланган бу асарнинг яратилишига замин бўлди.

Ундан кейинги даврда, яъни 1960-йиллар атрофида яратилган «Узбекский язык» (В.В.Решетов, фонетика), «Грамматика современного узбекского литературного языка» (А.Н.Кононов, 1960), «Основы фонетики и грамматики узбекского языка» (В.В.Решетов, 1965), «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (У.Турсунов ва бошқалар), М.Мирзаев ва бошқалар томонидан тузилган «Ўзбек тили» дарсликлари, 1966 йилда 2-жилдлик «Ҳозирги ўзбек адабий тили» илмий грамматикаси яратилди. Бу китоб ўзбек тилининг барча сатҳлари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижаси сифатида нашрга тайёрланди. Худди шу давр маҳсули сифатида яратилган «Ўзбек тили грамматикаси» (1975, 1976). Кейинроқ, яъни 1980-йилларда «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (Ш.Шоабдураҳмонов, М.Аскаророва, А.Ҳожиёв, И.Расулов, Х.Дониёровлар, 1-қисм, дарслиги нашрдан чиқарилди. У.Турсунов ва Б.Ўринбоевлар томонидан тузилган «Ўзбек адабий тили тарихи» (1982) қўлланмаси, А.Ғуломов ва М.Аскаророва ҳамкорлигида тузилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслиги (1987). Ҳ.Жамолжоновнинг «Ҳозирги ўзбек адабий имом» 1-2 қисмлар, М.Миртожиевнинг «Ўзбек тилида полисемия», «Семасиология» китоблари, Р.Қўнғуров томонидан яратилган тадқиқотлар. Айниқса, ўзбек тилининг формал ясовчи аффикслари борасидаги ишлари. Мазкур ишлар ўзбек тилшунослигининг XX аср 40-80-йиллари тараққиётини белгилайди. Улар шу даврда бажарилган фундаментал илмий тадқиқотларнинг умумлашмасидир. Бу ишларнинг яратилишида иштирок этган тилшуносларнинг барчаси (албатта, айримлари ҳозирги кунда орамизда йўқ) истиқлол даври ўзбек тилшунослигининг пойдеворини яратиб, ривожланишини таъминлайдиган тадқиқотлар олиб бордилар. Ана шу олимлар ва уларнинг илмий тадқиқотларисиз кейинги давр тилшунослиги тараққиётини тасаввур қилиш қийин. Айниқса, XX асрнинг 60-йилларидан ўз илмий фаолиятини бошлаган ва ҳозирги кун тилшунослиги тараққиётига ҳам ўз ҳиссаларини қўшаётган кейинги – ўрта бугун тилшунослари М.Миртожиев, Ф.Убаева, А.абаев, Э.Бегматов, Э.Фозилов, Э.Умаров, А.Ҳожиёв, Ҳ.Жамолжонов, Ш.Раҳматуллаев, М.Аъламовалар ҳамда улар қаторига қўшилган Ё.Тожиёв, А.Бердалиев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Р.Сайфуллаева, Қ.Содиқов, Ҳ.Дадабоев, М.Р.Юнусов ва яна бошқа кўпгина тилшуносларнинг ишлари ҳам бу давр тилшунослигини тўлдирди. Айнан мана шу тилшунослар ҳамда улар қаторига кейинроқ қўшилган С.Каримов, Ҳ.Шамсидинов, Б.Йўлдошев, А.Маматов, С.Аширбоев, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, А.Мамажонов, Т.Мирзакулов, Б.Тўйчибоев,

А. Мидхалиев каби яна ўнлаб тилшунослар истиқлол даври тилшунослигини 40-80 йиллар ўзбек тилшунослиги билан боғлаб турувчи кўприк вазифасини ўтайдигилар.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, юқорида номлари қайд этилган тилшунослар илмий тадқиқотлари тил бирликларига турли жиҳатлардан ёндашиш, тилшунослик сатҳларининг ўзаро мустаҳкам алоқада эканлигини, шунингдек, тилшуносликнинг ўзини ҳам бошқа фанлар, йўналишлар билан муносабатини ҳисобга олиб туриб, яхши, айниқса, социолингвистика, этика, эстетика, (компьютер лингвистикаси), прагматика, хатто, география, биология, албатта, фалсафа, мантиқ (И.Раҳимов «Мантиқ ва тилшунослик») ва яна бошқа фанлар, соҳалар билан боғлаб туриб, ниҳоят, семантикани татбиқ этиб ёндашиш натижалари сифатида юзага кела бошлади. Бу борада, албатта, Ш.Сафаровнинг прагматика ва когнитив тилшунослик борасидаги ишларини қайд этмаслик мумкин эмас («Когнитив тилшунослик», «Санзор», 2006; «Прагмалингвистика», Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, Т., 2008). Бу ишлар, шубҳасиз, ўзбек тилшунослигида тил ҳодисаларини кенг қамровли йўналишларда, тил-нутқ муносабатида, бирликларга изчил, иерархияли ва ўзаро муносабатдорликда, имкониятларнинг намоён булиш тарзида, жаражаланиш жиҳатларини ҳам ҳисобга тула олган ҳолда тадқиқ этиш учун замин бўлди. Айниқса, сўз, тил бирликлари имкониятларини тула очиб бериш, яъни субстанциал ёндашувга (бу анча илгари бошланган) эътиборни янада кучайтириш, шу кунгача қилинган ишларга тўғри баҳо бериб, улардаги бўш ўринларни тўлдириб, бу ишларда қайд этиб ўтилган долзарб муаммолар ечимини топишга қаратилган ишларни кучайтириш каби, академик А.Ҳожиев «Ўзбек тили ва адабиёти» журналинда «Тилшуносликнинг долзарб муаммолари» рукнида эълон қилган 20 дан ортқ жиддий мақолаларда, бошқа олимларимиз ишларида қайд этилган масалалар билан шуғулланишга катта эътибор қаратилаётганлигини алоҳида таъкидлаймиз. Бу борада кейинги вақтда (асосан истиқлол даврида) Р.Сайфуллаева, М.Курбонова, Т.Мирзакулов, О.Бозоров, Ш.Искандарова, Д.Лутфуллаева, А.Собиров, С.Мухаммедова, С.Маҳаматкулов, Ансориддин Иброҳимов, З.Холмонова, С.Ризаев каби олимлар жиддий тадқиқотлар олиб бораётганлиги кузатилади. Албатта, булар сафи кенгайиб борапти, уларни санаб ўтиришни шарт деб билмадик. Бирок шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, уларнинг аксарияти ХХI аср тилшунослиги тараққиёти учун назарий асос бўла олган, манба вазифасини ўтаган, шу тараққиётни белгилаб берган олимлар қарашларига ҳурмат билан қараш, улардаги илғор фикрларни ривожлантириш, бойитиш йўлини танлаб иш тутаяптилар. Бу эса ХХ аср тилшунослиги мустаҳкам илмий фундаментга эгадир, деган хулосани яқаришга имкон беради.

МУМГОЗ МАЪРИФИЙ АСАРНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК ТАЛҚИНИ

Г.И.Тоцрова(БухДУ)

Жаҳон адабиёти илмий таснифи бўйича адабий символизмнинг бир кўриниши сифатида баҳоланадиган исломий маърифий (мумтоз атамаларда: *орифона, ирфоний маънавий*) асарлар мазмуни – беҳад оддий, лекин ўта серҳажм ва пурқамров рамзий тизим билан белгиланади. Мутахасссларнинг фикрича(1;2);, бу рамзий тизим куйндаги учликдан иборат:

ҲАҚ/МАҚСАД ←←←← ТЎСИҚ/НАФС ←←←← ТОЛИБ/ИНСОН.

Реал нутқий маъноси (муайян шароитда қийматдошлари)нинг кенглиги билан уларни математик формулаларга ёки структурал тилшуносликдаги моделларга (ЛСҚ - лисоний синтактик қолипларга) қиёслаш мумкин. Маълумки, бу формулаларда $a, b, c \dots$ (маълум сонлар учун), $x, y, z \dots$ (номаълум сонлар учун) белгилари истаган бир рақам(сон)нинг рамзи бўлиб кела олади. ЛСҚларда ҳам шундай.

«Ҳақ ← тўсиқ ← голиб» тизимдаги ҳар бир сўз-рамз ўз ва кўчма маънолари, уларнинг парадигмастик синонимик, гипонимик, партонимик, градуонимик ва нутқий метафорик, метонимик ва синекдохик маъновий алоқалари, «тимсолнинг тимсоли», «тимсолнинг тимсолининг.....тимсоли» (атама Н.Комиловники) тамойили асосида мумтоз бадий-маърифий асарларда қўлланилган атов маъноли даярли барча сўзларни ўз тизимига тортади. /1;2;/ Бунда ҳал қилувчи аҳамиятга толиб мавқеида ким келганлиги эгалар – унинг кимлиги мақсадио унга эришиши учун етигишиши зарур бўлган тўсиқнингнинг нимадан иборат эканлигини белгилайди. Бу жиҳати билан мумтоз маърифий асар реал нутқий мулоқотдан фарқ этмайди (қўяс.: 4;) ва унинг таҳлилига нутқий мулоқотнинг замонавий тадқиқ усуллари – прагматингвистик таҳлил тамойиллари /5;6;/ ёндашишга имкон беради.


Шу нукта назардан Мир Алишер Навоийнинг «Ғаройибус сиғар» девонидан ўрин олган мусамманнинг бир (еттинчи) бандини таҳлил этиб кўрамиз. Банднинг мағни қуйидагича:

*Қўҳи дардинг заъфиқ тан бирла чектим муддате,
Ким, висол уммидидин кўнгулмда эрди қуввате,
Эмди раҳм эткилки, юзланмиши ажойиб ҳолате,
Не кўнгулда қуввате қолмиши, не танда сиҳҳате,
Не қарору сабр, не тобу тавон, не тоқате,
Не кўнгул, не жону, не руҳу равон, не пайқаре /3, 510/*

Матннинг умумий маъноси: толиб/инсон мавқеида турган лирик қахрамоннинг (адресантнинг) маълум бир мақсад йўлида аниқ бир умид билан маълум муддаг оғир қийинчиликларни чеккани, эндиликда ҳолат ўзгарганлигининг ғулувли тасвири асосида умиди қаратилган манбадан (адресатдан)ҳамияту, шафқату қўллаш иложиси.

Бу ҳолатни ёзма нутқий мулоқотнинг бир ситуатив (оний) тизими сифатида олсак, унинг ички қурилишини қуйидагича бериш мумкин

(1-чизма)



Бунда *толиб* (мақсадли шахс) рамзи мавқеида лирик қаҳрамоннинг (шоирнинг) ўзи – «мен», яъни адресант келган. Мана шу ёзма нутқий мулоқот орқали эришилган керак бўлган *ҳақ/мақсад* рамзининг реал маъноси ҳам, нутқнинг кимга қаратилганлиги (яъни адресант)нинг кимлиги ҳам, матннинг таянч тушувчанлиги сифатида қўлланилган *дард*, *ҳолат* рамзлари замирида қандай маъно ётганлиги ҳам мана шу «мен» (адресант) остида ким турганлиги билан белгиланади. Зероки, адресантнинг нутқий мулоқоти, унинг мақсадлари, илк ҳолат тавсифи (*қўзи жам заъфлиг тан, чекмоқ, муддат*) ва унинг кейинги ҳолати ғулувлли тавсифини берадиган 3-6-мисраларда қўлланилган сўзларнинг ҳақиқий нутқий қиймати «мен» (адресант) рамзи билан узвий боғлиқ. Мана шу «мен» (адресант) рамзининг қандай шахс, ким билан тўлдирилиши банднинг бутун мазмунига - унда ишлатилган сўз-рамзларнинг коммуникатив-прагматик қийматига муайянлик, аниқлик киритади. Чунотчи.

1. Адресант «мен» ↔ реал ошиқ

Бунда *ҲАҚ/мақсад* → *реал ошиқ*; *дард* → ёр висолига етишиш йулидиган машаққат ва кийинчиликлар; *висол* → машуқага етишишмоқ.

1-ҳолат → реал ошиқнинг машуқа висолига етишдаги машаққати;

2-ҳолат → реал ошиқ орзуларининг «пуч»га чиқиши.

2. Адресант «мен» ↔ ориф, сўфий

Бунда *ҲАҚ/мақсад* → *Аллоҳ/ҲАҚ*; *дард* → ҳар бир тариқату сулук учун ҳақ бўлган солиқ ҳаққа етиш учун бартараф этиши лозим бўлган кийинчилик, азият-нафси (Ўзликни) тийиш йўли ва усуллари; *висол* → илк кўринишда денгиздан ажралиб буғу, ёмғир томчисмо, дарё/булоқ суви заррасмо, ўсимлик таркибидан сув... в.х.лар сифатида «саргардонлиқ оворагарчилиқларни бошдан кечирган томчидай ўзи ажралиб чиққан денгизга қайтадан тушгандай ҲАҚқа, Мутлақликка» сингиш ва ўзлигини томоман йўқотилиш мақсади;

1-ҳолат → дардни чин дилдан адо этмоқ; 2-ҳолат → кучдан қолганлиги, заифлашганлиги (на қуввати, на соғлиги, на сабру тоқати, на жону-гани, на руҳи, на пайкар.... қолганлиги) сабабли дардни ўзи хоҳлагандек чекламаётганлиги ва энди ҲАҚдан раҳмату шафқат талаб, умидвор бўлиш ҳолати;

3. Адресант «мен» ↔ обид/зоҳид /шайх.... олдий мусулмон;

Бунда *ҲАҚ/мақсад* → *Аллоҳ, худо, тангри*; *дард* → шариат у дунёда жаннатдан жой олиш учун бу дунёда бажаришни талаб этадиган амаллар; *висол* → жаннатда ҳузур ҳаловат билан абадий яшаш;

1-ҳолат → бу дунёда шариат аҳкомларида тўлароқ қилган ҳолда яшаш;

2-ҳолат → қариб, заифлашгани сабабли шариат талаб қиладиган аҳкомларни тўли бажаролмайди, шунинг учун Худодан раҳмату шафқат тилайди.

4. Адресант «мен» ↔ ота, падар;

Бунда *ҲАҚ/мақсад* → фарзанд, бола; *дард* → таълим-тарбия кийинчиликлари; *висол* → фарзанд улгайиб вояга етгач, унинг соясида яшаш ҳузурини кўриш мамнуниятини;

1-ҳолат → бир фарзандни ўстириб, улғайтириш, ўқитиб тарбиялаш ва вояга етказиш меҳнатлари;

2-ҳолат → қариганлиги, заифлашгани сабабли «ақлга кирмаган» фарзанддан илтижо қилиш ҳолати.

5. Адресант «мен» ↔ устоз, мураббий.

Бунда *ҲАҚ/мақсад* → шогирд, издош; *дард* → таълим-тарбия кийинчиликлари; *висол* → шогирднинг қамолга етишиши, устознинг ишнини даном эттириши, устоз ҳурматида жойига қўйиши;

1-ҳолат → бир шогирдни вояга етказиш меҳнатлари;

2-ҳолат → «издан чиққан» шогирддан илтижо қилиш ҳолати.

(Буни куйидаги схема асосида давом эттириш мумкин:
Адресант «мен» ↔ ... Бунда ҲАҚ/мақсад → ...; дард → ...; висол →; 1-ҳолат
→; 2-ҳолат → ...)

Мана шу усулдаги «формула»да ҳар бир «ситамкаш» ўзига тегишли қийматларни қўйиб, унда ўзини кўриши мумкин.

Шарқ, жумладан, ўзбек мумтоз рамзий бадий-маърифий асарларининг нафақат жаҳон адабиётида, балки бутун санъатида символизм йўналишининг ривожланишига кучли таъсир этган. Леонардо де Винчи ва Гёте асарлари неча асрлар давомида турли дину, минтақаю, миллату, мафкураю турли касб-корли зиёлилар учун ҳамма даврларда бир хилда матлубу марғубдир. Бунинг сабаби ундаги мана шундай рамзий моҳиятнинг борлигидадир. Маърифий мумтоз асарларимиз ҳам шундай - маърифатли ҳар бир инсон тўлиб рамзида ўзини, тасвирда эса ўз ҳолату кечинмаларини кўра олади. Шунинг учун уни севиб ўқийди, қайта-қайта такрорлайди ва узлуксиз д а в о м э т т и р а д и. Бу адабиёт - риёзиётдаги бир реал (қўшиш) ва бир идеал (тенглаштириш) моҳиятнинг турли воқеланишлари бўлган гўрт амалдай, моҳиятини сақлаган ҳолда ҳар бир даврнинг ўз эҳтиёжлари учун шу даврга хос ва мос хизмат қилади. Тақомиллашиб боради, ҳамда даврни олга етаклайди.

Мумтоз маърифий асарларимизнинг (Гарбий Европа Ренесанси асарларининг ҳам) умрбоқийлиги сири ҳам шундадир – улар гўзаллик рамзи сифатида барча даврлар учун марғубу матлуб.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Воҳидов Р., Неъматов Х., Махмудов М., Сўз бағирида маърифат. -Тошкент. Ёзувчи. 2001.
2. Комилов Н. Тасаввуф ёки қомил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. -Тошкент. Ёзувчи. 1996.
3. Навоий Алишер, Мукаммал асасрлар тўплами. Учинчи том. 3-том. Тошкент.Фан. 1988.
4. Роджерс Джон Сёрл. Что такое речевой акт? В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып.17. М.: Прогресс, 1986.-С.151-169.
5. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. -Т.: ЎзМЭ, 2008. -285 б.
6. Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлил асослари. Ўқув қўланма. -Самарқанд, 2007. -40 б.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Гули Ибрагимовна Тоирова- БухДУ ўзбек филологияси кафедраси ўқитувчиси E-mail: lugulijon@mail.ru

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ГАЗЕТАЛАР МАТНИДА МАҚОЛЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Артикова Махфуза Раҳимовна,
ЎзДЖТУ стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси*

Газета наشري учун материал ёзиш жараёнида журналист ўз матнининг ҳар томонлама қизиқарли, тушунарли бўлишини мақсад қилади. Бунинг учун эса у газета тилида сўз ўйинларидан фойдаланиб, шу орқали ўқувчининг эътиборини жалб этади. Газета тилида сўз ўйини олиб боришнинг бир қатор усуллари бўлиб, улардан энг кўп қўлланиладигани халқ мақолларидан фойдаланишдир. Прецедент матн турларидан тибобланмиш мақоллар ҳақида олимлар куйидагича фикр билдирадилар: "...мақоллар бу ҳар бир миллатнинг ўзига хос бўлган, шу миллат вакиллари томонидан ўзгача тушуниладиган маълум жараён ҳамда вазият ҳақидаги белгидир. Ҳар қайси миллат

ишқиллари ўзларининг халқ мақолларини ўз дунёқарашларидан келиб чиқиб тўлдириб бордилар” (Панина 1998, 25). “Хар бир миллатнинг миллий менталитетини ўрганишнинг мақолларида фойдаланиш энг мақбул йўлдир. Zero, халқ мақоллари замирида ўша миллатнинг ўтмиши, тарихий тажрибалари, халқ донишмандлиги ётади” (Пузырев 1998, 19).

Ўзбек тилида чоп этиладиган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Моҳият” ҳамда “Даракчи” газеталарини кузатиш жараёнида мақолларнинг интервью, лавка, репортаж, мақола, очерк, фельетон каби жанрларида кўпроқ ишлатилишининг ҳамда хар бир мақолнинг прецедент матн сифатида ўз ўрнига эгаллиги, миллий маданиятимизни акс эттиришига гувоҳ бўлдик.

“...шунда кемага туниганинг жони бир эканига амин бўлдим” (“Даракчи”, 11.08.2011) бу мақолга шарқона рух берилган. Маълумки, Шарқда ҳамини жамоатчиликка кенг эътибор қаратиб келинган, яъни киши ўзи учун эмас, балки ён атрофидагилар учун ҳам ҳаракат қилиши лозимлиги уқтирилади. Мазкур мақолда атир бошга бирон фалокат келса, уни бартараф эгишга ҳамма бир жону бир тан бўлиб ҳаракат қилиши лозимлигига ишора этилади; “Одам боласи – элнинг лоласи” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 18.03.2011) бу мақолда ўзбек халқининг болажон халқлиги акс этади; “Бешик боласи – бек боласи” (“Даракчи” 3.11.2011) бешик азал-азалдан ўзбек халқининг маданий бойликларидан бири ҳисобланиб келган, бешикда ётган болаларни соғлом, қомати тик бўлишини назарда тутиб, бекларнинг фарзандларига киёслашади; “Қўлдан берганига қўи тўймас” (“Ҳордиқ”, 22.12.2011) ўзбек халқи ўзининг танглиги, мардлиги, бировга қарам бўлмасликка ҳаракат қилиши билан ном қозониб келган. Юқорида келтирилган мақол ҳам миллатимизнинг аниқ шундай қарашлари самарасидир; “Меҳнат қилсанг эгиз–эгиз, давлат келар эгиз–эгиз” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 18.03.2011) мазкур мақолда халқимизнинг тарихдан меҳнатқаш халқ бўлганини, нонини ҳалоллаб ейишни афзал билишини кўришиб туради; “От изини той босар” (“Даракчи” 3.11.2011) бу мақол ҳам ўзбекларгагина хос бўлган “ота касбига муҳаббат, хурмат ва садоқат” туйғуларини ифодалайди. Халқимизда маълум бир касб эгаларининг авлодлари, ворислари ҳам ана шу ҳунар ёки касбни эгаллаганлари, давом эттирганларининг гувоҳи бўламыз. Масалан, юртимизда кулоллар, темирчилар, табиблар, заргарлар ва бошқаларнинг сулодалари шакланганлигини яхши биламыз.

Демак, мақоллар нафақат бир миллатнинг бугунги турмуш тарзи, дунёқараш мезонларини акс эттиради, балки унинг тарихи, миллий–маданий бойлигини ҳам келажак авлодларга етказиб берад экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Маҳмуд Саттор. Ўзбекнинг гапи қизик. – Т., 2011. 21-бет.

Панина Л.С. Роль спецкурса “Основы русской паремологии” в системе общей лингвистической подготовки студентов-филологов // Филология и журналистика в контексте культуры. – Ростов-на-Дону, 1998. 25-27-бетлар.

Пузырев А.В. Русские пословицы как хранитель сведений об особенностях русского менталитета // Филология и журналистика в контексте культуры. – Ростов-на-Дону, 1998. 19-21-бетлар.

ТУРКИЙ ТИЛЛАРДА ҚЎШМА ГАП ҚИСМЛАРИНИНГ БОҒЛАНИШИДА ҚЎМАҚЧИЛАРНИНГ ЎРНИ

Д. Айтбоев АДУ докторанти

Тил системасида қўшма гаплар алоҳида мавқега эга. Қўшма гаплар синтактик структураси жиҳатидан ҳам, мазмуний структураси жиҳатидан ҳам ўзига ҳосдир. Қўшма гапларни ташкил этган компонентлар нисбий мустақил бўлишига қарамай, улар

мазмуний бир бутушликни ташкил этади. Ушбу компонентларнинг мазмуний ихтилатлигини таъминлашда кўмакчилар алоҳида ўрин тутлади. Масалан, *Ёшинг улгайган сари, тажрибанг ҳам орта борди. Резина қанчалик чўзилган сайин, у шунчалик илчичка тортади.* Кўринадиким, кўмакчилар содда гап таркибида гап бўлаklarини, кўнма гап таркибида эса эргашган кўшма гап қисмларини боғлаш учун хизмат қилгани ҳолда, улар ўртасидаги турли хил муносабатларни ифодалайди. Хусусан, *билан* кўмакчиси эргаш гапни бош гапга бириктириб, пайт, сабаб маъноларини юзага чиқаради: *Баҳор келиши билан, сайроқ қуш учиб келди. Унга савол бериши биланоқ, Арслон терлаб кетди.* Бир қарашда, ушбу гапдан пайт маъноси англашилиб, пайт эргаш гапга кўшма гапни ҳосил қилгандек. Лекин келтирилган мисолларга чуқурроқ назар ташласак, бош гапдан англашилган ҳаракатнинг юзага чиқиши учун эргаш гапда ифодаланган ҳаракат сабаб бўлган. Бу ҳолат, айниқса, иккинчи гапда аниқ сезилади. Демак, юқоридаги гапларни икки хил тушуниш мумкин: *Баҳор келгани учун сайроқи қушлар учиб келди; Савол бергани учун Арслонбек терлаб кетди* ва *Баҳор келган пайтда сайроқи қушлар учиб келди; Савол берган пайтда Арслонбек терлаб кетди.* Бунда бир ўринда улар ўртасида сабаб, иккинчи ўринда эса пайт муносабати англашилади. Бу, ўз навбатида, кўшма гапларнинг шакли ва мазмуни ўртасидаги номувофиқликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Демак, кўмакчилар гап таркибида нафақат унинг қисмларини боғловчи восита, балки улар ўртасидаги турли мазмуний муносабатларни ифодаловчи ва натижада гапларда асимметрик дуализмни келтириб чиқарувчи омиллардан биридир.

Қозоқ тилида ёрдамчи сўз туркумлари “шылау” деб номланиб, улар ўз таркибига кўмакчи ва боғловчиларни қамраб олади. Содда гапларни бир-бири билан боғлаш учун хизмат қилади. Бунга қўйилган кўмакчилар қиради: *шейін (қадар), дейін (қадар), кейін (кейин), бери (бери, буён), сайын (сари), соң(сўнг), үшін (учун).* Гап таркибида “шылау” кўмакчиларнинг бажарадиган вазифалари катта. Масалан: *Қўланбай аттанып кеткенге дейін, мўндай ауылдар қурақ ұшып, қалбақ қағып жүреді (Ўзбечаси: Қўнонбой отланиб кеткунга қадар, бундай қишлоқлар ҳеч қиналиб қурмаган).* Бунда кўмакчи кўшма гап қисмларини боғлаш баробарида гап мазмуний тузилишига таъсир этмокда. Чунки *қадар* кўмакчиси гапдан англашилаётган ахборотдан кейин юзага келаётган воқеага ишора қилиш учун ҳам хизмат қилмокда. Юқоридаги гапдан Кўнонбой кетгандан кейин қишлоқларда қийинчилик бошланганлиги ҳақидаги ахборот англашилади.

1. *Кейін, бери (кейин, бери(буён))* кўмакчилари ўтган замон сифатдошининг чиқиш келишидаги тури ҳисобланиб, тобе гап қисими таркибига қиради. Масалан: *Қонақтар жайласып болғаннан кейін, Итбай ауыз үйге шықты (Мехмонлар жойлашиб бұлғанидан кейин, Итбой оғиз уйга чиқшиди). Ол жұмысқа шыққаннан бери, қалтасынан дәрт-дәрмек арылмайтын (У ишга чиққандан буён (бери), чўнтагидан дорилар айрилмайдыган бўлиб қолди).*

2. *Сайын, соң (сари, сўнг)* кўмакчилари ўтган замон сифатдошига боғланиб илтиқлиб, тобе гапнинг қисими бўлади. Масалан: *Шўбардың жапағы сөзі есіне түскен сайын, Әбшитің намысы мен ызасы үдей түсті (Чипорнинг баяги гапи эсиға тушган сари, Абишининг ор-номуси қинади). Кейінгілер шығып болған соң, қўтылғанына қушгандай ақсия күлді (Кейингилари чиқиб бұлғандан сўнг, қўтылғанға хурсанд бұлғандай оғзини очиб қулиб қўйди).*

3. *Үшін (учун)* кўмакчиси тобе гапни бош гап билан боғлайди. Бу жараёнда тобе бўлақлар бош гапдаги ҳаракатнинг мақсадини билдиради. Масалан: *Күзетші сөзін қалмау үшін, біз жыраның ішімен еңбекпеніп кеттік (Ўзбечаси: Қоравул навбатчи сезиб қолмаслиғи учун, биз қоянинг ичи билан эмаклаб кетдик).*

Демак, қозоқ тилида ҳам кўмакчилар кўнма гап қисмларини боғлаш на учун ўртасидаги мазмуний муносабатларни ифодалаш учун хизмат қилади

ЎЗБЕК АДИБЛАРИ СУКУТ ОДОБИ ТЎҒРИСИДА

Хаджаев Шўхрат

(Қарши ДУ стажёр-гадликотчи-излаувчиси)

Шарқ маънавий маданиятининг ажралмас, залворли қисмини эгаллаган ўзбек миллий маданиятида муомала одоби тўғрисидаги ахлоқий қондалар асрлар давомида мукамал тарзда ривожланиб қатъий мезон сифатида шаклланиб конкретлашиб борган. “Ахлоқий билимларнинг ривожланиб ва авлоддан авлодга мерос қолишининг оқибатида ахлоқий маданият вужудга келади”.¹ Ўзбек ахлоқий маданияти ҳам дастлаб халқ оғзаки ижоди намуналарининг турли кўринишларида шаклланиб ривожланган ва шу асосда кейинчалик ёзма адабиётга ҳам кўчиб ўтган. Ўзбек адабиётининг дастлабки намуналаридаёқ сўз одоби – тил одоби тўғрисидаги фикрлар асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Буни биз туркий тилдаги энг дастлабки асарлардан бири бўлган “Қутлугу билиг” (“Бахтга элгувчи билим”) асарининг муаллифи Юсуф Хос Ҳожибнинг сўз одоби – сукут одоби тўғрисидаги фикрларни келтириш орқали ҳам билишимиз мумкин:

Кўп сўзлаб киши доно бўлмайди,

Кўп эшитиб доно барчага бош бўлади;

Сўзни сўзламасау соф олтинга тенг, у тилдан чиқарилса сариқ чақага тенг.

Юқоридаги жумлалардан кўришиб турибдики, Юсуф Хос Ҳожиб тил одоби ҳақида сўзлаб, муомала одобидаги энг асосий масала – сукут одоби, суҳбатлашшудан мақола сўзлаш эмас, кўпроқ эшитишдир, кўп гапириш сўзнинг қадрини пасайтиради, деган фикрларни илгари сурмоқда.

Туркий тилдаги дастлабки панднома асар “Қобуснома”нинг муаллифи Кайковус ҳам ўз фарзандига насиҳат тарзида ёзган асарида мукамал кишининг энг асосий белгиси муомала маданияти малакасига эга бўлиш эканлигини уқтиради. Кайковус муомала одобининг муҳим қондаларидан бири – сукут одоби эканлигини тўғрисида сўзлар экан шундай жумлаларни келтириб ўтади. “Кўп сўзлама, чунки, ақлсиз киши кўп сўзлайди деганларки, жим ўтириш саломатлик сабабидир” (Қобуснома).

Кайковуснинг фикрларидан келиб чиқадиган бўлсак, қадим-қадимдан суҳбатларда кўп сўзлайдиган кишиларга ақлсиз деб қаралган ва шундан келиб чиқилганки муомалада сукут сақлаш ва кўпроқ тинглаш донолик ва ақллилик белгиси сифатида эътироф этилган. Кайковуснинг “Жим туриш саломатлик сабабидир” жумласига нисбатан “деганларки” деб ривоят қилишга қараганда бу ҳикматли сўз Кайковусдан илгари илгарироқ ҳам туркий мулоқот маданиятида мавжуд бўлган ва “жим ўтириш” – суҳбат жараёнида кўпроқ сукут сақлашга жисмоний, маънавий–руҳий соғломлик баркамоллиқнинг рамзи дея қаралган.

Кошифий ҳам тил одоби тўғрисида сўзлаб шундай дейди: “кўп гаплик кўнгилни қириқ қилади, инсонни хор этади”.

Сукут одоби тўғрисидаги қарашлар адибларнинг сукут тўғрисидаги фикрларидаги ҳам эмас, балки бадний асарларидаги қахрамонлар муносабатлари мисолида ёки ибратли ҳикматлари орқали ҳам ажойиб тарзда ёритиб берилган. Бунга мисол қилиб Абду Баракот Қодирийдан келтирилган қуйидаги ривоятни ҳам олишимиз мумкин: “Бир куни Бузургмехрга савол беришибди: – Сиз учун сўз афзалми ёки сукут? Бузургмехр жавоб берибди: – Сўз афзал. Шунда яна сурашибди: – Бунинг сабаби нима?”

¹ Носиров К. “Ахлоқий маданият – инсон камолоти ва жамият тараққиётининг асоси”.// Узлуқсиз таълим, 2008 йил, №6, 112–6–81–84 бетлар.

Бузургмехр: – Сузлаш афзал деганимнинг маъноси шуки, ягар бу посита бўлмаганда эди, сукутдаги бекиёс хислатлар очилмай қоларди”.

Адибларимизнинг сукут тўғрисидаги ҳикматли сўзларида сукутнинг яна шундай бекиёс хислатлари суз, тил одоби каби жумлалар орқали ифодалангани ва қўй ўринларида сукут сўзининг ўзи ишлатилмайди, аммо айни мазмун сукут сақлаш одоби тўғрисида бўлиб қолаверади. “Суз ва унинг ўринди ишлатилиши, сукут одоби ҳақида ўз замонасида улуг алломаларимизнинг барчаси ҳам қимматли фикрларни ёйиб эгитишти”¹. Тил одоби, сукут одоби тўғрисида ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий ҳам жуда қўй фикр-мулоҳазалар билдирган:

– Суз била нафъ ўлмаса эл пейжаси,
Яхши керак қўнғуда андишаси.

Маъноси: гапириб фойда қилмаган киши сукут сақлагани маъқул,

– Тилинги ўз ихтиёрида асра

– Тилига кучи ета олган донишманд,

Сўзга эрк берган пасткаш аҳмоқ.

Ахлоқ масаласи Навоийнинг тил одоби тўғрисидаги ва яратган асарларидаги бош масала сифатида туради. Шарқ анъаналаридаги энг қадимий қадриятлардан бири – муомала одоби Навоийгача ва ундан кейинги даврларда ҳам маънавий-маданий ривожланишининг бош мезони сифатида баҳоланган. Шарқ маънавий маданиятидаги қомил инсон гоёсининг бош мақсади ва асоси ҳам ахлоқ-одоб қондалари асосида шаклланган.

УРБАНИСТИЧЕСКИЕ МОТИВЫ В ЛИРИКЕ В.Я.БРЮСОВА

*Хабибуллаева Ф.К. - преп. АГУ
Юлдашева Мавлуда- студ. АГУ*

Могучую, преобразующую силу художественного творчества последовательно защищали модернисты. Такое название нескольких групп имело четкое обоснование. Освоению новых принципов и форм искусства – общая черта всех течений этого направления – придавалось назначение жизнестроения.

Метром «старших» символистов был В.Я. Брюсов. Символизм – направление в европейском и русском искусстве, возникшее на рубеже XX столетия, сосредоточенное преимущественно на художественном выражении посредством символа («вещей в себе») и идей, находящихся за пределами чувственного восприятия. Стремясь прорваться сквозь видимую реальность к «скрытым реальностям», сверхвременной идеальной сущности мира, его «нетленной» Красоте, символисты выразили тоску по духовной свободе.

Символизм в России развивался по двум линиям, которые часто пересекались и переплетались между собой у многих крупнейших символистов: символизм как художественное направление и символизм как миропонимание, мировоззрение, своеобразная философия жизни.

Символы – это не изобретения людей, но некие знамения, означающие нечто, принадлежащее божественной действительности. Они обладают самостоятельным бытием и наделены комплексом значений, по-разному раскрывающихся на различных уровнях бытия и сознания.

¹ Алиматов Т. “Нутқ кишининг зебу зийнати”//Узлукюз таълим. 2009 йил, №5, 112-6–59-63 бетлар.

Символисты создали свой мир и отвергли существующую реальность. Этот мир без правил впоследствии превратился в настоящую действительность. Искусство жизнь по символизму – это театр, в котором каждый играет свои роли.

Почти каждый значительный поэт первой трети XX века (время бурного развития городской цивилизации) отдал дань теме города: появляются циклы, в названии которых содержится семантика «города», пишутся стихотворения, поэмы даже романы, в центре которых образ главных городов России – Петербурга и Москвы. Складывается своеобразная философия города, творятся «городские» мифы, в которых реальность причудливо переплетается с вымыслом и традицией.

В истории русской литературы Брюсов навсегда остался открывателем новых путей, «искателем смутного рая», великолепным мастером стиха, доказавшим, что поэт может передать все многообразие человеческих страстей, все «сокровища», заложенные в чувстве.

В 90-х годах Брюсов поражал собеседников загадочными речами, намеренно ничего не разъясняя. А Бальмонт «дикими» выходками покорял женщин и доводил до иступления мужчин. Воспитанный же в такой атмосфере читатель уже ничему не удивлялся.

Жизнь порождала искусство, искусство переливалось в жизнь – строило ее по своим законам. Игра перерастала в реальность, и все оказывалось соответствием всего. Эта причудливая действительность становилась повседневной атмосферой, ею жили и дышали. Символистами называли себя и те, кто стремился к туманным намекам на неясный им самим смысл, и направлявшие мысль читателя по пути приятливых ассоциаций, и претендовавшие на то, чтобы определить словами еще никем не познанную сущность Вселенной. Символисты стремились продемонстрировать обостренную чувствительность, непонятные обычному человеку переживания, неожиданные видения. Символисты описывают мир душой. Символизм – вера в то, что помимо мира видимого, реального, существует другой – невидимый, сверхъестественный; вера в возможность человека общаться с этим миром. Три главных элемента нового искусства, считают символисты, мистическое содержание, символы и расширение художественной впечатлительности.

Брюсовым создан собственный стиль – звучный, чеканный, живописный. Для него характерно разнообразие форм, их неустанный поиск, стремление обнять в своем творчестве все времена и страны. Брюсов ввел в русскую поэзию образ современного большого города с его людскими толпами и огнями реклам. Это урбанизм, отражение города на новом после Н.А. Некрасова цивилизационном этапе. Это также обращение к истории, тема смены культур. Это мотивы научной поэзии. Продолжая и объединяя разнородные традиции (Достоевского, Некрасова, Верлена, Бодлера и Верхарна), Брюсов стал по сути первым русским поэтом-урбанистом XX века, отразившим обобщенный образ новейшего города – «В стенах» (сб. «Tertium Vigilia»), «Картинь» (сб. «Urbi et orbi») и др. Брюсов ищет в городских лабиринтах красоту, называет город обманным чудом), любит «буйством» людских скопищ и священным сумраком» улиц («Жадно тобой наслаждаюсь», 1899; «Конь блед», 1903, «Городу», 1907 и др.), склоняется к поэтическому «оправданию» пороков мегаполиса, видя в них отблеск тайн», «восторги» и «видения мечты» в опьянении страстью и азартом («Я люблю в глазах оплывших», 1899; «В игорном доме», 1905). Брюсов угадывает в урбанизации жизни «противоестественные», враждебные человеку черты, которые могут привести к будущим катаклизмам. Идут поиски новых форм поэзии, способных выразить мысли и чувства, «ощущение конца света».

Для анализа мы выбрали стихотворение «Ночью», так как оно наиболее ярко отражает его творчество.

Дремлет Москва, словно самка спящего страуса,
Грязные крылья по темной почве раскинуты,
Кругло-тяжелые веки безжизненно сдвинуты,
Тянется шея – беззвучная, черная Яуза.

Чуешь себя в африканской пустыне на роздыхе.
Чу! что за шум? не летят ли арабские всадники?
Нет! качая грозными крыльями в воздухе,
То приближаются хищные птицы – стервятники.

Падали запах знаком крылатым разбойникам,
Грозен голос близкого к жизни возмездия.
Встанешь, глядишь... а они все кружат над
покойником,
В небе ж тропическом ярко сверкают созвездия.

В этом стихотворении Брюсов словно уводит нас в иную реальность, в иное измерение, он противопоставляет Россию с Африкой и сравнивает Москву с самкой страуса. В данном случае самка спящего страуса является символом Москвы. Повторение звуков гр – кр – рск – кр напоминают нам крики страуса. Все это навеивает мистический трепет.

Брюсов выбрал необычайный для русской поэзии размер – с разным количеством ударных слогов в строчках. Он показывает красоту безобразного (грязные крылья, стервятники, падаль). Мы как будто находимся в нереальном мире, космосе, где царит тишина и покой. В первой строфе через страуса Брюсов проводит аналогию с Москвой, говоря «Грязные крылья по темной почве раскинуты, //Кругло-тяжелые веки безжизненно сдвинуты, //Тянется шея – беззвучная, черная Яуза», он (Брюсов) имеет в виду то, что Москву заполнила грязь и тени заняли все ее пространства. Она устала терпеть всю пошлость, которая заполонила все.

У остальных поэтов, не символистов, символ принимает аллегоричную форму, форму сравнений; символисты же выходят за рамки аллегорий. У них символ приобретает более обильные границы, принимая при этом самые необычайные формы. В данном стихотворении это отчетливо видно. Брюсов сравнивает Москву со страусом.

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ ТАРАКҚИЁТИНИНГ ЭМПИРИК, НАЗАРИЙ ВА МЕТАНАЗАРИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Раҳимов А.У. (ф.ф.н, АДУ)

Ҳозирги кунда баёндан талқинга, таҳлилдан тадқиққа Утилганлиги, объектга система сифатида ёндашув, системавий-структурал тадқиқотлар, лисоний ҳодисанинг формал-функционал талқини, тил бирликларининг серкирралилиги ва кўп парадигмага мансублигини назарда тутган ҳолда тадқиқотларнинг амалга оширилаётганлиги Ўзбек тилшунослиги фанининг назарий ва метаназарий босқичларларда тараққий этаётганини кўрсатади. Бизнингча, ўзбек тилшунослиги учун истиқлол берган улкан нёзмат

“методологик плюрализм”дир. Чунки XX асрнинг 70-80 йилларига қадар ўзбек тилшунослигида методологик монизм ҳукм сурди. Яъни бу даврда тилшунослик фани собиқ совет мафқурасининг тазйиқи остида бўлди. Бу эса ўзбек тилшунослигининг турли аспектида эркин ривожланишига тўсқинлик қилди. Истиқлолга эришганимиздан сўнгра ўзбек тилшунослиги учун ҳар жиҳатдан янги давр, методологик янгиликларни янгиликларни даври бошланди. Биринчидан, ўзбек тили ҳеч бир тилнинг призмаси асосланмай, балки ўз илдизига ва ўз табиатига асосланган ҳолда тадқиқ этили бошланди. Иккинчидан, ўзбек тилшунослиги марризм, марксизм, ленинизм каби совет таълимотлар асоратидан қутулди, мустақил ривожлана бошлади. Учинчидан, ўзбек тилшунослиги ягона мафқурага ва тайёр белгиланган методологик установага таянмай, балки турли хил парадигмалар ва методларга асосланган ҳолда тараққий эти бошлади. Шу жиҳатдан ўзбек тилшунослигининг XXI асрдаги ҳолати ўзбек тилшунослигида босиб ўтилган йул, ундаги таҳлил методлари ва усуллари, илмий тадқиқотларда таянган методологияни баҳолашни ва маълум маънода танқидий идрок этишни, замонавий парадигмаларнинг тилшунослик учун аҳамиятини белгилашни тил ҳодисаларини монопарадигмал ёндашув асосида эмас, балки полипарадигмал ёндашув асосида тадқиқ этиш лозимлигини тақозо қилади. XXI асрда тилшунослик методологик жиҳатдан янгиликлар ва эвристикларга эҳтиёж сезмоқда. Бунда, аввалло, диалектика ва систем методология билан бир қаторда синергетика, герменевтика ва феноменология каби илмий парадигмаларни тилшуносликка татбиқ этиш масаласи кўндланган бўлмоқда.

Инсон ақли ҳодисаларни фақат кузатиб ва қайд этиб қолмай, балки уни тушунтириши ҳам эҳтиёж сезади. Абстракция илмий билишнинг олий босқичи саналади, лекин у тушунтириш ва талқин этиш босқичига эҳтиёж сезади. Шу нуқта назардан француз олими О.Конт фанларни икки гуруҳга бўлишни тавсия этган: 1) тавсифловчи (эмпирик, аниқ) фанлар; 2) тушунтирувчи (назарий, маъқум) фанлар. Яъни “нима” ва “қандай” саволларига тавсифловчи фанлар жавоб берса, “нега” деган саволга жавоб бериш, яъни ички сабабий алоқаларни очиб бериш вазифасини тушунтирувчи фанлар бажаради. Мазкур бўлинишни тилшуносликдаги соҳаларга татбиқ этилиши бўлсақ, фонетикани тавсифловчи, фонологияни эса тушунтирувчи ёки лексикографияни тавсифловчи, тарихий лексикология ва этимологияни тушунтирувчи фан деб баҳолаш мумкин.

Фердинанд де Соссюрнинг тилни “ўзида ва ўзи учун” ўрганиш лозимлиги ҳақидаги тезиси фақат тавсифий ва назарий тилшуносликка тегишли, уни тушунтирувчи тилшуносликка татбиқ этиб бўлмайди. Тил ўзини тавсифлаш мумкин, лекин ўзини ўзи тушунтира олмайди. Тушунтириш учун тилнинг чегараларидан четга чиқибла турли келади. Яъни тил ҳодисаларини ва тилнинг онтологик моҳиятини асосли ва илмий тушунтириш учун бизга барча фанларнинг ютуқлари ва уларнинг тилшунослик билан ўзига хос ҳамкорлиги зарур бўлади. Мазкур ҳолат бугунги тилшунослик фани тараққийтида яққол акс этмоқда. Яъни тилшуносликдаги энг янги йўналишлар айни унинг бошқа фанлар чорраҳасидаги “қесишуви” билан узвий боғлиқ бўлиб қолмоқда. Буни когнитив тилшунослик, компьютер лингвистикаси, социолингвистика, психолингвистика каби фанлар мисолида кўриш мумкин.

Ўзбек тилшунослиги тараққийтига назар ташласак, дастлаб тавсифий ва назарий босқичларда ривожланганини таъкидлаш мумкин. Бугунги ўзбек тилшунослиги эса назарий босқичдан ҳам юқорироқ бўлган тушунтириш (экспланатор) ҳамда метаназарий босқичларда тараққий этмоқда. Шу асосда ўзбек тилшунослиги фанининг тараққийтини шартли равишда 3 босқичга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

¹ Соссюр Фердинанд де. Курс общей лингвистики // Соссюр Фердинанд де. Труды по языкознанию. - М. 1977. - С. 267.

Ўзбек тилшунослигининг эмпирик босқичи – энг қадимги даврлардан то XX асрнинг 50-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр оралигида яратилган бой илмий мерос, хусусан, Форобий, Ибн Сино, Беруний, М.Қошғарий, М.Замахшарий, А.Навий, З.М.Бобур, А.Фитрат, Қ.Рамазон, А.Зоҳирий каби олимларнинг тилшуносликка оид монументал асарлари “Ўзбек мумтоз тилшунослиги”нинг мағзини ташкил этади. Бунда Ўзбек тилшунослигининг барча соҳаларида тил ҳодисаларини, грамматикани ўрганиш баробарида бой фактик материал тўпланган.

Ўзбек тилшунослигининг назарий босқичи – XX асрнинг 60-йилларидан то XX аср охирига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр оралигида Ўзбек тили фонетикаси, лексикологияси, фразеологияси, диалектологияси, морфологияси ва синтаксиси назарий жиҳатдан чуқур таҳлил ва талқин этилди, Ўзбек тили грамматикаси ва тил ҳодисаларини ўрганишда янгича ёндашувлар, хусусан, системавий, структурал ва функционал ёндашувлар татбиқ этилди. Бир сўз билан айтганда, бу даврда Ўзбек тилшунослиги соф илмий тилшунослик сифатида шаклланди.

3. Ўзбек тилшунослигининг метаназарий босқичи – асосан, истиқлол даврини ўз ичига олади. Истиқлолга қадар Ўзбек тилшунослигида янгича метод ва ёндашувлар ҳақида фикр юритиш мумкин бўлмаган, бунга шўролар даврида юритилган тил сиёсати ва ҳукмрон мафкура имкон бермаган. Истиқлол йилларида А.Ҳожиёв, Ш.Раҳматуллаев, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, Р.Сайфуллаева, Т.Мирзақулов, О.Бозоров, Ш.Шаҳобиддинова, М.Қурбонова, Ш.Искандарова, Д.Лутфуллаева, А.Собиров, Д.Набиева каби олимларнинг асарларидаги илмий қарашлар ва назарий фикрлар Ўзбек тилшунослигининг метаназарий босқичида алоҳида ўрин эгаллайди¹. Хусусан, академик А.Ҳожиёвнинг Ўзбек тили грамматикасининг морфемика ва сўз ясалishi тизими хусусидаги илмий қарашларидаги янгича талқинлари, Ш.Раҳматуллаевнинг янгича руҳда ёзилган “*Ҳозирги адабий ўзбек тили*”, А.Нурмонов, Н.Маҳмудовнинг “*Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис*”, А.Нурмонов, Ш.Шаҳобиддинова, Ш.Искандарова, Д.Набиеваларнинг “*Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология*”, Ҳ.Неъматов, Р.Сайфуллаева, М.Қурбоноваларнинг “*Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари*” каби дарсликларида илгари сурилган

¹ Қаранг: Нурмонов А. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. -Тошкент: Фан, 1982.; Маҳмудов Н. Ўзбек тили содда гапларида семантик-синтактик асимметрия. -Тошкент: Ўқитувчи, 1984.; Маҳмамов Н. Адабий норма ва плеоназм. -Тошкент: Фан, 1988.; Расулов Р. Ўзбек тилидаги қолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. -Тошкент: Фан, 1989.; Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солиқўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. -Тошкент: Фан, 1992.; Мирзақулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари. Филол. фанлари докт... дис. афтореф. -Тошкент, 1994.; Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик ва хусусийлик диалектикаси талқинида. -Андижон, 1994.; Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. -Тошкент: Ўқитувчи, 1995.; Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1995.; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Филол. фанлари докт... дис. афтореф. -Тошкент, 1997.; Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). Филол. фанлари докт... дис. афтореф. -Тошкент, 1998. Неъматов Ҳ., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. -Тошкент: Университет, 1999.; Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини. Филол. фанлари докт... дис. афтореф. -Тошкент, 2001.; Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.; Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар. Филол. фанлари докт... дис. афтореф. -Тошкент, 2002.; Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида талқин этиш. -Тошкент: Маънавият, 2004.; Лутфуллаева Д. Э. Гапни семантик-синтактик қолиқлаштириш муаммолари. -Тошкент: Фан, 2005.; Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. -Тошкент: Шарк, 2005.

гоялар, А.Нурмоновнинг “�збек тили синтаксисининг систем тадқиқи муаммолари”, Н.Махмудовнинг “�збек тили содда гапларида семантик-синтактик асимметрии”, Т.Мирзакуловнинг “�збек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари”, Р.Сайфуллаеванинг “�збек тилида қўшма гапнинг формал-функционал таққини”, М.Қурбонюванинг “�збек тилишунослигида формал-функционал бўнаклиги ва содда гап қўрилишининг таққини”, А.Нурмонов, Н.Махмудов, А.Аҳмедов, С.Солихўжаеваларнинг “�збек тилининг мазмуний синтаксиси”, Ҳ.Незьматов, Р.Расуловларнинг “�збек тили систем лексикологияси асослари”, Ш.Искандарованинг “�збек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиши (шахс микромайдони)”, Ш.Шаҳобиддинованинг “�збек тили морфологияси умумийлик ва хусусийлик диалектикаси таққинида”, А.Собировнинг “�збек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиши”, Д.Дуфтуллаеванинг “Гапни семантик-синтактик қўлиплаштириши муаммолари”, Д.Набиеванинг “�збек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши асарларидаги ўзбек тили грамматикасини тавсифлашдаги янгича ёндашувлар ўзбек тилишунослигининг полипарадигмаллик ва илпорализм асосида таракқий этаётганини тасдиқлайди.

Демак, юқорида номи зикр этилган олимларнинг илмий тадқиқотлари асосиди ўзбек тили грамматикасининг янгича тавсифий моделлари ва илмий-тадқиқот парадигмалари шакланган бўлиб, уларни истиқлол арафасидаги ва истиқлол давридаги ўзбек тилишунослигининг муҳим назарий ютуқлари сифатида баҳолаш лозим.

СЕМАНТИЧЕСКИЕ СПОСОБЫ ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКСКИХ И РУССКИХ АБСТРАКТНЫХ СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ КАК СТИЛЕОБРАЗУЮЩИЕ ФАКТОРЫ

Хушназарова Д.
соискатель УЗГУМИ

Семантическая деривация считается особым видом словообразования. Как в узбекском, так и в русском языках различают два способа семантической деривации абстрактных имён существительных:

1) лексическая деривация (или конверсия) добавляет компонент абстрактного значения, не влияя на грамматическую категорию исходного слова. Подобные словообразовательные модели исключают декатегоризацию основы, при которой деривация приводит к потере морфосинтаксических свойств исходной лексической единицы и сохраняет нейтральное стилистическое значение или приобретает иное стилистическое значение¹: *келажак* (глагольная форма), *будущее* (причастие). Например, в узбекском языке *ишлаб чиқариши* используется в значении имени существительного «производство» и в значении составного глагола с деепричастием со значением «произволить». То же самое можно сказать о сочетании, *тушуниб тинглаши* как имя действия «аудирование» и как глагольное сочетание с деепричастием «слушать, понимая». Абстрактное парное имя *майда-чуйда*, что означает «мелочик» образовано от прилагательного *майда* «мелкий»; вторая часть этого слова «чуйда» не несёт в себе никакой семантической нагрузки, однако оно придаёт слову оттенок разговорности.

2) стилистические парадигмы с фразеологическими единицами² можно рассмотреть как разновидность лексической (иногда синтаксической) деривации: *ақдан озши* «слышиться рассудка» (книжн.), *сойти с ума* (нейтр.), *тўсиқ, қийинчилик* «помеха».

¹ АГ русского и узбекского языков 1970

² В.Д. Бондалетов и др. Стилистика русского языка, М., Просвещение, 1989, с.90.

«затруднение», камень преткновения (книжи). Лексико-фразеологические парадигмы обычно представляются в двух позициях – нейтральной и повышенной: *ёрдам қўлини қўзмоқ* «протянуть руку дружбы»; узрини изҳор этмоқ «принести извинения», *виждон эркинлиги* «свобода советств», кони фойда «бездна премудрости» и др.

К числу нейтральных фразеологических единиц относятся общеупотребительные наименования типа *яширин овоз* «тайное голосование», *тез ёрдам* «скорая помощь», *нуқтаи назар* «точка зрения», жавобгарликни зиммага юклаш «возложение ответственности».

К числу семантических способов образования абстрактных имён можно отнести и заимствование как особый способ выражения абстрактного значения признака.

Известно, что узбекский и русский языки развиваются, не просто взаимно, но и под воздействием других языков, особенно английского. Такой способ пополнения словаря сопоставляемых языков приводит к расширению или сужению семантического объёма заимствованного слова: *кавардак* (от узбекского *қовурдоқ* - *поджарка*) «беспорядок», *аралаш* (от узбекского или от общетюркского *аралаш* – *смешанный*), *бизнес* (из английского, что означает *торговля, купля-продажа* в русском языке и *савдо-сотик, тиждорат* – в узбекском, и др.); узбекское слово *хашар* перешёл в русский язык в значении *всенародная помощь, субботник, воскресник*¹. Выражение «*электрический ток*» был принят из русского в узбекский в качестве общекишного физического термина *электр тоқи*.

Из всего вышесказанного об абстрактных существительных узбекского и русского языков следуют такие выводы:

1) определённая часть непронизводных и производных абстрактных имен признаков и представлений являются и заимствованными. Сказанное подтверждается фактами как узбекского, так и русского языка;

2) среди абстрактных номинаций самым многочисленным является класс *общих понятий*, что служит свидетельством наиболее развитой способности к обобщающей абстракции носителей языка.

3) количество абстрактных существительных в обоих языках ограничено. Большая часть абстрактных понятий в узбекском языке выражаются *аналитическим способом*, т.е. объёмными номинализованными синтаксическими конструкциями, что обуславливается малочисленностью его деривационных средств.²

Использованная литература:

- Академические грамматики русского и узбекского языков. -М., 1970, 1980.
В.Д. Бондалетов и др. Стилистика русского языка. -М., Просвещение, 1989, с.90.
Асфандияров И.У. Восточная лексика в русском языке. -Ташкент: Фан, 1991.-122 с.
Шомаксудов А., Расулов И., Кунгуров Р., Рустамова Х. Стилистика узбекского языка.-Т., Ўқитувчи. -1983. 365-с.
5. Маматов М.Ш. К вопросу о категории номинализации действия (на материале узбекского языка)// Советская тюркология. -1988. -№5. – с.41-51.

¹Асфандияров И.У. Восточная лексика в русском языке. -Ташкент: Фан,1991-с. 22.

²Шомаксудов А., Расулов И., Кунгуров Р., Рустамова Х. Стилистика узбекского языка.-Т., Уқитувчи. -1983. 365с.; Маматов М.Ш. К вопросу о категории номинализации действия (на материале узбекского языка)// Советская тюркология. -1988. -№5. – с.41-51.

ГАЗЕТА ФРАЗЕОЛОГИЗМ – САРЛАВҲАЛАРИ СТИЛИСТИКАСИ

Ш.Бекқулова (СамДУ)

Ўзбек тилшунослигида публицистик услуб, хусусан, газета тили ва услуби, газета жанрларининг ўзига хос хусусиятлари К.Юсупов, А.Бобоева, С.Мухамедов, Т.Қурбонов, А.Абдусайидов томонидан маълум даражада тадқиқ этилган¹. Газета сарлавҳаларининг структур-грамматик, семантик-стилистик хусусиятлари тўғрисида А.Бобоева, А.Шомақсудов, И.Тошалиев, П.Рустамовнинг², кейинчалик Б.Йўлдошев ва Б.Мирзаев, А.Абдусайидовнинг илмий мақолалари яратилди³. И.Тошалиевнинг «Сарлавҳа стилистикаси» номли ўқув қўлланмаси алоҳида аҳамиятга эга⁴.

Маълумки, фразеологизмлардан нутқда ўринли фойдаланиш тежам-корликни ва таъсирчанликни таъминлайди. Тилимиз бойлиги ва нутқимиз кўрки ҳисобланган фразеологизмлар бадий, сузлашув ва публицистик услубларда муҳим стилистик восита сифатида хизмат қилади. Уларнинг турли хил хусусиятларини ўрганишда ҳаминша долзарб вазифа сифатида қаралган.

Ўзбек тилшунослигида фразеологизмларнинг турли хусусиятлари атрофлича ўрганилган. Бу соҳада таниқли тилшунос олим Ш.Раҳматуллаевнинг хизматлари ниҳоятда катта. Олимнинг бир қатор монографиялари, дарслик ва қўлланмалари, лугатлари беқисс манба ҳисобланади⁵. Фразеологизмларнинг қатор хусусиятларини ўрганишда Ҳ.Бердияров, И.Қучқортоев, А.Маматов, Р.Расулов, Б.Йўлдошев ва бошқаларнинг хизматларини ҳам алоҳида қайд этиш мумкин⁶.

Фразеологизмларнинг функционал-услубий хусусиятларини ўрганиш соҳасида Б.Йўлдошевнинг "Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари" номли докторлик диссертацияси муҳим аҳамиятга

¹ Қаранг: Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари. Тошкент: Фан, 1986. Қурбанов Т. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1987. - 22 с. Бобоева А. Газета тили ҳақида. - Тошкент, 1983; Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова И. Адабий норма ва нутқ маданияти. - Тошкент: Фан, 1983. Абдусайидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. Докт. дис. автореф. - Самарканд, 2005. - 48 б. ва бошқалар.

² Бобоева А. Газета сарлавҳалари ҳақида. // "Ўзбек тили ва адабиёти" журналі, 1971. №2, 61-63-бетлар; Шомақсудов А., Тошалиев И., Рустамов П. Сарлавҳа ва унинг функцияси. // Ўзбек тилшунослиги масалалари. / ТошДУ илмий асарлари. 475-чиқиши. - Тошкент, 1975, 149-166-бетлар; Шомақсудов А., Тошалиев И., Рустамов П. Газета сарлавҳаларининг структур-грамматик хусусиятлари. // Ўзбек тили стилистикаси масалалари. / ТошДУ илмий асарлари. - Тошкент, 1975, 133-154-бетлар.

³ Йўлдошев Б., Мирзаев Б. Ўзбек тилида фразеологизм сарлавҳаларининг стилистик хусусиятлари ҳақида (Матбуот материаллари асосида). // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. / СамДУ асарлари. - Самарканд, 1982, 109-114-бетлар; Мирзаев Б. От туркумига хос бўлган сузларнинг газета сарлавҳалари функциясида стилистик мақсадларда қўлланишига доир. // Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар. / СамДУ асарлари. - Самарканд, 1983, 75-77-бетлар; Абдусайидов А. Туркий изофий конструкцияли газета сарлавҳалари. // Ўзбек тили грамматик қурилиш масалалари. - Самарканд: СамДУ, 1984, 60-66-бетлар; Абдусайидов А. Газета сарлавҳаси (Газета сарлавҳаларининг структур-грамматик ва лексик-стилистик хусусиятлари). - Самарканд: СамДУ, 1995. - 120 б.

⁴ Тошалиев И. Сарлавҳа стилистикаси. - Тошкент, 1995.

⁵ Қаранг: Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изохий фразеологик лугати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1978. - 408 б.; Шу муаллиф. Ўзбек тилининг фразеологик лугати. - Тошкент: Қомуслар Ўзг тахририяти. 1992. - 380 б.

⁶ Бердияров Ҳ., Расулов Р., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясидан материаллар. - Самарканд, 1976; II қисм, 1979; III қисм, 1983; Бердияров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг прагматик лугати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1984. - 288 б.; Йўлдошев Б. Фразеологик услубий асослари. - Самарканд, 1999. - 200 б.; Кучкартаев И. Фразеологическое новаторство Абдуллы Каххара. - Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1965. - 23 б.; Рафиев А.Р. Структурно-функциональные свойства фразеологических единиц узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1982. - 18 б.; Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шакли ва маъноси масалалари: Филол. ф. докт. ... дис. автореф. - Тошкент, 2000. - 56 б.

эга¹. А.Маматовнинг докторлик диссертациясида фразеологизмларнинг адабий мейёр билан боғлиқ хусусиятлари атрофича ўрганилди². Фразеологизмлар матбуот тилида ҳам муҳим вазифа эканлиги олимлар томонидан ўрганилган. Масалан, Ўзбек тилишунослигида фразеологизмларнинг журнал тилида ишлатилиши биринчи бор А.Абдуназаров томонидан махсус ўрганилган³. Фразеологизмларнинг газета тилида қўлланиши А.Абдусайдов томонидан тадқиқ этилиб, қўлланишлари яратилди⁴. Б.Йулдошев ва Б.Мирзаевнинг мақоласи газета сарлавҳаларининг хусусиятларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди⁵.

Мавжуд тадқиқотларга асосланиб, дастлабки изланишларимиз натижаси сифатида газета тилида қўлланган айрим фразеологизмларнинг сарлавҳалик хусусиятларини таҳлил қилишга уриндик. Тўплаган материалларимизда айрим фразеологизмларнинг айнан, узғаришсиз сарлавҳа сифатида ишлатилганлигини кўрдик. Улар мазмунли, яхлит маъноли, ахборотни пухта, тўла етказувчи, сарлавҳабоп тил бирлиги эканлигини куйидаги мисоллар ҳам тасдиқлайди: *Қўлингиз дард кўрмасин* (Самарқанд(кейинги ўринларда - С.), 5.03.10), *Мўмай пулга учиб...*(С., 18.06.10), *Шаҳар юзидagi доғлар* (С., 16.07.10), *Тўқликка шўхлик* (С., 6.01.10) кабилар. Келтирилган мисолларнинг эътиборни тортиши уларнинг сарлавҳабоплигида, яъни ихчам, мазмунли ва таъсирчанлигида кўринади. Бундай сарлавҳалар, кўпинча, лавҳа, мақола, танқидий мақола жанрларида ишлатилган бўлиб, уларнинг матн билан уйғунлиги ҳам диққатга сазовордир.

«Тўқликка шўхлик» сарлавҳаси дарҳол диққатни тортади. У танқидий мақола мазмунига мос танланган. Ундаги маънонинг уйғунлиги матн билан ташнишгач, аён бўлади. Масалан: «Уларнинг бу ишларини тўқликка шўхлик дейишдан бошқача номлан мумкин эмас»(С., 6.01.10). Ушбу мақолада тилга олинган ҳолат, айрим ёшларнинг катта имкониятларни бой бериб, ичкиликка рўжу қўйиб, эгри йўлга кириб кетишлари сарлавҳада қисман акс этган ваятида уйғун ҳолда кенг ёритилган.

«Одам савдоси» руки остида босилган «Мўмай пулга учиб» фразеологизм-сарлавҳали мақола матнида ибора айнан такрорланган. Бу билан сарлавҳа ва матн уйғунлиги ҳамда таъсирчанлик таъминланган.

Кузатишларимиз шунини кўрсатадики, салбий маъноли фразеологизмлар газета сарлавҳаси сифатида нисбатан кўпроқ учрайди. Танқидий материалда мақсад-муддаони аниқ баён қилишда ва гап эгасини топишда салбий маъноли фразеологизмларнинг аҳамияти жуда катта. Буни ҳисобга олиб, журналистлар ана шундай ибораларнинг эмоционал-экспрессив хусусиятларидан ўринли фойдаланишган.

Тадқиқотчилар қайд этганидек, камқўлланувчан ибораларни сарлавҳа сифатида ишлатиш газетхон диққатини тортишга, материалга эътиборни қаратишга сабаб бўлади. Юқоридагилар каби сермазмун, ихчам фразеологизмлар сарлавҳа вазифасида қўшлаб ишлатилган. Лекин улар орасида материалларда тез-тез қўлланавериб, стандартлар каторидан ўрин олган ва маълум даражада экспрессивлигини йўқотган

¹ Йулдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол.ф.докт. ... дис. автореф. - Тошкент, 1993. - 49 б.

² Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари: Филол.ф.докт. дис. автореф. 1991.

³ Абдуназаров А. Некоторые вопросы развития лексики и фразеологии узбекского литературного языка 20-х годов: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1968. - 22 с.

⁴ Абдусайдов А. Газета тилида фразеологизмлар. - Самарқанд, 1990. - 120 б. Абдусайдов А. Фразеологизмлар - матбуот тилида таъсирчан вазифа. - Самарқанд, 2001.

⁵ Йулдошев Б., Мирзаев Б. Ўзбек тилида фразеологизм сарлавҳаларининг стилистик хусусиятлари қальида (Матбуот материаллари асосида). // Ўзбек тили стилистикаси ва нуфъ маданияти масалалари. - Самарқанд: СамДУ, 1982, 109-114-бетлар.

иборалар ҳам сарлавҳа вазифасида учрайди. Ана шундай фразеологизмлар сифатли бир ёқадан бош чиқариб, бир тан-у, бир экон бўлиб кабиларни кўрсатиш мумкин.

Газеталарда қўлланган фразеологизмларнинг деярли ҳаммаси ўрини танланганлиги, сарлавҳабоплиги билан ортиқча мулоҳазаларга ўрин қолдирмайди. Сарлавҳа сифатида ихчам, мазмунли ибораларни танлаш айнан ишлатилиш фразеологизмининг таъсир кучини оширади, газетхон нутқ маданиятини оширишида муҳим аҳамият касб этади.

Газета сарлавҳалари орасида фразеологизмда ифодаланган маънони янада аниқлаштириш мақсадида айрим сўзлар қўшиб ишлатилганлари ҳам учрайди. Фразеологизмлар ифодалаган яхлит маъно нисбий бўлиб, у, албатта, бирор ҳолат, хусусият ҳақида тўлиқ тушунча бермайди. Баъзан конкретлаштирувчи сўз қўллан лозимлиги сезилиб қолади. Газеталарнинг саҳифаларида ибора ифодалаган маънони тўлдириш, конкретлаштириш мақсадида сарлавҳа сифатида ишлатилиш фразеологизмларга мос сўзлар қўлланилган. Бу билан фразеологизмининг таъсирчанлиги оширилган, маъно аниқлиги таъминланган. Масалан: «Автомобилчилар кунни олдидан» рукни остида босилган материалга «Одамлар оғирини енгил қилиб» сарлавҳаси ишлатилган. «Оғирини енгил қилмоқ» фразеологизми матнда «узовини яқин қилмоқ» ибораси билан ҳам такрорланиб, мазмунли жумлалар тузилган: «Саҳа ходимлари халқимиз узовини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадида ҳормай-толмай меҳнат қилишмоқда» (С., 22.10.10). Фразеологизмдан сарлавҳа сифатида ва матнда таъсирчан восита сифатида фойдаланиш материалнинг ўқимишлилигини таъминлаган.

«Спорт» рукни ҳамманинг ҳам эътиборини доимо тортавермаслиги мумкин, лекин фразеологизмининг сарлавҳа сифатида қўлланиши ва матндаги уйғунлик газетхон диққатини ўзига тортмаслиги мумкин эмас. «Усмир-ларнинг қўли баланд келди» (Зарафшон(кейинги ўринларга - 3.), 30.07.10) сарлавҳасидаги «қўли баланд келмоқ» ибораси маълум даражада таъсирчанликка ва эътиборни тортишга сабаб бўлади.

Айрим фразеологизмларнинг сарлавҳада кучли эмоционал-экспрессив восити ролини бажаришини қуйидаги мисол орқали ҳам билиб олиш мумкин: «Сизни юзингизга мақтаган кишининг кўзига тупроқ сочинг» сарлавҳаси чўзиқлиги билан газетабоп сарлавҳалардан ажралиб туради. Лекин сарлавҳа таркибидаги «кўзига тупроқ сочмоқ» фразеологизмида ифодаланган маъно ҳамда иборанинг «кўзига тупроқ сепмоқ», «кўзига чўл суқмоқ» вариантлари¹ маъносининг халққа тушунарлилиги эътиборни тортади. Сарлавҳанинг диққаттортар ва таъсирчан бўлишида фразеологизмининг аҳамияти катта. Журналистларнинг маҳорати туфайли мазмунли сарлавҳада ифодалаган маъно материал мазмунидан келиб чиқиб, қуйидаги сарлавҳаосити изоҳи билан аниқлаштирилган «Ёки тўйларимиз ихчам, исрофи камроқ бўлса...» (3., 16.09.10).

Айрим фразеологизмлар фақат сарлавҳа сифатида қўлланилган, уларнинг мазмуни матнга сингдирилган. Лекин сарлавҳадаги иборанинг маъноси, таъсирчанлиги газетхонни эътиборсиз қолдирмайди. Масалан: «Киноятга жазо муқаррар» рукни остида босилган танқидий мақолага «Таъмағирнинг таноби тортилди» (Халқ сўзи(ХС.), 22.10.10) сарлавҳаси қўйилган. Рукн ва сарлавҳа уйғунлиги, матн таркибига улардаги мазмуннинг сингдирилганлиги материални ўқимишли қилган.

Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати»да «бош эгмоқ» ибораси қуйидагича изоҳланган: «Бош эгмоқ»-1. Итоаткор бўлмоқ. Варианти. бошини эгмоқ. Синоними: буйин эгмоқ, буйинни хам қилмоқ. 2. Итоат қилмоқ, бўйсунмоқ»².

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент, 1978, 135-6.

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати, 1978, 56-6.

«Бош эғиш фалсафаси» сарлавхали мақола матнида айнан фразеологизм ишлатилмаган бўлса-да, унинг мазмунини ўзида мужассамлаштирган мақол жуда ўринли қўлланилган. Сарлавҳа ва матн уйғунлиги шу усул орқали таъминланган, мақола мазмунининг тушунарли бўлиши таъминланган. Мисол: «Халқимизда «Энгашганга энгашинг бошинг ерга теккунча, кеккайганга кеккайин бошинг кўкка етгунча», - деган ҳикмат бор» (3., 21.10.11).

Газета сарлавҳаси – фразеологизмда ифодаланган маъно билан чекланиб, руқн ҳам, сарлавҳаси изоҳи ҳам берилмаган ҳолатлар мавжуд. Улар қисман эътиборни тортади, бу ҳам иборанинг маъноси туфайлидир. Мисол: «*Ҳашарга бош қўшиб*» (С., 8.10.10). Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати»да «бош қўшмоқ» иборасининг маъноси қуйидагича изоҳланган: «Бош қўшмоқ – ким нимага 1. Аралашмоқ. Синоними: бурнини тикмоқ. 2. Бош суқмоқ»¹. Қўринадики, сарлавҳада унинг «ким нимага» бош қўшмоқ маъносидан фойдаланилган. Бу ҳолат эътиборни тортмаган. Фикримизча, сарлавҳани руқн ёки сарлавҳаси изоҳи билан бойитиш лозим эди.

Фразеологизм-сарлавҳада ифодаланган маънонинг матнда уни айнан такрорлаш ёки қисман маъносини бериш орқали сингдирилиши, ё бойитилиши материалнинг таъсирчанлиги, ўқимишлилигига хизмат қилади. Масалан: «*Жиноят ва жазо*» руқни остида босилган «*Қармоққа ўзи илдинди*» сарлавҳали танқидий мақолада қуйидаги жумла берилган: «*Собиқ майор ташлаган қармоғига ўз тумиғи билан илдинди*»(С., 1.10.10).

Дастлабки кузатиш олиб борган газеталаримизда қўлланган кўплаб фразеологизм-сарлавҳалар янгича мазмуни, журналист томонидан ўринли ишлатилганлиги билан эътиборни тортади. Бундай сарлавҳаларга истаганча мисоллар келтириш мумкин: *Мул-қўлчиликка кучоқ очган макон* (С., 16.10.11), *Кексалikka буй бермаган домла* (3., 7.10.10), «*Қовуни тушган*» *рекламалар* (С., 12.03.10). Фикримизча, охириги мисолдаги қўштирноқ ортиқча.

Хулоса қилиб айтганда, фразеологизмлар сарлавҳа вазифасида мазмунни яхлит, нисбатан тўла ифодалашни, ихчамлиги билан диққатни тортади. Фразеологизм сарлавҳалардан унумли фойдаланиш газета тили маданияти, умуман газетхонлар нутқ маданиятини ошириш учун фойдалидир. Фразеологизм-сарлавҳаларнинг асосий қисмини ташкил этган, бошқа сўз ва бирикмалар билан бирга қўлланилган ҳолда янги иборалардан ҳам кучли экспрессив-стилистик восита сифатида фойдаланилган.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ –Ш-НИШ ШАКЛИНИНГ СИНКРЕТИК ТАБИАТИ ВА ПОЛИФУНКЦИОНАЛЛИГИ

Дилдора ГАНИЕВА (ФарДУ тадқиқотчиси)

Феъл туркумига оид бўлган феълнинг от сўз туркумига хосланган шакли от каби қўлланиш хусусиятига эга. Феълнинг бундай функционал шаклини ўзбек тилига бағишланган деярли барча адабиётларда “ҳаракат номи” атамаси билан юритиш одат тусига кирган.² 2010 йилда чоп этилган “Ҳозирги адабий ўзбек тили” асари муаллифи профессор Ш.Раҳматуллаев бу ҳақда шундай ёзди: “Адабиётларда бу ҳодисанинг “ҳаракат номи” деб юритилиши ўринли эмас, чунки предметнинг номи деб от лексеманинг ўзи, предметга хос сифатий белгининг номи деб сифат лексеманинг ўзи айтилганидек, ҳаракатнинг номи деб феъл лексеманинг ўзи айтилиши тўғри. Феъл

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати, 1978, 57-6.

² Ўзбек тили грамматикаси. Морфология. 1 том. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 525; Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 372 ва бошқалар.

туркуми доирасидаги ушбу шаклни сифатдош, равишдош терминлари қатори *отдош шакл* деб номлаш маънавий тарғиб бўлади¹.

Ҳақиқатан ҳам “ҳаракат номи” термини рус тилшунослиғи доирасида ишлатилувчи “имена действия” атамасининг айнан таржимасидир. Бирок Ш.Раҳматуллаевнинг юқорида келтирган далилларига суянган ҳолда феълнинг ушбу отга хос шаклини “отдош шакл” деб номлаш, бизнингча ҳам, мақсадга мувофиқ.

Бу, биринчидан, ушбу лингвистик ҳодисанинг асл табиғатини тўлиқ очиқ ва ёрдам берса, иккинчидан, феълнинг сифатга хос шаклини сифатдош, равишга хос шаклини равишдош деб айтилганидек, бу шаклнинг ҳам шу терминлар ва ҳодисалар билан бир системага тегишлилигини таъминлаш учун хизмат қилади. Шунинг учун биз ҳам ушбу диссертацион ишимизда профессор Ш.Раҳматуллаев томонидан таъсир этилган “отдош шакл” терминини ишлатишни лозим топдик.

Феълнинг отдош шакли феъл орқали ифодаланган ҳаракат-ҳолатнинг отга кўчган номи бўлиб, у семантик нуқтанга назардан ҳаракат маъносини ифодалайди, морфологик жиҳатдан отга хос эгалик, келишик ва кўллик грамматик кўрсаткичларини қабул қилади, синтактик нуқтанга назардан гапнинг эгаси, тўлдирувчиси, аниқловчиси, холи ва кесими вазифаларида келади.

Ҳозирги ўзбек тилида феълнинг отдош шаклини ҳосил қилувчи учта аффикс мавжуд: *-(и)ш, -моқ* ва *-(у)в* аффикслари. Булар ичида энг кўп қўлланадигани *-(и)ш* аффиксидир.

Феълнинг *-(и)ш* аффикси билан ясаладиган отдош шакли полисемантик, полифункционал хусусиятларга эгадир, чунки бу шакл семантикасида мазмуний қорилиқлик, қўлланилишида функционал қорилиқлик мужассамлашгандир. Буни биз куйида мисоллар таҳлилида кўриб чиқамиз.

Наҳот ўша хотиннинг ўз иззат-нафсини ҳимоя қилишга уришайтганини тушунадиган биронга одам топилмаса? (Ў.Ҳошимов)

Бу гапда *-(и)ш* аффикси билан ясалган отдош шакли “ҳимоя қил” феъли орқали ифодаланган ҳаракатни отга хослаштиради, ушбу ҳаракатнинг номини билдирипти. Муайян жараённинг ифодаси учун хизмат қилувчи отдош шакли гапда тўлдирувчи позициясини бажаряпти. Бунда дефинитив отдош шакли нопреждикативлик белгиси билан финиш шакллarga зидланипти.

Ётиги билан тушунтиришига ҳаракат қилди (Ў.Ҳошимов).

Юқоридаги гапда ҳам *тушунтиришига* отдош шакли феълдан англашилган ҳаракат мазмунини худди от каби номлашга, унинг атамаси бўлиб келяпти.

Елкалари увишиб кетган чўтир йиғит аёлни уйғотиб юбормаслик учун иложли борича қимирламай ўтиришига ҳаракат қиларди (Б.Худойберганов).

Ушбу гапда ҳам *-(и)ш* аффикси билан ҳосил қилинган феълнинг отдош шакли *ўтиришига* ҳаракатнинг атамаси сифатида қўлланиляпти. Мазкур шакл маълум конкрет вазият билан боғлиқ ҳаракатни ифодалашга хизмат қилляпти.

Илҳом – тез, осон, маза қилиб ишлаш дегани (Ў.Ҳошимов).

Юқоридаги мисолда эса *-(и)ш* аффикси билан ясалган феълнинг отдош шакли маълум ҳаракатнинг атамасини эмас, балки машғулот номини, жараён номини ифодалапти. Бунда феълнинг ушбу шакли от туркумидаги сўзлар парадигмасини биринчи ҳолатдагига нисбатан (ҳаракатнинг номини билдириш) янча яқинлашляпти.

...озода кийиниш учун бир-биридан ўтман деб юрган қизлар эди (Х.Тўхтабоев).

Ушбу гапда ҳам кўриб чиқилаётган отдош шакли феъл орқали англашилган ҳаракатни иш, машғулот номи сифатида ифодалапти.

Алқисса шу: мшишоқлар Қидиришини ташласин (Э.Воҳидов).

¹ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Биринчи китоб. – Тошкент: Muntoz so'z, 2010. – Б. 190.

Бу парчада ҳам *-(и)ш* аффикси ёрдамида ҳосил қилинган феълнинг отдош шакли шу феъл маъносидан аниқлашган жараён номини билдириб, от каби атайпти.

У милициянинг қотилликда айбалишдан эмас, ўзи мансуб бўлган оламнинг ҳукмидан қўрқарди (Т.Малик).

Бу каби ҳолатлар тўғрисида академик А.Ҳожиёв шундай кўрсатиб ўтади: “Одатдаги от маъносидан қўлланади: *чопиш* (“беги”), *келиш* (“приход”) каби”¹ ва профессор Ш.Раҳматуллаев эса қуйидагича таъкидлайди: “*-ш* аффикси билан ясалган отдош шаклнинг от лексемага айланиш ҳоллари учрайди, бундай ҳодиса купинча калькаләш оқибатида воқе бўлади: *вход – кириш, выход – чиқиш, бег – югуриш, война – уруш* (<*уриш*) каби”², ушбу жараён ёрдамида *-(и)ш* аффиксининг полифункционал табиати яққолроқ намоён бўлади.

Шунингдек, А.Ҳожиёв ушбу шакл ҳақида фикр юритар экан, унинг қуйидаги хусусиятини алоҳида таъкидлайди: “Мустақил гапга тенг конструкцияни гапнинг кенгайтирилган бирор бўлаги вазифасида қўлланувчи конструкцияга айлантириш учун хизмат қилади”³. Демак, синкретик табиатга эга бўлган *-(и)ш* аффикси трансформациялаш жараёни орқали мустақил гапни гапнинг маълум бўлагига айлантириш функциясини ҳам бажаради, яъни ўзига хос полифункционаллигини намоён этади.

Буни қуйидаги мисоллар орқали ҳам кузатиш мумкин:

Гап тadbирқору фермернинг кўзи ўтқирлиги, қулогининг динг бўлишида ҳам эмас, балки косанинг тағида ним косаси борлигини, эшитганини тезроқ ҳазм қила олишида ҳам бўлса керак (Х.Тўхтабоев).

Бунда *эшитганини тезроқ ҳазм қила олишида* конструкцияси аслида *Эшитганини тезроқ ҳазм қила олади* шаклидаги гап бўлиб, трансформация натижасида бу конструкция бошқа бир гапнинг бўлагига айланиб қолган.

Юсуф лой-пойга қарамай, анчадан бери қўрмаган ўртасини шартта қучоқлаб олгиси келса-да, бу билан Содиқни баттар хижолатга ботиришини ўйлаб, қўлларини туширди (У.Ҳамдам).

Юқоридаги мисолда *бу билан Содиқни баттар хижолатга ботиришини* отдош шакли қўрилмаси *Бу билан Содиқни баттар хижолатга ботиради* гапнинг трансформациялашган шаклидир. Бунда *-(и)ш* аффикси мустақил гапни трансформация қилинган гапнинг бўлагига айлантириш вазифасини бажарган.

Синтактик имкониятлари жиҳатидан отдош шакли феълнинг бошқа функционал шаклларига нисбатан кучсиздир. Бу ҳақда Б.Менглиев шундай дейди: “Ўзгаловчи категория шакллари ўртасидаги муносабатларни кузатиш асосида айтиш мумкинки, шаклларда маъновий ва синтактик жиҳатлар номуносиб диалектик бутунлигини ташкил қилади. Равишдошларда феълнинг лугавий маъносини ўзгартириш кучсиз бўлиб, синтактик вазифа кўпроқ бўртиб туради. Сифатдошларда ҳар иккала жиҳат тенглашса, ҳаракат номида синтактик қобиhiят ўта заифдир”⁴.

-(и)ш аффиксли отдош шакли гапда отга хос барча синтактик вазифаларни бажаради. Буни қуйидаги мисоллар ёрдамида кўриб чиқамиз:

Битта уй билан ошилсонани янгилаш, икки эмас, йигирмата буқачани боқтириб қўйиш унинг учун арзимаган иш эди (Т.Малик).

Ушбу гапда *-(и)ш* аффиксли отдош шакллар бўлган *янгилаш, боқтириб қўйиш* сўзлари гапнинг эгаси вазифасини бажаряпти

¹ Ҳожиёв А. Феъл. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 189.

² Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Биринчи китоб. – Тошкент: Muhtoz so'z, 2010. – Б. 191.

³ Ҳожиёв А. Феъл. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 189.

⁴ Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари. Филлол. фашлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – Б. 20.

Ўгузхон Кунхон қайтиб келгунча ўтадиган вақтдан унумли фойдаланишига ҳаракат қиларди (Ж.Фозил).

Бу гапда отдош шакл *фойдаланишига* гапда тўлдирувчи синтактик функциясида келмоқда.

Бошиққа бўлган гапни етказишининг умуман иложисини ўқ (Д.Абдукодилова).

Юқорида *-(и)ш* аффиксли отдош шакли гапда қаратқич аниқловчи позициясида ишлатилипти.

Ушбу отдош шаклининг ўрин-пайт келишиги билан қўлланилиб, гапда пайт холи вазифасида келиши ҳам маълум:

Қайтишида биттақўйининг

Пулига дўтор олди (Э.Воҳидов).

Отдош шаклининг *-(и)ш* аффикси билан ясалувчи тури ўрин-пайт келишиги билан ишлатилганда, жараёни ифодалаш функциясини бажаради. Бу ҳақда “Феъл” асариди куйидаги фикрлар баён этилади: “Маълумки, ҳаракат номи формасидаги феъл ҳам ҳаракат-ҳолат билдиради. Бу формадаги феъл пайт билдирувчи *-да* аффикси билан қўлланганда, ҳаракат-ҳолат пайт (вақт) маъноси билан боғланади. Натижада бу ҳаракат-ҳолат процесс ҳолатига, динамик ҳолатга ўтади”¹.

Шунингдек, ушбу отдош шакли от туркумига оид сўзлар каби гапнинг от-кесими ёки мураккаб от-кесимнинг от қисми функциясида ҳам ишлатилиши мумкин:

Ҳамма нарсадан озирроқ ва қаттиқроқ нарса – ажалнинг яқинлашиб қолиши ва ҳаётда яхшилик қилмай, ёмон номга эга бўлиб вафот қилиши (Т.Малик).

Амакимни хоҳлаган пайтимда ютишим мумкин (Т.Малик).

МУСТАКИЛЛИК ДАВРИ ДОСТОНЛАРИДА МЕТОНИМИЯ ВА СИНЕКДОХАДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

Муқаддас Қурбонова (ФарДУ ўқитувчиси)

Бадий асар тилида ҳар бир троп ёки кўчимнинг ўзига хос ва мос ўрни ҳамда маъно жилоси бўлгани каби, поэтик нуқта, метонимия ҳам эстетик категориялардан бири сифатида ўзига хос ўрин тутади. Поэзияда, умуман, поэтик асарларда у ифода таъсирчанлигини оширибгина қолмай, балки поэтик асарнинг руҳияти, табиий олами ва оҳангдорлигига, яъни ритмига мос ифоданинг яратилишида асосий омил бўла олади. Ушбу тасвир воситаси ҳам метафора сингари лексемаларнинг когнитив маъносига асосланган бўлиши билан бирга, унда ўхшашли кўчимдан предмет ёки воқеа-ҳодиса ўртасидаги ўхшатиш эмас, балки улар ўртасидаги боғлиқлик, алоқадорлик, бир-бирини таъазо этиши асос қилиб олинади, яъни метонимияда “асосан, бирор нарса ёки воқеа-ҳодисанинг номи бошқа бир нарса ёки ҳодисага кўчирилади. Бу предмет ёки воқеа-ҳодиса онгимизда бир-бири билан алоқадор тушунчаларни англатиши билан ўзаро узвий боғланган бўлади.

Метафорада бир-бирига ўхшаш предметларнинг ўзаро белги хусусиятлари кўчирилса, метонимияда бу икки предмет ташқи кўрилиши (шакл) ёки ички хусусиятлари (мазмун, моҳияти) билан бир-бирига қандайдир алоқаси бўлса ҳам, аммо, умуман бир-биридан фарқ қилувчи (бир-бирига ўхшамаган) предметларнинг белгилари билан солиштирилади”, яъники метафора ўхшашликни, метонимия эса боғлиқликни назарда тутади.

Шу каби боғлиқлик асосида (ном кўчилиши эса турлича бўлиши) турли хилдаги, ранг-баранг ном кўчишларни гувоҳи бўлаемиз:

¹ Ҳожиёв А. Феъл. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 190.

Бирон бир предмет ёки воқеа ҳодиса ичидаги нарсанинг ёки воқеа-ҳодисанинг номи англашилатган предметга ўтказилади.

Муайян бир ҳаракат ёки ушбу ҳаракат натижаси шу ҳаракатни бажарувчи қурол номи билан алмаштирилади.

Бирон бир нарсани у ясалган материал (буюм, мато) билан алмаштириш.

Муайян бир жой, ҳудуд, мамлакат, давлатда яшовчи кишилар маъноси, шу ерга (шаҳар, кишлоқ...) мамлакат ёки давлатга кўчирилади.

Конкрет тушунча номи ўрнида маъхум от қўлланиши ва аксинча абстракт тушунча номи қўлланиши кузатилади.

Прозада метонимия кенг имкониятларга эга бўлса-да, поэзияда, асосан, эпик асарларда, айниқса, яъни мустақиллик даври дostonларида ҳам жонлантириш, сифатлаш, ўхшатиш, муболағадан кўра метафора каби метонимияли ифодалар маъно кўчиришда ўзига хос хусусиятга эгадир. Dostonларда, айниқса, уларни учратиш анча кийин бўлиб, камёб ҳодиса ҳисобланади. Асосан ишқий дostonларда, яъни Муҳаммад Алининг “Меҳр ва вафо”, Рамз Бобожоннинг “Юсуф ва Зулайҳо”, Ойдин Ҳожиеванинг “Зиёрат” дostonларида ушбу кўчим турини учратишимиз мумкин.

Абжир қўли билан киз қўли олди,
Зулайҳо хис қилди, уни эрмакдай...
Ғурур билан сарой сари йўл солди,
Сарой қалтирарди эски безгақдай.

Рамз Бобожоннинг “Юсуф ва Зулайҳо” дostonидаги ушбу парчада, сарой аҳли, аъёнлари маъносини саройга кўчирилмоқда, яъни сарой ичидаги одмлар турган жойига қараб номланмоқда. Бу ерда аслида сарой эмас, балки бўлиб ўтган воқеадан хабардор бўлган сарой аъёнларига нисбатан сарой сўзининг қўлланиши уларнинг ҳайрат ва даҳшатини, умуман руҳий бир ҳолатини умумлаштиришга хизмат қилган.

Вужудини ғўё ёндирар оташ,
Иғво, фиску фужур-сарой миш-миши!..
Холбуки, замон ҳам безовта, бетинч!¹

Ушбу ифодада ҳам ном маъносининг кўчирилиши кузатамиз. Бу ерда сарой иғвогари, фиску фужур, миш-миш таркатувчи одамлар синтактик бирлиги ўрнига ижодкор сарой миш-миши бирлигини ўринли қўллаш орқали метонимия ҳодисасини юзага чиқишига сабаб бўлади.

Қай бир келинчакнинг қора зулфанин
Ўриб-ўрмай совуб бормоқда қўлиниг.
Билиб-билмай сенинг хабар-дарагинг
Йўллари ўт олиб йиғлайди элиниг.

Бу ерда ҳам ушбу элда яшовчи одамларга нисбатан элиниг лексемаси қўлланилади ва ҳали бирор марта келинчагининг зулфига қўлланини теккизишга улгурмай, қирғинбарот урушда мард ўғлонидан бевакт ажралиб қолган халқнинг, яъни одамларнинг чуқур қайғулари ўз аксини тошган.

Балки бешик кучиб, аллалар айтиб,
Зурриёдинг асраб кутмоқда ёринг?
Не бўларди, тирик бўлсайдинг қайтиб,
Карнай-сурнай билан қутса диёринг.

¹ Рамз Бобожон. Ўша китоб. 74-б.

Шоиранинг ушбу мисралари миллий руҳ билан сўғорилган бўлиб, бу ерда ҳам метонимия ҳодисаси юзага чиқиши билан кўз ўнгимизда отасиз қолган зурриёд, зурриёдини авайлаб ўстираётган, севакли ерини интиқлик билан кутаётган келинча сиймоси гавдаланади. Бу ерда яна мард ўғлонидан айрилган одамларга нисбатан “диёринг” лексемасини қўллаш орқали ижодкор бўлиб ўтган воқеага нисбатан ўз муносабатини билдиради, афсус-надомат, изтироб чекади, кайғуради ва бирданига ўз қахрамонининг ўлмай, тирик қолишини юракдан хоҳлайди. Ижодкор ўзининг ўшун пайтдаги руҳиятини, ҳис- туйғуларини, мақсадини ифодалаш учун мана шундай гўш ва таъсирчан бадийий санъат жозибасини яратади.

Сени кўраб- бўрондирмиз,
Ўн йилки, имтиҳондирмиз!
Озодликка ярашқили-
Буюк Ўзбекистондирмиз!¹

Ушбу ифодада турли хил ном кўчишларини кузатиш мумкин. Бу ерда конкрет тушунча номи ўрнида “бўрондирмиз”, “имтиҳондирмиз” каби абстракт отларнинг давлатда яшаб турган кишилар маъноси эса “Ўзбекистондирмиз”, яъни давлатни кўчириш орқали таъсирчан образли тасвир яратилади. Бунда аниқ ва мавҳум отларни қўллаш орқали уларга алоқадор характерли хусусиятлар, Ватанга бўлган чексиз муҳаббат, фахр туйғулари акс эттирилади.

Бухородан келмиш сангтарош,
Фарғоналик чилқор ҳам бунда.
Накқошнинг юборибди Шош.
Хоразмлик ганҷқор ҳам бунда...²

Ушбу сатрларда қўлланилган, қатор жой номлари сатр оҳангдорлигини оширса, “Шош” лексемаси орқали ном кўчиши эса метонимия ҳодисасига сабаб бўлади. Бу ерда накқошни юборган асли “Шош” шаҳри эмас, балки Шошда яшовчи инсонлардир.

“Бибихоним” гўмбази турар,
Бскасидай кўнгли яримта...
Кўз ўнгимда шаҳар югураб,
Окиб борар нигоҳларимда.³

Бу ерда ҳам метонимиянинг аънавий туридан фойдаланилганини кузатамиз. Яъни бунда “шаҳар” сўзи шаҳарда яшовчи жами аҳоли, инсонлар маъносини англатади. Бундан ташқари ифодада Бибихонимнинг руҳий ҳолати ҳам акс эттирилган.

Тогда алқор бўлган боланг,
Кўкда шунқор бўлган боланг,
Ҳар кафтида тўг кўтарган,
Полвонвиқор бўлган боланг.

Бутун ўрнида қисм ёки қисм ўрнида бутуннинг, баъзида эса бирликнинг кўплик ўрнида қўлланишига синекдоха дейилади. Бу ерда “боланг” дейлиб, аслида жанглarda шахид кетган кўплаб оналарнинг болалари назарда тутилган.

Баъзи адабиётларда метафоранинг бир тури сифатида эътироф этилган синекдоха ҳодисаси, асли метонимиянинг бир қўринишидир. Чунки синекдохада ҳам метафоралардан фарқли равишда ўхшашликдан кўра замон ва маконда боғлиқлик, алоқадорлик жиҳатлари устун келади. Бунда бутун орқали қисм ёки қисм орқали бутун, ёхуд кўплик орқали бирлик, бирлик орқали кўплик ифодаланиши кузатилади.

¹ Ойдин Ҳожиёва, Ушша китоб, 58-б.

² Муҳаммад Али, Ушша сайланма, 249-б.

³ Ушша китоб, 259-б.

Ҳар кун ажал билан келиб юзма-юз,
Ҳар кун омон қолган мўжиза келбат.
Ҳар кун эртақларда тирилган ой юз,
Ҳар кун хотирада жонланган суврат.¹

Меҳр ва вафо ишқий дostonидан келтирилган ушбу сатрларда ҳам синекдоха ҳодисасини кузатишимиз мумкин. Бунда “ой юз” дейиш билан, эргак қаҳрамони бўлган, гўзал қизга ишора қилинади.

“Чикмайсанми, - деб, - эй қора кўз!”

Киз эшигин тақ- тақ урарди.

“Йўқ, йўқ!” – дерди идроки, бироқ

Эшик тараф ундарди оёқ.

Ушбу сатрларда ҳам “қора кўз”, “идрок”, “оёқ” лексемалари орқали бутун инсон (қиз) ифодаланмоқда. Қуйидаги сатрларда ҳам ушбу ҳодиса кузатилади.

Кечирмоқ йўқ, йўқ эрур ҳатто,

Қорасини кўрмоққа тоқат!

Шундай дерди идроки- Бирок

Эшик сари ундарди оёқ.¹

Ўтган қуни синф-хаммамиз

Инчо ёздик, ёдимда ҳамон.

Мавзу дилга яқину азиз...³

Мустақиллик даврида ёзилган дostonлар тилининг ўзига хос жиҳатларидан бири бирликка ишора қилиш биринчи ўринга чиқади. Чунки у қандай ижтимоий муҳит бўлмасин, яқдиллик бўлмаса, бирон бир мақсадни ёлғизликда амалга ошириб бўлмайди. Шунга ўхшаш муаммоларни мустақиллик даврида ёзилган Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон”, “Ранжком”, Муҳаммад Алининг “Меҳр ва вафо”, “Гумбаздаги нур”, “Машраб”, “Бешгул”, Ойдин Ҳожиёвнинг “Зиёрат”, Рамз Бобожоннинг “Юсуф ва Зулайхо”, Тўлан Низомнинг “Чўлпон”, “Гири”, “Рухи равоним”, “Юракдаги гап”, “Хумо” каби дostonларида кузатишимиз мумкин. Юқоридики келтирилган мисолларимиз ҳам фикримизга далил бўла олади. Мустақиллик даври дostonларини тадқиқ этиш жараёнида лироэпик асарларда метонимия ва синекдоха ҳодисаларининг ҳам бошқа поэтик нутқ ҳодисалари каби кўплаб учрашига амин бўлдик. Ушбу давр дostonчилигида биз тилга олган бадиий санъатлар, асосан, аҳълик, яқдиллик, озодик ғояларини ифодалашга хизмат қилган. Баъзан эса бадиий санъатнинг ушбу усуллари орқали сатрда сўз ўйини, оҳангдорлик ҳосил бўлишининг гувоҳи бўлдик. Баъзиларида эса Ватанга, халққа, миллатга бўлган меҳрнинг улуғланишини, миллий руҳиятнинг акс эттирилишини кузатдик.

АЛИШЕР НАВОЙИ ҒАЗАЛЛАРИДА ИЗОФАЛИ БИРИКМАЛАРНИНГ ҚўЛЛАНИШИ

М.Омонов (ФарДУ ўқитувчиси)

М.Анваржоннова (ФарДУ талабаси)

Ҳозирги ўзбек адабий тили лексикасининг тахминан 20 фоизи арабча, 10-12 фоизи форс-тожикча сўзлардир. Албатта жанр хусусиятларидан келиб чиқиб, маълум бир услубда арабча, форс-тожикча ўзлашмалар кўпроқ, бошқа бирида озроқ учраши мумкин. XV аср ёзма адабий тилида араб ва форс-тожик тилларидан олинган лексик қатламнинг миқдорий нисбати 60%га борар эди.

¹ Ойдин Ҳожиёв. Ўша китоб. 35-б.

² Муҳаммад Али Сайланма. 1997.295-б.

³ Муҳаммад Али Сайланма. 1997.272-б.

Шунингдек, бу тиллар(араб ва форс-тожик-М.О)нинг кўпгина грамматик элементлари ҳам анча эркин ишга солинади. Бу фикр, айниқса, тожикча изофали бирикмаларнинг қўлланишига нисбатан тўғридир.

Навоний яшаб ижод этган давр ўзбек ва тожик халқлари учун иккитилилик даври эканлиги, Мовароуннаҳрда, жумладан Фарғона водийсида туркий тилда сўзлашувчи халқлар билан тожиклар аралаш ҳолда яшаб, тожик тили «туркиғўй» аҳоли орасида кенг тарқалганлиги ва уларнинг тожик тилида бемаънол гапларга олганлиги мутахассислар томонидан эътироф қилинган. Навоний асарлари тилининг тадқиқотчиси, профессор Б. Бафоевнинг таъкидлашича, унинг наср ва назмда яратилган 24та асаридида жамми 26035та сўз ишлатилган бўлиб, соф туркий сўзлар 9309та(35%), арабча сўзлар 7973(30,62%), форс-тожикча сўзлар 5489та(21,08%)ни ташкил қилади, қолган сўзлар компонентлари тожикча+арабча, тожикча+туркийча, арабча+туркийча бўлган сўзлардир.

Табиийки, жонли сўзлашув тилида мавжуд бўлган иккитилилик адабий тилга таъсир кўрсатмай қолмаган. Ана шу ижтимоий-лисоний шароит туфайли ўзбек тилига тожикча лексик ва фразеологик воситалар билан бир қаторда айрим тожикча морфологик элементлар(аффикслар) ҳам ўтиб ўзлашган. Шулардан бири изофа ҳодисасидир. Изофий бирикма ўзбек тили қолипидаги мослашув, битишув, бошқарув усули билан бириккан сўз бирикмаларига шаклан ўхшамайди. Тожик тилида изофа кўрсаткичи **и(ий)** бўлиб урғу қабул қилмайди. Изофа- арабча «қўшиш, боғлаш, бирлаштириш» маъноларини ифодалаб, аниқланмиш билан аниқловчини боғлайдиган урғусиз боғловчи элемент ҳисобланади. Мустақил маънога эга бўлган икки ва ундан ортқик лексик бирликдан ташкил топишига кўра сўз бирикмасига, ана шу бирликлар ўзаро бириқиб, янги лугавий маъно ифодалаш ва гапта бир синтактик вазифада келишига кўра қўшма сўзларга ўхшаб кетади. Изофий бирикма таркибидаги бирикларнинг аниқланмиш ва аниқловчи ёки қаралмиш ва қараткич тарзида жойлашуви, ҳамда улар ўртасида товуш ортиши(изофа) ҳодисасининг юз бериши изофий бирикмаларнинг сўз бирикмаси ва қўшма сўзлардан фарқланувчи асосий хусусиятларидан биридир. Араб ва форс тилларидан ўзлашган изофий бирикмалар ўзбек тили учун тил ҳодисаси бўлиб, заруратга кўра янги изофий бирикмалар ҳосил қилинмайди, улар кўпинча тайёр лугавий бирик сифатида мавжудлиги билан сўзга яқин туради ва лугатларда лисоний бирик сифатида акс этади.

Ўзбек тилшунослигида тожикча изофали бирикмалар нисбатан чуқуррок ўрганилган.¹ Арабча изофали бирикмалар эса нисбатан кам ўрганилган. Тадқиқотчи М. Юсупов ўзининг «Типы изафетных конструкций в прозаических произведениях Алишера Навая» мавзусидаги номзодлик иши 3-бобини арабча изофа тадқиқига бағишлаган.²

Юсуповгача профессор Ф. Абдуллаев, профессор Э. Бегматовлар бу масалага қисман тўхталганлар.³ Тилшунос Д. Ҳакимов «Ўзбек тили лексикасида изофий бирикмалар тизими» номи мақоласида ҳозирги ўзбек адабий тилидаги арабча изофалар ва уларнинг имлосига эътиборни қаратади.⁴

[¹] Абдуллаев. Ф. Сўзлар ўзаро қандай боғланади. Т.: Фан, 1974, Абдуллаев. Ф, Эшондадаев. Д. Ўзбек тилида тожикча изофали бирикмалар// Ўзбек тили ва адабиёти. Т.: 1973, 1-сон, 40-45 бетлар.

[²] Юсупов. М. Типы изафетных конструкций в прозаических произведениях Алишера Навая. АКД. Т.: 1984;

[³] Бегматов. Э. Ономастик сўз яшаш масалаларига доир// Ўзбек тили ва адабиёти. Т.: 1965, 3-сон, 53-54 бетлар; Абдуллаев. Ф. Киши отларини =ис=артириш усуллари// Ўзбек тили ва адабиёти. Т.: 1960, 3-сон, 34-39 бетлар; Жураев. Б. Ж., Бегматов. Э. А. Ато=ли отларни ўрганишга доир баъзи мулоҳазалар// Ўзбек тили ва адабиёти. Т.: 1966, 2-сон.

[⁴] Ҳакимов. Д. Ўзбек тили лексикасида изофий бирикмалар тизими. Ўзбек тили ва адабиёти. Т.: 2004, 4-сон, 63-67 бетлар

Алишер Навоийнинг нафақаг насрий асарларида, балки назмий асарларида ҳам изофий бирикмалар муҳим ўрин тутди:

*Анга ҳангомаи шавқимни айт,
Доғи шеъримдин ўқул бир байт*

Ҳангомаи шавқимни-тўлдирувчи вазифасида келяпти.

*Синуҳ сафолки, май дурдин ичкали топсанг
Қавул айламагил жоми сапанат Жомдин.*

жоми сапанат-изоҳловчи вазифасини бажариб келган.

*Хусраве қурсанеки, ашъорим ўқуб ҳолат қилур,
Эй Навоий, англаким, шоҳи суҳандонимдур ул .(ФК,263)*

Шоҳи суҳандонимдур-от кесимни ифодаломокда.

*Жоми Жамнинг роҳи Афридун йилони захридур,
Эй кўнгул, ўзи сафолки фақр ила хурсанд қил.*

Жоми Жамнинг-аниқловчи сингари гап бўлажлари вазифасида келиши мумкин.

Ғазал мулкнинг султони Алишер Навоий ўз ғазалларида форс изофаси билан бир қаторда араб изофасидан ҳам оқилона фойдаланган:

*Уружунда айнул яқин аҳлининг
Кўзига губоринг бўлиб тўтиё. (ФК,11)*

Бу ғазалда у араб изофий бирикмасидан фойдаланган, яъни айнул яқин-кўзга яқин маъносига. Хулоса қилиб айтганда, Навоий асарларида қўлланилган изофий бирикмаларнинг семантик ва грамматик хусусиятларини қисқа бир мақолада ифодалаш мункул.

G'AZALLARDA O'ZLASHMA SO'ZLAR

N.Umarova (FarDU, f.f.,n.)

D.Haydarov (FarDu magistranti)

Alisher Navoiy g'azallarda o'zinsiz takrorlarga yo'l qo'ymaslik uchun o'z til birliklari muqobili bo'lgan o'zga til leksik unsurlaridan samarali foydalangan. Bu leksuk unsurlar vositasida tanosub deb nomlanuvchi she'riy san'atning go'zal namunalarini yaratgan. Masalan quyidagi baytda *dashi*, *samum*, *quyun* kabi uch til leksik birliklari o'zaro tanosub hisoblanib, hijron vodiysida sarsari kezgan oshiq ruhiy holati iztiroblarini yorqin ifoda etishga xizmat qilgan:

*Ishq dastining samumidin gumon etgay quyun,
Vodiyi hijron aro ko'rgan bu sargardon o'tin (G'S, 521)*

Baytda tanosub san'ati uchun asos bo'lgan uch so'zdan faqat *dast* so'zi forscha hisoblanadi.

Quyidagi baytda ta'lim sohasiga oid so'zlar vositasida yaratilgan tanosub san'atining yana bir namunasini ko'rish mumkin:

*Fasonam yozg'uvchi, bilkim bitik uzra sochar kuldek,
Kuyub sochilg'usi kog'azga ilgingdin qalam bir kun (G'S,519)*

Mazkur baytda *yo'zg'uvchi*, *bitik*, *kog'az*, *qalam* so'zlari asosida yuzaga chiqqan tanosub san'ati orqali oshiqlikni o'ziga qismat qilib olgan, mahbuba firoqida umidsizlikka tushgan lirik qahramonning fasona yozuvchisiga murojaati o'z ifodasini topgan. Ushbu o'rinda forscha *kog'az* so'zi *bitik va qalam* so'zlari bilan mantiqan bir uyaga mansub bo'lib, ular o'zaro "ta'lim" semssi orqali birlashadi.

Navoiy g'azallarida qo'llangan forscha so'zlar salmog'ini aniqlash uchun "G'aroyibus-sig'ar" devonidan o'rin olgan "Navbahor ayyomi bo'lmish, men diyoru yorsiz, Bulbul o'lg'ondek xazon fasl gulu gulzorsiz" matla'si bilan boshlanuvchi 7 baytli g'azalda jami 94 ta so'z qo'llangan. Takrorlar bilan qo'shib hisoblasak, ulardan 45 tasi forsiy so'zdir. Bu ko'rsakich g'azalda ishtirok etgan so'zlarning deyarli 51 % ni tashkil etadi.

Shuni ham unutmash kerakki, barcha g'azallarda ham forscha so'zlar salmog'i ham shunday katta miqdorni tashkil etmaydi. Buni ushbu g'azalning qo'fiyalanish sistemasi aynan forsdiy so'zlar vositasida yuzaga chiqqanligi bilan izohlash mumkin bo'ladi. Natijada, g'azal kompozitsiyasining markaziy unsuri bo'lgan qo'fiyaga muvofiq tarzda g'azaldagi aksariyat so'zlar fors tili leksik birliklaridan tashkil topgan, deb o'ylaymiz. Bu fikrimizni devonda berilgan mashhur "Qaro ko'zum" g'azalini tahlil etish orqali ham asoslash mumkin.

"Qaro ko'zum" g'azali jami 100 ta so'zdan tashkil topgan va ulardan 23 tasi forscha, 18 tasi arabcha va 59 tasi sof turkiy so'zdan iborat. Ushbu ma'lumotlarga tayanib shunday deyish mumkinki, mazkur g'azalda radif turkiy so'zdan tanlanganligi uchun matn ichidagi turkiy so'zlar salmog'i ham ortib boradi. Ta'kidlash joizki, qaysi til birliklari salmog'ining ortib borishini g'azal mavzusidan kelib chiqib ham aytish mumkin.

ЭРГАШТИРУВЧИ БОГЛОВЧИ ВОСИТЛАРНИНГ МОДЕЛИ

Х.Р. Закирова, АДУ катта ўқитувчиси

Фооллят соҳасидан қатъий назар, ҳар қандай илм ўз тадқиқотини муайян бир нарса ёки ҳодисага қаратган бўлади. Бир бутунни ташкил қилувчи ва ўзаро ушбу боғлиқ қисмлардан иборат маълум бир конструкция система дейилади. Шунга қўра, тилга системавий ёндашув тил birlikларини муносабатлар йиғиндиси сифатида изоҳлашни, яъни икки ва ундан ортик элементларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида қарашни тақозо этади. Тил birlikларини маълум элементларнинг ўзаро барқарор муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида изоҳлаш эса уларни моделлаштириш имкониятини беради.

Эргаштирувчи боғловчи воситалар икки содда гапни грамматик ва айни пайтда семантик жиҳатдан тобе муносабатга киритиш натижасида янги мазмунга, яъни сифатга эга бўлган синтактик бутунлиқни – гипотаксисни юзага келтиради.

Гипотаксиснинг асосини эксплицит ифодаланган тобе муносабат ташкил қилади, у гетероген¹ белгисиз эга бўлиб, фақатгина синтактик сатҳга тааллуқли эмас. Масалан, морфемик сатҳда тобелик муносабати етакчи морфема ва қўмакчи морфема муносабатли сўз бирикмасида бош сўз ва тобе сўз муносабаатида қўринади. Эргаштирувчи боғловчи вазифасида келадиган ёрдамчи воситалар эса синтактик компонентлар ўртасидаги муносабатни намоён бўлади. Синтактик компонентни 1) қоида ва 2) белги ташкил қилади. Синтактик сатҳдаги тобе муносабатни символик ёзувда қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$A \cup B / \begin{cases} \rightarrow +R \\ \rightarrow R \\ \rightarrow -R \end{cases}$$

Бунда *A* элементи тобеланувчи, *B* элементи тобелантирувчи, "*U*" белгиси *A* ва *B* ниҳ қўplingини, "*/*" шакли контекстда деган маънони, белгиси фаолаштириш маъносини, *+R* ижобий муносабатни, *-R* салбий муносабатни билдиради. Шунини таъкидлаш керакки, бу муносабатлар ўртасида нейтрал муносабатни билдирувчи оралик муносабат ҳам mavjud, бу муносабатни *R* билан белгиладиқ. Демак, бу символик ёзувни қуйидагича ўқиш мумкин: синтактик система birlikлари *A* ва *B* элементлари турли вариантларда тобе муносабатни киришиб, контекстда фаолашадиган ва маълум муносабатни ифодалайди ва ҳар қандай гипотаксис икки қисмдан: ҳоқим (*main*) ва тобе (*subor*) ҳамда улар орасидаги муносабат (*R*)дан ташкил топади.

Биз гипотаксис моделларни (*PpmPpm*, *PPpm*, *pmPpm*, *PpmPm*) инвариант деб қабул қилсак, улар нунда турли вариантларда намоён бўлади. Гипотаксиснинг инвариантни

¹ Гетеро – (hetero-) грек. "бошқа". Бу ҳақда қаранг: Ж.Марузо. Словарь лингвистических терминов. -М. Издательство иностранной литературы, 1960. -С.68

мавжуд бўлганидек, уни ҳосил қилувчи эргаштирувчи боғловчи воситаларнинг ҳам инварианти мавжуддир. Гипотаксис ҳожим (mai) ва тобе (subordonnant) ҳамда улар орасидаги муносабат (R)дан ташкил топади. Бунга қуйидагича кўрсатиш мумкин: $G = R(\text{mai} + \text{subordonnant})$. Демак, эргаштирувчи боғловчи воситаларнинг инвариантини R билан белгилаш мумкин. Аммо бу инвариант ёлғиз ҳолатда ишлатилмайди, шунинг учун унинг инвариантини $R(\text{mai} + \text{subordonnant})$ белгилаш лозимдир, чунки ҳар қандай муносабат икки муносабатга кирувчи қисмлар ўртасидагина намоён бўлади. Эргаштирувчи боғловчи воситалар(R)нинг уч турини белгилашимиз мумкин: +R, R, - R. Бунда +R ижобий муносабат, R нейтрал муносабат, -R салбий муносабатни билдиради. Масалан, *Муҳиддин Мирзақўлнинг ҳамма оғирликларини енга олади, чунки унинг қалби ватан муҳаббати билан лаболоб эди (Р.Файз). Урмонжон каттақон оқ қалпоқ кийиб олгани учун, юзи кичкина, юмалоқ қўрғинар эди (А.К.) Бошинга шундай маймун ўйинлари солайки, унинг туриб балли дегин (Х.Х.)*

Демак, эргаштирувчи боғловчи воситалар синтактик компонентлар ўртасидаги муносабатда намоён бўлади, унинг инвариантини R билан белгиласак, вариантлари +R... +R1, - R... - R1, R... R1 бўлади.

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА КЕСИМ СУБСТАНЦИАЛ ТАЛҚИНИНИНГ ФАЛСАФИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

М.М.Болибекова(ЎЗМУ)

Маълумки, тил ҳодисаларини ўрганиш, борлиқ ва тафаккурнинг барча ҳодисаларини ўрганишда бўлгани каби, икки босқичда амалга оширилади:

амалий (эмпирик, фаҳмий, фактографик, тасвирий) босқич;
назарий (рационал, идрокий) босқич.

Ўзбек тилининг илк замонавий тадқиқи амалий характерга эга эди. "XX асрнинг 30- йилларидан бошлаб ўзбек тилидаги гапларнинг минимал (энг кичик) қурилиш қолипи «эга+кесим» сифатида талқин қилиниб келинар эди. Бундай қолип ҳақиқатан ҳам ғарбий Европа ва, қисман, славян тиллари учун хос. Туркий тилларда кесимнинг морфологик структураси ғарбий Европа ва рус тилларидагидан тубдан фарқ қилади. М.Абузалова, С.Назарова, М.Қурбоновалар аниқлашганидек, кесим таркибида шахс/сон маъноларининг ҳамиша ифодаланганлиги¹ гап таркибида эганинг ифодаланишини ортиқча ёки қўшимча қилади. Бу эса, рус (ёки немис) тилидан фарқли равишда, ўзбек гапида, хусусан, оғзаки нутқда эганинг эксплицит (моддий ифодаланган) эмаслиги сабабини очиб беради. Бу сабаб эганинг ўзида эмас, балки кесимнинг морфологик тузилиши хусусиятларида яширинган. Шунинг учун нарс ҳақидаги идрокий билим, фаҳмий билимлар каби нарсанинг ўзидан эмас, аксинча, ўза – шу нарс билан муносабатларда бўлган нарсалараро боғланишлар чизмаларидан ҳосил қилинади."² Шу боисдан ўтган асрнинг 80-йилларигача бўлган даврда гап бўлаклари бўйича тўпланган фактик маълумотлар улар ҳақида идрокий билимлар ҳосил қилиш учун катта роль ўйнаб, нарсанинг зоҳирий, ташқи, шаклий белгилари этибордан соқит қилинади, асосий диққат ўрганиш манбаининг, муносабатлари тизими асосий диққат марказида туради. Энди тил бирликларидан кўра, улар орасида амал қилувчи, уларни бир яхлит система сифатида ушлаб турувчи муносабатлар тўри аҳамият касб этади.

¹Қурбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. Содда гап синтаксиси учун материаллар. -Т.: Университет, 2002; Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. Морфология. -Бухоро: НС, 2003.

²Незьматов Х., Кўрсатилган асар. 2006 й. Б. 80.

Демак, фаҳмий тадқиқ жараёнида унинг методологик асоси формал мантиқ бўлганлиги туфайли ўрганиш объектининг зоҳирий белги-хусусиятлари релевант қиймат касб этса, идрокий (яъни назарий) таҳлил жараёнида асосий эътибор муносабат томонига қаратилади. Масалан, кесимнинг, яъни нутқий гапдаги кесимнинг, зоҳирий аломатлари сезги органлари учун аниқ бўлганлиги босис улар кесимнинг аниқ бевосита кузатишда берилган хусусиятлари сифатида қаралади. Идрокий ўрганиш предмети сифатида танлаб олинган жиҳат - кесимнинг муносабатлар тизими, лисоний гап ичида гап марказининг ўрни - мавҳум, бевосита кузатишда берилмаганлик хусусиятига эга. “Бу усул билан ҳосил қилинадиган билимларнинг ақлий, идрокий ёки ботиний деб аталишига ҳам сабаб шу омил. Фаҳмий (зоҳирий) ва идрокий (ботиний) билимлар нарсанинг (тадқиқ манбаининг) турли томонлари асосида ҳосил қилиниши сабабли кўп ҳолларда зоҳирий, бевосита кузатишда берилган белгилар нарсанинг моҳиятини очиб берувчи идрокий таҳлил учун тўсиқ бўлиши мумкин”¹. Буни методология масаласи билан махсус шуғулланган тилшуносларимиз қуйидагича тавсифлашади. Қуйида уни шарҳлашга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, тадқиқотчининг ўз ўрганиш манбаи ҳақида қай турдаги билимларни ҳосил қилишга интилиши, билишнинг қайси тури билан шуғулланиши аҳамиятли.

Ҳар бир турдаги билимни ҳосил қилиш йўли, восита ва усуллари ҳам, мақсадлари ҳам бошқа-бошқа. Масалан, Шайх Азизиддин Насафий “олами кубро” ва “олами суғро”ни билиш усули ва воситаларини фарқлайди, бутунни ўрганиш унинг таркибий қисмларини текшириш асосида бўлиши лозимлигини уқтиради. Фаҳмий билим идрокий билим асоси эканлиги таъкидланади: “Олам ўзининг аввалида икки қисмдан иборат: биринчи қисм олами ғайб (яширин олам), иккинчиси олами шўҳуд (кўринадиган олам) деб аталади. Бу ҳар икки оламни миқдорий ва қуллий (умумий, яхлит) маъноларда турли номлар билан тилга оладилар. Масалан, холиқият олами ва амр олами; мулк олами ва малакут олами; бадан олами ва руҳ (жон) олами; ҳислар олами ва шуур олами; нур олами ва соя (зулмат) олами ва шу кабилар. Бу номлар ҳар икки олам – олами ғайб ва олами шўҳудга ишорадир.”² Айтиш мумкинки, мутасаввиф нуктаи назарида ҳозирги замон гносеологик таълимотининг асосий тушунчалари - *эмпирик ва назарий билиш* ҳамда уларнинг объеклари қатъий фарқланган. Демак, тасаввуфий гносеологик таълимот ҳам гап кесимини идрокий таҳлил қилишда методологик асос вазифасини ўтайди.

Иккинчидан, тадқиқотчининг тадқиқ манбаи/нарсига қандай усул билан ёндашиши ҳам методологик моҳият касб этади. Бунда ҳам фарқланувчи ёндашувлар борлигини кўриш мумкин:

- а) номиналистик ёндашиш;
- б) диалектик ёндашиш.

Номиналистик ва диалектик ёндашув тасаввуфда шарият ва ҳикмат аҳлининг аъмолий муносабатлари сифатида тушунилади. Шарият аҳқомларига кўра, “...бу дунёга келган ҳар бир руҳ муайян чегарага эга бўлади ва аввалги еб-ичиши, қанча сўзлаши, нималарни ўрганиш ва ўйлаши ва ҳоказолар олдиндан белгиланган бўлади. Ҳақнинг иродаси ва илмидан ташқари дарахт япроғи қимирламайди ёки одам бирон нарсани ният қилмайди.

¹ Незьматов Х., Кўрсатилган асар. 2006й. Б.81.

² Насафий Шайх Азизиддин. Зубдатул ҳақойиқ // Тафаккур, 1995. -№ 3-4. Б.45.

Эй дарвеш, аммо бу фикр иштибоҳли. ...Аҳли ҳикмат (яъни файласуфлар) фикрига кўра эса илм маълумга (билиб олганга) бўйсунди.¹

Учинчидан, ҳозирги замон диалектикаси уқтиришча, тадқиқотчининг материалистик ёки идеалистик (руҳоний) нуқтаи назарда туриши ва шу нуқтаи назардан туриб илмий тадқиқни олиб бориши. Азизиддин Насафий қарашларида зот ва тажалли олами - холикият олами ва амр олами, мулк олами ва малакут олами, бадан олами ва руҳ (жон) олами, хислар олами ва шуур олами, нур олами ва соя (зулмат) олами кабилар асосида материалистик ва идеалистик ёндашулар фарқланади. Бунда фақат руҳоний билим материалистик билим асосида эканлиги таъкидланади: “Эй дарвеш, сен кичик оламсен, бутун оламнинг ўзи эса улуг олам. Сен ҳар икки оламнинг кичрайтирилган нусхаси ва тимсол – белгисисан. Улуг оламда бор нарсалар кичик оламда мавжуд. Эй дарвеш, улуг оламнинг аввалу охири, зохиру ботини, моҳият ва шакллари идрок этиш учун ўзининг моҳиятинг, зоҳир ва ботинингни англаб етгин. Бундан бошқа йўл йўқ. Эй дарвеш, нарса-ҳодисаларнинг қандайлигини билмоқчи бўлсанг, ўзининг қандайлигини билиб олишинг керак.”²

Объектни тадқиқ қилишга ёндашиш усуллари ва йўналишларининг хилма-хиллиги Азизиддин Насафий нуқтаи назарида қуйидагича: “Дунёнинг барча кишилари бу нурни (ҳақиқатни – Н.Комилов) излаб талпинади, аммо улар бу нурни ўзларидан ташқарида излайдилар ва қанча изласалар, ундан шунча узоқлашдилар.”³

Олимлар таъкидича, “Ф.Ҳегел асарлари, хусусан, унинг “Мантиқ фани” (“Наука логики”) таҳлили асосида файласуфлар ўрганиш манбаига (нарсга) диалектик ёндашишнинг 16 тамойилини ажратдилар.⁴ Бу тамойиллар қуйидагилар:

1 -жадвал

	Тамойиллар мазмуни
	Нарсанинг ҳаққоний (объектив, мустақил) алоҳидалик эканлиги
1.	
2.	Нарсанинг муносабатлар мажмуи эканлиги
	Нарса ўзгариш ва тараққиётда
3.	
4.	Нарсада ички зиддиятлар
5.	Нарса зиддиятлар (қарама-қаршиликлар) бутунлиги сифатида
6.	Қарама-қарши томонларнинг воқеланиши
7.	Анализ (таҳлил) ва синтез (умумлаштириш) бирлиги
8.	Нарсанинг ўзга нарсалар билан муносабатлари чексизлиги
9.	Нарсаларнинг ўз аксига ўтиши
10.	Нарса муносабатларининг (алоқадорликларининг) чексизлиги
	Нарса моҳиятига чуқурлашишнинг чексизлиги

¹ Насафий Шайх Азизиддин. Зублатул ҳақойиқ // Тафаккур, 1995. -№ 3-4. Б.48-49.

² Насафий Шайх Азизиддин. Зублатул ҳақойиқ // Тафаккур, 1995. -№ 3-4. Б.45.

³ Насафий Шайх Азизиддин. Зублатул ҳақойиқ // Тафаккур, 1995. -№ 3-4. Б.53.

⁴ Кар.: Диалектика теория познания. Об элементах диалектики. Под общей редакцией Б.М. Кедрова. - М.:Наука, 1965; Копин П.В. Диалектика как логика и теория познания. -М.: Наука, 1973

11.	
12.	Нарса алоқадорликларини чексиз миқдорда очиб бориш
13.	Тараққиёт босқичида ўтган босқичлар такрори
14.	Инкорнинг инкори натижасида эскига қайтгандай бўлиш
15.	Мазмунни сақлаб, шаклни янгилаш
16.	Миқдорий ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтishi

Мазкур тамойилларга диққат қилинса, улар асосида тадқиқ манбаи (нарсани) ўрганиш жараёнида:

а) диалектиканинг уч асосий қонуни (қарама-қаршиликлар бирлиги, инкорин инкор, миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиши) ҳам;

б) диалектик мантикнинг оддий (формал) мантик «учинчиси мустасно» қонунига қарама-қарши турган «оралиқ учинчи» қонуни ҳам;¹

в) шакл-мазмун, умумийлик-яккалик (хусусийлик, алоҳидалик), моҳият-ҳодиса, имконият-воқелик, сабаб-оқибат, зарурат-тасодиф, сифат-миқдор, ҳаракат-турунлик каби категориялари ҳам ўзининг амалий татбиғини топишига амин бўлиш мумкин.²

Ҳ.Неъматов айтганидек, тадқиқ манбаида мана шу тамойилларда ўз аксини топган томонлари – шу тамойилларга хос ҳодисаларни кўриш, очиш ва тавсифлиги нарсанинг *илмий диалектик таққини* моҳиятини ташкил этади. Тилшунос, ҳазина ёки қазилма бойликлар қидирувчиси каби, ўз тадқиқ манбаида мана шу тамойиллар воқеланишини излаши, очиши, кашф этиши ва тавсифлаши, шу билан илму фан хазинасини янги дуру гавҳар билан бойитишга интилиши зарур.³

Бу тамойиллар гапни яхлит лисоний система сифатида ўрганишда, гап бўлаклари, хусусан, кесим мавқеи ва мақомини белгилашда фалсафий (диалектик, гносеологик) методологик асос вазифасини ўтади.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ “ТАФАККУР” СЕМАЛИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ОБЪЕКТ ВАЛЕНТЛИГИ

Умирзоқова Ф.И. (ЎЗМУ)

Мазкур феъллар объектли феъллар бўлгани учун уларда объект валентлиги зарурий характердадир. “Тафаккур” семали феъллар объект валентлиги ҳар бир ЛСГ да ўзига хос тарзда кузатилади. Қуйида буларни алоҳида кўриб чиқамиз.

“Ўйлаш, фикрлаш” семали бирликлар” гуруҳига мансуб феълларнинг объект валентлиги актант турли воқеа-ҳодисалар, иш-амаллар, инсонлар кабилар номини билдирувчи сўзларда намоён бўлади. Масалан: *Энди қилиб юрган ишларингни бир тафаккур қилиб кўргин...*(А.Қодирий). *Мирзо Улуғбек бадавани чўлгаб олган соғиқ ваҳимадан тирноқдари чога музлаб, гаранг бўлиб турар, эса яна ўша нотинч ва исенкур*

¹Кар.: Закон исключенного третьего и его антипод // Диалектика и логика. Законы мышления. Под Ред. Б.М.Кедрова. -М., 1962. -С. 72-88. Нягматов Х.Г. Включенное третье в морфологической системе тюркских языков // Сов.тюрк. -№ 3, 1976. -С. 44-50.

²Аниқроқ айтганда, объектив борлик ва унинг нарс-ҳодисалари учун онтологик (материалистик нуқтан назардан - табиатан, лотан, идеалистик ва руҳоний нуқтан назардан - ақлий, руҳий, илохий) хусусиятлар бу тамойилларда ўз аксини топган.

³Неъматов Ҳ. Кўрсатилган асар. Б.108.

ўйларуни тинч кўймас, тинмасдан ўёли Абдуллатиф Мирзо ҳақида ўйларди (О.Ёкубов). Манзару бу савдони кўп фикрлади ва қизини уйга қайтаришга қарор қилди (Т.Малик).

“Муайян фикрга келиш” семали феълларнинг объект актанги муайян қарор, фикр, аҳд кабиларни ифодалайди. *Шу буғундан бошлаб мени ўзингизга бегона деб ҳисобланг* (А. Қодирӣ).

“Муҳокама қилиш, кенгашиш” семали феълларнинг объект валентлиги муайян иш, масала, кенгаш кабиларни билдирувчи сўзларда ифода топади. *Масилани муҳокама қилмоқ. Келинг, бу масалани бир ақлашиб кўрайлик* (С.Аҳмад). *Мирзодам, буғун отлик сайрга чиқмоқчи эдингиз, хоним ҳазратлари таклифларини барча беклар кенгашиб кўрурмиз* (П.Қодиров).

“Фикрнн англаш, тушуниш” семали феълларнинг объект валентлиги актанги предмет, воқеа-ҳодиса, турли жараёнларни ифодалайди. *Зайнаб ўзининг хатосини англади ва саниролмай гулдирди* (А.Қодирӣ). *Мирзо Улугбек шундай бўлишини билар, эл-юртдан айрилишини тушунар эди* (О.Ёкубов). *Кекса мударрис...форс тилида фикрқилмининг қонунирини тушуниртиришга киришди* (П.Қодиров). *Улугбекнинг фалақийёт сирларини биров тушунса, биров тушунмас, лекин унинг ранго-ранг оҳанглар касб этган овозининг сеҳридан ҳаяжонга тушмаган бир кимса бўлмас эди* (О.Ёкубов). *Нечун фалақийёт илмини идрок эта олган, ўтқир тафакқури билан кошнот сирларини очиб, янги юлдузларни кашф этган алломалар сарбони тахт ва салтанатнинг бевафолигини идрок эта олмади?* (О.Ёкубов).

“Ўз фикрини асослаш, изохлаш” семали феълларнинг объект валентлиги актанги фикр, асос, изох кабиларни билдирувчи сўзлардан иборат бўлади. *Саида ўз фикрларини бир тартибга келтириб, ўз режасини хаёлан асослаб олди* (А.Қаҳҳор). *Талаба ўз фикрини исботлашга киришди* (сўзлашув). *У ўз режасини қисқа-лунда қилиб изохлаб беришга ҳаракат қилди* (А.Қаҳҳор).

“Фикран қислаш” семали феълларнинг объект валентлиги актанги қисланаётган воқеа-ҳодиса, жараён, шахс, нарсa-предмет кабиларни билдирувчи сўзлардан иборат бўлади. *Беихтиёр у (Низомжон) онаси билан Асфориани солиштириб бошлади* (С.Аҳмад). *Нозик Амакини хаёлан ўз дадасига чоғиштириб кўрди* (Х.Ғулом). *Таржима сифатини аниқлашнинг асосий воситаси қиссдир* (Ғ.Саломов). *Бу қизларни бир-бири билан таққослаб бўлмайди* (сўзлашув).

“Муайян мақсадни кўзлаб ўйлаш” семали феълларнинг объект валентлиги актанги амалга оширилиши режалаштирилаётган воқеа-ҳодиса, жараён, предмет кабиларни билдирувчи сўзлардан иборат бўлади. *Оқилахон она, ишнинг фойда чиққидиган томонини кўзлайверганинг маъқул* (А.Қаҳҳор). *Содиқ ўзини...яширини учун Қутидорнинг йўлагини мулжаллаган эди* (А.Қодирӣ). *Нон еб, бир косадан қатқили ош ичганларидан сўнг Тоҳир Андижонга кетини ҳақидаги гапнинг учини чиқаришига чоғланди* (П.Қодиров).

“Хаёл суриш ва тасаввур қилиш” семали феълларнинг объект валентлиги актанги хаёл қилинаётган воқеа-ҳодиса, жараён, шахс, нарсa-предмет кабиларни билдирувчи сўзлардан иборат бўлади. *Мен ёзда тоққа шу кийимда боринини тасаввур қилиб кўрдим* (сўзлашув). *Нақшинкор тахтда бир маҳаллар соҳибқирон ўтиргани хаёлига келиб, вужуди жимирлаб кетди* (О.Ёкубов).

“Хотир(а) билан боғлиқ” семали феълларнинг объект валентлиги актанги эсланаётган (ёки унутилган) воқеа-ҳодиса, жараён, шахс, нарсa-предмет кабиларни билдирувчи сўзлардан иборат бўлади. *Мирзо Улугбек жаннатмакон бобоси ёнида ўтказган дамларини орзиқли билан хотирлади* (О.Ёкубов). *Бу товушлар расадхона толиби илмларининг шартсиз одимларига ўхшамас, ситохларнинг бетакаллуф қадамларини эсларди* (О.Ёкубов). *Шундай хатарли патиди олис болалигини эслаб ўтирса?* (О.Ёкубов). *Йўлчини ёдларкан, Нурунинг юрагида яна газаб кўзгалар эди*

(Ойбек). *Али Қўчи ўйлаб-ўйлаб, охири бу масалани батамом унутмига аҳд қилди* (О.Ёқубов). *Наҳотки, сурурли дамларимизни шунчалик тез унутмоқчисен?* (О.Ёқубов).

“Тахминий фикр юритиш” семали феълларнинг объект валентлиги актанги фараз, тахмин қилинаётган воқеа-ҳодиса, жараён, нарса-предмет кабиларни билдирувчи сўзлардан иборат бўлади. *Қоронгида улирни аскарлар деб тахмин қилибди* (О.Ёқубов). *Йўлчи уни тоғасининг қизи эканини фараз қилди* (Ойбек). *Оқимнинг кучини, йўналишини тусмоллаш керак* (А.Мухтор). *Ҳозирги афтини кўрган киши уни гап-сўзда йўқ, ўзи тўнгина бир йигит эканини ғўмон қилар эди* (А.Каҳҳор).

Кўринадики, “тафаккур” семали феълларнинг объект валентлиги ҳаракат ва ҳолат феъллари валентлигидан тубдан фарқ қилади. У тафаккур қилиниши билан боғлиқ воқеа-ҳодиса, жараён, нарса-предмет, шахс кабиларни билдирувчи сўз ва кўпинча сўз бирикмаларидан иборат бўлади. Уларнинг зарурийлиги шундаки, улар гапдан тушиб қолиши мумкин эмас, уларсиз гап маъқум ва тушунарсиз бўлиб қолади.

Р.Расулов ва С.Муҳамедоваларнинг таъкидлашича, ҳолат ва ҳаракат феълларида ўрин (локалис) валентлиги ҳам зарурий ҳисобланади.¹ Аммо “тафаккур” семали феъллар учун ўрин (локалис) валентлиги зарурий эмас. Зеро, фикрлаш, тафаккур қилиш билан боғлиқ жараёнларнинг қасрда амалга ошаётганлиги муҳим эмас. Бундан ташқари тилшунослик назариясида феълларнинг адресат, контрагенс, восита, ҳолат каби семантик валентликлари борлиги кўрсатилган.² Аммо бу валентликлар ҳам “тафаккур” семали феъллар учун катта аҳамиятга эга эмас. Шунга қўра, ўзбек тилидаги “тафаккур” семали феълларнинг фақат агенс ва объект валентлигини зарурий деб таъкидлаш мумкин.

BOSHLANG'ICH SINFLARNING O'QISH DARSLARIDA KO'CHMA MA'NOLI BIRIKMALARNI O'QITISH TAJRIBASIDA

S.Rahmonov (SamDU)

Ma'lumki, har bir badiiy matnning ta'sir etish doirasini undagi ko'chma ma'noli birikmalar ifodalaydi. Bunday birikmalar o'rta maktabning yuqori sinflarining materiallarida o'rgatiladi. Ular ba'zan alohida mavzu sifatida berilsa, ba'zan she'riy matnlarning tahlillarida o'z izohini topadi.

Xo'sh, bunday ko'chma manoli birikmalar boshlang'ich sinflarning materiallarida qanday holatda berilardi degan savol o'rta tashlanadi. Boshlang'ich sinflarning 1-2-sinflariga mo'ljallangan materiallarda biz tanlagan mavzuga mos kelmaydigan holat kuzatilishi ma'lum. Chunki darslik ularning bilim saviyasiga mos ravishda tuzilgan. Lekin boshlang'ichlarning keyingi 3-4- sinflarining materiallarida ko'chma ma'noli birikmalar anchagina matinlarida kuzatiladi.

Ularining o'qish kitoblaridagi mavzular mukamalligi bilan e'tiborga loyiq. Darslikda ona Vatanga muhabbat, milliy qadriyatlar hamda ona tabiatga muhabbat uyg'otuvchi bir necha katta mavzular kichik mavzuchalarni qamrab olingan. Darslikdagi hikoya tarzda berilgan materiallarda ko'proq konkretlikka tayangan. Sheriy jumalarda esa ko'ch ma ma'noli birikmalar uchraydi. Ularning darsliklaridagi she'rilar bolalarga mos ravishda sodda va ravon berilgan. Masalan, 4-sinflarning O'qish kitobi (darslik mualliflari: S.Matjonov, A.Shohajilov, X.G'ulomova, Sh.Sariyev, Z.Dolimov. Toshkent, 2011-yil) dagi ba'zi she'rlardan misol tariqasida tahlil qiladigan bo'lsak, darslikning o'n to'rtinchi bobi "Yoz – o'tadi soz" deb nomlangan bo'lib, unda bolalar shoiri Z.Diyorning "Suv bilan suhbat" nomli she'ri berilgan.

¹ Бу ҳақда қаранг: Расулов Р. Кўрсатилган диссертация ва Муҳамедова С. Кўрсатилган диссертация

² Апресян Ю.Д. Лексическая семантика (синонимические средства языка). -М.: Наука, 1974.

She'rdagi ko'chma ma'noli birikmalardan faol foydalanilgan. Unda jonlantirish, o'xshatish kabi san'atlardan mohirona foydalanganini kuzatishimiz mumkin:

-Hoy, sen jayron toychamdek

O'ynab -o'ynab oqqan suv,

Dalalarga bayramdek

Guldan bezak taqqan suv

Ushbu parchada qo'llangan jayron toycha so'zlari o'xshatish hosil qilgan. Shoirning tasviri uchun jayron va toychadek o'ynab oqadi. Bu shoirning o'ziga xos uslubdan foydalanganligidan dalolat beradi. Buni o'qigan o'quvchilarning tabiat va unga bo'lgan munosabatini yanada oshiradi. She'rning qolgan qismlari ham huddi shunday ko'chma ma'noli birikmalar bilan berilgan.

Bunday jumlar boshlang'ich sinflarning ko'pgina sherni uchraydi va ularda o'xshatish, jonlantirish kabi she'riy san'atlar faol qo'llanadi. Masalan, kuz manzarasida ga'rq pishib turgan olmalar shodasi shamol ta'siridagi tebranish holati sharillab oqayotgan suvga o'xshatilgan. Muammoning qiziq tomoni shundaki, ko'chma ma'noli birikmalar boshlang'ich sinflarga o'rgatilishi va uning darslikka kiritilishi bilan bog'liq mavzuni mustahkamlovchi savollar berilgan bo'lib, ularda, shoir olmalarni nimaga o'xshatgan? Singari fikrlarni ifodalovchi bir qator javob talab qiluvchi savollar berilgan. Bu o'z o'rnida o'qituvchiga o'quvchilarga ko'chma ma'noli birikmalarni boshqa birikmalardan farqlashga o'rgatadi hamda takrorlash orqali ularga badiiy jummalarni xotirasida saqlatib qoldirishga guvoh bo'lganmiz. Lekin ko'chma ma'noli birikmalar alohida mavzu sifatida berilmagan. Bizning tajribamizdan ma'lum bo'lishicha bu kabi birikmalar she'riy jummalardan tanlab olinsa va bu haqida o'quvchilarga ma'lumotlar berilsa maqsadga muvofiq bo'lardi. Bunda boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun so'zlarni birikishi, bog'lanishi kabi tushunchalar tushunilishi nazarda tutiladi. Chunki ular ona tili darslarida so'zlarning bog'lanishi bilan bog'liq tushunchalarni o'zlashtirgan bo'lishiga qaramay bir oz qiynaladilar. Biz bu mavzuni Samarqand shahridagi 7 - o'rta maktabning 4-sinflarida kuzatishlarimizda darsda bayon qilinayotgan fikr va mulohazalar asosida bayon qilishga harakat qildik.

Bugungi kunning she'riyati biroq nozik. Ba'zi she'rlarni o'quvchi birdan tushuna olmaydi. Masalan, yuqori sinf o'quvchilarining adabiyot darsliklarida shoir Shavkat Rahmon, Usmon Azim, Rauf Parfi kabi bir necha yangi zamonaviy shoirlarning murakab she'rlari berilgan. Sh. Rahmonning "Tungi manzara" sherida shoirning o'z ichki kechinmalari no'anaviy tarzda tasvirlangan. Dastlab o'quvchilar o'z ma'nosida tushunadi. Ko'rinadiki ularda badiiy adabiyotdagi nozik tushunchalarni o'zlashtirmaganligi seziladi. Bizning fikrimizcha yuqoridagilarga tayangan holatda ko'chma ma'noli birikmalarni boshlang'ich sinflarda o'rgatilsa maqsadga muvofiq bo'ladi.

Xulosa qilib aytganda, umumiy o'rta ta'lim maktablarining boshlang'ich sinf o'qituvchilariga ko'chma ma'noli birikmalarni o'rgatishda ularda mazkur birikmalar haqida ma'lumot berish barobarida amaliy mashg'ulotlar orqali tushuntirilsa maqsadga muvofiq bo'ladi deb o'ylaymiz. Bu esa ta'limdagi oddiydan murakkablikka qarab o'qitish tarqalishiga mos keladi, deb o'ylaymiz.

Kelajakda mazkur muammoni o'rganish ona tili va adabiyot metodikasi fanlari oldida turgan dolzarb masalalardan biri bo'lishi, shubhasiz.

РЕКЛАМА МАТНЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ АЙРИМ ЛИНГВИСТИК ЖИХАТЛАРИ

Ориф Жумасев
ЎзР ФА Тил ва адабиёт
институтининг илмий ходими

Маълумки, реклама – бевосита даромад олиш мақсадида маҳсулот тўғрисида ҳар қандай шакл ва воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборот тарғиботи саналади. Реклама жамиятдаги урф-одатларни, раме-русумларни акс эттиради, аммо уларга таъсир кўрсатмайди.

“Реклама тарқатувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, рекламага оид қонунчилик меъёрларидан чуқурроқ хабардор бўлишини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида” ги қонунига шарҳ” китоби тайёрланди... Унда соҳага оид муносабатлар билан боғлиқ меъёрлар амалдан норматив-ҳуқуқий база ёрдамида муфассал шарҳланган”¹.

Ҳозирда реклама матнлари адресатга таъсир кўрсатиш воситасидан аста-секин маркетинг коммуникацияси воситасига айланишти. Яхши маҳсулот рекламага эҳтиёж сезмайди, деб ҳисоблаш нотўғри. Бевосита шундай маҳсулот реклама объекти бўлиши лозим. Рекламанинг лисоний матни асосий ахборотни ифодалайди.

Бутун реклама тағмотни буйича экстраполяция (нарсга ва ҳодисанинг бир қисмини кузатиш асосида олинган ҳулосаларни унинг бошқа қисмига ёйиш ва татбиқ этиш) ҳулосалари чиқариш учун статистик томондан мазкур принциплар уларнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади:

а) маънолар силсиласининг мўллиги, бой коннотатив мазмун билан тавсифланувчи ўзига хос лексик сўзларнинг мажмуи;

б) адресатнинг диққатини жалб қиладиган, асосан, стилистик бўёқдорликка эга бўлган сўзлар;

в) образлиликни кучайтириш учун кучга маънода қўлланадиган лексик сўзларнинг ишлатилиши;

г) образлиликни яратиш учун идиомаларнинг ҳаддан ташқари кўп қўлланиши.

Образлилик – бу реклама матнининг асосий элементи ҳисобланади. Уни яратиш учун тилдаги барча имкониятлардан фойдаланилади. Идиомалар образ яратишга ёрдам беради, бу адресатга таъсир кўрсатувчи асосий восита саналади. Кўргазмали ил тушунарли расмлар орқали берилган реклама образлари реклама матни таъсирчанлигини оширади. Реклама матнини қабул қилишда асосий восита бу образи эътибор. Мана шу рекламани қабул қилувчининг ёдида сақланиб қолади. Энг муҳими идиоматик ифодалар коннотацияни ҳосил қилувчи паст частотали лексика ва эмоционал – баҳоловчи обертонли (қўшимча тон) лексика каби тил воситаларидан максимал даражада фойдаланиб, образ яратишдир. Образлилик сўзларнинг семантик жиҳатдан қандай эмоциялар билан боғланишига қўра ҳам вужудга келади. Айни образлилик ва импрессивлик рекламанинг асоси саналади, улар реклама матнларининг тавсифларини яратувчи усуллардир.

Реклама матнлари тилининг асосий мақсади таассурот уйғотиш имкониятини яратиш, реклама матнлари ҳақида ёрқин эмоционал фикр пайдо қилиш ҳисобланади. Реклама матнларининг грамматикасида уларнинг беҳад ўхшашлик жиҳатлари бўлсади, шу билан бирга уларнинг ҳар бири ўзига хослик касб этади. Сўзлар тартибиде нисбатан инверсия ва нофаол конструкцияларнинг қўлланади. Реклама матнларини яратишда ижобий образлардан фойдаланиш мақул.

¹ Абдурайимова Н. Реклама ва қонунчилик. “Халқ сўзи” газетаси 2009 йил 22 январь, № 17 (4680) 2-бет

Реклама матнларининг семантик-коммуникатив вазифаси энг динамик сўз туркуми бўлган феъл орқали жуда яхши етказиладиган ҳаракатга чақириқ ҳисобланади. Шу сабабли бошқа сўз туркумлари билан таққосланганда реклама матнларида, асосан, феъллар кўп қўлланади. Феъл – императивлик шакли мавжуд бўлган ягона сўз туркуми ҳисобланади. Шунингдек, биргаликда ҳаракат бажариш конструкциясида феъллар мавжуд бўлиши лозим. Оғир иш кушидаги чарчокдан сўнг қувонч ва ижобий ҳиссиётларни ўзида гавдалантирувчи қуёш нурларидан баҳраманд бўлиб, дам олиш образини яратувчи феълларни визуал реклама матнларида қўллаш яхши самара беради. Феълларнинг қисман равишлар билан қўлланиши образнинг ижобий таъсирини кучайтиради. Махсулотлар образининг асл моҳиятини очипда маънолар силсиласини сақлаб қолиш зарур. Бу ерда транслитерациянинг аҳамияти жуда кам.

Реклама матнларининг қуйидаги мазмуний турларини белгилаш мумкин: 1. Тасвирий реклама матни. 2. Хабар мазмунли реклама матни. 3. Буйруқ-истак мазмунли реклама матни.

Реклама тағматининг характерли хусусиятларининг асосий мезони, бизнинг фикримизча, реклама матнлари ва савдо маркаларининг номларини айнан бир хиллик сақлаб қолингани ҳолда таржима қилиш ва тўғри тасаввур этиш лаёқати ҳисобланади. Реклама матнлари учун тил воситаларининг нормативлиги, албатта, зарур, аммо ўта даражада мажбурий эмас. Шунинг учун таржимада эмоционал хабар қанчалик тўлақонли ифодаланган бўлса, уни шунчалик сифатли деб ҳисоблаш мумкин. Бу вазифанинг энг самарали воситаси эмоционал муқобиллик концепцияси билан мувофиқлик асосида реклама хабари таржимаси бажаради.

Реклама замонавий бизнесда энг кўп амал қилинаётган коммуникация воситасидир. Бинобарин, ҳар қандай реклама матни таржима қилинаётганда, биринчи навбатда унинг коммуникатив аҳамиятга эга эканлиги нуқтаназардан қаралиши лозим. Таъсир кўрсатиш, экспрессия кучи, адресатга маълум бир қатъий жавоб реакцияси уйғотишга қодирлиги таржима қилинаётган тилда матнни тўғри ифодалаш аломатлари ҳисобланади.

Реклама матнини ташкил қилувчи лингвистик бирликлар - сўз шаклида, сўз бирикмаси шаклида, ибора шаклида бўлиши мумкин. Масалан,

*«RA'NO» тўттами берар маслаҳат-
иммунитетни оширишга айнивақт!*

«RA'NO» гиёҳ ўтларидан тайёрланган доривор чойи одам иммунитетини оширишга жуда ҳам зарур эканлиги таъкидланмоқда.

Реклама матнларидаги ибораларни у ёки бу мамлакатларнинг маданий реалиялари сифатида қараш мумкин. Бинобарин, ҳар қандай реклама матни таржима қилинаётганда, биринчи навбатда унинг коммуникатив аҳамиятга эга эканлиги нуқтаназардан қаралиши лозим. Таъсир кўрсатиш, экспрессия кучи, адресатга маълум бир қатъий жавоб реакцияси уйғотишга қодирлиги таржима қилинаётган тилда матнни тўғри ифодалаш аломатлари ҳисобланади. Сўз қанчалик кам частотали бўлса, таржима тилида уни ифодалашда таржимондан шунчалик кўп саъй-ҳаракат талаб қилинади.

Реклама матнларининг характерли хусусиятларининг асосий мезони, савдо маркаларининг номларини айнан сақлаб қолингани ҳолда таржима қилиш ҳисобланади. Реклама матнлари учун тил воситаларининг нормативлиги, албатта, зарур, аммо ўта даражада мажбурий эмас. Шунинг учун таржимада эмоционал хабар қанчалик тўлақонли ифодаланган бўлса, уни шунчалик сифатли деб ҳисоблаш мумкин. Бу вазифани эмоционал муқобиллик концепцияси билан мувофиқлик асосида реклама хабари таржимаси бажаради.

Матнларни тадқиқ этишдан мақсад ушбу матнларга прагматик изоҳ беришдан иборат бўлмасдан, балки тафаккур фаоллигининг лисоний шакллари билан боғлиқ

жиҳатларини аниқлашдан иборат. Реклама матнини тузишда унинг ўзига хос учта жиҳатини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1. Реклама фактларга асосланиб, мавжуд борлиқнинг объектлари ва ҳодисаларини ақс эттиради. 2. Реклама хабарларининг мазмуни ва шакли реклама қилинаётган объектнинг ва адресат қизиқишларининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. 3. Реклама хабари ҳаракат қилишга чакриқ, даъват қилиш, ундаш мазмунида бўлади. Бунинг натижасида адресатда унга зарур бўлган маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш турларига эҳтиёж пайдо бўлади.

Реклама матнида асосий эътибор далил ва асосга, яъни адресатни нима қизиқтиришига эътибор қаратилишидадир. Реклама матни, одатда, реклама слогани (шиори) шаклида ифодаланadi. Бу ерда реклама қилинаётган объектнинг асосини ташкил қилувчи ўзига хос хусусиятлар ажратиб кўрсатилади. Янги маҳсулот реклама қилинаётганда, унинг замонавийлигига мос келишини таъкидлаб ўтиш ўринли бўлади. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари рекламасида унинг гўйимлилик даражаси, калорияси, витаминлар миқдори каби сифатларини кўрсатиб ўтиш жуда муҳим:

appetito

Ta'm lazzati!

Сарёғли маҳсулотлар

Тошкент, тел: +(99871) 24638-88

www.appetito.uz

Ишлаб чиқарувчи: МЧДК "Chromos Production"

Mahsulot sertifikatlangan

(appetito sarёғи кадоқланган идиш тасвири)

Маҳсулот тури саналадиган мазмунидаги реклама матнларини (масалан, "1000 хил майда-чуйдалар. Сотувда ҳамма вақт: гулқозоғлар, манзарали кафеллар, турли хил ва рангдаги идишлар...") самарасиз рекламага киритиш мумкин, чунки кўча рекламаси, энг аввало, ўз иши ва ташвишлари билан шошилиб юрган адресатга қаратилган бўлади.

Реклама матнларида бўлишсизлик шаклларида кам фойдаланилади, чунки улар маҳсулот ёки хизмат кўрсатиш турлари тўғрисида негатив таассурот қолдиради. Масалан,

Snikers

Snikersni tuxmatma

Snikersni tanna

(Snikers шokoladi қадаоқланган идиш тасвири)

Хуллас, реклама матнининг бош мақсади адресатни маълум бир маҳсулот билан таништиришдир. Реклама матни аниқ, маълум бир мақсад кўзда тутилган ва амалий жиҳатдан фойдали бўлиши зарур.

МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРЛАРИДА МЕТАФОРЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

ЎзДЖТУ катта ўқитувчиси

Дадажонова О.Т.

Шу кунга қадар барча шоир ва ёзувчилар ўз асарларида метафоралардан кенг фойдаланганлар. Жумладан, Муҳаммад Юсуф ҳам образлиликни, бадийликни оширишда эмоционал-экспрессив бахш этувчи восита сифатида метафораларни ўринли қўллаган.

Олимлар томонидан метафорага турлича таъриф берилган ва ўрганилган¹

¹ Кобулжонова Г.К. Метафоранинг системовий лингвистик таълими. Фил.фан.ном.дисс. авторефер. – Т., 2000 Б-12.

Шомақсудов А ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. –Т.: "Ўқитувчи". 1983 Б-236.

Йўлдошча М. Бадий матн ва унинг лингвистик таҳлили асослари. –Т.: "Фан" 2007 Б-77.

Мукаррамов М. Ўзбек тилида ухшатиш. Т., 1976 Б-13.

Кунгуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Т., 1977 Б-154.

Метафора сўзи грекча *"methaphoro"* (кўчим, истиюра) сўзидан олинган бўлиб, бир нарсанинг иккинчи бир нарсанинг номи билан улар ўртасидан ўхшашлик асосида аталишидир. Метафора тилшунослар томонидан тилни бойитувчи ҳодиса ва тилга экспрессивлик берувчи воқелик сифатида икки нуқтаи назардан ўрганила бошланди.

Биринчи нуқтаи назар кўпроқ лексикологияда ўрганилади, иккинчи нуқтаи назар эса стилистикада ўрганилади.

Мухаммад Юсуф метафораларни кўпроқ тилга экспрессивлик берувчи воқелик сифатида ишлатган Буларни мисоллар асосида кўриб, таҳлил қиламиз.

Ўзинг Анормидинг ёрим, юзинг анор
Ҳамон сени унутолмай, бағрим ёнар.

(“Анор”)

Бу шеърда икки марта *анор* сўзи қўлланган бўлиб, биринчисида қиз боланинг исми маъносида келган. Иккинчиси метафорик маънода қўлланилиб, қизнинг юзи кип-қизил эканлигини кўрсатиб берган.

Шоир *ширин* сўзини кўчма маънода қўллаб, ўзига хос такрорланмас метафораларни ҳосил қилган. Қуйидаги мисраларга эътибор қилинг:

Ширин жилмайиш-ла ёнига чорлаб,
Олиддан ғамзалар қилганинг алам.

(“Муҳаббат”)

Ширин жилмайиш сўз бирикмасини олиб кўрсак, бунда услубий хато борлигини, бирикма нотўғри тузилганлигини сезамиз. Аслида *ширин* табассум билан кулиш, *ширин* уйқу, *ширин* гапириш дейиш мумкин. Лекин шоир *ширин* жилмайиш деб кучли метафора ҳосил қилган. Кишига хуш ёқадиган ёқимли жилмайиш маъносини бўрттириб берган. Шоир “Нима қилай” шеърда эса *ширин* сўзини такрор қўллаш орқали ўзига хос метафора яратган:

Ширин-ширин қарашларинг менга жаннат,
Менинг учун сени яратганга раҳмат.

Яна бошқа мисолларга эътибор қаратамиз:

Не бўлса ҳам асролмадим, менда гуноҳ
Боламдайин ширин эди кеча шеърим,
Биров йиртди, биров ёқди билдирмай, оҳ,
Сизни кўрмай нобуд бўлди кеча шеърим.

(“Ўқитувчимга”)

Бу мисраларда *ширин шеър* метафораси қўлланган. Аслида *ширин* бола, *ширин* оила, *ширин* ҳаёт метафоралари кенг қўлланилади. Шоир “боламдайин ширин эди кеча шеърим” деб, шеърини боласи каби азиз, қадрдон, севимли, эканлигини кўрсатиб берайти.

Сиз аччиқ қисматим, сиз изтиробим,
Сиз *ширин* дардимсиз, *ширин* азобим,
Сиз мени кўқлардан топган офтобим
Ерларда йўқотган кўзмунчоғимсиз.

(“Севги садоси”)

Бу мисолларда “*ширин дард*”, “*ширин азоб*” бирикмаси келтирилган. Бундай антонимлар орқали оксюморон ҳосил қилинган бўлиб, кўчма маънода берилган. Дард ва азоб салбий маънода бўлиб, “*дард*” касаллик, алам, азоб маъноларини, “*азоб*” эса қийналиш, уқубат маъноларини беради. Бу сўзлар *ширин* сўзи билан кўчма маънода келиб, ижобий маънони берган.

Яна бошқа мисолларга диққат қиламиз:

Ғамдан *ширин* севинчсан
Қирк йигитга илинжсан.

(“Нетарман”)

Бу мисраларда, “ширин севинч” метафораси келтирилган. Бунда кишини ёқадиған хурсандлик ҳақида сўз боради. Шоир бу метафоралардан олдин “ғамдек” сўзини ҳам келтиради. Бир пайтлар ғам, талвишли ўтган кунларини шоир “ширин севинч” га киёслайди.

Тузсиз шеърларим деб *шириндан-ширин*
Болаларим юрар оёқ учида

Ширин болаларим

Шириндан-ширин болаларим.

(“Узр”)

Бу мисраларда шоир *ширин* сўзини такрор қўллаб, яна *-дан* қўшимчасини қўллаш билан кучли метафорани ҳосил қилган.

Шоир болаларини йиғлатиб ёзган шеърларини “тузсиз шеърларим” деб атайди. Шундай шеърларни ёзиб, болаларига эътибор қилмаганлиги дан афсусланади. Шеърнинг номи ҳам “Узр” деб номланган.

Бундан ташқари Муҳаммад Юсуф шеърларида феъл метафораларидан ҳам ўринли фойдаланиб, услубий маъно берган:

У қон йиғлаб турар хар сафар
Мен дардимни кимга айтаман.

(“Самарқанд”)

“Қон йиғламоқ” метафораси орқали қаттиқ эзилиб-куйиб йиғламоқ, қаттиқ азобли ҳолатда йиғламоқ маъноси берилган

Яхши одамларни кўриб, эҳтимол,
Сайраб юборгандир Асқад Мухтор ҳам.

(“Розидил”)

“Сайраб юбориш” кушларга хос хусусиятдир. Шоир инсонга нисбатан ишлатиб, гапириш, сўзлаш маъносида қўллаган. *Сайради* сўзи инсонларга нисбатан ишлатилганда икки хил маънони беради: ижобий маъно ва салбий маъно.

Ижобий маъно: Масалан, имтиҳонда сайраб кетди. Тутилмай, яхши жавоб берди.

Салбий маъно: Масалан, мажлисда сайраб кетди. Бўлар-бўлмас гапларни кўп гапиради. Бу мисрада шоир “сайрамоқ” сўзини ижобий маънода ишлатиб, услубий маъно берган.

Йигит қиркда қирчиллаб ғарқ пишсади,
Эрта-индин сочимга оқ тушади,
Чин ошиқлар қирк йилда топишади,
Озодани севаман мен, Озодани.

(“Озода”)

Юқоридаги мисраларда “Қирчиллаб ғарқ пишмоқ” сўз бирикмаси келтирилган. “Ғарқ” сўзига изоҳли луғатда шундай таъриф берилган. Ўзи боғланиб келган сўз (сўз бирикмаси) отлашган ҳаракат-ҳолатининг тўла-тўқис, бутунлай юз беришини, юз берган ҳолатда отлашади.² Демак, шоир йигитни қирк ёшида тўла-тўқис етилган, куч-қувватга тўлган вақти эканлигини метафора орқали кўрсатиб берган.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати / Бегматов Э., ва бошқалар. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., 2007. Ж 5. Б-202.

Кейинги мисраларга диққат килинг.
Юртим, адо бўлмас армонларинг бор,
Тошларни йиғлатган дostonларинг бор.

(“Юртим адо бўлмас”)

Бу мисрада “Тошларни йиғлатган дostonларинг бор”, дейилган. Тош аслида сув кор қилмайдиган, хаттиқ, мўрт жисмдир. Йиғлаш эса инсонларга хос хусусият. Шоир бу метафорани келтириш орқали дostonларни жуда кучли савияда ёзилганини кўрсатиб берган.

Сарғайман сарғайган
Расмингизга термулиб
Зиё истаб зор қахшар
Парвонаман онажон... (“Бешинчи ўғил”)

Ушбу шеъринг парчада шоир “сарғаймоқ” сўзини ўз ва кўчма маъноларда қўлланган. *Сарғайган расм*, яъни эскириб кетган, сариқ тус олган қоғоз. *Сарғайман сўзи* кўчма маънода қўлланган бўлиб, “зорикиб, толикиб” кутмоқ, маҳтал, интиқ бўлмоқ маъносига келган.

Демак, онасини соғинганини, интизорлик билан кутишини, шу битта *сарғаймоқ* сўзи билан ифодаланган ва услубий маъно берган.

Мухаммад Юсуф ижодида бундай мисолларни кўплаб учрагиш мумкин. Тил жамият тараққийотининг кўзгуси экан, маълум маънода Мухаммад Юсуф шеърлари ҳам ҳозирги тилимиз имкониятлари, унинг поэтик маъно қирраларини намойиш эта олган. Бу имкониятлар турли воситалар, жумладан, метафоралар орқали кўрсатиб берилган. Мухаммад Юсуф шеърлари халқона оҳангда битилганлигини содда тилда ёзилганлиги, тасвирий воситаларни ўз ўрнида қўлланганлиги билан бошқа шоирлардан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам китобхонлар унинг шеърларини севиб ўқийдилар, қўшиқчилар эса дилдан куйлайдилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бегматов Э., ва бошқалар. Ўзбек тилининг изоҳли лугати Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т., 2007. Ж 5. Б-202.
2. Йулдошев М. Бадний матн ва унинг лингвистик таҳлили асослари. –Т.: “Фан” 2007 6-77.
3. Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. Т., 1976 Б-13.
4. Мухаммад Юсуф. “Сайланма”, Тошкент, “Шарқ”-2004.
5. Шомажудов А ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. –Т.: “Ўқитувчи”. 1983 Б-236.
6. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Т., 1977 Б-154.
7. Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик таҳлили. Фил.фан.ном.дисс. авторефер. – Т., 2000 Б-12

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ И ОМИЛИ СИФАТИДА

Наима Убайдуллаева (ЎзДЖТУ)

Юрбошимиз «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни қабул қилишда ёш авлодни мустақил фикрлашга ўргатиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, «Демократик жамиятда болалар эркин, мустақил фикрлашни ўрганмаса, унга берилган таълим самараси наст бўлиши муқаррар. Албатта билим керак, аммо билим ўз йўлига, мустақил фикрлаш ҳам катта бойлию» эканлигини таъкидлаб ўтган эдилар¹.

¹ Каримов И. Баркамол авлод орзуси. –Т.: «Шарқ» НМК, 1998. - 33-6.

Шундан келиб чиққан ҳолда республикаимиз таълим тизимида барча фанларни ўқитишда ўқувчи-талабаларни мустақил фикрлашга, эгалланган билимларни мустақил қўллашга ўргатиш таълим ислоҳотининг бош масалаларидан бирига айланди, талабаларнинг мустақил ишларини тўғри ташкил этиш юзасидан махсус меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги 34- сонли “Талабалар мустақил ишини ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғи асосида олий таълим босқичидаги барча фанлардан, шу жумладан, рус гуруҳларида ўзбек тили таълимида ҳам, ўқув режаларида барча фанлардан мустақил ишлар учун юклама ажратилди, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишни илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Ўқув режадаги ҳар бир фан бўйича талабалар мустақил ишлашлари кўзда тутилган мавзулар аниқланди ва ишчи ўқув дастурларида ажратиб берилди, мустақил ишларни ташкил этиш шаклларини, мустақил ишлаш учун берилган ҳар бир мавзу юзасидан топшириқлар тизими, уларни назорат қилиш ва баҳолаш меъёrlари бўйича услубий кўрсатмалар, тавсиялар ишлаб чиқилди². Албатта, бу саъй-ҳаракатлар ўзининг самарали натижаларини бермоқда.

Маълумки, ўзбек тили республикаимизнинг давлат тили сифатида барча таълим босқичларида - умумий ўрта таълимдан бошлаб олий таълимнинг бакалаврият босқичигача ҳафтасига 2 соатдан ўқитилиши режалаштирилган. Албатта, иккинчи тил таълими учун бу етарли эмас, чунки ҳар қандай тил ҳафтасига камида 2 марта ўқитилгандагина самарали натижа беради. Тилни пухта ва интенсив ўзлаштириш у билан деярли ҳар куни ёки кунора шуғулланишни тақозо этади. Шу боис қўпчилик ҳолларда ҳар куни шуғулланиладиган қисқа интенсив курслар узоқ мuddат бўлса-да, кам соат ҳажмида шуғулланишга қараганда самаралироқ натижа беради.

Мустақил ишлар тўғри ташкил этиш ва уларни назорат қилишни яхши йўлга қўйиш ўқитувчининг русийзабон талабалар билан ҳафтасига камида 2 марта бевосита шуғулланишига, талабаларнинг ўзларини эса ўзбек тили билан деярли кунда шуғулланишларига замин яратди. Бунинг учун, аввало, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилиши ва ҳар бир семестр бошида талабаларга мустақил бажаришлари режалаштирилган мавзулар рўйхати, улар юзасидан топшириқлар ва ушбу мустақил ишларини баҳолашнинг рейтинг тизими тарқатилиши зарур.

Мустақил ишларни тўғри ташкил этишнинг иккинчи шarti мустақил ишларни назорат қилиш ва баҳолашни тўғри йўлга қўйишдир. Мустақил ишларни назорат қилишга жиддий эътибор бермаслик, талабаларга берилган топшириқларни ўз вақтида ва талаб қилинган шаклда сураб баҳолаб бормаслик, яъни буни дарсдан ташқари иккинчи даражали ишлар деб тушуниш талабаларнинг топшириқларни бажаришга лоқайд муносабатда бўлишларига ва фанга қизиқишларининг пасайишига олиб келади. Аксинча, ўқитувчи озгина вақтини аямай, ҳар бир берилган топшириқни ўз вақтида назорат қилиб бориши талабаларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Маълумки, рус гуруҳларида ўзбек тилидан билим даражаси турлича бўлган талабалар таҳсил оладилар ва бу таълим жараёнини анча қийинлаштиради. Мустақил ишлар талабаларга уларнинг билим даражасига мос топшириқлар бериш, билим даражаси паст талабалар билан кўпроқ шуғулланиш ва уларни бошқа талабаларга етказиб олиш имкониятини ҳам беради.

Олий таълим босқичида талабаларнинг дарсдан ташқари бажарадиган мустақил ишлари коммуникатив машқларнинг энг ёрқин намуналари – жонли мулоқот вазиятини юзага келтиради. Жонли мулоқот машғулотларини турли жойларда, турли

²Қаранг: “Ўзбек тили” фанидан мустақил таълим мавзулари ва улар юзасидан услубий кўрсатмалар// ЎзДЖТУ ишчи ўқув дастури (2011-2012 ўқув йили учун).

максадларда ташкил этиш мумкин. Ўқувчи-талабалар билан театр, музейларга бориш, уларни дўконлар, бозорларда жонли мулоқот қилишга, дарсдан ташқари тадбирларда фаол иштирок этишга ундаш табиий нутқ вазиятини келтириб чиқарадиган омиллардир. Бироқ улар самарали бўлиши учун, албатта, оғзаки ва ёзма сўров ўтказиб борилиши шарт.

Маълумки, кейинги йилларда замонавий педагогик технологияларга, талабаларнинг ўқув машғулотларида аудиторияда бажарадиган мустақил ишларига ҳам жиддий эътибор қаратила бошланди. Хусусан, олий таълимда талабаларнинг ўзлари томонидан бошқариладиган мустақил ишлар (масалан, тақдимот) уларда ўз-ўзини ва бошқаларни назорат қилишга ўргатади, шунингдек, мустақил фикрлаш ва мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантиради. Ўз билимларини намоён қила олиш қобилиятини ривожлантиради. Бунинг учун, масалан, расм ёки видеоларни кўрсатиш ва ўзбек тилида унинг оғзаки ёки ёзма баёнини сўраш, ўзини машқурдан фойдаланиш, тақдимот дарсларини ташкил этиш, иш ўйинларидан фойдаланиш, яъни касбий мулоқот вазиятини ҳосил қилиш йўли билан ҳақиқий мулоқот шароитига анчагина яқинлашадиган шартли мулоқот шароитини ҳосил қилиш мумкин.

Албатта, аудитория машғулоти шаклларининг ўзгариши топшириқларни баҳолаш меъёрларининг ўзгаришига ҳам олиб келади. Чунки мустақил ишлаш жараёнида талабаларнинг билими ва жавобларигина эмас, балки уларнинг мустақил фикрлаши, фаоллиги даражаси ҳам баҳолашни керак бўлади. Айтиш жоизки, баҳолаш меъёрларида айнан шу жиҳатларнинг қатъий эътиборга олиниши талабаларнинг фаоллигини, айниқса мустақил ишлашга бўлган қизиқишлари ва интилишларини оширади. Албатта, аудитория машғулоти шаклларининг ўзгариши топшириқларни баҳолаш меъёрларининг ўзгаришига ҳам олиб келади. Чунки мустақил ишлаш жараёнида талабаларнинг билими ва жавобларигина эмас, балки уларнинг мустақил фикрлаши, фаоллиги даражаси ҳам баҳолашни керак бўлади. Айтиш жоизки, баҳолаш меъёрларида айнан шу жиҳатларнинг қатъий эътиборга олиниши талабаларнинг фаоллигини, айниқса мустақил ишлашга бўлган қизиқишлари ва интилишларини оширади. Айтиш жоизки, ушбу жараёнларнинг барчаси ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида олиб борилади, “ўқитувчининг ўқувчи-талабаларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаш, бевосита ва бевосита таъсир этиш орқали уларнинг фаолиятини ва дарс машғулотини қўзланган мақсад томонга йўналтириб туриш функцияси” ни ҳеч ким бажара олмаслигини тан олиш лозим⁴.

Узоқ йиллик педагогик амалиётимизда шу йўналишда олиб борилган ишлар талабаларнинг дарс жараёнидаги билан дарсдан ташқаридаги фаолиятини уйғунлаштиришга, дарсда ўтилган мавзуларни дарсдан ташқари мустақил бажарган ишлари воситасида мустаҳкамланиб боришига, айрим талабаларнинг индивидуал топшириқларни бажариш орқали ҳатто бошқа талабалардан илгарилаб кетишига, ўзи бажарган ишларидан руҳланиши натижасида тилга бўлган қизиқишининг орттишига ҳам олиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Баркамол авлод орзуси.-Т.: «Шарқ» НМЖ, 1998. - 33-б.
2. Ўзбек тилдан мустақил ишлар мавзулари ва услубий курсатмалар. ЎзДЖГУ ишчи ўқув дастури (2009-2010 ўқув йили учун).
3. Лужных Л.А Организация самостоятельной студентов по иностранному языку в цикле аудиторных-неаудиторных занятий в техническом вузе. Дис... канд.пед.наук.-М, 1973.-15-с.

⁴ Каранг: Лужных Л.А. Организация самостоятельной студентов по иностранному языку в цикле аудиторных-неаудиторных занятий в техническом вузе. Дис... канд.пед.наук.-М., 1973.-15-с.

ЎЗБЕК ТИЛИДА ҲИШАТИШ ВА МЕТАФОРА

Ҳўжамқулов Асқар (ЎЗМУ)

Инсоннинг дунёни билишида Ҳшатиш-қислаш бениҳоя катта Ҳрин тутади. Икки ёки ундан ортик предмет ёки тушунчани Ҳшиш ёки фарқли жиҳатларини аниқлаш мақсадида қислаш, ташқи дунёни билишнинг энг кенг тарқалган мантикий усулларидан бири сифатида инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида кузатилади.¹ Инсон борликдаги нарса-предмет ва тушунчаларни бир-бирига таққослаш, қислаш натижасида улар орасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни аниқлайди. Ҳшатиш-қислаш фаолияти маҳсули сифатида тилшуносликда Ҳшатиш конструкциялари, метафоралар ва эпигетлар шаклланади.

Ҳар иккисининг ҳам асосини Ҳшашлик муносабати ташкил этиши билан Ҳшатиш ва метафора бир-бирига жуда яқин ҳодисалар ҳисобланади. Улар Ҳртасида жуда катта фарқ мавжуд эмас, шу сабабли айрим тадқиқотчилар метафораларни Ҳшатишнинг қисқариши, яъни Ҳшатишдаги Ҳшатишнинг грамматик кўрсаткичининг тушиб қолишидан юзага келади деб ҳисоблашади. Айрим тадқиқотчилар эса, бу икки ҳодисани алоҳида-алоҳида ҳодисалар сифатида баҳолашади. Ҳусусан, Ҳзбек тилидаги дастлабки семасиологик тадқиқотларда Ҳзбек тилидаги Ҳшатиш ва метафора, бу ҳодисаларнинг умумий ва фарқли томонлари ажратилиб, улар алоҳида-алоҳида ҳодисалар эканлиги айтиб Ҳтилган.² Лекин айрим тадқиқотларда метафора Ҳшатишнинг нутқий жараёнда қисқариши натижасида юзага келган ҳодиса сифатида кайд қилинган. "...Ҳшатиш инсон тафаккурининг қислаш жараёнида ҳосил қилинган бир билимдир. Метафоралар мана шу Ҳшатиш принципи асосида сўз маъноларини кўчириш йўли билан ҳосил қилинади. Қислаш натижаси – метафора нутқда қисқартирилган формада акс этади, яъни тонга Ҳшиаган каттақ одам эмас, тош одам тарзида қўланади".³ Тилимиздаги ҳамма метафоралар ҳақида ҳам бу ҳукмини айтиш унчалик тўғри бўлмайди, чунки тилдаги лингвистик метафораларни Ҳшатишнинг қисқарган шакли сикатида баҳолаш унчалик тўғри бўлмайди. Шунингдек, Л.Абдуллаева ҳам Ҳз мақоласида «*Дашанинг қўзларидан дўлдай-дўлдай ёш оқарди*» жумласида «дўл» сўзининг маъноси метафорик усулда кўчган, деб таъкидлайди.⁴ Жумладаги «*дўлдай-дўлдай*» сўзи метафорик кўчиш эмас, Ҳшатишдир. Тўғри, Ҳшатиш ва метафора бир-бирдан бутунлай алоҳида ҳодисалар эмас, улар нарса-предмет, воқеа-ҳодиса Ҳртасидаги Ҳшашлиқни ифода этиши билан умумийлик ҳосил қилади. Ҳар икки ҳодиса ҳам бирон бир предметнинг Ҳшаш белгилари билан иккинчи бир шу белгига эга бўлган предметни ифодалашни билан моҳиятан бир-бирига яқин бўлса ҳам, ана шу Ҳшатиш жараёнида улар бир-биридан фарқланади.

Ҳусусан, бошқа кўнгина тиллардаги каби Ҳзбек тилидаги Ҳшатиш тўрт асосий унсурдан ташкил топади, яъни: 1) Ҳшатиш субъекти, 2) Ҳшатиш эталони, 3) Ҳшатиш асоси ва 4) Ҳшатишнинг шаклий кўрсаткичи. Демак ҳар қандай Ҳшатиш маълум грамматик воситалар ёрдамида ҳосил қилинади. Бу грамматик воситаларга *-дек, -дай* қўшимчалари, *худои, сингари, каби, бамисоли, мисоли* каби ёдамчи сўзлар киради.

Метафора эса уч унсурдан (Ҳшатишувчи – Ҳшовчи – Ҳшатиш асоси) таркиб тошган бўлиб, маънонинг кўчиши грамматик воситаларсиз амалга ошади. Бу фарқлар денотат ва ҳосила маънога эга лексемалар семалари орасида ҳам кузатилади. Лисоний метафораларда ҳам, нутқий метафораларда ҳам лексема семаларидан айримларининг фаоллашиши эвазига янги ҳосила маъно юзага келади. Масалан, *тиш* лексемасининг

¹ Махмудов Н. Ҳшатишлар – образли тафаккур маҳсули/Ҳзбек тили ва адабиёти. -2011. -№ 3. -Б. 19-24.

² Мирзожиев М. Ҳзбек тилида полисемия. Ҳзбек тилида полисемия. Т.: Фаи, -1975.

³ Абдуллаев А. Ҳзбек тилида экспрессивлиқнинг ифодаланishi. Т.: Фаи.-1983.-Б.24.

⁴ Абдуллаева Л. Метафоралар ва уларнинг таржима қилиниши ҳақида бёъзи мулоҳазалар/Ҳзбек тили ва адабиёти. -1965.-№ 4.-Б. 63.

маъноси метафорик усулда кўчганда, денотат маънога эга бўлган лексема семантикдан айримлари ("овқат ейиш, тишлаш, чайнаш, тутиб туриш учун хизмат қиладиган аъзо.") кучсизланади ва "бир текис жойлашган" шартланган семасининг кучайиши метафоранинг юзага келишини таъминлайди. Ёки тулки лексемасининг маъноси кўчирилганда ҳам худди шу ҳолат кузатилади. Яъни лексема семалари таркибидagi "тумиуеи узун", "думи майин узун жулни", "бурисимонлар оиласига мансуб", "йиртқиш сутэмизувчи ҳайвон" каби бир қатор семалари заифлашади ва эмоционал-экспрессивликка эга бўлган "айёр" ва "ўта сезгир" семаларининг кучайиши метафоранинг юзага келиши учун асос вазифасини бажаради. Масалан; 1. *Йўқ, бу қари тулкини алдаш қийинга ўхшайди.* Т.Малик. 2. *Ишонмайман-у, лекин қари тулки эридэн кўп нарсани яширишини биламан.* Ҳ.Умарбеков. 3. *Ҳақиқатда эса, бу тулкилар уни лақилатадилар.* А. Қажхор.

Метафора нутқда икки хил эҳтиёж туфайли пайдо бўлади:

Номи бўлмаган нарс-предметларни номлан эҳтиёжи. Жамият тараққиёти давомида янги-янги нарс-предметлар пайдо бўлади ва уларни номлаш эҳтиёжи туғилади. Бу эҳтиёж бошқа тилдан сўз олиш ёки тил имкониятларини асосида тилда мавжуд лексемаларни бошқа маънода қўллаш орқали қондирилади. Масалан, компьютер қурилмаси – *сичқонча, иш столи.*

Номи бор нарсаларни муваққат қайта номлаш эҳтиёжи.¹ Бир сўз айни нутқ жараёнида бошқа сўзга нисбатан сўзловчининг ифода мақсадига мувофиқ бўлади ва шунинг учун биринчиси ўринга иккинчиси қўлланилади.² Бунда лексеманинг метафорани вужудга келтирган маъноси вақтинчалик бўлиб, у фақат ўша нутқий жараён учун хосдир. *Замонанинг қизларигаям ҳайронсан киши! – деганини эшитди. – Лочин деса дегудек шундай йиғит туриб, қаёқдаги қаланги-қасангилар билан юришади.* Агар лочин лексемасини магдан ташқарига олиб чиқсак, метафорик маъно ҳам йўқолади.

Юқоридаги икки эҳтиёж ўзбек тилида метафоранинг икки турини ҳосил қилишга хизмат қилади. Яъни қундалик турмушда янги пайдо бўлган, номланмаган нарс-ходисаларни номлаш эҳтиёжи тилимиздаги лисоний метафораларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлса, сўзловчининг талаби билан қайта номлаш эҳтиёжи эса нутқий метафоралар ҳосил бўлиши учун асос бўлади.

Лисоний ёки нутқий кўринишда бўлишидан қатъи назар метафоранинг асосини, моҳиятини номлаш ташкил қилади. Чунки нутқий метафора ҳам муваққат бўлса-да, номлайди. Шу сабабли метафоранинг таснифида тилдаги нутқий ва лисоний метафоралар акс этиши лозим деб ҳисоблаймиз. Тасниф метафоранинг ўхшатиш асосига ёки лисоний-нутқий табиатидан келиб чиқиб эмас, балки лексема маъноси метафорик усулда кўчирилганда борлиқдаги нимани номлаб келишига асосланиб амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "метафора – қисқарган ўхшатиш" ҳукми ўзбек тилидаги лисоний метафорага тегишли эмас, балки кўпроқ нутқий метафоралар учун хосдир. Чунки, лисоний (лингвистик) метафоралар нутқий метафоралардан фарқ қилган ҳолда, нарс-предметларни муваққат эмас, балки доимий номлайди.

Хулоса шуки, метафораларнинг нутқий ва лисоний турларини изчил фарқлаш уларнинг ўхшатиш билан муносабатини, улар ўртасидаги чегараларни яна ҳам аниқроқ белгилаб олиш имконини беради.

¹ Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филол. фан. номз. дисс. Т - 2000й. - Б.35.

² Ҳақимова М. Семасиология. –Тошкент.-2008.-Б. 99.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ПАЦИЕНС ВАЛЕНТЛИГИ

Шодия Ганиева (ФарДУ)

Маълумки, валентлик назариясига ўтган асрнинг ўрталарида асос солинди. Валентлик тушунчаси тишшунослик тарихида 1948 йилда рус тишшуноси С.Д.Кацнельсоннинг “Грамматик категориялар ҳақида”, 1953 йилда француз тишшуноси Л.Теньернинг “Структурал синтаксис очерклари” китобида илк марта тилга олинган ва асослаб берилган эди. Хусусан, Л.Теньер валентлик тушунчасини феълларга боғланувчи воситалар, яъни феъл орқали ифодаланган предикат актантлари асосида белгиллаган эди. С.Д.Кацнельсон ва Л.Теньер асос солган валентлик назарияси жаҳон тишшунослигида кенг тарқалди ва қатор янги тадқиқотларнинг пайдо бўлишига тўртки бўлди.¹

Валентлик назарияси дастлаб лексик бирликларнинг боғланиш имконияти билан шуғулланган бўлса, кейинчалик тилнинг бошқа сатҳ бирликларини ҳам қамраб олди. Валентлик тушунчаси морфемик ва синтактик бирликларга нисбатан ҳам қўлланила бошлади.²

Ўзбек тишшунослигига ҳам валентлик назарияси ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб кириб келди. И.Кўчқортоев нутқ феълларининг валент ва компонент таҳлилига бағишланган монографик тадқиқоти билан валентлик назариясига асос солди. Р.Расулов ҳолат феълларининг, С.Мухамедова ҳаракат феълларининг валентликларини тадқиқ этиш билан бу назарияни бойитишга хизмат қилдилар. 1992 йилда “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” китобининг нашр этилиши валентлик назарияси доирасини янада кенгайттирди. Гап предикат валентликларининг кенгайиши натижаси эканлиги ва у синтактик алоқанинг негизи эканлиги кўрсатиб берилди. Проф. М.Миртожиев Ўзбек тилида феъл валентликлари бўйича ўзининг кузатишларини баён қилиш орқали валентлик назариясини янги материаллар билан тўлдириди.³

Валентлик назарияси бўйича олиб борилган изланишларнинг аксарияти лексик валентлик тадқиқига бағишланган. Ваҳоланки, лексема тил сатҳида қандай мақомга эга бўлса, фраземалар ҳам шундай мақомга эгадир. Шундай экан, лексик валентлик тадқиқотчилар диққатини қанчалик тортса, фразеологик валентлик ҳам шундай мақомга эга бўлиши зарур.

Ўзбек тилидаги фразеологик бирликларни мазмуний жиҳатдан ва валент хусусиятлари асосида тасниф қилиш уларнинг ифода имкониятларини тўлиқроқ ёритади. Жумладан, *оёғи тортмади* фразеологизми таркибида “ўрин”, “ҳаракат”, “йўналиш” семалари мавжуд. Бу семалар воситасида ибора йўналиши ўрнини билдирувчи отни талаб қилади: *ҳовлига оёғи тортмади*.

Биз ушбу мақолада Ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг пациенс валентлиги борасида фикр юритмоқчимиз. Субъект валентлигининг бу тури баъзи феълларга орттирма нисбат қўшимчаларини қўшиш билан юзага келтирилади.⁴ ФБларда ҳам шундай: фразема таркибидаги феълга орттирма нисбат қўшимчаси қўшиш орқали ҳосил қилинади. Масалан, (кимнинг) *дабдаласи чиқмоқ* – (ким, кимнинг) *дабдаласини чиқармоқ*. Профессор Ш.Раҳматуллаев бундай ФБларни икки турга: 1)

¹ Кибардина С.М. К истоком теории валентности в немецком языкознании XIX века. - В кн.:

Грамматические концепции в языкознании XIX века. Л., 1985. - С.1981.

² Филочева Н.И. Понятие синтаксической валентности в работах зарубежных языковедов. - ВЯ, 1967, № 2.

³ Миртожиев М. Ўзбек тилида феъл валентлиги. Тошкент, 2007


⁴ Мухамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валент хусусиятлари. ДДА. Тошкент, 2007.

таркибида қайта ўтимли феъл аъзо қатнашадиган фраземалар; 2) ўтимлиланган феъл аъзolari фраземаларга бўлади. Зеро, орттирма нисбат шакллариининг ўзига хос маъно хусусияти ўтимсиз феълларни ўтимлилаштириш ва ўтимли феълларда кўш ўтимлиликни юзага келтиришидир.¹

Орттирма нисбат шаклидаги феъл агенс ҳаракатни бевосита юзага чиқармайди, балки воситасиз тўлдирувчи шаклидаги сўз воситачи шахс (баъзан предмет) бўлади, яъни бунда бу воситасиз тўлдирувчи объект бўлмай ҳаракат юзага чиқишида восита бўлади ва пациенс валентлигини тўлдирди.

Амалга оширмоқ, ерда қолдирмоқ, авжга миндирмоқ каби бирликлар агенс одатда, “шахс” семали бирлик билан ифодаланади, пациенс эса “предмет” семасига эга бўлади, лекин у ҳаракат тушган предмет эмас, ҳаракатни агенс таъсирида юзага чиқарувчи предмет - пациенсдир. *Утган ҳар минут Салим аканин жаҳлини авжга миндираётганини сездди.* (С.Н.)

Жонини ҳалқумига келтирмоқ, жонини чиқармоқ, аччиғини келтирмоқ, абжасини чиқармоқ, дабдаласини чиқармоқ каби бирликларда ҳам пациенс валентлиги мавжуд бўлиб, буларда юқоридаги бирликларга қараганда бовжачароқ ҳолатнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин, яъни бу ибораларнинг аниқ нисбатдаги шакли эга ва кесим муносабатидан ташкил топган (жони ҳалқумига келди), шунинг учун бу ФБлар таркибидаги феълнинг агенс валентлигини тўлдирувчи бирлик ФБ таркибида тургандек, аслида эса, ФБ таркибидаги феълнинг аниқ нисбатдаги шакли сингари орттирма нисбат шаклида бўлганда ҳам субъект валентлигини тўлдирувчи бирлик шаклида ўзгариш юз беради: *кимнинг жони ҳалқумига келди – ким кимнинг жонини ҳалқумига келтирди.* Демак, бундай ФБларнинг субъект валентликларидан бири (агенс, пациенс) аниқловчи позициясидаги бирлик ёрдамида тўлдирилади:



Шариф аканин таймовсизлигига ўхшаб айтган гапи Розия ҳоланин аччиғини келтирди.

Таъкидланганидек, пациенс валентлиги асосан орттирма нисбат шаклидаги феълларда бўлади. ФБлар бир неча лексик компонентдан ташкил топганилиги учун баъзан ФБ таркибидаги феъл орттирма нисбат шаклида бўлмаса ҳам, пациенс валентлигига эга бўлади: *кимнинг бир сўзи иккита бўлмаслик – ким кимнинг бир сўзини иккита қилмаслик*

Туй эгаси ушнг сўзини иккита қилмади. (С.А.)

Баъзан бу каби ҳолатлар лексемаларда ҳам учраб туриши мумкин. *Мажбур қилмоқ, ундамоқ, буюрмоқ, сўрамоқ, талаб қилмоқ, қистамоқ, чорламоқ* сингари аналитик типдаги бирликларнинг пациенс валентлигини юзага чиқариши С.Мухамедова томонидан ўринли мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилади.²

Бундай ҳолат асосан ФБ таркибидаги *бўлмоқ* феълни *қилмоқ* феълни билан алмаштириш орқали юзага келтирилади, яъни нисбат кўшимчаси вазифасини лексема бажаради: *бир ёқли бўлмоқ – бир ёқли қилмоқ, дили сиёҳ бўлмоқ – дилини сиёҳ қилмоқ, ер билан яқсон бўлмоқ – ер билан яқсон қилмоқ.*

¹ Махмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик ассиметрия. – Тошкент, 1984.

² Мухамедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги. – Тошкент, 2005.

Баъзан ФБ таркибидаги ўтимсиз феълни ўтимли феъл билан алмаштириш ҳисобига ҳам иборанинг пациенс валентлигига эга бўлишига сабаб бўлади: *йўлга тушмоқ* – *йўлга солмоқ*.

...*жсон амаки, мени йўлга солиб қўйинг, ўз юртимга кета қолай.* (С.А.)

Баъзан ФБ таркибидаги ўтимли феълнинг бошқаси билан алмаштирилиши: *бўйинга олмақ* – *бўйинга қўймоқ*. Бунда биринчи ФБнинг икки облигатор валентлиги – агенс ва объект валентлиги бўлиб, улар вокеланганда синтактик эга ва тўлдирувчига мос келади. Иккинчи ФБнинг учта облигатор валентлиги – агенс, пациенс ва объект валентлиги бўлиб, улар синтактик жиҳатдан эга, аниқловчи ва тўлдирувчи позициясидаги бирликлар билан тўлдирилади. Аксарият ҳолларда пациенс валентлигини тўлдирувчи бирлик нутқда ифодаланмай, у фразема таркибида эгалик қўшимчаси орқали намоён бўлади.

"Найрангбозлигимни бўйинимга қўйиб беринг!" – *деди тингирлаб, бугишлиб Каримқул.* (О.)

Юқоридаги гапнинг агенс валентлиги кесимлик шакли бўлган шахс-сон қўшимчаси билан, пациенс валентлиги отнинг эгалик шакли билан тўлдирилмоқда.

Кўринадики, фразеологик бирликлар худди бошқа лингвистик бирликлар сингари валентлик хусусиятига эга бўлиб, бу белгисига кўра синтагматик мувосабатга киришади.

ҲАММАДАН БАЛАНДДИР ОНА МАНСАБИ

(Абдурахмон Жомий)

Т.А. Бутунбоева (ЎЗМУ)

Ҳар қандай жамиятнинг асоси оила институтлари ташкил этишнинг ҳаммамиз биламиз. 2012 йил “Мустақкам оила йили” деб эълон қилингани бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 13 декабрдаги Ф-3760-сон фармойиши билан тузилган Республика комиссияси томондан манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ҳамда нодавлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ишлаб чиқилган “Мустақкам оила йили” Давлат дастури тасдиқланди. Оила дейилганда, энг аввал, она тимсоли кўз олдидан келади. Муҳтарам Президентимиз айтганларидек, “Оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил – Она. Аҳли аёлнинг покзалити, оқиллиги, меҳру муруввати, садоқати ва вафодорлигидир”. Асрлар давомида бутун дунёда-шарқда ҳам, гарбда ҳам она - аёл зоти улуғланган. Буюк аждодимиз - мутафаккир Алишер Навоий айтганларидек: “Жаннат боғу бўстонлари оналарнинг оёғи остидадир. Жаннат боғига қирай десанг онанг оёғининг тупроғи бўл”. Улуғ мутафаккир Абдурахмон Жомий эса, қуйидаги мисрани бизга мерос қилиб қолдирганлар: “Ҳаммадан баланддир она мансаби”.

Қалбида Она Ватани, ўз туғилган юрти, ҳамқишлоқлари ва оила аъзоларига чуқур мухаббат туйғусини асраб-авайлаган, бу туйғуни ўз асарларида бизга етказиб берган, орамиздан бевақф кетган сеvimли шоиримиз Аъзам Ўктам ижодида бир неча асрлар олдин онани улуғлайдиган аъналаримиз борлиги ва улар ўта таъсирчан шаклларда берилгани ўқувчини хайратга солади. Биз бу бир кичик мақоламизда шоирнинг биргина “Онам фотиҳаси” шеърини онага бўлган меҳрни ўзига хос тарзда ифодалашига тўхтаб ўтишга ҳаракат қиламиз. Бу шеър 24 мисрадан иборат. Шоир онасининг берган фотиҳаси орқали Ватанни қадрлаш, сеvimли каби ҳиссиётни акс этади. Шеърда ўз ифодасини топган она ер, она юрт, демак, онага бўлган меҳр жўшиб ётади. Буни муаллиф қандай шаклларда кўрсатганини қуйида кўриб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Халқимиздан қолган қадимги ва ҳозир ҳам амал қиладиган удумимиз бор: дарахт ўтказиш. Мана шу удумимиз она васияти орқали “Бешик бўлсин, тобут бўлсин экканга,

Кесма дарахтларин, эк келса қўлдан” шаклида келтирилган. Мана шу икки мисрада иккита тенг таркибли қўшма гап ва унинг қисмларидан иккаласи (охиргилари) бўйруқни ифодаловчи бирликлар. Агар шоир она тили орқали “Болам, қўлингдан келса, дарахт экин”га ўхшаш шаклларни қўлласа, аминмизки, уларнинг таъсир кучи олдинги гапгаддек бўлмайди. Бунда қўшма гапнинг жуда кизикарли тури қўлланган: уни тўлалигича содда гапга трансформациялаш қийин, масалан, “Бешик, тобут бўладиган дарахтларини кесма”. Кейин қўлланадиган гапни “Қўлингдан келса, эк” тарзида ўзгартирсак, у яна қўшма гап шаклини олган бўлади. Демак, иккинчи мисрада учта содда гап жойлаштирилган ва улардан иккитаси йиғиқ таркибли (эк, келса қўлдан) гаплардир. Онанинг фотиҳасида Ўзга юртларни ҳурмат қилиш ҳақидаги фикрлар ҳам чиройли шаклларда берилган:

Сени жўнатишса олис юртларга,
Агар халқи Ўзга тилда гапирса--
Ҳеч тақлид қилмагин сур, бебурдларга,
Сукмагин уйдан сенга жой берса.
Украйма “Сен бизга меҳмон” деганда,
Қийиқ ахтармагин ҳеч қачон қилдан.

Мана шу олти мисрада фақат ўз мамлакати эмас, балки бошқа эл юртларини, уларнинг урф-одатини, анъаналарини эозлаш зарурлиги акс этган ва, биламизки, бундай тилакларни, фақат ўзини эмас, Ўзгани ҳам ўйлайдиган бир зот – она айта олади. Табиат ва жамият, умуман, ҳамма нарса борлиқ қонуллари тугилмоқ-ривожланмоқ-ўлмоқ ёки бошқа шаклга ўтмоқ тарзида ўзгариб боради. Шоир бу фикрни ўз асарларида

Тегирмон борлигин доим ёд этиб,

Қовоғини солиб ўсар буғдойлар

тарзида берадики, бу онанинг ўз фарзандига қараб ҳаётда эҳтиёт бўлишни, ўз келиб чиқишини унутмаслиги, келажакда нималар кутиши мумкинлиги ҳақидаги насихатига ўхшаб кетади. Бу икки мисра битта ёиқ содда гапдир. Яна мисол:

Билсанг, қонга ўхшар лолалар кирда,

Майса ёт оёқлар эзганда қакшар.

Бу ерда битта йиғиқ содда ва бир тенг таркибли қўшма гап мавжуд. Шоир онанинг боласи учун ҳамилша қайи уришини кейинги мисраларда ҳам акс эттирган

Кўзикорин бодраб чиққанда ердан,

Зарб билан тугилган муштларга ўхшар.

Назаримизда, мана шу биргина ёиқ содда гап орқали ҳаммани, хусусан, фарзандларни она она заминни севиш ва қадрланга чорлайди. Ёмонликларни қайта оладиган муштлар ҳамма жойда борлиги ва ёт оёқлар ватан заминидagi майсаларини эзганда, албатта, қаттиқ зарбаларга учраши муаллиф томонидан юқоридаги мисраларда ўзи фодасини топган.

Муаллиф ўз асарини қуйидаги тўрт мисра билан тугатади:

Онанинг бисоти фақат оқ йўлдир,

Сени тортиб турсин тупроқ, она тил,

Қайда юрма, қанча умр кўрма, барибир,

Тобутда бўлса ҳам, юртинга интил!

Бу тўртлиқнинг биринчи икки мисраси содда гап, кейингилари тўрт қисмдан иборат қўшма гапдир. Қўшма гапнинг биринчи икки қисмлари тенг таркибли, кейингиси эса тобе таркибли қўшма гапни ташкил қилмоқда. Кўришиб турибдики, бу шеърда бошдан то охиригача онанинг ўз ватанига бўлган мухаббати ва мана шу мухаббатини у ўз фарзандларига бермоқда. Онанинг ўз ўғлига қилган насихатига диққат қиламиз:

Энди сен ҳукумат одами, болам,
Қулинга бир қоғоз берди ўқитиб.
Унутма – сен кимсан, ким ота-онанг,
Юрма қоғоз билан элини қўрқитиб.

Бу мисраларда ҳам гурур, ҳам ҳавотир, ҳам муҳаббат ва келажакка умид каби бир қатор маънолар ифодаланган. Энг асосийси эса, она тилдан айтилаётган ҳар бир мисрада фарзанд тарбияси ўз аксини топган. Мухтарам Президентимизнинг “Ҳозир тарбия масаласига эътибор берилмаса, келажак бой берилади” деган фикрлари ҳамма учун, хусусан, шоир ва ёзувчиларимиз учун ҳам дастурамал бўлиб хизмат қилиши, табиийдир.

ПРАГМАЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

М.Б.Хужамқулова (ЎЗМУ)

Лисоний бирликларга прагмалингвистик ёндашув ёки уларнинг прагматик таҳлили ўзбек тилшунослигида нисбатан янги йўналиш ҳисобланади. Прагмалингвистиканинг бошқа йўналишлардан фарқи шундаки, у тилдаги лисоний бирликларни эмас, балки нутқ ва унинг эгаси ўртасидаги муносабатни ўрганади. Бу жиҳатдан прагмалингвистика синтактикадан бир мунча фарқ қилади.

Прагмалингвистикада бир қатор ўзига хос тушунчалар, таҳлил усуллари мавжудки, бу ўз ўрнида, ўзбек тилшунослигида янги терминларнинг пайдо бўлишига замин яратди.

Жумладан, нутқий акт назарияси прагмалингвистикада тўлиқ бир таълимот сифатида шаклланди. Тилнинг мавжудлиги инсонларнинг сўзлаш ёки ёзиш ҳаракатларини бажариши билан боғлиқдир. Бу ҳаракатларнинг бажарилиши жараёнида лисоний бирликлар асл маъносидан ташқари, тасдиқлаш, буюриш, огохлантириш, ваъда бериш каби мазмунни ифодалаш имкониятини намоён қиладилар. Бу маънолар сўзловчи шахс томонидан бажарилаётган нутқий фаолият натижасидир. Демак, нутқий акт сўзловчининг маълум муҳитда аниқ мақсадда тингловчига лисоний мурожаатидир.¹ Лисоний жараённинг юзага келиши учун сўзловчи ва тингловчи (адресат ва адресант) вазият ва воқеликдан олдиндан бохабар бўлиши лозим. Масалан, *“Йўл олисми, оқсоқол? Ў.Ҳошимовнинг “Икки эпик ораси” асаридан олиingan ушбу бирликнинг мазмуни, нутқда қайси бир йўл назарда тутилаётганлиги оқсоқол ва унга сўзлаётган шахсгагина маълум. –Олис... Нугайқўрғонга борамиз.*

Биз нутқий вазиятга матн ичидагина аниқлик кирита оламиз, шу сабабли, лисоний бирликлар матн (контекст)да семантик аҳамият касб этади. Нутқий акт ва контекст бир-бирини тақозо этадиган лисоний ҳодисалардир.

Матн ва дискурс тушунчалари ҳам бир-бирига боғлиқ ҳодисалар ҳисобланади. Барчамизга маълумки, матн маълум қолипга солинган воқеланиш жараёнининг маълум бир тугалликка эга бўлган луғавий бирликлар жамланмаси, дискурс эса вазият туфайли юзага келадиган нутқий жараёндир. Матн умумий воқелик тарзда намоён бўлиши мумкин, дискурс эса хусусий нутқий мулоқот жараёни. Лекин матн ва дискурсни бир-биридан кескин фарқловчи тушунчалар деб қараш ҳам фикримизни тўлиқ гасдиқ этмайди. Дискурс матн каби воқеа-ҳодиса, макон ва замон ҳақида тўлиқ маълумот бермайди, лекин унинг пайдо бўлишига асос бўлади. *–Кетасизми, қоласизми?–деди кўзимга совуқ чақчайиб.(Ў.Ҳ).* Асардан келтирилган ушбу парчада сўзловчининг мақсади тингловчигагина маълум бўлган воқелик мавжуд. Қаҳрамонларнинг (Раъно ва Умар закунчининг хиёлати ошқор бўлиб, иккаласиям Қўконга кетиш арафасида) мулоқоти дискурсив воқеликни намоён этган. Улар алоҳида

¹ Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент – 2008

матн бўлмайди, ammo дискурсив бутунликлар бириктиб, бир бутун маънингни ифода бўлишига ва воқеликни тўлақонли очиб беришга замин яратди: *-Болам-чи, Уелим-чи? Ўлиб қолади-ку! -Хайр! Саломат бўлсинлар. Патталарни жусжунча халитиниши, чўнтамига тикди. Иккала чамадонни кучаниб кўтарганча қий-чув қилиб перронга оқайтган оломон орасига шўнғиди. Жон ҳолатда кетидан югурдим...* Ушбу парчаннинг асосий мазмуни контекст (матн)да намоён бўлган.

Гапнинг ифода маънасида кўра турлари синтаксисдан фарқли ўларок, прагматик маъноларнинг воқеликни сифатида таҳлил қилинади. Синтаксисда, биламизки, хабар, дарак, мазмунини ифодаласа-дарак, суран мазмунини ифодаласа сўроқ гап, буюриш, илтимос, маслаҳат маъноларини англатса-буюрқ гапни ифодалайди. Прагматик таҳлил, асосан, сўзловчининг фаолияти, маънаси билан боғлиқ ҳодиса бўлганлиги учун синтактик таҳлилдан бирмунча фарқ қилади.

-Қани, гирой, кетдикми? -деди озгидан тутун чиқариб. (Ў.Х). Синтактик таҳлил бўйича ушбу мисол гапнинг сўроқ гап турига киради (-ми юқламаси ёрдамида ясалган).

Прагматик таҳлил жиҳатдан қаралганда ушбу гапда кўпроқ буюриш оҳанги мавжуд (қани, гирой, кетдик. Уларнинг кетиш-кетмаслиги ёш бола гирой-Музаффарнинг жавобига боғлиқмас).

Прагматик таҳлилни асосий тушунчаларидан бири пресуппозициядир. Пресуппозиция – тил бирлигининг нутқий вазият ҳамда нутқ эгаларининг тил кўникмалари билан боғлиқ тарзда юзага чиқувчи прагматик хусусият бўлиб, моҳиятган гап қурилиши асосида ётувчи яширин ҳукмнинг ташқи ишората асосланувчи кўринишидир¹. Прагматик таҳлил гапда лисоний бирликлар ишораси асосида яширин ифодаланувчи ахборотнинг юзага чиқиши учун хизмат қилади. Нутқ эгасининг тингловчига (ўқувчига) тўлиқ намоён бўлмаган маънаси, пресуппозицион ишораси контекстда, матндагина очиб берилади. Масалан,*Бир китриқ қоқсулик қисқасига умрингизда тинч – тотув янасаларинг бўлмайди? (Ў.Х).* Синтактик жиҳатдан битта гапдан иборат (соғда ёйиқ гап) бўлган ушбу бутунлик пресуппозицион таҳлилда иккита воқеликни намоён этмоқда, иккита пропозицияни ифодаламоқда: *Умр – қисқа. Одамлар тинч – тотув янасаларинг*

.....*Кўчамизга етиб келганимда ҳали ёрув эди. (Ў.Х). Мен кўчамизга етиб келдим.*

Ҳали қоронги тушмаган.

Пресуппозиция кўпинча тилда амал қилувчи лисоний тежамкорлик асосида юзага чиқади. Маълумки, бу тамойилга кўра нутқда – контекстда бевосита ифодаланмасдан, тушириб қолдирилган қисмнинг вазифасини (маъносини) шу контекстда бевосита ифодаланган қайсидир бирлик орқали ифодалашда шаклий (мазмуний эмас) ихчамликка эришилади².

Юқоридаги ҳолатларни гапнинг ифода маънасида кўра турларида ҳам кузатишимиз мумкин. Қиёсанг: Дарак гапларда: *Пайшанба – маош кўни... (Ў.Х). Улар маош оладилар. Улар маошни ҳар ой пайшанбада олади.* Сўроқ гапларда: *Эртага йиғилишига сиз ҳам борасизми? Эртага йиғилиш бўлади. Мен йиғилишига бораман. Йиғилишига сиз ё борасиз, ё бормаيسىз.* Буюрқ гапларда: *Варрагимга қамини олиб берасиз (Ў.Х). Унинг варраги бор.*

Тишуносликда гапнинг ифода маънасида кўра турларининг ажратилиши аслида жумланинг прагматик хусусияти билан боғлиқ. Дарак гапларда ифодаланган дарак,

¹ Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадор келишчилар прагматикаси филология фанлари номзодлик диссертациясига автореферати. Тошкент, 2008, 5 – бет

² Бу ҳақда қаранг: Нурмонов А. Кўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986, № 6 – б. 42 – 45; Раҳимов У. Ўзбек тилида юқламалар пресуппозицияси. Филология фанлари номзодлиги диссертациясига автореферат. – Самарқанд, 1994, 23 – 6.

xabar, taxmin, sўroq gaplarda sўroq – xайрағ, sўroq – таажуб, sўroq – гумон, sўroq – буйрук, sўroq – дарак каби, буйрук gaplarda ифодаланадиган буюриш, истак каби маънолар сўзловчининг коммуникатив мақсади билан боғлиқ прагматик маънолардир. Ўзбек тилидаги содда gapларни прагматингвистик таҳлил қилиш анъанавий тилшунослиқда қўлга киритилган илмий – назарий хулосаларни замонавий лингвистик таҳлил усуллари ёрдамида бойитади. Натижда, тил бирликларининг (жумладан, синтактик белгилар) моҳиятини чуқурроқ ёритади.

BARKAMOL SHAXSNI TARBIYALASHDA ONA TILI FANINING O'RNI

Xoliqova K. – Navoiy pedagogika kolleji

Respublikamizda amalga oshirilayotgan ijtimoiy islohotlar uzluksiz ta'lim tizimini joriy etish, shuningdek, mustaqil fikr egasi, erkin va ijodkor shaxsni tarbiyalab voyaga yetkazishda alohida ahamiyat kasb etmoqda.

Ajdodlardan avlodlarga o'tib kelayotgan bebaho boyligimiz – ona tilimizni asrab-avaylashimiz, uni boyitish, nufuzini yanada oshirish, ayniqsa, ona tilimizni ilmiy asosda har tomonlama rivojlantirish yo'lida tinmay izlanishlar, ilmiy ishlar olib borish talab qilinadi.

Ona tili o'qitishning maqsad va vazifalari, avvalo, til ta'limiga qo'yilgan Davlat standarti talablaridan kelib chiqadi. Ana shunday muhim talablarning bir ko'rinishi mustaqil fikr tay oladigan, nutq va muvoqat madaniyati, og'zaki va yozma nutqi rivojlangan savodxon shaxsni kamol toptirishdir.

Bugungi kunda barkamol shaxsni har tomonlama tarbiyalash eng dolzarb vazifalardan biriga aylandi.

Respublikamizda kamol inson tarbiyasi doimo Prezidentimizning diqqat e'tiborida bo'lib keldi. Jumladan, bolaning dunyoqarashi, didi, salohiyati shakllanadigan boshlang'ich sinflarga eng yetuk, eng tajribali murabbiylar birlashtirib qo'yilishini oddiy mantiqning o'zi talab etadi deb ta'kidlab o'tadilar.

Ma'lumki ota-bobolarimiz qadimdan bebaho boyluk bo'lmish ilm-u ma'rifat ta'lim va tarbiyasi inson kamolati va millat ravnaqining eng asosiy sharti hamda garovi deb bilgan. Albatta, ta'lim-tarbiya-ong mahsul, lekin ayni vaqtda ong darajasi va uning rivojini ham belgilaydigan, yani, xalq ma'naviyatini shakllantiradigan va boyitadigan eng muhim omildir. Shuni unutmaslik kerakki, kelajagimiz poydevori bilim dargohlarida yaratiladi, boshqacha aytganda xalqimizning ertangi kuni qanday bo'lishi farzandlarimizning bugun qanday ta'lim va tarbiya olishiga bog'liq. Shuning uchun hozirgi kunda maktab ta'limida ta'lim va tarbiya bir-biriga uzviy tarzda olib borilmoqda.

Har bir o'qituvchi o'z faniga nisbatan barqaror, bilvosita qiziqishni tarkib toptirishga erishishlari lozim. "Ona tili" faniga qiziqitirish dars mashg'ulotlarini qiziqarli tashkil etish, topshiriqlarning rang-barangligiga erishish, ko'rgazmali, audiovizual va texnik vositalardan unumli foydalanish, dars mashg'ulotlarining amaliy yo'nalishini kuchaytirish, o'quvchini ta'lim jarayonining sub'ektiga aylantirish singari omillar bilan chambarchas bog'langan.

Kichik maktab yeshidagi bolalarda fanga qiziqish o'qituvchini sevishdan boshlanadi. Kichik maktab yoshida bolalar uchun eng katta obro'bu oqituvchi. Bola ona tili fanidan dars beradigan o'qituvchini sevs, uning o'qitadigan fanini ham yoqtiradi. Kichik yoshli maktabxon har qanday bilimni o'qituvchisi orqali idrok etadi. O'quvchilar o'qituvchining oliy himmat, kuyunchak, mehribon ekanligini, ularning har birini tushunish mahoratini hamda o'sib ulg'ayib, kamol topib borayotganligidan xursand bo'lish qobiliyatlarini, o'ta bilimni o'qituvchi ekanligini sezishlari kerak. Ana shundagina, o'quvchilarning sizga degan mehri tobora oshib boraveradi. Siz ularning eng yaqin mehribon kishisiga aylanasiz.

Ona tili ta'limining samaradorligi ko'p jihatdan bolalarning real o'quv imkoniyatlarini hisobga olish bilan chambarchas bog'langan. Bolalarning real o'quv imkoniyatini aniqlash, ularning o'zlashtirish darajasi, o'quv topshiriqlarini bajara olish qobiliyati, o'quv qiyinchiliklarini bartaraf eta olish imkoniyati kabilarini hisobga olish bilan uzviy bog'liqdir. Chunki, bolaning nimaga qodir ekanligini bilmay turib, uni o'qitib bo'lmaydi. Ona tili o'qituvchisi boshlang'ich sinf o'qituvchisi bilan hamkorlikda har bir bolaning real o'quv imkoniyatini aniqlashi, shundan kelib chiqib, o'quv topshiriqlarining murakkablik darajasini belgilashi lozim.

O'quvchilarining yosh xususiyatlarini hisobga olish va undan kelib chiqqan holda ona tilini o'rganish imkoniyatlarini aniqlash quyidagi natijalarga erishishga ko'maklashadi:

- Ona tili ta'limi mazmunini o'quvchilarning real o'quv imkoniyatlariga muvofiqlashtirish. "Ona tili" darsligida beriladigan o'quv topshiriqlari, tushuncha va qoidalar sharhi yoki o'qituvchi tomonidan tanlanadigan qo'shimcha o'quv materiallari bolalarning yosh xususiyatiga qancha muvofiq kelsa, samaradorlik shuncha yuqori bo'ladi.

- O'quvchilarining yosh xususiyati va ona tilini o'rganish imkoniyatlarini aniqlash dars mashg'ulotini to'g'ri tashkil etish, pedagogik texnologiyalardan maqsadga muvofiq ravishda foydalanish imkoniyatini yaratadi. O'qituvchi bolalarning yoshini hisobga olsa, darsni to'g'ri tashkil etadi, o'qitishning maqsadga muvofiq metodini tanlaydi, muammoli vaziyatlar yaratadi va h.k.

- Boshlang'ich sinf o'quvchilarining yosh xususiyatini aniqlamay turib, "O'quvchi + o'quv topshirig'i + o'qituvchi" o'rtasidagi munosabatlarni to'g'ri belgilash mumkin emas. O'qituvchi o'quv topshiriqlari orqali o'quvchi bilan aloqa bog'laydi. Bolalarning yoshini bilish o'qituvchi va oquvchi orasidagi hamkorlikni to'g'ri yo'lga qo'yishga keng imkoniyat yaratadi.

- Boshlang'ich sinf o'quvchilarining real o'quv imkoniyatini aniqlash, bolalarning o'zlashtirish darajasiga qarab topshiriqlarni tabaqalashtirishga shart-sharoit yaratadi. Topshiriqlar o'quvchilarning bilim saviyasiga mos bo'lsagina u samarali bo'ladi.

ТИЛШУНОС ОЛИМ АЮБ ҒУЛОМОВНИНГ МОРФОНОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ

К.Рухсиева (ЎЗМУ)

Профессор Аюб Ғуломов ўзбек тилшунослиги илмий мактабининг асосчисидир. У тил илмининг барча соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб борди: фонетика, лексикология, морфемика, сўз ясалиши, синтаксис, морфология, нутқ маданияти, услубият, бадий асар тили, тил тарихи, диалектология, имло ва ўқитиш муаммолари, луғатчилик каби соҳаларда яратган ишлари фиктимизга далилдир. Айниқса, унинг морфология соҳасидаги изланишлари тилшуносликда муҳим ўрин тутди.

Туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили морфологияси олимлар томонидан кам ўрганилган. Ўзбек тили морфологиясининг дастлабки тадқиқи профессор Аюб Ғуломов номи билан боғлиқ.

Профессор Аюб Ғуломов ўзбек тили морфологиясига доир тадқиқотларида морфологияда ўрганиладиган масалаларни ҳам чуқур таҳлил қилган. Шу сабабли бу буюк олимни ўзбек тили морфологиясининг асосчиси деб аташ мумкин. Туркий тиллар морфологиясига доир масалалар тадқиқ қилина бошлаган дастлабки даврда Аюб Ғуломов биричи бўлиб ўзбек тили морфологиясини ўрганди.

Проф. А.Ғуломов морфологияни "алоҳида таълим" деб атаб, "морфонема", "морфологик альтернатива (алмашув)" терминларининг ўрнига "товуш алмашуви", "фонетик ўзгариш" иборалари ёрдамида барча морфологик ҳодисаларни чуқур

таҳлил қилган ва ҳатто тарихий (диахрон) морфонология масалаларини ҳам тадқиқ қилган.

Акцентологик морфонологияни ўзбек тили мисолида ёритишга ҳам ўз хиссасияни қўшган олим сўз ясашнинг фонетик йўл билан бўлиши урғу кўчириш орқали бир сўздан янги сўз ҳосил қилиш эканлигини қуйидаги мисоллар орқали тушунтиради: янги (новый) – янги (ҳозиргина), ҳозир (гайёр, ҳозирги вақтда) – ҳозир (ҳозиргина), қушча (кичик қуш) – қушча (қуш) каби.¹

Проф. А.Ғуломов шундай ёзади: “Товуш ўзгаришларининг сабаблари ҳар хил (нутқ органларининг ҳаракати, қулай талаффуз қилиш, фарқлаш талаби), инунингдек, ҳар бир ходисанинг ўз фонетик шароити бор: сўзнинг қайси ўрнида келиши, қайси бўғинда ва бўғиннинг қайси ўрнида келиши, очик ёки ёпиқ бўғинда бўлиши, қайси товушлар билан қўшни бўлиши, бирикиши, қандай товушлар орасида келиши, урғули ва урғусз бўлиши”. Товуш ўзгаришларининг барчаси алоҳида хусусиятларга эга бўлади.²

А.Ғуломовнинг бу соҳада ўзи ихтиро этган терминлари ҳам аңчагина. Улардан бири “товуш бошқаликлари” деб аталиб, туб сўзнинг таркибида, сўз ясаш ва форма ясашда, қўшма ва жуфт сўзларда учрайди. Бу ҳодиса бир неча морфемалар уланган ҳолатда рўй беради. Жуфт сўзларда фонетик бошқалик алоҳида хусусиятга эга: эски-туски (эскирган ва тўзиган маънолари билан боғлиқ), ясан-тусан (ясан-тузан, ясанмоқ-тузанмоқ), босар-тусар (босар-турар) каби.

Сўзларнинг соддаланиши улардаги бир неча қисмларнинг ажралмас бир бўлакка айланиши билан изоҳланади. Бундай соддаланиш қўшма сўзларда ҳам учрайди. Масалан, *тоғолча* сўзн аслида икки элементдан иборат бўлса ҳам, ҳозирги тилда ажралмас ҳолга келган: (*тоғ-олуча*) *тоғолча*, *саксон* (*саккиз-ўн*), *тўқсон* (*тўққиз-ўн*), *одамови* (*одам ёви*) й товуши тушган. Бу ўринларда сўзларнинг этимологияси ҳам инобатга олинади. Морфемалар таркиби ва улардаги морфонологик ўзгаришлар ўзаро боғлиқ ҳисобланади. Морфонологик алмашинувларда ўзбек тили унлиларининг барчаси қатнашади. Ундошлар ичида кўпроқ алмашинувчилар тил орқа ундошлари (қ, г, х) ҳисобланади. Бошқа ундошлар бундай алмашинувда камроқ иштирок этади. А.Ғуломов ўзининг “Словообразование путем внутренних изменений слова в узбекском языке” мақоласида ўзбек тилида сўзнинг ички таркибий ўзгариши ҳақида ёзади. Бундай сўз ясаш усули энг қадимий усуллардан бири ҳисобланади. Олим тадқиқ қилга ясаш усули бир бутун системани ифодалайди ва сўзларнинг ички ўзгаришида қуйидаги типларни кўрсатади: товуш алмашиши, товушларнинг иккиланиши, товуш тушиши, товушларнинг ўрин алмашиши.

Товушлар алмашиши, хусусан, унли товушлар алмашишида қизиқали жиҳатлар кўзга ташланади. Бу усул билан бир қанча сўзлар маънолари фарқланади. Масалан: тош-теш (тешмоқ). Тош қадимги иш қуроли; теша сўзи ҳам тош сўздан келиб чиққан. Бу бошқа тиллар материалларида ҳам исботлаб берилган. Ўзбек тили материаллари ҳам бунга тасдиқлайди. Яна бир мисол: қул-қил (қилмоқ). Биламизки, дастлаб одамнинг ягона иш қуроли унинг қўли бўлган, шунинг учун ҳам қилмоқ феъли қўл сўздан келиб чиққан, дейиш мумкин. Қизиги шундаки, Рабғузийнинг “Қиссасул анбиё” асарида, Навоий асарлари ва бошқа бир қанча манбаларда қўл сўзи ҳеч қандай шакл ўзгаришларисиз “олмоқ, қилмоқ, бажармоқ” маъноларида қўлланилган. Ўзбек тилидаги жуда кўп феъллар бошқа кўпгина тиллардаги каби қўл сўздан келиб чиққан, деб таъкидлайди олим.

¹ Ғуломов А. Ўзбек тилида урғу. Т., 1947.

² Ғуломов А. Ўзбек тили грамматикаси. Морфология. 1-том. Т., 1975. 117-б.

Аюб Гулом ўзининг илмий мақолаларида бундай ҳолатларга жуда кўплаб мисоллар келтиради ва уларнинг барчасини илмий жиҳатдан асослаб беради. Жумладан, унинг “О сопствующих явлениях при аффиксации в узбекском языке” мақоласи ҳам ўзбек тили морфонологиясига доир қимматли илмий манба ҳисобланади. Бу мақолада олим аффиксация билан боғлиқ фонетик ва позициял ҳодисаларни таҳлил қилиб берган. Хусусан, сўз ясовчи морфемаларнинг фонетик тасвири, фонетик ўзгаришлар, морфемаларнинг сўз таркибидаги ўрни масаласини ёритиб берган.

Олимнинг бундай қимматли илмий тадқиқотлари ўзбек тилшунослигининг морфонология соҳаси ривожига, шубҳасиз, катта ҳисса қўшган.

БАДИЙ МАТННИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛИ

Доц. Г. Келдиёрова (Тошкент Қимё-технология институти)

Бадий асар тили бадийлигини ўрганиш ўзбек тилшунослигининг ҳозирги кундаги мунозарали ва долзарб масалаларидан биридир. Бугунги кунда бадий ижодкорлар маҳоратини белгилаш унинг тил унсурларидан фойдаланиш борасидаги моҳирлиги мезони билан ҳам бевосита боғлиқ эканлиги яққол намоён бўлмоқда.

Бадий асар тилини ўрганиш Шарқ бадий тасвир воситаларини билиш, белгилаш ҳам демакдир. Тилнинг тасвирий воситалари, стилистик фигуралари эса стилистиканинг ўрганиш объектидандир.

Муайян бадий тасвир воситаларини ўрганиш ёзувчининг бадий тил маҳоратини, халқ тилидаги ифода воситаларининг бойлигини кўрсатиш имконини беради.

Бадий асар тилини ўрганиш ёзувчининг бадий маҳоратини тадқиқ қилиш билан бевосита боғлиқдир. Бадий маҳорат тушунчаси тил ва бадий услуб мезони ҳамдир. Чунки ёзувчининг сўз танлаш санъати, унинг тасвирий воситалардан фойдаланиш, сўз қўллаш маҳорати бадий асар тилини ўрганишнинг асосини ташкил қилади.

Бадий асар тилини бадий-услубий жиҳатдан ўрганиш узок тарихга эга бўлса-да, унга эътибор XX асрнинг 30 - йиллардан янада кучайди. Бу борада жаҳон, рус тилшунослигида, кейинроқ эса ўзбек тилшунослигида ҳам жиддий тадқиқотлар яратилди.

Акад. В.Виноградовнинг таъкидлашича, бадий адабиёт тилини таҳлил қилиш тилшунослик ва адабиётшуносликка яқин, бироқ уларнинг ҳар иккисидан ажратиб туривчи махсус филологик фаннинг предмети бўлиши лозим.

Х.Дониёров ва С.Мирзаевлар бадий адабиёт тилини ўрганиш лингвистик ҳамда стилистик жиҳатдан олиб борилиши зарурлигини таъкидлаб, лингвистик аспектда ёзилган илмий ишлар, одатда, фақат тил категорияларини ва тилдаги ўсиш-ўзгаришларни ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўйишни, стилистик аспектдаги тадқиқотлар эса ёзувчининг тилдан фойдаланишидаги санъатини ва умуман, бадий маҳоратини ўрганиш иши билан у ёки бу тарзда боғланган ишлар эканлигини қайд этадилар.

Лингвистик аспектда муайян тилнинг маълум бир даврдаги ва замонавий даври ҳолати, уларнинг умумий ва фарқли томонлари, унга хос бўлган хусусиятлар, грамматик ўзига хосликларни тадқиқ этиш мақсадида бадий асарлар тили ўрганилиши мумкин. Бунинг учун тадқиқот материали сифатида бадий асарлар танланади.

Яъни, Х.Дониёров ва Б.Йўлдошевлар таъкидлаганларидек, бадий нутқ муаммолари тилшунослик ва адабиётшунослик аспектиларини ўзида бирлаштирувчи ягона стилистик аспектда текширилса, фойдали бўлади.

Бадий асар тилини таҳлил қилиш асар ғояси билан боғлиқ ҳиссий мазмунни ифода этувчи лингвистик воситаларни кўрсатиб беришдир. С.Каримов тасвирий воситаларнинг пайдо бўлиши бадий ижод намуналарини бир қадар гўзал, жарангдор, таъсирли қилиб баён этиш заруратидан келиб чиққанлигини кўрсатган. Муайян бадий тасвир воситаларини ўрганиш ёзувчининг бадий тил маҳоратини, халқ тилидаги ифода воситаларининг бойлигини кўрсатиш имконини беради.

Бадий асар тилини стилистик аспектда ўрганишнинг асосий мақсади тилнинг эстетик вазифасини тадқиқ этишга қаратилган. Бадий асар тили тадқиқига бағишланган ишларда тилнинг экспрессив вазифаси тилнинг поэтик вазифаси, тилнинг бадий вазифаси, тил эстетикаси билан уйғунлашади. Бадий асар тилини ўрганишдаги ушбу йўналиш фақат адабиётшунослик ёки фақат тилшунослик юзасидан ўрганиш кийин. Бунинг учун адабиётшуносликнинг адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, поэтика каби йўналишлари ва тилшуносликнинг тил тарихи, лексикология, семасиология, этимология, фразеология, стилистика, грамматика каби йўналишлари билан ҳамкорликда иш кўриши мақсадга мувофиқдир.

Бадий асар тилини лексик-стилистик жиҳатдан ўрганилганда бадий тил воситаси бадий асарда асосий фикр, тушунчани ифодалабгина қолмай, баки унинг образлигини ҳам таъминлашига ҳам эътибор қилиниши лозим.

Бадий асар тилини ўрганиш тадқиқотчидан матн ҳақида тушунча, матн бирликлари, бадий асар таҳлили орқали унинг эстетик қийматини, бадий тасвир воситаларини ҳамда жанр хусусиятларини англаб етишни, ёзувчининг тил бирликлари имкониятларидан қай даражада фойдаланганликларига баҳо беришни, матндаги парадигматик ва синтагматик муносабатлар бўйича билимларга эга бўлишларини, матннинг лингвостилистик турларини, ҳар бир услубнинг ўзига хослигини, матндаги миллийлик, анъанавийлик, мсьёрга мослик масалаларини таъминлашни назарда тутишни билишни, матни шарҳлаш қўникмаларини шакллантиришларини, матндаги камчиликларни тўри баҳолаёт олишларини таказо этади.

O'ZBEK VA INGLIZ XALQ TOPISHMOQLARINING BA'ZI BIR XUSUSIYATLARI

Bobonazarova S. (TDPU)

Ko'p asrlik xalq donishmandligining durdonalari – topishmoqlar inson idroki, kuzatuvchanligi, poetik tasavvur qobiliyatini o'stiruvchi aqlning quvnoq o'yini bo'libgina qolmay, ajdodlarimizning ruxiy olami, tarixiy o'tmishini bilishda kalit vazifasini ham o'taydi. Topishmoq qaysi bir xalq ijodi mahsuli bo'lmasin, u bir tomondan o'sha xalqning milliy mentalitetini ko'rsatsa, ikkinchi tomondan umuminsoniy xususiyatlarga ham ega bo'ladi. Topishmoq aytish qadim zamonlardan boshlab xalqlarning ijtimoiy shart-sharoitlari, dunyoqarashlari, urf-odatlari bilan bog'liq bo'lgan. Topishmoqlarni yaratishda turli xalqlarda turli badiiy vositalardan foydalanilgan. Topishmoqlarning uslubi metafora(istora), ko'chim, kinoya, qochirma yo'li bilan so'zlarni ko'chma ma'noda ishlatib yashirilgan narsa-hodisalarning belgilariga ikkinchi bir narsa-hodisalarning belgilarini qiyoslash, imo-ishora qilishdan iboratdir. Topishmoqlar nihoyatda ixcham, muxtasar bo'lishiga qaramay, badiiy tasvir vositalariga juda boy. O'zbek xalq topishmoqlarining asosiy qismini metaforaga asoslangan topishmoqlar tashkil etadi. Metafora tasvirda obrazlilikni ta'minlashga xizmat qiladi. Metafora muayyan bir narsaning tashqi ko'rinishi jihatidan boshqa bir narsaga o'xshashligi asosida ko'chimiga asoslanadi. Masalan: "Uy ustida sara yoy", bunda jumboqlangan narsa qosh, ko'chim esa yoydir.

Yoki: "Tosh ustida qo'sh chiroq", bunda jumboqlangan narsa ko'z, ko'chim qo'sh chiroq.

Yoki: "Yer tagida qizil ximich", bunda jumboqlangan narsa chuvalchang, ko'chim esa ximich.

Metaforaga asoslangan topishmoqlarning ancha murakkab, savol-javob tarzida tuzilgan turlari ham uchraydi. Masalan:

U nimadir, havodagi do'langan,

U nimadir, yer yuzini suv olgan,

U nimadir, yelkasida og'zi bor,

U nimadir, o'rtasida mag'zi bor?

Topishmoqning javobi ham huddi qo'yilgan savolga o'xshab she'riy shaklda ko'p komponentli:

Bulut bo'lar havodagi do'langan,

Yomg'ir bo'lar yer yuzini suv olgan,

Tegirmondur yelkasida og'zi bor,

Bug'doy bo'lar o'rtasida mag'zi bor.

Bu xildagi topishmoqlar faqat o'zbek xalq topishmoqlari orasida emas, balki o'zga xalqlarning folklor namunalari ham ko'plab uchraydi. Masalan, ingliz xalq topishmoqlari orasida ham metaforaga asoslangan savol-javob tarzida tuzilgan topishmoqlarni uchratishimiz mumkin:

What is it, can run, but never walk,

What is it, often a murmur, never talk,

What is it, has a bed, but never sleep,

What is it, has a mouth, but never eat?

(U nimadir, yugurar, sayr qilolmas,

U nimadir, shivirlar, so'zlay olmas,

U nimadir, yotog'i bor, uxlolmas,

U nimadir, og'zi bor-u yeyolmas?) (daryo)

Yoki:

What is it,

Clean, but not water,

White, but not snow,

Sweet, but not hone?

(Bu nimadir, Toza, ammo suv emas,

Oppoq, ammo qor emas,

Shirin, ammo asal emas.) (sut)

Ba'zi bir topishmoqlarda metafora jonlantirish usuli bilan namoyon bo'ladi. Masalan: Qora botir otdan tushdi,

Askarlari o'rab olishdi.

Bu topishmoqda metafora jonlantirish usuli bilan namoyon bo'lgan. Ingliz xalq topishmoqlari orasida ham bu turdagi topishmoqlarni uchratishimiz mumkin:

What is it that lives on paper,

But dies on water?

(Qog'ozda yashaydi, suvda o'ladi)(olov)

Topishmoqlarning aksariyati o'xshatish san'ati asosiga qurilgan. Topishmoqlarda ikki yoki undan ortiq tushunchani o'xshash yoki farqli jihatlarini qiyoslash, taqqoslash orqali jumboqlangan predmetni topishga ishora qilinadi. Odatda qiyosning ikki turi farqlanadi, bunda qiyoslashning maqsadidan kelib chiqiladi. Agar ikki predmet yoki tushuncha ular o'rtasidagi farqni ko'rsatish maqsadida qiyoslangan bo'lsa, sof qiyosiy konstruksiya shakllanadi. Masalan: Otdan baland, itdan past. (egar) Qiyoslash, o'xshatish maqsadini ko'zda tutganda esa o'xshatish konstruksiyasi shakllanadi. Masalan:

Po'sti qalin qovoqday,

Yoki:

Beli bog'li tanobday,
Mevasi sarig' yog'day. (yong'oq)
Oqligi sutday,
Ko'kligi milday,
O'tirishi bekday. (zag'izg'on)

Xullas, badiiy jihatdan juda ixcham bo'lgan xalq og'zaki ijodining eng kichik janrlaridan biri bo'lgan topishmoqlar hamma zamonlarda va hamma xalqlarda ham fikrni rivojlantirish, aqlni charxlash vositasi bo'lib kelgan va hozirgacha o'z ahamiyatini yo'qotmagan.

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ ИСТИҚБОЛИ ҲАҚИДА ҚАЙДЛАР

Н. Алавутдинова (ЎЗМУ)

XX асрнинг 40-80-йиллари давомида ўзбек тилшунослиги катта илмий ютуқларга эришди. Таъкидлаш жоизки, бу даврда Т.Иброҳимов, А.Н.Кононов, А.Ғуломов, У.Турсунов, С.Усмонов, О.Усмонов, Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова, Ш.Шоабдурахмонов, М.Мирғожиев, А.Ҳожиев, Ф.Қамолов, Р.Қўнғуров, М.Мирзаев, И.Расулов, Ж.Мухторов каби яна бир қатор етакчи олимлар ва улар издошларининг тилга система сифатида ёндашувлари (кенг маънода) шу давр ўзбек тилшунослигини жаҳон тилшунослиги даражасидан орқада қолмаслигини тўла таъминлади. Бу давр тилшуносларининг ўз тадқиқотларида ўзбек тилининг ўзига хос ички хусусиятлари ва тараққиётини ҳисобга олган ҳолда моҳият-ҳодиса, сабаб-оқибат, имконият-воқелик, мазмун-шакл, умумийлик-хусусийлик, статиклик – динамиклик, синхрония-диахрония, дедуктивлик ва индуктивлик, диалектиканинг умумий қонунлари ва яна бошқа категорияларини идрок этиб, бирор ҳолатда, фақат мазмунга ёки фақат шаклга таяниб, ёхуд функциягагина таяниб иш қўрмаганлиги, жаҳон тилшунослигининг, хусусан, рус тилшунослигининг энг сўнгги ютуқларидан келиб чиқиб тадқиқотларини амалга оширганлари ҳамда ҳодисаларни мумкин қадар чуқур тадқиқ этишга интиланларининг натижасидир.

1957 йилда «Ҳозирги замон ўзбек тили» (лексикология, фонетика, графика ва орфография, морфология) илмий грамматикаси яратилди.¹ Шунинг таъкидлаш жоизки, бу асар юзага келишидан аввал ўзбек тилшунослигининг лексикология, фонетика, графика, орфография, морфология бўлимлари бўйича кўплаб рисолалар нашр этилди. Улардаги камчиликлар бартараф қилиниб, мукаммаллаштирилган ҳолда шу давр ўзбек тилшунослигининг катта ютуғи ҳисобланган бу асарнинг яратилишига замин бўлди.

1960-йилларда «Ўзбекский язык», «Грамматика современного узбекского литературного языка», «Основы фонетики и грамматики узбекского языка», «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Ўзбек тили» дарсликлари ва 2 жилдлик «Ҳозирги ўзбек адабий тили» илмий грамматикаси яратилди.² «Ҳозирги ўзбек адабий тили» илмий грамматикаси (1966) ўзбек тилининг барча сатҳлари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижаси сифатида нашрга тайёрланди. Худди шу давр маҳсули сифатида яратилган «Ўзбек тили грамматикаси» (1975, 1976), кейинроқ «Ҳозирги ўзбек адабий тили»³, «Ўзбек адабий тили тарихи» (1982) қўлланмаси, «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслиги (1987), «Ҳозирги ўзбек адабий тили» 1-2 қисмлар, М.Миртожиевнинг «Ўзбек тилида полисемия», «Семасиология» китоблари, Р.Қўнғуровнинг ўзбек тилининг форма ясовчи аффикслари борасидаги ишлари ўзбек тилшунослигининг XX аср 40-80-йиллари тараққиётини белгилайди. Улар шу даврда бажарилган фундаментал илмий тадқиқотларнинг умумлашмасидир. Мазкур жараёнда ишгирок этган тилшуносларнинг барчаси ўз тадқиқотлари билан истиснол даври ўзбек тилшунослигининг пойдеворини яратиб, унинг ривожланишини таъминладилар. Ана шу олимлар ва уларнинг илмий тадқиқотларисиз кейинги давр тилшунослиги тараққиётини тасаввур қилиш қийин.

Айниқса, XX асрнинг 60-йилларидан ўз илмий фаолиятини бошлаган ва ҳозирги кун тилшунослиги тараққиётига ҳам ўз ҳиссаларини қўшаётган кейинги ўрта бўғин тилшунослари М.Мирғожиёв, Ф.Убаева, Э.Бегматов, Э.Фозилов, Э.Умаров, А.Ҳожиёв, Ҳ.Жамолхонов, Ш.Раҳматуллаев, М.Аъламовалар ҳамда улар қаторига қўшилган Ё.Тожиёв, А.Бердалиев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Р.Сайфуллаева, Қ.Солиқов, Ҳ.Далабоев, М.Р.Юнусов ва яна бошқа кўп тилшуносларнинг илмий тадқиқотлари ҳам бу давр тилшунослиги ютуқларини тўлдиради ва раванкига ҳисса қўшади. Айнан мана шу тилшунослар билан бир қаторда улар сафига кейинроқ қўшилган С.Каримов, Ҳ.Шамсиддинов, Б.Йўлдошев, А.Маматов, С.Ашпирбоев, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, А.Мамажонов, Т.Мирзақулов, Б.Тўйчибоев, А.Мадвалиев каби яна ўнлаб тилшунослар истиқлол даври тилшунослигини 40-80-йиллар ўзбек тилшунослиги билан боғлаб турувчи кўприк вазифасини ўтаётдилар.

Шуни мамнуният билан таъкидлаймизки, юқорида номлари қайд этилган тилшунослар илмий тадқиқотлари тил бирликларига турли жиҳатлардан ёндашиш, тилшунослик сатҳларининг ўзаро мустақкам алоқада эканлигини, шунингдек, тилшуносликнинг ўзини ҳам бошқа фанлар, йўналишлар билан муносабатини ҳисобга олиб социolingвистика, этика, эстетика, (компьютер лингвистикаси), прагматика, ҳатто, география, биология, фалсафа, мантик ва яна бошқа фанлар, соҳалар билан ўзаро боғланган тарзда семантикани татбиқ этиб ёндашиш натижалари сифатида юзага кела бошлади. Бу борада, албатта, Ш.Сафаровнинг прогматика ва когнитив тилшунослик борасидаги ишларини қайд этмаслик мумкин эмас¹. Бу ишлар, шубҳасиз, ўзбек тилшунослигида тил ҳодисаларини кенг қамровли йўналишларда, тил-нутқ муносабатида, бирликларга изчил, иерархияли ва ўзаро алоқадорликда, имкониятларнинг намоён бўлиш тарзида, даражаланиш жиҳатларини ҳам тўлиқ ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш учун замин бўлди. Айниқса, сўз, тил бирликлари имкониятларини тўла очиб бериш, яъни субстанциал ёндашувга (бу анча илгари бошланган) эътиборни янада кучайтириш шу кунгача қилинган ишларга тўғри баҳо бериб, улардаги бундай ўринларни тўлдириш, бу ишларда қайд этиб ўтилган долзарб муаммолар ечимини топишга қаратилган ишларни кучайтиришга эътибор қаратилди. Академик А.Ҳожиёв “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида “Тилшуносликнинг долзарб муаммолари” руқнида эълон қилган қатор мақолаларида, айнан шундай муаммолар ечими ва уларга мустақиллик даври нуқтан назаридан муносабат билдирилганлигини алоҳида таъкидлаймиз. Кейинги вақтда (асосан истиқлол даврида) Р.Сайфуллаева, М.Қурбонова, Т.Мирзақулов, О.Бозоров, Ш.Искандарова, Д.Ўлутфуллаева, А.Собиров, С.Мухаммедова, С.Маҳаматқулов, А.Иброҳимов, З.Ҳолмонова, С.Ризаев каби олимларнинг бу борада тадқиқотлар олиб бораётганлиги кузатилади. Албатта, булар сафи кенгайиб борапти. Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, уларнинг аксарияти XXI аср тилшунослиги тараққиёти учун назарий асос бўла олган, манба вазифасини ўтаган, шу тараққиётни бедгилаб берган олимлар қарашларига ҳурмат билан қараш, улардаги илгор фикрларни ривожлантириш, бойитиш йўлини танлаб иш тутаяптилар. Бу эса XXI аср тилшунослиги назарий асосланган, амалий тасдиқланган илмий қарашларнинг қадриятлар билан уйғунлигини таъминлайди. Айнан мана шу уйғунлик ўзбек тилшунослигининг шаклланиш даврларини тараққиёт босқичлари билан узвий боғлайди. Тилшунослигимиз тараққиётини ўтмиши, бутуни ва келажаги билан бир бутун система эканлигини таъминлайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.-Л.: 1960.
2. Ҳозирги замон ўзбек тили/Ф.Жамол таҳрири остида/Т.: ЎзССРФА нашриёти. 1957.
3. Решетов В.В. Узбекский язык (фонетика) част 1, Введение. И., Фан, 1959, 357-бет.
4. Решетов В.В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. Учитель. Т., 1965, 243-бет.
5. Мирзаев М. ва б. Ўзбек тили. Т.: Ўқитувчи. 1966, 186-бет.

МУНДАРИЖА

1. Тожиев Ё. (ЎЗМУ) Яна сўз таркиби, морфема таснифи, ўзак морфема, негиз, туб сўз, аффикс (қўшимча) ҳақида.....	3
2. Аширбоев С. Абдурауф Фитратнинг иккинчи даражали булак таъкини.....	10
3. Сайфуллаева Р., М.Хамидова. Қўшма гап ҳақида айрим мулоҳазалар.....	13
4. Муҳамедова С., Т.Уралова. Тилшуносликда эмоционаллиқнинг ўрганилиши.....	17
5. Искандарова Ш., Н.А.Ҳошимова. Ассоциатив майдон ва ассоциатив муносабатлар ҳақида.....	20
6. Қурбонова М. Модал гап кенгайтирувчилари.....	22
7. Менглиев Б. Тилшунослик: зарурият ва анъана.....	24
8. Абдусайдов А., Эшмуродов А. Мағбуот рекламаларининг тили ва услуби.....	29
9. Эназаров Т. “Ўзбек номшунослиги” курсининг назарий ва амалий муаммолари.....	34
10. Набивса Д. Интонациянинг тил тизимидаги ўрни.....	39
11. Мамажонов А. Синтактик омонимия хусусида.....	40
12. Шаҳобиддинова Ш., Носирова Г. Менталитетда эмоцияларнинг ўрни.....	42
13. Сапарниязова М. Гап пропозитив структураси ва конъюнкция.....	43
14. Абдиев М.Б. Соҳа терминологияси шаклланишида «-и аффиксли лексема +от» қолипли бирикма терминларнинг роли.....	44
15. Ўринов Б. Ҳайвонот номлари билан ифодаланган метафоралар ҳақида.....	47
16. Абузалова М., Сафарова Д. Равиш сўз туркумига мансуб семантик-синтактик гуруҳлар.....	49
17. Назарова С.А. Объектги бирикмалар парадигмалари.....	50
18. Каримжонова В., Шаймарданова А. Маъно кучайтирувчи воситалар.....	53
19. Эрназарова М. Мулоқот тизими шахс унсурининг хусусиятлари.....	55
20. Алаутдинова Н. ХХасрнинг 20-30-йилларидаги ўзбек адабий тили таракки ётининг ҳолати.....	57
21. Кабулжонова У.С. Равишларда даража масаласи.....	59
22. Нормўминов Ш. Газета мақоласи ва илмий мақоланинг айрим хусусиятлари.....	60
23. Эрназарова М. Лисоний ва нуқий системалар таъкики.....	64
24. Сатторова М. Адабий таълимда узвийлик муаммоси.....	65
25. Тухтаева Б. Тафаккур ривожиди муаммоли таълимнинг ўрни.....	66
26. Шукуров А. Ўзлашган сўзларнинг матнда ифодаланиши.....	67
27. Ҳамидов А. Бадиятни яратишда ифода усулининг роли.....	68
28. Бердиев Ҳ. “Оқ уй” га оид тушунчаларнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” да ифодаланиши.....	70
29. Сайндраҳимова Н.С., Қобулова У.С. Парцелляция ҳодисаси ва унинг ўрганилиши.....	72
30. Раҳматов М. Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асарида мақсад эргаш гапли қўшма гаплар.....	74
31. Азимов И. Боғланган қўшма гапларнинг ўзаро боғланиш усуллари.....	76
32. Қаюмова М.С. Негативлик категориясининг инглиз тилида ифодаланиш хусусиятлари.....	76

33.	Сувонова Р. Жой номлари билан боғлиқ метонимиялар.....	81
34.	Жўраев Б. Когнитивная теория в языке.....	83
35.	Қаюмова М. Тилларни қиёсий типологик жиҳатдан ўрганиш тарихига қисқа назар.....	84
36.	Курбонова Х. Она тили дарсларида “ижодийлик”, “ижодкорлик”, “ижодий тафаккур” масалалари.....	87
37.	Жўраев Б. Концепт қўз узбекской языковой картине мира.....	88
38.	Баҳриддинова Б. Мактабда лугат билан ишлаш ва унинг аҳамияти.....	90
39.	Юлдошева Н. Ўзбек, инглиз ва рус тилларида кесимнинг ифодаланиши.....	93
40.	Зияева С.А. Обеспечение функциональной точности перевода с использованием грамматических трансформаций в обучении иностранному языку.....	95
41.	Садуллаева Н.А. Ажратилган кенгайтирувчилар.....	98
42.	Йўлдашева Х. Тарихий муҳит ва тил муштарақлиги.....	101
43.	Рашидова У. “Кўз” ва “Юрак” компонентли ибораларнинг айрим семантик-функционал хусусиятлари (Шоира Зулфия шеърляти мисолида).....	1037
44.	Жамолхонова М. Риторик сўрок гапларнинг ўзбек халқ дostonларида қўлланилиши.....	105
45.	Пирматова М. Гендер тилшунослиги: аёл матнида оила концепциясининг ифодаланиши.....	107
46.	Шаймарданова А. -лар қўшимчасиянинг полисемантик ва бошқа услубий маъноларининг латин хусусияти.....	109
47.	Максудова М. Ўзбек эрака ва аёлларининг саломлашиш ва қўришиш тавсифи.....	111
48.	Максудова М., Шарипова М. Алишер Навоий шеърлятида тажниси томм.....	113
49.	Мансурова Н. Эски ўзбек тили ва ёзуви фанининг ўқитилишида инсерт усулидан фойдаланиш.....	114
50.	Хабибуллаева Ф.К. Мотив любви и смерти в лирике И. Бунина.....	115
51.	Нормуннов Ш., Абдусайдов А. Мақола жанрининг лингвистик тадқиқи муаммолари.....	117
52.	Хабибуллаева Ф.К., Абдурахимова М. Образ автора и поэта Гафиза в драматизированной арабской сказке Н.С.Гумилева “Дитя Аллаха”.....	121
53.	Артикова М. Ўзбек ва испан газеталаридаги рекламаларда прецедентликнинг миллий-маданий хусусиятлари.....	123
54.	Пардаев А.Б. Грамматикализацияни юзага келишида тежамллик тамойилининг аҳамияти.....	125
55.	Умурзоқова М. Сегмент қурилмалар ва уларнинг ўрганилиши.....	129
56.	Икратова С. Тил бириклярида макон маъносининг контекстуал кучсизланиши.....	132
57.	Алавутидинова Н. Ўзбек тилшунослигининг истиқболи ҳақида қайдлар.....	134
58.	Тоирова Г. Мумтоз маърифий асарнинг лингвопрагматик тақлини.....	136
59.	Артикова М. Ўзбек тилидаги газеталар матнида мақоллардан фойдаланишнинг миллий маданий хусусиятлари.....	139
60.	Айтбоев Д. Туркий тилларда қўшма гап қисмларининг боғланилишида сўмакчиларнинг ўрни.....	140

61.	Хаджаев Ш. Ўзбек адаблари сукут одоби тўғрисида.....	142
62.	Хабибуллаева Ф.К., Юлдашева М. Урбанистические мотивы в лирике В.Я.Брюсова.....	143
63.	Раҳимов А.У. Ўзбек тилшунослиги тараққиётининг эмпирик, назарий ва метаназарий босқичлари.....	145
64.	Хушназарова Д. Семантические способы образования узбекских и русских абстрактных существительных как стилеобразующие факторы.....	148
65.	Беккулова Ш. Газета фразеологизм-сарлавҳаларни стилистикаси.....	150
66.	Ғаниева Д. Ўзбек тилидаги <i>-и/-иш</i> шаклининг синкретик табиати ва полифункционалиги.....	153
67.	Қурбонова М. Мустақиллик дostonларида метонимия ва синекдохдан фойдаланиш маҳорати.....	156
68.	Омонов М., Анваржонова М. Алишер Навоий ғазалларида изофали бирикмаларнинг қўлланиши.....	159
69.	Умарова Н., Хайдаров Д. Ғазалларда ўзлашма сўзлар.....	161
70.	Закирова Ҳ.Р. Эргаштирувчи боғловчи воситаларнинг модели.....	162
71.	Болибекова М. Ўзбек тилшунослигида кесим субстанциал талқинининг фалсафий методологик асослари.....	163
72.	Умирзоқова Ф.И. Ўзбек тилидаги “тафаккур” семали феълларнинг объект валентлиги.....	166
73.	Раҳмонов С. Бошланғич синфларнинг Ўқиш дарсларида кўчма маъноли бирикмаларни ўқитиш тажрибасидан.....	168
74.	Жумаев О. Реклама матнларини яратишнинг айрим лингвистик жиҳатлари.....	170
75.	Дадажонова О.Т. Мухаммад Юсуф шеърларида метафораларнинг услубий хусусиятлар.....	172
76.	Убайдуллаева Н. Олий таълимда мустақил ишларни тўғри ташкил этиш гаълим самарадорлиги омилли сифатида.....	175
77.	Хўжамкулов А. Ўзбек тилида ўхшатиш ва метафора.....	178
78.	Ғаниева Ш. Ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг пациенс валентлиги.....	180
79.	Бутунбоева Т. Ҳаммадан баланддир она мансаби.....	182
80.	Хужамкулова М.Б. Прагматингвистик таҳлил ҳақида баъзи мулоҳазалар.....	184
81.	Холиқова К. Баркамол шахсни тарбиялашда она тили фанининг ўрни.....	186
82.	Рихсиева К. Тилшунос олим Аюб Ғуломовнинг морфонологик қарашлари.....	187
83.	Келдиёрова Г. Бадий магнинг лингвопоэтик таҳлили.....	189
84.	Бобоназарова С. Ўзбек ва инглиз халқ топишмоқларининг баъзи бир хусусиятлари.....	190
85.	Алавуiddинова Н. Ўзбек тилшунослигининг истиқболли ҳақида қайдлар.....	192

5000c
1/682